

ҚИЛИЧ ҚУЛИЕВ

# Ҳора наравон

Роман

Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент—1975

Русчадан  
САЪДУЛЛА ҚАРОМАТОВ  
таржимаси

Кулиев Қ.  
Қора карвон. Роман. [Русчадан С. Кароматов таржимаси.]  
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.  
376 б.

Қ. Кулиевнинг «Қора карвон» асари туркман адабиётига қўшилган янги саҳифадир. Романнинг формаси оригинал. У инглиз разведкачиси — полковник Чарлз Форстер тилидан ёзилган.

Революция ва миллий озодлик ҳаракатининг ашаддий душмани — Форстер ўз бошлиғи генерал Маллесоннинг буйруғи билан Бухоро амирлигига ва Совет Ўрта Осиёсига қора ниятда сафарга чиқади.

Уларнинг мақсади битта: Ўрта Осиёни ўз мустамлакаларига айлантириш, революция, озодлик, эрк йўлини тўсиш.

Кулиев Қ. Черный караван. Роман.

Ўз2

К 70303—25  
352(06)—75 158—75

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975 й.  
(таржима)

Инглиз дипломатиясининг асосий кучи ҳеч қачон элчихона ва миссионерлик ташкилотларининг ҳашамдор биноларида қаққайтириб қўйилган ва ўз мансаблари ҳамда империянинг уларга берган имтиёзлари билан атрофдагиларни ҳайратга сола оладиган зотларда бўлган эмас. Савлатларигина от ҳуркитадиган бу зотлар кўпинча уларни ўраб олганларнинг амр-фармонларига қараб иш тутадилар. Инглиз дипломатиясининг кучи унинг кўп сонли айғоқчиларида, Арабистонда ўзаро бир-бирларига душман шайх ва султонларга раҳнамолик қиладиган, Эронда қолоқ уруғларни марказий ҳукуматга қарши юришга бошлайдиган, курдистонлик феодалларни гоҳ Эронга, гоҳ Туркияга гижгижлатадиган, Осиёдаги майда уруғлар орасига нифоқ солиб, айғоқчиларини Совет Ўрта Осиёсига кўплаб юборадиган, Бухоро контрреволюциясини сунъий равишда қўллаб-қувватлаб, уни ишга соладиган, Тибет ва Узоқ Шарқнинг энг чекка жойларига етиб борадиган ўта уddaбуру, эпчил ва қаллоб полковникларидадир.

Г. В. ЧИЧЕРИН

Тақдир иродаси мени сертарвиш ёз кунларидан бирида «муқаддас» Ганг соҳилларидан «муқаддас» Машҳадга олиб келиб ташлади. Чидаб бўлмайдиган даражада иссиқ, озорижон жазирама одамларнинг тинка-мадорини қуритмоқда. Ҳамма бирдай: жон сақлайдиган салқин куннинг тезроқ келишини кутарди. Табиат эса борган сари заҳрини сочмоқда: худди кундузги иссиқ етмаганидай, тунда ҳам нафас олиш душвор. Жазирама ҳарорат баданларни чирмовуқдай ўраб олиб ўпкани тўлдирарди. Ора-чора эса жанубдан оташ пуркаб келадиган «афғон шамоли»<sup>1</sup> эсиб, сўнгги нам заррачаларини ҳам ямлаб кетар эди. Тирик мавжудотларнинг бариси сўнган, атрофда беҳол, мудроқ сукунат ҳукмрон.

Аммо бугун иссиқ бир оз шаҳдидан тушди. Кун бошида шимоли-ғарбдан эсан салқин шабада бир зум бўлса-да, кундузги жазирамани ҳайдаб кетди. Ҳаво енгиллашди, ҳамма эркин нафас ола бошлади.

Соат тўққизда Екатеринбургда бўламан, деган эдим. Ҳаво ўзгариши билан менга ҳам жон кирди: тезда ювиниб, кийиндим-да, машинани юргизиб, таниш кўча бўйлаб ҳайдадим.

Эндигина қоронғи тушган бўлса-да, Машҳадга жимлик чўккан эди. Кўчалар бўм-бўш, шаҳар ҳаёти димиққан чойхоналар ва тор карвонсаройларга кўчган эди.

Екатерина мени атрофини қалин ток новдалари ўраб

<sup>1</sup> Жазирама иссиқ пуркайдиган қуруқ шамол.

олган кенг айвонда кутиб олди. Ҳавонинг ўзгариши уй бекасига ҳам таъсир этибди: унинг кайфи чоғ, чеҳраси очиқ эди. Диванга ўтириб, менга ҳам ёнидан жой кўрсатгач, Екатерина енгил тортиб тин олди-да, деди:

— Э худога шукур-э! Шамол тинмаганида, назарим-да худди бошим ёрилиб кетар эди! Дўзахнинг ўзгинаси-я! Илоҳи кўрганамиз шу бўлсин. Чарлз, қара... Ҳозир қандай яхши! Одам уйга киргиси ҳам келмайди. Бошқа оламга киргандайсан.

Кўчадан келган енгил шабада Екатеринани эркалатгандай унинг дўмбоққина рухсорини ва бир тутам сочини силаб-сийпаларди. У пинжимга тикилиб, соқолимни аста силади.

— Чарлз... Соқолингни қириб ташла, ўн ёшлар чамаси яшарасан.

— Наҳот шунчалик қариб қолган бўлсам?

— Йўқ, сени қара-ю... аммо барибир қириб ташла. Сенга соқол қўйишнинг нима кераги бэр?

Хизматкор аёл мис патнисда турли хил этикеткали бир неча шиша олиб келиб, уларни думалоқ стол устига қўйди-да, кечки овқатни қачон беришни Екатеринадан сўраб, яна уйга кириб кетди.

Ичким келаётган эди. Бақалоқ шишани олиб, узун стаканга жин<sup>1</sup>, унинг устидан эса сода суви қўйдим. Кўпириб чиққан қадахни Екатеринанага узатдим-да, мовий шаҳло кўзларига тикилиб:

— Сенинг соғлигинга, Кэт!— дедим. — Ёлғиз қолганимизда уни шундай деб атар эдим.

Екатерина майин жилмайиб бир қултум ичди. Стакани столга қўйиб, латиф қўлини қўлимнинг устига ташлади-да:

— Биласанми?..— деди у.— Бугун яна Дохов келди.

— Ростдан-а?

— Ҳа... Башанг кийинган: эғнида оҳори тўкилмаган костюм, ёқаси крахмалланган қўйлак, оёғида амиркон туфли... Чинакам жентльмен дейсан.

— Хо-хо-хо!— Мен дангал кулиб юбордим. — Кондукторга ўхшамайди дегин?

— Сираям! Мен ҳатто уни дафъатан таний олмадим ҳам. Беихтиёр бошдан-оёқ қараб чиқдим. Лавлагиси чи-

қиб кетди. Аммо йўл қўйган хатримни ўша заҳотиёқ тузатдим: икки қўлидан ушлаб, унинг пинжига суқилдим. Жуда хурсанд бўлди.

Дохов — Закаспий ҳукуматининг ташқи ишлар министри. Биринчи марта у билан шу, ўн саккизинчи йилнинг бошида Асхободда<sup>1</sup> доктор Захаровникида танишган эдим. Ушанда Закаспийда ҳокимият большевиклар қўлида эди. Захаровникида эсерлар бошлиғи Фунтиков билан учрашишим керак эди. Нимагадир у Дохов билан бирга кириб келди. Аниқ эсимда: Доховнинг эғнида чарм камзул, чарм фуражка, оёғида солдатча этик. Фунтиков уни таништираётиб, Доховнинг кўзга кўринган эсерлиги, темир йўлда контролёр бўлиб ишлаши, ҳозир большевикларга қарши фаол курашаётганлигини айтди.

Шундан сўнг Закаспийда озмунча воқеалар бўлиб ўтдим. Мен ҳозир бу ҳақда гапириб ўтирмақчи эмасман. Шунга айтмоқчиманки, бизнинг меньшевиклар ва эсерлар билан бирга олиб борган ишларимиз зое кетмади. 1918 йилнинг ўн биринчи июлидан ўн иккинчига ўтар кечаси тунда большевиклар ағдариб ташланди. Ҳукуматни эски қадрдоним Фунтиков бошқара бошлади. Дохов эса ташқи ишлар министри лавозимини эгаллади. Тақдирнинг шунақа кутилмаган ўйинлари ҳам бўлади! Кеча оддий контролёр эди — бугун эса министр! Омад келаман деса келаверар экан-да. Балки сиз: «Бу тасодифий бахт... узоққа бормади», — дерсиз. Эҳтимол шундайдир... Аммо айтинг-чи, бир кунлик бахт — бахт эмасми?

Биз янги ҳукумат вакилини Машҳадга чақирдик. Дохов келди. Бу энди мен докторнинг уйида кўрганам чарм камзулли йигит эмас эди. Энди унинг гаплари ҳам, ҳатто ўтириши ҳам ўзгача эди. Бир зиёфатда мен уни Екатерина билан таништирдим.

... Телефон жиринглади. Екатерина енгилгина кўтарилиб, уйга кирди-да, трубкани олди. У трубкадан кимнингдир гўлдираб сўраган саволига қисқа жавоб бериб, изига қайтди ва норози қиёфада тушунтирди:

— Яна ўша, телефон қиляпти. Ухладингизми, деб сўрайпти.

Мен ўзимга яна жин қўйдим. Екатерина гапини ту-

<sup>1</sup> Жин — ароқнинг бир тури.

<sup>1</sup> Ҳозирги Ашхобод — Туркменистон ССРнинг пойтахти.

гатмаган эди. У бир ҳўплаб, истар-истамас сўзини давом эттирди:

— Ҳа, айтгандай... Утирдик, овқатландик. Биласанми, охирида у менга нима деди?

— Асхободга боришни таклиф этгандир-да?

— Йў-ўқ... Турмушга чиқишимни сўради.

— Турмушга?

— Ҳа.

— Кимга?

— Ўзига... Доховга...

— Қара-я! Чакки эмас, нима, унинг хотини йўқми?

— Бор шекилли... Аммо у билан ажрашмоқчи эмиш.

«Мен — комиссарман, ҳақим бор», — дейди.

Тўғриси айтганда, министрининг бу қадар ўртаниб қолгани мен учун кутилмаган бир ҳол бўлди. Афтидан, туйғу идрокни маҳв этган кўринарди. Хўш, нега энди бунақа бўлмаслиги керак? Ахир бир умр ўзини жиловлаб юриш ҳам мумкин эмас-ку. Бунинг устига фақат биргина идрок билан яшаб бўлармиди?

Мен шу мавзунини давом эттиришга ҳаракат қилдим.

— Кўрдингми, Кэт, севгининг қудрати нақадар зўрлигини? Аниқроғи — сенинг қудратинг! Бир неча кун ичида шўрликни ўзинга муфтун этиб, тиз чўктирибсан. Хўш, сен нима деб жавоб бердинг?

— Ҳеч нима!

— Нега?

— У менга қанақа эр бўларди?

— Қанақа эр бўларди деганинг нимаси? Министр, дипломат...

Екатерина норози қиёфада сурма тортган қошларини чимирди. Менинг маслаҳатим кўнглига хуш ёқмади, шекилли. Асабийлашиб гапира бошлади:

— Министр эмиш... министрлиги узоққа чўзилармиди? Эрта-индин уни министрликдан ҳайдашса, нима қилади? На пули, на касб-кори бор. Яна кондукторлик қиладими?

— Йўқ, шошма, Кэт, — дея жиддий қиёфада туриб эътироз билдирдим. — Воқеалар бу қадар шиддат билан ўзгариб турган ҳозирги дамларда тақдир кимни кўкларга кўтариши-ю, кимни тупроққа қориштириб ташлашини олдиндан айтиб бўлмайди!

Екатеринанинг юзи янада тундлашди. У анчагача

қимир этмай, сукут сақлаб ўтирди. Сўнгра чуқур бир оҳ тортиб, ўзига-ўзи гапиргандай шивирлади:

— Тақдир!.. Минг лаънат унга! Мени шундай узоқ ерларга улоқтириб ташлаган ўша эмасми!

Мен унинг ярасини тимдалаганимни энди пайқадим. Екатерина тақдиридан нолишга ҳақли эди. Айтишича, у петербурглик ўзига тўқ бир оиланинг фарзанди. Отаси университет профессори, онаси болалар врачси экан. Она изидан бориб, Екатерина ҳам медицина факультетига ўқишга киради. Биринчи курсдаёқ поручик Воробьев билан танишади ва ҳадемай, ҳаётини у билан боғлайди. Аммо орадан кўп ўтмай, поручик карида ютқазиб, бошлиқлар билан келишолмай Саратовга кўчирилади. Шундан сўнг дарбадарлик бошланган. Оренбург, Тошкент, Марв<sup>1</sup>, Кушка... ниҳоят шу йилнинг бошида Воробьев ёш хотини ва бир оғайниси билан чегарадан ўтиб, Эронга келади. У Машҳадда ич терлама касалига йўлиқиб, орадан бир ҳафта ўтгач, қазо қилди. Екатерина бегона юртда бир чақасиз ёлғиз қолди. Мен у билан асхободлик бир оқ муҳожирнинг уйида танишдим. Ҳадемай, биз тез-тез учрашадиган бўлиб қолдик. У менга ўрганди, мен унга...

Екатерина бошини кўтармай, ўйчан ўтирар эди. Мен унга тасалли бердим:

— Қўй, хафа бўлма, Кэт. Яна бир ой, узоғи билан икки ойдан сўнг Петербургни кўрасан. Большевикларнинг куллари саноқли. Ҳамма ёқдан Москвага ҳужум бошланди. Шимолдан — бизникилар, ғарбдан — немислар, жанубдан — Деникин, шарқдан — Қолчак... америкаликлар, японлар... Большевиклар ўтли ҳалқа ичида. Улар Асхободдан бекорга қочганлари йўқ. Мана кўрасан, яқинда Тошкент ҳам таслим бўлади.

Екатерина мени ўзича тушунди:

— Дохов министр бўлиб қолади. Балки бош министр ҳам бўлар. Мен-чи?.. Мен махсус маҳрамхонамда сенга ўхшаган нозиктабиат хушторларни қабул этишим керак. Чакки эмас.

Суҳбатимизни навбатчи офицер узиб, мени генерал қақираётганини хабар қилди. Демак, зарур иш чиқиб қолган, деб ўйладим. Бу ёққа келганимни фақат навбатчигагина билдирган эдим.

<sup>1</sup> Ҳозирги Туркменистон ССРдаги шаҳарлардан бири.

Қолган жинни ичдим-да, қўлимни Екатеринанинг елкасига қўйиб:

— Қўй, энди, сени қара-ю, Кэт, бошингни кўтар. Эшитяпсанми?— дедим.

У бошини кўтариб, менга қаради. У гамгинми ёки мендан аразлаганми, билиб бўлмас эди.

— Ишим битгач, келайми?

Латиф лаблар беҳол қимирлади:

— Узинг биласан...

## 2

Ичкарига кириб улгурмасимдан генерал узундан узоқ телеграммани қўлимга тутқазди. У Лондондан, бош штабдан олинган бўлиб, менга тааллуқли эди. Мен тезда кўз югуртириб чиқдим. Генерал шошилаётганимни сезди, шекилли, у диванга ўтиргач, кулиб:

— Уқи, ўқи... Шошилма... Екатеринанг ҳеч қаёққа қочиб кетмайди,— деди.

Мен ҳам ўтирдим. Телеграммани яна бир марта диққат билан ўқиб чиқдим. Бош штаб сиёсий вазиятни ўрганиш ва большевикларга қарши курашни кучайтириш мақсадида мени Афғонистон, Бухоро ва Хивага юборишни таклиф этган эди. Ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Айтилдими, вассалом... Солдат учун буйруқдан ҳам кучли нима бўлиши мумкин!

Очигини айтсам, бунақа буйруқ келишини кутмагандим, мен бугун бўлмаса эртага Асхободга боришга ҳозирлик кўраётган эдим. Эҳтимол, шунинг учундир, телеграмма мени таажжублантириб қўйди, юрагим қаттиқроқ ура бошлади. Қўрққанамдан эмас, йўқ! Полковник учун ўттиз беш йил оз муддат, дейишади. Ҳаётимда кўп нарсани кўрдим, икки марта ўлим ёқасидан қайтдим. Аммо ўшанда ҳам ваҳм босмади, келажакимни ўйлаганим йўқ. Соясидан қўрқиб, жонини ҳовучлаб турадиган киши бизнинг ишимизга яраармиди? Ҳар ҳолда шундай топшириқнинг менга — Чарлз Форстерга берилиши — тасодиф эмас.

Телеграммани стол устига қўйиб, савол назари билан генералга қарадим.

— Вазифа оғир. Омадим келса яхшику-я...

— Мукофот кутмай қўя қолинг, полковник.— Гене-

рал маъполи кулиб қўйди.— Тўғрисини айтсам, ўзим ҳам бу топшириқни бажариб, ташаккурнома олишимизни кутаётганим йўқ. Борди-ю, бизга бахт кулиб боқиб, бу операция муваффақиятли тугаган тақдирда ҳам, уни бўлишиб оладиган одамлар анчагина топилади. Штаб... қўмондонлик... мукофотни биздан олдин бу ердан икки минг миля нарида ўтирган жаноблар олишади. Аммо омадимиз келмай, операция барбод бўлса-чи... Худо кўрсатмасин ишқилиб! Унда ҳамма бизга ёпишади. Матбуотдан тортиб ҳатто парламентгача — ҳамма оёққа туриб: «Туркистонни қўлдан чиқардилар!» деб айюҳаннос солади. Ушанда бизнинг ҳолимиз не кечиши ёлғиз парвардигорнинг ўзигагина аён!

Генерал Маллесонни анчадан буён билар эдим. У Шарқнинг билағони, ўткир сиёсатдон сифатида танилган. Шунинг учун ҳам Закаспийга юбориладиган ҳарбий миссияни ким бошқариши ҳақида гап борганда генерал Маллесондан бошқа бирон киши ҳам кўрсатилмади. Ундан ҳарбий қўмондонликнинг умиди катта эди. Ҳамма у Буюк Британиянинг қадимий шонли байроғини бўрон ва момақалдиروқлардан шараф билан олиб ўтишини кутмоқда эди.

Генерал сўзида давом этди:

— Бизнинг зиммамизга, ҳурматли полковник, оғир вазифа тушди. Биз ҳозиргача мисли кўрилмаган душман билан юзма-юз бўляпмиз. Аниқроғи, даҳшатли ўлат билан. Узингиз кўриб турибсиз: большевиклар бир неча ой ичида бутун дунёни ларзага келтирдилар. Романовларнинг уч юз йиллик сулоласини таг-томири билан кўпориб ташладилар. Керенский ва унинг барча сафдошларини улоқтириб ташладилар. Эндиликда эса бутун дунёни заҳарлаш хавфини туғдирмоқдалар. Шошмай туринг. Мен сизга бир нарсани кўрсатаман.

Генерал қўшни хонага чиқиб кетди ва кўп ўтмай папка кўтариб келди. Папка ичидан босма варақа олиб, стол устига ташлади:

— Сизнингча, бу ишни ким қилган?— деди у.

Мен бу варақани олдин Асхободда кўрган эдим. Шунинг учун дафъатан жавоб қайтардим:

— Ленин!

— Тўғри айтасиз: Ленин. Биринчи большевик... Утган тунда унинг мана бу сурати Машҳад кўчаларига ёпиштирилипти. Қани, айтинг-чи, бу ерга, Эронга Ленин

қардан келиб қолган? Балки уни бу ерда Қизил Имом-га<sup>1</sup> зиёратга қатнаётган мусулмонлар олиб келган деб ўйларсиз? Йўқ! Бу большевикларнинг иши. Бунинг устига Эрон большевикларининг иши!

Генерал яна папкага қўл солиб, ундан араб ёзувида битилган варақани олиб, менга узатди:

— Мана буни нима деб ўйлайсиз?

Мен варақани олиб, сарлавҳасини ўқидим. Унда катта ҳарфлар билан форс тилида қуйидагилар ёзилган эди: «Россия ва Шарқнинг барча меҳнаткаш мусулмонларига».

● Генералнинг сабри чидамай сўради:

— Бу Лениннинг Шарқ халқларига мурожаатими?

— Ҳа.

— Кеча полиция шундай хатдан ўттизтасини топган. Аблаҳлар ҳатто бир нечасини бизнинг консулимизнинг ҳовлисига ҳам ташлашибди.

Очиғини айтсам, бу гапнинг тезроқ тугашини истардим. Қэтнинг олдида боришни хоҳлардим. Аммо генерал ҳали-бери мени қўйиб юборадиганга ўхшамас эди. У Лениннинг суратини қўлига олиб, маъноли кулди:

— Агар бу суратнинг бир неча ўнтаси Деҳли кўчаларида пайдо бўлиб қолса... Биласизми, Европа биржларида қанақа шовқин-сурон кўтарилади?

— Шундай деб ўйлайсизми?

— Шак-шубҳасиз! Энг қўрқинчлиси шундаки, ҳиндлар бўйсунмай қўядилар. Бир нарсани унутманг: большевикларнинг бутун кучи улар тутган сиёсатда. Улар ўз сиёсатлари билан тарих йўналишини ўзгартиришга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳа, ҳа... уруш халқнинг жонига теғди. У «Йўқолсин уруш!» деб ҳайқирдиқ солмоқда. Ўзбеклар билан туркманлар эса жонлари ҳалқумларига келган. «Яшасин озодлик!» деб қичқирмоқдалар. Чернь ҳосилни йиғиб олишни кутяпти. Ленин эса ишчиларга заводлар, деҳқонларга ер ваъда қиляпти. Мана, миллионларнинг ақлини шошириб қўяётган нарса нимада? Бу йўлга қандай қилиб гов солиш керак?

Генералнинг силлиқ қирилган думалоқ юзи қизариб кетди.

— Йўл битта: бу макруҳнинг микробларини зудлик

билан қириб ташлаш керак. Бунинг учун эса барча кучларни бирваракайига ҳаракатга келтирмоқ зарур. Ҳозир большевиклар Тошкентга қочяптилар. Нега энди бухороликлар темир йўлни бекитиб, большевикларга орқа томондан зарба бермайдилар? Нега хиваликлар Чоржўйга, афгонлар эса Кушкага ҳужум қилмаяптилар? Нега?

Менинг тушунишимча, генерал сиёсатга ҳаддан зиёд алоҳида эътибор берар эди. У сиёсат билан, яна большевиклар сиёсати билан тарихнинг гадир-будурларини тузатмоқчи бўларди... Йўқ, бу ақлга тўғри келадиган иш эмас! Ҳозиргача тарихни фақат биргина ҳарбий куч ҳаракатга келтириб турибди. Сиёсат эса шу кучнигина ҳаракатга келтиришга восита бўлиб келди. Мен генерал билан жон деб баҳслашар эдим, лекин гап чўзилиб кетади, деб ўзимни тийдим. Бироқ бухороликлар билан хиваликлар тўғрисидаги фикримни айтдим.

— Фикримча, Туркистондаги воқеаларнинг бундан кейинги ривожини эндиликда тамомила бизга боғлиқ. Биз чегарадан ўтган кунимизоқ бухороликлар билан хиваликлар жонланадилар. Менимча, фурсатни бой бермай, зудлик билан чегарадан ўтиб, аҳволнинг ҳақиқий хўжалари бўлмоғимиз керак. Бу қулай фурсатни қўлдан чиқариш ярамайди. Тарих ўжар бўлади, у бизга иккинчи марта кулиб боқмайди!

— Сиз ҳақсиз, полковник. Фурсатни қўлдан бой бериб бўлмайди. Бироқ бир нарсани унутманг: аҳволнинг чинакам хўжалари бўлиш учун кучимиз етмайди. Бизга кўпи билан уч ёки тўртта батальон беришади. Душманни узил-кесил маҳв этиш учун бу жуда озлик қилади. Демак, чегарадан ўтгунга қадар ички ресурсларни ҳаракатга келтириш зарур. Аввал ўт қўйиб, шундан кейингина ёрдамга шошилиш керак. Лондонда ҳам биздан худди шуни кутишапти.

Генералнинг сўзлари кишини анча ўйлантириб қўйди: «Ички ресурсларни ҳаракатга келтириш... Аввал ўт қўйиб, шундан кейингина ёрдамга шошилиш керак...» Албатта илонни бировнинг қўли билан янчмоқ қулай! Аммо Асхободда ҳокимиятни қўлга киритган барча жанобларни мен жуда яхши биламан. Тўғриси айтсам, мен уларга унчалик умид боғлаганим йўқ. Улардан қай бирига ҳам ишониб бўларди? Карвонбоши Фунтиковда на ақл, на юксак ахлоқ бор, унинг учун асосий нарса —

<sup>1</sup> Қизил Имом — Машҳаддаги қадимий масжид.

хотинилару ароқ. Қўшинлар қўмондони — Уроз сардор<sup>1</sup>... Кечагина қароқчиллик қилиб, одамларнинг эркини ўғирлаб юрган киши. Министрлардан бири — Неврастенал — ярим демократ, ярим анархист. Бошқаси — граф Дорер — сиёсий товламачи. Дохов булардан дуруст дерсиз? У ҳам Закаспийдаги барча бойликларни Екатеринанинг этаги эвазига беришга тайёр. Ўз-ўзидан аёнки, бу арбоблар ҳокимиятни узоқ муддат қўлларида сақлаб туролмайдилар. Шўшилиш керак. Тезроқ чегарадан ўтиб, ҳокимиятни бошқаришни ўз қўлимизга олишимиз зарур. Ушанда ҳатто мана шу қўғирчоқлар ҳам озми-кўпми ишончлироқ кучга айланишлари мумкин. Аммо генерал менинг бу фикримга қўшилмади. У, афтидан иккиланар, қиморда ютишига имони қомил бўлмай туриб катта кетишни истамас эди. Бироқ шунақа ҳам қимор ўйнайдими?

Мен генералга Екатеринанинг Дохов ҳақида гапирганларини айтмоқчи эдим. Лекин фурсат ўтган эди. Маллесон қоғозларни йиғиштириб, ўрнидан турди ва менга қўлини узата туриб:

— Хўп, майли, ҳозирлигингизни кўринг, полковник... яқин кунлар ичида йўлга чиқишингиз керак. Тунингиз хайрли бўлсин! — деди.

Мен суҳбат тугаганига ичимда худога шукур деб ташқарига чиқдим.

### 3

Эртаси куни кечқурун генерални кўриш учун ҳарбий миссияга келдим. Навбатчи офицер генералнинг Теймуртач билан бандлигини, офицерлар эса уни салонда кутишаётганини айтди. Мен ўша ёққа ўтдим — у ерда Туркистонга кетадиган бир неча офицерлар қизгин суҳбатлашиб ўтиришарди.

Тўсатдан йўтала-йўтала қора мўйловли, қориндоргина капитан Дейли кириб келди. Аммо ҳозир мен уни дафъатан таний олмадим. Унинг эгнида йўл-йўл тўн, бошида катта салла, бурнининг устига арзон-гаров кўзойнак қўндириб қўйибди. Салондагилар билан қўлларини кўксига қўйиб ва бошини эгиб саломлашди:

<sup>1</sup> Сардор — йўл бошловчи. Шундай исм ҳам бўлади.

— Ассалому алайкум!

Офицерлар кула-кула унинг саломига алик олдилар. Майор Риддел ўрнидан туриб, капитаннинг ёнига борди-да, ўзини соддаликка олиб сўради.

— Сиз ким бўласиз, ёшулли<sup>1</sup>!

— Эгамнинг бандаси.

— Исмингиз нима?

— Инсон.

— Қайси миллатдансиз?

— Инсон миллатидан...

— Бу ерга қандай қилиб келиб қолдингиз?

— Эшагимни қидириб юрибман.

Ҳамма яна хахолаб кулиб юборди.

Майор савол-жавобни яна давом эттирмакчи бўлиб турганида, навбатчи офицер кириб, қўлини огоҳлантиргандай кўтариб, гапирди:

— Жим! Генерал келяпти...

Шовқин шу заҳрлиқ тинди, ҳар ким ўз ўрнига келиб ўтирди. Капитан Дейли тўнни ечиб, яхшилаб тахлаб, устига ўтирди, аммо генерал кирганда, салласини ечиб улгурмаган эди.

— Ечманг, тўнни ҳам кийинг. Қани, бир кўрайлик-чи, Қизил Имомга кира оласизми, — дея шодон гапириб кирди у.

Капитан тезда тўнни елкасига ташлади-да, кўзойнакни тақиб, қўлини таъзимга келтириб:

— Ассалому алайкум! — деди.

Генерал сипоҳона жилмайиб:

— Яшанг, капитан!.. — деди. — Тўн сизга жуда ярашипти. Фақат қорнингиз ҳали ҳам кичикроқ. Кўпроқ палов енг. Соқол қўйинг. Ахир Шарқда қорин билан соқол қанча катта бўлса, ҳурмат ҳам шунга яраша дейишади-ку.

Капитан ҳазиломуз эътироз билдирди.

— Э, агар иш фақат шунинг ўзидагина бўлса эди!

Салон яна кулгидан ларзага келди.

Генерал қўлларини орқасига қилиб, хонада бир оз юрди. Сўнгра тўхтаб, шошилмай сўз бошлади:

— Жаноб офицерлар! Ҳозиргина мен Буюк Британия билан Закаспий ҳукуматлари ўртасида тузиладиган

<sup>1</sup> Ёшулли — катталарга ва бошқа эътиборли шахсларга ҳурмат нуқтаи назаридан шундай мурожаат этилади.

шартноманинг келишилган текстини Лондонга юбордим. Ана шу шартномага биноан, биз большевизм бутунлай ясеон қилингунча, Закаспий ҳукуматиға маблағ, қурол-яроғ ва қўшин билан ёрдам бериб туриш мажбурияти-ни олганмиз. Бунинг эвазига озод этилган жойларда ҳо-кимият бизнинг қўлимизга ўтади. Красноводск порти барча иншоотлари билан, темир йўл, ҳарбий аҳамияти бўлган барча объектлар бизнинг ихтиёримизга ўтади. Большевизм узил-кесил тор-мор келтирилгач, Закаспий... тўғривоғи бутун Түркистон эллик беш йил мобайнида Британия империяси составида туриши кўзда тутилади...

Ҳамкасбларим мамнун жилмайиб, бир-бирларига қа-раб қўйдилар. Генерал сўзлари нақадар таъсир этаёт-ганидан роҳатлангандай давом эттирди:

— Бироқ, жаноблар... мен сизлардан ҳеч нарсани яширмақчи эмасман. Вазият гоят даражада оғир, вазифа қийин. — Генерал картага яқинлашиб, йўғон бармоқ-ларини унга қўйди:

— Мана, Москва... Большевизмнинг ўчоғи... Аммо ҳозир большевизм ёнғини мана қаергача — Эрон ва Афғонистон чегараларигача етиб борди. Бугун бўлмаса эр-тага унинг Ҳиндистонга, бутун шарққа ёйилиб кетиш хавфи бор. Бундай шароитда биз унинг йўлига гов со-лиш учун барча имкониятлардан фойдаланишимиз ке-рак. Бунинг учун эса қатъий чоралар кўрмоқ зарур. Ҳо-зир Асхободда ҳоқимият бизнинг дўстларимиз — эсер-лар билан меньшевиклар қўлида. Улар бизни ёрдамга чақирмоқдалар. Лондон буюради: Россия чегарасидан зудлик билан ўтиб, большевизмга қарши ҳал қилувчи кураш олиб борилсин!

Салонда яна шовқин кўтарилди.

Генерал карта олдидан нари кетиб, сўзида давом этди:

— Шундай қилиб, жаноблар, хўжайинсиз мамлакат, ҳукмронсиз аҳоли бизга мунтазир. Эндиликда ҳамма нарса бизнинг ўзимизга боғлиқ. Буюк Британиянинг шонли байроғи ер юзининг яна бир қисми — Түркис-тонда ҳилпираб турадими ёки йўқми — бу бизнинг ўзи-мизга, ҳаракатимизга, удадуронлигимизга боғлиқ. Шу-ни унутманглар: бизнинг ихтиёримизда катта ҳарбий қўшилмалар йўқ. Бизнинг асосий кучимиз, бош таянчи-миз — мана шу ерда... Генерал қўли билан пешанасини секин уриб қўйди. — Ақл-идрок, ўтқир фикрлаш, топқир-

лик... Мана бизнинг қуролимиз. Сиз фойдаланишингиз, ҳаракатга келтиришингиз мумкин бўлган жуда кўп куч-лар бор: булар — эсерлар, меньшевиклар, дашноқлар, маҳаллий беклар ва хонлар, муллалар ва охунлар... Борди-ю, большевикларга вовиллашига имонингиз комил бўлса, ҳатто итларни ҳам олинг. Воситаларни танлаб ўтирманглар. Сира хотирангиздан кўтарилма-син: ҳозирча бизнинг биргина душманамиз бор. Бу душ-ман — большевизм!

Генерал «большевизм» сўзини айтаётанда ҳатто тит-раб кетди. Салондагилар бир қимирлаб олишди, ҳамма-нинг кўзида ўт чақнар эди.

Маллесон хиёл терлаган пешанасини артди.

— Ҳозир сизларга айтмоқчи бўлган гапларим шу. Нима қилиш кераклигини ўтирганларнинг ҳар бири бил-лан алоҳида-алоҳида гаплашиб оламиз. Полковник Форстердан бошқа ҳаммага жавоб! — дея сўзини тугатди генерал ва шахдам одимлаб, чиқиб кетди.

Бир зум ҳеч ким ўрнидан қимирламади, салон жим-жит. Ниҳоят, капитан Дейли яна тўнни кийди, бошига саллани ўраб, кўзойнак тақиб олиб, олдинга чиқди ва жиддий оҳангда офицерларга мурожаат этди:

— Уғилларим! Шонли қилич қўлингизда. Марҳамат-ли оллоҳ сизга ёр бўлсин... Шижоат кўрсатинг. Худосиз большевикларни охиригача қириб ташланг. Битгасини ҳам тирик қолдирманг! Уларни ер билан яксеон қилинг-лар! Йўлингиз қутлуғ бўлсин, ишингиз ўнгидан келсин! Омин!

Ҳамма кулиб, унинг оқ фотиҳасини қабул қилишди.  
— Омин! Омин!

\* \*  
\*

Генерал мени кутаётган эди. Мен киришим билан у ўрнидан турди-да, истиқболимга чиқиб, шошилишча га-пирди:

— Янгилик бўлмаган кун йўқ! Қобулга махсус одам юборишти. Демак, сиз Ҳиротдан Қобулга ўтмай, тўғ-ри Бухорога борасиз. Аммо тезроқ жўнаб кетиш керак. Жума куни Асадуллахон Ҳиротга келади. Сиз у билан учрашингиз зарур.

Мен Асадуллахонни танир эдим. Бундан икки йилча муқаддам у Европадан қайтаётиб, бир ҳафтача Ҳиндис-

тонда бўлди. Мен ҳарбий ҳукмронликнинг вакили сифатида у билан ҳамроҳ бўлиб бордим. У амир Ҳабибулла-хонга жуда яқин бўлиб, афғон сиёсатига таъсири ғоят катта эди. Лондон у билан анчадан буён иш олиб бораётган эди.

Генералнинг столида Машҳадда чиқадиган «Огоҳи» газетаси ётарди. У газетани қўлига олиб, ҳаяжон ичида силтаб сўради.

— Уқидингизми?

Генералнинг гапириш оҳангидан газетада бирон ғоят ташвишли хабар босилганини пайқаб, мен ҳам унга савол бердим:

— Нима, яна бирон бемаъни нарсани босишптимиз?

Генерал столига ўтирди-да, қизил қалам билан белгиланган устунга ишора қилиб, худди айбдордек тескари бурилиб, тўнғиллади:

— Мана, ўқинг... Самсом ас-Султон ҳукумати бизга ультиматум қўйипти!

Мен генерал белгилаб қўйган устунни ўқиб чиқдим. Унда бундай дейилган эди: «Россиянинг янги ҳукумати барча миллатларнинг озод ва мустақил бўлишини истаётган ва илгари Эрон билан тузилган тенг ҳуқуқли бўлмаган шартномаларини бекор қилиши муносабати билан, бу ҳақда илгари бир неча марта расмий ва норасмий тарзда хабар берган... Шунингдек, Эрон давлати ҳам дунёдаги барча миллатлар сингари эркинлик ва ўз табиий бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлигини назарда тутиб, ҳукумат бир минг икки юз тўқсон еттинчи йил асад ойининг тўртинчисида<sup>1</sup> бўлиб ўтган йиғилишда илгари тузилган ва ҳар икки томон учун номувофиқ бўлган барча шартнома, битим ҳамда конвенцияларни бекор этишга ва буни Эрон саройидан жой олган барча чет эл вакилларига етказишга қарор қилди...»

Генералнинг нега бунчалик ҳаяжонланаётгани ўз-ўзидан аён. Мен ўқиган нарсани чиндан ҳам ўйлашга мажбур этарди. Газетадан кўз узмай гапирдим:

— Чинакам ультиматум! Жуда аниқ қилиб айтилган.

Генерал ҳамон асабийлашган ҳолда сўзини давом эттирди:

— Ҳамма гап шунда-да... Бизнинг Техрондаги элчимиз шоҳ ҳузурда бўлиб, ҳукуматнинг бундай қарорини

амалга ошириш Эроннинг Буюк Британияга қарши уруш эълон қилиши билан баробардир, деб айтган. Шоҳ бу қарорни бекор қилиши турган гап. Албатта бекор қилади. Бироқ сиз бошқа нарсага — ультиматумнинг нимага асосланганига эътибор беринг: Россиянинг янги ҳукумати (яъни большевиклар) бундай қилади... Шунинг учун, энди сизлар ҳам ундай қилинглари... нимага шама қилаётганларини кўряпсизми? Биз большевиклар изидан боришимиз керак. Улар тутган йўлни туттишимиз керак. Ҳаммадан кўпроқ мана шуниси одамнинг жаҳлини чиқаради-да! Ҳозир Эронда аслида ҳамма нарсани бизнинг қўлимизда. Мамлакатнинг деярли барча ерларида бизнинг қўшинларимиз жойлашиб олган. Биз билан эса тилларини бир қарич қилиб гапиришларини қаранг! Мабодо биз эртага Эрондан қўшинларимизни олиб чиқиб кетсак, большевиклар эса барча бўронлардан эсон омон ўтишса... Унда биз билан қандай гаплашишларини биласизми? Қутурган араб норларидай бўкиришади!

Генерал газетани стол тортмасига солиб қўйиб, сўзини давом эттирди:

— Мен ҳозиргина Темуртачани чақириб, агар шу газетанинг бирон нусхаси тарқалгудай бўлса, шахсан жавоб беришини айтдим. Шу билан бирга унга исёнкор элементларга қарши қатъийроқ чораларни қўллашни топширдим. Умуман полиция бошлиғи вазифасига ўз одамимизни қўйишимиз зарур. Рештда шундай қилишипти, офицерларимиздан бирини тайинлашипти. Биз ҳам шундай қилсак чакки бўлмас эди. Бу ҳақда генерал-губернатор билан гаплашмоқчиман.

— У бизнинг таклифимизга яширин полиция тузиш керак, деб жавоб бердимиз?

— Йўқ, ҳали жавоб бергани йўқ. Техрон билан маслаҳатлашса керак. Аммо биз албатта шундай қиламиз. Иккинчи муҳим масала: Самсом ас-Султонни йўқ қилиш керак. Бунинг учун эса халқни оёққа турғизиш лозим. Ҳозирги вазиятда бу осон иш эмас. Мен мужтаҳидга<sup>1</sup> одам юбордим. Ўзим ҳам у билан учрашишга уриниб кўраман. Муфти ва қозиларни<sup>2</sup> оёққа турғизсин.

Генерал ўрнидан турди, стол устидаги портсигарни

<sup>1</sup> Мужтаҳид — юксак диний мартаба.

<sup>2</sup> Муфти, қози — мусулмон руҳонийлари.

<sup>1</sup> 1918 йил, 27 июль.

чўнтагига солди ва овозини бир оз юмшатиб, сўзини та-  
момлади:

— Қиладиган ишларимиз кўп, мухтарам полковник...  
Менга қараи: Лондондан Асадуллахонга доир теле-  
грамма келди. Бориинг, уни ўқиб чиқинг, мени консули-  
миз чойга таклиф этган. Жуда диққинафас бўлиб кет-  
ганга ўхшайди. Ҳозиргача икки марта телефон қилди.

Биз бирга чиқдик.

#### 4

Машҳадда ҳаёт одатдагидай давом этарди. Мен Ҳи-  
рот ва Бухородаги дўстларимга совға-салом харид қи-  
лиш ниятида шаҳарга тушмоқчи бўлдим. Капитан Дей-  
ли менга ҳамроҳ бўлишини айтди. У мен билан узоқ са-  
фарга жўнайдиганлардан бири эди.

Капитанга ўрганиб қолганман. Кейинги йилларда  
биз деярли ҳамиша бирга эдик. У мендан ёш, энди  
йигирма саккизга қадам қўйган эди. Аммо ўзига топши-  
рилган ишни дурустгина удалар, умидли разведкачи-  
лардан ҳисобланарди. Араб, форс, турк тилларини яхши  
билар, Туркистон халқларининг тарихи, урф ва одатла-  
рини қунт билан ўрганар эди. Унинг отаси — мисрлик,  
онаси — шотландиялик адвокатнинг қизи эди. Аммо Ро-  
берт шотландиялик бобосига сира ўхшамас, кўпроқ  
отасига тортган: юзи қорачадан келган, тўла эди. Уни  
араб ҳам, ўзбек ҳам деса бўлаверади.

Роберт Машҳадни яхши билар, уни ўзига хос, диқ-  
қат-эйтиборга сазовор ва ўрганишга лойиқ шаҳар дер  
эди. Бироқ мен учун Машҳад Европа ҳавоси келиб ет-  
маган, нуҳ кемаси давридагидай чанг босиб ётган харо-  
ба шаҳар эди. У на Ҳиротдан, на Кобулдан, на Бухо-  
ро-ю ва на Хивадан ҳеч нарсаси билан фарқ қилмас  
эди. Уша-ўша тор кўчалар, қоронғи дўконлар, диққина-  
фас чойхоналар ва карвонсаройлар. Пастқам, зерикар-  
ли жой... Кўзни қувнатадиган ҳеч нарса йўқ. Яна Маш-  
ҳаднинг ўз тарихи бор, дейишади. Қизиқ, ким тўқиган  
экан бу гапни?

... Биз Қизил Имом масжиди олдига келдик. Роберт  
уни биринчи бор кўраётган бўлмаса-да, завқ билан кўз-  
дан кечира бошлади. Сўнгра менга қараб деди:

— Ажойиб бино! Қандай гўзал!

Чиндан ҳам ён-атрофдаги бирон бинони Қизил Имом

билан тенглаштириб бўлмас эди. Масжид диннинг бе-  
қиёс куч-қудратини кўз-кўз қилаётгандай, катта майдон-  
ни ишғол этиб, ястаниб ётарди. Кўкка бўй чўзган, жуда  
кўп одамни сифдиради... Робертнинг айтишича (ичимиз-  
да Машҳад тарихи билан қизиқадиган ундан бўлак  
одам йўқ эди), бу бинода шаҳид бўлган саккизинчи  
имом — Ризонинг мақбараси бор экан. Масжид эшикла-  
ри нуқрадан ўйиб ишлангандай, шип ва деворлари эса  
ойнавандга ўхшайди. Албатта, умрида ўзининг ифлос  
кулбаси-ю, яйдоқ чўллардан бўлак нарсани кўрмаган  
оддий кишилар учун Қизил Имом мўъжиза эди. Тўғри-  
роғи — қудратли куч эди. Улар масжид пойостонасига  
етмай туриб қалтираб, калима қайтарар эдилар:

— Ё оллоҳ!

— Ё карим! Мурувватингни дариг тутма!

Ҳеч нарсаси лаёқатсиз ва табиатан нодон бу одам-  
ларнинг худони ёрдамга чақиришдан бўлак қандай  
иложлари ҳам бор эди? Оч, ожиз, ялангоёқлар тўдаси...  
худога ишониш одамларни ношуд қилади, дейишади.  
Борди-ю, одамнинг ўзи ношуд бўлиб туғилса — унда  
динда нима айб? Йўқ, бундай одамларнинг худога ишо-  
ниши зарур. Уларнинг дини ҳам бўлмаса, ўзларининг  
ғам-ғуссага тўла дилларини нима билан овулар эдилар?

Масжид атрофи катта шарқ бозорларидагидек гав-  
жум. Кўрлар, соқовлар, қўлсиз ва оёқсизлар, бадбаша-  
ралар тўдаси... Гўё бу ерга дунёдаги барча эрксизлар  
йиғилгандай. Уларнинг ҳаммаси худога илтижо қилиб,  
дардига даво истарди. Буларнинг биронтаси худога ке-  
ракмиди!

Роберт масжидни ёнлаб ўтишни маслаҳат бериб,  
тор, кимсасиз кўчага бирлди. Мен уни гапиртирмоқчи  
бўлиб, ҳазил-мутойиба қила бошладим:

— Нима, кўрқасизми?

— Қисман кўрқаман. Жасорат кўрсатмоқчи бўл-  
сангиз, масжид эшигига яқинроқ бориб кўринг.

— Нимаям қилишарди?

— Бурдалаб ташлашади. Бекорга йўқ бўлиб кетасиз.

— Ахир улар ҳам одам-ку. Шундай эмасми?

— Айб уларда эмас.

— Бўлмаса айб кимда?

Роберт жим қолди. Мен у бирон нарсани айтолмаяп-  
ти деб ўйлаб, қўшиб қўйдим:

— Икки оёғи бўлган билан ҳамма ҳам одам бўла-

вермайди, муҳтарам капитан. Одамни тиниқ ақл, ёрқин фикргина ярата олади. Бу мавжудотларда тиниқ ақл не қилсин?

Роберт чўнтагидан бир неча чақа олиб, чанг кўчанинг бурчагида букчайиб ўтирган кекса кўр тиланчининг мис пиёласига ташлади. Чол жаҳондаги барча товушлардан фарқ қиладиган таंगा жарангини пайқаб, қўлларини кўтариб, мишнатдорчилик билдирди:

— Худо умрингни узоқ қилсин!

Ундаш сал нарида яна бир чол букчайиб ўтирар эди. Роберт пул олмоқчи бўлиб, яна чўнтагига қўл солди. Мен ўзим тиланчиларга ҳеч қачон ҳеч нима бермас эдим. Қизғаниш ёки зиқналикдан эмас. Фақат ўзимга одамлар диққатини жалб этмаслик учун. Атроф тўла ялангоёқлар. Биттасига берсанг, ўша заҳоти яна ўнтаси югуриб келиб, сенга ҳар томондан кирдан караш боғлаган қўлларини чўзишади. Мана сахийлигинг учун мукофот! Тағинам бу ерда одам унчалик кўп эмас, бўлмаса атрофимизни аллақачон тиланчилар ўраб олишарди. Шундай бўлса-да, мен Робертни: «қўлингни чўнтагингга тикма» деб тўхтатмоқчи эдим. Бироқ у чаққонлик қилди. Чўнтагидан хонасининг калитларини олди ва уларнинг қуёш нурида ярақлашига қараб туриб гапирди:

— Мана бу темир... ёки пўлат. Борди-ю, мен уни мана шу тупроққа ташлаб кетсам, кўпи билан ярим йилдан кейин таниб бўлмайди — занглайди. Менимча, одам ҳам шундай. Одамнинг тақдири уни ўраб олган муҳитга боғлиқ. Бу одамлар яшаш ўрнига билимсизлик ва касб-кори йўқлигидан хор-зор бўлаётган экан... Буларга тиниқ ақл, ёрқин фикр қаёқдан келсин? Ақл учун ҳам озуқа керак!

Икки от қўшилган янги фойтон бизнинг олдимизга келиб тўхтади. Фойтонда Дохов билан Екатерина ўтиришарди. Менимча, улар бизни узоқдан кўришганга ўхшайди. Дохов фойтондан сакраб тушди-да, шляпасини ечиб, таъзим қилди:

— Жаноб полковник. Нега аёв юрибсиз? Ёки машинангизга бирон нима бўлди?

— Йўқ, машина жойида. Капитан билан оёқларимизнинг чигилини бир оз ёзмоқчи бўлдик. Бунинг устига ҳозир ҳаво ҳам ёмон эмас.

— Ҳа, нафас олса бўлади. Биз Екатеринахоним билан дўконларни айландик...

Кэт фойтоннинг бурчагида биқиниб ўтирарди. Унинг қовоғи солиқ, афтидан хафа эди. Негадир юрагим жизиллаб, рашк уйғонгандай бўлди. Нимадан, нега? Билмадим... Шу топда унинг овозини эшитгим келди. Бироқ дафъатан нима дейишимни ҳам билолмай қолдим. Шу пайт Дохов қўлтигимдан олиб, бир чеккага тортиб, шивирлади:

— Жаноб полковник... Борди-ю, мен бугунги зиёфатга Екатеринахоним билан бирга келсам, ноқулай бўлмасмикин, сиз нима дейсиз?

— Йўқ, йўқ... Аксинча, ҳатто жуда соз бўлади.

— Унда илтимос, ўзингиз таклиф этсангиз...

Мен одоб сақлаш бобида Екатерианинг нозик табиатлигини билар эдим. Шунинг учун суҳбат мавзуини бошқа ёққа бурдим ва Дохов фойтонга чиқиб ўтирганидан кейингина унинг илтимосини бажо келтирдим:

— Жаноб министр! Эсингиздан чиқмасин: роппа-роса соат еттида Екатеринахоним билан келинг. Ҳар иккала ларингизни кутамиз.

Дохов сиполик билан бошини эгди:

— Албатта бўламиз.

Зиёфат роппа-роса соат еттида бошланди. Генерал миссия ходимларидан мен билан секретари Эленнигина таклиф этипти. Дохов Екатерина билан келди. Генерал ҳали уни кўрмаган эди, аммо менинг у билан яқинлигимни биларди.

Дастурхон устида расмий қадаҳлар айтила бошланди. Даставвал генерал қисқа нутқ сўзлади. У ўз одатича, сўзларни дона-дона қилиб, тантанавор руҳда большевизм бутун инсониятга хатарли эканлигини, Буюк Британия ҳамма чоралар билан большевикларга қарши курашишини, Закаспий билан тузилган дўстона шартнома Туркистон тарихида янги саҳифа очишини айтди. Шундан сўнг у Закаспий ҳукуматининг бошлиғи Фунтиков, ташқи ишлар министри Дохов соғлиғига қадаҳ кўтарди.

Мен ўзимдан ҳам у-бу қўшиб, генералнинг сўзларини рус тилига таржима қилдим.

Шундан сўнг Дохов гапирди. У булбулигўё бўлиб сайради. Баландпарвоз сўзлар билан Закаспий ҳукумати ва шу жумладан шахсан ўзи большевизмни ер юзидан супуриб ташлаш учун бор кучини аямаслигини маъ-

лум қилди. Гапининг охирида Буюк Британия ҳукумати-га, генералга ва менга миннатдорчилик изҳор этиб, бизларнинг соғлигимизга қадаҳ кўтарди.

Екатерина бошини қуйи солганча, овқатга деярли қўл урмай, потиқни диққат билан тинглар эди. Унинг қошлари гоҳ юқорига кўтарилар, гоҳ чимирилларди. Ҳар замонда у бирор поқулай вазиятда қўлга тушгандай ёноқлари қизариб кетарди.

Генерал унга натифот кўрсатиб, сўради:

— Қалай, хошим, Сизга Машҳад ёқдимиди?

Екатерина вилка ва инчоқни суриб қўйиб, генералга тикилиб қараб, деди:

— Сиз жиддий сўраясизми?

— Албатта... нима, сизга бу гап хуш ёқмадимиди?

— Йўқ, ундай эмас... Аммо назаримда Машҳадда сизнинг кўнглингизга ёқадиган бирон нарса бўлмаса керак. Шунинг учун сўраяпман-да.

— Қойил, хошим... Сиз тамомила ҳақсиз: Машҳаднинг нимаси ҳам ёқсин? Иссигимиди? Чангимиди?

Суҳбатга Дохов қўшилди.

— Биз Екатеринахошим билан бирга эртага Асхободга кетяпмиз.

— Шундай денг? — Генерал таажжублангандай яна Кэтга қаради. — У ерда сизнинг қариндошларингиз яша-шадими, хошим?

— Йўқ... Жаноб министр мени ўз васийликларига олишга қарор қилдилар. Мен у кишига турмушга чиқяпман.

— У-ў-ў! Жуда соз. Табриклайман! Чин қалбдан табриклайман! Бу яхши муносабат билан шампанское ичмай илож йўқ. Мисс Элен! Айтнинг, шампанское олиб келишин!

Официант ҳозир бўлди, генерал унга бир шиша шампанское олиб келишни буюрди.

Мен бошимни секин кўтариб, Екатеринага қарадим. У ҳам киприклари орасидан менга узоқ тикилиб қолди. Унинг кўзлари ғамгин, гўё: «Хўш, муродинга етдингми энди» деб киноя қилаётгандай эди. Очигини айтганда, шу дақиқада мен ютқазганини ҳам, ютганини ҳам билмай, ўйини давом эттираётган ашаддий қиморбозга ўхшар эдим. Ютдимми ёки ютқаздимми? Ҳозир назаримда мен ютдим. Ахир мен Кэтнинг Доховга турмушга чиқи-шини истар эдим. Маслаҳатим унга афтидан ёқмаган

бўлса ҳам, аммо амал қилипти. Шунинг ўзи ғалаба эмасми?

Дохов, афтидан унинг сири бу қадар тез ошқора бўлишини кутмаган экан шекилли, қип-қизариб, пешанасида майда тер томчилари пайдо бўлди. Шу қадар довдирадики, бир сўз ҳам айтолмай қолди. Ниҳоят, йўталиб, сўлагини ютиб, унинг турмуши яхши бўлмаганини, ўзининг ўта бахтсизлигини тушунтирди.

Мен сохта оҳангда уни юпата бошладим:

— Оилавий келишмовчиликлар фақат сиздагина бўлаётгани йўқ, жаноб министр. Шахсан мен, одам бахтини топмагунча уни тинмай қидириши керак, лозим бўлса, ўн марта ҳам уйланавериши керак деб ўйлайман. Бировлар: у ахлоқ доирасидан чиқяпти деса, нима қипти. Гапираверишин. Ахлоқ қоидаларини ким бузмайди дейсиз? Бунинг устига ҳали ҳеч ким яхши фазилат билан ёмон хулқ, одамшавандалик билан шармандалик орасидаги аниқ чегарани белгилаб бера олганича йўқ!

Екатерина қоралагандай менга тикилиб қаради, ҳатто унинг лаблари гўё хаёлан бир нима дегандай қимирлади ҳам.

Назаримда Доховга менинг сўзларим ёқди. У кўтаринки руҳда гапира бошлади.

— Тўғри айтасиз, жаноб полковник. Ҳаёт денгизиде ҳар ким ўзича сузади. Ахлоқ, одоб деган тушунчаларга ҳам ҳар ким ўзича муносабатда бўлади. Тўғриси айтганда, шу пайтгача атрофимдагилар нима дейишаркин, деган андишада қўрққанамдан ҳамма азоб-уқубатларга чидаб келдим. Менинг ўрнимда бошқа одам бўлганида, аллақачон алоқасини узар эди.

Шампанское келтиришди. Генерал кўпириб чиққан қадаҳни кўтариб, Екатерина билан Доховга мурожаат қилди.

— Сизларнинг соғлиқларингиз учун! Ҳар иккаларингизни чин қалбдан табриклайман... Аммо шартим бор: тўйни бизсиз ўтказмайсизлар!

Дохов мойдек эриб кетди.

— Йўқ, йўқ! Тўйни сиз келган кунингиз ўтказамиз. Қўшалок тўй бўлади!

Зиёфат тугади. Екатерина билан мисс Элен меҳмонхонага ўтдилар. Стол атрофида эркаклар қолишди. Генерал Закаспийдаги аҳвол ҳақида гап бошлади. У бу мавзуда Дохов билан бир неча марта суҳбатлашган эди,

афтидан яна баъзи бир нарсаларни аниқламоқчи бўлди, шекилли. Дохов кетаётгани учун унга баъзи нарсаларни эслатиб ўтиш лозим эди.

Энг муҳими большевизмга қарши кураш масаласи эди, албатта. Генерал биринчи навбатда шу масала устида тўхталди. Уста шогирди билан гаплашаётгандай қатъий сўзларди.

— Даставвал, жаноб министр, бир нарсани унутманг: большевикларга мулозамат қилиб, улар билан бекинмачоқ ўйнаб, мақсадга эришиб бўлмайди. Муроса қилиш, ҳамкорлик... Бу чирик сиёсатдан большевикларгина фойда кўрадилар. Сизларни улар билан боғлайдиган ҳеч нарса йўқ. Тўғри, бизнинг тилимизда «аутбридинг»<sup>1</sup> деган ибора бор, аммо у фақат ҳайвонлар оламига тааллуқли. Одамлар ўртасидаги муносабатда, айниқса сиёсатда буни қўллаб бўлмайди. Большевиклар бугун сизлар билан ҳамкорлик қиладилар, эртага эса ҳаммаларингизни битта дорга осадилар.

— Шак-шубҳа йўқ.— Доховнинг бўйнига худди ҳозирнинг ўзидаёқ арқоң солингандай қизариб кетди.— Эндиликда бунга имонимиз комил бўлди. Бундан буён лоақал бир кунга бўлса ҳам ҳамкорлик қилиш тўғрисида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас. Ё бизлар ёки улар!

— Жуда соз... Шундай экан, яна бир нарсани унутманг: баррикаданинг иккинчи томонига ўтиб, душманга раҳм-шафқат қилиш — кечириб бўлмас телбаликдир. Нима демоқчи бўлаётганимни тушуняпсизми?

— Тушуняпман, жаноб олийлари!

— Борди-ю, сиз большевикларга нисбатан одамгарчилик қилган тақдирингизда ҳам, улар сизларни аяшмайди. Эртага вазият ўзгаргудай бўлса, улар ҳамма нарса учун қасос оладилар. Шунинг учун ҳам комиссарлар масаласида иккиланиб ўтиришнинг сира ҳожати йўқ, қатъий иш қилиш керак эди.

Гап большевик комиссарлар Житников, Теллий, Батминовлар устида борарди. Закаспий ҳукумати миссиядан комиссарларни кўздан узоқроқда тутиш учун Эрон орқали Ҳиндистонга жўнатишга ёрдам сўраган эди. Бу илтимос рад этилгач, комиссарлар ўтган ойдаёқ отиб ташланган. Аммо генерал бу масалани яна бир эслатиб

ўтишни лозим топди. У дўстларимиз келажақда ҳам қатъиятсизлик кўрсатмасмикинлар, деб қўрқар эди. Бунга эса йўл қўйиб бўлмас эди. Комиссарларнинг йўқ қилиб ташланиши бир ёқдан Закаспий большевикларини раҳбарларсиз қолдирган бўлса, иккинчи ёқдан эса меньшевиклар ва эсерларнинг большевиклар билан муроса қилиш хавфига қатъиян чек қўйди.

Мен генерални астойдил қўллаб-қувватладим:

— Туяни янтоқ ортига яшириб бўлмайди, жаноб министр. Большевиклар, албатта комиссарларнинг бу ёққа олиб келинганини билгач, тўпалон кўтарар эдилар. Сизлар бизни ҳам ноқулай вазиятда қолдириб, душман қўлига яна имконият берган бўлур эдингиз. Бунинг устига ишончсиз унсурлар учун Қизилқумда жой камлик қиладими? Уларни ўша ёққа яширинглар... кўчма қумлар орасида ном-нишон қолдирмай йўқотинглар!

Генерал маъқул дегандай бош қимирлатди ва маслаҳат оҳангида сўзини давом эттирди:

— Урушда энг даҳшатли ёв — беғамликдир. Шарқда: «Беғам одамдан ўлим афзал» деб беғиз айтмаганлар. Ишғол қилинган позицияларни зудлик билан мустаҳкамлаш керак, жаноб министр. Сизнинг ҳукуматингиз умум сафарбарлик эълон қилди. Бу яхши иш албатта. Қурол кўтаришга лаёқати бўлганларнинг ҳаммасини армияга чақириш керак. Аммо яна бир муҳим масала бор. Ахир армияга раҳбарлик ҳам қилиш керак-ку. Сиз бош қўмондонликка полковник Уроз сардорни тайинлабсиз. Бу яхши. Туркманларни жалб этиш учун бундай тадбирни қўллаш керак. Бироқ унга батамом ишониб ташлаб ҳам қўйманг!

— Йўқ, йўқ, жаноб олийлари! — жон-жаҳди билан жавоб қайтарди Дохов.— Хотирингиз жам бўлсин. Бу одамлар кўзига. Албатта, армияни унга ишониб бўлмайди. Полковник Мальчуковский, шунингдек бошқа одамлар бор... Асосий ишни ўшалар олиб боришади.

Генерал сўзида давом этди:

— Сўнгги масала — пахта, нефть, озиқ-овқат тўғрисида. Олдиндан огоҳлантириб қўймоқчиман: биз сизларнинг ташвишларингизни тўлалигича зиммамизга ололмаймиз. Қурол берамиз. Ваъда қилган пулни ҳам берамиз. Аммо сизларни тўла таъминлай олмаймиз. Шунинг учун ички имкониятлардан дурустроқ фойдаланиш чорасини излаш керак. Мавжуд воситаларнинг барча-

<sup>1</sup> Аутбридинг — турли наслдаги қишлоқ хўжалик молларини чатиштириш.

сини қатъий назорат остига олмоқ зарур. Бўлажак роҳат-фароғатга умид боғлаб, оғзингиздагини олдирман!

Дохов жим ўтирарди. Генералнинг сўзлашув оҳанги унга ёқмаётган эди. Бироқ генерал унинг хафа бўлаётганига эътибор ҳам бергани йўқ. Узоқ ҳомуза тортиб, сига-ретини кулдонга ташлади-да, ўрнидан тураётди деди:

— Хўп, омадингиз келсин... Оқ йўл!

Остонада Дохов генералга, сўнгра менга қараб, хушомадгўёна сўради:

— Асхободликларини яна қандай хушxabарлар билан қувонтирай?

Генерал Дохов қанақа «хушxabар»ни кутаётганини билар эди. У иккиланмай жавоб берди:

— Ҳукуматингиз аъзоларига айтинг: яқин кунлар ичида, узоғи билан ўн иккинчи августгача бизнинг қўшинларимиз Ортиқ станцияси олдида чегарадан ўтадилар!

— Раҳ... раҳмат, жаноб олийлари. — Дохов қувонганидан гапиролмай қолди. — Закаспий ҳукумати номидан сизга расмий равишда миннатдорчилик изҳор этаман... Раҳ... раҳмат!

Министрини ўзим кузатиб қўйдим. Қулай фурсат топиб, Кэтга соат ўн бирларда хайрлашишга киришимни айтдим.

Меҳмонларни кузатгач, биз генерал билан кабинетга қайтдик ва иккаламиз суҳбатни давом эттирдик. Мен ундан Закаспийга тўсатдан қўшин юборишга қарор қилинганининг сабабини сўрадим. Генерал кечи билан уч-тўрт кундан кейин чегарадан ўтиб, ишни қўлга олиш тўғрисида Лондондан телеграф орқали буйруқ олинганини тушунтирди. Генералнинг кайфияти унча яхши эмас, буйруқдан норозилиги афтидан билиниб турар эди. Жаҳл билан тўнғиллади:

— Шошиляпмиз... жуда шошиляпмиз! Борингки, чегарадан ўтдик ҳам. Ўзимизни ўтга ташлаймиз. Бутун жавобгарликни ўз зиммамизга олишга тўғри келади. Сиз, полковник: Закаспий ҳукумати-чи, дерсиз? Қани, қаерда ўша ҳукумат. Министрларидан битгасини кўрдингиз. Бошқалари бундан дуруст деб ўйлайсизми?

— Йўқ, дуруст эмас. Мана шулар дуруст бўлмагани учун ҳам чегарадан тезроқ ўтиб, ҳокимиятнинг ўз қўлимизга олишимиз керак.

— Йўқ, полковник... ўт билан ўйнашиб бўлмайди. Эртага большевиклар Тошкентдан ёрдам олиб қарши ҳужумга ўтсаларчи? Шаталоқ отиб қочишга тўғри келсачи? Унда иш нима билан хотималанишини биласизми? Бухороликлар билан хиваликлар инларига кириб кетадилар. Афгонлар тилларини тишлаб қоладилар. Большевизм эса яна кучлироқ аланга олади!

Генерал ҳазилакам асабийлашмаган эди, ҳатто гўштор бармоқлари ҳам қалтирарди. Уша жиддий оҳангда сўзини давом эттирди:

— Сиз, полковник: «Ҳокимиятнинг тезроқ ўз қўлимизга олишимиз керак», — дейсиз. Қани, менга ҳеч бўлмаса уч-тўрт дивизия берсалар эртагаёқ чегарадан ўтиб, ишни қўлга олардим. Номигагина бир неча ротани юбориш билан аҳволни ўзгартириб бўлмайди. Бизнинг бор-йўқ резервларимиз — Закаспийдаги ички кучлар. Мен илгари ҳам айтганман, уларни ҳаракатга келтирмоқ учун вақт керак. Қаёққа шошиляпмиз. Шошилишга не ҳожат?

Элен кирди. Худди мўрт ойнадан қилингандай қалин чарм папкани эҳтиёткорлик билан стол устига қўйди. Генерал унинг ичидан телеграммани олиб ўқиди ва кўз қири билан менга қаради.

— Лондон Фунтиковга характеристика сўрапти.

Мен ҳазиломуз жавоб қайтардим:

— Унга характеристика бериш оғир иш эмас! Утмишда темирйўлчи. Эндиликда Закаспий эсерларининг кўзга кўринган раҳбарларидан бири. Жуда ҳам ақли расо деб бўлмайди...

Генерал сўзимни бўлди:

— Дунёда ҳамма нарсадан кўпроқ ароқ ва хотинларни яхши кўради. Шундайми?

Жавоб бериш ўрнига мен барала кулиб юбордим.

Генерал папкадан бошқа қоғозни олиб, ўқий бошлади. Биз Элен билан бир-биримизга хайрихоҳона қараб қўйдик. Унинг кайфи жуда чоғ эди. Маъно тўла кўзлари кулиб турарди. Боягина ичилган шампанское қадаҳлари таъсир қилгани сезиларди.

Генерал қоғоздан кўз узмай, секин гапирди:

— Қизиқ!

Унинг табассум югурган юзидан хушxabар олганини пайқаш мумкин эди. Нима бўлиши мумкин? Фаразлардан бошим қотди. Элен имо-ишора билан қоғоз менга

тааллуқлигини билдирди. Бу менинг қизиқишимни янада кўпроқ оширди.

Генерал енгил нафас олиб, қоғозни менга узатди:

— Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Совети раисининг Ленинга юборган телеграммасининг нусхаси. Уқинг... У сизга яхшигина йўл-йўриқ бериши мумкин.

Мен ўтириб, телеграммани ўқий бошладим. Унда бундай дейилган эди:

«Туркистон республикаси душман исканжасида. Фронтлар Оренбург — Асхобод — Верний.<sup>1</sup> Вазият оғир. Ишчилар оммаси орасида фитна юргизилмоқда, советларга қарши ҳаракат кучаймоқда. Соат сайин таянадиган одам қолмаётир, армия ўқ-дорисиз ва қурол-яроғсиз, унда бошбошдоқлик ҳукм сурмоқда. Пул йўқ. Аҳвол гоят оғир...

Асхободда қўзғолон тобора кенгайиб бормоқда; ҳарбий омборлар, ҳукумат маҳкамалари босиб олинган. Темир йўл бўйлаб ҳокимиятни ағдариб ташлашга ундайдиган ифвогарона телеграммалар тарқатилмоқда. Ютуқ ифвогарлар томонида. Юборилган фавқулодда делегациянинг аҳволидан беҳабармиз. Бугун Верний билан алоқа узилди. Тошкент билан алоқа йўқ.

Ҳалокатли хавф-хатар онларида Сизнинг овозингизни эшитишга муштоқмиз. Пул, ўқ-дори, қурол ва қўшин ёрдамини кутамиз. Россия миқёсида, айниқса жануб, жануби-шарқ ва Сибирда ҳокимият аҳволидан хабардор қилинг. Москвага кетган делегацияларимиз тақдирини маълум этинг. Чехословакия ҳаракати қай аҳволда? Оренбургдаги воқеаларни тугатиш учун қандай чоралар кўрилди?

Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Совети раиси Колесов»<sup>2</sup>.

Телеграммани ўқигач, бепарво кулдим:

— Мухим ахборот. Сира қўрқмай имзо чекишим мумкин, — дедим.

— Бу ахборот эмас, ночорлик фиғони, — деди гене-

рал ва шу заҳотиёқ менга иккинчи телеграммани узатди: — Мана бу Лениннинг жавоби.

Мен телеграммани шошилиб ўқидим. У қисқа эди: «Сизга ёрдам бериш учун имконият борича чора кўрамиз. Полк юборамиз. Чехословакларга қарши кескин чоралар кўраймиз ва уларни янчиб ташлашга имонимиз комил. Умидсензланманглар, бор куч билан Красноводск ҳамда Воку билан доимий ва мустақкам алоқа ўрнатишга ҳаракат қилинглар. Халқ Комиссарлари Советининг Раиси Ленин».

Афтидан генерал қаёққадир шошилаётган эди. У шу заҳотиёқ телеграммаларни қайтиб папкага солиб қўйиб, Эленга рухсат берди. Шундан сўнг мени дераза олдига чақириб, хайрихоҳона оҳангда сўз бошлади:

— Энди, қимматли Чарлз, биз қанчалик кўз ёши тўкмайлик, барибир елкамиздаги юкнинг бир қисмини оладиган одам топилмайди. План тузилган, роллар тақсимланган. Энди саҳнадан шармандаларча чиқиб кетмаслик чорасини кўришдан бўлак илож йўқ. Айниқса сенинг юкинг оғир. Аммо менга ишон, бу вазифани сендан дурустроқ бажарадиган одам йўқ. Вазифа, ўзинг кўриб турибсан, жуда мураккаб. Шунинг учун мураккабни, биз таянишимиз керак бўлган кучлар жуда тарқоқ. Жуда турли-туман. Бундай шароитда энг муҳими — содир бўлган оғир аҳволни чуқур билиб олинди. Вазиятни холисона баҳолаш керак. Биз албатта ҳаммамиз большевизмин куртак ёйдирмай йўқ қилишни, бутунлай мажақлаб ташлашни истаймиз. Аммо бу олижаноб истагимиз бизга реал воқеликка ҳушёр тортиб қарашимизга халақит бермаслиги керак. Аҳволни осойишта туриб чамалаш керак... Курашаётган кучларнинг нисбати ҳақида маълумотлар аниқ бўлиши зарур... Буларнинг бариси вазифамизнинг муваффақиятли ҳал этилиши учун биринчи даражали аҳамиятга моликдир.

Мен секин генерални қитиқлаб қўйдим:

— Бу телеграммаларга қараганда Туркистонда большевизмнинг кунлари саноқли қолган.

— Йўқ, бунақа эмас, — деди қатъиян генерал. — Афсуски, юқумли касал жуда тез тарқалади-ю, аммо секин кетади. Большевизм — бу юқумли касаллик, жуда даҳшатли юқумли касаллик! У бугун бир жойда йўқ бўлиши мумкин, эртага эса бошқа ерда тарқалади. Унинг хавфи ҳам худди мана шунда!

<sup>1</sup> Ҳозирги Олмаота — Қозоғистон ССРнинг пойтахти.

<sup>2</sup> Туркманистон чет эл ҳарбий интервенцияси ва граждандар уруши даврида (1918 — 1920). Хужжатлар тўплами, Ашхобод, 1957, 43-бет.

Мен индамадим. Генерал чекиб, қўшиб қўйди:  
— Ҳамма иш кўнгилдагидай бўлса, бир ойдан кейин Асхободда учрашамиз. Екатерина билан хайрлашдингми?

— Йўқ... Соат ўй бирда борамап, дедим.  
— Боргин... Албатта боргин. Назаримда у сендан хафа кўринади. Келишиб олинглар... Ақлли аёл, у орқали кўп иш қилиш мумкин.  
Биз қучоқлашиб хайрлашдик.

\* \*  
\*

Йўлакда Эленни учратдим. У мени қўлтиқлаб олиб, кабинетига бошлаб кирди ва маъноли кулиб гапирди:

— Ниҳоят, Катеринангни ҳам кўрдим. Ёқимтойгина. Ҳа, жуда ёқимтой экан!..

— Сенга ёқдимми?

— Ҳа... у ҳар қандай эркакка ҳам ёқади.

— Сен ундан каммисан? — Мен ўнг қўлим билан Эленни қучоқлаб, ўзимга тортдим. — Сен ҳам ҳамма эркакларга ёқасан.

Элен чаққонлик билан қучоғимдан чиқиб, қўли билан яниб, гапирди:

— Жаноб полковник! Келишганимиз эсингиздан чиқмасин!

... Узоқ йиллардан буён миссия ходимаси вазифасида ишлаётган мисс Элен қари қиз бўлиб, вақт ўтиши унинг ҳис-туйғуларини аллақачон сўндириб қўйган эди. Уттиздан ошган бўлса-да, ҳали турмушга чиқмаган, ҳозирги юришини ўзгартиришга интилмайди ҳам. Сирасини айтганда у ҳозир ҳам анча дилбар — хилча бел, чиройли оёқлари қуйиб қўйгандай келишган. Ҳамиша табассум аримайдиган юзига ҳали ажин ораламаган. Очранг сочлари нозик терисига мутаносиб тушгандай ўзига ярашиб турар эди. Элен оддий, аммо дид билан кийинади. Суҳбати ширин: у кўп нарсани ўқиган, ҳатто шарқ адабиёти билан ҳам таниш эди. Аммо мисс Эленнинг энг ажойиб фазилатларидан бири — унинг ишга виждонан муносабатда бўлишида. У ҳар қандай топшириқни куч-ғайратини аямай бажаради. Бунинг устига — жуда олижаноб одам. Шунинг учун бизда мисс Эленнинг сўққабош бўлиб

қолаётганидан кўп киши астойдил қайғулар эди. Эленчалик диққатга сазовор бўлмаган қизлар аллақачон турмушга чиқиб, уйли-жойли бўлиб олишди. У эса айни ўйнаб-куладиган дамларини монастирда тушгандек, миссиянинг тўрт девори ичида ўтказмоқда. Эленнинг хиёл ёниб турган туйғуларини уйғотмоқчи бўлиб, рестороанларга, театрларга, кинога олиб бордим. Миссиямизда соатлаб у билан ёнма-ён ўтирдим, аммо сира натижа чиқаролмадим.

Бир гал биз Элен билан бирга Дехлидан Машҳадга қайтаётган эдик. Беложистон қумликларида машинамиз аварияга учради. Яқин орада турар-жой йўқлигидан, чўлнинг ўзида тунаб қолишга тўғри келди. Бунинг устига бу ерда пашша кўп экан. Биз Эленга алоҳида чодир тикиб бердик. У мени шомликка таклиф этди, бир шиша коньякни очиб, узоқ суҳбатлашдик. Сўз орасида миссияда унинг шахсий ҳаёти тўғрисида анча-мунча гаплар бўлаётганини айтдим. У менга тикилиб туриб, бир зум жим қолди, сўнгра жавоб берди:

— Менга хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Чарлз, бунда ҳеч қандай сир йўқ. Ўзингиз биласиз, оилавий ҳаёт кишига ё бахт келтиради ёки бахтсизлик. Менга бахт кулиб боқишига сира ишончим йўқ, бахтсизликдан эса қўрқаман. Ҳамма сиру синоат шунда. Бошқа ҳеч гап йўқ.

Элен яна жимиб қолди, сўнгра қўшиб қўйди:

— Фараз қилайлик, эртага мен турмушга чиқдим. У мени севади деб ўйлайлик. Мен-чи? Дастлабки учрашувдаёқ унга нисбатан ҳис-туйғуларим сўнсачи?.. Сен юрагингни берган ўша одам пировардида кўнгилдагидай бўлмасачи?.. Унда нима бўлади?

Мен беихтиёр кулдим. Элен қошларини чимирди:

— Бекорга куляпсиз! Биргина эр деб қанотидан айрилган бебахтлар кам дейсизми?

— Бошингизга бахтсизлик тушишини олдиндан қандай қилиб билишингиз мумкин. Омадингиз келиб бахтингизни топсангизчи?

— Топмасамчи? Бутун орзу-умидларим ойнадай чилчил синсачи? Унда нима қиламан?

Мен индамадим. Элен сўзида давом этди:

— Қимнингдир хотини бўламан деб эркингдан ажралиш... чўри бўлиш, тунларни йиғлаб, кунларни эса нолиб ўтказиш... Йўқ, бунақа никоҳдан кўра, яхшиси...

Элси чуқур хўрсиди-ю, лекин сўзини тугатмади. Мен гапни давом эттирмакчи бўлдим.

— Хўш, албатта, турмушга чиқиш шартми? Одам ўзини боғламасдан ҳам туйғуларига эрк бериб яшайверса бўлади-ку, ахир...

— Чунончи, сизнинг ёрдамингизда... шундайми?

— Фараз қилайлик, шундай бўлсин... нима, бунинг уят жойи борми?

— Йўқ, бунинг уятли жойи йўқ. Бу тўғридан-тўғри тентаклик!

— Нега?

— Шунинг учунки, сиз эркалар ҳирсга берилиб, маст бўлишни хуш кўрасизлар. Мен эса буни ёқтирмайман!

— Хо-хо-хо!— Мен ўзимни тўхтатолмай, қаҳ-қаҳ отиб кулдим.— Ҳирсдан маст бўлишни хуш кўраман, денг?

— Нима, ёлгонми? Менга узоғи билан бир ой эътибор берасиз. Боринги, туйғуларингиз бир йилга етсин. Ундан кейин нима бўлади? Дуч келган бошқа бир полковникка қучоқ очишим керакми?

Бизнинг севги изҳоримиз шу билан тугади. Машҳадга келгач, мен Екатерина билан танишдим. Элен билан, унинг ўз сўзларига биноан, биз дўст бўлиб қолдик.

Ҳозир эшикка бора туриб:

— Кузатиб қўйишга келарсан?— дедим.

Элен ўша маъноли табассум билан жавоб берди:

— Екатеринбургнинг кузатиб қўйиши сенга камлик қиладими?

Мен Эленга синовчан қарадим-да, чиқиб кетдим.

## 5

Екатерина бу гал ҳам мени айвонда кутиб ўтирар эди. Одатда машина товущини эшитиши билан у кўчага чиқиб, мени дарвоза олдида кутиб олиб, бағримга отилар эди. Бироқ бугун у истиқболимга чиқмади. Бошини эганча, айвонда қимир этмай ўтирарди. Мен бу учрашув ҳар галгидагидек бўлмаслигига кўзим етди, аммо сир бой бермай, жўрттага ҳайратланган каби сўрадим:

— Кэт! Бир нима бўлди? Қайнинг ночоғ кўринади... Чарчадингми?

— Йўқ... киринг, ўтиринг.

— Балки уйга кирарми?

— Уй сизники, кираверинг... Менинг уйда қиладиган ишим йўқ.

Тўғриси айтсам, мен бунақа жавоб кутмаган эдим. Эҳтимол шунинг учун бўлса керак, ўзим ҳам сезмаган ҳолда қўполлик қилдим:

— Нимага қовоғинг солинди? Нима гап?

— Ҳеч нарса... Сиз: «Уйга кирайлик»,— дедингиз. Мен: «Уй сизники, кираверинг» дедим. Нотўғри гапирдимми?

— Кеча кечқурун сен бунақа гаплашмаётган эдинг. Нима бўлди? Ё энди ўтган гапларнинг ҳаммасини унутиб юборса бўлади деб ўйлаясанми? Ҳали жуда эрта эмасмикин?

Екатерина менга қаради, унинг лаблари титрарди. Мен чегарадан ўтганимни пайқаб, овозимни пасглатишга ҳаракат қилдим:

— Кечирасан... қўполлик қилмоқчи эмасдим.

— Йўқ, йўқ. Аксинча, жуда хушмуомаласиз. Сизнинг ўрнингизда мен бўлганимда бошқача гаплашардим. «Кеча тунда бағримга кириб, соқолимни силаётган эдинг, нега энди силамаясан?»— дердим. Яна мана бундай савол берар эдим: «Кеча тунда, мен: «Уйга кирайлик», деганимда чопқиллаб кирган эдинг. Нега энди қоққан қозикдай ўтирипсан? Кеча тунда...»

— Бас қил, Кэт!— Жаҳлим чиқаётгандай бўлиб, столни муштладим.— Қизишма! Сенга нима ёмонлик қилдим?

Екатерина сира довдирамади. Осойишта жавоб қайтарди:

— Қилган яхшиликларингизга яна қандай мукофот кутяпсиз? Айта қолинг, қарзимни узишга ҳаракат қиламан... Мендан нима истайсиз? Сизга жосуслик қилишни керакми? Розиман. Ҳозиргина Дохов генерални мақтаб: «Жуда яхши одам экану» деди. Сизга раҳми келиб: «Шўрлик у ҳам бахтини тополмаганга ўхшайди...» деди. Э худойим, тагин у нима деган эди? Ҳа, Фунтиковни сўкиб: «Ҳалитдан хазинага қўл чўзаяпти...» деди. Яна: «Узоққа боролмайди» деб айтди. Мана шуларнинггина гапирди. Сизга маъқулми?

— Хо-хо-хо!— Нима деб жавоб беришимни билмай, атайин қаттиқ кулиб юбордим.— Нима бўлганда ҳам,

Кэт, сен жуда ғалати одамсан. Худо ҳаққи ғалатисан!.. Тўғрироғи ёш бола сингари содда. Бу дийдиёларингнинг менга сира керағи йўқ. Яхшиси бошқа нарсага жавоб бер: Нега сен кечаги Кэт эмассан? Нега?

— Чунки кеча сўққабаш эдим, бугун эса эрим бор. — Екатерина қўлидаги никоҳ узугига ишора қилди. Зиёратдан қайтганимиз замоно тақиб қўйди. Мен рози бўлдим.

— Тушуяпман... Ўзим Доховнинг таклифини қабул эт деган эдим. Сен мендан хафа бўляпсанми?

— Йўге, нимага энди... Мен бунисига ҳам миннатдорман. Бироқ сиз ҳам мендан хафа бўлмаслигингиз керак. Сўзингиз ерда қолмади, сизнинг маслаҳатингиз билан иш тутдим. Яна нима керак?

Бир зум бошимни қуйи эгганимча сигарета тутатиб, жим ўтирдим. Кэтнинг ўзини бундай тутиши мени ҳам ҳайратга солди, ҳам ўйлашга мажбур этди. У маккорона йўл тутяпти, албатта, ҳаёт кигобидан ўзига нохуш варақларни юлиб ташламоқчи. Бундай нохуш варақлар борлигини ҳам, уни дарҳол юлиб ташлаш мушуқлигини ҳам билади. «Мендан нима истайсиз? Сизга жосуслик қилишим керакми?» Бу сўзлар бекорга айтилгани йўқ. Екатерина жуда зийрак аёл. Уни муҳимроқ ишларга тайёрлашаётганларини тушунади.

Мен уни биринчи гал Исмоилхон, кейинчалик эса Дохов билан таништирганимда, бу нарса уни жиддий ўйлантиришга мажбур этган эди. Ўзининг айтишича, Исмоилхон билан танҳо учрашувдан сўнг кечаси билан йиғлаб чиқипти. Шундан кейин менга бир ҳафтача қовқо-димоғ қилиб юрди. Ўз йўлини топиб ҳам кетолмайди. Чунки ҳаёт уни исканжасига олган эди. Кэт қанчалик гурурли аёл бўлмасин, иккинчи ёқдан йўқчилик унга ҳамла қилиши мумкинлигини тушунмай иложи йўқ эди. Дастлабки ойларда у қолган-қутган қимматбаҳо нарсаларини сотиб, тирикчилик қилди. Энди эса унинг ёшлик ва чиройидан бўлак нарсаси йўқ эди. Яшаш керак, бунинг устига Петербургга қайтиб, ота-онасини кўргиси бор. Худди ана шунинг учун ҳам у бармоғига янги никоҳ узугини тақиб олди. Бўлмаса Доховни бошига урармиди?

«Йўқ, йўқ, менинг гўзалим... энди менинг қўлимдан қутулиб кетолмайсан», — дея ўйладим ўзимча ва бошимни кўтардим. Екатерина ҳаяжондан бутун вужуди лола-

ранг, ёноқлари қип-қизил бўлиб ёнар эди. Шу дақиқада диққатимни ўзига шу қадар жалб этдики, қўлимда кўтариб, уйга олиб кириб кетгим келди. Аммо хиёл кўполлик қилсам, қаттиқ тапбеҳ олишимни жуда яхши тушуниб турибман. Мен илтижо оҳангида сўз бошладим.

— Эртага эрталаб, Кэт, мен ҳам Ҳиротга жўнаб кетаман. У ердан Бухорога ўтаман. Олис йўл, нотинч дамлар. Асхободга қачон қайтишимни худо билади. Ҳали қайтаманми? Бир оқ йўл тила. Хўпми?

Екатерина бирдан титраб-қақшаб сакраб ўрнидан турди-да, эшикни ланг очиб, қичқирди,

— Дуся хола! Учта қадаҳ билан бир шиша шампанское олиб кел... жаноб полковник Ҳиротга кетадилар. Хайрлашамиз...

Мен ўрнимдан туриб, унинг қўлидан ушлаш учун Кэтга яқинлашдим. У бир сесканиб, ўзини орқага олди ва кўзимга тик боқиб, қатъий гапирди:

— Утиниб сўрайман: агар кўзимга узил-кесил тубан бўлиб кўрнмай десангиз, менга яқинлашманг!..

## 6

Капитан Дейлини кузатгач, сешанба кuni автомобилда Ҳиротга жўнадим. Йўл менга яхшигина таниш, унинг у бошидан бу бошигача бир неча марта бориб келган эдим. Бир гал ҳатто қор бўронига учраб, тўрт кун тутундан бурқсиган, молхонадай қўланса кулдада туришга тўғри келган. Ниҳоят, яна чанг, диққинафас қиладиган ўша йўлдан кетяпман.

Қуёш тиккага келган. Юзлаб километр масофа ортада қолди. Йўлнинг икки чеккасида кўзни қувонтирадиган ҳеч вақо йўқ. Қасққа қараманг қуёшнинг жазирама нурлари қовжиратган сап-сарик манзара: юракни сиқадиган бир хилдаги тепаликлар. Ям-яшил либос кийган водийни қанчалик орзиқиб кутасан киши. Аммо улар қайда дейсиз? Балки ҳув ана, қовжираб ётган пастликнинг ортида кўм-кўк гиёҳ қоплаган яшил далалар бошланар? Бироқ бу пастликлар ҳам ортада қолди. Яна ўша манзара, ўша ранг. Даҳшатли яйдоқ чўлнинг охири йўқдай бўлиб туюлар эди. Яхши тобланган пўлатдан қилинган бардошли автомобиль эса тепаликлар оша, паст-текисликларни

ортда қолдириб, машаққатли йўлни мардона босиб борар эди.

Йўл азоби, бунинг устига йўлдош ҳам йўқлиги биллинди. Гаплашадиган одам йўқ. Қани энди ҳозир капитан Дейли бирга бўлиб қолса. У ҳатто атрофимизни ўраб олган шу ўлик ва диққинафас ерда ҳам одамни овунтирадиган бирон нарса топар эди. Жилла бўлмаса: «Бу чўлдан Фирдавсийнинг овози, «Шоҳнома»нинг муаттар ҳиди анқияпти», дер эди. Турган гап, мен кулардим. Баҳслашардим. Вақт тезроқ ўтарди. Бироқ ҳозир ҳатто капитан Дейли ҳам йўқ. Қимир этмай, ярим мудроқ кум тепаликлар орта қолиб кетаётганини кузатиб ўтиришдан бўлак чора йўқ. Яхшиямки ҳаво жуда иссиқ эмас, бундан икки кун муқаддам шимоли-ғарбдан эсган салқин шабада сезилиб турар эди...

Машинадаги хафақон ҳолатни ўзгартириш мақсадида хиёл орқага бурилиб, ортада ўтирган сержантдан сўрадим:

— Артур, қалай, бу ерлардаги табиат ёқяптими?

Артур ҳам зерикиб ўтирган экан, шекилли. У жонланиб, астойдил жавоб берди:

— Бу ерларда, жаноб полковник, табиатнинг ўзини кўрмаяпман. Қани ўша сиз айтётган табиат?

Мен Артурдан бошқача жавоб кутмаган эдим, чунки унинг атрофга лоқайд қараётганини сезиб турган эдим. У Кенияда туғилган, оиласи ўзига тўқ бўлса-да, бошқа ердан кўчиб келган. Отаси уни агроном қилиб етиштириш ниятида Лондонга ўқишга юборган эди. Аммо ордан кўп ўтмай, уруш бошланди ва Артурни армияга чақаришди. Бошда у ҳарбий тайёргарликни Глазго яқинидаги казармаларда ўтказди. Сўнгра уни Мессопотам фронтига жўнатишди. У ерда яралангач, Ҳиндистонга кўчирилди. Мана энди Эрондан Афғонистонга кетяпти.

Мен Артурни қўллаб-қувватладим:

— Қойил, Артур! Жуда тўғри айтдинг. Бу дўзахда табиат нима қилсин? Ўлик кум саҳроси. Қовжираган ер... Аммо шу ерлар отангга ўхшаган ўн-ўн беш фермерга берилса борми...

— У, унда бу ерлар бир неча ой ичида чаманзорга айланар эди! Бизнинг ерларимиз ҳам бир вақтлар жизгинага чиқиб ётган чўл бўлган экан. Ҳозир эса... ҳозир кўрсангиз жаннатнинг ўзи!

Йўлдан кўзини узмай, рулни гоҳ ўнгга, гоҳ чапга бу-

риб, жим бораётган шофёр Ричард ҳам энди гапга аралашди:

— Бутун дунёни ёппасига жаннатга айлантирамиз деб, ўзимизнинг оёғимиз осмондан келмаса эди, ҳали. Қачонлардир бу ерда Искандар Зулқарнайн ҳам момақалдироқдек ўтган эди. Ундан нима қолди?

— Хо-хо-хо! — Мен астойдил кулдим. Агар ҳамма бизнинг Ричард сингари файласуф бўлса эди! Боғдан кириб, тоғдан чиққанини қаранг!

Ричард машинани тез юргизиб, баланд барханий охиб ўтгандан кейингина эътироз билдирди:

— Потўғри гапиряпманми?

Мен уни бекорга «файласуф» деганим йўқ. У чиндан ҳам фалсафа сотишни, бунинг устига мана шунақа ўғитона гапларни айтишни хуш кўради. Тагин кулмай, жуда жиддий туриб гапирди. Бу эса янада кўпроқ кулгига сабаб бўлар эди.

Мен мунозара бошламоқчи бўлиб:

— Қани, файласуфга қайси бирларинг жавоб бера-сизлар? Артур, сенми?

— Йўқ, йўқ! Файласуф билан баҳслашишга дош беролмайман.

— Жон, сен қалайсан?

— Очигини айтганда, мен фалсафани нима билан ёпишларини билмайман, — дея лоқайдлик билан жавоб берди учинчи ҳамроҳим.

— Эшитяпсанми, Ричард? Кураш майдони иккала-минга қолди шекилли? Розимисан?

— Айтган сўзимни қайтиб олсаммикин? Бунга нима дейсиз?

— Нега?

— Бёрди-ю, чиндан ҳам файласуф эканман, деб ҳад-димдан ошсамчи?

— Шошма, шошма... Сен чап берма. Қел, очикчасига гаплашайлик. Сен: «Бир вақтлар бу ердан Искандар Зулқарнайн момақалдироқдек ўтган эди», — деяпсан. Тўғри айтяпсан. Момақалдироқдек ўтди. Чингизхон эса бу ерда ҳамма нарсага ўт қўйиб кетди. Шу атрофда, чегарага яқин жойда қадимий Марв шаҳрининг вайроналари ётипти. Бир вақтлар у дунёдаги энг машҳур шаҳарлардан бири эди. Энди унга бир қара. Тош уюмларидан бўлак нарса йўқ. Уни ким вайрон қилди? Чингизхоннинг қароқчилари. Бизлар эса... Менга айтчи: биз

қайси шаҳарни буздик? Қайси мамлакатни ер билан яксон этдик?

Ричард индамасди. Мен сўзимда давом этдим:

— Биз, қадрли файласуф, ҳеч кимни таламаймиз, ҳеч қаерни вайрон қилмаймиз. Аксинча ваҳшийларга қандай яшашни ўргатамиз. Уларни асрий уйқудан ёруғ жаҳонга қайтарамиз...

Биз бир чеккада ўтлаётган қўйлар подасига яқинлашиб борар эдик. Машина овозидан чўчиган қўйлар думбаларини селкилатиб ёйилиб кетдилар. Йўл ёқасида гулхан ёқиб, чой қайнатаётган чўпонлар ҳам машинани кўргач, лаш-лушларини ташлаб, қочдилар. Бироқ маълум масофага бориб тўхтадилар. Ричард педални қўйиб юбориб, машинани бир неча марта узоқ бибиблатди. Чўпонлар яна нари қочдилар. Ҳар томондан бизга қараб вовиллаб келаётган итларни ҳайдаб тепаликка чиққанимизда, чўпонлар яна тўхташди. Мен хахолаб кулиб, узилиб қолган гапимни давом эттирдим:

— Кўрясанми, файласуф? Қани энди, менга айтчи: бу мавжудотларнинг ҳайвонлардан нима фарқи бор? Улар эса ўзларини одам деб аташади. Ҳа, улар ҳам одам. Аммо бизнинг улар билан орамиздаги фарқ ер билан осмонча. Сен машина ҳайдайсан, уни бошқарасан... Улар нима қила олишади? Ҳеч нарса! Лекин уларни ҳам ўргатиш керак. Уларни ҳам маданият оламига олиб чиқиш, чинакам одам қилиш керак! Бу ишни ким қила олади? Мен, сен ва бошқа бизга ўхшаган одамлар. Шунинг учун ҳам бизнинг қўлимиз баланд. Биз фаровонлик келтирамиз, заводлар, фабрикалар қурамиз, темир йўллар сола-миз. Оламни яшартирамиз.

— Бу фалсафангизни, чунончи, индусларга тушунтириб бўлсиз.

— Тушунтириб ўтиришнинг нима ҳожати бор? Циркда бўлганмисан?

— Ҳа.

— Демак, сен у ерда йиртқич ҳайвонларни — Африка йўлбарслари ва шерларини қандай қилиб ўт ичидан сакрашга, икки оёқда туришга ўргатганларини кўргансан. Улар фойдали иш қилаётганларини тушунишади деб ўйлайсанми? Еввойи одам, қадрли файласуф, баъзан ҳар қандай ҳайвондан ҳам баттар бўлади. Узини эса одам ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам унга ҳайвонлигини тушунтириш мушкул бўлади. Шундай эмасми, Артур?

— Айни ҳақиқатни гапирдингиз, жаноб полковник. Бу ердагилар ҳали ҳолва. Бизнинг негрларимиз булардан хароб. Оқни қорадан ажратолмайдилар. Чинакам йиртқичлар!

— Эшитясанми, файласуф?

Ричард бирпас жим турди, сўнг жавоб берди:

— Бир нарсага имоним комил: бизлар барибир осиелик ёки африкалик билан бир йўлдан боролмаймиз!

— Уҳў! Буниси янгилик-ку! — Ричарднинг бемаъни фикрлари мени асабийлаштира бошлаган бўлса-да, овозимни ўзгартирмасликка ҳаракат қилдим. — Нимага асосланиб сиз бундай чуқур хулосага келдингиз, ҳурматли файласуф? Қани, тушунтирингчи!

— Тушунтириш қийин эмас, — дея қатъий ишонч билан сўзини давом эттирди Ричард. — Биз осиеликларни ваҳшийлар, африкаликларни эса йиртқичлар деб атаймиз. Улар ҳам бизларни хуш кўришмайди. Бизларни жаллодлар, қароқчилар, деб аташади... Хўш, юрак ҳамоҳанг тепмагандан кейин, йўлларимиз қандай қилиб тўғри келсин?

Мен Ричардни жудаям ўсал қилишни истардим. Аммо шунақа имконият йўқ эди. Автомашинamız ўрмалаб тепага кўтарилиб борарди. Ундан ўтгач, бирдан жанубдан шимолга чўзилиб кетган кўм-кўк водий намоён бўлди. Анча енгиллашдик. Лоҳас қиладиган ўлик қумлардан сўнг кўм-кўк водий янги оламдай кўриниб кетди.

Водийнинг қоқ ўртасидан ўтган ариқдан шалдираб сув оқиб турарди. Ариқ бўйида пастак уйлар ва чайлар кўринди... Булар дала ишларини бажариш учун кўчиб чиққан деҳқонларники бўлса керак. Йўлнинг ҳар икки четида қуёшнинг ёрқин нурларида катта-катта тарвузлар товланиб ётарди.

Биз тепаликдан туша бошлашимиз замоно кўприк ёнидаги чайладан икки ҳарбий киши югуриб чиқишди. Улар қўлларини силкитиб, машинамизни қаршилаб кела бошлашди. Мен Артур ва Жонга кўз қисиб, машинани тўхтатишни айтдим. Озгин, новча офицер яқинроқ келиб, инглиз тилида чалароқ гапира бошлади.

Погонларига қараб нотаниш кишилар рус офицерлари эканликларини аниқладим. Улар қандай қилиб бу ерга келиб қолишдикин? Ўзлари ким экан? Хаёлимдан бирин-кетин шундай саволлар ўта бошлади. Гапиринидан офицер инглиз тилини жуда ёмон тушуниши би-

линиб турган бўлса-да, мен она тилимда жавоб бердим:

— What can do for you, dear friends!

Нотаниш кишилар афтидан менинг жавобимни яхши тушунишмади шекилли. Озгин, новча офицер соф француз тилида сўради:

— Балки ораларингизда француз тилини биладиган одам бордир?

Мен машинадан сакраб тушиб, қўлимни узатиб:

— Келинлар, яхшиси русча гаплашиб қўя қолайлик, — дедим.

Офицерларнинг чеҳралари ёришди. Биринчи бўлиб яқинлашган киши ўзини танитди. У штабс-капитан Герасимов, шериги эса поручик Петросов экан. Мен уларга сигарета тутдим ва бу ерга қандай қилиб тушиб қолганларини сўрадим. Герасимов менга ёлворганчамо қараб, жавоб берди:

— Агар вақтларингиз зиқ бўлмаса, ўн минутгина рухсат берсангиз. Биз Кушка гарнизонидан қочдик. Генерал Маллесон қўшин билан Асхободга боряпти деб эшитдик. Биз ўшанинг олдига боряпмиз. Кечирасиз, ким билан гаплашяпман?..

— Мен — полковник Форстер. Генерал Маллесоннинг ёрдамчиларидан бири.

— У-ў! Сизни худонинг ўзи бизга етказипти-да. Энди бизлар сизни қўйиб юбормаймиз, жаноб полковник. Биз сизнинг ҳузурингизга келдик. Штабс-капитан ўртоғига буюрди: — Тез бориб князни чақир. Қимирла!

— Нима, сизларнинг ораларингизда князь ҳам борми?

— Ҳа, оқсоқроқ бир князчамиз бор. Йўлда оёғи шиллиб, юролмай қолди.

Шу вақт князнинг ўзи келди. Урта ёш, оқишдан келган сариқ мўйловли, бақувватгина киши эди. Унинг бир оёғида этик, оқ латта ўралган иккинчиси гулчини ичига пачоқланган шиллақда эди. У йўғон ёғочга таяниб, чўлокланиб келарди.

Мен улар чиндан ҳам кушкалик офицермикин, деб синаб кўрмоқчи бўлдим. Капитан Воробьевни биласизми, деб сўрадим. Биринчи бўлиб Петросов жавоб берди.

— Бўлмасамчи! Жуда яхши биламиз. Бизлар бирга

бормоқчи эдик. Бироқ князь касаллангач, биз қолишга мажбур бўлдик. Эшитишимизча, капитаннинг омади келмапти. Хотини қаерда? Екатерина? Сиз билмайсизми?

— Екатерина, эшитишимча, бугун Машҳаддан Асхободга жўнаб кетди. У турмушга чиқди.

— Кимга?

— Закаспий ҳукуматининг ташқи ишлар министри жаноб Деховга.

— Уҳў! Унда бахтимиз чопадиган бўпти-да...

Офицерлар билан ўзим ҳам гаплашиб олишни хоҳлардим. Чунки Ҳиротда афгонлар билан Кушка ҳақида жиддий гаплашиб олиш лозим бўлади. Офицерлар эса айни зарур вақтда учрадилар. Мен пистолет осиглиқ камаримни ечиб, машинага ташладим-да:

— Хотиржамроқ гаплашиб олиш учун, жаноблар, сизлар ҳам қуроолларингизни машинага ташланглар, — дедим.

Офицерлар ҳайрон бўлиб қолдилар. Азбаройи газабланганидан князнинг ёноқ суяклари тортишиб кетди. Мен унинг жигига баттарроқ тегмоқчи бўлдим.

— Хафа бўлмайсизлар, жаноблар. Замон шунақа... Ахир илгари вақтларда князни ҳеч шу аҳволда кўрармидингиз: бир оёғида этик, иккинчисида туфли!

Князь менга газаб билан қаради-ю, аммо нафасини ичига ютди. Мен эса ниятимдан қайтмаганимни билдириш учун:

— Агар, жаноблар, сизлар чиндан ҳам мен билан суҳбатлашмоқчи бўлсангиз, тезлаштирайлик. Вақтим зиқ.

Герасимов билан Петросов зудлик билан камарларини ечиб, қуроолларини машинага ташладилар, аммо князь бундай қилмади. У:

— Майли, сизлар суҳбатлаша қолинглар. Мен сизларни ана у ерда кутиб тураман, — деб чайла томон юра бошлади.

Мен унинг қўлидан ушлаб, кулдим:

— Келинг, князь! Майли, сиз айтганча бўла қолсин. Хафа бўлманг. Қани, яхшиси бир рюмкадан коньяк ичиб олайлик.

Қўл остимдаги кишилар бир неча дақиқа ичида чодир тикиб, кигиз ёйдилар, вино ва газак тайёрладилар.

Биринчи қадаҳни танишганимиз учун ичамиз деб таклиф этдим-да, гапни ўзимга керакли томонга бурдим:

— Мен, жаноблар, бир нарсага ҳайронман. Ҳозир

<sup>1</sup> Хизматларингизга ҳозирман, қадрли дўстлар! (Ингл.)

Россиянинг ҳамма ерларида мисли кўрилмаган бўрон жуш уряпти, унинг келажаги устида қонли жанглар давм этипти. Унинг шон-шарафи учун кураш олиб бориляпти. Сизлар эса галалашиб бу ёққа қочаясизлар. Нега? Россиянинг шон-шуҳратини сизлардан бўлак ким химоя қилиши керак?

Менинг гаплашув оҳангим суҳбатдошларимга ёқмаслигини билар эдим. Ҳечқиси йўқ... Улар биринчи дақиқалардаёқ ҳозир лутф-карам кўрсатиб ўтирадиган дамлар эмаслигини билди олишлари керак. Айниқса, князнинг жуда жаҳли чиқиб кетди. Ҳатто юзи тиришиб кетди. У дарғазаб бўлиб менга қаради-да:

— Қамчи ишлатишга эртароқ киришяпсизми дейман, жаноб полковник, — деди.

— Йўқ, ҳурматли князь... у ёғини суриштирсангиз, мен сизга тайрихоҳман. Худди шунинг учун қуёшнинг жазирама иссиғида бу чўлу биёбонларда чанг ютиб юрибман. Бугун мен ҳам Россиянинг садоқатли ўғлонлариданман!

Князь шу заҳотиёқ жим бўлди, бошқа бир оғиз ҳам гапирмади.

Бўйдор, оплоқ соқолли деҳқон иккита катта қовун олиб келди. Мен у билан форс тилида саломлашиб, унинг отини, нима иш қилишини, оиласи неча кишилигини суриштирдим. Сўнгра чўнтагимдан бир ҳовуч чақа олиб, унга ташладим. Чол пулни олмади. Мен офицерларга рус тилида мурожаат қилдим:

— Кўряпсизларми, пулни олмаяпти. Ялангоёқ, чувринди... Олтита боласи бор. Шапалоқдай ер. Ғурурини қаранг! Хўш, бунга нима дейсизлар?

Петросов кулиб:

— Афтидан, бу оз деяётганга ўхшайди. Туманни<sup>1</sup> кўрсатинг... ўзини ташлайди, — деди.

Мен чўнтагимдан янги зарб этилган уч туманлик олиб, чолга узатдим. У олмади. Петросов форс тилида унга бақирди:

— Ол, тентак! Шундай пулни-я...

— Йўқ, йўқ... Пулингизни ёнингизга солиб қўйинг. Бизга худо бериб тургани ҳам етади. Енглар! Керак бўлса яна олиб келамиз.

Чол оғриниб чиқиб кетди.

<sup>1</sup> Туман — Эрон кумуш тангаси.

Мен яна ҳаммага кошьяк қўйиб, сўзимни давом эттирдим:

— Шу қашшоқлар ғурур нималигини билгач, биз иззатимизни қанчалик сақлашимиз зарурлигини ўзларингиз ўйлаб кўринглар.

Герасимов энди кўтараман деб турган рюмкасини кигиз устига қўйди. У Кушкада большевиклар таъсири кучлилигини, улар кун сайин мустаҳкамланиб бораётганини Закаспий ҳукумати Марвни эгаллаган тақдирда ҳам барибир Кушкани олишлари осон бўлмаслигини далиллар келтириб батафсил гапириб берди. Охирида генерал Востросаблин ҳам большевиклар билан бирга деб қўшиб қўйди. Унинг сўнги сўзи, очигини айтганда, мени жуда таажжублантириб қўйди. Чор генерали... Большевиклар билан бирга... Нега? Бундан унга не наф?

Герасимов тушунтирди:

— Бизнинг баъзи бир офицерларимиз, жаноб полковник, «ватан» сўзини тушунмайдилар. Улар буни ҳар қандай бўрон ҳам даҳшат сололмайдиган мустаҳкам тош минора деб ўйлайдилар. Минора устида ким ўтиргани билан ишлари йўқ. Улар миноранинг ташқи кўриниши билангина фахрланиб юраверадилар. Востросаблин ҳам шунақа одамлар тоифасидан. У: «Мен сиёсатга эмас, ватанга хизмат қиламан. Россиянинг тақдири қил устида турибди. Уни кечаги шерикларидан қутқариб қолиш керак» дейди. Востросаблин сизниқилар Закаспийга киришини эшитган экан. Ҳозир у большевиклар комиссари Моргунов билан бирга кечасию кундузи зарба бериш учун Кушкани мустаҳкамлашмоқда.

Мен фронтлардаги аҳвол ҳақида гапириб, большевиклар ҳалокат ёқасида турганларини алоҳида таъкидлаб ўтдим. Сўзимнинг охирида офицерлар кутмаган бир таклиф киритдим: князни мен билан бирга Ҳиротга боришга таклиф этдим. Бошда у мени ҳазиллашяпти деб ўйлаб, жоним билан бораман деди. Жиддий гапираётганимга ишонч ҳосил қилгандан кейин эса «йўқ» деёлмади. Петросовгина ҳазиломуз оҳангда хавфсирагандай:

— Яккаю ягона князимиз бор эди. Уни ҳам сиз олиб кетяпсиз, — деди.

— Хотиржам бўлинг, поручик, — дея жавоб қайтардим мен уни ишонтириб. — Князь сизлар етиб бэргач, узоғи билан уч-тўрт кундан кейин Машҳадда бўлади. Бундан бу ёғига ҳам ҳассага таяниб юриш унга осон бўл-

майди. Бизда эса автомобиль бор. Борган заҳоти врачга кўрсатамиз. Яна князининг ўзи билади. Ихтиёр унда. Менингни бурчим — таклиф этиш.

Князни Ҳиротга олиб кетиш фикри менда тўсатдан пайдо бўлди. У чиндан ҳам менга керак эди. Жуда керак эди. Ҳозир сўзидан қайтса-я? Йўқ, сўзидан қайтмади, яна бир рюмкани паққос кўтаргач, ўрнидан тураётиб деди:

— Мен тайёрман!

Энг катта орзуйим амалга ошгандай гоят енгил тортидим.

Қуёш тиғи пастга, ерга қараганда биз яна йўлга чиқдик.

Жоннинг ўрнида князь Дубровинский ўтирарди.

## 7

Ҳиротга бозор кунини кириб бордик. Тўғрироғи, бозор тарқалаётган пайтда. Одамлар тўда-тўда бўлиб, баъзилари отда, бошқалар аравада, бир хиллар эшакда ёки туяда кўча чангитиб боришарди. Биров савдоси ўнгидан келганини мамнуният билан мақтаб гапирар, бошқалар эса мотамдан қайтаётгандай эди... Бозор кимгадир омад келтирган, кимнидир қуп-қуруқ қолдирган. Мен учун шарқ бозорлари маълумот тўплайдиган жой ҳисобланар эди. Минглаб одамлар бозордан янги гап олиб кетар эди. Бозор кунини эшитилган янгиликлар ўша заҳотиёқ оғиздан-оғизга ўтиб, мамлакатнинг энг чекка жойларига чекка етиб борар, баъзан жуда кутилмаган воқеаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлар эди.

Дейлини Ҳиротга юбораётганда унинг бозор кунини шу ерда бўлишини ҳисобга олганим шунчаки бир тасодиф эмас. Капитан юзлаб афгонларнинг қулоқларига фавқуллода хабарни қуйиши, уларнинг тилларини ишга солиб юбориши керак эди. У бунинг уддасидан чиқа олганмикин?

Биз шаҳарнинг бир чеккасидан киргач, тезда Уламо мадрасасини ёнлаб ўтиб, марказий меҳмонхона олдида тўхтадик. Мен бу ерда илгари ҳам бўлган эдим. Бағри кенг боғ ичида иккита уй қад кўтариб турибди. Катта икки қаватли бино маҳаллий аҳоли учун ажратилган эди. Ҳовлининг шарқдаги иккинчи уй меҳмонлар — европаликлар ва маҳаллий зодагонларга эди. Бу бинога

алоҳида дарвозадан кириб борилар, уйлар европачасига ҳамма билан жиҳозланган эди.

Бизни меҳмонхона эгаси савдогар Ғовсиддиннинг ўзи кутиб олди. У менга бирин-кетин ҳамма хоналарни кўрсатди.

— Бу хоналарни Асадуллахоннинг одамлари банд қилишмоқчи эди. Сизнинг келаётганингизни эшитиб, уларга бермадим, — деди у савдогарларга хос эпчиллик билан парҳиз оширини мақсадида.

Мен унга сигарет тутдим ва Ҳиротда узоқ турмаслигини айтиб, тинчигдим. Асадуллахон билан яхши танишлигимни, Ҳиндистонда уни кузатиб юрганганимни айтдим. Шундан сўнг бир зумдаёқ гапга тушиб кетиб, мени шаҳар янгиликларидан хабардор қила бошлади:

— Халқ жуда бебош бўлиб қолди. Большевиклар шамоли бизга ҳам келиб қолмаса деган ташвишдамиз. Ўтган бозор кунидан шаҳарда безовталиқ. Бутун ҳунарманд аҳли — ноивойдан кулолу қосибгача бола-чақалари билан бирга ноивул ҳоким<sup>1</sup>нинг девонига бориб, солиқларни камайтиришни талаб қилишди. Ҳоким уларни ҳайдаб юборди, халқни ғалаёнга солган бир неча бузуқчиларни зиндонга ташлади. Оқсоқоллар аралашиди, бўлмаса қон тўкишгача борарди. Шаҳарда большевикларнинг айбончилари кўп. Тунда улар варақалар ёпиштиришини, дейишади. Ғалаён кўтаришмоқчимиз. Қушқа ёнимизда-да. Бир сакраса большевиклар Ҳиротга кириб олади. Ишлар чатоқ! Асадуллахон бекорга келгани йўқ.

Бу орада Ғовсиддиннинг шошқалоқ хизматкорлари ҳаммомга ўт ёқиб қўйишипти. Мен чўмилиб, уст-бошимни янгилаб олдим. Анча енгиллашган бўлсам-да, аммо йўл машаққати ҳали ҳам ором бермасди. Айниқса оёқларим зирқирарди. Мен эвқатланиб, коньяк ичиб олгач, ўринга кириб ётдим. Аммо ухлай олмадим. Бир-бирдан даҳшатли фикрлар қуршаб олди мени. Кўз олдимда учрашиним керак бўлган одамларнинг афт-ангорлари намоён бўларди. Нимадан бошлаш керак? Бу масала мени ташвишлантирмас эди. Қандай ҳаракат қилиш плани Машҳаддаёқ, генерал Маллесон кабинетига тузилган, ҳатто роллар ҳам ўзаро тақсимланган, кутилиши мумкин бўлган турли вариантлар кўзда тутилган, эндиликда амалий иш бошлаш керак эди.

<sup>1</sup> Ноивул ҳоким — вилоят бошлиғи.

Вазифа унчалик енгил эмас эди: афгонларнинг миллий туйғуларини қитиқлаб, уларни большевикларга қарши қўйиш керак. Албатта, бу ишни ёлғиз менинг ўзим бажармайман. Асосий иш Кобулда расмий кишилар орали олиб бориляпти. Аммо бирин-кетин ҳар хил воқеалар бўлиб турган жойда эдим. Бизнинг тахминимизча, асосий мунозара Пенде масаласи устида бориши мумкин эди. Бу масаланинг тарихини яхши билардим, у ҳақда ёзилган деярли ҳамма нарсани ўқиб чиққан эдим.

Бундан салкам қирқ йил муқаддам руслар узоқ давом этган қонли жанглардан сўнг туркманларнинг асосий таянч пункти Кўктепа қалъасини ишғол этган эдилар. Бу вазият, шубҳасиз, бизни қаттиқ ташвишлантириб қўйди. Ўша вақтда биз, руслар худди ана шу Кўктепада қаршиликка дуч келадилар, деб умидвор бўлган эдик. Кўктепа қалъасини мустаҳкамлашда бизнинг ёрдамимиз йўқ, деб бўлмайди. Биз ҳатто Ҳиндистондан ҳам инженерлар юбордик. Бироқ русларнинг йўлини тўсиб бўлмади. Бир минг саккиз юз саксон биринчи йилнинг ўн иккинчи январиди Кўктепа ишғол этилди. Шундан кейин Марв воҳасига умид боғланди. Аммо бу умид ҳам чиппакака чиқди. Саксон тўртинчи йилнинг бошида Марв туркманлари эски хон Нурбердиннинг беваси Гулжамол бошчилигида катта кенгашга тўпландилар. Ана шу кенгашда оқ подшога мурожаат этиб, ундан Марвни ўз ҳимоясига олишни сўрашга қарор қилинди. Натижада рус қўшинлари деярли жангсиз бутун Марв воҳасини эгаллаб олдилар. Бироқ кейинчалик, туркман-сариклар яшайдиган Пенде воҳасига силжиганда, улар афгонларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келдилар. Чегара масаласи борган сари жиддий тус ола бошлади, ҳар икки томон қўшинларини ҳозирги Кушкага тўпландилар. Бизникилар учун жуда қўл келадиган вазият вужудга келди: афгонларни русларга гиж-гижлатиш учун баҳона топилди. Булақа қулай фурсатни ким қўлдан бой берарди. Чегарани аниқлашда ёрдам кўрсатиш баҳонасида Пенде воҳасига генерал Питер Лемсден бошчилигида комиссия жўнатилди. Комиссия составига тажрибали разведкачи-офицерлар киритилди. Турли тасодифлардан сақлаш учун улар билан бирга икки отлиқ аскарлар эскадрони, икки рота пиеда аскарлар, жами мингдан ортиқ солдат қўшиб юборилди.

Афсуски афгонлар қатъий ҳаракат қилишга журъат

этолмадилар. Саксон бешинчи йил март ойида Мурғоб дарёси соҳилидаги дастлабки тўқнашувдаёқ улар ҳалок бўлган юзлаб одамларини қурбон қилиб қочдилар. Халқ орасидаги одатга кўра уларнинг бошлиғи Салор Темуршоҳ ғазабланганидан ўзига икки марта пичоқ санчди. Ноибул ҳоким эса тўрт офицернинг бурун ва қулоқларини кесишга фармойиш берди. Шундан кейин Пенде воҳаси тўла руслар қўлига ўтди. Русларнинг Закаспийга кириб келиши табиийки, бизнинг шарқ сиёсатимизни олиб боришимизда катта қийинчиликлар туғдирди. Руслар Ҳиндистоннинг шимолдаги дарвозаси Ҳиротга жуда яқин келдилар. Ҳатто Лондонда баъзилар эътирозга ўрин қолдирмайдиган қилиб: «Энди руслар борди-ю Мурғоб соҳилига чиқиб қаттиқроқ ҳуштак чалсалар, Ҳиндистонда чинакам бўрон кўтарилади!» — деб таъкидлай бошладилар. Бир хил эринмаган сиёсатдонлар эса архивлардан ҳатто ўз замонида Буюк Петр Ҳиндистонга юриш қилмоқчи бўлганини, Александр I бу ҳақда Наполеон билан гаплашганини титкилаб топдилар. Аммо вазиятни атрофлича билган одамларга бошиданоқ чор Россияси Ҳиндистонга юришни амалга оширолмаслиги, рус дипломатлари учун Ҳиндистон масаласи бизнинг Европадаги сиёсатимизга тазйиқ кўрсатиш учун восита тарзидагина кераклиги равшан эди. Бизнинг кўзга кўринган ҳарбий стратегларимиздан бири бундай деган эди: «Руслар Ҳиндистонга таҳдид солиш билан Босфор калитини олмоқчи бўладилар».

Ҳозир чалкашиб кетган ўтмиш воқеаларига хаёлан назар ташлаб, мен яна ўзимга савол бердим: Нега бизникилар Кўктепа учун курашга жиддий аралашмаганлар? Нега энди ўшанда афгонларни дуруст қўллаб-қувватлашмаганлар? Нега? Агар биз ўз вақтида жиддийроқ ҳаракат қилганимизда эди, балки русларни Каспий денгизи томон силжишга мажбур қилган бўлармидик? Шунда Туркистонда ҳозирги бетинчилик содир бўлмас, большевиклар гулгуласи Уралдан нарига ўтмас эди... Ҳа, фурсат қўлдан берилган эди. Энди жилла бўлмаса йўл қўйилган хатони тузатиш керак. Тарихни орқага қайтариб бўлмайди дейишади. Менимча, унинг қайтарилишидан чўчидиган одамларгина шундай ўйлашса керак. Тарих қайтарилиши керак. Ҳа, албатта қайтарилиши керак! Хўш, Пенде воқеаларини қайтариб бўлмайдами? Афгонлар орасида чегара белгиларини Марв томон су-

риб, Пендени Афғонистонга қўшиб олишни жиддий тарзда ўйлаётган одамлар оз эмас. Улардан баъзилари мамлакат сиёсатига таъсир кўрсата оладиган юқори лавозимдаги одамлардир. Бугунги куннинг манфаатлари уларни қўллаб-қувватлашимизни тақозо этмайдими?

Шу фикрлар билан ухлаб қолибман. Абдурраҳмон келиб мени уйғотмаганида, анчагача турмас эканман. Абдурраҳмон эса шошилинич ишларим борлигини билади. Шунга қарамай, у кеч соат ўнларгача ҳовлида юрипти. Мен ҳамон ўриндан турмаганимга имони комил бўлгач, эшигимни тақиллатди.

Абдурраҳмон Ҳиндистонда туғилган, ёнида ҳинд паспорти бор. Аммо деярли бутун умрини Афғонистонда савдо-сотиқ ишлари билан ўтказди. Унинг қарвонлари муттасил равишда икки мамлакат орасида қатнаб туради. Ҳиндистондан газмол, қанд, чой келтиради, у ёққа эса гиламлар, қоракўл тери, қуруқ мева жўнатади. Кейинги йилларда унинг савдо ишлари айниқса юришиб кетди. Уруш, ундан кейин эса революция бошланиб, Россиядан Урта Осиёга кам мол келадиган бўлиб қолди, баъзилари эса бозордан умуман йўқолиб кетди. Бу албатта Абдурраҳмон сингари удабуро савдогарларга айни муддао эди.

Артурни меҳмонхонада қолдириб, Абдурраҳмон билан унинг уйига кетдик. Ҳирот уйқуда, кўчалар бўм-бўш. Шунинг учун бўлса керак, машинамизнинг овози момақалдироқдай гумбурлаб, унинг фаралари эса олис-олисларга нур таратиб, янги туғилган ойдай қоронғилик багрини тилиб борар эди.

Абдурраҳмон Ҳиротнинг шимолӣ қисмида, шаҳарни ўраб олган деворнинг ташқарисида яшар эди. Унинг кенг, баланд девор билан ўралган сердароҳт ҳовлисида ҳамиша одам кўп бўларди. Бу ерга Афғонистоннинг ҳамма томонларидан, туркманлар турадиган жойлардан, ҳатто Бухоро ва Хивадан тинмай меҳмонлар келиб турар эди. Абдурраҳмон сахий, кўнгли очиқ, меҳмондўст савдогар ҳисобланар эди. Унинг меҳмондўстлигидан ҳатто баъзи афғон амалдорлари ҳадиксираб, шубҳа билан қарай бошладилар. Бироқ Абдурраҳмоннинг сахийлиги туфайли кириб бўлмас эшиклар ҳам унга ланг очиқ эди.

Мен сўнги марта Абдурраҳмонни йил бошида кўрган эдим. Ушанда унинг соғлиги айтарли яхши эмас. Қандаҳорга бориб, хасталаниб келган эди. Ҳозир соғайиб

кетган. Ҳушбичим, кулча юзи осойишта. Ўппоқ кийинган: бошидаги салла, елкасига ташлаган юпқа камзули, кўйлаги, иштони тоғдаги тиниқ қордек оқ эди.

Биз хонага киришимиз билан капитан Дейли ҳозир бўлди. У башанг кийинган: эгнида оҳори тўкилмаган оқ костюм, юпқа ипак кўйлак, бўйнида капалак нусха кулранг галстук. Бошида оқ шляпа, оёғида оқ туфли, қўлида нафис таёқча.

Капитан хонага киргач, шляпасини бошидан олиб, менга қўл узатди ва ҳазиломуз оҳангда ўзини танитди:  
— Мирсаид Гуломалихон, «Британия-Ҳиндистон» банкнинг вакили.

Начора, энди биз ҳам капитаннинг янги исмига кўнникамиз. Унинг исми ҳақиқатан ҳам Мирсаид. Чиндан «Британия-Ҳиндистон» банкнинг вакили. Жуда бўлмаганда паспортда шундай.

«Мирсаид» Абдурраҳмонга яқинлашди ва унга шоир Фирдавсийнинг сўзлари билан мурожаат қилди.

Авлиё эмасдир шоҳ Фаридун ҳам,  
На мушку муанбарпўш — у оддий одам.  
Уни юксалтирди олий саховат,  
Сахий бўл, гар етсин десанг саодат.

Абдурраҳмон ўрнидан сал кўтарилди-да, бошини хиёл эгиб, у ҳам жиддий туриб жавоб қайтарди:

Сардорга жавобан деди Манучеҳр:  
«Худо ёр... Худо ёр...»

У гудуллаб қолди. «Мирсаид» мамнун кулиб деди:  
— Шу ҳам бош бўлди-ю! Икки мисрани хотирида сақлай олмаса-я! Эҳ, бу савдогарлар... Уларга фақат харидорни алдаш бўлса. Бунисига улар устаси фаранг!  
Абдурраҳмон эслай олмаган мисраларни капитаннинг ўзи ўқиди:

Сардорга жавобан деди Манучеҳр:  
Худо ёр сенга. Кўп сўзингда сеҳр<sup>1</sup>.

Шу пайт Иброҳим кириб, меҳмонлар — Тахта бозордан туркманлар келишганини айтди. Абдурраҳмон вискини<sup>2</sup> тез ичиб, кечирим сўради-да, чиқиб кетди.

<sup>1</sup> Бу сатрлар Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидан.

<sup>2</sup> Виски — ичкиликнинг бир тури.

Биз капитан билан иккаламиз қолдик. У менга Ҳиротдаги вазиятни гапириб берди. Охирида Машҳаддан олиб келган варақаларни қандай тарқатганини ҳикоя қилиб берди:

— Тўғрисишни айтсам, шу варақалар шаҳарда бунчалик шов-шув кўтаришини ўйламаган эдим. Ҳоким ўзини қаёққа уришини билмай қолди, дейишади. Бутун ҳукмдорларни оёққа турғизипти, ўйлаб кишиларни қаматипти. Эрон консули ҳам: «Большевиклар Кушка томондан келганда ҳам бунчалик ғала-ғовур бўлмас эди», — дейди. Бугун эронлик бир неча савдогарлар консулга келиб, кетишга рухсат сўрашпти. Баъзилар нарсаларини йиғиштираётган эмиш. Варақаларни камроқ олиб келган эканмиз, аттанг. Кўпроқ ясашимиз керак экан.

— Нега?— Мен капитан бу ишга қизиқиб кетганини кўриб, сал қайтармоқчи бўлдим. — Бизга маҳаллий аҳолини ҳаяжонлантиришнинг кераги йўқ. Ҳокимни ташвишга солиб қўйган бўлсак, варақалар Асадуллахоннинг қўлига етган бўлса... Шунинг ўзи кифоя! Уларга энди ҳожат йўқ.

Бу сохта варақалар ўз ишини қилишини, Ҳиротдаги биқик вазиятга албатта таъсир этишини олдиндан билган эдим. Аммо генерал Маллесон, гарчанд қўлга қалам олиб варақаларнинг сўзларини диққат билан кўрган бўлса-да, бу тадбиримизнинг муваффақият қозонишига унчалик ишонмаган эди. Сирасини айтганда, ундаги сўзлар бош қотириб ўтиришга тўғри келадиган даражада ҳам эмас эди. Ҳаммаси бўлиб бир-иккитагина жумла: «Яшасин революция! Йўқолсин монархия!»

Нима бўлганда ҳам капитаннинг кўнглини кўтариш учун варақаларни усталик билан тарқатганини мақтадим, сўнгра йўлда учраган рус офицерлари ҳақида гапирдим, князь Дубровинский тўғрисидаги режаларимни айтиб бердим. Капитан қойил қолди:

— Аъло! Жуда соз!

... Князь ўжарлик қилишини билган эдим. Шунинг учун дафъатан оғзига урмоқчи бўлдим. Ичкарига кириши билан соғлигини сўраб ўтирмай, бор гапни тўкиб солдим. Уни нима мақсадда олиб келганимни рўйрост айтдим. Ҳазабдан нафаси тикилаёзди.

— Мени ким деб ўйлаяпсиз?

Князь жуда жаҳли чиққанидан қалтирарди. Мен совуққонлик билан киноя аралаш жавоб бердим: — Рус князисиз деб ўйлаяпман. Балки хато қилаётгандирман?

— Ҳа, хато қиляпсиз! Ўзингизга гумаштани бошқа ёқдан қидиринг. Мен сиздан наст ва кам эмасман!

— Шубҳасиз! Ҳатто ўзингизни мендан юқори деб ҳам ҳисоблашингиз мумкин. Ахир сиз князисиз! Аммо ким бўлсангиз ҳам, ҳурматли капитан, топшириқни бажаришингизга тўғри келади.

— Бажармасамчи... Унда нима қиласиз?

Мен ўрнимдан турдим, князга жуда яқинлашиб, ўқрайган кўзларига тикилганча гапирдим:

— Агар бажармасангиз ёки найранг қилишга ўтсангиз... Унда билмай қолипман, дея кўрманг. Уткир ханжарнинг қурбони бўласиз. Уқнинг эмас, ханжарнинг. Қўрқитяпти деб ўйламанг. Йўқ! Тўғриси айтипман. Сиз ҳарбий кишисиз, бундай масалаларда ҳазил қилмасликларини тушунишингиз керак!

Князь жим турарди. Тўғрироғи, тешиб юборгудек, аччиқ нафрат билан мени қоралаётгандай тикилиб турарди. Мен овозимни ўзгартирмай, давом этдим:

— Нимадан қўрқасиз? Сизни жиноятга бошлаяптиларми? Рус князисиз, бу тўғри... Офицерсиз — буниси ҳам тўғри... Кушкадан қочгансиз — тўғри... Большевикларни кўрарга кўзингиз йўқ — бу ҳам тўғри. Демак, ҳеч қандай кўзбўямачилик йўқ. Зудлик билан ҳокимга борингда; ҳозир мендан эшитган гапларни унга етказинг. Вассалом — иш тамом!

— Менинг ундан кейинги тақдирим ҳақида ўйладингизми?

— Сизнинг кейинги тақдирингиз ҳақида? — киноя билан кулдим. — Менинг кейинги тақдирим ҳақида ким ўйлайди? Гарчанд мен бунақа зодагонлар наслидан бўлмасам-да, аммо мен ҳам инсонман, мен ҳам яшашга ҳақлиман. Бунақа лаънати ерларга келиб қолишим тушимга ҳам киргани йўқ эди. Эртага менинг нима бўлишимни ёлғиз худонинг ўзи билади. Сиз эса мендан келажакка кафолат талаб қиляпсиз!

Князь жим турарди. У бошини қуйи солганча ҳаяжондан қуруқшаган лабларини ялар, титраб-қақшаб сўлагини ютар эди. Ичимда кулгим қистади. «Бунчалик кибр-ҳавони сенга ким қўйипти? Бир вақтлар авлод-

аждоднинг князлик унвоини олган бўлса олгандир. Ушандан буён тарих китобининг қанчадан-қанча варақлари ўтиб кетди! Неча замонлар айланиб, қанча ҳукмронлар келиб кетди! Сенинг каллангда эса ҳамон ўрта аср ҳавоси чарх уради. Князлик номингдан бўлак ҳеч вақо қолгани йўқ! Арзимаган эллик десятинага етар-етмас қаровсиз еру «сарой» деб аталадиган хароб ошёнинг. Унга ҳам большевиклар эга чиқиб туришипти. Қушкага ҳам тасодифан келиб қолганинг йўқ. Рашк қилиб хотинингни отиб қўйганинг учун шу ёққа бадарға қилингансан. Холинг шу-ю, бунчалик кибр-ҳавога бало борми! Шошмай тур, димофингни бир тушириб қўяй!..»

Мен яна гапирга бошладим:

— Чиройли сўзлашни машқ қилишга вақтимиз йўқ, назокатли князь. Менга очигини айтинг: маслаҳатимни қабул қиласизми ёки йўлингизни ўзингиз топиб кетаверасизми? Иккисидан бири!

Князь қайнаб турган газабини босишга ҳаракат қилди. У оғир хўрсиниб:

— Бунақа мушкул аҳволга тушиб қолишимни ўйламаган эдим, — деди.

— Қанақа мушкул аҳвол?— суҳбатдошим таслим бўла бошлаганини кўриб, суҳбатни бамайлихотирлик, бемалоллик томон буришга интилдим.— Менимча, ҳеч қанақа мушкул аҳволга тушганингиз йўқ. Фақат бир-биримизни яхши тушунмаяпмиз. Бунга чек қўйиш учун эса биргина нарса зарур: жаҳл қилмасдан, газабланмасдан масалага ақл-идрок билан ёндошиш. Шунинг ўзи кифоя! Бунинг устига унутманг — сиз князсиз. Россиянинг фахри! Сизга ватан учун курашмоқдан муқаддасроқ нима бўлиши мумкин? Ёки келажак ширин хаёлларига фарқ бўлиб, бир чеккада ғарибона ҳаёт кечирмоқчимисиз?

— Ширин хаёлларга фарқ бўлганимда, бу ёққа келмас эдим!

— Мана бу гапингизга қўйил! Ажойиб жавоб! Аслида сиз Шиллернинг сўзларини қайтардингиз. Эсингиздами, у бундай деган:

Юртда улуг ишлар бўлиб турганда,  
Ўз уйин кунжигга бекиниб, мудраб,  
Сукут сақлаб қолгай, қайси бир банда?

Князь жим турарди. Мен сўзимни янада юмшоқроқ қилиб давом эттирдим:

— Сиз бир нарсани тушуниб олинг, князь: бутун бошли давлат Афғонистонни большевикларга қарши курашга оёқлантириш... Бу ҳазилакам ишми?

— Оёққа турармикин?

— Бўлмасачи! Сиздан фарқим шундаки, мен вазиятни яхшироқ биламан. Афғонистон — бамисоли порох солинган ертўла. Бугун бўлмаса эртага у албатта порттайди. Биз эса порохга ўт қўйиб, портлаш жараёнини гезлаштиришимиз керак. «Биз» деганимизда иккимиз эканмиз деб ўйламанг. Йўқ, бу йўлда юзлаб киши иш олиб борапти. Биз шу узун занжирнинг ҳалқачаларимиз, холос. Аммо муҳим ҳалқача. Занжирни бир-бирига улайдиган ҳалқача!

Князь бошини қўйи солганча, сўзларимни диққат билан тинглар эди. У тамаки чекиб, чуқур хўрсинди:

— Ҳ-ҳ-а-а...

Шиддат билан ёнган газаб ўти сўна бошлади, пешонасидаги ажинлар ҳам йўқола борди. Мен янаям мулоҳимлик билан давом этдим:

— Бизни тақдир тақозоси бирлаштирди, ҳурматли князь. Йўлимиз бир. Қўнглингизда бирор ҳадиксираш бўлса, уни қувинг. Мен сизга ёмонликни раво кўрмайман. Сиз катта, қаҳрамонона иш бошляяпсиз. Ҳамиша омадингиз келсин! Сизнинг соғлигингизга!

Бу гал князь капитан узатган коньяк солинган рюмкани пешонасини тириштирмай олди-да, бир кўтаришда ичди.

## 8

Мен кеч ётдим, эрта уйғондим. Тўғриси, мени эрта уйғотишди.

Олдин хўрозлар шу қадар қаттиқ қичқиршидики, асти қўяверинг. Шундан сўнг шарқнинг фахри ҳисобланган эшаклар ўзларининг ёқимли ашулаларини бошлаб юбордилар. Шу орада бирдан ит ва лайчалар теварак-атрофга шовқин солиб вовиллай бошладилар. Шунча тўполондан сўнг уйғонмай кўринг! Шарқнинг ўзинга хос ажойиботлари бор, дейишади. Аммо бундан ҳам ажойиброқ нима бўлиши мумкин?

Роҳатланиб у ёнбошимдан бунисига ағдарилиб ва узунқулак осиеликларнинг ажойиб ашулаларини эшитиб ётиб, бугун қиладиган ишларимни хаёлимдан ўтказ-

дим. Иш ошиб-тошиб ётипти. Биринчи навбатда ҳоким билан учрашиб, келганимни расмий равишда маълум қилишим керак эди. Шунинг учун кун ёриши билан унга мени қабул қилиш учун вақт ажратишни илтимос қилиб одам юбордим. Ҳоким маҳкамасида йўқ экан. Ҳамроҳларимни меҳмонхонада қолдириб, ўзим Абдурраҳмон билан шаҳарни айланишга чиқдим. Иссиқ яна кучайган, қуёш эндигина уфққа кўтарилганига қарамай, ер қиздирилган тандирдай ҳовур қайтарар эди. Шунинг учун бўлса керак, Ҳирот кечагидан ҳам кўримсиздай туюлар, кўчалари ифлос ва қашшоқ эди. Қаёққа қараманг ўша бир хилдаги маъюслик. Гўё тарих гилдираги Афғонистонга етганда синиб қолганга ўхшарди. Ҳамма ёқда ўша ним қоронғилик ва ғалати жоҳиллик...

Кўзга яққол ташланмаслик учун мен гражданча кийиниб чиқдим. Шу қиёфада ҳам юзлаб совуқ нигоҳлар менга қаратилди. Одамлар юрган йўлларида тўхтаб қарашар, бири иккинчисини чақириб, бармоғи билан мени кўрсатиб ёввойи одамни кўргандай «фаранги... фаранги!» деб қайтаришар эди. Чиндан ҳам бу ёввойи одамлар тўдасида мен бир гала чумчуқ ичидаги товусга ўхшар эдим. Қаёққа қарасанг саллаю, қоп-қора чачвон... Сочи эндигина ўримга келган қизлар ҳам юзига чачвон ёпар эди. Эронда аёлларнинг жилла бўлмаса кўзини кўриш мумкин. Бу ерда ўша ҳам йўқ. Бутун юз қора тўр билан тўсилган. Бу тўр ортидан улар кўриша олармиди? Худо билади! Умуман бу аёлларда юрак, қалб бормикин? Балки уларнинг кўриш ва эшитиш аъзолари ўрнини бошқа бирор яширин туйғулари босар? Бироқ мен учрашган шарқ аёлларида бунини пайқамадим. Хўш, унда уларнинг қиммати нимада экан?

Катта кўчага чиқиб, қайилишга етишимиз билан одамларнинг катта бир тўдаси йўлимизни тўсди. Мен михлаб қўйгандай беихтиёр тўхтадим. Учта қуроолланган солдат олдида бизнинг князь чўлоқланиб келар эди. У парад мундирида, ҳамма орденларини тақиб олган эди. У атрофга алангламай, бошини тик тутиб осойишта келарди. Унинг орқасидан эса юзлаб одамлар бир-бирини суриб, қисилиб, қичқириб, кўча чангитиб келишарди. Ҳамма ёқдан «Рус! Рус!» деган таниш сўзлар эшитиларди.

<sup>1</sup> Фаранги — хорижий маъносига.

Мен ўз ёдгорликларим учун яна бир эпизодни суратга олиш ниятида фотоаппаратни тезгина князга тўғриладим.

Абдурраҳмон хушомадгўёна жилмайиш билан гапира бошлади:

— Энди, жаноб полковник, сиз иккинчи планга ўтдингиз. Энди сизни ҳоким қабул қилишига кўзим етмайди.

— Нега энди?

— Чўлоқ рус ҳамма афғонларни ташвишга солиб қўяди. Унинг кетидан одамларнинг югураётганини кўриясизми? Мен ўн беш йилдан буён шу ерда яшаб, ҳали «рус» сўзини эшитганим йўқ эди. Ҳозир эса ҳамманинг оғзида бир сўз: «рус», «рус».

— Улардан кўрқишадими?

— Биров кўрқади, бошқаси учун айна муддао. Бир нарсасига имонингиз комил бўлсин: борди-ю, ҳозир юзлаб руслар қўлларида қизил байроқларни кўтариб, чегарадан ўтгудай бўлсалар... Вой-вой, ана унда қанақа ғалаговур бошланишини кўрардингиз! Ахир бу ялангоёқ, чувриндилар бизни анчадан буён яниб юришипти-да. «Ур» деган фармойиш бўлиши билан бутун шаҳарга ўт қўйиб юборадилар...

Биз икки четдан пахса деворлар сиқиб қўйган камқатнов тор кўчага бурилдик. Ундан ўтиб, шаҳар чеккасидаги хароба чордеворларга чиқдик. Ҳиротда илгари ҳам бўлганман, аммо бу вайроналарни кўрмаган эдим. Бунинг сабаби бор, бунақа жойларда санқиб юришни ёмон кўраман. Бу қинғир-қийшиқ жойларнинг ҳаммасини кўриб адо қилиб бўлмайди, устига-устак, бунинг нимаси қизиқ? Асрлар давомида тўпланган чанг... хароба деворлар... қийшайиб қолган устунлар... Ярим-ёрти миноралар... Шуми? Улардан ҳар бирининг ўз тарихи бор деб ҳисоблашади. Хўш, нима қилипти? Тарих китобини бошдан-оёқ варақлаб бўлармиди? Борди-ю, афғонлар билан учрашиш зарурати бўлмаганда, менга ишонаверинг, ҳатто, харобаларнинг яқинига ҳам келмас эдим. Аммо айтишларича, Асадуллахон тарихни севар экан. У билан суҳбат худди ана шу қадимий харобалардан бошланса ҳам ажаб эмас.

Кун борган сари қизир эди. Автомобилда чиқмаганимизга ачиндим. Бу зерикарли сайрни ортиқча чўзмай, тезроқ хонамга қайтишга қарор қилдим. Даставвал биз-

дан ушча узоқ бўлмаган жойда ёнига қийшайган қўш минорани кўздан кечирдик. Шундан сўнг ертўлага ўхшаган қоронғи мақбарага кирдик. Қирган пайтда ҳеч нарсани кўролмаган бўлсамда, димоғимга гул этиб моғор ва намиққан тупроқ ҳиди урилди. Абдурраҳмон мақбаранинг ўртасига Алишер Навоий<sup>1</sup> дафн қилинганини айтди. Шу пайт ҳассасини тўқиллатиб, баланд бўйли бир чол кириб биз билан кўришди. Афтидан дарвишга<sup>2</sup> ўхшар эди. Унинг устидан на кўйлак, на иштон. Белидан пастга аллақандай ола-қуроқ мато ёпган, чап елкаси оша бир неча қат оқ газмол ташлаб қўйган. Оёқ яланг, бош яланг. Озғин, букчайган, соқол-мўйлови ўсиб, юз-кўзини ёганидан чўққи бурнигина кўринар эди.

Абдурраҳмон у билан эски қадрдонлардай гаплашди:

— Ҳа, мулла қаландар... кайфлар чоғми?

Абдурраҳмоннинг сўзлашув оҳанги дарвишга сира ёқмади. Норози қиёфада чимирилиб, жавоб берди:

— Қаландарда кайфоғлик бўлмайди. Истасанг, уни саломатлигини сўра.

— Нега кайфоғлиги бўлмайди. Кайфоғлик қилмасдан яшаб бўладими?

— Бўлади.— Дарвиш ишонч билан гапирар эди.— Кайфоғлик тубан ҳис-туйғуларни, қаноатсизликни уйғотади. Оллоҳнинг садоқатли бандаси худо хуш кўрмайдиган оний кайфоғлик кетидан қувиб, номусини булғамайди. Бусиз ҳам дунёда макруҳликлар кўп!

Абдурраҳмон жим қолди.

Дарвиш бизга Алишер Навоий ҳақида қисқа ваъз ўқиди. Навоий салкам ярим минг йил муқаддам Ҳиротда туғилганини, ўша вақтларда Ҳиротда катта мадрасалар ва қироатхоналар бўлганини, машҳур олимлар ва шоирлар яшаганини, Навоий уларга ҳомийлик қилганини, шунингдек ўзи ҳам ўлмас асарлар ёзганини шарқ халқларига хос тумтарақай сўзлар билан ҳикоя этди. Гапининг охирида эса ўзининг кайфоғлик ҳақидаги сўзларини Навоий мисралари билан тасдиқлади:

Эйки, қавий айлади давлат қўлунг,  
Зулм сори тушти ва лекин йўлунг.

<sup>1</sup> Низомиддин Мир Алишер Навоий (1441—1501) буюк ўзбек шоири, мутафаккири ва давлат арбоби.

<sup>2</sup> Д а р в и ш — мусулмонлар монахи. Кезиб юрадиган дарвишлар қаландар деб аталган.

Зулмунг эмас эрди халойиққа кам,  
Ким қиладурсен ани ўзунгга ҳам.

Сен чу бўлуб сархушу хилват гарой  
Анда қилиб ҳарие тилаб нафсу рой.  
Базмдиги қарию гар худ йиғит  
Майдин ўлуб ҳар бири бир телба ит.

Дарвишнинг нотиклиги, тўғриси айтганда, мени ҳайратга солди. Ташқи қиёфасига қараганда у дарбадар юрадиган дайдига ўхшаб, бошида тариқча ақл борлигига ҳам сира ишониб бўлмас эди. Аммо айтган сўзлари ва берган жавобларида оддий, ожиз дарвишнинг ақли етмайдиган юксак тафаккур бор эди. Мақбарадан чиққан миздан кейин диққат билан уни кўздан кечирдим. У ҳам менга разм солиб қаради. Сўнг ўз иззат-нафсини букмайдиган одамдай сира тортинмай, бамайлихотир сўради:

— Сиз ҳам Ҳиротдан мисиз?

— Йўқ, Ҳиндистондан. Шу жойларни кўрай деб келдим. Ўзларига ўхшаган мусулмон фарзандимиз.

— Менга ўхшаган?— Дарвиш қалин қошларини норози қиёфа кўтарди.— Йўқ, бизнинг мусулмончилигимизга сиз дош беролмайсиз.

— Нега?

— Чунки мен бу дунёдан тамоман воз кечдим. Минг лаънат унга! Қамчи овозинигина эшитасан... Бузуқлик ва номуссизликнинггина гувоҳи бўласан... Беғаразлик, очиқ кўнгиллик, софдиллик йўқ. Ҳаётнинг бирдан-бир безаги танга жаранги бўлиб қолмоқда. На номус, на сабр-қаноатни биладилар. Бу қандай дунё бўлди?

— Хўш, бу вайроналар дурустроқми?

— Албатта, дурустроқ... Атрофни ўраб элган қайғу-алам фиғонининг тутуни кўзимдан нарида, қулоқларим бахти қаро ожиз одамларнинг қалб тўридан отилиб чиқаётган нидосидан холи. Шуниси борки, салла йўқ, кафш йўқ... қорним бир кун тўқ, икки кун эса оч... Аммо виждоним пок. Шунинг ўзи менга кифоя. Балки сиз ичингизда мендан кулаётгандирсиз. Эҳтимол: «Дарвиш... тентак... жоҳил...» деяётгандирсиз. Кулаверинг, бунга ҳаққингиз бор. Мен ҳам куламан, — бузуқлик, номуссизлик, қабиҳлик устидан куламан. Оллоҳнинг марҳамати кенг, эртами ёки кечми бандаларининг қилмишларига баҳо беради!

Ҳаяжопдан дарвишнинг кўзларига қон қуйилиб келди. Мен уни гапга солганимга ич-ичимдан ачиндим. Қатъий эътиқоднинг қудратига қаранг! Қани энди бу телбага ақл-идрокини бекорга сарфлаётганини, шусиз ҳам аччиқ тақдирининг илдизига ўзи болта уриб қир-қаётганини тушунтириб кўринг!

Биз бошқа мақбара томон йўл олдик. Дарвиш йўл-йўлакай у мақбарада Абдурраҳмон Жомий<sup>1</sup> дафн этилганини, у ҳам Ҳиротда Навоий билан бир вақтда яшаб ўтганини, инсонпарвар шоир ва олим бўлганини тушунтирди. Мақбаранинг соя томонида эски намат устида беш-олти қалин жилдли китоблар ётар эди. Мен уларга кўз қиримни ташлаб, дарвишдан сўрадим:

— Бу китобларни ўзингиз ўқийсизми?

Дарвиш энгашиб, китоблардан бирини олди-да, дастлабки варағига қаради. Сўнгра менга узатиб:

— Олинг... истаган варағингизни очинг. Биринчи мисрани ўқинг, қолганини мен давом эттираман,— деди...

Очигини айтсам, китобга қўл ургим йўқ эди. Балки унинг қатларида, худо билсин, қачонги касал юқтирадиган бактериялар ётгандир? Бироқ дарвиш хиралик қилиб, китобни қўлимга тутқазди. Мен унинг дуч келган бир варағини очиб ўқидим:

Кимки бир шиддат аро сабру таҳаммул айлади

Дарвиш ўйланиб ҳам ўтирмай кейинги мисрани ёддан ўқиб берди:

Бахт анинг нишини нўшу хорини гул айлади.

Мен тавваккал қилиб яна бир варақни очдим-да, ўқидим:

Берса, Навоий, сенга ёре худо,

Дарвиш давом эттирди:

Сен доғи қил бошингу жонинг фидо.  
Оғзима жон етти даво қил манга,  
Ваъда неча эмди вафо қил манга.

Мен китобни дарвишга қайтариб бериб, шаънига мақтов сўзлар айтдим:

— Марҳабо! Офарин! Қойил! Жуда зўр!

<sup>1</sup> Нуриддин Абдурраҳмон ибн Аҳмад Жомий (1414—1492) форс-тожик адабиётининг классиги.

Шу пайт аллақаяқдан яна иккита дайди келиб қолди. Улардан бири ғоят камёб нусха, ёдгорликларимга кириштишга жуда боп эди. Унинг елкаларини кўкиштоб-қора соч қоплаган эди. Соқол-мўйлови шу қадар ўсган эдики, юпқа қизил лаблари аранг кўринарди. Кенг кўкрагини ҳам жун қоплагам. Уст-боши қуроқ матодан. Белида дарвиш қовоғи ва яна аллақандай лаш-луш осиглиқ. Битган яранинг ўрни билиниб турган ва кирдан карашлаган оёғида ҳеч нарсаси йўқ. Қўлида ялтираб турган болта.

Мен аппаратни олиб, бу дайдининг суратини олмоқчи бўлиб турган эдим, аммо кекса дарвиш шоша-пиша тўхтатди.

— Йиғиштиринг! Масхарабозлик қилманг!

Дарвишнинг этсиз бармоқлари қўлимга ботди, унинг бўғиқ, қалтироқ овози эса қўлоғим остида жаранглаб кетди. Фақат шундагина мен тамоман бошқа оламга кирганимни ҳис этдим.

## 9

Асадуллахоннинг Маймандан қайтишини кутиб Ҳиротда салкам бир ҳафта туриб қолдим. Турган гапки, бу вақтни бекорга ўтказганим йўқ. Ҳоким билан учрашиб, Туркистонга қурол-яроғ етказиб бериш ишини йўлга қўйиш чорасини кўрдим. Бугун эса Пенде воҳасидан келган туркман хонлари билан учрашишга қарор қилдим.

... Биз капитан Дейли билан уйдан анча кеч, охириги намоз вақтида чиқдик. Атрофда одам йўқ. Шаҳар уйқуда, ҳамма ёқда оғир сукунат. Биз тоза ҳаво олиш мақсадида секин юрар эдик. Ҳарорат кундузгидан анча қайтган бўлса-да, аммо ҳамон дим, шамол эсмас эди. Чарақлаб турган юлдузлар эртага ҳам кун исшидан далолат берар эди.

Бизни Абдурраҳмоннинг укаси кутиб олди. У мени меҳмонлар ўтирган уйга бошлаб борди. Абдурраҳмоннинг артистлик истеъдодига қойил қолдим: мени кўриши билан ўрнидан сапчиб туриб, узоқ вақт кўришмаган одамдай кучоқ очиб сўрашди.

Меҳмонлар билан танишдим. Улардан бири оппоқ қалин соқоли бутун кўкрагини қоплаган, қўй кўз, қирғий бурун ва қориндор эди. Уни Елқопбой деб аташди.

Иккинчиси — бир кўзи ғилай, ғажиб ташланган қовун пўчоғидай тиришган, чуваккина юзли, бесоқол, ер тортиб турган пакана киши эди. Мен уни биринчи марта кўриб турган бўлсамда, аммо у ҳақда баъзи нарсаларни билар эдим. У Абдурраҳмоннинг Пенде туркманлари орасида ишлаётган ишончли одамларидан бири эди. Ташқи қиёфаси кўримсиз бу одам ўз ишига пишиқ, энг оғир топшириқларни ҳам усталик билан уддалар эди. Бизга у «пенделик» лақаби билан маълум бўлиб, халқ орасида Қорача мулла деб аталар эди. У чиндан ҳам мулла, мусулмонларнинг диний ақидаларини яхши билар эди.

Олдиндан келишилганидай мен ўзимни бугун-эрта Бухорога жўнаб кетаётган зиёратчи деб таништирдим. Абдурраҳмон мен асли араблигимни, сўнгги вақтларда Бухорода мадраса талабаларини ўқитаётганимни қўшиб қўйдн.

Елқопбой оғир нафас олиб, гугурт чўни билан тишини ковлаганча савлат тўкиб ўтирар эди. У менга қарамас ва гапга қулоқ ҳам солмас эди. Аммо Қорача мулла ўзининг бир кўзи билан менга еб қўйгудай тикилаётган эди. Ҳатто назаримда у менга шубҳа билан қараётгандай эди.

Абдурраҳмон тезда гапни бизга керак томонга буриб юборди. Худди фавқулодда бир янгиликни хабар қилаётгандай, меҳмонлар Пенде воҳасидан келишганини, улар большевиклар билан меньшевиклар ўртасида бўлаётган низолар ҳақида қизиқ нарсаларни гапираётганларини жуда кўтаринки руҳда айтиб берди. Мен суҳбатга қўшилиб, Елқопбойга: большевиклар билан меньшевиклар ўртасида қандай фарқ бор? — деб савол бердим. У Қорача муллага кўз қирини ташлаб қўйиб, жим тураверди. Унинг қарашидан маъно уқиб олган мулла нотиқлигини намоён қилишга киришди:

— Большевиклар билан меньшевиклар ўртасида тақсир, ер билан осмончалик фарқ бор. Болшевиклар... улар чинакам исёнкорлар. Худони билишмайди, хонлар-сардорларга бўйсуншмайди. Фақат талашу ўлдиришни билишади... Меньшевиклар эса — бунақа эмас. Улар халққа тегишмайди. Уларнинг бирдан-бир душманлари — большевиклар. Вақти келиб большевикларни қувиб чиқаргач, ўз ихтиёрлари билан чиқиб кетишади. Туркманлар ўз ҳолларича қолишади. Шундай эмасми, бой оға?<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Оға — жаноб маъносида.

Елқопбой танбаллик билан хўрсиниб бош қимирлатди:

— Ҳа...

Мен тасбеҳ доналарини бамайлихотир тушириб, истеҳзо билан кулдим:

— Э, билмадим... Руслар сизларни тинч қўйишармикин? Большевиклар ҳам, меньшевиклар ҳам — бари сизлар учун ғайридин. Гап мусулмонлар ҳақида борса, улар ўзаро келишиб оладилар. Умуман ҳозирги вақтда ҳар кимнинг осонликча ўз ҳолича қолишига ишончим йўқ. Яна илгариги ўзаро урушлар бошланади. Вақтдан фойдаланиб, битта мусулмон давлатига таянишга ҳаракат қилинса дурустроқ бўлмасмикин, чунончи Афғонистонга? Рус мусулмонга йўлдош бўлолмайди!

Менинг сўзларим Елқопбойга маъқул тушди, шекилли. У кўзини ерга тикиб, тасдиқлаган каби бош чайқади. Энди у, албатта гапирса керак, деб ўйлаган эдим. Йўқ, яна жим қолди, яна кўз қири билан Қорача муллага қаради. Мен асабийлаша бошладим. Вой қовоқбошей!

Абдурраҳмон, афтидан унинг мўътабар меҳмондан ранжиганимни пайқади. У бойни ниқтамоқчи бўлди:

— Пенде атрофидаги ерлар бир вақтлар Афғонистонга тобе бўлган дейишади. Шу гап тўғрими, бой оға?

— Ҳа.

— Ундан кейин руслар босиб олшдими?

— Ҳа.

— Демак, одамлар бу ёққа умид билан боқаётган эканда?

— Ҳа.

Пиқ этиб кулиб юборишимга сал қолди. Ё парвардигор! Наҳотки шу тўнка одамларга раҳбарлик қилса? Виждонан айтганда, агар Абдурраҳмон шу Елқопбойини кўкка кўтариб мақтамаганида эди, шу заҳоти, бир оғиз ҳам гапирмай, ўрнимдан туриб кетар эдим. Аммо Абдурраҳмон мени бу киши Пендедаги энг ҳурматли ёшулли деб ишонтирган эди. Қумларда ўтлаб юрган қўйларининг ўзи йигирма минг бошга етади. Албатта, бундай бадавлат одам ҳокимиятни қўлга олмай иложи йўқ. Аммо бу овсарни қандай қилиб гапиртирса бўларкин?

Абдурраҳмоннинг укаси чой келтирди.

Қорача мулла олдига қўйилган чойнакни ўзига яқинроқ сурди-да, гапга аралашди.

— Бизда, савдогар Абдурраҳмон, баъзилар жанубга қараса, бошқалар шимолга боқади.

Бойнинг бақалоқ юзи, нозик жойига теккандай, қипқизариб кетди. У катта дастрўмоли билан юзидаги терни артти-да, Қорача муллага ўқрайиб қараб:

— Алжирама, мулла! Менинг одамларим шимолга боқмайди,— деди.

Шундан кейингина хоннинг куч-қудратини сездим. Унинг нурсиз кўзларида тўсатдан ўт чақнади, ҳатто кекирдагигача қимирлаб кетди. Овози қиш изғиринидай увиллаб чиқарди.

Қорача мулланинг овози ўша заҳоти ўчди, унинг ушоққина гавдаси гужанак бўлиб қолди. У хушомадгўёна гапира бошлади:

— Тўғри айтяпсиз, бой оға. Бизнинг одамларимиз шимолга қарамайдилар. Мен қўшнилариимиз ҳақида гапирдим.— Мулла айёрона кўзларини менга қаратди.— Биз учун бой оғанинг сўзи оллоҳнинг буюргани. Орамизда иккиюзламачилар бўлиши мумкин эмас.

Бой гўладай йўғон бўйинини қашиб, виқор билан йўталиб қўйди.

Мен суҳбатни давом эттирдим:

— Демак, сизнинг одамларингиз афгонлар ҳомийлигида яшашга рози бўлармидилар?

— Бу айни муддао бўлар эди-ку!— дея яна сўзлай бошлади Қорача мулла.— Ҳозир бизнинг одамларимиздан қарийб ярмиси чегаранинг бу ёғида, афгонлар ерида яшаб турибди. Албатта, биз ҳам мусулмонлар билан яшашни истаймиз. Аммо қандай қилиб бирлашамиз? Кимга мурожаат қилишимиз керак?

— Ҳокимга мурожаат қилинглар. Асадуллахон келди дейишяпти. Ҳаммаларингиз тўпланиб, унга бўйин эгиб боринглар, афгон амирининг ҳомийлик қилишига муҳтожликларингизни айтинглар...

Ниҳоят, бой менга қараб ишонч билан деди:

— Оқилона сўзлар... Ҳақ гапни айтдингиз! Худди шундай қиламиз!

## 10

Соат ўн бирга яқинлашганда, мен туркманлар билан хайрлашиб, Абдурраҳмоннинг меҳмонхонасига ўтдим.

Зум ўтмай ўзи ҳам келди. Бир қадахдан муздай вино ичганимиздан кейин анча енгил тортдик. Сира адо бўлмайдиган ташвишлардан бир муддат бўлса-да, ўзимизни чалғитиш учун туниги Сокинахонимникида ўтказишга келишган эдик. Мен ушунга бир гал борганимда пушаймон бўлмаган эдим. Сокинахоним меҳмондўст ва қувноқ эди. У тор чалиб куйлар, рақсга тушар эди. Бунинг устига ўзи ҳам дилкашгина. Ёши қирқдан ошган бўлса-да, жозибасини йўқотмаган: сергайрат, қувноқ, назокатли Абдурраҳмон у билан анча вақтдан буён яқин муносабатда эди. Сокинахонимнинг уйи унинг учун доим эчиқ бўлиб, кеч тунда, жуда эҳтиёткорлик билан одамларга билдирмай кутиб оларди. Абдурраҳмон унга ишонар, астойдил ҳордиқ чиқарар эди.

Баъзан ўзимга ўзим савол бераман: дунёда нима кўп — хуфя ишларми ёки ошкораси? Хуфя кўпроқ бўлса керак. Фақат биз буларнинг ҳаммасини билавермаймиз. Шунинг учун улар озгина бўлиб туюлади. Ҳақиқатда эса бутун ер юзи чигал сирлардан иборат. Бу чигалда қанча иш борлиги ёлғиз худонинг ўзигагина аён. Бундай сирлар Абдурраҳмонда ҳам бордир? У — савдогар! Унинг иши сотиб олмоқ ва сотмоқ. Вассалом, иш тамом! Йўқ, иш тамом эмас. Унинг жуда қаттиқ сир тутиб қилаётган катта ишлари тўғрисида гапириб ўтиришимнинг ҳожати йўқ. Аммо унинг кундалик, хонадонидagi ишларни олиб кўрайлик. Расман, бошқача қилиб айтганда, қонуний никоҳдаги хотини бор. Бу — Зиннатхоним. Қонунлаштирилмаган хотинлари нечта? Абдурраҳмондан бошқа бирон кимса бунинг ҳисобини биладими? Қарачида хотини борлигини кўпи билан уч-тўрт киши билади. Бориники, ўн киши билсин... Унинг Машҳаддаги ўйнашини ким кўрган? Ҳиротнинг ўзида одамлар ухлагандан кейин унинг яширинча нечта эшикка кираётганини ким санаган? Билмадим... Мен шу эшиклардан бирини билар эдим. Бу Сокинахоним ҳовлисининг эшиги...

Сокинахоним бизни одатдагидай самимиёт билан кучоқ очиб кутиб олди. Машҳаддан махсус олиб келган совгамни топширдим, у хурсанд бўлди. У ҳинд аёлларининг яшил шойидан тикилган сарисини кийиб олган эди. Балки шунинг учун назаримда унинг бўйи олдингидан бир оз баландроқ ва қомати келишганроқ туюлди. Сочлари, ҳатто киприкларигача сурма тортган, бармоқлари, силаклариди қимматбаҳо узук ва билакузуклар. Очиғи-

ни айтсам, сурма ҳам, қизил бўёқ ҳам унга ярашмас, аксинча табиий гўзаллигини бўғарди. Умуман гўзал аёлларга сунъий бўёқларнинг ҳожати борми? Ясама чирой табиий гўзаллик олдида дош бера олармиди?

Сокинахоним бизни ичкари хоналарга таклиф этди. Кенг зал махсус базм ва кўнгилочарлар учун ажратилган бўлиб, қалин афғон гиламлари устига жуда нафис туркман гиламчалари ёйиб қўйилган эди. Уларнинг устига юмшоқ кўрпачалар ёзилиб, катта-кичик духоба ёстиқлар ташлаб қўйилганди. Уртада ёзиглиқ суфра<sup>1</sup>да патнисларда ҳар хил ширинликлар турарди. Бурчакдаги суянчиғи йўқ ёғоч диванга тор билан дўмбира тираб қўйилибди.

Биз киришимиз билан Сокинахоним қарсак чалиб, қичқирди:

— Кўзларингни юминглар!

Биз кўзларимизни юмдик. Бир зумдан сўнг яна ўша қувноқ овоз жаранглади:

— Энди очинглар!

Биз кулиб, кўзларимизни очдик. Рўпарамизда ўрта ёшлардаги қомати келишган, гўзал аёл уялинқираб кулиб турар эди.

Сокинахоним бизни таништирди:

— Наргизхоним! Ҳиротда мендан кейинги биринчи гўзал!

Биз у билан қўл сиқишдик.

Бир қарашдаёқ Наргизхоним менга ёқди. Унинг табиий, самимий табассуми, гапираётганда мовий кўзларини тортинчоқлик билан ерга қадаб туриши беихтиёр ўзига жалб этар эди. Сокинахонимга нисбатан у ёшроқ, хушқоматроқ, нозикроқ эди.

Зиёфат бошланди. Вино билан коньяк кайфларни чоғ этди, ҳаммамиз жонланиб қолдик. Сокинахоним кўлига торни, Наргиз эса дўмбирани олди. Ўзига хос шарқ куйи таралди. Тўғриси айтсам, бу куй менга унчалик лаззат бахш этмаётган бўлса-да, ўзимни жуда қизиқиб тинглаётгандай кўрсатиб, ижро этилган ҳар бир номердан сўнг ижрочиларга миннатдорчилик изҳор қилар эдим. Бир пасдан сўнг Сокинахоним хиргойи қила бошлади. Аввал у ҳиндча ашула айтди, сўнгра бир неча афғон ашулаларини куйлади. Охирида икки-учта Эрон

<sup>1</sup> Суфра — дастурхон.

халқ ашулаларини айтди. Ашуладан ўйинга ўтилди. Мен ўзимни жуда яхши ҳис этаётган эдим. Энди Наргизга яқинроқ ўтириб, танҳо суҳбатлашгим келарди. Сокинахоним кўзларимга қараб, менда уйғонган истакни сезди шексизли, Абдурраҳмоннинг қўлидан ушлаб, бошқа хонага торга туриб:

— Мен ажойиб бир нарса олдим. Нархи чўчитмаса, юринг, кўрсатаман, — деди.

Соат тунги уч. Энди менда ясама тортинчоқликни даявом эттиришга вақт ҳам, тоқат ҳам йўқ эди. Умуман бунинг нима кераги бор?

Ўзимни мастликка солиб, ортиқча такаллуфсиз Наргизни қўлидан тортдим. У баданидан электр токи ўтгандай бир сесканиб кетди. Сўнгра менга диққат билан қараб, рия қилгандай кулиб:

— Лоақал кимлигимни сўрасангиз бўларди, жаноб полковник! — деди.

Очигини айтсам, бунақа мурожаатни кутмаган эдим. «Жаноб полковник...» Бунинг устига шу қадар ишонч билан айтилдики, гапни айлантиришга ҳам ўрин қолмади. **В таъба!** Мени қаердан биларкин? Наҳотки Абдурраҳмон Сокинахоним билан гаплашаётганда айтган бўлса? **Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!** Афғонлар менга тундан қўлишадиганмикин?

Мен ўзимни тезда қўлга олиб, суҳбатдошимнинг сўзлашув оҳангига мослаб, илтифот билан:

— Вино қаттиқ таъсир қилаётганга ўхшайди, хоним. Аллақандай полковникка мурожаат этдингиз. Қим экан у полковник?

— Сиз.

Мен бепарво кулиб:

— Гапларингизга худо шоҳид! — дейишдан бўлак чорам қолмади.

— Нима, нотўғри айтдимми?

— Йўқ, тўғри бўлиши ҳам мумкин. Наҳотки аёлларнинг, бунинг устига сиз каби сезгир аёлнинг гапи мўлжалга тегмаса? Демак мен полковник... Хо-хо-хо!

Менинг бу ўринсиз хахолашим, очигини айтганда буни ўзим ҳам сездим, афтидан Наргизга ёқмади. Менга узоқ тикилиб туриб, у кулмай, ҳатто жилмаймай гапира бошлади:

— Бир деҳқоннинг уйига сизга ўхшаган меҳмон келипти. Уй эгаси уни ерга ётқизиб, ўзи каравотда ухлайти.

Ярим кечаси меҳмон қаттиқ қулибди. Уй эгаси: «Нима бўлди? Нега куляпсиз?»— деб сўрабди.—«Тушимда тепаликдан думалаб кетиб, шилинибман»,— деб жавоб берипти меҳмон. «Одамлар тепадан настга думалайди. Наҳотки сиз настдан юқорига думаласангиз?»— денти уй эгаси. «Шунисига куляпманда»,— деб жавоб берипти меҳмон. Сизнинг кулгингиз, жаноб полковник, ўша меҳмоннинг кулгисига ўхшайди.

Мен аёл кишидан сира бунақа танбеҳ эшитмаган эдим. Нима деб жавоб қайтаришни ҳам билмай қолдим. Ҳазил-мутойибага бурмоқчи бўлиб:

— Офарин, хоним... Бу ерга келишдан олдин тишларингизни яхшилаб қайраб олганга ўхшайсиз. Асирингизман. Истаганингизни қилинг, мен сизнинг ихтиёрингизда!

Менинг ҳазил-мутойибам Наргизга таъсир этмади, у ўша жиддийликда давом этди:

— Қўнглингизга бошқа нарса келмасин. Сизни шаҳарда автомобилда кетаётганингизда кўрдим. Ҳокимнинг уйи олдидаги қайрилишда, бизнинг файтонимизни ағдариб юборишингизга сал қолганини эслайсизми? Яхшиям шоферингиз жуда уста экан. Бўлмаса бугунги учрашувимиз қаёқда эди.

Тўғри айтяпти: чиндан ҳам бугун ҳокимнинг уйи олдида ўтатуриб кимнингдир файтонини ағдариб юборишимизга сал қолди. Тонишнинг ҳожати йўқ.

Наргиз сўзида давом этди:

— Сиз жуда одобли иш қилдингиз. Машинадан тушиб, кечирим сўрадингиз. Биз ичимизда сизга ташаккур айтдик.

Мен ўзим ҳақимда кетаётган гапни бошқа ёққа буришга ҳаракаат қилдим.

— Афв этасиз, хоним... Сиз кимсиз?

— Бунинг сиз учун аҳамияти борми?

— Албатта.

— Шунчалик бўлмаса керак, деб ўйлайман.

— Нега?

— Буни ўзингиз мендан яхши биласиз.

Мен Наргиз кўзларининг ич-ичига боқдим. Унинг чиройли, ёниб турган кўзлари аламоқ, юрагининг аллақеридан нимадандир ўкинаётгани билиниб турар эди. Э худо, ким бўлдикин? Қим билан учрашдим?

Хонимнинг қўли билан отилган тошни эҳтиёткорлик

билан ёнлаб ўтмоқчи бўлдим. Аммо у эпчиллик қилиб қолди:

— Жавоб қидириб, ўзингизни қийнаб ўтирманг. Сиз эркак кишисиз. Эркаклар учун ҳаётда ҳамма эшиклар очиқ.

— Сизлар учунчи? Сизлар учун ёпиқми?

— Албатта... Биз учун ҳар бир эшикка жуда кўплаб сирли кулфлар осиглиқ туради. Номус, виждон, шарм-ҳаё... Буларни қандай қилиб ҳатлаб ўтасан?

Мен яна ясама қулиб:

— Сиз жуда ажойиб аёл экансиз, хоним. Тўғрироғи, ҳақиқий файласуф. Ишонаверинг, сизнинг ҳар бир сўзингизда жуда катта мазмун бор,— дедим.

— Кулманг, полковник!— Аллақандай яширин газабдан Наргизнинг лаблари қалтираб кетди.— Биламан, аёллар билан, бунинг устига чачвон ёлган аёллар билан жиддий гаплашиш сизларга жуда оғир ботади. Аммо чачвон — бизнинг доимий қисматимиз эмас. Биз ҳам инсонмиз. Бизда ҳам тафаккур, туйғу, истак бор...

Мен иккаламингизга ҳам коньяк қўйдим-да, уни шу топдаги ўринсиз фикрларидан чалғитишга интилиб, Наргизга яқинроқ сурилдим.

— Сизнинг соғлигингизга, хоним! Сизнинг мафтункор кўзларингиз учун!

Аёл тўғридан қўлидаги қадаҳни қўйиб, фикрларимни ўқмоқчи бўлгандай кўзларимга тик боқди.

— Мен, жаноб полковник, сизга бир савол бермоқчиман. Мугамбирлик қилмасдан очиқ жавоб берасизми?

— Бунга шубҳаланманг, хоним, гапираверинг!

Наргиз бир зум бошини эгганча жим бўлиб қолди. Сўнгра киприкларини аста кўтариб, ийманиб зўрға гапира бошлади:

— Борди-ю, бутун қалбингиз билан ишонган одамингиз сизга хиёнат қилса... номусингизни топтаса... нима қилардингиз?

Яна фалсафа! Яна юксак материя! Мен амалий иш билан жавоб бермоқчи бўлдим. Мен Наргизнинг икки кўлидан маҳкам ушладим, ҳаяжон тўла кўзларига боқдим ва:

— Мен ҳам уни топтайман! Бўш келмайман!— деди уни куч билан бағримга тортидим.

Наргиз бунақа жавобни кутмаган экан шекилли, кутилмаган бу жавобдан довдираб, беихтиёр кўкрагимга

маҳкамроқ ёпишди. Сўнгра йиртқичнинг чангалидан қутулмоқчи бўлгандай ўзини орқага ташлаб, барала қичқирди:

— Йўқ, йўқ!

Мен беихтиёр, уни қучоғимдан бўшатдим.

Фақат эртаси куни Наргизхонимнинг кимлигини билдим. Исмоилхоннинг хотини экан. Мен хонни яхши билар эдим, бинобарин Наргизнинг кечагига ўхшаш кўнгилочар дамларни истаб қолганидан ғоят таажжубландим. Бироқ кейинчалик тушундим: бунга жуда жиддий сабаб, туртки бўлган экан. Хон Наргизнинг фарзанд кўрмаётганини важ қилиб, ёш қизни олган. Наргизнинг таъбири билан айтганда, хон «унинг ишончини топтаган». Рашкдан ҳам оғирроқ нохушлик бўлармикин! Шўрлик ўтни ўт билан ўчиришга, вафодорлик остонасидан ҳатлаб чиқишга... тўғрироғи бевафоликка ўтишга келган экан. Аммо бунга журъат этолмади шекилли. Ҳечқиси йўқ, бугун бўлмаса, эртага журъат этади.

## 11

Ниҳоят, бугун Асадуллахон билан учрашишим керак. У мени соат олтида қабул қилишини одам юбориб маълум қилди. Мен у билан бўладиган суҳбатни олдиндан ўйлаб қўйдим.

Соат бешда Абдурраҳмон келиб, яқин орада Қандаҳордан чиққан карвон етиб келишини айтди. Биз худди шу карвон билан узоқ йўлга отланишимиз керак. Мен Абдурраҳмонга карвонни шаҳарга олиб кирмай, Мозори Шарифга бошлаб боришни маслаҳат бердим. Сўнгра биз князь Дубровинский тўғрисида гаплашиб олдик. Князни ўзимиз билан олиб кетмоқчи эдик, лекин ҳоким уни Кобулга жўнатмоқчи. Абдурраҳмон полициядаги баъзи кишилар билан учрашганини, агар мўмайроқ пул ташланса, князни ўғирлаб кетиш мумкинлигини айтди. Шундай қилишга қарор қилдик.

Соат ўн минути кам олтида мен Асадуллахон ҳузурига кетдим. Шарқда юқори лавозимдаги шахслар тантанани яхши кўришларини билардим. Шунинг учун иссиқ бўлишига қарамай мундиримни кийдим. Ҳатто орденларимни ҳам тақиб олдим. Аммо Асадуллахон меҳ-

мон кутаётган одамга сира ўхшамасди. Мен етиб борсам, у теннис ўйнаётган экан. Эғнида ёқаси очиқ оқ кўйлак, энглари шимарилган. У афтидан астойдил ўйнаётганга ўхшарди, унинг буғдой ранг думалоқ юзиде тер томчилари йилтилларди.

Хон мен билан эски қадрдондай дўстона кўришди, яқин кишилари билан таништирди. Сўнгра ракеткани айлантириб, атрофи сиктёр билан ўралиб, гуллар ўтқазилган теннис кортига ишора қилди-да, хушчақчақлик билан:

— Ҳарбийлар жанговар бўлади. Агар куч синашга истагингиз бўлса, полковник, жанг майдонига марҳамат қилинг, — деди.

Хоннинг киноясига мен мулойим ҳазил билан жавоб қайтардим:

— Агар ҳарбийларнинг жигига тегишмаса, оламда улардан камсуқумроқ одам йўқ. Аммо афсуски, уларнинг ихтиёрлари ўз қўлларида эмас. Қўлларида қийшайган қилич бўлса-да, сиёсатдонлар амри билан иш тутишади.

— Офарин полковник!— Асадуллахон мамнун ҳолда намнок қора мўйловларини бураб қўйди.— Сиз йиғлоқи тимсоҳларни сира кўрганмисиз?

Мен олжаларимни қисиб:

— Йўқ, кўрмаганман, — дедим.

— Умуман мен ҳам буни кўрмаганман, — дея бош чайқади хон, — аммо эшитишимча, тимсоҳ қўлга киритган ўлжасини ютаётганида йиғлар экан.— У бирпас жим тургач, қўшиб қўйди: — Сиз бу ўринда бирон ўхшашлик сезмаяпсизми?

Мен ҳеч нарсани ифода этмайдиган мавҳум табассум билан жавоб беришни афзал деб ҳисобладим.

Биз европача жиҳозланган кенг залга ўтдик. Асадуллахон яна гап бошлади:

— Қўшинларингиз ҳозиргина Закаспийга кирганини эшитдим. Ҳа... Мени бир масала қизиқтиряпти: сиз бу операцияни қандай қилиб оқлай оласиз? Ахир Закаспийга бостириб киришни очиқдан-очиқ интервенциядан бошқа нарса деб изоҳлаб бўлмайди-ку, шундай эмасми?

Хон ўзини бошқача тутишининг сабабини ва боягина теннис корти устида айтган мавҳум сўзларининг маъносини энди тушундим, Уни бизнинг Закаспий операция-

Миз очикдан-очик тайвшлантираётган эди. У ўзини бо-  
сишга ҳарчанд уринмасин, аммо сўз оҳанги ва безовта  
қарашлари хоннинг ҳақиқий туйғуларини ошкор қилар-  
ди. Суҳбатдошимнинг кайфи чоғ деб ўйлаганим тамо-  
мила акси бўлиб чиқди.

— Сиз дипломатия қоидасига мос жавоб топгунин-  
гизча, мен сизга бир воқеани гапириб берай,— деб сў-  
зини давом эттирди Асадуллахон. — Бир ҳоким ўтган  
экан. Ҳукмронлигининг асосий хусусияти деб қамчини  
билар экан. Қамчини муаллақ ўйнаб, қўлига тушган  
одамга қанчалик азоб бераётганини сира ўйламай сава-  
лар экан. Елкасида қамчининг изини кўрганидагина  
бунга ортиқ чидаб бўлмаслигини ҳис қилар экан. Фик-  
римни яхши ифодалаётган бўлсам керак, деб ўйлайман,  
полковник? Сиз мени тушундингизми?

Ҳа, у жуда очик гапирди. Мен тушундим, у билан  
очиқчасига гаплашсам, зиммамдаги вазифани уддалай  
олмаслигимни ҳам тушундим. Шунинг учун мумкин қа-  
дар босиқ жавоб беришга ҳаракат қилдим:

— Менимча, жаноб олийлари, Туркистондаги ҳозир-  
ги нотинч вазиятда у ердаги ишларга биров аралашмас-  
лиги керак. Зўровонлик, вайронгарчилик, очарчилик,  
йўқчилик... Бундай вазиятда ўлкадаги аҳволга жавоб-  
гарликни ким ҳам бўйнига оларди, дейсиз. Ўзингиз ўй-  
ланг, бу осон иш эмас, хўш, ундан қандай фойда бў-  
лади?

— Ундай бўлса у ерга қўшин юборишингизнинг са-  
баби нимада?— Асадуллахон таажжубланиб қаради.—  
Балки улар Асхободга адашиб бориб қолгандир?

— Йўқ, адашмаган. Мен суҳбатдошимнинг киноя-  
сини тушунганимга, аммо ўринсизлигига ишора қил-  
дим. — Улар у ёққа Закаспий ҳукуматининг илтимоси  
билан ўтишди.

— Кимнинг, кимнинг? — Хон очикдан-очик ҳайратга  
тушди. — Закаспий ҳукуматининг деяпсизми?

— Ҳа.

— Ана холос!— Хоннинг қалин қошлари бирлаш-  
ди.— Борди-ю, эртага бир тўда муттаҳам Қандаҳорда  
афғон ҳукуматига қарши исён кўтариб, Қандаҳорни мус-  
тақил давлат, деб эълон қилса ва сизларни ёрдамга ча-  
қирса, иккиланмасдан у ёққа ҳам бораверар экансиз-  
лар-да. Шундайми?

— Бу тамоида бошқа масала.

— Қандай қилиб бошқа масала бўлсин? Менимча,  
ҳеч қанақа фарқ йўқ. Ҳозир Россияда битта қонуний  
ҳукумат бор — Кремль, Ленин ҳукумати. Бошқа қайси  
ҳукумат тўғрисида сўз бориши мумкин? Кеча Россия  
давлати бошида Керенский турганда, у билан ҳисобла-  
шиб, рус тупроғига ҳеч ким таҳдид солмаётган эди.  
Бугун ўша ўринда Ленин ўтирипти, нега энди биз уни  
кўрмаслигимиз, унинг мавжудлигини инкор этишимиз  
керак? Айни вақтда бир кунлик ҳукуматларни, сароб ҳуку-  
матларни жон-дилимиз билан тан олишга ва уларни ўзга-  
ларнинг мамлакатига интервенция уюштиришини ҳам  
қўллаб-қувватлашга шошиламиз. Мантиқ қаёқда қолди?

Соддагина кийинган хизматкор кичик графинларда  
шарбат олиб кирди, чоғроқ думалоқ стол устига, одат-  
ланиб қолган чаққонлик билан апельсин, узум ва анжир  
солинган чинни идишларни қўйди. У овоз чиқармай чақ-  
қонлик билан шу ишларни қилаётганда Асадуллахон  
нидамай турарди.

Хон суҳбатга махсус тайёрланганига шубҳа қолма-  
ди. У оддий полковник формасида жуда катта ваколат-  
лар берилган одам турганини пайқаетгани ўз-ўзидан  
ади эди. Бинобарин у менга баён этаётган фикрлари  
Лондонга қаратилган гаплар эди.

Кириб келганидагидай овоз чиқармай чиқиб кетган  
хизматкорни кўз қирим билан кузатгач, янада осойиш-  
тароқ гапиришга интилиб бундай дедим:

— Ҳақиқатни излаётган киши қайси принципга асос-  
ланаётган бўлса, жаноб олийлари, мантиқ ҳам ўша  
принципдан келиб чиқади. Келинг, Закаспий масаласи-  
га бошқа нуқтаи назардан ёндошайлик. Россия Герма-  
ния билан урушда бизнинг иттифоқдошимизлигини би-  
ласиз. Бу борада расмий битим бор. Кўп йиллар даво-  
мида биз бир-биримизни қўллаб-қувватлаб келдик. Бу-  
гун германлар ва уларнинг иттифоқдоши турклар Рос-  
сиядаги нотинчликдан фойдаланиб, Закаспийга Кавказ  
орқали кириб олишга интилмоқдалар. Биз уларни тўх-  
татишга ҳақлимизми, йўқми?

— Йўқ! — Асадуллахон худди шу саволни кутаёт-  
гандай сира иккиланмай жавоб берди.— Ҳозирги вазият-  
да сизнинг бунга тамоида ҳақингиз йўқ. Рус ҳукумати  
бошида илгаригидай Керенский турганида — сизларга  
ҳеч ким таъна қилмасди.— У урушни давом эттириш  
тарафдори эди. Аммо Ленин революциянинг дастлабки

кунидан бошлаб урушга қарши турди. У тинчлик декретига имзо чекди. У немислар билан тинчлик шартномасини тузди.

— Ленин, жаноб олийлари, Россия дегани эмас ҳали. Асадуллахон шарбат солинган қадаҳни қайтиб қўйди.

— Аммо сизлар Россияга Керенский раҳбарлик қилганида тан олган эдингизлар-ку, ахир?

— Ҳа, чунки у иттифоқдошлар тан олган давлат бошлиғи эди.

— Хи-хи-хи!—Хон киноя аралаш секин кулди. — Худо ҳаққи, сиз мени кулишга мажбур қилиясиз, полковник. «Иттифоқдошлар тан олган...» Тан олиниси шунақа зарур эканми? Демак, иттифоқдошлар тан олмаса, унда янги давлат ҳам ғайри қонуний бўлар эканда? Шунинг учун сизлар Москвага қарши урушяспизларми?

Иўл қўйган хатойимни тушуниб, уни тузатишга ҳаракат қилдим.

— Сиз менинг гапимни бошқачароқ тушундингиз, жаноб олийлари. Гап ички сиёсат устида эмас, балки халқаро шартномалар белгилаб берган ташқи сиёсатдаги мажбуриятлар ҳақида боряпти. Худди ана шу нуқтаи назардан қараганда, Россия немисларга қарши ҳамкорликда олиб бориладиган урушни бир томонлама тўхтатишга ҳаққи йўқ эди.

— Нега ҳаққи бўлмасин? — Уша заҳоти эътироз билдирди хон. Янги ҳукумат — янги сиёсат. Наҳотки, улар ўтмишдаги ишларни ўзларича ҳал қилишга ҳақсиз бўлсалар? Яна шуни унутмангки, ҳозир большевикларнинг асосий кучлари уларнинг урушга нисбатан бўлаётган муносабатидадир. Халқнинг уруш, вайронгарчилик ва қашшоқликдан тинка-мадори қуриди. Ҳамма ёқдан ўлим таҳдид соляпти — берилаётган қурбонларнинг сон-саногии йўқ, халқ эса яшашни истайди. Большевиклар буни яхши тушуниб олдилар ва тасодифан урушга қарши чиқаётганлари йўқ. Улар халқнинг ишончини оқлаш учун энг қулай фурсат топдилар. Сиз Лениннинг тинчлик ҳақидаги декретини ўқидингизми?

— Уқидим.

— Мен ҳам. Диққат билан ўқидим. Шарқ мамлакатлари учун бу декретнинг ғоят муҳим аҳамияти бор, деб ўйлайман. Унда гап фақат Германия билан урушни тўхтатиш устидагина бормайди. Унда босқинчилик

урушлари умуман қораланади, кичик давлатларнинг катталар томонидан тобе қилиниши, кучли халқларнинг ожиз халқларни эзиши қораланади. Булар жуда муҳим, полковник! Агар ана шу ҳаққоний принцип халқаро муносабатларда устун келса, ер юзидан ғам-кулфат ва изтироб йўқолади. Дарҳақиқат урушлар нима мақсадда олиб борилади? Ўз ҳуқуқини муҳофаза этишга ожизлик қиладиган кучсиз халқларни талаш учун. Буни тушуниш учун ортиқча ақлнинг кераги йўқ.

Хон шарбатдан бир қултум ичиб, фикрини бира-тўла айтиш учун шошилаётгандек сўзини давом эттирди:

— Декретда биз учун яна бир муҳим фикр бор — бу яширинча дипломатияни, яширинча шартномаларни оммалаштиришни ман этишни талаб қилиш. Эҳтимол, сиз бунга эътибор бермагандирсиз, аммо биз шунақа талабнинг тарафдоримиз. Бир минг тўққиз юз еттинчи йилдаги битимни хотирангизга келтиринг: икки қудратли давлат — Буюк Британия билан Россия таъсир кўрсатиш доирасини ўзаро бўлиб олиш борасида яширин шартнома туздилар. Амалда бу Эрон билан Афғонистонни бўлиб олиш эди. Бундай сиёсатга нима дейсиз?

Стол устидан папирос олдим-да, чека туриб, суҳбатдошимнинг нозик жойини топиб, мот қилишни ўйлай бошладим. Модомики Асадуллахон кузирларни эҳтиётсизлик билан ишлатаётган экан, балки мен ҳам битта-яримта кузир карта ташлаб қўйсаммикин? Хаёлимдан шуни ўткизар эканман, кулиб:

— Декретнинг сўнги абзацига эътибор бердингизми? — дедим. — Бу ўринда бутун дунё ишчиларига мурожаат қилиб, уларни очикдан-очик жаҳон революциясига даъват этади. Менимча, бу банд жиддийлиги нуқтаи назаридан сиз ишора қилганларингиздан қолишмайди.

Хон қалин қошларини чимириб, диққат билан тикилди-да, сўнг нигоҳини шарбат қадаҳига қаратди. Унинг бир неча дақиқа довриаб жим қолганини кўргач, тўғри йўл тутганимга қувондим. Ниҳоят, ҳар томонлама чамалаб кўрди шекилли, Асадуллахон қатъий оҳангда бундай деди:

— Муҳтарам полковник, революция — чорвадорнинг чайласи эмас, уни истаган жойга тиколмайсиз. Революция — ижтимоий ҳодиса ва уни келтириб чиқарадиган сабаблар ҳам тамоман ижтимоий... ўзига хос деса ҳам таъбир жоиз бўлади. Россияда содир бўлган нарсанинг

Афғонистонда ҳам бўлиши эҳтимолдан узоқ. Бизнинг шароитимиз ўзимизга хос, воқеликка муносабатимиз ҳам шундай.

— Фикрингизга қўшиламан, — яна кулдим мен, — аммо Афғонистон билан Россияни бор-йўғи биргина дарё ажратиб турибди. Большевиклар ундан ҳатлаб ўтиши унчалик оғир иш бўлмаса керак, деб ўйлайман.

— Ҳа, — дея тасдиқлади хон, — орамизда фақат Амударё. Чегарада ҳатто умуман дарё бўлмаган жойлар ҳам бор. Шунга қарамай большевиклар ўйламай-нетмай шундай қилишларига ишонмайман. Мен Ленин имзо чеккан барча мурожаатномаларни диққат билан ўқиб чиқдим, — хон «барча» сўзини алоҳида урғу билан айтди, — улардан биронтасида бизнинг шаънимизни камситадиган, Афғонистоннинг давлат тузумига зарар келтирадиган ҳеч нарса учратмадим. Ленин, Эрон билан Туркияни бўлиб олиш ҳақидаги шартнома бекор бўлди, Константинополь мусулмонлар қўлида қолди, деб эълон қилди. Ленин: мамлакатингиздан истилочиларни қувиб чиқаринг, тақдирингизни ўз қўлингизга олинг, дейди. Бизга худди ана шу керак!

— Большевикларнинг қуруқ гаплари ортида ҳеч қандай ҳийла-найранг йўқ, деб ўйлайсизми?

Хоннинг менга қаттиқ тикилишиёқ бу киноя унга ёқмаганини кўрсатиб турарди. Аммо хон ўзини тутди.

— Сиз, полковник, ақлли одамсиз, бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Аммо воқеаларни мушоҳада этишда ақлгагина қараб иш тутасиз. Ахир одамда ақлдан ташқари юрак ҳам бор. Унга қулоқ солинг, менимча, ўшанда сиз кўп нарсаларни бошқа қирраси билан тушунасиз.

Тўғриси айтганда, бу билан Асадуллахон нима демоқчи бўлганини тушунмадим, шунинг учун аниқлаш мақсадида савол бердим:

— Ақл билан юрак бошқа-бошқа иш тутиши ҳам мумкинми?

— Мумкин, — дея бош чайқади Асадуллахон, — кўп ҳолларда шундай бўлиши мумкин. Бизнинг ҳаётимизда мулоҳазакорлик, яъни андиша билан иш тутиш ниҳоят кўп, бунинг кўпайиши эса туйғуни бўғиб қўяди, кучсизлантиради. Рухий изтироб бошланади. Сиз: «қуруқ гаплар» дерсиз. Бу сўзларни ақлингиз айтяпти. Юрагин-

гиз эса дунё шундай вазиятда турган бир пайтда бунақа сўзларни ўйламай-нетмай айтиш ноўринлигини сезяпти.

— Йўқ, жаноб олийлари, мен юрагимдагини айтяман! Ишонинг, большевикларнинг бутун ваъдалари қуруқ овоза, муттаҳамлик...

— Шошманг, шошманг, жаноб полковник, — хон огоҳлантиргандай қўлини кўтарди, — ўзингизнинг ҳақлигингизни бунақа йўл билан маъқуллашга ҳаракат қилманг. Яқинда мен Эрон консули билан суҳбатлашдим. Ундан Советлар рус қўшинларини Эрон территориясидан олиб чиқиб кетганини, илгариги рус банки, Жулфа—Табриз темир йўли, Паҳлавий порти, Машҳад билан Сиистон оралигидаги телеграф линияси, хуллас, Эрон территориясида русларга нимаки тегишли бўлса ҳаммаси бепул Эрон ҳукуматига қайтарилаганини, барча концессиялар бекор қилинганини эшитдим. Шунинг муттаҳамлик деб атаяпсизми? — Мен жим туриб чекартаҳамлик деб атаяпсизми? — Айтингчи, Лондон шундай қилишга журъат эта оладими? У Буюк Британияга қарам бўлган мамлакатларга лоақал бир кунга озодлик, барча миллатларга тенгҳуқуқли эълон қила оладими, ўша мамлакатларга нимаки тегишли бўлса, ҳаммасини қайтара оладими? Бундай қилолмайди — буни сиз мenden яхшироқ биласиз. Нимага қилолмаслигини ҳам биласиз, — худди ана шу ҳақиқат юрагингизга маъқул тушмаяпти. Мен юрак билан ақлнинг бошқа-бошқа иш тутиши тўғрисида бекорга гапирганим йўқ.

— Балки шундайдир, жаноб олийлари. Аммо сизнинг большевикларнинг программасини юракдан маъқуллаётганингизга ақлим бовар қилмаяпти.

Асадуллахон менга қаттиқ тикилиб қолди.

— Қайси масалада? Давлат тузуми масаласидами ёки ташқи сиёсатдами?

— Бу икки масала ажралмас, яхлит, бири иккинчисини келтириб чиқаради.

— Йўқ, уни албатта ажратиш керак! Ташқи сиёсат масалаларида кўпгина фикрларимиз бир. Москва урушини дарҳол тўхтатишни талаб қияпти, барча мамлакатлар ва халқларнинг тенгҳуқуқли бўлиши принципини олға сурмоқда. Биз шундай принцип тарафдоримиз, албатта. Ички сиёсат масаласига келганда эса — бу ҳар бир давлатнинг шахсий иши. Большевиклар янги мақ-

сад ва янги истакларни олға сурдилар, аммо бунинг нима билан хотималанишини ҳозирча уларнинг ўзлари ҳам билмайдилар. Эҳтимол тарих уни омма эмас, балки буюк шахслар яратишини яна бир карра далиллаб берар. Бунинг вақт кўрсатиб беради. Биз, афгонлар учун большевикларнинг ички сиёсати хавф-хатар туғдирмайдди. Бизнинг халқимизнинг ўз мақсади ва тилаклари бор. Қим ҳақ, қим ноҳақлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатади. Борди-ю, улар ўз мақсадларини қурол ишлатиш йўли билан амалга оширишга ҳаракат қилсалар, унда биз большевикларга қарши курашнинг олдинги сафларида борамиз.

Асадуллахон бизнинг шарқий сиёсатимиз тарафдори эмаслигини, балки у миллий зиёлилар вакили билан ёш офицерларни ҳам ўз ичига олган «ёш афгонлар» гуруҳига на фақат хайрихоҳлик билан қарашини, ҳатто уларни яширинча қўллаб-қувватлашини ҳам билар эдим. Шунга қарамай, хоннинг кескин ўзгариши мени гоёт нохуш ҳолга, таажжубга солди, — бунда большевикларга шунчаки қараш эмас, балки уларга нисбатан майл борлиги сезилаётган эди. Бу нарса анча ўйлашга мажбур этарди: шунақа одам давлат тепасига чиқиб, ҳукмронликни ўз қўлига олса борми? Бунинг оқибати нима бўларди? Жавоб ўз-ўзидан аён: бунақа ҳукмдор эртагаёқ нигоҳини шимолга қаратиб, Москва билан ҳамкорлик қилиш йўлини изларди, ҳиндларни қўллаб-қувватларди, форсларни ғалаёнга соларди... Бир сўз билан айтганда, Шарқдаги сиёсатимизнинг яширинча эмас, балки ошқора душманига айланарди.

Ўйлаиб қолганимни кўрган Асадуллахон чекишга таклиф этди.

— Сизни чарчатиб қўйдим шекилли, полковник?

У шундай деб, ҳозиргина айтган гапларига сира тўғри келмайдиган ҳолатда мулоимлик билан кулди. Афгоннинг айёр тулкиси!

— Сира чарчатганингиз йўқ, жаноб олийлари, — дея шошилиб эътироз билдирдим мен. — Жуда қизиқиб тинглаяпман.

Кулгиси мўйловлари орасига кириб ғойиб бўлгандай, жим қолди.

— Унда жуда соз... Фақат бир нарсани ҳисобга олиб қўйинг, кадрли полковник: Лондон учун маълумотнома тайёрлаётганингизда, — суҳбатимиз ўзаро бўлганини

унутманг. Мен сиз билан расмий киши сифатида эмас, балки оддий афгон, эски қадрдонингиз сифатида гаплашяпман. Шунинг учун мен айтган баъзи гаплар афгон ҳукуматининг расман тутган йўлига тўғри келмаслиги мумкин.

— Мен учун бунинг аҳамияти йўқ, жаноб олийлари! Аммо амир ҳазратлари расмий тутадиган йўлни белгилашда сиздай тажрибали сиёсатчининг фикрини инобатга олмайди, деёлмайман.

Хон яна худди чинакам фикримни уқиб олишга интилган каби менга синчковлик билан тикилиб қолди. Мен унинг амир Ҳабибуллахон ҳақида гапиришини истар эдим. Асадуллахоннинг амир ҳукмронлигидан норозилиги бизга маълум эди. Аммо шуни ҳам эътироф этиш керакки, амир борган сари обрўсизланаётган эди. Асадуллахон сингари арбоблар руҳини кўтариб турган миллатчи донралар амирни келишувчилик сиёсати учун, бизнинг ҳомийлигимизни енгилгина қабул қилаётгани учун қоралар эдилар. Биз ҳақиқатан уни қўллаб-қувватлардик, ҳатто унинг жуда катта харажатларини ҳам зиммамизга олар эдик. Табиийки, у ҳам ўз навбатида бизнинг сиёсатимизга хайрихоҳлик билдирар, бу эса ҳаммага ҳам ёқармас, саройда турли миш-мишларга, ғалаён ва хавфли фитналарнинг келиб чиқишига сабаб бўлар эди. Бемаъни дабдабаларга ўрганиб қолган амир эса ўз яқинларининг норозилигини сезмасди. У асосий вақтини аёллар, шароб ва ов билан ўтказар, бу эса кўпинча муҳим давлат ишларига путур етказар эди. Қадим мутафаккирлардан қимдир ўз истаклари ва ҳирсини тия олмасликдан ёмони йўқ, деб бежиз айтмаган. Бунинг устига Ҳабибуллахон анча ёшга бориб қолган, истакларини амалга оширишга кўпинча ожизлик қилар, бинобарини дармонсизланган шаҳвоний кучини тиклаш учун тез-тез тоғларга ёки чўлга чиқиб турар эди. Шарқда: илон қариганда унинг устига қурбақа миниб юради, деган гап бор. Саройдагилардан кўплари амирнинг устига миниб олишга интилишарди. Асадуллахон ҳам шулардан бири эди.

Менинг фикрларимни рад этгандек, у секин гапирди:

— Амир жаноб олийлари — ақлли, кўпни кўрган, жуда эҳтиёткор одам. Бир куни Луқмони ҳаким<sup>1</sup> дан

<sup>1</sup> Луқмони ҳаким — афсонавий мутафаккир, табиб.

эҳтиёткорликни кимдан ўрганганини сўрабдилар. У: «Кўзи ожизлардан» деб жавоб берибди. Чунки кўр қаддам ташлашдан аввал ўша жойни ҳассаси билан пайпаслайди. Афсуски, бизда бунақа эҳтиёткорлик айтарли даражада старли эмас...

Асадуллахон саройдаги гапларни ташқарига чиқаришни нстамаётгани аниқ, шунинг учун кўнглидагини айтмаётган эди. Мен бошқа томондан қўл солиб кўрмоқчи бўлдим:

— Баъзи журналистларнинг ёзишича, Ҳабибулла-хон гўё большевиклар билан бир кемага ўтириб бўлмайди, деган эмиш.

— Бир кемага ўтиришнинг нима кераги бор? — Хон яна қизгин гапира бошлади: — Турли кемаларда ўтириб, яшаб бўлмайми? Бўрон ва довулларга кимнинг кемаси бардош беришини ҳаётнинг ўзи кўрсатади. Давлат кемасини бошқара олиш учун ҳаётни ўрганиш, воқеаларнинг мураккаблигини тушуниб етмоқ керак. Бу — асосий шарт, бебаҳо компасдир. Бу шартни унутмоқ — кемани саёзликка олиб бориб урмоқ деган гап. Тарихнинг гувоҳлик беришича, илгари замонларда ҳам давлат кемалари Европада ҳам, Осиёда ҳам чўккан. Нима, бунга ҳам большевиклар сабабчи бўлганми? Йўқ, бемаъни сиёсат, номаъқул ҳаракатлар сабаб бўлган. Демак, гап большевикларда эмас. Энг муҳими: давр талабини тушуниб олиб, халқни керакли томонга йўналтириб туриш керак. Халқни ишонтириш керак. «Ишонч бўлса, тоғ ҳаракатга келади» дейдилар. Агар халқ ишончини мустаҳкамлай олсак — большевиклар бизни ҳеч нарса қилолмайдилар!

Асадуллахон кўрсатаётган важлар менга тушунарли. Ҳарбийчасига айтганда, у большевиклар билан бир сафда туриб, бизнинг шарқдаги сиёсатимизга қарши бирга ҳужумга ўтмоқчи. Бу одамнинг большевиклардан нимаси яхши?

Мен Пенде масаласини кўтармоқчи эдим. Аммо йўлини тополмаётган эдим. Озгина бўлса ҳам эҳтиётсизлик қилсам, биз бу масаладан манфаатдор эканлигимизни Асадуллахон, албатта тушуниб олади. Қарангки, бунга унинг ўзи йўл очиб берди. У совуқ бир илжайиб, таъна билан гапира бошлади:

— Бизнинг орамизда ҳам Закаспийга ҳужум қилишни маслаҳат бераётган сиёсатдонлар бор. Бошқача ўй-

лаётганлар ҳам бор... Бир вақтлар Пенде воҳаси Афғонистон назорати остида эди. Сўнгра у ерга руслар келишди. Ҳозир бу жойни эгаллаб олиш учун яна қулай вазият вужудга келди. Аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор. Шу вақтгача биз зўравонлик азобини тортдик. Ҳали-ҳали ҳамма ерда уруш жароҳатларини кўриш мумкин. Энди бизнинг ўзимиз қўлимизга қурол олиб, зўравонликка ўтсак... Тарих олдида нима деб жавоб берамиз? Қароқчи қўлидан зўрға қутулиб, ўзи қароқчилик қила бошлаган одамга ўхшаб қолмайми? Сиз нима дейсиз, полковник? Балки мен хато қилаётгандирман?

Хоннинг саволи назаримда шубҳали туюлди. Нега у мендан маслаҳат сўраяпти? Еки бирон нарсадан шубҳаланаётганмикин?

Мен шубҳалантирмаслик учун бу масалада ўзимни ҳеч нарса билмаганга солиб, пала-партиш жавоб бердим:

— Тўғриси айтсам, мен Пенде масаласини яхши билмайман. Аниқ бир фикр айтиб, хатога йўл қўйишим ҳам мумкин. Аммо биздаги маълумотларга қараганда, большевиклар зўр бериб Қушкани мустаҳкамламоқдалар. Агар Ҳирот улар учун Ҳиндистонга ўтадиган дарвоза бўлса, Қушкани Ҳиротга олиб борадиган таянч нуқта, деб ҳисоблайдилар. Бу Пенде масаласини ҳал этишда таъсир қилиши ҳам мумкин.

Хон жим қолди. Мен ҳам бу мавзуда бошқа ҳеч нарса демадим. Бусиз ҳам вазият аниқ эди.

Сухбат охирида Асадуллахон қаёққа йўл туттишимни сўради. Хайрлашаётганимизда эса у тўсатдан норози оҳангда Эрон тўғрисида, Техронда ҳаддан ташқари тез-тез ҳукумат ўзгараётганини гапирди:

— Йил бошида Мусафо ал-Мамолик эди... Сўнг Самсом ас-Султон бўлди... энди Восиқ ад-Довла... Ярим йил ичида учинчи ҳукумат!

Мен Эронда вазият оғирлигини, ҳукумат тез-тез ўзгараётганига большевикларнинг ҳийла-найранглари сабаб бўлаётганини қисқа қилиб гапириб бердим.

Асадуллахон фикримга қўшилмай кулди:

— Йўқ, йўқ! Гап большевикларда эмас. Сабаби бошқа ёқда... Бугун сиз, «Ҳарбийлар қўлидаги қилич қийшиқ бўлса ҳам, уни сиёсатдонлар бошқарадилар», дедингиз. Яхши айтдингиз! Бу борада бизда дурустгина

мақол бор: «Соқол меники-ю, аммо эгаси мулла...» Биз ўз соқолимизга эгалик қилолмаймиз. Шунинг учун кўп ҳолларда хафалигимизни кўрсатмай, бекинмачоқ ўйнаймиз. Бундан қутулишнинг эса йўли битта: ё соқолни таг-туғи билан қириб ташлаш ёки унга эгалик қилиш керак!

Мен беихтиёр соқолимни ушлаб қўйдим.

Асадуллахон олдидан жуда олис йўл босиб ўтган одамдай ҳориб қайтдим. Бошим ғувиллар, аъзойи бада-ним бўшашаётган эди. Хон менда жуда кучли таассурот қолдирди. Лекин кўнгилсиз. Йўл-йўлакай мен хаёлан суҳбатимиз тафсилотини хотирлаб бордим. Кўз олдимга унинг сезгир, ўткир нигоҳи келди, қулоқларим остида тинмай аччиқ сўзлари жарангларди.

Ричардга ҳеч кимни кўймасликни буюриб, хонамга кириб, диванга чўзилдим. Яна Асадуллахон ҳақида ўйлай бошладим. Ҳозиргача ишлар жойида кетаётгандай бўлиб туюлган, ҳатто Пенде масаласида ҳам гулханга яна ўт қалаштириш мумкинлигига менда ишонч ҳосил бўлган эди. Асадуллахон билан учрашувдан сўнг шубҳалана бошладим. Бундай вазиятда афгонларнинг миллий ғурурини қитиқлаб бўлармикин? Аммо нима бўлганда ҳам бошланган ишни давом эттириш, уруғлар, хонлар ва сардорларни оёққа турғизиб, улар ёрдамида Афғонистон ҳукуматини оғмачилик сиёсатидан воз кечтириб, уни большевизмга қарши курашга мажбур этмоқ лозим.

Биз Абдурраҳмон билан барча масалаларни атроф-лича гаплашиб олдик. Фақат Ҳиротдаги кишилар билангина бу мураккаб вазифани бажариб бўлмаслиги ўз-ўзидан аён эди. Бу ерга шошилиш суратда лоақал иккита тажрибали офицерни чақириб олиш керак, токи улар Абдурраҳмон билан алоқада бўлиб, марказий афгон ҳукуматининг сиёсатига тазйиқ кўрсатиш чора-тадбирларини кўрсинлар ва уни амалга оширсинлар. Мен Асадуллахон билан учрашув ҳақида штабга йўллайдиган маълумотномада шунини алоҳида таъкидламоқчи бўлдим.

Эртага Ҳиротдан кетишим керак. Оғир йўлнинг дастлабки босқичи босиб ўтилди. Унинг иккинчи босқичи қанақа бўларкин?

Қуёш тикка келганда, биз карвонга етиб олиб, унга қўшилдик. Устига яхшигина юк ортилган юзга яқин туя йўлга тушишга шай қилиб қўйилган. Карвонбоши унча баланд бўлмаган барханча устида атрофига навкарларини тўплаб, бизни кутиб турар эди.

— Еқубхон! Айтчи, мана шу барханча олдида неча марта қўнгансан?— сўради Шоҳруҳ.

Еқуб одатича мўйловини бураб туриб жавоб берди:

— Ҳозир роппа-роса эллик тўрт ёшдаман. Ун олти ёшимдан буён карвон билан юраман. Ҳар йили тўрт марта шу ерга қўнганмиз. У ёғини ўзинг ҳисоблаб олавер...

Йўлда ҳисоблаб чиқишга сўз бериб, Шоҳруҳ билан кайрлашдик ва Боло Мурғоб томон йўл олдик.

Йўл олис, бунинг устига зерикарли бўлиб, аввал далагоч тоғлар ва тепаликлардан, сўнгра саҳро қумлари устидан ўтилар эди. Энг кўрқинчлиси шундаки, Мозори Шарифгача биз асосан туркманларга дуч келамиз. Уларнинг қадим замонлардан буён йўлларда қароқчилик қилишлари, карвонларни талашлари эса ҳаммага маълум. Шунинг учун ҳаммамизнинг юрагимиз гаш эди.

Карвонбошидан ўзи ҳақида гапириб беришини сўрадим. У жон деб рози бўлди. Менга яқинроқ келиб, карвонни ҳам кузатиб боришни унутмай, ҳикоясини бошлади:

— Бизни вазир деб аташади. Биздақалар унча кўп эмас. Аммо чавандозлик ва қиличбозликда Афғонистоннинг биронта қабиласи ҳам бизга бас келолмайди. Отда юришни, қиличбозликни болалигимиздан ўрганамиз. Бунинг сабаби аён: бизнинг асосий ишимиз — карвон билан юриш, юк ташиш. Ҳозирги вақтда, ўзингиз биласиз — йўл юриш, бунинг устига қимматбаҳо юк билан юриш — осон иш эмас. Жуда кўп оломонлар<sup>1</sup> мўмай ўлжа қидириб, санқиб юрадилар. Анқайдингми — бўлди, уларнинг чаңгалига тушасан. Шунинг учун бизларнинг ҳаммамиз ҳам карвончи, ҳам жангчилармиз...

Дарҳақиқат ҳамма карвон бошқарувчиларнинг елкасида милтиқ, белида ўқ тўла ўқдон билан қора сопли ханжар. Барча карвон бошқарувчилар танлаб олинган.

<sup>1</sup> Оломонлар — босқинчи, қароқчилар.

дай бўйдор, кўзлари чақнаб турган жасур йигитлар эди. Ёқуб сўзининг тўғрилигини амалда кўрсатмоқчи бўлди, шекилли. У бир чеккага чиқиб олдинги туяда кетаётган ёш йигитга мурожаат қилди:

— Бенаво... Қани, ана уни уриб туширчи!

Йигит нидамай елкасидан милтиғини олиб, карвон узра чарх ураётган қирғийга ўқталди! Уқ узилди. Улкан қуш пастга қараб тошдай учиб келиб, ерга қапишди.

Ёқуб кулиб, мамнуният билан мўйловининг икки учини бураб қўйди.

Оғир карвон қадимий кенг йўлдан оҳиста илгарилаб борар эди. Карвоннинг охири узоқда бўлиб, сўнгра туяларнинг бўйинларига тақилган қўнғироқчаларнинг жаранглагани аранг эшитилар эди. Четдан қараганда туялар устидаги юк ортиқча ваҳима бўлиб кўринмас эди. Йўгон арқонлар билан таранг тортилиб боғланган қоп ва тойлар бир хил ҳажмда тикилгандай. Аммо уларнинг ичидаги юк бир-биридан тамоман фарқ қиларди. Бирларида чой билан қанд, бошқаларида ўқ-дори. Газмол тойларининг ичига зич қилиб қурол тиқилган, қўл пулемётигача бор. Абдурраҳмоннинг гапига қараганда фақат шу карвоннинг ўзи сал кам икки минг милтиқ, ўттизта пулемёт олиб бораётган эди. Яна бошқа карвонлар ҳам бор,— улардан баъзилари ҳатто ҳали Қандаҳордан ҳам чиққани йўқ, бошқалари аллақачон Мозори Шарифга етай деб қолишди... Э худойим, йўлда бирор қорхон бўлмасмикин? Оломончи туркманларга йўлиқмай эсон-омон ўтиб кета олармикинмиз?

Мен бундай ваҳимали фикрларни хаёлимдан қувишга интилар эдим. Аммо улар хаёлимни яна қуршаб олиб, кўкка ўрмалаётган қуюн каби бир зум ҳам мендан нари кетмас эди.

Бу қанақаси бўлди?

## 12

Худонинг марҳамати билан беш кун тинч, осойишта ўтди. Жуда кўп туркман овулларида ўтдик. Ҳеч ким бир оғиз сўз билан ҳам озор бермади, бирон кимса бизга тош ҳам отмади. Атроф жимжит. Йўлтўсарликнинг ҳатто нишонаси ҳам кўринмас эди. Йўлнинг бошида юра-

гимни сиққан ташвиш аста-секин йўқолди. Аммо олтинчи кун кутилмаган воқеа содир бўлди. Бунинг сабабчиси ўзимиз, тўғрироғи, мен бўлдим.

Уша кун кечқурун биз Мурғоб соҳилига чиқдик. Дарё сувни ҳозир тўхтаб қоладигандай жуда секин оқарди. Аммо сувга маҳтал ерлар кўп шекилли. Ҳар икки соҳилдаги экинзорлар рус чегарасигача чўзилиб кетган эди. Биз нафас ростлаш учун одам яшайдиган пастқам жойларда тўхтар эдик. Бу гал ҳам серқатнов кўчадан бурилиб, очиқ ҳавода саҳрода тўхтадик.

Карвон бошқарувчилар туялардаги юкларни энди туширишган эди, бирдан Кушка томонда катта карвон кўринди. Туя ва эшакларга ўтов ва рўзғор лаш-лушларини ортган оломон биз томон келар эди. Булар большевиклардан қочишга муваффақ бўлган қочоқлар экан. Улар бизнинг рўпарамизда дарёнинг шимолий қирғоғида тўхташди. Оқсоқолининг исми Пўлатбой бўлиб, у чиндан ҳам бутун вужуди пўлатдан қуйилганга ўхшаган, бўйдор, бақувват эди. Очиқ чеҳрасининг ўзи соғломлигидан далолат бериб турарди. Йиллар унинг узун қалин соқолини кумуш рангга киритган бўлса-да, унда кам қувватлик сезилмас, ёш йигитлардай эпчил ҳаракат қиларди.

Кечқурун биз Пўлатбойни овқатга таклиф этдик. У ўзи Тахтабозорлик эканлигини, зўравонликка чидай олмай, бутун ҳамқишлоқлари билан чегарадан ўтиб кетишга мажбур бўлганини гапирди. У бизнинг қўшинларимиз Марвни эгаллаганини, большевиклар Чоржўй орқали Тошкентга кетишаётганини билар экан. Бўлмаса унинг ўзи нега бу ёққа қараб қочган? Менинг саволимга у кутилмаган жавоб берди:

— Э-э душманмиз фақат большевикларнинг ўзигина бўлганда, дардимиз анча енгил эди-ю... Аммо халқ бебош бўлиб қолди. Ҳеч кимга ишониб бўлмайди. Қишлоғимда Ато деган сўққабош яшар эди. У оқ подшонинг амалдорига пичоқ ўқталгани учун Сибирда олти йил қамалиб келди. Уни большевиклар бўшатишган, бўлмаса ўша ёқларда чириб кетарди. У қайтиб келиб, бутун қишлоққа гулгула солди. Большевиклар ёрдамида Кушкандан отряд тузиб, бемаъни ишлар қила бошлади. Мен унинг энг ашаддий душмани бўлиб қолдим. Кўз очирмай қўйди. Бугун келиб большевиклар учун галла талаб қилади, эртаси кун от сўрайди. Мен бир каллакесарни

топиб, уни саражкомлаб қўйишни сўрадим. Шундан сўнг: «Большевиклар Кушкадан бу ёққа ўтишади, тўп-лардан ўқ узишади» деб овоза тарқатдим. Халқнинг ўта-каси ёрилди. Орадан бир неча кун ўтгач, бутун қишлоқ аҳли чегарадан ўтиб, мана шу ерга етиб келдик.

Пўлатбой гапини тугатмай, унинг ўғилларидан бири келиб, четга олиб чиқиб, қулоғига бир нима деб шивир-лади. Биз бирор фавқулодда гап бўлганлигини тушун-дик. Йигит анча безовта кўринар эди. Тахминимиз тўғри чиқди. Бой ҳаяжон ичида қайтиб, бизга янгиликни хабар қилди:

— Кушкадан большевиклар юборган одам келипти. Бекорга келишмаган, албатта. Одамларимизни қайта-ришса керак. Бориб гаплашиб келай. Балки сиз ҳам бирга борарсиз? Нон-туз бўлиб, одамларга оталик қи-либ, бир-икки оғиз гапириб қўярдингиз.

Тушунарли: бой кўрқяпти — чойимни ичиб, бора-ман, дедим. Яхшиям борган эканман. Бой дарҳақиқат эғир аҳволда қолипти. Унга ҳамма ёқдан ёпирилишиб, аччиқ сўзлар айтишарди. Кушкадан келган рангпар, оз-гин киши унга кўпроқ ёпишаётган эди:

— Сиз, бой оға, қаёққа борсангиз ҳам зор қолмай-сиз. Пода-пода қўйларингиз бор. Туяларингиз, отларин-гиз, ҳўкиз ва сигирларингизнинг саноғи йўқ. Сизга че-гаранинг у ёғи ҳам, бу ёғи ҳам бирдай, барибир. Бу-ларнинг нимаси бор?— дея рангпар киши доира ясаб турган одамларга ишора қиларди.— Буларнинг бор-йўғи ҳув ана у қирчанғи туяга юк бўлади. Улар қаёққа ке-тишяпти? Ҳўв, одамлар, эшитмадим деманглар: «Дилдо-ридан айрилган етти йил, диёридан айрилган бутун умр йиғлайди» деган гап бор. Она юртингизни ташлаб қаёққа кетяпсизлар?

Оломон бу қизгин гапларни диққат билан тинглаб, бир чайқалди-ю, аммо ҳеч ким гапирмади. Бой зарда билан, жаҳлини яширмай гапирди:

— Биласанми, Сари... Сен ука, сутни кўрмай маъ-раяпсан. Сафсата сотяпсан. Ҳўш, фараз қилайлик, улар эртага қайғишсин... Сен уларга нима бера олардинг?

— Мен? Мен ҳеч нарса беролмайман. Аммо давлат уларга кўп нарса беради. Ер беради, сув беради... Бахт-ли ҳаёт йўлини очиб беради!

— Сен қаёқдан биласан?

— Биламан... Истасангиз ҳозирнинг ўзидаёқ Ленин-

нинг мурожаатномасини ўқиб беришим мумкин. — Сари қўлини кўкрак чўнтагига узатди. — Ер, сув... ҳаммаси камбағаллар қўлига ўтади. Мана бу қоғозда ҳаммаси ай-тилган. Унга Лениннинг ўзи имзо чеккан!

Пўлатбой худди биров тириклайин терисини шилаёт-гандай аҳволга тушиб қолди. У қип-қизарди, пиёла уш-лаган қўли дир-дир титрарди. Пўлатбой Сари чўнтагидан чиқарган қоғозга ўзини рост ташлаб юлиб олгудай бў-либ тикилиб қолди.

Мен уни қўллаб-қувватлайдиган пайт келганини пай-қаб, гапга аралашдим.

— Сен, иним, давлат ёрдам беради деяпсан... Аммо эшитишимизча, большевиклар синиб, Тошкентга қочаёт-ган экан. Ҳамма ёқда ҳокимият меньшевиклар қўлига ўтипти, деган гап. Сен бўлсанг Ленин ҳақида гапиряп-сан...

Сари бармоқдай йўғон тамаки ўраб, уст-устига бир неча бор қаттиқ тортди-да, еб қўйгундай қараб:

— Бу хабарни қачон эшитдингиз, тақсир? — деди.

— Бир ҳафта бўлди, Ҳиротда эшитдим. Нима, ёл-гонми?

— Йўқ, тўғри... Аммо янги хабар Ҳиротга етиб бор-маганга ўхшайди. Тошкентдан мадад келди. Большевик-лар яна Марвни эгаллаб олишди. Ҳозир Тажанга ҳужум қилишяпти. Яхшиси, ҳокимият кимнинг қўлидалигини аниқ билмоқчи бўлсангиз, Кушкага боринг. Бу ердан узоқ эмас. Эрта билан вақтли йўлга тушсак, кун ботар-да етиб борамиз.

Унинг алдаётганини билар эдим. Аммо ҳеч нарса бил-магандай давом этдим:

— Яна айтишларича, инглизлар катта қўшин билан келипти. Демак, буниси ҳам ёлгон экан-да?

Сари бурнини тортиб қўйди:

— Ҳмм, инглизлар... Инглизларнинг ваъдаси шамол сингари беқарор. Уларга ишониб бўлмайди. Айтишлар-ича, улар икки юзтача ҳинд сарбозлари-ю, ўнгача ха-чир юборишпти. Уни ҳам биринчи учрашувдаёқ битта қолдирмай ер билан яксон қилиб ташлашпти.

Алжирама, дейишимга сал қолди, аммо худди биров тўнимнинг этагидан тортаётгандай ўзимни дарҳол қўл-га олиб, мумкин қадар осойишта оҳангда сўрадим:

— Сиз ўзингиз ҳам большевикмисиз, иним?

— Менми? — Сари менга: «Наҳотки бошқа сўрайди-

ган нарсанг бўлмаса?» дегандай нафрат билан қаради. Мен оддий темир йўл ишчиси, болғачима. Мана бу қадоқларни кўринг...

Пўлатбой аралашди:

— Қўйсангчи... касални яширсанг иситмаси ошкор қилади. Большевик бўлмасанг бу ёққа ҳаллослаб келмас эдинг. Бошлиқларга хушомад қилинман дегин қўйгин-да.

Сари овозини баладлатмай жавоб қайтарди:

— Бўлмаган гапларни қўйинг, бой оға. Мен хушомад қилаётганим йўқ. Мен қариндош-уруғларимни излаб келдим. Яширинча ҳам келганим йўқ, афгонлар томонидан рухсат олдим. Ким қайтмоқчи бўлса эртага биз билан кетади. Хоҳламаганлар қолавериши мумкин. Шундай эмасми, Қурбон?

Сарининг ёнида иштаҳа билан чой ичиб ўтирган кичкинагина киши салмоқлаб гапирди:

— Биз, бой оға, бир-биримизни ҳақорат қилиш учун келганимиз йўқ. «Адашганинг айби йўқ, қайтиб уйини топса», деган нақл бор. Ҳали кеч эмас, одамлар, уйлариңга қайтинглар. Сиз ҳам қайтинг, бой оға! Мол-дунёнигини ҳеч ким тортиб олмайди, жонингизга ҳам қасд қилмайди...

— Ухў, нималар деётганини қаранг. — Бой биров устидан қайноқ сув қуйгандай сапчиб кетди. «Сиз ҳам қайтинг...» эмиш. Мен нега қайтишим керак экан? Эртагаёқ мени Сибирга ҳайдайсизлар. Уйимни ер билан яксон қиласизлар. Гўл одамни топдинг... Туфе!

Юзи чўтир киши чўққи соқолини бармоқлари орасига олиб туриб, баҳса аралашди:

— Одамлар! Қурбон тўғри гапиряпти, қизишмай, бир-биримизни тушуниб олайлик. Мана, биз оёқларимизни тошларга уриб, қабартириб қўй подаси сингари кетяпмиз. Қаёққа кетяпмиз? Нега кетяпмиз? Келинлар, ана шу ҳақда бир ўйлаб кўрайлик. Кейинчалик пушаймон бўлиб ўтирмайлик... Ёмғирдан қочиб, дўлда қолмайлик!

— Нима деяпсан ўзи, Бапба, — бошқа чол гапга қўшилди. — Энди вақт ўтди... Бўлар иш бўлди... энди гапиришнинг нима ҳожати бор?

— Нега гапирмас эканмиз! — дея бўш келмади чўтир киши. — Дуч келган деворга суянишимизнинг нима кераги бор? Қаёққа боряпмиз? Кимни паноҳ тортиб кет-

япмиз? Ҳали бошимизга балою қазо ёғилгани йўқ, келинлар, яхшиси бу ҳақда ўйлаб кўрайлик.

— Тўғри айтяпсан, Бапба оға! — деб ўрнидан турди бурни қийшиқ новча деҳқон. — Ҳозирча биз большевиклардан ҳам, меньшевиклардан ҳам ёмонлик кўрганимиз йўқ. Бизга қишлоғимизни тўпга тутишади, дейишди. Шунинг учун биз чиқиб кетдик. Кўрққанимиздан кетдик. Мана энди Сари билан Қурбон: «Сўққабош Атони ўлдирган каллакасар топилди» — дейишяпти.

— Ёлғон! — дея қичқирди Пўлатбой оғзидан кўпик сачратиб. — Сўққабош Атони ўлдирган одам бизнинг орамизда ўтирипти. Бунинг устига бир ўзи эмас, икки киши саранжомлаган Атони!

Ҳамма жим қолди. Фурсатни ўтказмай, бой ишонч билан қўшиб қўйди:

— Яна шуни ҳам айтиб қўяй, мана бу Кушканинг йўли! Қим хоҳласа кетаверсин!

— Кегамиз ҳам... Нега кетмас эканмиз? — дея яна жаҳл билан гап бошлади чўтир киши. — Сен, бой, бизни кўрқитма. Биз бўлсак кўрққанимиздан ўйламай-нетмай шу ишни қилиб қўйдик. Жилла бўлмаса ҳозир бўйнимизга сиртмоқ солмайлик.

— Боринглар, бора қолинглар... Большевиклар сиртмоқни кўрсатиб қўйишади! Фақат олдин орани очиб қўяйлик. Қарзларингизни узмай биттангиз ҳам бир қадам жилмайсиз!

Чиннакам тўполон энди бошланишига кўзим етиб, Пўлатбойнинг рухсати билан капитан иккаламиз лагери-мизга қайтдик.

Карвончилар ширин уйқуда, елкасига милтиқ осиб олган навбатчиларгина унда-мунда ўтиб туришар эди. Жуда ҳориганимга қарамай, уйқум келмади. Кушқадан юборилган одамлар ҳақида ўйлардим (уларнинг большевиклигига менда заррача ҳам шубҳа йўқ эди). «Инглизларнинг ваъдаси шамол сингари беқарор, уларга ишониб бўлмайди...» Ўз-ўзидан аён, оддий туркман бундай деёлмас эди. Нима қилиш керак?

Афтидан капитан ўйлаётганимни пайқади. У ташвишлики гапирди:

— Рангпар большевикнинг гапини эшитдингизми? Кўрасиз, у кўпчиликни ўз томонига ағдариб, бирга олиб кетади.

— Нима қилиш керак? — дея боягина ўзимга берган

саволимни овоз чиқариб қайтардим. — Пулатбойнинг ўзи одамлари билан унга бас кела олармикин?

— Йўқ, у ҳеч нарса қилолмайди. Менимча бундай қилиш керак. Уша большевикни бир четга олиб чиқиб: «Жон ширип бўлса, ҳозирнинг ўзида бу ердан жўнаб қол. Тонготаргача шу ерда қоладиган бўлсанг йўлингни тополмайсан», дейиш керак.

— Агар у, «Бировнинг ишига аралашманглар!» — деса-чи?

— Журъат этолмайди.

— Йўқ, капитан... Бу маслаҳатингиз ярамайди. Ё умуман аралашмаслик керак ёки чинакамига аралашиб керак.

Мен йиғма каравотга чўзилиб, тамаки чекдим. Капитан ҳам ётди. Маллесон билан бўлган бир гап хотирамга келди. У бундай деган эди: «Биз чегарага дахлсиз уруш олиб боряпмиз». Ҳақиқатан ҳам большевикларга қарши уруш — бу чегарага дахлсиз урушдир. Мана, ҳозир ўз чегарамиздан олисда, бошқа давлат тупроғида икки большевик бизга хавф соляпти. Уларнинг, айтайлик, Чоржўй яқинидаги окопларда ётганлардан нима фарқи бор? Йўқ, қатъий ҳаракат қилмоқ лозим!

Мен ўйлаган режамни капитанга айтдим. Тўғрироғи, тезда бажарилиши зарур бўлган буйруқ тарзида баён этдим:

— Бориб, Ёқубни уйғот... Артур билан Ричардни олиб, Боло Мурғоб томондан қочоқлар олдига боринглар. Пулатбойдан: «Қушқадан сизларнинг олдингизга икки киши келиши керак эди. Етиб келишдими?» — деб сўрайсизлар. У албатта: «Ҳа» деб жавоб беради. Уларни навбатчилар бошлиғи чақиряпти, деб одам йўқ жойга олиб чиқингларда, саранжомланглар. Жасадларини дарёга оқизинглар. Бошқаларга сабоқ бўлсин!

— Қайсарлик қилиб: «Тонг отгунча ҳеч қаёққа бормаймиз» дейишсачи?

— Уша жойнинг ўзида йўқотинглар. Бойнинг одамлари сизларга қаршилиқ кўрсатишмайди, бошқалар эса ҳеч нарса қилишолмайди.

Капитан Ёқубни уйғотишга кетди. Мен эса яна тамаки чекдим.

Хавфли ишга аралашиб қолганимни кейинчалик тундирдим, Менинг вазиятимда таваккал иш тутишим ке-

ракмиди? Бу саволга икки хил жавоб бор. Агар бу саволни разведкачи Форстерга беришса, у: «Йўқ керак эмас эди» деб жавоб берган бўларди. Чунки Форстерни бундан кўра муҳимроқ ишлар кутаётган эди. Бу ишда ҳеч нарса йўқотмаслигимизга имоним комил бўлса-да, хавфли эди. Тўсатдан отишма бошланиб, ўқ Ёқуб ёки бизникилардан бошқа бирига тегиб кетса... Унда, албатта, ўзимизни оқлаш қийин бўлар эди. Аммо ишонасизми йўқми, рангпар большевик билан гаплашганда жаҳлим чиқиб кетиб, менда аллақандай чидаб бўлмас нафрат уйғонди. Уша заҳоти ўч олиш истаги ғалаён қила бошлади. Бунинг ҳам сабаби бор эди.

Кейинги вақтларда вужудимни биргина фикр — бутун чоралар билан большевикларга қарши кураш зарурлиги ҳақидаги фикр қамраб олган эди. Бу фикр кечасию кундузи менга тинчлик бермас, миямни тинмай пармалар эди. Алахсиш учун хотираларимга эрк бердим, ўзимни бирор нима билан машғул этмоқчи бўлдим. Бироқ ордан бир неча дақиқа ўтгач, «большевик» сўзи момақалди роқ каби яна фикримни банд этди, оғир хаёлга чўмдим. Большевизм мен учун даҳшатга айланди ва у ҳақда қанча кўп ўйласам нафас олишим шунчалик оғирлашар эди.

Мана, ниҳоят ўша даҳшат тўсатдан йўлимда пайдо бўлган икки келгинди тимсолида гавдаланди. Улар пайдо бўлибгина қолмай, ҳаракат ҳам қилмоқдалар. Қани айтингчи: мен уларни маҳв этмаслигим мумкинмиди? Бошқалар нима қилган бўлишини билмайману, мен бирдан алангаланган ўч олиш иштиёқи олдида чидаб туролмадим.

Большевизмга қарши дастлабки ўқни уздим. У зое кетмади, ҳамма нарса ўйлаганимча хотималанди. Мен примларга ишонмайману, аммо шунга келганда, олдиндаги бутун оғир йўлим ҳам хайрли битадигандай бўлиб кўринди.

Тонг отар-отмас Пулатбой югуриб келди ва бўлиб ўтган воқеани сўзлаб берди. Биз ҳамма нарсани атрофлича келишиб олдик. Қариндошлариникида ўрнашиб олиши билан Ҳиротга боражагини айтди. Мен Ҳиротда Абдурраҳмон исмли яқин дўстим борлигини ва Пулатбой унга учраса ҳар қандай ёрдам керак бўлса бера олишини гушунтирдим. Абдурраҳмонга хат ёзиб бердим. Бой уни тумор сингари рўмолга ўраб, чўнтагига солди.

Ярим кечадан кейин биз у билан самимий хайрлаш-  
дик.

\* \*  
\*

Кечаси сира кўз юмолмаганимдан бўлса керак, эрта-  
лаб бошим қаттиқ оғрий бошлади. Аммо иситмам йўқ  
эди. Худога шукур! Мен безгакдан жуда қўрқардим, ку-  
нига уч маҳалдан хинин ютардим, бошқаларга ҳам бе-  
рардим. Абдурраҳмон: «Хининни русларнинг ароғи билан  
ютсанг, безгак яқинингга ҳам йўламайди», — дерди. Биз  
капитан билан ҳар кун кечқурун шу маслаҳатни амалга  
ошириб келдик, бинобарин шу кунгача мен ўзимда ҳам  
ҳеч қандай асорат сезмадим. Бугун эса бошим оғриғига  
чидаб бўлмаяпти. Бир неча аспирин ҳапини ютдим, бо-  
шимни ҳўл сочиқ билан боғладим. Қани энди салқинда  
бирор соат дам олсам!.. Бош оғриқ ўша заҳоти тинарди.  
Аммо салқин жою, ором қаерда дейсиз? Қарвон одатда-  
ғидай бир маромда имиллаб илгарилаб боряпти. Уни  
тўхтатиб бўлармиди? Лоақал бир кунгина тўхтатсанг, —  
тарих гилдираги ўз ўқидан чиқиб кетсая! Ҳар ҳолда  
бунчалик шошилиб, қаёққа борасан? Наҳотки ватандан  
узоқда, шу қўпол, ваҳший одамлар орасида уйи йўқ дай-  
дидай санқиб юриш тақдири азалдан пешанангда битил-  
ган бўлса?

...Баъзан шунақа касб танлаганимга ич-ичимдан ачи-  
наман. Шўрлик отам сўнги нафаси чиққунча сиёсий  
арбоб бўлишимни таъкидлаган эди. Шунинг учун у мени  
юримдик факультетга ўқишга юборди, кўзга кўринган сиё-  
сатдонлар билан таништирди. Ўзи умр бўйи йирик савдо  
компанияларида директор лавозимида ишлади. Парла-  
ментга экскурсиячи ёки меҳмон сифатида эмас, балки  
тўла ҳуқуқли депутат сифатида кириш унинг бирдан-бир  
орзуси эди. Бунинг учун отам ҳатто консерваторлар са-  
фига кирди, консерваторлар партиясининг чинакам та-  
рафдори бўлди. Бироқ одам орзунинг ўзи билангина  
қаҳрамон бўла қолмайди! Шўрликнинг орзуси ушалмай  
ўлиб кетди.

Ўзимга келсак, мен ёшликдан саргузаштларни севар  
эдим. Саёҳат тўғрисида мен ўқимаган битта ҳам китоб  
қолмаган. Узоқ ўлкаларни кўришни, денгизларда су-  
зишни, тоғ чўққиларига чиқишни орзу қилардим... Кўп

болалар шундай даврдан ўтиб, мактабни эсон-омон би-  
тириб олишади, аммо менда сиёсатга иштиёқ, айниқса  
жуда кучли экан шекилли. Чунончи, мен йўқ жойлар  
ҳақида соатлаб ўтириб хаёл сураверардим. Онам ҳали-  
ҳали бу ғалати одатларимни гапириб қўяди. Балки, раз-  
ведкачи бўлишимга мана шу йўл очиб бергандир? Бил-  
мадим. Аммо шунини аниқ айтишим мумкин: касбимни  
ўзим танлаганман.

Кейинчалик атрофимни ўраб турган муҳитдан чиқиб,  
жасорат кўрсатиш ва машҳур бўлишга интилиш истаги  
туғилди. Худди кун кеча бўлиб ўтгандай хотирамда:  
ўртоғим Томас билан солга тушиб, Жанубий Америкага  
қочиб кетмоқчи бўлганмиз, ҳатто тайёргарлик кўра бош-  
лаганмиз. Аммо ақли расо одамлар ниятимни фаҳмлаб,  
эшак тортишни билган ҳар бир киши ҳам қаҳрамон бў-  
лавермайди, деб тушунтиришди. Аммо шунга қарамай,  
балки ана шу ўйламай-нетмай қаҳрамонлик кўрсатишга  
интилиш мени оғир йўлни танлашга ундаганмикин?  
Билмадим... Бироқ нима бўлганда ҳам ҳозирча шундай  
касб танлаганимга пушаймон бўлишга ҳеч қандай асос  
йўқ. Болалик йиллардаги орзуйим ортиги билан ушалди,  
жуда кўп мамлакатларни кўрдим. Миср, Месопотамия,  
Туркия, Эрон, Туркистон, Афғонистон, Ҳиндистон,  
Хитой, Индонезия... Хуллас, санаб адо қилиб бўл-  
майди...

Ўз хизматим бўйича аста-секин кўтарилиб бораётга-  
нимдан ҳам мамнунман. Фақат бир нарса мени ташвиш-  
лантириб қўйяпти. Дастлабки йилларда астойдил, қи-  
зиқиб ишладим. Ҳозир эса, очигини айтганда, ўзимни  
мажбур қилиб ишлатаман. Нега? Ахир дастлабки йил-  
ларда ишлаш ҳозиргидан қийинроқ, бунинг устига ўшан-  
да ўтиш қанчалик оғир бўлмасин, аммо зарур бўлган  
маънавий тўсиқлар ҳам бор эди. «Сиз фақат ақлга қа-  
раб иш тутасиз», — деди менга яқиндагина Асадуллаҳон.  
Тўғри айтади... Шубҳали касб ҳеч кимга ишонмай ҳар  
нарсанга шубҳа билан қарашга мажбур қилади, юрагинг-  
да йўқ нарсани хаёлингга келтиради.

Дўндириб ўрнига қўя билиш ҳам керак! Кўнгли юм-  
шоқ, ҳаққоний, номусли, виждонли деган дабдабали  
сўзларга ишонадиган одамдан яхши разведкачи чиқар-  
миди?

Дастлабки йилларда шунини тушуниш, машаққатли,  
катта йўлга ҳозирлик кўриш учун бутун кучни ишга ба-

ғишлашга тўғри келар эди. Энди эса энг оғир йўллар орқада қолди. Тажриба орттирилди, обрў-эътибор ҳам жойида... Қийинчиликлар ортда қолгани учун ишга бўлган майл, истак ошиши керак эди. Аммо акси бўлпти: мени тез-тез нохуш фикрлар чулғаб оляпти. Тўсатдан дайди ўқ ёки оғир касалликдан қулаб, жонажон еримдан олисда, жоҳиллар ёнида бу фоний дунё билан абадиётга хайрлашсама?.. На ному нишон, на шон-шуҳрат қолади. Бир неча кундан сўнг ўзингни ҳам, интилишларингни ҳам, ҳатто ресторандаги ярим яланғоч раққосага қараганда тезроқ унутиб юборишади. Улар вафот этганда газетада суратлари босилади, оммани ҳайратга солган чиройлари хотирга олинади. Сеничи... Исмингни ҳам айтишмайди, дунёдан ҳам ҳаётдагидек нишонсиз ўтасан. Ҳатто тобутда ётганинда ҳам сени шубҳа, эҳтиёткорлик, қўрқув тарк этмайди...

Аччиқ ўйлар хаёлимни тобора кўпроқ қамрай бошлади. Аммо нимагадир уларни қувгим келмасди. Уйлагим, хотирлагим келар эди. Яқинда бўлиб ўтган воқеаларни эмас, балки узоқ ўтмишни. Онамни хотирладим, хотиним Мэри ҳамда ўғлим Альфред кўз олдимга келди... Йил бошида уларни бу ердан узоқроққа, Деҳлидан Австралияга жўнатган эдим. У ерда, Сиднейда ўзига тўқ фермер амаким турарди. Унинг шундоққина океан қирғоғидаги боғида ўтирганинда бу дунёнинг бутун ғамтавишларини унутиб, онадан янги туғилгандай бўлсан. Қани энди ҳозир жилла бўлмаса бир ойгина ўша ерда дам олсанг! Мэри, Альфред, онам... Улар у ерда менга илҳақ бўлиб ўтиришипти, мен эса бу кимсасиз жойларда, қумликларда ўлимимни қидириб санқиб юрибман...

Ёқубнинг қаттиқ кулгиси мени оғир хаёлдан уйғотди. Мен аланг-жалаң атрофга боқдим. Туялар қўнғироқларини бирдай жаранглатиб илгарилар эди. Қумлик, қумлик, иссиқ...

Капитан ҳам қаттиқ кулди. Аммо менинг кулгига тоб-тоқатим ҳам йўқ, бошим ёрилгудай қаттиқ оғриётган эди...

### 13

Яна йўл... Яна тоғлар, қоялар, саҳро, қум... Узоқ йўлда кутилмаган учрашувлар, хаёлга келмайдиган во-

қеалар бўлиб ўтади. Ҳаммасини айтиб адо қилиб бўлмайди! Аммо мен Майман билан Андаҳо оралиғида бўлган воқеани айтиб бермоқчиман. Биз туркманлар яшайдиган жуда кўп жойлардан ўтдик. Қийинчиликсиз, шовқинсиз, кутганимиздан зиёда осойишталик билан ўтдик. Кейинчалик билсам, бу тасодиф эмас экан. Ҳар бир уруғ-аймоқ тупроғида Ёқубнинг ўз ҳимоячилари бор экан. Улар карвонни олдиндан кутиб олиб, қуроли қўриқчилар билан ўз тупроқлари чегарасигача кузатиб қўйишаркан. Ёқуб, албатта «ҳимоячиларини» саҳийлик билан сийлаб газлама, қанд, чой берар, баъзиларини эса ҳатто қурол билан ҳам таъминлар экан. Кўплар Абдурраҳмонни ҳам танир экан. Худди шу ерда Абдурраҳмон қанчалик узоқларга томир отганини сездим, яна бир марта тасанно айтишдан бўлак иложим йўқ эди — яшавор шоввоз!

Шундай қилиб, биз Маймандан анча нари кетган эдик. Кўчма, мисдай қизиган қумларни босиб борар эдик. Қайси томонга қарасанг қуёш жизғанагини чиқарган саҳро. Атрофда бир туп дарахт кўринмайди, қуриб шохларигина қолган буталар. Хайрият, кейинги кунларда иссиқ бир оз бўшашди, шимолдан эсанг шамол куз дарагини келтирди.

Пешинда Эрнепесбой қишлоғига етиб келдик. Қишлоққа етай деганимизда манзара кескин ўзгарди: тошлоқ чўл тугаб, ҳайдалган ерлар бошланди. Сувда қанчалик қудратли куч борлигини қаранг! Шарқда ҳосилни ер эмас, сув яратади, деб бежиз айтишмаган. Сув бор ерда ҳаёт ҳам бор. Сув тугаган ерда — ҳаёт ҳам тугайди.

Йўл қишлоқни иккига бўлиб, унинг қоқ ўртасидан марказни кесиб ўтган эди. У бошқа қишлоқлардан сира фарқ қилмас: ўша-ўша қийшайган кулбалар, ўхшовсиз паҳса уйлар ва чайлалар... Қўй қўралари, мол учун ертўлалар, тандир ва ўчоқлар... Биз ўнлаб туркман овулларидан ўтдик. Улардан биронтасида ғиштли уй, савдо дўконлари ёки чойхоналарни кўрмадик. Ҳамма ерда аламли, авлод-аждоғлар кўниккан ва келажакка мерос қолдирган бир хилдаги сира ўзгармас оғир ҳаёт.

Одатда бошқа қишлоқларга кириб борганимизда одамлар шовқин-сурон солиб пешвоз чиқишар, карвонни тантана билан кутиб олардилар. Аммо бу қишлоқда бизни ҳеч ким кутиб олмади, Эрнепесбой ҳовлисида ҳам

одам йўқ. Бутун вужудини ҳассага суяб турган кампир овул одамлари ёппасига баланд бархан ортидаги пастликка тўплаганини бир амаллаб тушунтирди. Биз барибир бу ерда тўхтамоқчи эмас эдик. Вақт эрта, кун бўйи ҳали анчагина йўл босса бўларди. Шунинг учун тўхтамай, йўлимизда давом этдик.

Қишлоқ ортида жанубдан шимол томон улкан бархан ястаниб ётар эди. Бу ерда, афтидан бир вақтлар қалъа бўлганга ўхшарди, ҳар икки томонда зиналар, бир-икки жойда ҳатто бузилган деворлар ва эски минора вирайоналари сақланиб қолган эди.

Барханга яқинлашгач, бу ерда аллақандай тантана бўлаётганини пайқадик. Бархан устида қизил ва яшил кўйлак кийиб олган жуда кўп хотин-халаж ва болалар тўпланган эди. Улар чордана қуриб, бир-бирларига жуда яқин ўтириб олиб, ниманидир кузатардилар. Туяларимиз бўйнидаги қўнғироқ овозлари ҳам уларнинг диққатини бўлмади.

Биз уч отлик барханнинг устига чиқдик. Пастда жуда катта майдонда пахмайган телпақлар кўзга ташланарди. Оқ, қора, малларанг. Бизга орқаси билан доира ясаб турган одамлар унча баланд бўлмаган тепаликда тикилган чодир атрофини ўраб олишган. Чодир атрофида қулоқни қоматга келтирувчи тўс-тўполон, икки-уч жойда тутун бурқсир эди.

Биз карвонни тўхтатмай кетаверишни буюриб, ўзимиз чодирга яқинлашдик. Улоқ бўлаётган экан. Улоқ ўтказилаётган давра ичида думлари ўрилган, қулоқлари қайчидай жуда кўп от турарди. Биров терлаган отини силаб-сийпар, биров тулпорини секин чеккага олиб чиқаётган, бошқа биров чодир олдида чопишга шайланиб, команда кутар эди.

Эрнепесбой бизни қувонч билан кутиб олди, чодирга бошлаб бориб, оқсоқоллар билан таништирди. Бир зумда дастурхон ёзилиб, чой ва егулик қўйилди. Кўп ўтмай узун соқолли, яғриндор, чорпахил жарчининг баланд овози янгради:

— Хў-хўй! Олти давра чопадиган отлар ўртага тушин, э-эй! Совринига бир туя, э-эй! Тўқими жарчидан, э-эй! Тез шайланинг, э-эй!

Эрнепес голибни тақдирлашга ўзи туя тикканини, узоқ чопишда ҳали унинг Йилдирим исмли айғиридан ҳеч кимнинг оти ўзмаганини фахр билан гапирди.

— Бой шунинг учун туя тикди. Ўзи олишини биларди,— деди ўтирганлардан бири киноя билан илжайиб.

Бўйини калтагина, сийрак соқолли бир чол қатъий гапирди:

— Бу гал Эрнепесбой тиккан туясини ололмайди!

Эрнепесбой ҳалиги кишига ўша заҳоти жавоб қайтарди:

— Агар отнинг ўзи кетса, Уразбой, мен яна битта туя қўшиб бераман.

— Қилолмайдингиз ишга ваъда берма.

— Нега қилолмас эканман? Кел, келишиб олайлик: агар отнинг ўзса, мен сенга иккита туя бераман. Аммо ортда қолса... Ортда қолса, сен битта туяни хў ана у жарчига берасан. Розимсан?

— Қўлингизни бер!— Уразбой иккиланмай рози бўлди.— Одамлар! Шоҳид бўлинглар... Жарчини чақиринглар. У бу ҳақда ҳаммани хабардор қилсин!

Олаговур бошланди. Жарчинини чақирди. Эрнепесбой унга гаров шартини тушунтирди. Бечора жарчи шунақа хурсанд бўлиб кетдики, икки қўлини кўкка кўтариб, худога нола қилди:

— Э худо! Менга ҳам марҳамат қўлингизни чўз! Оҳ эгам! Марҳаматингизни аяма! Йилдиримга Рахшнинг<sup>1</sup> кучини ато қил!

Атрофдагилар кулиб юборишди.

Ёқуб шусиз ҳам алаңга олиб турган ўт устига мой қуйди:

— Биринчи бўлиб маррага етганга мenden қўшотар! Ҳаяжонланиш янада кучайди.

Туркманлар отни жуда қадрлашларини билар эдим. От улар учун фақат миниб юрадиган улов бўлибгина қолмай, балки фахр ва гурурлари, жасорат ва мардликни синаш воситаси ҳамдир. От миномаслик — туркман учун шармандалик. Борди-ю, от улоқда ортда қолса, унинг эгасигина эмас, бутун қишлоқ, уруғ-аймоқ ўзини ҳақоратланган санайди, ўч олиш пайига тушади. Шунинг учун ҳам бугунги гаров мен учун янгилик эмас эди. Аслида бу оддий гаров бўлмай, балки яширинча ўзаро душманликнинг кўриниши эди. Уразбой жуда олис йўлдан ўзининг уруғ-аймоқлари билан келган. Эрнепесбойнинг

<sup>1</sup> Р а х ш — «Шоҳнома» қаҳрамони Рустамнинг оти шундай деб аталган.

овозини ўчириш учун келган. Улардан бири эрсаринларнинг номи кетган раҳбари, бошқаси — иззатталаб тўра сариқларнинг бошлиғи. Улардан қай бири голиб чиқшини кўрамиз!

Каттагина соврин кўйилганига қарамай, улоқда бор-йўғи уч от қатнашди. Уч айғир. Бири — пешанаси қашқа, қора. Узоқдан жуда чиройли кўринар эди. Айғир жонжаҳди билан кумуш суви югуртирилган сувлиғини кемирар, туёқлари билан ер тимдалаб, бир жойда тинч турмасди. Бу Эрнепесбойнинг оти — Йилдирим эди. Иккинчиси катта, бўйни узун кулранг айғир, у рақибига ўхшаб туёқлари билан ер тимдаламас, сувлиғини ражимай, осойишта турарди. Аҳён-аҳёнда у фақат бошини кўтариб, қулоқларини диккайтирар эди. Бу Уразбойнинг оти — Мелиқуш. Учинчиси — жийрон от бўлиб, ҳар жиҳатдан Йилдиримга жуда ўхшаб кетарди.

Отлар тўрт даврани шотилмай, баравар юриб ўтишди. Кураш бешинчи даврадан бошланди. Жийрон от бирдан олдинга отилиб чиқиб, қолган отларни анча ортда қолдирди. Томошабинларнинг жазаваси тутди, шовқин-сурон кўпая бошлади. Мен отлардан кўра кўпроқ Эрнепесбой билан Уразбойларни кузатиб турдим. Ҳар иккалаларининг юзларидан юраклари така-пука бўлиб тургани сезилар, айниқса Уразбой ўзини қўйгани жой тополмасди. Унинг бутун вужуди титрарди. Улоққа ҳам тинч қарай олмас, баъзан-баъзан бошини кўтариб, чопаётган отларга бир боқарди-ю, яна ўша заҳотиёқ бошини қуйи солар эди. Эрнепесбой осойиштароқ, у отлардан кўз узмай, пиёлани гоҳ қўлига олар, гоҳ гиламга қўяр эди.

Бешинчи давра охирлаётганда, улоқ жиддий тус олди. Йилдирим жийронга бир зумда етиб олиб, чанг-тўзон кўтарганча уни анча ортда қолдириб кетди. Эрнепесбой ўзини тутолмай, Уразбойга таъна қилди:

— Бой! Отингнинг қолиб кетганини кўрясанми?

Уразбой бошини зўрга кўтариб, рақибига норози қиёфада боқди, аммо отларга қарамади.

Эрнепесбой борган сари ҳаяжонланарди:

— Мана буни айғир деса бўлади... Қани эди, ҳаммаси ҳам шунақа бўлса... Ейилишини қара!

Жарчи хурсанд бўлиб, телпагини осмонга ота бошлади.

Аммо сўнгги давранинг ўртасига етганда Мелиқуш куч йиғиб олгандай, кўз очиб юмгунча жийронни ортда

қолдириб, Йилдиримга яқинлашди. Эрнепесбойнинг ранги оқарди. Уразбойнинг ён-вериди ўтирганлар жонланиб қолишди, қизил тўн, оқ телпакли ёш йигит чўккалаб туриб қичқирди:

— Ота! Қара, Мелиқуш етяпти. Йилдиримга етяпти... Қара!

Уразбой бошини кўтармай, қалтироқ овозда жавоб берди:

— Отлар маррага яқинлашганда, этагимдан тортиб қўй, ўғлим!

Худди шу пайт Мелиқуш Йилдиримга ҳам етиб олди, уни ҳам ортда қолдираётгандай бўлиб кўринди. Томошабинлар жонсарақ бўлдилар, қаттиқ гала-говурдан одам ёнидагининг гапини ҳам эшитолмай қолди.

Йилдиримнинг чавапдози унга қамчи боса бошлади. Аммо рақибни ҳам ундан қолишмас эди. Икки от битта бўлиб кўриниб, ёнма-ён боришарди. Уразбойнинг ўғли отасининг этагидан тортиб қўйди:

— Ота! Етишди!

Уразбой оёққа туриб, унга биров ташланаётгандай бирдан овозининг борича бақирди:

— Каттиқроқ ур!

Шу пайт отлар қуёндай олдимиздан учиб ўтишди.

Улардан қай бири марра чизигига етганини ажратиб бўлмади.

Аммо шундай бўлса-да, Эрнепесбой тантана қилгандай ҳайқирди:

— Йилдирим биринчи келди... Унга тараф йўқ.

— Нима-а?—Уразбойнинг бўғзига биров пичоқ қўйгандай бўлди.—Биласанми, бой... Сен «қўрқоқ олдин мушт кўтаради» қабилида иш тутма.

— Нимадан қўрқим керак?— Эрнепесбой ҳам овозини баландлатди.—Мени қўрқитадиган одам онасининг қорнидан ҳали тушгани йўқ! Сен ким бўлисанки, менга дағдаға қиласан?

— Бурнингни кўтарма!

— Нима қилардинг?

Уразбой бошқа сўз айтмай Эрнепесбойга ташланадигандай эди. Бунақа вақтда обрў тополмаслиғини тушуниб, бир амаллаб ғазабини қайтарди. Чуқур нафас олиб, ён-веридагиларга юзланди:

— Сариқлар, олдинга чиқ!

Унинг чақирғи хиёл ўтмай бутун майдон бўйлаб

оғиздан-оғизга ўтди. Тез орада оломон ичидан чиққан ўнлаб чавандозлар, бир чеккада тўпланиб, янги буйруқ кутиб туришди.

Атрофдагилар Эрнепесбой билан Уразбойдан дил-сиёҳликни бас қилишни сўрай бошладилар. Жарчи йиғ-ламоқдан бери бўлиб бақирарди:

— Ога, ўтинаман... Байрамни азага айлантирманг... Одамларни уриштириб қўйманг... Бор-йўғимни сотиб, туяни ўзим бераман. Ёмон ниятдан қайтинг... Худодан кўрқинг!

Ўтиниб сўрашлар кор қилмади. Уразбой қўлидаги қамчини жаҳл билан қисиб, бақирди:

— Модомики шундай қилишга журъат этдингми, бутун чавандозларингни йиғиб, индинга водийга чиқ. Нима қилишимни ўша ерда кўрсатиб қўяман. Келмасанг — кўр-қоқсан!

У ўғли олиб келган отга мишиб, қамчи босди.

Эрнепесбой унинг ортидан қичқириб қолди:

— Келаман! Албатта келаман! Ўзингнинг бутун сариқларингни йиққин. Текеларингни! ҳам... Эрсаринлар кимлигини сенларга кўрсатиб қўяман!

Жарчи жаҳл билан телпагини ерга уриб, норози бўлиб тўнғиллади:

— Бунақа кўнгилхушликни худо ҳеч кимга кўрсатмасин!

## 14

Қадимий Балхга эллик чақиримча қолганда чўлда карвонни Бухоро амирлигининг вакиллари кутиб олишди. Уларнинг бир жойдан иккинчи жойга мол жўнатиш қароргоҳи шу ерда бўлиб, бу ердан юклар Амударё орқали Бухорога жўнатилад эди. Капитан Дейли нега молларни Термиз орқали олиб ўтмаётганларини сўради. Бухоролик киши истехзо билан жавоб берди:

— Термизда темир йўл бор. Темир йўл бор жойда эса большевиклар бўлади. Бунақа юк билан большевиклар турган жойга бориб бўладими?

Бухоролик қилган киноянинг бутун мазмунини кейинчалик тушундик. Янги Бухоро, Чоржўй, Карки ва

<sup>1</sup> Теке — текинликлар, туркман уруғларидан бири.

Термиз гарчанд Бухоро амирлигига қарам бўлса-да, аслида улар большевиклар қўлида эди. Темирийўлчилар бу шаҳарларда Советлар тузиб, бутун ҳокимиятни ўз қўлларига олган эдилар. Шундай бўлса-да, биз Термиз орқали юриб, йўлда Мозори Шарифга кириб ўтишга қарор қилдик.

Кечга яқин биз карвонсаройдагилар билан хайрлашдик. Карвон қўнғироқларини жиринглатиб шимолга — Амударё томонга, биз эса Шарққа — Балхга йўл олдик. Кўп ўтмай яйдоқ саҳро тугаб, боғ ва экинзорли қишлоқлар кўрнма бошлади. Бу ерларда бўш ер йўқ, тепаликларнинг этакларигача экинзор эди, бу ерда овул жуда кўп бўлиб, бирини босиб ўтиб улгурмай, иккинчиси пайдо бўлар эди. Бу ердаги кўпчилик аҳоли ўзбеклар эди. Улар ўзларининг ташқи қиёфалари билан ҳам, кийимлари билан ҳам, ҳатто турмушлари билан ҳам туркманлардан жуда фарқ қилар эди. Энди ғарибона кулбалар кўринмас. Йўлнинг ҳар иккала томонида пахсадан қурилган пастак иморатлар тизилиб турарди. Уйларнинг атрофида кўм-кўк экинзор, боғ ва поллизлар ястаниб ётарди. Даҳшатли туркман чўлларидан кейин биз бошқа оламга кириб қолгандай бўлдик. Ўзбекларнинг ўзлари ҳам туркманларга нисбатан анча осойишта, ювон эканлар. Балки даҳшатли табиат одамларни ҳам шунақа қилиб қўярмикин? Шундай бўлса ҳам ажаб эмас. Арабистон саҳроларида кўчманчилик қилиб юрган бадавийларнинг урф-одатлари ва табиатлари туркманларнинг урф-одатлари ва табиатидан нимаси билан фарқ қилади? Ўша саҳро, ўша кўчманчи ҳаёт. Ўша уруш-жанжал, қон тўкишлар.

Намозгарда биз Ёқубнинг яқин дўсти савдогар Бобожоннинг ҳовлисига кириб бордик. Қарвонбошидан салом айтдик ва бу гал у келолмаганини билдирдик. Бобожон бизни ғоят катта ҳурмат билан кутиб олди. Шу заҳотиёқ қўй сўйдириб, ош буюрди. Қўни-қўшинлари келишди.

... Яқин орада итларнинг вовиллаган ва от дурури эшитилди. Орадан кўп ўтмай савдогар ҳовлисига тўрт чавандоз кириб келди. Бу чавандозларнинг бекорга келиб кетмаганини эртаси кунни қадимий Балхга яқинлашганимизда билдим.

Қуёш анча тик кўтарилган эди. Кечгача Мозори Шарифга етиб олиш учун биз отларга қамчи босиб бо-

рар эдик. Утган тунда савдогар Бобожонниқига келган отлиқлар ҳам биз билан бирга кетишаётган эди. Тўрт-таласи ҳам ўзбеклардай кийинишган. Улардан бири баланд бўйли, қуюқ қора соқолли ва катта-катта кўз-лари чақнаган киши, ўртоқларидан ажралиб ўзининг букир отини секин йўрттириб, тўсатдан менга етиб олди-да, соф инглиз тилида сўзлай бошлади:

— Тўғриси айтсам, жаноб полковник, сиз шарқ халқларининг феъл-атвори-ю, урф-одатларини яхшигина ўрганиб олибсиз. Кеча сизни яхшилаб кузатдим, бугун эрталаб эса намоз ўқишингизни кўрдим. Худо ҳақи, айтарли бирон нуқсон кўрмадим.

Дарҳақиқат: кеча кечқурун отдан тушганидан буён бу одам мендан кўз узмайди. Кузатаётганини сездирмай, чидам билан шошилмай қараб олади. Мен ўша заҳотиёқ у бекорга қарамаётганини, бу одамда бир гап борлигини сездим. Унинг ўйноқи, зийрак кўзларида разведкачиларга хос аллақандай сезгирлик барқ уриб турарди. Бунга капитан Дейли ҳам сезипти. Эрталаб йўлга тушишимиз билан у менга: «Бу соқолли киши кимлигини яшираётганга ўхшайди назаримда», деган эди. Худди шу пайт Бобожон келиб, гапимиз узилиб қолди.

Ҳамроҳимга кўз қири билан қараб, араб тилида жавоб қайтардим:

— Менга бир нима дедингизми?

Нотаниш киши гапни инглиз тилида давом эттирди:

— Гапингизни тушундим, жаноб полковник. Фақат араб тилида жавоб қайтаролмайман. Бизни Ҳиндистонда ишлаш учун тайёрлашган. Шунинг учун бизга асосан инглиз ва ҳинду тилларини ўрганишга тўғри келган.

Сирли парда хиёл кўтарилди: суҳбатдошим афтидан чор армиясининг ҳарбий разведкачиси бўлса керак. Мен рус тилига ўтдим:

— Унда бекинмачоқ ўйнаб, вақтни бекорга ўтказиб ўтирмайлик... Давом этиринг... Қулоғим сизда...

Нотаниш киши чўнтагидан чиройли олтин портсигар чиқариб, менга тутди. Мен эҳтиёт юзасидан рад этдим. Суҳбатдошим тутатиб, бир неча марта қаттиқ тутун ютгач, олис-олисларга кўз тикиб, секин сўзини давом эттирди:

— Мен полковник Арслонбеков бўламан. Катта

бобом Доғистонда бек ўтган. Руслар уни гаровга қўйилган киши сифатида Петербургга олиб кетишган. У бутун ҳаётини ўша ерда ўтказди, рус армиясида хизмат қилди. Унинг бутун авлоди петербурглик бўлиб қолди. Отам ташқи ишлар министрлигининг масъул ходими, шарқ ишлари бўйича референт бўлган, уруш бошлангани арафасида — ўп учинчи йилнинг охирида вафот этди. Мен умр бўйи ҳарбий разведкада хизмат қилиб келяпман. Қарийб етти йил Ҳиндистонда бўлдим, уч йил Техронда ишладим. Кейинги йилларда Тошкентда эдим. Ҳозир, ўзингиз кўриб турибсиз, Ақчидан Мозори Шарифга кетяпман. Бутун таржиман ҳолим шундан иборат, жаноб полковник.

— Унчалик катта эмас экан!

— Ҳа, бошдан охиригача ўн оғиз гап.

Арслонбековни разведкамиздаги маълумотлардан билар эдим. Унинг оиласи ва ўзи ҳақида айтган ҳамма гаплари тўғри. У ҳам иссеъдодли ҳарбий разведкачи, ҳам Ҳиндистон бўйича мутахассис эди. Аммо у мени қайқдан танир экан? Ҳозиргача биз у билан ҳеч қасрда учрашмаган эдик.

Суҳбатни узишга тўғри келди. Балх вайроналари кўришди. Арслонбеков бояғидай ўзини эркин тутиб сўради.

— Сиз Балхнинг ўтмишини биласизми, жаноб полковник?

— Йўқ.

— Уў! Бу вайроналарнинг жуда бой тарихи бор. Бир вақтлар Балхни «Шаҳарлар онаси» деб аташган. У қадимий Бақтриянинг пойтахти, кейинчалик эса Балх давлатининг пойтахти бўлган. Тарихчиларнинг маълумотларига қараганда шаҳарни йигирма тўрт марта вайрон қилишган. Ун иккинчи асрда ҳам бу ерларда ҳаёт қайнаб турган. Шаҳарнинг етти дарвозасидан тинмай карвон кириб чиққан. Бу ерда мингдан ортиқ масжид ва мадраса бўлиб, машҳур олимлар ва шоирлар яшаган. Европада шифохона нималигини билмаганларида, бу ерда беморлар учун махсус жиҳозланган бинолар бўлган. Мана энди аҳволини қаранг!

Мен ичимда кулдим: «Европада шифохона нималигини билмаганларида эмиш...» Тентак! Шундан кейин «Осиёнинг қадимий тарихи», «осиёликларнинг бой маданияти» ҳақида гап боради. Ал-Беруний астрономияси, Ибн Сино тиббиёти, Фирдавсий назми тилга олинади.

Гўё осиеликларнинг бугунги маънавий қашшоқлигию, ўта жоҳиллигини шу билан оқласа бўладигандай! Менга бу гаплар ўликка жаноза ўқигандай гап. Аммо дастлабки дақиқалардаёқ полковникка эътироз билдирмай қўя қолай деб, унинг кўтаринки руҳига монанд оҳангда жавоб бердим:

— Ҳа, Осиенинг кўҳна тарихи саҳифаларида кўпгина ғаройиб сирлар яширинган!

Полковник бажонидил қўшилди:

— Олтин сўзлар, жаноб полковник!

Биз қадимий шаҳар қолдиқларининг марказида, анча жойга соя ташлаб турган кекса чинор остида тўхтадик. Ўзбеклар—тарихи машҳур жойларнинг теварак-атрофини экинзор қилишипти. Ҳамма ёқда томлари гум-базсимон турар-жойлар кўзга ташланади.

Арслонбеков юқориси кесма шаклдаги каттагина тепаликни кўрсатди.

— Мана шу ерда, тепалик ўрнида катта масжид бўлган. Унинг атрофида ўилаб карвонсаройлари билан бозор жойлашган, — деди у гурур билан гўё катта бир сирни очиб бергандай.

Қаёқдандир ўзбеклар келиб қолишди. Вайроналардан топиб олинган қадимий тангалар, аллақандай эски уй анжомини олиб келишди. Улар бояги нарсаларни бизга ўтказиш мақсадида харидорни тезроқ қўлга олиш учун бир-бирларини итаришиб келишарди. Мен ўтган гал келганимдаёқ ёдгорлик учун баъзи нарсаларни олганим учун кигизни бозордан чеккароқда, катта тут дарахти остига солдириб ётдим. Бир оздан кейин Арслонбеков келиб, ёнимга ўтиришга ижозат сўради.

— Инсондан ҳам шафқатсизроқ мавжудот бўлмаса керак. Ўзи яратади, ўзи емиради, — дея сўз бошлади у бошлаган суҳбатни давом эттириш ниятида.

Мен индамадим. Сўнгра суҳбатдошимдан жиддий оҳангда сўрадим:

— Сиз қаёққа кетяпсиз, жаноб полковник?

Арслонбеков унга совуқ муносабатда бўлаётганимни сезди. Анчагача бошини кўтармай, чекиб ўтирди. Сўнгра бошидан оқ салласини секин олиб, унинг ичидаги оқ конвертчани менга узатди:

— Аввал мана бу хатни ўқинг. Кейин саволингизга жавоб беришга уриниб кўраман.

Хатни олдим. У генерал Маллесон қўли билан ёзил-

ган бўлиб, бир неча жумладангина иборат эди: «Қадрли Чарлз! Сендан ҳеч қандай хабар йўқ. Нима бўлди? Хавотирланаяпмиз. Қолган гапни мистер Бек айтиб беради. Сенинг...»

Полковник мен учун ажойиб топилма бўлди. У Туркистонни яхши билишидан ташқари, эски разведкачи ҳам эди.

Шу муносабат билан коньяк солинган сувдонни очинишга тўғри келди.

Мен рюмкани тўлатиб, энди полковникка дўстона оҳангда мурожаат этдим:

— Демак, сиз генерал билан учрашибсиз-да?

— Ҳа, икки марта учрашдик. Генерал мени жуда самимий кутиб олди ва бизнинг илтимосларимизга оқилона муносабатда бўлди. «Бизнинг» деганда «Туркистон ҳарбий ташкилотини» кўзда тутаяпман. Шундай ташкилот борлигини сиз биласиз, албатта. Мен ташкилот бош штабининг аъзосиман. Менинг асосий ишим чет эл миссия ва разведкалари билан алоқа боғлаб, зарур ёрдамни олишдан иборат. Ҳозирги замон шароитида инсониятни ҳалокатдан қутқариб қолиш мумкин бўлган биргина куч борлигини сиз яхши тушунасиз. Бу — ҳарбий куч. Фақат ана шу кучгина ҳаётни нормал йўлга солиб юбориши мумкин. Асхобод бунинг яққол мисолидир: четга чиққан тарих гилдираги яна одатдаги изига тушиб олди. Большевиизмга қарши кураш учун қулай вазият вужудга келтирилди. Аммо сизлар билан бизнинг ташкилотимиз вакиллари бўлмаганида, вазият яна оғирлашиши мумкин эди. Мен Закаспий ҳукуматининг дастлабки йиғилишларидан бирида бўлдим. Ишонасизми, министр лавозимини олиш учун муштлашиб кетишларига сал қолди. Граф Дорер: «Ташқи ишларни менга топширинглар», — дейди. Дохов эса: «Йўқ, мен ташқи ишлар министри бўлишим керак», — дейди. Биласизми Уроз сардор нима қилди? У: «Ё мени бош қўмондонликка ўзларингиз тайинланглар ёки ўзим бош қўмондон бўлиб оламан», — деди очиқдан-очиқ. Фунтиков эътироз билди-ролмади. Шундай қилиб, сардорнинг талабини қабул қилишди. Қўрққанларидан қабул қилишди. Сиз уни танийсизми?

— Йўқ.

— Мен яхши танийман. Ҳарбий ишдан ғирт беҳабар одам! Бошқалари ҳам бундан дуруст эмас. Мен Фунти-

ковга: «Сиз бу ерда министр лавозимини улашгунингизча, большевиклар ўз ишларини қилиб қўймасинлар», — дедим. Аҳвол жуда оғир. Ҳукумат ёппасига сафарбарлик эълон қилди, аммо чақирув пунктларига ҳеч ким бормаяпти. Мен буларнинг ҳаммасини генерал Маллесонга гапириб бердим. Мен унга: вазиятни нормаллаштириш учун ҳокимиятни мумкин қадар тезроқ бизнинг ташкилотимиз қўлига олиб бериш керак, дедим. Бизда ишни ўз қўлига ола биладиган тажрибали ҳарбийлар бор.

— Генерал нима деб жавоб берди?

— Генерал ҳозирча аниқ бир жавоб қилмади.

Биз ўн саккизинчи йилнинг бошида Тошкентда ташкил топган «Туркистон ҳарбий ташкилоти»дан хабардор эдик. Табиийки, ташкилот ҳали заиф, жойлардаги аҳволга айтарли таъсир кўрсатолмас эди. Бироқ ҳозирги шароитда Туркистонда бу энг истиқболи порлоқ ташкилот эди. Шунинг учун биз унга алоҳида эътибор бериб, имкони борича қўллаб-қувватлар эдик.

Мен яна сўрай бошладим:

— Сиз Асхободдан тўғри Машҳадга бордингизми?

— Йўқ, Бокуга, — дея осойишталик билан сўзини давом эттирди Арслонбеков. — Закаспий ҳукуматининг вакилини ҳам ўзим билан бирга олиб кетдим. Бокуда илгари ҳам бўлган эдим, май ойида. Ушанда у ерда ҳокимият большевиклар қўлида эди. Сизларнинг сиёсий вакилингиз Мак-Доннел шахсан Шаумян билан учрашганини, туркларнинг йўлини тўсиш учун унга инглиз қўшинларини таклиф этишга маслаҳат берганини гапириб берди. Аммо Шаумян кўнмаяпти. «Биз Бокуни турклардан ҳимоя қиламиз, аммо сизларсиз, ўз кучимиз билан», — депти у. Бу масала Халқ Комиссарлари Совети йиғилишида муҳокама қилинганда эса у: «Инглизлардан кўра турклар яхши эмасми?» — деган. Шаумян тарафдорлари бир ёқда, меньшевиклар билан эсерлар иккинчи ёқда бўлиб, роса талашиган. Мусавотчилар ҳам Шаумянга қарши чиқишган. Мак-Доннел менга, Ленин Шаумянга инглизларни Бокуга киритмаслик тўғрисида қатъий тоншириқ берган, деди. Бу сафар органицизда аҳвол яхшиланган эди. Биз генерал Денстервилл билан учрашиб, ундан Красноводскка инглиз қўшинларини юборишни, Асхободга пул ва қурол-яроғ билан ёрдам беришни сўрадик. Генерал яқин кунлар ичида Красно-

водскка солдатларни юборишга ваъда берди. Аммо пул ва қурол-яроғ масаласида Машҳадга, генерал Маллесонга мурожаат этишни маслаҳат берди. Асхобод орқали тўғри Машҳадга йўл тутганимнинг сабаби шунда эди.

Вайроналар орасида князь Дубровинский кўринди. У атайлаб холи жойда ўтириб, жиддий гаплашаётганимизни кўрди. Шунга қарамай шахдам келиб, Арслонбековга қўл узатди:

— Салом, жаноб полковник!

Арслонбеков князга ҳайрон бўлиб қараб қолди, уни танимади шекилли.

Дубровинский кулиб туриб давом эттирди:

— Танимадингизми?

— Йўқ.

— Утган йили Кушкага келганимизда, полковник Ермаковнинг уйида сизни ким шилган эди? Қарга ўйини эсингиздами?

— Шошманг, шошманг! — Полковник ўрнидан туриб, катта салла остидан тикилиб турган мовий кўзларга диққат билан қаради. — Князь, сизмисиз?

— Худди ўзлари... Уша князь!

Улар самимий кўришишди. Мен Дубровинскийни ўтиришга таклиф этдим.

Арслонбеков ҳамон князни кўздан кечирар эди:

— Князь, қайси шамол сизни бу ёқларга учирди?

Князь салласини олиб ерга отди ва сочи олинган бошини жаҳл билан силаб, норозилигини яширмай жавоб берди:

— Буни жаноб полковникдан сўрайсиз!

Мен дафъатан жавоб қайтармадим.

Кейинги кунлардаги қийинчиликлар князни толиқтириб қўйипти, у жуда ўзгарипти, чўкиб қолипти. Озиб, чакаклари чиқибди. Кўзида ҳорғинлик аломати, ҳатто овози ҳам томоғи оғриган одамдай бўғиқ, хириллар эди.

Мен князга коньяк узата туриб, полковникка қараб гаширдим.

— Князь ўз-ўзини такомиллаштириш билан банд. У ҳозиргача бобокалонларидан қолган ном билан яшадди. Энди эса ўз қобилиятини синаб кўрмоқчи. Менимча, бу хайрли иш. Эски лавозимлар билан яшайдиган вақтлар ўтиб кетди. Бизнинг давримиз — ишбилармон одамлар даври. Даврга мослашиш керак. Шундай эмасми?

Арслонбеков сўзларимдаги кинояни тезда фаҳмлаб олиб, жиддий туриб мени қувватлади:

— Жуда тўғри гап... Ҳар ким ўз номи, ўз обрўси билан яшаш керак. Ҳаётга оқилона разм солиш лозим. Рудакий<sup>1</sup> айтган экан:

Ақл нигоҳи-ла бу дунёга боқ,  
Аввал боққанингда балки ўткирроқ:  
Олам — денгиз; унда сузмоқ бўлсанг, бил,  
Хайрли ишлардан кема ясагил.

Князь индамади. Назаримда у ичида кулаётган эди.

## 15

Мозори Шарифда икки кундан ортиқ турмайман, деб ўйлаган эдим. Мана, эгардан тушганимга ҳам бир ҳафта бўлди, аммо ҳамон қачон йўлга чиқишимнинг тайини йўқ. Шаҳарда ҳаёт аллақандай ғайри табиий, ғалаговур. Маҳаллий аҳолининг айтишича, Мозори Шариф тарихида ҳали бундай тўполоқ кушлар бўлмаган экан. Дўконлар кечасио кундузи очиқ. Карвон саройлар, чойхоналар лик тўла. Энг қизиғи шундаки, ҳеч ким томонидан тап олинмаган, эшигида вивескаси йўқ жуда кўп ваколатхоналар пайдо бўлиб қолди.

Мен улардан бири — «Қўқон ҳукумати» ваколатхонасида бўлдим. Ваколатхона ходимлари шаҳарнинг жанубий қисмидаги катта ҳовлини эгаллаб олишган эди. Ўнлаб хоналарда бутун бошли хизматчилар тўдалари бўғзигача ишга тикилиб ўтиришпти. Биров хат ёзипти, биров қоғозларга имзо чекапти, биров муҳр босапти... Чинакам элчихоналардагидек ҳамма иш жойида. Фақат бир нарса стишмайди: «Қўқон ҳукумати» йўқ. Аммо унинг ҳам бўлишига вакилларнинг имони комил. Шунинг учун астойдил ишлашяпти: Фарғонага қурол-яроғ, ўқ-дори жўнатишяпти, аҳолидан қурбонлик йиғишяпти, баёнотлар тузишяпти, чақириқларни босишяпти. Хуллас, ташвиш етарли.

Фарғонада танилган қўрбоши Эргашбойнинг ҳам ўз «ваколатхонаси» бор экан. Мен унинг маҳкамасида бўлганим йўқ, аммо «вакил» билан учрашдим. Шундан сўнг Эргашбойга чопар юбордим. Чопар келгандан кейин биз

<sup>1</sup> Абдулла Жаъфар ибн Муҳаммад Рудакий (859—941) — атоқли шоир, форс-тожик адабиётининг классиги.

яна бир марта учрашамиз. Шундан кейингина Мозори Шарифдан кетаман.

... Вақт кечга яқинлашган эди. Очиқ айвонда чой ичиб ўтириб, капитан Дейлини кутардим. Аллақадан Арслонбеков ҳансираб кириб келди. Мен у билан энди тез-тез учрашиб турардим. У чиндан ҳам идрокли, қобилиятли разведкачи бўлиб, бунинг устига чарчоқ нималигини билмас эди. Барча топшириқларимни тиришиб бажарарди. Мен унга мураккаб иш: Мозори Шарифда турк ҳамда немис жосусларидан кимлар борлигини ва улар қайси йўналишда иш олиб бораётганларини аниқлашни буюрдим. У бу масалада анчагина маълумотларни аниқлади.

Полковникнинг қиёфасиданоқ бирор воқеа рўй берганини пайқадим. У маънос, юзида одатдаги қувноқлигидан асар йўқ. Хато қилмаган эканман. Айвонга кириши билан полковник муздай сув солинган кўзани кўтариб, бири-кетин икки пиёла қуйиб ичди. Сўнгра қоракўл телпаги, пиджагини ечиб, ёғоч каравот устига ташлади-да, оғир хўрсишиб ўтирди.

Мен биринчи бўлиб савол бердим:

— Нимагадир хафа кўрипасиз, полковник... бир нарса бўлдимми?

Арслонбеков юзидаги терни дастрўмоли билан артиб, чуқур хўрсишгач, гапирди:

— Юсуфни ярадор қилишди!

— Қайси Юсуфни?

— Ердамчимни. Чўнтагига мана бу хатни солиб қўйишпти.

Хатни олиб кўздан кечирдим. У форс тилида ёзилган бўлиб, бир неча сўздагина иборат эди: «Худо беҳабар полковник! Энди навбат сеники!..»

Хат олдиндан тайёрлаб қўйилгани аниқ, хотиржам вазиятда ёзилган: ҳарфлар бир текис, аниқ битилган, унинг четида қон изи бор эди.

Мен хатни стол устига қўйиб, Юсуфнинг аҳволини сўрадим. Полковник уни бир дўхтирникига олиб борганини ва аҳволи оғирлигини айтди: Сўнгра аламзадалик билан сўзлади:

— Мана оқибати. Кечасио кундузи тинмай, ҳаммага ҳам битта жон берилганини ўйламай ишлайсану, пировардида орқаваротдан отилган ўқ ёки санчилган пичоқдан мана шунақа жон берасан... Тинчгина ўз ажали билан ўлиш ҳам бизга насиб этмаган!

Арслонбеков жуда хафа эди. Унинг одатдаги кулиб турадиган ўйноқи, зийрак кўзларини ёш қоплаган, ичидан тўлқинланиб келаётган ҳаяжонини босолмай аъзо-йи-бадани титрар эди. Мен уни тинчлантирмоқчи эдим, аммо у мендан олдин:

— Ўз ҳаётиндан кўрқяпти деб ўйламамг,— деди.— Йўқ, мен Юсуфни ўйлаяпман. Шўрликнинг яхшигина оиласи бор. Хотини, болалари, кексайиб қолган ота-онаси. Уни сабрсизлик билан кутишаётгандирлар. Агар у бирор нарса бўлса, мен оиласига бориб қайси кўз билан қарайман? Юсуфнинг хотини уни обормоқчи эмасди. Зўрға кўндирган эдим...

Анчагача ғамгин ўйга ботиб жим қолдик. Полковник ўзини қанчалик дадил тутмасин, қотиллар шунчаки пўписа қилмаётгани аниқ эди. Қизиқ, унинг изига ким тушган экан?

Мен чекиб, узоқ давом этган жимликни буздим:

— Нима деб ўйлаяпсиз, қотил ким экан?

— Эргашбойнинг одамлари,— дея ўйлаб ўтирмай жавоб берди полковник.— Бу — ўшаларнинг иши. Улар биз большевиклардан қолишмаймиз, деб ҳисоблашади.

— Ё турклар бир нарса сезиб қолишдимикин?

— Йўқ... Бу ерда улар бор-йўғи уч-тўрт киши. Улар ўзларини хавф-хатарга солиб ўтирмайдилар. Бунинг устига бировнинг қўли билан ҳаракат қилишлари мумкин бўлгандан кейин уларга таваккалчиликнинг нима ҳожати бор?

Полковникнинг фикрига хаёлан қўшилдим. Вазият оғирлиги, хатни ёзган кишилар тўсатдан келиб қолишлари мумкинлигини айтиб, уни огоҳлантирдим. У ўзини тетик тутишга ҳаракат қилиб яна гапирди:

— Келаверишсин... Тақдирдан ҳозиргача ҳеч ким қочиб қутула олган эмас. Мени яширинишга мажбур қилмоқчилар! Аммо ўз ишимни бажармай, ҳеч қаёққа кетмайман!

— Хавф-хатар билан ўйнашиб бўлмайди, полковник. Ўзини ўлимга отишдан осони йўқ. Аммо ўлганда ҳам бирор мақсад йўлида ўлмоқ керак! Маънисиз ўз-ўзини қурбон қилиш қаҳрамонлик эмас.

— Мен қаҳрамон бўламан, деб интилаётганим йўқ.

— Биаламан... Сиз ҳозир ҳаяжонланяпсиз. Аммо ўзингизни босиб олишингиз керак. Ҳозирча капитаннинг хо-

насига кириб, дам олинг. Қолганини кечроқ, шомлик қилаётганда гаплашиб оламиз.

Полковник соатига қараб:

— Мен соат бешда биров билан учрашим керак. Ундан Юсуфнинг олдига ўтаман. Шомликка соат тўққизларда келаман,— деди у ва пиджагини елкасига ташлаб, телпагини кийди-да, чиқиб кетди.

Мен уни тўхтатмадим. Мўмин-мусулмон учун намоз қанчалик фарз бўлса, разведкачига учрашиш ва кўришиш ҳам шунчалик зарур. Ҳар иккала ҳолатда ҳам бу шартли рефлексга айланиб қолади, десам хато қилмасам керак.

Капитан Дейли келди. У ҳамма гапдан хабардор эди.

— Полковникни ким таъқиб этиши мумкин?— деб сўрадим ундан.

Жавоб кутилмаган жойдан бўлди.

— Бу Жунаидхон одамларининг иши, дейишяптилар.

— Жунаидхон одамларининг?

— Ҳа.

— Полковник Жунаидхонга нима ёмонлик қилган?

— Жунаид энди тахтга чиқай дётганда, этагидан тортиб қўйган.

— Буни қандай тушуниш керак?

Капитан бирпас жим турди, сўнг тушунтирди:

— Ун олтинчи йилнинг бошида Арслонбеков Хивага боради. Худди шу пайтда Жунаидхон Асфандиёрхонга қарши қўзғолон кўтарган, унинг одамлари ҳатто шаҳарга ҳам кириб олишган эди. Хоннинг тахти қулай деб турганда Арслонбеков уни қўллаб-қувватлади. У полковник Колосковскийни ўз томонига огдириб, рус қўшинларини Жунаидхонга қарши юборишга эришди. Туркманлар қуна-қуруқ орқага қайтишга мажбур бўлишди. Ушанда Жунаидхон: «Эртами, кечми Арслонбеков барибир менинг қўлимда ўлади»,— деган.

Капитаннинг сўзлари ҳақиқат бўлиши ҳам мумкин. Аммо жуда аниқ деб айтиш қийин. Қим-ким — хон, бой ва сардорлар Туркистонда бижиб ётибти. Саид Олимхон, Асфандиёрхон, Жунаидхон, Азизхон, Эргашбой, Уроз сардор, Мадаминбек... яна ва яна... Буларнинг ҳаммаси бир-бири билан жиққамушт. Бу тўдани қандай қилиб ажратиб бўлади? Баъзан мен астойдил: булардан қай бирини қўллаб-қувватлаб, қай бирининг попугини бир оз пасайтирса бўларкин, деб бош қотириб қоламан. Бу бир-

бирига чоҳ қазийтган очофатларни қандай қилиб бир томонга йўналтирса бўларкин? Қай йўсинда уларнинг тилини бир қилишга мажбур этса бўларкин?

Кейинги пайтларда бу масала мени борган сари кўпроқ ташвишга соляпти. Бунга қисман Мозори Шарифга келгач, Туркистон ишлари билан яқиндан танишганим ҳам сабаб бўлмоқда. Юсуфнинг жонига қасд қилишгани мени беихтиёр яна ўша ўйларга етаклади.

\* \*  
\*

Бир шиша коньяк очиб, полковник Арслонбеков билан кеч тунгача ўтирдик. Мен уни уйига кетишга қўймадим, аввал гапга чалғитдим, кейин эса кеч бўлди, деб ўзимникида қолдирдим. Полковник анча хушчақчақ одам экан. У Туркистон, сўнгра Эрон ва Афғонистон ҳақида кўпгина қизиқ нарсаларни гапириб берди. Ҳиндистонда ўтказган йилларини хотирлади. У ўзининг иши тўғрисида бир оғиз ҳам гапирмай, оддий сайёҳ сифатида сўзлади. Мен ҳам суҳбатни чеклаб қўймадим. Аслини олганда бизнинг бу суҳбатимиз яқиндан танишиб олишимиз йўлида қўйилган дастлабки қадамлар эди. Бу жиҳатдан ҳам муҳим эди.

Полковник Россиядаги ҳозирги аҳвол тўғрисида сўз очганида, унинг овози ўзгариб, ноумидлик аломатлари пайдо бўлганини кўриб таажжубландим. Арслонбековнинг гапига қараганда, иттифоқчилар ҳозиргача большевизмнинг инсоният учун хавфли эканлигини яхши тушунмаётган бўлиб қоляптилар. Шунинг учун унга қарши олиб бораётган курашлари ҳам унча қизғин тус олмагандай.

Фикрини янада ойдинлаштириб, бундай деди:

— Сизга бир мисол келтирмоқчиман. Ҳозир Эронда сизларнинг ўттиз мингдан ортиқ солдатингиз бор. Закаспий фронтига эса бор-йўғи уч-тўрт юз сипоҳини<sup>1</sup> юборяпсизлар. Нега? Тошкент томондан шиддат билан ёпирилиб келаётган большевиклар йўлини ким тўсади, деб ўйлайсиз? Закаспий ҳукуматининг шошма-шошарлик билан йиғаетган қўшинларими? Йўқ, улар ҳисобга

<sup>1</sup> Сипоҳи — инглиз мустамлака қўшинларида хизмат қилган ҳиндлар.

ўтмайди. Фарғонада қизил гвардиячиларга қарши курашганимизда биз казаклардан бир неча отряд тузиб, уларни тўла қуроолантирдик, тобланган жанговар офицерларни бердик — бир сўз билан айтганда, қиличдай шайладик. Пировард оқибатда нима бўлди? Ҳал қиладиган дамлар келганда ана шу казаклар большевиклар томонига ўтиб, қуролини бизга ўқталди. Солдатлар — гўрга, қирилиб кетмайдими... Қандай ажойиб офицерлардан ажралдик! Қазаклар шундай қилгач, бошқа қўшинлардан нимани кутиб бўларди? Ҳозирги воқеаларнинг бутун мураккаблиги ҳам шуида... Армияга ишонч йўқ. Большевик оғуси қўшинлар орасига ҳам ўтган. Бизнинг биродарларимиз эса Россияда армия бор деб ўйлашади! Аҳволни рамзий куч юбориш йўли билан тузатмоқчи бўладилар. Бунақаси кетмайди! Текшириб кўринг! Россияда армия қолгани йўқ... Қолчак, Деникин, Дутов... ва бошқаларнинг солдатлари... Булар — армия эмас... Бу аслида большевикларнинг резерви!

Мен индамадим. Полковник коньякдан бир ҳўплаб, сўзини давом эттирди:

— Мана, сиз Бухоро ҳақида гапиряпсиз. «Агар четдан ёрдам берилса, бухоролликлар кампада эллик минглик қўшинни кўтаришлари мумкин», — деяпсиз. Хафа бўлманг, ammo мен очик гапирмоқчиман: янглишасиз, жаноб полковник. Жуда янглишасиз! Амирда ҳозир армия йўқ. Тўс-тўполон бошлангунга қадар унинг ўн минг солдати бор эди. У ҳам аслида ҳаракадаги қисмлар эмас, шунчаки бекларнинг навкарлари. Ҳозир у армиясини ўттиз беш минг қилич ва найзага етказди. Бошқача қилиб айтганда, бутун умр бўйи беклар калтагидан елкаларининг яғири чиққан йнгирма беш минг деҳқоннинг қўлига қурол бериб қўйди. Улар амирга содиқ бўлиб, сизқидилдан хизмат қилади, деб ўйлайсизми? Бунақа бўлмас! Мана, кўрасиз, улар казаклардан ҳам баттарроқ бўлиб чиқади. Большевиклар яқин келганини билган замона ўз бекларини нишонга оладилар. Бинобарин большевиклар истаса Бухорони бир кундаёқ қўлга киритишади!

— Бўлмаса нега уни забт этмай туришипти?

— Сиёсат йўл бермайди... Уз принципларига содиқликларини кўрсатмоқчилар. Большевиклар бегона ерларни зўравонлик билан босишга қарши эканликларини расман эълон қилдилар. Агар ҳозир Бухоро билан Ҳива:

ни зўрлик билан Туркистонга қўшишса — биласизми қанақа тўполон кўтарилади? Улар эълон қилган сиёсий нуқтаи назарларининг бари чиппакка чиқиб кетади. Улар буни тушунадилар. Ваҳоланки, Туркистон большевиклари орасида Бухоро билан Хивада революция қилиб зудлик билан амир ва хонни емириб ташлашни талаб қилганлар ҳам бўлди. Ҳа, бундай кишилар бор, улар озчилик ҳам эмас... Бироқ Москва бунга рухсат бермайдн. «Ичидан бузиб, халқни кўтариш...» — мана бу Москва тутган йўл. Ҳозир туркистонликлар Бухорода ҳам, Хивада ҳам зимдан катта иш олиб боряптилар. Агар аҳвол тубдан ўзгартирилмаса, у ерда ҳам халқ бугун бўлмаса — эртага норозилик билдиради. Бухоро амирининг ҳозирча биргина таянчи бор. Бу — дин... Охунлар<sup>1</sup> ва муллалар... Ишонинг: ана шу қурол сал ўтмаслашса, Бухорода тўптариш бўлади!

Полковник коньякдан яна бир ҳўплади-да, сўзини қатъий оҳангда тугатди:

— Умуман, шахсан менинг фикримча, агар шу йилнинг охиригача большевизм таг-томири билан юлиб ташланмаса, унда уларни тугатиб бўлмаслигини қўя турайлик, аксинча бутун дунё ларзага келади.

— Хо-хо-хо! — Мен ўзимни киноя қилаётгандай кўрсатдим. — Сизнинг барча гапларингиз, қадрли полковник, шарқдаги қаландарлар айтадиган эртакка ўхшайди!

Полковник сира довдирамасдан, олдингидай ишонч билан сўзини давом эттирди:

— Ким айтадиган эртакка ўхшашини билмайману, аммо вазият худди шундай. Бир нарсани ҳисобга олинг, ҳозирча большевиклар фақат ваъданинг ўзи билангина миллионлаб одамларни оёққа тургазмоқдалар. Эртага ваъдаларини амалга ошира бошласалар борми... Айтайлик, деҳқонларга ер бўлиб бера бошласалар... Биласизми, уларнинг мавқелари қанчалик мустаҳкамланади? Деҳқон учун ердан азизроқ нарса борми? Агар у ер олишга имони комил бўлса, — ишонаверинг: сўнгги нафаси чиққунча курашади!

Полковник бирпас жим туриб, сўнг сўзини якунлади: — Большевикларга қарши салб юриши, умуминтервенция уюштириш керак. Жаҳон цивилизациясини қутқариб қолганининг бирдан-бир йўли шу!

<sup>1</sup> О х у н — ваъзгўй.

Полковник сўзларида маълум даражада ҳақиқат бор эди. Аммо у ҳаддан ошириб юбориб, большевикларни мўъжизакор қудрат қилиб кўрсатди.

Мен инглиз тилига ўтдим.

— If we can't as we would, we must do as we can!

Полковник жим бўлди.

\* \*  
\*

Эргашбойга юборилган чопар ҳали ҳам қайтмади. Ортиқ кутишга вақтим йўқ. Мен бошнинг вакилига Бухорода кимга учрашни кераклигини тушунтириб, шу бугуноқ Термиз томонга жўнаб кетишга қарор қилдим. Полковник Арслонбеков қарвондан ажралган жойга қайтиб бориб, у ердан Оқча шахри ёнидан Амударёдан ўтишни маслаҳат берди. Бироқ мен кўнмадим. Мен учун орқага қайтишдан оғир нарса йўқ. Бунинг учун жуда катта зарурат ҳам йўқ. Термиз большевиклар қўлидалигини билардим, ҳатто кундузи улар Амударё бўйлаб соқчи кемалар юборишларидан ҳам хабардор эдим. Нима бўпти, соқчилик қилаверишсин... Ўз-ўзидан аёнки, йигирма соқчи каттагина чегарани қамраб ололмайди. Дарёдан ҳар кун и юзлаб киши сузиб ўтади. Борингки, биз ҳам шу ҳисобда бўламиз...

Жўнаб кетишга ҳозирлик кўришни буюриб, Мозори Шарифдаги дўстимиз — савдогар Юнус билан хайрлашниш учун шаҳарга чиқдим. Дейли ҳамроҳ бўлди.

Мозори Шариф ҳам Ҳирот сингари икки қисмдан иборат — ички ва ташқи шаҳар. Ички шаҳарнинг номигина қолган: ҳамма ёқда нураган деворлар, чегарани аниқ белгилаб оладиган бутун жой йўқ. Шунга қарамай, кўпчилик чойхона ва қарвон саройлар ички шаҳарда эди. Шаҳарнинг бу қисмини безаб турган бино — қадимий масжид бўлиб, унинг атрофи доим гавжум эди. Капитан Дейлининг гапига қараганда (у Шарқ тарихи билан қизиқишини юқорида айтиб ўтган эдим) масжидда гўё халифа Алининг мозори сақланган эмиш. Бир вақтлар Мозори Шариф ўрнида Ҳожи қатрон қишлоғи бўлган экан. Султон Санжар даврида ёзилган бир китобда,

<sup>1</sup> Қўлимиздан келмас экан, қўлимиздан келганча бажарини истар эдик. (Инглизча.)

дейди Дейли, Али шу ердаги тепаликда деб айтилган. Шундай қилиб, бир минг тўрт юз саксонинчи йилда Балхнинг мўътабар кишилари иштирокида тепаликни қазиганларида, гўё жуда баҳайбат бир тош топишган эмиш. Ана шу тош устидаги қуйидаги ёзувни ўқишипти, «Бу оллоҳнинг шери, пайғамбарнинг ўғай укаси Абу Толибнинг ўғли, яратувчининг таянчи ҳазрати Али қабри». Шундан сўнг султон Ҳусайн Бойқаро шу масжидни қурган, шаҳарнинг номи ҳам шундан қолган экан.

Мен бу миш-мишларни капитанни раңжитмаслик учунгина диққат билан тингладим, албатта. Ҳар кимнинг ўз одаи ва майллари бўлади. Қанитаннинг бир одати бор: у гапирётганда одам гўё бу ҳақда биринчи марта эшитаётгандай диққат билан тинглашларини яхши кўради. Шунда унинг кайфи чоғ бўларди. Шунинг учун мен ўзимни унинг гапларини астойдил эшитаётгандай қилиб кўрсатиб, саволлар ҳам бериб турдим. Бундан у лаззатларди, менинг ҳам бир ерим камаймас эди.

Савдогар Юнус Қўқонда туғилган эди. Мозори Шарифга болалигидаёқ отаси билан келиб қолган. Отаси машхур заргар бўлиб, бадахшон лаълларида ажойиб зеб-зийнат буюмлари ясаб, уни Қобул ва Ҳиротда пулларди. Юнус ҳам заргарлик касбини ўрганди, маҳорати отасидан ҳам ошиб, Ҳиндистон савдогарлари билан танишиб олди. Қисқа муддат ичида Юнус жуда катта бойлик тўплади. Сўнгра ўзи ҳам Ҳиндистонга борадиган бўлиб қолиб, ҳатто бир-икки марта Деҳлига ҳам сафар қилди. Бир гал у Лахорда бўлганида, бизнинг «савдогарлардан» бири тасодифан у билан учрашиб, хуштабиати ва зийраклигини пайқаб қолди. Бу воқеа ўн-ўн икки йил муқаддам содир бўлган эди. Ушанда Юнус қирқ ёшларда бўлиб, уч тилда — ўзбек, форс ва урду тилларида сўзлар эди. Ҳозир эса у тил билиш учун Ҳиндистондан бир устани ёллаб, ҳиндуни ҳам ўрганмоқда. Бундан ташқари, ўз фикрини инглиз ва рус тилларида ҳам тушунтира олади. Бироқ ёзишни билмас, бир-икки сўзни зўрға форсча битарди. Хотираси жуда кучли: у ҳатто ўн йил илгари эшитган ва кўрганларини ҳам худди ҳозиргина кўрган одамдай икир-чикирларигача гапириб бера оларди.

Юнуснинг дўкони ташқи шаҳарда, ўзи сингари мўътабар одамлар яшайдиган кўчада эди. Ҳеч қаерда тўхтамай, тўғри ўша ёққа бордик. Юнуснинг бир ўзи деярли

бутун кўчани банд қилиб тураркан. Эшиги кўчага қараган хонада унинг дўкони ва устахонаси жойлашган бўлиб, у истиқомат қиладиган уй орқада, ҳовлининг ичкарироғида эди.

Юнус бизнинг келишимизни биларди. Шунинг учун дўконда бегона одам йўқ. Мен капитанга қўшни дўконларни қараб туришни буюриб, ўзим уй эгаси билан болохонага чиқдим. Юнус узоқ суҳбатга ҳозирлик кўрган эди. Пастаккина хонтахта устида ҳар хил таомлар ва ичимликларнинг анвойи хили, виски, жин ва коньяккача бор эди. Аммо менинг бафуржа ўтиргим йўқ, баъзи бир нарсаларни аниқлаб, қайтмоқчи эдим. Бундан анча олдин мен Юнусга Арслонбеков Қандаҳорда ким билан учрашганини аниқлашни топширган эдим. Юнус хат солинган конвертни менга узатди:

— Жуда эҳтиёткор одам. Одатда керакли одамлари билан тунда учрашади. Ёнига ёрдамчиларини олиб, кимсасиз кўчага чиқади-ю, бирдан ғойиб бўлади-қолади. Менимча, орқасидан пойлаётганларини билади. Аммо шунга қарамай, биз баъзи нарсаларни аниқладик.

Мен хатга тезгина кўз югуртириб полковникнинг ёрдамчисини ким пичоқлаганини сўрадим. Юнус аниқ бир нарса дёлмади. Мен унга яна баъзи топшириқларни бердим-да, бир печа соатдан кейин Термизга кетишимни айтиб, хайрлашмоқчи бўлаётганимда, Юнус имо билан мени тўхтатди:

— Термиз орқали ўтманг.

— Нега?

— Наҳотки эшитмаган бўлсангиз? Ленин оғир ярадор...

— Ленин?

— Ҳа... Термизда большевиклар жуда қаттиқ ташвишланишяпти, дейишади. Чегарани қўриқлашни мустаҳкамлашяпти. Яқин келганини ушлашаётган экан.

— Сиз бунинг кимдан эшитдингиз?

— Менга Термиздан келган одамлар айтишди. Ҳозир ҳамманинг оғзида шу гап...

Капитан Дейли ҳансираганча югуриб кириб, ҳаяжондан энтикиб, гапира бошлади:

— Табриклайман, Ленин ярадор!

Мен беихтиёр кулдим:

— Кечикдингиз, капитан... Юнус ҳозиргина менга буни айтди.

Кета туриб, барибир Термиздан ўтишга қарор қилганимни айтиб, Юнус билан хайрлашдим.

Турган уйимизда бизни Арслонбеков кутиб ўтирган экан. У ҳам ўша хабарни топиб келипти. Шомлик устида биз фақат шу ҳақда гаплашдик. Кутилмаган янгилик қаттиқ ҳаяжонлантириб, аллақандай ғалати туйғуларимни қитиқлади. Болалитимданоқ Ганнибал, Искандар Зулқарнайн, Цезарь, Наполеон, Кромвель сингари буюк шахслар олдида сажда қилишга одатланганман. Ёшлигимда улар ҳақидаги гапларни эшитишни яхши кўраддим, вақт топилгудай бўлса, ҳозир ҳам уларнинг ҳаёти билан қизиқаман. Мана энди тўсатдан тарих майдонида Ленин пайдо бўлиб қолди. У ўзидан олдин ўтганларга ҳам, замондошларига ҳам соя ташлади. Бизнинг узоқни кўрадиган Ллойд Жоржимиз қани? Сиёсатда васваса солишга устаси фаранг айёр француз Пуанкаре қаёқда қолди? Вильсон қани? Вашингтонда ўтириб, бутун дунё чегарасини белгилаб берадиган президент Вильсон. Бундан атиги бир неча ойгина муқаддам бу уч ном ҳар бир кишининг тилида эди. Эндичи? Энди қаёққа борма — Ленин... Кимни учратсанг — Ленин... Ўзи нима гап? Наҳотки бу унинг буюк кишилар қаторига қўшилганидан далолат берса? Наҳотки биз унга сажда қилсак? Йўқ, тарих бунақа майнавозчиликка йўл қўйса, бемаънилик бўлур эди! Ленинга ўқ узишгани ҳақидаги хабар менга кутилмаган бир енгиллик бахш этганининг сабаби шунда бўлса керак. Ленин назаримда большевиклар революциясининг тоғи бўлиб кўринарди. Унинг орадан олиб ташланиши натижасида революция тўлқини сўнадигандай туюларди. Балки шундай бўлар?

## 16

Биз Амударёдан эсон-омон сузиб ўтдик. Большевиклар ҳам, меньшевиклар ҳам бизга халақит беришгани йўқ. Иккинчи кун ҳам тинч ўтди. Аммо учинчи кун хотирамизда узоқ вақт сақланадиган воқеа содир бўлди.

Гузордан ўтиб, Қарши томон йўлга тушдик. Полковник Арслонбеков кишиларидан бири — Нигматуллин йўлни биламан деб ишонтиргани учун биз йўл бошловчи олмадик. Шоҳқосон дараси олдида йўл иккига айрилган эди.

Бири шимоли-шарққа, бошқаси тўғри шимолга кетган эди. Қайси йўлдан боришимизни билмай, қуёш чиққан пайтдан деярли кечгача бирор йўловчи учар, деган умидда йўл ёқасида ўтирдик. Ҳеч ким кўринмади. Ниҳоят шимолга қараб юришга қарор қилдик. Йўл жуда ёмон экан. Ўпирма жарликлардан ўтиб, тикка кўтарилган қояларга дуч келдик. Обдан қоронғи тушгандагина кафтдай текис ерга чиқиб олдик.

Тунни шу ерда ўтказмоқчи бўлиб, юкларни энди еча бошлаган эдик, шу пайт яқин орадан итнинг ҳуригани эшитилди ва бир неча жойда олов ёнаётгани кўринди. Афтидан яқин ўртада турар-жой борга ўхшайди. Биз ўша ерга яқин бориб қўнишга, сўнг эрталаб қаердалигимизни аниқ белгилаб олиб, йўлга чиқишга қарор қилдик. Отдаги юкларни яна боғлаб, қишлоқ томон юрдик. Қоронғида унинг бир чеккасига етиб бордик. Гулхан атрофида ўн бешгача аллақаёққа шошилаётган отлиқ ўтирарди. Улар шомлик қилиш учун чоё қайнатишаётган экан. Эгари олиб қўйилган отлар шу ерда ўтлаб юрарди.

Биз уларга яқин жойдан ўрин олдик. Тўда бошлиғи қўлида қоғоз ва қалам билан навкарларидан четроқда букчайиб ўтирарди. У билан яна бир новча, озгин киши алланималарни ҳисоблашаётган экан. Биз билан Арслонбековни кўргач, улар қоғозларини тезда бир ёққа суриб, ўринларидан туриб самимий кўришишди. Бир-биримиз билан таниша бошладик. Тўда бошлиғи Алихўжа закотчи<sup>1</sup> экан. Ёнидаги озгин йигит — унинг котиби. Улар ерли аҳолидан бир кунда қанча солиқ йиққанларини ҳисоблашаётган эканлар.

Чоё устида Алихўжадан аҳоли қанча солиқ тўлашини сўрадим. У саволимга тўғридан-тўғри жавоб бериш ўрнига, нимагадир гапни ўз касбидан нолишдан бошлади.

— Бизнинг давримизда, тақсир, солиқ йиғадиган бўлмаган яхши. Дуч келган киши сени авлод-аждодингу, етти пуштинггача қаргаб, тупроққа қориштиради.

— Нега энди?

— Э-э, нимасини сўрайсиз? Аҳолидан ҳаддан зиёд солиқ йиғишга тўғри келади. Бутун Гузор вилоятини бир беклик, деб атайлик. Бухорода эса жами йигирма беш беклик бор. Бекликлар амлокдорликка бўлинади. Амлокдордан сўнг мингбоши бор. У бир неча қишлоқни бош-

<sup>1</sup> Закот — солиқ. Закотчи — солиқ йиғадиган одам.

қаради. Ҳар бир қишлоқнинг ўз оқсоқоли бўлади. Мана энди жаҳон олампаҳоқи, амир ҳазратларининг шахсан ўзларидан фармойиш келди: Ғузур беклигидан биз икки миллион танга<sup>1</sup> йиғишимиз керак.

— Икки миллион?

— Ҳа.

— Бу нима, кўпми?

— Уҳ-ҳў! Бу жуда кўп... Аҳоли жон бошига ўрта ҳисобда етмиш-саксон тангадан тўғри келади.— Зақотчи қўли билан ёнбошимиздаги қишлоқ томонга ишора қилиб давом этди:— Қўряписизми, қанча кулба... Тинтигудай бўлсангиз, бор-йўғи йиғилган нарсага, худо ҳаққи, юз танга бермас эдим. Аммо ана шу қишлоқдан биз, пулга чаққанда, ўттиз минг тангалик дон ва мол йиғишимиз керак! Тўпламасанг, ҳолингга маймунлар йиғилайди! Мана, Қаршининг ўзини шу кеча-кундузда қушхона дейсиз... жаноб қушбегининг<sup>2</sup> ўзлари ташриф буюрганлар.

Тўрт чол келишди. Улардан бири — юзлари думалоқ, қориндор киши қишлоқ оқсоқоли экан. У қўлимни сиқиб, рўпарамга ўтирди. Бошқалари ундан сал нарида чўкишди. Гулханнинг ғира-шира ёруғида назаримда ёшулларнинг қўлларида тери йўқдай бўлиб кўринди. Сўнгра бутун бўйинини ҳам аллақандай оқ доғлар қоплаганини пайқадим. Бироқ бунга сира эътибор берганим йўқ. Нотўғри модда алмашинуви натижасида одамларда бунақа касаллик бўлишини, у атрофдагилар учун хавфсизлигини билардим.

Оқсоқол асабийлашаётганини яширмади. Ҳали дурустроқ ўрнашиб ҳам олмай жаҳл билан гапира бошлади:

— Мен, зақотчи, одамларни кўндиролмаяпман. Мени оқсоқолликдан олиб ташланг. Истаганингизни қилинг, фақат мени тинч қўйинг.

Солиқ йиғувчининг шусиз ҳам хунук юзи росмана қийшайиб келди.

— Йўқ, биз сени тинч қўймаймиз!

— Ундай бўлса, тўпга солиб отинг. Аҳолидан бунча солиқни йиғиб ололмайман.

<sup>1</sup> Танга — Бухоронинг қумуш тангаси бўлиб, бир танга 15—20 тийинга тўғри келади.

<sup>2</sup> Қушбегини — эски Бухорода олий амалдор, бош вазир.

— Йиғмай кўрчи! Зақотчи ёнида ётган қамчини қўлига олганини ўзи ҳам сезмай қолди. Аммо шу заҳоти нигоҳи менга тушиб, қамчини жойига қўйди. Сен менга: «Йиғиб ололмайман» десанг. Мен эса амлоқдорга... Амлоқдор бўлса жаноб бекка шундай деса... Биласанми, оқибати нима бўлади? Ҳаммамизнинг теримизни шилиб, кўзларимизни ўйиб олишади. Сени қараю, тентак!

Оқсоқол индамади. Солиқ йиғувчи менга қараб, сўзини давом эттирди:

— Бу тентаклар, тақсир, солиқни менга тўлаяпти деб ўйлашади. Мен ҳам шулар қаторидаги навкарман. Агар фармонни бажармай қайтсам, эртагаёқ амлоқдор мени зиндонга ташлаб, чиритади. Менинг ҳам яшагим келади. Бола-чақам бор...

Оқсоқол билан келган ёшуллардан бири қалтироқ овозда бақириб юборди:

— Биз нима қилайлик! Яшамайликми?

Зақотчи жаҳл билан эътироз билдирди:

— Сенга биров яшама деяптими? Яшайвер... Аммо амирнинг фуқароси эканлигинини унутма. Тўловларни вақтида бер!

— Ҳеч вақо бўлмаса, нимани берай? Халқда бирон нарса қолдирдиларингми? Ҳар бир қўйдан ўнтадан тери шилмоқчи-сизлар!

— Овозингни ўчир! Нечта тери шилишимизни эртага кўрсатиб қўяман сенга. Ҳе, эси йўқ тентак! Давлатни тергаши сенга ким қўйипти?

— Давлатни тергаётганим йўқ.

— Кимни қоралайсан бўлмаса? Деҳқон жавоб бермади. Солиқ йиғувчининг жаҳли чиқди:— Ҳайвонлар! Бажармай кўринглар... кўзларингни ўйиб оламан!

Оқсоқол ҳимоя излаб, менга мурожаат қилди.

— Тақсир! Сиз одатларни ҳам, шариятни ҳам яхши билсангиз керак. Эскидан қолган шундай расм бор: фуқаро суғориладиган ерлардан ундирган ҳосилининг ўндан бирини, лалмикор ерлардан олганининг олтидан бирини давлатга бериши керак. Биз бўлсак, ҳосилнинг ярмини бериб ҳам қутулолмаймиз. Бунинг устига яна сувга, молга, ҳатто кўприкларга ҳам тўлашимиз... Ҳа, ҳа! Кўприкдан ўтганимиз учун ҳам ҳақ тўлашимиз керак!

Бояги деҳқон хириллаган овозда қўшиб қўйди:

— Биргина ҳаво қолди. Агар шунга ҳам ҳақ олишса — унда тамом. Минг дод дегин, бефойда!

Закотчининг жаҳли баттароқ чиқди:

— Дод дейишни сенга кўрсатиб қўяман... Хайвон! Йўқол бу ердан! Йўқса терингни шилиб ташлайман!

Баҳслашаётган деҳқон бизни ёрдам беради деб ўйлабми ё ғазатли ортиқ тўхтатолмадим, билмадим тўсатдан фарёд кўтарди:

— Шилиб ташла! Худо берган азоб-уқубатлар кам десанг, парчала!.. Улдир! Итларга от! Шу ҳам ҳаёт бўлдими!

Солиқ йиғувчи қаттиқ ғазабга келиб, навкарларига кичқирди:

— Олимжон! Нега оғизларингни очиб, қараб туриб-санлар... Олиб кетинглар буни!

Навкарлар тўрт томондан деҳқонга ташланиб, бири унинг қўлини қайирди, бири ёқасидан олди, бошқаси қамчи билан туширди-да, қишлоқ томон судраб кетишди.

\* \*  
\*

Ўринга чўзилишим билан ўликдай қотиб, тонг отгунча ухлабман. Князь уйғотмаганида ҳали-бери турмас эдим. Аммо у аллақаяқдан қаттиқ бақириб келарди:

— Одамлар! Туринглар! Биласизларми қаерда тўхтабмиз? Моховлар қишлоғида! Бориб кўринглар. Худоё тавба қилдим!

Ҳамма ўша заҳоти уйғониб, кўзларини уқалаб, саросимада ўтираверди.

Князь яна кичқирди:

— Нимага ўтирибсизлар? Бориб кўринглар қаерда тўхтаганимизни!

Кун тамоман оқаргач, биз тўхтаган жой билан овул оралиғида чуқур ариқ оқаётгани кўринди. Ариқнинг нариёғида тумонат одам. Қирғоқда аёллар, эркаклар, болалар туришарди. Бизникилар ҳам ариқ томон югуришди. Мен ҳам бордим. Князь бекорга бақирмаган экан. Ариқ бўйида зич бўлиб турганларнинг ичида биронта ҳам одам қиёфасини сақлаб қолгани йўқ эди! Рўпарамда бир-биридан даҳшатли майиб-мажруҳ, бадбуруш одамлар тўдаси турарди. Бирининг ярим бурни йўқ, бошқасининг қулоғи какирак бўлгандай тиришиб кетган. Яна бирининг қошлари тушиб, бутун юзини оқ доғлар қоплаган...

Баъзиларининг қўлида умуман бармоқлари йўқ, шаклини йўқотиб, чўлтоқ бўлиб қолган. Бу ифода этиб бўлмайдиган даҳшатли манзара эди! Шундай бўлиши мумкинлигига ишонмоқ учун ҳар ким буни ўз кўзи билан кўриши керак. Мен кўп мамлакатларда бўлганман, аммо инсоннинг бунақа азоб-уқубатга тушиб қолганини ҳеч қаерда учратмаганман.

Полковник Арслонбеков моховлар қишлоғини илгари ҳам кўрган эди. Шунинг учун унинг юзида ортиқча ҳаяжон сезилмас эди. Мен унинг қўлтиғига қўл солиб, орқага олиб ўтдим-да, сўрадим:

— Нима, бу қишлоқнинг бутун аҳолиси шунақа, мохов билан оғриганми?

У чуқур хўрсиниб, жавоб берди:

— Ҳа... Бухорода бунақа касаллар кўп. Бу касални тугатишга давлатнинг қурби етмайди. Тўғрироғи, у бунга қарши курашмайди ҳам. Моховларни мана шунақа қишлоқларга йиғиб, уларга ижарага ер ва сув беришадди, эшакдай ишлатишадди.

— Улардан ҳам солиқ олишадими?

— Олганди қандай! Кеча закотчининг қутурганини ўзининг кўрдингиз. Ҳозир бутун Бухоро бўйича қанча солиқ йиғишларини айтолмайман. Аммо урушгача, одамларимизнинг ҳисобича, бир йилда камида уч миллион танга йиғишган. Шундан камида ўн беш-йигирма фоиизи армияга харжланган. Қолгани эса... Қолгани нимага сарфланганини ёлғиз худонинг ўзи билади! Агар шу пулларнинг лоақал ярми мамлакат эҳтиёжи учун ишлатилганда, ҳар йили ўнлаб тўғон ва йўллар, юзлаб карвон сарой ва мадрасалар қурса бўлар эди. Қани Саид Олимхон ҳукмронлиги даврида қурилган жилла бўлмаса биронта тўғон ёки йўлни айта оласизми... Тополмайсиз!

— Бунча пул қаёққа кетади бўлмаса?

Полковник заҳарханда билан жавоб берди:

— Агар жуда билгингиз келаётган бўлса, Саид Олимхоннинг Ҳиндистон банкларида қанча пуллари борлигини ҳисоблаб чиқасиз. Бизнинг банкларимиздаги пулларни, менимча, олиб қўйишган. Нақд пуллари қулоғини тишлаганча кетди.

Мен нидамадим. Полковник ҳамма гапни айтди. Афсуски унинг ҳамма айтганлари ҳақиқатга тўғри эди.

Биз нопушта ҳам қилмай, ўрнимиздан қўзғалиб, жўнаб қолдик.

Эндиги тўхтайдиган жойимиз Қарши эди. Мен у ерда бир-икки кун туришни мўлжаллаган эдим. Вазиятни атрофлича ўргангач, Бухорога жўнашимиз ва у ерда амир билан учрашишим керак... Фарғонада ҳаракат қилаётган группалар тўғрисида маълумотлар тўплаш керак... «Туркистон ҳарбий ташкилотининг» раҳбарлари билан учрашиш лозим... Большевикларнинг ҳақиқий имкониятларини аниқлаш... Буларнинг ҳаммасига вақт, куч, қатъийлик керак. Мен эса жуда чарчаб қолдим. Биров калтаклагандай, баданларим зирқираб оғрирди.

Ҳар нарсага шубҳа билан қараш инсонга хосдир. Назаримда кеча тунда тўхтаган жойимиздаги қишлоқда уя қурган даҳшатли касаллик баданларимга ўрмалаётгандай бўлиб туюлмоқда. Бу фикрни хаёлимдан ҳарчанд кувсам ҳам яна миямда ўрнашиб оларди. Ваҳоланки бунақа касалнинг тез орада юзага чиқиши мумкин эмаслиги маълум. Бунинг устига мен, фақат оқсоқол билангина кўл бериб кўришдим. Чойдан бошқа ҳеч нарса ичганим йўқ. Ариқ сувига қўл урмадим. Мохов менга қандай қилиб юқиши мумкин? Барибир юрагим ғаш, ҳатто ҳароратим кўтарилаётгандай бўлиб туюляпти. Қўлимни пешанамга олиб бордим. Чиндан ҳам бошимда иссиғ бор. Наҳотки хасталанган бўлсам?

## 17

Қаршига кеч тунда кириб бордик. Бу ерда танишлар йўқ, аҳволим эса тобора оғирлашарди. Шунинг учун биз отларни тўғри бек маҳкамаси томон бурдик. Навкарлар бошлиғи фаросатли киши экан, оддий меҳмонлар эмаслигимизни дарҳол пайқади ва ўйлаб ўтирмай бек томон чопди. Орадан кўп ўтмай бекнинг ўзи келди. Қўшбеги кета туриб, биз Қарши орқали ўтиб қолишимиз мумкинлигини унга тайинлаган экан. Бек шу заҳотиёқ бизни махсус меҳмонлар учун ажратилган бинога бошлаб, навкарларига бизга яхшилаб қараб туришни буюрди-да, хайрли тун тилаб, кетди. Тун эса мен учун жуда безовтали бўлди. Иссиғим тобора ошиб, баданларим зирқираб, аъзойи баданимни тер босиб, нафасим тикилиб, лоҳасланар эдим. Шу аҳволда ўрнимдан қимир этмай, салкам ярим ойча ётиб қолдим!

Буни қарангки, терлама бўлибман! Келиб-келиб бу оғир касал мени танлаганини айтмайсизми! Ҳамроҳларимдан биронтасига ҳам ҳеч нарса қилгани йўқ. Мен эса шунақа қийналдимки, умримда сира бунақа бўлмаган!.. Бугун биринчи марта ўрнимдан турдим. Оёқларимни зўрга судрайман: бир неча қадам одимлагач, ҳолсизликдан йиқилиб кетаман. Тезроқ ҳаракат қилиб, одамлар орасида бўлгим келади. Аммо пешананинг шўрини қарангки, бу ердаги доктор мендан кўз узмай, ҳар бир қадамимни кузатади, ҳатто ўзи йўғида овқатланишга ҳам рухсат бермайди. Гапига қулоқ солмасам хафа бўлиб, ташлаб кетиб қоламан, деб қўрқитади: «Агар ҳаётингиз ўзингизга керак бўлмаса, бу ерда менинг қиладиган ишим йўқ». Шундан кейин мен ялина бошлайман:

— Андрей Иванович! Бу галча кечиринг! Бошқа қилмайман... Агар яна гапингиздан чиқсам, қулогимни тешиб, деворга михланг!..

Андрей Иванович очиқ кўнгиллик билан кулиб... мени кечирар эди. У бутун ҳаётини Туркистонда ўтказган. Отаси ҳам врач ўтган. Андрей Ивановичнинг ўғли ҳам врач бўлишга ҳозирланаётган экан, аммо уни армияга олишини ва бундан икки йил муқаддам герман фронтда ҳалок бўлибди. Балки шунинг учун чол урушни лаънатлайдиган бўлиб қолгандир. Ҳар куни менга бирор янгилик топиб келади. Бугун ҳам остонадан кириши билан гапирди:

— Закаспийда Боку комиссари Шаумянни отишганини эшитдингизми? Ўртоқлари билан бирга... Жами йигирма олти киши. Қандай бемаъни ваҳшийлик! Бу ўзаро қирғинлар қачон тугаркин?

Мен докторнинг ажин босган чуваккина юзига диққат билан разм солдим. У қаттиқ ҳаяжонда, ҳатто кўзойнагини ушлаб турган қўли ҳам қалтирар эди. Доктор ёнимга ўтириб, ҳаяжон ичида сўзини давом эттирди:

— Сира тушунолмайман... Худо ҳаққи, тушунолмайман! Кечаги иттифоқчиларимиз бизни ўраб олиб, миллионлаб гуноҳсиз одамларни очликдан силласини қуритмоқдалар. Болалар нима гуноҳ қилди? Уларнинг оналаричи? Борингки, бутун халқимизчи? Балки сиз тушунтириб берарсиз?

Дастлаб докторни синамоқчи бўлдим:

— Андрей Иванович! Рухсат берсангиз, энди сизга

ҳам савол берсам... Очигини айтинг — бу барча бахтсизликларнинг айбдори ким, сизнингча?

Андрей Иванович дафъатан жавоб бермади. Бирпас жим тургач, гапира бошлади:

— Сиз жавоб кутяпсиз. Мени очиқ гапиришга давват этияпсиз. Аммо чиндан ҳам астойдил гаплашмоқчи бўлсангиз, аввал ниқобингизни олиб ташланг!

Докторнинг сўзлари мени ўйлантириб қўйди. «Ниқобингизни олиб ташланг...» Демак, у менда ниқоб борлигига сира шубҳа қилаётгани йўқ... Бундай дейишга жиддий асос бўлиши керак. Бу асосларни у қаёқдан олдийкин?

Хаёлан мен калаванинг учини қидираётган эдим. «Афтидан ўзимдан кетганда, алаҳлаб, инглизча гапирганга ўхшайман... Бирон кишини атаган бўлсам ҳам ажаб эмас... Ҳа, шунақага ўхшайди...»

Доктор билан «очиқ» гапиришга қарор қилдим:

— Сиз, Андрей Иванович, менга жуда катта ёрдам бердингиз. Жудаям! Очигини айтсам — мени ўлимдан қутқардингиз. Сиздан бирон нарсани яширишга виждоним қабул қилмайди. Тўғриси айтсам — мен араб. Отам мисрлик, Лондонда таълим олган. Мен ҳам болалик йилларимни Лондонда ўтказганман. Араб тилини Қоҳирага келганимдан кейин ўрганганман. У ерда, Қоҳирада бутун дунёга машҳур бўлган Ал-Азхар мусулмон дорилфунуни бор. Балки, у ҳақда эшитгандирсиз?

— Ҳа.

— Бобом шу дорилфунунинг жуда мўътабар муаллимларидан бўлган. У мени ўз тарбиясига олди. Умуман мен адвокат бўлмоқчи эдим. Ҳозир эса амир жаноб олийларининг тақлифлари билан Бухорога кетяпман. Бухородаги мадрасада ўқитиш тартиблари билан танишмоқчиман. Менинг бутун ниқобим мана шундан иборат.

Доктор юзимга синовчан назар ташлаб, шу қараши билан: «Шундаймикин?» — дея сўрагандай эди. У жавобимдан қаноатланмаганини сездим, ҳатто ичида мен тўқиган эртақдан кулаётгандир ҳам. Кулса кулаверсин... Мен уни бор гапини айтишга мажбур қилишим керак. Кўрамиз, нима деркин...

Доктор ҳозиргача қўлида ушлаб турган градусникни қўлтиғимга тикиб, энди сира тортинмай гап бошлади:

— Мен учун кимлигингизнинг сира даҳли йўқ, албатта. Мен — врач. Врач учун ҳамма одамлар барабар. Сиз

араб ҳам, руҳоний ҳам эмассиз. Муғамбирлик қилманг. Бир неча кун сурункасига иссиғингиз жуда кўтарилиб, алаҳладингиз. Аммо бирор марта ҳам парвардигорни ёдламадингиз. Инглизча гапирдингиз. «Генерал... Полковник» деб қичқирдингиз. Кўп одамларнинг номини атадингиз. Бир гал ҳатто Ленинни хотирладингиз.

— Ростдана?

— Ҳа... Бу — мени таажжублантириб қўйди. Бинобарин ўйланиб қолдим: «Бу қанақа руҳоний бўлди?.. Оллоҳни ёдига олмайди, Ленинни эса хотирлайди».

— Хо-хо-хо! — Мен жуда қаттиқ кулиб юбордим. — Ахир бизнинг давримизда Лениндан ҳам оғирроқ касал борми?

Орага жимлик чўкди. Аммо доктор саволимни унутмаган экан. Жим туриб, менга диққат билан разм солдида, гапира бошлади:

— Мана энди саволингизга жавоб бераман. Сиз сўраяпсиз: бу мусибатларнинг барисига ким айбдор? Шундайлар бор! Бу — энг олий бахтни бир нарсада — зўравонликда деб биладиган шўринг қурғур сиёсатдонлар. Ҳа, ҳа! Зўравонлик — бугун бизнинг оллоҳимиз бўлиб қолган. Ҳамма нарсга ўшанга хизмат қилади. Найза, болта, қурол-яроғ, аэропланлар... Инсониятнинг бутун куч-қуввати эндиликда биргина нарсага — зўравонликка сарфланмоқда. Қонли ур-йиқитларга, бутун бошли халқларни қириб ташлашга... Алам қиладиган жойи шундаки, яна бу арбоблар бари ҳуқуқ ва адолат учун курашяпмиз, деб ишонтирмоқчи бўладилар. Ким ҳақ, ким ноҳақлигини топиб ол энди!

Доктор асабий ҳолда терлаган пешанасини қўли билан артиб, яна сўзида давом этди:

— Менга қолса бўғадиган газ ихтиро қилган одамнинг ўзини газ камерасига солар эдим. Ихтиросининг бутун ажойиботларини дастлаб ўзи кўрсин.

— Газ камераси дейсизми? — дедим мен ўзимни таажжублангандай кўрсатиб.

— Ҳа! — деди қатъий оҳангда доктор. — Бу бошқаларнинг азоб-уқубати ҳисобига бойлик орттиришга ҳавасмандларнинг кўзини очиб қўяр эди. Мен — русман. Рус тупроғига ачинаман. Ҳозир энг кўп қон қаерда тўкиляпти? — Рус тупроғида. Нега энди, биз руслар, ҳаммадан кўп жафо чекишимиз керак? Нега? Бизнинг айбимиз нимада?

Доктор гўё инсоният чекаётган барча азоб-уқубатларга мен сабабчи бўлаётгандай қаради. Унинг ҳорғин, кексаларга хос кўзларида чексиз ғазаб ўти ёнарди.

Мен ўзимча унга тасалли беришга ҳаракат қилдим:

— Большевиклардан битта-яримтаси билан учрашиб, шу саволларингизни берганингизда эди.

— Большевикларнинг бунга сира дахли йўқ! — дея қатъий эътироз билдирди доктор. Қирғин урушини большевиклар бошладими? Йиллар давомида халқни очлик ва яланғочликда сақлаган уларми? Қани ўша бахт ва фаровонлик ваъда қилиб халқни тинмай урушга даъват этган шоҳлар, тўралар ва юқори лавозимли амалдорлар? Қани улар? Қани уларнинг ваъдалари? Мен большевикларга назокат билан қарайдиганлардан эмасман, — дея сўзини давом эттирди доктор, — аммо уларни қораламоқчи ҳам эмасман. Жилла бўлмаса шунинг учун қораламайманки, улар бизнинг рус тупроғимиз учун курашмоқдалар. Россия учун! Маана, сиз инглизсиз...

— Йўқ, доктор. Такрор айтаман: Англияда яшаган бўлсам ҳам, ўзим арабман.

— Фараз этайлик арабсиз. Хўш, борди-ю, барча мана шу қотиллик ва зўравонликлар сизнинг тупроғингизда, Англияда... Пардон — Мисрда содир бўлганидачи... Сиз нима қилар эдингиз?

— Ҳеч нима қилмас эдим... Яратган эгамнинг ирода-си ниманки буюрса, шунини сўзсиз бажарар эдим. Яратган эгам сабр-қаноатли одамларни хуш кўради.

Мунофиқона сафсаталаримдан доктор безор бўлди шекилли, менадан градусникни олиб, кўздан кечирган:

— Иситмангиз йўқ, — деди. — Аммо дармонга киргунча бир-икки ҳафта ётишингиз керак.

Бир ҳафта ҳам ётолмаслигим аниқ эди. Шунга қарамай, докторга ялиниб, илтимос қила бошладим.

— Андрей Иванович! Шафқат қилинг... Ахир бу ерда икки ҳафта ётиб бўладими?

Доктор градусникни столга ташлади.

— Керак бўлгандан кейин ўн ҳафта ҳам ётаверасиз. Яратган эгам сабр-қаноатли одамларни хуш кўради, — дея аччиқ киноя билан мен айтган сўзларни қайтарди ва саквояжини олиб, чиқиб кетди.

Лабнати касаллик, ниҳоят мени чангалидан қўйиб юборди. Аста-секин дармонга кириб, ишларим билан

шуғуллана бошладим. Дераза ортида савалаб ёмғир ёғаётгани учунми, анча енгил тортидим.

Дераза олдида бордим. Олдинги тетик, куч-қуввати барқ уриб турган хушчақчақ Чарлз Форстердан ҳеч нарса қолмапти. Луижларим осилиб, милкларим шишипти. Қўл ва оёқларимда ҳам олдинги куч йўқ. Шунга қарамай, кун сайин мадорга кираётганимни, мушакларим яна таранг тортилаётганини сеза бошладим. Худога шукур!

Ҳатто ётган еримда ҳам ишни тўхтатмасликка тиришардим. Полковник Арслонбековни Тошкентга жўнатдим. У ерда «Туркистон ҳарбий ташкилотининг» раҳбарлари билан учрашиб, сўнгра Қаршига қайтади. Князь Дубровинскийни Бухорога жўнатдим. Унга у ерда рус офицерларидан ким борлигини аниқлаб, уларнинг қўйнига қўл солиб кўриш топширилган эди. Князнинг чўнтақларини кумуш тангага тўлдирдим. У Бухорода ўн кун ўйнаб, кайфи чоғ бўлиб қайтди. Таянч қидираётган бир неча офицерлар билан танишганини айтди. Энди мен унга Андрей Ивановичга яқинлашиб, унинг қанақа одамлигини, ким билан алоқа қилишини аниқлашни топширдим. Дубровинский янги родини ижро эта бошлади ва доктор тўғрисида баъзи бир қизиқ маълумотларни олиб келди.

Капитан Дейли янги тайинланган бек ва унинг яқинлари билан машғул эди. Бухородаги анъанага кўра агар эски бек лавозимидан олиб ташланса, унинг атрофидагилар ҳам кетар эди. Бир ҳисобдан шундай йўл тутиш оқилона эди. Ахир янги бек эски мулозимлар билан ишлай олармиди? Умуман жанобнинг содиқ хизматчилари бўлмаса ҳоли не кечади?

Капитан Дейли бошқа муҳим ишни ҳам бажараётган эди: бек ёрдамида Эргашбойнинг Қаркидаги одами билан учрашиб, бойга чопар юборишга муваффақ бўлди. Мен Эргашбой билан шахсан учрашиб, у билан баъзи масалалар устида келишиб олгач, кейин амир билан учрашишга қарор қилган эдим.

Ёмғир шариллаб ёғяпти. Бир неча ойлаб чанг босиб ётган дарахтлар жонланиб, кўркамлашди. Энди қарасанг баҳри дилинг очилади. Диққинафас, иссиқ ёз бу ўлкани тарк этиб, ўрнини сахий кузга бергани сезиляпти.

Тўнимни кийиб, бошимга саллани ўраб, энди кўчага чиқмоқчи бўлиб турганимда, капитан Дейли кириб кел-

ди. Унинг кетидан ўзи сингари дум-думалоқ, аммо ҳали қуёш қорайтирмаган киши кириб келди. Кулиб, менга латин тилида мурожаат қилди:

— Ex oriente lux!<sup>1</sup>

Мен капитан Майкл Дэвидни овозиданоқ танидим. Унинг Қашқарга жўнатилганини билардим, аммо Бухорода учратишни ўйламаган эдим. Бегона мамлакатда бехосдан яқин одамнингни учратиш қандай катта қувонч! Эшикни яхшилаб бекитиб олиб, шунингдек Ричард ва Артурга ҳатто ҳовлига ҳам ҳеч кимни киритмасликни тайинлаб, биз у билан икки соатча суҳбатлашдик. Майкл жуда қизиқ нарсаларни гапириб берди. Маълум бўлишича, у Туркистонга бизнинг Қашқар орқали юборилган ҳарбий дипломатик миссиямиз билан бирга шу йилнинг ёзида ўтган экан. Миссия составида майор Бейли, капитан Бляккер сингари тажрибали разведкачилар, шунингдек Қашқардаги бош консулимиз сэр Жорж Маккартнейлар бор эди. Миссиянинг асосий мақсади Туркистонда яхшилаб ўрнашиб олиб, жойлардаги аҳвол билан танишиш, большевикларга қарши курашаётган кучларнинг реал имкониятларини атрофлича чамалаб, уларнинг ҳаракатини марказлаштириб, бир томонга йўналтиришдан иборат эди. Миссиянинг расмий вазиятда туришининг ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари бор эди. У очиқ ҳаракат қилиши, большевикларнинг расмий вакиллари билан учрашиб, ўзларини қизиқтирган масалалар устида гаплашишлари мумкин эди, албатта. Аммо шуниси ҳам аниқки, унда миссия ходимлари қаттиқ назорат остига олиниб, расмий доирадан чиқолмай қолар эдилар. Шунинг учун ҳам миссия билан бирга чегарадан маҳаллий тил ва урф-одатларни яхши билладиган одамлар ўтказилди. Капитан Майкл шулардан бири эди. Уни тўғри Фарғонага, Эргашбой отрядига юборишди.

Дэвиддан Фарғонадаги аҳволни суриштирдим. Папирос тутунини мириқиб ютгач, маъюсона жавоб қайтарди:

— Аҳвол яхши эмас. Аниқроғи, ночор. Қаллакесарлар тўдаси. Бири-биридан қайсар. Қўпол, очкўз, қўлларидан ҳемири иш келмайди-ю, ўзларини дунёга устун, деб билдилар. Қимга ишониб, кимнинг гапига қулоқ солишни ҳам билмай қоласан.

— Уларнинг орасида бирмунча эътиборлиси, баоб-рўлари бордир, ахир? — деб сўрадим.

— Энг баобрўси — Эргашбой, — дея жавоб берди Майкл. — У ўзини бутун Фарғонанинг ҳукмдори, деб ҳисоблайди. Айтишича, бутун қуроли кучлар унинг қўлида эмиш. Аслида эса ҳар бир қўрбоши ўзига хон, ўзига бек. Вилоятда эса йигирмадан ортиқ қўрбоши бор. Аҳолининг бутун ҳаёт-мамоти-ю бойликлари шулар қўлида. Ҳар бир қўрбошининг ўз қурооланган отряди бор. Баъзи бирларида мингтагача отлиқ, бошқаларида эса юзтага ҳам етмайди. Эргашбойнинг ўзида салкам икки минг йигит бор. Биз даставвал ана шу майда, тарқоқ отрядларни ягона бир қудратли кучга айлантиришга ҳаракат қилиб кўрдик.

— Хўш, бирор натижа чиқдими? — сўрадим мен: аҳволни дурустроқ билиб олиш мақсадида. — Ҳозир Фарғонада жангга киритса бўладиган одамлар миқдори қанча?

Майкл бир оз ўйланиб қолди.

— Ҳақиқий аҳвол бундай. Бизнинг ёрдамимиз билан қуроолланган иккита отлиқлар отряди. Ҳар бир отрядда мингдан ортиқ отлиқ ва тўрттадан тоғ тўпи бор. Тахминан ўн икки минг кишилик иккита пиёда аскарлар полки. Жами салкам ўн беш минг нақд қуроолланган киши.

— Салкам ўн беш минг, — дея қайтардим мен Майклдан кўзимни узмай, — Бухорода эллик минг... Хиваликлар йигирма минг деб фараз этайлик... Демак, саксон беш минг киши экан-да? «Туркистон ҳарбий ташкилоти»нинг одамлари... Дашноқлар... Қочиб келган казаклар... Асхобод fronti ва Еттисувдаги кучлар... Бу ўлкаларда жами қарийб юз минг қуроолланган одам бор. Большевикларнинг бор кучлари қанча экан, билмай-сизми?

Капитан миясида тезгина чўтлаб оладиган ўқувчидай тугилмай жавоб берди:

— Тошкентда большевикларнинг беш мингтача, Самарқандда тўрт мингтача, Чоржўйда икки минг одами бор. Булардан ташқари, Янги Бухорода, Туркистонда, Чимкентда, Петровскда, Петро-Александровскда унча катта бўлмаган отрядлари мавжуд.

— Демак, ҳаммаси бўлиб ўн беш минг кишига ҳам етмас экан-да... Шундайми?

— Ҳа.

<sup>1</sup> Шарқдан нур келди! (Латин.)

— Кўряпсизларми, жаноблар! Юз мингу, ўн беш минг! Агар биз шундай қулай фурсатни қўлдан бой берсак... Менга ишонаверинг: борди-ю, кейинчалик ҳаммамизни осийган тақдирда ҳам тарих бизни асло кечирмайди. Шундай катта куч билан-а! Буни қарангки, уларнинг ҳаммаси аслида ҳаракатсиз ётипти. Нега? Бир нарса етмай турибдими?

Мен, албатта, бизга нима етишмаётганини билар эдим. Аммо тахминларим қанчалик тўғрилигини, айниқса Майклнинг бу борадаги фикрини билмоқчи бўлдим. У маънодор кулиб қўйди.

— Сиз, жаноб полковник, асосий масала ҳақида гапирдингиз. Дарҳақиқат, бизга нима етишмаяпти? Бундоқ қараганда большевикларни бир зарба билан тугатишга ҳамма нарса етарлидай бўлиб кўринади. Аммо асосий мақсадга кўчамиз деб турганда тўсатдан бутун режаларимиз барбод бўлади. Чунончи, Фарғонани олайлик. Яқинда биз кўрбошилар йиғилишини ўтказиб, барча кучларни бирлаштириш ва интизомни мустақкамлаш тўғрисидаги таклифни пишитиб олдик. Йиғилишга таклиф этилганларнинг роппа-роса ярми келмади. Эшматбой бундай деди: «Эргашбойга навкарлик қилгандан кўра чўпоннинг ити бўламан». Эргашбой ҳам ўз навбатида уни бир тийинга олмайди. Биз Эшматбой билан учрашиш ниятида атайлаб унинг ҳовлисига бордик. Уч кун ўтириб, кўролмай қайтишга мажбур бўлдик. Аниқ маълумотларга қараганда, унинг отрядида иккита турк офицери бор экан. Улар зўр бериб, кўрбошиларни ўз томонларига оғдираптилар. Эргашбойга келсак, у ҳам: «Туркистон ҳарбий ташкилоти»даги одамлар билан шерикчилик қилишни истамайман... Тақдиримни руслар қўлига бериб қўймайман», деяпти. У Ўрта Осиё мусулмонлар халифати барпо этилишини ўйлапти. Бунинг ажабланидан жойи ҳам йўқ! Бу шоввозларнинг кўпи руслардан анчагина зада бўлган. Эшматбой акаси билан кўролни қароқчиликда айбланиб, бир неча йил Сибирда сургунда бўлишди. Энди уларни Чор ҳукуматининг офицерлари билан бир сафга қўйиб бўлармиди?

— Нега энди албатта чор ҳукуматининг офицерлари билан бир сафга қўйиш керак? Уни амирга эргаштиринг. Бунга қаршилиқ қилмаса керак?

— Албатта, у амирга қарши эмас. Аммо амирнинг ўзи ҳам муғамбирлик қиляпти. Яқинда Американинг

Тошкентдаги консули Тредуэл Саид Олимхон билан учрашганда, амир унга очиқдан-очиқ балога қолишни истамаслигини ва большевиклар Самарқанддан суриб ташланмагунча уруш бошламаслигини айтган. Жуда эҳтиёткорлик билан иш тутяпти. Ҳар бир қулай фурсатда большевикларга зарба бериш учун зўр бериб армиясини мустақкамляпти. Аммо воқеалар гирдобига шўнғишни истамапти. Ваҳоланки, ҳозир ҳаракат қилиб қолишга энг қулай фурсат етган!

Амир большевиклардан бекорга хавфсираётгани йўқ. Шу йил, ўн саккизинчи йилнинг март ойида унинг қўшинлари билан қизил гвардиячилар ўртасида қаттиқ тўқнашув бўлган. Биринчи тўқнашув бухороликлар ғалабаси билан тугаган, амир ҳатто сулҳ тузиш учун большевиклар раҳбари Қолесов юборган вакилларни ҳам қириб ташлади. Аммо қўлга киритилган ғалабани мустақкамлай олмади. Большевиклар Тошкентдан қўшимча куч олгач, амир қўшинларини тор-мор қилдилар. Саид Олимхон шармандали шартномага имзо чекишга мажбур бўлди.

Мен Майклдан «Туркистон ҳарбий ташкилоти» раҳбарлари ҳақидаги фикрини сўрадим. У киноя билан кулиб, жавоб қайтарди:

— Менимча: бу «ташкилотда» ишдан кўра гап кўпроқ бўляпти. Бутун ишлари Тошкентда олиб бориляпти, жойларга улар деярли ҳеч қандай таъсир кўрсатолмаяптилар. Бунинг устига, ташкилот раҳбарлари майда-чуйда ишлар билан ўралашиб юриб, аниқ сиёсий йўлларини ҳам белгилай олмаётирлар. Улар баҳслашаётган нарсага қаранг. «Большевиклар қувиб чиқарилгач, Туркистонда қанақа ҳокимият ўрнатиш лозим? Романовларни қайтариш керакми ёки республика тузиш керакми?»

— Аҳмоқлик! — дея тўнғилладим. — Шуни баҳслашишяптими?

— Баҳслашганда қандоқ! Июлнинг бошида шу масала бўйича махсус кенгаш чақириб, тўрт соатча баҳслашишган. Шунда ҳам бирор қарорга келмай, тарқалишган. Ташкилот раиси генерал Джуновский билан полковник Корнилов монархия тузуми тарафдорлари бўлганлар. Бошқалар эса уларга қарши чиқибди. Сэр Макартнэй уларнинг баъзи бир раҳбарлари билан учрашиб, «Ҳали ўлдирилмаган айиқнинг терисини талашмай, зарурроқ ишлар билан шуғулланишлар», — депти. Шун-

дан кейин келажакда ҳокимиятни бошқаришнинг қайси усулини танлаш масаласи маълум вақтгача кун тартибдан тушибди. Ҳозир бошқа масала: яқинда биз билан ҳарбий ташкилот раҳбарлари ўртасида тузилган шартнома устида қизгин баҳс бўлаётган эмиш. Баъзи бир раҳбар ходимлар шартномани қайта кўриб чиқиб, унинг икки пунктини ўзгартиришни талаб этишяпти.

— Қайси пунктларни?

— Туркистоннинг келажаги ва концессиялар тўғрисидаги пунктларни. Сизга маълумки, шартномада совет ҳокимияти тугатилгач, Туркистоннинг Британия империяси составига кириши кўзда тутилади. Полковник Лазарев, Арслонбеков ва яна айрим кишилар бунга қарши. Улар, бундай мажбурият олиш Россияга нисбатан хоинлик бўлади, деяптилар. Майор Бейлининг айтишича, гўё улар атаман Дутов топшириғи билан иш тутишаётган эмиш. Атамanning ўзи жануби-шарқий Россияда мустақил давлат тузиб, Туркистонни ҳам унинг составига киритмоқчи экан.

— Ҳукмронликка даъвогарлар кўплигини қаранг-а!— Мен беихтиёр кулдим.— Колчак ҳукумати... Деникин ҳукумати... Комуч!...атаман Дутов... Жуда соз! Интилаверишсин, ҳаракат қилаверишсин. Оқ айиқни оёғидан чаламан деганлар қанча кўпайса, уни Осиедан қувиб чиқаришимиз шунчалик осонлашади. Бироқ шартномани ўзгартириш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Мустамлакалар — бу бизнинг мулкимиз. Биз уларни босиб олганимиз учун эгалик қиламиз. Бу — Туркистонга ҳам тааллуқлидир. Бир ҳисобда биз уни ҳам забт этдик!

Одатдагидай секин тақиллатиб, Артур кирди. Бекнинг одами келганини, бек мен билан жуда муҳим бир иш устида гаплашмоқчи бўлганини айтди.

Сўхбатни тўхтатишга тўғри келди.

Мен ҳали бек билан расмий равишда учрашмаган эдим. Шунинг учун ҳурмат юзасидан унинг ҳузурига дастлаб ўзим бормоқчи бўлдим.

Биз капитан Дейли билан энди чиқиб кетмоқчи бўлиб турганимизда Арслонбеков Тошкентдан юборган бир ки-

ши унинг хатини олиб келиб берди. Агар бирон кутилмаган кор-ҳол бўлмаса, жума куни, албатта, Бухорода бўлишини ёзипти у. Юборган кишиси — Андрей билан гаплашини айтипти. Вақт зиқ эди. Андрейга кечқурун келгин, деб эшикка чиқдим.

Ёмғир тиниб, кўкдаги булутлар тарқай бошлабди. Қуёш булутлар ортидан гоҳ кўриниб, гоҳ яна яширинар эди. Узоқ вақт очиқ ҳавога чиқмаганимданми, кун менга жуда ажойиб бўлиб кўринди. Енгил нафас ола бошладим, баҳри дилим очилди.

Биз катта кўчага чиқдик. Дўкон ва чойхоналарнинг эшиклари ланг очиқ, ерларга сув сепилиб, супириб-сидирилган, ҳамма ёқда пешинга ҳозирлик кўриляпти.

Капитан Дейли тўсатдан қўлимдан ушлаб, шивирлади:

— Ҳу, олдинда бораётган кишини танидингизми?

Олдимизда, папирос тутатганча аллақандай малла соч қизни қўлтигидан ушлаб, князь Дубровинский борарди. Биз қадамимизни секинлатиб, орда қолдик, сўнгра аллақайси тор кўчага бурилдик. Капитан князь ҳақида гапирди. Унинг фикрича, князга ишонмаслик керак эмиш. Мен ҳам қулай фурсат топиб, биздан ўч олишдан хавотирда эдим. Аммо бирор қатъий қарорга келиш учун қўлимизда етарли асос йўқ эди. Бироқ шунга қарамай, капитаннинг асосий мақсадига қўшилдим: чиндан ҳам князь билан махсус шуғулланиш пайти етган эди.

Бекнинг ҳовлисига яқинлашганимизда орқамиздан файтон келиб қолди. Бизга етиб олгач, файтончи отларни тўхтатиб, ўзи ерга сакраб тушди ва таъзим қилиб, сўнгра одоб билан мурожаат этди:

— Мени афв этасиз, тақсир... Бир оз кечикдим. Агар бек билиб қолса, теримга сомон тикади. Биринчи гал кечиринг. Эҳ, мен тентак!

Чол бекнинг файтончиси экан. У бизни олиб келишга борган, яёв кетиб қолганимизни эшитиб, орқамиздан қувган.

Биз оёқларимизни ёзиш учун атайлаб яёв келганимизни, унинг сира айби йўқлигини айтиб, чолни тинчитдик. Аммо чол биз файтонга ўтиргунимизча илтижо қилаверди.

Бек бизни дарвоза олдида кутиб турган экан. У бизни азиз меҳмонлардай қучоқ очиб кутиб олди-да, меҳмон-

<sup>1</sup> Комуч (қисқартирилган) — Таъсис мажлиси собиқ аъзоларининг комитети.

хонасига бошлади. Одатдаги ҳол-аҳвол сўрашишлардан сўнг мулозамат билан гап бошлади:

— Амир ҳазратларидан чопар келди. Амир оғир фалокатдан эсон-омон қутулиб, оёққа турганингиздан беҳад хурсандлар. Кейинги ҳафтада у киши Амударёга овга чиқар эканлар ва сиз жаноб олийларини таклиф этдилар. Сиз у ерда ҳам ҳордиқ чиқарасиз, ҳам зарур масалалар бўйича фикрлашиб оласиз. Бунга нима дейсиз?

Тўғриси айтганда, мен бунақа таклифни кутмаганимдан дарҳол нима деб жавоб беришимни ҳам билмай қолдим. Бир неча кун овда юриш керак... Шусиз ҳам шошиляпман, Бухорода узоғи билан бир ҳафта турмоқчи эдим. Нима қилсам экан? Нима бўлганда ҳам таклифни қабул этишим лозим, албатта. Шунга қарамай, ҳар эҳтимолга қарши шошилаётганимга ишора қилдим. Овозимни бекнинг сўзлашув оҳангига мослаб, алоҳида тавозе билан жавоб бердим:

— Амир жанобларининг менга кўрсатган илтифотларидан чин қалбдан мамнунман. Бухоро давлатининг муборак тупроғига қадам босганимдан бошлаб, ўзимни чинакам дўстлар бағрида ҳис этяпман. Бухоро — ажойиб мамлакат. Уни, албатта кўриш керак... Афсуски, вақт зиқ... Аммо шундай бўлса-да, амир жанобларини зиёрат қилиб, меҳмондўстона дастурхонларидан нон-туз еб кетишни ўзимга бахт деб биламан. Истаган соатда йўлга чиқингга тайёрман!

Бек гоят мамтулигини англатиб, бош эгди:

— Сиз, жаноб полковник, меҳмон эмас. Ўз уйингиздасиз...

Мен яна миннатдорчилигимни ишора билан билдирдим.

Бек қимматбаҳо узуклар тақилган бармоқлари билан бутун юзини қоплаган жингалак, қора соқолини силаб қўйди-да, яна гапирди:

— Эшматбой келди. Нариги хонада ўтирипти, уни қачон қабул қиласиз?

Бу ҳам мен учун кутилмаган ҳодиса бўлди. Аммо биз Майкл билан боягина Фарғона тўғрисида гаплашганимиз учунми, негадир бой билан ҳозирнинг ўзидаёқ учрашгим келди. Шунинг учун ўйланиб ўтирмай жавоб бердим:

— Агар лозим топсангиз, ҳозирнинг ўзидаёқ учрашсам маъқул бўлар эди.

Бек бошини қўйи солганча сирли бир гап айтмоқчи бўлгандай бир оз индамай турди-да, сўнг паст овозда сўзлади:

— Яхши... Унда мен бойни чақирай. Фақат жанобларидан бир илтимосим бор: агар вақтингиз тақозо этса, бугун кечқурун каминаникига ташриф буюриб, нон-туз бўлсангиз... Мана, бир ойдан буён шу ердасиз, ҳозиргача бирор дам сиз билан бафуржа ўтирганимиз йўқ.

Мен бояғидай мулозамат билан бекнинг таклифини қабул этдим. У бизни Эшматбой билан учраштириб, ўзи ишини баҳона қилиб, чиқиб кетди.

Эшматбой, ўзим ҳам билмайман, нимагадир биринчи қарашдаёқ менга ёқмади. Унинг юзи совуқ, бунинг устига ўпкаланган одамдай овозини кўтариб гапира бошлади. Шу сабабдан суҳбатимиз бошда терговчи билан айбдорнинг учрашувига ўхшаб кетди. Мен бойдан унинг соғлигини, вилоятдаги аҳволни сўрадим. У бир-икки оғиз сўз билан совуқ жавоб берди. Бейхтиёр асабийлаша бошладим. Ким билан гаплашаётганини тушунмаяпти шекилли?

Капитан Дейли ҳам асабийлашган эди. Ўз навбатида у ҳам овозини кўтариб гапирди:

— Ким билан гаплашаётганингизни билиясизми, бой?

— Биламан,— дея бояғидай пинагини бузмай жавоб берди бой.— Аммо мен бир нарсага ҳайрон бўлиб турибман: нечун мен эслаб қолдингиз? Қуролни Эргашбойга берасизлар... Пулни Эргашбой олади... Кенгашни Эргашбойникида ўтказасизлар... Мен жерак бўларман, деб хаёлимга ҳам келтирмаган эдим!

Ҳамма нарса аён: гапни бошқатдан, тамоман ўзгача оҳангда бошлаш керак бўлади. Мен атайин суҳбатдошимнинг қитиғига тегиб гапира бошладим:

— Биз учун, ҳурматли бой, сиз билан Эргашбой орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Ҳар иккинги ҳам — туркистонликсизлар... Иккалангиз ҳам — бутун бошли халқнинг оқсоқолларисиз... Иккалангизнинг ҳам мақсадингиз бир: большевикларни таг-томири билан юлиб ташлаб, мамлакатингизда осойишталик ўрнатиш. Шундайми?

— Албатта.— Бойнинг овози юмшагандай бўлди.— Эргашбой ҳақида бир нима деёлмайман. Аммо ўзимнинг юрагимдагини, худди ичига кириб чиққандай, топдингиз. Айнан дилимдагини айтдингиз... Ахир нари-бериси билан тўрт юз-беш юз хўжалик билан ўзимизни ҳимоя қила

олмаслигимизни, бизга қудратли бир давлатнинг ҳомийлиги кераклигини биз ҳам тушунамиз, жаноб полковник. «Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди», деган гап бор. Бутун халқ оғир дамда бизга ёрдам қўлини чўза оладиган муносиб ҳомийни қидиришти. Бизни эса тирноғимизга ҳам арзимайдиган одамларга бўйсундириб қўйишмоқчилар... Эргашбой... Джунковский...

Ҳеч қандай шак-шубҳа қолмади. Бой бевосита унинг ўзи билан иш тутишимизни истайди. Биз унинг бу даъвосини қабул қилишимиз мумкин, албатта. Аммо у бизнинг бу қўллаб-қувватлаганимизни қадрлармикин? Бир ўқ билан икки қуённи урмоқчимасмикин?

Мен унга унча хуш ёқмайдиган савол бердим:— Бой, сиздан бир нарсани сўрамоқчиман: биздан бошқа бирон киши сизга ёрдам қўлини чўзаяптими?

— Ҳа,— деб жавоб берди Эшматбой юзимга қараб туриб.— Афғонлар... Амир жаноблари... Жунаидхон ҳам одам юборди.

— Яна ким?— Мен бойни диққат билан кузатдим.— Сизни қаноти остига олишга яна ким ваъда қилди?

Бой индамади. У қандай жавоб қутаётганимни фаҳмлаб турар, бинобарин, ҳар бир сўзни ақл тарозисида ўлчаётган эди.

Адашмапман. Кўзини ердан узмай, истар-истамас сўради:

— Гап турклар устида бораяптими?

— Бунинг аҳамияти йўқми?— Мен довираб қолган суҳбатдошимнинг кўзларига тик боқдим.— Биз Туркия билан неча йилдан буён урушяпмиз? Сиз бўлсангиз турк офицерларидан маслаҳатчи сифатида фойдаланяпсиз. Яна биздан хафа ҳам бўлмоқчисиз.

— Менинг вилоятимда икки турк бор. Ҳар иккаласини ҳам бир ҳафта ичида чегарадан ўтказиб юбораман.

— Чегарадан ўтказиб нима қиласиз? Агар сиз чиндан ҳам улар билан алоқани узмоқчи бўлсангиз, бизга топширинг.

— Йўқ, бундай қилолмайман,— деб жавоб берди бой.— Мен уларнинг жонига қасд қилмасликка қўлимга қуръон олиб қасам ичганман.

— Бунақа биров уларнинг жонига қасд қилинг деяптими? Бизда асир тушган минглаб турк офицерлари бор. Булар ҳам ўшалар қаторига қўшилади.

Бой индамади. Мен сўзимни киноя билан давом эттирдим:

— Балки улар сизга керак бўлиб қолар? Нури пошшонинг қўшинлари Бокуга яқинлашиб қолди дейишяпти. Балки турклар берган ваъдаларининг устидан чиқарлар?

Бой нурсиз кўзларини пирпиратиб жавоб берди:

— Биз ваъдалардан жуда тўйганмиз, жаноб полковник. Бунинг устига шуни ҳам яхши биламиз: Туркия биздан жуда олисда, бинобарин, ёрдам қўлини чўзиши қийин.

— Қачондан буён бунга тан оладиган бўлиб қолдингиз?— сўрадим мен овозимни бир оз кўтариб.

Бойнинг ажиндор пешанаси терлаб, ранги оқарди. Мен яна қатъийроқ гапира бошладим:

— Бемаъни миш-мишларга ишониб, ўзингизга зиён қиласиз! Туркларнинг ўзи ёрдамга муҳтож. Сиз бўлсангиз улардан ёрдам кутяпсиз. Кўзингизни очинг! Қаршингизда тубсиз жар.

Бой тамоман довираб қолди. У безгак тутгандай, овози қалтираб гапира бошлади:

— Бизлар қанотидан айрилган қушлармиз, жаноб полковник. Қанотимизни қайтариб олишга ишонч бўлса, истаган фармонни жон-дилдан бажаришга тайёрмиз! Аммо сиздан илтимос қиламан... ўтиниб сўрайман: бизни Эргашбой ёки Джунковский кетидан эргаштириб қўйманг.

Гапга чек қўйиш керак эди. Навбатда бундан муҳимроқ масалалар турибди. Мен бойдан шу яқин ярим ой ичида большевикларга қарши қанча одам қўя олишини сўрадим. У суҳбат мавзуи ўзгарганидан қувониб кетди шекилли, енгил нафас олиб, жавоб қайтарди:

— Одамимиз кўп. Қурол-яроғ етишмайди. Агар қурол-яроғ бўлса, эртагаёқ саккиз минг киши қўйишга тайёрман.

— Қанча қурол керак?

— Камида уч-тўрт минг милтиқ ва жилла бўлмаса ўнтача пулемёт.

— Яна? Яна нима керак?

Энди бой пул сўраши керак эди. Тахминан қанча сўрашини ҳам биламан: камида уч-тўрт миллион. Ун миллион ҳам сўраши мумкин. Ахир у кўпроқ сўраш лозимлигини яхши билади-да!

Бой миқдорини дафъатан айтишга журъат этолмай, гапни узоқдан бошлади:

— Халқ оғир аҳволда. Очлар, яланғочлар жуда кўп. Йигитларни ҳам едириб-ичириш, кийинтиришга тўғри келади.

— Пул керак... Шундайми?

— Ҳа.

— Қанча?

— Тўрт-беш миллион сўм...

Мен бойга тикилиб туриб, жавоб кутардим.

— Яхши... Биз талабларингизни қабул этамиз. Аммо очигини айтинг: бу ёрдам эвазига сиз нима берасиз?

Бой сира иккиланмай, жуда қатъий жавоб берди:

— Ҳаётимни бағишлайман! Виждоним олдида қасам ичмаман, ўлгунимча берган сўзимдан қайтмайман!

Мен истеҳзо билан: «Туркларга ҳам шундай қасамёд қилганмидинг?» деб сўрашимга оз қолди. Аммо бойнинг қаттиқ изтироб чеккан одамдай қалт-қалт титрашини кўриб, бу ниятимдан қайтдим. Унга қараб туриб, ўйлар эдим: «Наҳотки у ўзини атайлаб шу ҳолга солаётган бўлса? Аммо агар у ўзини шу қадар ўзгартиришга қобилиятли бўлса... Унда чакки эмас!» Шекспир трагедияларида бир йўла ҳам йиғлаб, ҳам кулишга одатланган энг машҳур артист ҳам ўз ролини бу қадар маҳорат билан ўйнай олмас эди. Йўқ, бой чиндан ҳам ҳаяжонланган, бунга имоним комил. Шу қадар кескин ўзгаришнинг сабаби нимада? Афтидан бунда икки вазият ҳал қилувчи роль ўйнади: биринчидан, Эшматбой мустаҳкам таянч бўлмаса, ер билан яксон бўлишини, биров бир лақирга олмаслигини билади; иккинчидан, у бекордан-бекорга: «Биз ваъдалардан жуда тўйганмиз», дегани йўқ. Турклар уни ҳозиргача ваъда билан лақиллатиб келишган. Ваъда билан қоринни тўйдириб бўлармиди? Унга эса тўйимли озуқа керак. Миллион-миллион сўм пул. Албатта бунча пул ололмаслигини бой жуда тушуниб турибди. Бироқ оч қолмаслигини ҳам билади.

Мен кутилмаган жойда таклиф киритдим:

— Мана бу киши менинг яқин ёрдамчиларимдан бири Мирсаидхон. У доим сиз билан бирга бўлади. Унинг сўзи — сиз учун фармон. Розимисиз?

Бой капитанга, сўнгра менга зимдан қараб олгач, бошини эгиб ўйланиб қолди.

— Агар таклифларимни қабул этсангиз, сизни Эргашбой ҳам, генерал Джунковский ҳам безовта қилишмайди, — деб қўшиб қўйдим мен. — Бутун режаларни

Мирсаидхон билан бирга тузиб, бирга амалга оширасизлар. Аммо эсингизда бўлсин: тариқча хонлик содир бўлса тамом. Биз дўстларни қадрлаймиз, аммо хонлик қилганларни жазолаш ҳам қўлимиздан келади.

Бой, ниҳоят бошини кўтарди. Гуноҳ қилиб қўйган одамдай секин гапира бошлади:

— Бу ёғидан хотиржам бўлаверинг. Истасангиз қуръон ушлаб қасам ичмаман.

— Ҳожати йўқ, қасам ичманг. Ҳадеб қасам ичаверса ҳам, виждон сийқаланиб қолади. Ҳар қасам ичганда инсон юрагининг бир бўлагини юлиб оларкан. Шу ростми?

Биров елкасидан босиб қўйгандай бойнинг боши яна эгилди. Гулдор шойи рўмолчасини олиб, тер босган юзини артди, сўнг қолган чойни чойнақдан пиёлага қўйиб, томоғини чайди. Узуқ-юлуқ овоз билан гапира бошлади:

— Мен қулингизман, жаноб полковник... Ниманки буюрсангиз, бажараман.

Сухбатдошимга яна зарба беришга эҳтиёж қолмади, аксинча, бир оз таскин бериш керак эди. Мен овозимни анча юмшатиб гапирдим:

— Қурол масаласи. Яқин орада сизга мингта милтиқ ва бешта пулемёт беришади. Қолганларини Мирсаидхон аҳвол билан танишгач, ўзи ҳал қилади. Мен унга шундай ҳуқуқ бераман. Пул масаласида ҳам худди шундай. Шу ҳафта ичида сизга бир миллион сўм берилади. Кейингисини Мирсаидхон билан келишиб оласиз. Шундай қилсак, сизга маъқулми?

Эшматбой икки қўлини баравар чўзди:

— Садоқатимизга парвардигорнинг ўзи шоҳид бўлсин!

Бек билан ҳозирча хайрлашиб, биз яна яёв қайтдик. Капитаннинг кайфи ночоғ эди. У учрашувнинг шундай хотималанишини кутмаган эди. Очигини айтганда уни Эшматбой вилоятга жўнатиш ҳақидаги фикр менда тўсатдан пайдо бўлди. Шунинг учун уни тинчлантиришга ҳаракат қилдим:

— Сен, Роберт, хафа бўлма. Истасанг, узоғи билан бир ойдан сўнг ўрнингга бошқа одам юбораман. Аммо шуни ҳам ўйлаб қўй: мустақил ишлашинг учун жуда катта имконият туғилади. Бутун бошли вилоят қўл остингда бўлади... Минглаб қуролли йигитлар сенга бўйсунди... Яна нима керак? Қолгани ўзингга боғлиқ. Худо ҳақи, менга рухсат берганларида, ўзимоқ қолар эдим. Бу

ёввойилар ёрдамида нима ишлар қила олишингни сира тасаввур этасанми?

Капитан индамади. Мен сўзимни давом эттирдим:

— Бунинг устига Эшматбой — ўзига хос бир нусха. Шу кунгача у туркларга умид боғлаб келди. Аслини олганда бизга қарши курашди. Энди эса ундан туркларга қарши фойдаланиш мумкин. Биласанми, унинг ёрдамида қанчалик тўс-тўполон қилиш мумкин? Бу ҳақда бафуржа ўтириб гаплашиб оламиз. Энди бу ёғини тингла: амирнинг таклифига нима дейсан?

Роберт мийиғида кулди.

— Нега кулясан?

— Бек эсимга келди. Қандай гўл одамлар! Сизнинг баландпарвоз гапларингизни эшитиб ёришди. Ҳатто назаримда сиз айтган ҳар бир сўзни хаёлан қайтариб ҳам турди. Қандай тентак одам!

— Ажабланишга ўрин йўқ. Буни шарқ дейдилар. Шарқда эса бир европаликнинг таъбирича, ширин сўз билан илонни ҳам инидан чиқариш мумкин.

Мен беихтиёр қадамимни секинлатдим. Олдинда яна князь пайдо бўлди. Ёнида ўша малла ранг сочли қиз борарди. У ҳам бизни кўрди шекилли: дўконлардан бирига тезгина кириб кетди. Робертга қайрилиб қарадим:

— Балки князни ҳам бирга олиб кетарсан?

— Йўқ. Яхшиси уни амир каллакесарлари қўлига топшириш керак.

— Қандай топширамыз?

— Менда ажойиб режа бор... Афсуски сиз текширишни давом эттирмакчисиз... Бўлмаса эртагаёқ уни қопқонга туширар эдим.

Катта кўчадан энди уй томон бурилган эдик, рўпарамиздан Арслонбеков юборган одам — Андрей чиқиб келди. Кечқурун яна бекникига борадиган бўлганим учун Андрей билан ҳозирнинг ўзидаёқ гаплашиб олмоқчи бўлдим. Унга ишора билан орқамиздан юришни айтдим.

Роберт ва Дэвидга зарур топшириқларни бериб, ўзим меҳмон билан қолгач, эшикни бекитдим. Биринчи қарашдаёқ у ҳеч қанақа Андрей эмаслигини, бу шунчаки тўқилган лақаб эканлигини пайқаган эдим. У ўрта бўй, озгин, кўринишдан эллик ёшлардаги киши эди. Бошида деярли сочи йўқ, пешанасидан бошининг қоқ ўртасигача ялтиларди. Мен уни чекишга таклиф этдим.

— Қани, келинг, энди танишайлик. Қим бўласиз?

Меҳмон эгилганча ўтирарди. У папиросни олиб, этсиз бармоқлари билан эзгилай бошлади. Сўнгра шошилмай тутатиб, анчагина тутун ютди. Ниҳоят тутун орасидан менга қаради:

— Шошилмаётган бўлсангиз, олисроқдан бошламоқчи эдим.

— Йўқ, шошилмаяпман. Гапираверинг...

У яна бошини эгиб, тутун бурқситди. Сўнгра қаддини ростлаб, гапира бошлади:

— Мен капитан Кирсанов бўламан... Юрий Алексеевич... Большевиклар гулгуласи кунларида Хивада, полковник Зайцев қисмида эдим. Большевиклар Туркистонда ҳокимиятни ўз қўлларига олишипти деган овоза тарқалгач, офицерларимиз тўпланишди ва қисқа йиғилишдан сўнг бир овоздан Муваққат ҳукуматга содиқ қолишга қарор қилишди. Ўз одамларини Оренбург ва Уралдаги казак қисмлари штабларига жўнатишди. Орадан кўп ўтмай, Тошкентдан большевиклардан буйруқ кетидан буйруқ ёғила бошлади. Биз уларни бажарганимиз йўқ, албатта, печкага ташладик. Хивада казак полкидан ташқари, бошқа рус қисмлари ҳам бор эди. Тошкентдан большевиклар келиб, гарнизонга гулгула солдилар. Солдатлар уларни уй-уйларига жўнатишни талаб эта бошладилар. Ғалаён бошланди...

Бу — кўп ўтмай бизнинг казакларимизга ҳам таъсир этди. Жиддий хавф туғилди. Яхшиямки, худди шу вақтда, йигирманчи декабрда Оренбургдан буйруқ келиб қолди. Унда Ўрта Осиёдаги барча казакларни Оренбургга тўплаш кўрсатилган эди. Биз шу заҳотиёқ Туркистондаги казак дивизиясига чопар юбориб, биргаликда Тошкент орқали Оренбургга ўтишни таклиф этдик. Уша вақтда Хивага Қўқонда эндигина барпо этилган мусулмон ҳукуматининг вакили келди. У ўз ҳукумати номидан полковник Зайцевга Туркистондаги большевикларга қарши курашаётган кучларни қўллаб-қувватлашни, уларни бирлаштириб, Тошкент томон юришни таклиф этди. Зайцев рози бўлди. Бошда бизлар Чоржўйни забт этдик, у ерда советлар ҳокимиятини ағдариб, Муваққат ҳукумат маҳкамаларини тикладик. Шу орада Чоржўйга бошқа шаҳарлардан ҳам казак ҳарбий қисмлари етиб келишди. Жами бўлиб, қарийб икки минг казак йиғилди...

Мен суҳбатдошим жуда олисга саёҳат бошлаганини, ҳали-бери гапини тугатиш ниятида эмаслигини пайқа-

дим. Тез-тез йўталиб, уни шошилтирмоқчи бўлдим. Аммо у менинг шамаларимга заррача ҳам эътибор бермас эди. Унга халақит беришга тўғри келади. Уримдан туриб, шакафдан коньяк шишаси ва иккита стакан олдим.

— Хўш, кейин... Тошкентга боргандирсизлар... Самарқандни забт этгандирсизлар... Шундайми?— дея Қирсанов саргузаштлари ҳақидаги ҳикояни усталик билан қисқартиб, сўрадим мен.

Аммо капитан менинг ишорамни яна тушунмади. Рухсат сўраб, у яна чекди ва боягидай шошилмай ганини давом эттирди:

— Ҳа, маълум даражада ҳозирлик кўргач, биз Тошкент томон йўдик. Йўлда дуч келган қизил гвардиячини қуролисизлантириб, совет ҳокимиятини ағдариб кетдик. Самарқанд вокзалини, ҳатто қалъани забт этдик. Большевиклар саросимага тушиб қолдилар. Большевикларнинг таги бўшаб қолганига ҳеч қандай шубҳа қолмагандай бўлиб туюлган эди. Тўсатдан кутилмаган ҳодиса рўй берди: қизгин жанг кетаётганда, казаклардан бир қисми қизил гвардиячилар томонига ўтиб олди. Тошкентдан ҳам қўшимча куч етиб келди. Шундан сўнг казакларнинг қолганлари ҳам қуроллари ташладилар. Йигирматачагина офицер қолди. Биз ҳам ҳаракатимизни қилиб шошилмасак, большевиклар қўлига тушар эдик, шунинг учун ҳаммамиз тумтарақай бўлиб қочдик. Минг машаққат билан Тошкентга етиб олдим. Ундан Еттисувга ўтмоқчи эдим. Ҳатто маҳаллий кишилардан бири билан келишиб ҳам қўйган эдим. Аммо ўша йўлга чиқадиган тунда мени қамашди. Бир ойча қамоқда ётдим. Сўнг ҳарбий ташкилотдагилар ёрдамида қочдим. Уч ойча Эргашбой отрядида бўлдим. Сўнггра яна Тошкентга бордим. Мана энди Арслонбеков ёрдамчиларидан бири сифатида ишлаяпман.

Капитан ҳикоясини тугатди. Мен яна унга коньяк қуйдим. У оғир хўрсиниб ва афтини буриштириб, индамай стакандаги бор коньякни нафас олмай кўтарди. Мен нима қиларкин деб унга яна қуйдим. Капитан менга синчиклаб қаради-да, яна сўзини давом эттирди:

— Тошкентда биз майор Бёйли билан тез-тез учрашиб турар эдик. Бинобарин, жаноб полковник, мен билан тортинмай гаплашаверишингиз мумкин. Сиздан яширадиганим йўқ: солдатингизман. Аммо ёлланган солдат. Ҳақини тўлангу, буюраверинг...

Очиғини айтсам, мен ҳайрон бўлиб қолган эдим. Ҳали умримда бунақа нусхага дуч келмаган эдим. «Ҳақини тўлангу, буюраверинг...» Хўш, шу гапдан кейин унга нима дейиш мумкин?

Капитан феъллим айнаганини сизди шекилли, стаканга қўл чўза туриб:

— Мен ҳаддан ташқари очиқ гапириб қўйдим шекилли?— деб қўшиб қўйди ва истеҳзо билан кулди.

— Очиқ гапирганингиздан хурсандман,— деб жавоб бердим ўзимни осойишта тутиб.— Бироқ, капитан, менга шуни айтингчи, қандай қилиб шу аҳволга тушиб қолдингиз? Бунга сизни ким мажбур қилди?

— Ҳаёт! Ҳаёт мажбур қилди!— Капитан қайнаб гапирар эди.— Биласизми, ким эдим?

— Князми?

— Йўқ.

— Графми?

— Йўқ.

— Унда ким бўлгансиз?

— Соф виждоли киши эдим. Ҳақ иш учун ўзимни ўтга ташлашга ҳам тайёр эдим! Энди эса пул учун ишлайман. Фақат пул учун!

Капитан бир кўтаришда стаканини бўшатиб, яна сўзида давом этди:

— Ватан, шараф, виждон... Буларнинг бари сариқ чақага ҳам арзимас экан. Буни ҳарбий ташкилотдаги одамлар билан учраша бошлаганимдан кейин билдим. Сиз «Туркистон ҳарбий ташкилотининг» бошлиғи генерал Джунковский Ватанини севгани учун ишлаяпти, деб ўйлайсизми. Бўлмаган гап! Пул учун ишлайди... Фақат пул учун! Ўз манфаати учун! Россия тақдири қил устида... Унинг ўтмишини топтамоқдалар... Келажагига хавф солаётирлар... Ташкилотдагилар эса бир тийин устида бир-бирларини бўғиб ўлдиришдан ҳам тоймайдилар. Уч ойдан ортиқроқ вақт ичида мен ҳарбий ташкилот кассасига яқин турдим. Улар сизлардан олаётган миллионларни қасб қасб сарфлаётганини билсангиз, бир тийин ҳам бермас эдингиз! Улар сизларни алдашяпти. Ҳеч бўлмаса, ҳарбий ташкилотдан олган маълумотларни олиб кўрайлик. Ахир уларнинг кўпини мен ўз қўлим билан ёзганман! Шу маълумотларнинг лоақал ўндан бири тўғри чиққанида ҳам ишлар бошқача бўларди. Ёлғон, уйдирма рақамлар... Ун-ўн беш кишигина виждонан

ишлайди. Қолганлар маош олишни билишади. Сизларнинг ҳисобингиздан танбаллик қилиб, ичкиликбозлик билан овора. Сизларга эса: «Ягона, ишчан ташкилот» барпо этилди, деб юришади. Ишонманглар, буларнинг бариси ёлғон. Уйдирма!

Капитанни тинглаб ўтириб, бошқа нарсани ўйлар эдим: нега энди Арслонбеков чопарликка айнан шу одамни танлади экан? Очиғини айтсам, капитан менга унча ёққани йўқ. Аммо айтган гапларининг ҳаммаси тўғри. Мен бу ғалати нухсанинг гапларини охиригача эшитишга қарор қилдим.

Капитан сўзида давом этди:

— Илгари пул нималигини билмасдим. Олган маошим тирикчилигимга бинойидек етарди. Бироқ энди пулдан қудратлироқ нарса йўқлигини кўрдим. На фақат разиллар, балки юқори лавозимдаги жаноблар ҳам пулга виждонларини согадилар. Мен сизга, жаноб полковник, биргина мисол келтираман: шу йилнинг июнида Асхободдаги бизнинг одамларимиз сизларнинг Машҳададаги миёсияларингиздан «Туркистон ҳарбий ташкилоти учун» олти миллион сўм олдилар. Шундай савол туғилди: бу пулларни олиш учун Асхободга кимни юбориш керак? Раҳбарлар ташкилот қатнашчилари бўлган уч аёлни юборишга қарор қилди. Мен қарши чиқдим. Қулоқ солишмади. Оқибат-пировардида нима бўлгани сизга менидан кўра кўпроқ аён: бу аёлларнинг ҳар бири икки миллиондан пулни этаги остига уриб, гумдон бўлишди. Улар кимлар эди, деб ўйлайсиз? Юборган кишиларнинг ўйнашлари. Россиянинг шон-шарафини ҳимоя этиш учун бераётган пулларингиз фоҳишалар қўлига тушмоқда. Хўш, бунисига нима дейсиз?

Мен ўтирган вазиятимни бузмай, стаканни гоҳ кўтариб, гоҳ қўйиб жим ўтирардим. Менинг индамай ўтирганимни кўриб капитан янада кўпроқ гапирарди. У биров тўхтатиб қўядигандай нафас олишга ҳам улгурмай шошилиб, сўзида давом этарди:

— Жойларда аҳвол бундан ҳам ёмон. Мен сизга уч ой Эргашбойнинг йўлтўсарлари билан бўлганимни боя айтдим. Сўз тополмай қолди, деб ўйламанг. Улар чиндан ҳам йўлтўсарлар, ҳақиқий йўлтўсарлар! Одам ўлдириш, тўнаш, вайрон қилиш... Ҳамма ишда бой намуна кўрсатади. У ҳарбий ташкилотдан йигитларга деб пул олади. Шартлашилганига кўра ҳар бир йигитга

ўн-ўн беш сўмдан берилиши керак. У эса бир тийин ҳам бермайди. Миллионлаб сўмни қўрбошилар билан бўлишиб олади. Шунинг ўзи бўлса қани эди... Энг ёмони — таянса бўладиган куч йўқ. Менга ишонаверинг, Эргашбой, Эшматбой... Уларнинг бутун тўдаларини бир неча юз казак билан деворга чалпак қилса бўлади. Мени алдаяпти деб ўйламанг. Бу — тўппа-тўғри гап.

Капитан менга сўзлари қанчалик таъсир этганини билиш учун бўлса керак, савол назари билан қараб қўйди. Мен ҳам унга совуқ ва синовчан назар билан қараб қўйдим. У кўзини олиб қочди-да, сўнгра коньякдан яна бир ҳўплаб, мурожаат қилди:

— Гапим тугади, жаноб полковник!— деди.

Мен ҳам ичдим. Сўнгра суҳбатдошимга яна ўша совуқ назар билан қараб:

— Демак, сиз пул учун ишлайсиз. Шундайми?— дедим.

— Ҳа... Фақат пул учун! Бойгим келади. Шунини ҳам айтиб қўяй, мен билан ишлаш жуда қулай: аввал топшириқни бажараман, шундан кейингина ҳақини олишга келаман.

— Худди ая шу сизга ўхшаганлар большевиклар учун керак. Келажак ҳисобидан улар истаганча вексел беришлари мумкин, дейишади.

— Йўқ, жаноб полковник. Мен одамлар билан ишлайман. Большевиклар мен учун — одам эмас!

Мен ўрнимдан туриб, хотималадим:

— Ундай бўлса, жаноб капитан, бориб дамингизни олинг. Бу сизга биринчи топшириқ. Ҳақини кейин гап-лашамиз.

Капитан портсигарни чўнтагига солди ва ҳатто менга қарамай чиқиб кетди.

Биз капитан Дейли билан бекникига келганимизда қуёш ботаётган эди. Бек бизни ўз ҳовлисида қабул қилди. Деворлари пишиқ ғишдан баланд қилиб кўтарилган дарвоза олдида бекнинг соқчилари саф тортиб туришарди. Ҳаммалари бўйдор, хушқомат йигитлар. Улар бизни тантанавор ҳолатда, милтиқ билан ҳарбийча салом бериб кутиб олишди. Қатта темир дарвоза ланг очиқ. Биз ҳовлига кирдик. Ҳар икки томони гулзор қилинган чиройли йўлкага гиламлар тўшалган. Ҳовлининг ўртасидаги бинога олиб борадиган йўлга бир хил:

катта-кичикдаги чўғдек гиламлар тўшалган эди. Шарқ ҳукмдорларига хос бу бемаъни ҳашам ҳамиша асабимни қўзғатади. Рост-да, наҳотки туйғуни, албатта шу йўл билан ифода этиш зарур бўлса?

Бек бизни айвон зинасида кутиб олди. У башанг кийинган. Устида янги зарбоф тўн. Салласига марваридлар қадалган. Унинг бутун уст-боши, пойафзалигача ялтиллар эди. Соқол ва мўйловлари яхшилаб текисланган. Балки шунинг учундир, унинг силлиқ қирилган чўзинчоқ юзи кундузгидан ёшроқ кўринди назаримда. Умуман бек ўзига жуда қараб юрадиганга ўхшайди: унинг қомати келишган. Енгил ҳаракат қилишидан печа ёшдалигини ҳам билолмайсан. Ташқи қиёфасига қараган киши қирқ бешдан ошмаган дейди.

Биз европача ясатиғлиқ залга кирдик. Деворнинг бир томонига амир Саид Олимхоннинг, иккинчисига — Николай II нинг қўлларини қиличига тираб турган ҳолда тушган сурати осиглиқ эди. Мен юмшоқ диванга ўтирдим-да, император портретига қараб туриб, заҳар-ханда билан дедим:

— Империя қулади, император эса оғишмай турибди!

Бек чуқур хўрсиниб, жавоб берди:

— Империя император қулагандан кейин қулади. Агар император қолганида. Россия қуламас эди!

Зиёфат устида бек Петербурга қилган сафари, император ҳузурида меҳмонда бўлганини гапириб, император совғаси — сопига қимматбаҳо тошлар қадалган қилични кўрсатди. Пировардида яна императорни кўкларга кўтарди:

— Биз, бухороликлар, оқ подшонинг оталарча қилган гамхўрликларини сира унутмаймиз. Унинг марҳамати соясида Бухоро роҳат-фароғатда яшади. Ҳамма ёқда осойишталик ва тинчлик ҳукмрон эди. Мана, энди ёруғлик ва фароғат ўрнини қоронғилик, қуруқ зўравонлик эгаллади. Мамлакат хўжасиз қолгани учун шундай бўлди. «Бошсиз тана — жасад», деб бежиз айтмаганлар. Россия энди нафаси чиқмай қолган жасад.

Бек яна анчагача вайсади, аммо унинг мулоҳазаларини ортиқча эътибор билан тингламадим. Дастурхон устига қўйилган нарсаларни қизиқиб кўздан кечирдим. Унда жуда кўп шиша турар эди: ароқ, ҳар хил коньяклар, шампанское. Ҳатто шотланд вискиси ҳам бор эди.

Чиройли олтин қутичага солинган «Корона» сигарасидан бирини олдим ва бекдан сўрадим:

— Петербургда сизга ароқ ичишни ҳам ўргатишти-ти-да?

Бек ҳам сигарадан олди. Чўнтагидан олтин соатини чиқариб, унинг йўғон запжирига қадаб қўйилган машинка билан сигаранинг учини қирқиб ташлади, кулиб туриб, мамнун ҳолда гапирди:

— Ароқ ичишни бизлар руслар келган дастлабки куниеқ ўрганиб олганмиз. Ахир спиртли ичимлик истеъмол қилиш гуноҳ эмас. Бу бизнинг жоҳил мулларимиз уни «худо хуш кўрмас» нарса деб жар солишди. Муқаддас қуръонда кайф қиладиган нарсани ичиш ман этилади дейилмаган. Буни муллалар ва охунлар қўшишган. Ичиш гуноҳ эмас, ичиб маст бўлиб, ақлдан бегона бўлиш — гуноҳ!

Бек шампанскоени жуда хуш кўрар экан. У шампанское, биз капитан билан эса Шотландияни хотирлаб, виски ичдик. Бек яна Петербургни хотирлади. Афтидан унга европача урф-одатлар жуда ёқиб қолганга ўхшайди. У театрга борганини, музейларда бўлганини, қандай қилиб рус аёллари билан танишганини гапириб берди. Кўпириб турган шампанское қадаҳини бир кўтаришда бўшатиб, бош чайқади:

— Йўқ, биз ҳали яшашни билмаймиз. Ҳақиқий ҳаёт — ўша ерда!

Мен ҳам бекка Европа ҳақида гапирдим. Бошлар ғувиллай бошлагач, суҳбатни ўзимга керакли томонга бурдим. Бекни очиқ гапиришга даъват этишга интилиб, гапни яна Николай II ҳақида бошладим:

— Тақдир шунақа экан-да! Ахир жуда катта бир империянинг эгаси эди. Худонинг иродасидан ҳам бўлак аллақандай қудратли куч борлигини сира ўйламаган бўлса керак. Пировардида бир тўда чувриндиларни енголмай, дунёдан ўтиб кетди!

Бек синчковлик билан менга қаради, аммо индамади. Мен давом эттирдим:

— Менимча, Россияни унинг тақдирини ҳал қиладиганларнинг совуққонлиги ва бепарволиги ҳалокатга олиб борди. Сиз нима дейсиз, жаноби бек?

Бек яна савол назари билан менга қаради, сўнгра секин гап бошлади:

— Гап фақат бепарволикда эмас, жаноб полковник.

Шундай вақтлар бўладики, ҳаёт энг кучли одамларни ҳам ғафлатда қолдиради. Мана, биз ҳам оғир аҳволга тушганимизни ҳис этиб турибмиз. Большевиклар бизни ҳамма томондан ўраб олишди, ҳатто мамлакат ичкари-сига ҳам кирдилар. Янги Бухоро, Чоржўй, Карки, Термиз ҳам бир ҳисобда ўшаларнинг қўлида. Нима қилайлик? Биз зарба бермоқчи эдик. Уддасидан чиқолмадик! Ҳазир ўзимиз тойиб кетишимизга сал қолди. Қизил гвардиячилар ҳужумни давом эттираверганларида, Бухорога етиб келардилар. Аммо эгамнинг ўзи асради. Мана энди ўзингиз айтинг-чи, нима қилишимиз керак? Амир жаноблари ўрнида сиз ўтирибсиз, деб фараз қилайлик... Нима қилардингиз?

Очиғини айтганда, бек шунақа очиқ гапирди деб ўйламаган эдим. У рўй-рост гапирди. Шунинг учун мен ҳам такаллуф қилиб ўтирмай, очиқ гапирдим:

— Нима қилиш кераклиги аниқ. Большевиклар орқа-ўнгларига қарамай, Чоржўйга қочдилар. Худди шу пайт уларнинг елкаларига тушириб, икки ёқдан сиқиб бориш лозим эди. Аммо қулай фурсат қўлдан бой берилди.

Бек: «Бўлмаган гапни қўйсангизчи» дегандай киноя билан хиёл илжайди.

— Бизнинг ҳам елкамиз бор. Улар куч тўплаб, бизнинг елкамизга уришганда нима бўларди?

— Улар уришолмасди. Чоржўйни забт этгач, бутун кучларни Тошкентга юбориш мумкин эди.

— Қайси кучларни?— Бек менга тик қараб, сўнгра шоша-пиша қўшиб қўйди.— Биз, жаноб полковник, одамларни ўша заҳотиёқ Закаспий фронтга юбордик. Ушанда Равнина станциясида жанглар давом этиб турган эди. Одамларимиз оқларда етарли куч йўқлигини, фронтни асосан сизнинг унча катта бўлмаган отрядингиз сақлаб турганини, аҳвол яқин кунлар ичида ўзгаришини, большевикларнинг қўли баланд келишини хабар қилишди. Улар ҳақ бўлиб чиқишди. Орадан ярим ой ҳам ўтмай, большевиклар Қаахкагача етишди. Шундай вазиятда таваккал қилиб бўладими?

Бек терлаган пешанасини артиб, бирпас индамай турди, сўнгра яна гапирди бошлади:

— Тўғриси айтганда, сизлар Закаспийга катгароқ куч ташлайсизлар, деб кутган эдик. Аммо умидларимиз пучга чиқди. Сўнгра, жаноб полковник, сиздан яшириб

ўтиришнинг ҳожати йўқ: ички аҳволимиз унчалик яхши эмас. Халқ бошвоқсиз қолди. Эҳтимол эшитгандирсиз, бундан бир ҳафтагина олдин бизнинг вилоятимизда ғалаён кўтарилди. Жаноб қушбеги келиб, шахсан ўзи тартиб ўрнатди. Бухорога борган бўлсангиз, биласиз, албатта. Шаҳарнинг бош дарвозаси Қавола деб номланган. У бизнинг шахримиз Қаршига қараб очилади. Бизнинг жойларимизда шундай аҳвол содир бўлиб турганидан кейин, бошқа жойларда қандай бўларди, деб ўйлайсиз?

Мен маъноли кулдим:

— Қисқаси, сиз ғалаба бонги чалинишини кутяпсиз.

Шундайми?

— Йўқ!— дея жавоб қайтарди бек ўша заҳоти.—

Ҳақ иш учун олиб борилаётган курашдан четда туришимиз мумкин эмаслигини, бугун бўлмаса эртага большевиклар билан барибир ҳаёт-мамонт жангига киришга тўғри келишини тушуниб турибмиз. Аммо биз бемаврит таваккал қилмоқчи эмасмиз. Тўғрироғи, қўрқамиз... Ҳа, ҳа... Мен тўғриси айтман, жаноб полковник! Олам-паноҳ амир ҳам, қушбеги жаноб олийлари ҳам бундай очиқчасига иқрор бўлмайдилар. Мен оддий кишиман. Чиройли гапиролмайман, юрагимдагини айтаман-қўяман.

Мен «Корона» сигарасидан яна бирини олдим. Уни чекаётганимга қараб туриб, бек сўзини қизгин давом эттирди:

— Биз бировнинг ҳомийлигида яшашга ўрганганимиз. Агар ишончли ҳомий топганимизга имонимиз комил бўлса...— Бек Николай II нинг суратига назар ташлади.— Унда биз мана бу суратни алмаштиришимиз мумкин.

Капитан бекнинг сўзларини ундан кўз узмай тинглар эди. У маслаҳат сўрайдиган одамдай менга қаради ва гапга қўшилди:

— Жаноб бек, «биз» деганда кимни назарда тутасиз?

— Биринчи навбатда ўзимни... Шахсан шу нарсага имоним комилки, Бухорода ҳомийсиз яшаб бўлмайди. Уни фақат икки давлат қўллаб-қувватлаши мумкин: Россия билан Англия. Ё униси, ёки буниси. Шу пайтгача биз Россия ҳомийлигида осойишта яшадик. Ёлгон бўлса, мана, қўлимда нон, парвардигор урсин! Ҳазрати оқ под-

шонинг муқаддас сояларида биз узоқ йиллар кулфат нималигини билмай яшадик. У урф-одатларимиз, тартибларимизни бузмади, шон-шуҳратимиз, кадр-қимматимизни паймол этгани йўқ. Аксинча, керак бўлганда оталарча гамхўрлик кўрсатиб, бизни қўллаб-қувватлар эди. Биз ўла-ўлгунча ундан миннатдормиз. Мана энди, кўриб турибсиз, Россиянинг ўзи ўт ичида. Тақдир палласининг қай томони тош босиши номаълум. Шавкатли жаноб амиримизнинг бу ҳақдаги фикри қандайлигини билмайману, аммо қушбеги жаноблари билан суҳбатлашдим. У киши ҳам: «Энди бизни инглизлардан бошқа ҳеч ким қўллаб-қувватлай олмайди»,— деяптилар. Очиқ гапирётганим учун кечирингу, аммо ўрни келганда шуни ҳам айтаманки, шак-шубҳа ичимизни таталаяпти: сизлар ё Закаспийга умуман қўшин юбормасликларингиз ёки модэмизи шундай қилган экансизлар, дурустроқ юбориш керак эди. Солдатларингизнинг оқлар билан бирга чекниши, очиқ айтганда, бизни жуда ҳайратга солди, ҳатто нафсониятимизга ҳам теғди. Большевиклар эса янада руҳланиб кетдилар.

Генерал Маллесоннинг сўзлари эсимга тушди: «Йўқ, полковник. Нотўғри гапиряпсиз. Агар эртага большевиклар Тошкентдан мадад олишиб, бизга шаталоқ отиб қочишга тўғри келса... Унда оқибати нима бўлишини биласизми?» Генерал ҳақ гапни айтган экан. Буни энди сезяпман. Аҳвол жуда оғир ва уни фақат оғиздаги куч билангина тўғрилаб олишнинг иложи бўлмаса керак.

Бек лабини артиб, қўшиб қўйди.

— Яна бир нарсани айтиб қўймоқчиман, жаноб полковник... Тўғриси айтганда, большевиклар биз кутгандан кучлироқ эканлар. Улар тоғ оқимига ўхшайдилар: бир жўйдан йўлини тўссанг, иккинчи ёқдан ёпирилиб келишади. Менга ишонаверинг: тошкентликлар ишташса, бир неча кун ичидаёқ минг-минглаб қўшин тўплай оладилар. Ер юзидан нима кўп— оч билан қашшоқ. Яна буларнинг ҳаммаси большевиклар тарафида.

Нариги хонадан тақиллатишди. Бек эшикка қарамади, ҳатто қимир этмади. У бизга коньяк, ўзига эса шампанское қуйиб, соғлиғимиз учун кўтарди. Сўнгра ўрнидан туриб, эшикни ичкаридан бекитиб олди-да, менга мурожаат қилиб гапирди:

— Энди қаршилиқ кўрсатмасангиз, дастурхонга ўтайлик.

Қўшни хонага ўтдик. У ерда катта стол устида жуда кўп таомлар қўйилган эди. Аммо энди шарбатдан бўлак ҳеч қандай ичимлик йўқ

Тўғриси айтсам, очиқиб қолдим. Кўтарилган бир неча қадаҳ шароб иштаҳани очган эди. Беихтиёр менда бошқа бир кайфият содир бўлди. Энди сиёсатдан холироқ туриб, эркин нафас олмоқчи эдим. Буғ кўтарилаётган товоқдан иккита қўй қовурғасини олиб, тақсимчага ташладим-да, бекдан сўрадим:

— Мабодо Петербургдан ўзингиз билан бирга биронта малларанг сочи рус қизини ола келмаганми-дингиз?

Бек суҳбат мавзуи ўзгарганини тушуниб, хушчақчақлик билан пилиб кетди:

— Э, малларанг сочи қизлар шу ерда ҳам оз эмас... Аммо бизнинг изимиздан қолмай, мана бу лаънати мулла ва охунлар пойлашади. Қўл-оёғимизни ипсиз боғлаб қўйишган. Тақиқ, тақиқ... Ўзлари нималар қилишмайди!

Бекка ҳазил қилдим:

— Руҳонийлардан сиз ҳам қўрқасизми?

— Э-э, нимасини айтасиз! Қўрқмасам шишаларни у ёқда қолдирармидим? Халқимизда: «Хуфя есанг тўйиб е» деган яхши нақл бор. Сиз билан жон деб яна бир неча қадаҳ шампанское ичардим...

Бек ачингандай бош чайқаб, шарбатни бир хўплади-да, қўшиб қўйди:— Руҳонийлардан шавкатли амир ҳазратлари ҳам қўрқиб турадилар!

Бек бешини қуйи солди, юзидаги табассумни йиғиб олди-да, жим қолди. Кўриб турибман, ниманидир гапирмоқчи. Томоғини яна шарбат билан чайқаб, сўз бошлади:

— Оқ подшо жаноб олийларининг рафиқаларини Александра Федоровна деб аташарди. Жуда яхши аёл эди. Мендан: «Нечта хотининг бор?»— деб сўради. Мен: «Бор-йўғи иккита» деб жавоб бердим.—«Нима, озми бу?»— деб савол берди. «Петербург учун кўп, Бухоро учун эса оз»,— дедим мен. «Фарқи нима?» дея сўради у. Мен «Петербургда ҳар куни янги бир қиз билан танишиш мумкин. Бизда эса ўзингизникидан бошқасига қараб бўлмайди»,— деб жавоб бердим. Подшо ҳам, рафиқаси ҳам астойдил кулишди.— Бек чуқур хўрсиниб, деди:— Ҳаёт ўша ёқда. Бизнинг ҳаётимиз дақёнусдан қолган. Ҳеч қанақа янгилик йўқ. Инсон қалби эса

янгиликни истайди. «Эски китоб ўқисанг ҳам, янгилик изла» деб бекорга айтмаганлар.

Маълум бўлишича, бек шоирларни хуш кўраркан, ҳатто ўзи ҳам шеър ёзаркан. Айримларини ўқиб берди. Капитан Дейли уни қизиқиб тинглади ва мақтади. Мен бекни синчковлаб кузатиб ўтирдим. Афтидан у европача ҳаёт лаззатини татиб, осиечилик меъдасига теккан шарқ ҳукмдорлариданга ўхшаб қолди. Бундай одамларга биз жуда қизиқамиз. Уларни Лондондаги тошдан ёғ сиқиб олишга қобил корчалонлар даврасига кўшиб қўйиб, йўл-йўриқ кўрсатса борми. Улар қалби европача осиеликка айланадилар. Ўзингизга маълумки, қалбга ўрнашиб қолган нарса, пўлатдан ҳам мустаҳкам бўлади.

Зиёфат чўзилиб кетди. Суҳбат мавзуи ўзгариб турди. Ниҳоят, кеч бўлганини айтиб, бек бизни тунаб қолишга таклиф этди. Очигини айтганда, биз қаршилиқ кўрсатмадик. Соат иккидан ошганда, менга ажратилган хонага бордик, у мен билан хайрлашди-да, кетди. Ёлғиз қолдим. Салла-тўнимни энди ечган ҳам эдимки, эшик очилди ва остонада ёшгина аёл пайдо бўлди. Қўлида кичкина ёстиқча. Мени кўргач, аёл бир сесканиб, тўхтаб қолди. Мен унга ўзбек тилида мурожаат этдим:

— Кириг, кириг. Қўрқманг!

У қўрқа-писа уйга кирди, кичик ёстиқчани катта ёстиқ устига қўйиб, ўринни қайтадан тузатди.

— Бир дақиқа сабр қилинг! — Мен уни тўхтатдим. Аёл довдираб ерга қаради. Унга яқинлашиб ва овозимни мумкин қадар юмшатиб, сўзимда давом этдим: — Отингиз нима?

Аёл яшил шойи рўмолининг учини ҳимариб, тескари қараб жим турарди. Мен яна ҳам яқин бордим.

— Тортинмай гапираверинг... Отингиз нима? А?..

— Нимча, — дея секин жавоб берди аёл.

— Нима? Нимча дедингизми?

— Ҳа.

— Қаердансиз? Ўзбекми?

— Йўқ... Ашкун...

— Ашкун?

— Ҳа...

«Ашкун, ашкун», — дея ўзимча қайтардим. Бу сўз менга танишдек туюляпти. Афғонистоннинг шимолишарқий қисмидаги жой — Кофиристондаги асосий қа-

билалардан бири «Ашкун» деб аталар эди. Наҳотки бу аёл ўша ёқдан бўлса? Мен унинг қўлидан ушладим.

— Қани, менга қарагин-чи... Қўрқма... бошингни кўтар, — дедим унинг юзини кўрмоқчи бўлиб.

Нимча қўлини тортиб олмади, аммо бошини ҳам кўтармади. Мен унинг ёстиқни бекорга олиб келмаганини пайқаб, дадилроқ ҳаракат қила бошладим, иккинчи қўлини ҳам олиб, секин бағримга тортдим. Нимча бир сесканди-ю, бағримдан чиқишга ҳаракат қилмади. Энди мен қатъийроқ қилиб буюрдим:

— Бошингизни кўтаринг!

Нимча секин бошини кўтарди. Мен унинг чиройли оппоқ юзига, денгиз сувидек тиниқ мовий кўзларига астойдил тикилдим. Ҳа, Нимча Кофиристондан эди. Шимолишарқий Ҳиндистонда, Дардистонда мен Кофиристонда туғилган бир аёлни учратган эдим. У ҳам Нимча сингари баланд бўйли, ҳушқомат, оқ юзли эди. Аммо Нимчадан ёшроқ эди. Бунинг ёши ҳар ҳолда қирқларга бориб қолган: пешанасига ҳам, узун, чиройли бўйнига ҳам майда ажинлар из солган эди.

Мен Нимчани диванга ўтқаздим ва унинг маънос кўзларига тикилиб яна сўроққа тутдим:

— Сиз Кофиристонданмисиз?

— Ҳа.

— Бу ёққа қандай қилиб келиб қолгансиз?

Жавоб ўрнига Нимча чуқур хўрсинди. У менга жуда ҳайратланиб бир боқди-да, бошидан ўтганларини ҳикоя қила бошлади. Унинг сўзларига қараганда, етти ёшида у оиласи билан афғонлар қўлига асир тушган. Унинг бўйи етгач, бухоролик бир савдогарга сотишипти. Савдогар эса уни амирга тортиқ қилипти. У ҳаётининг энг ширин дамларини ҳарамда ўтказган. Бундан бир неча йил муқаддам амир уни ҳарамдан чиқаради ва ҳаётининг охиригача ҳомийлик қилишни бекка буюради.

Тўғриси айтсам, Нимчадан ўтмишини сўзлаб беришни сўраганимга пушаймон бўлдим. Унинг кўзларида ёш ҳалқаланди ва тўсатдан хўнграб юборди. Мен нима қилишимни билмай, довдираб қолдим. Таскин беришга тилим айланмасди. Нима деб ҳам таскин берардим. Худода ёлвор... Парвардигорнинг ўзи қўлласин... Бошқа нима ҳам деб бўларди?

Бошқа сўз тополмай мен хаёлан унинг исмини қай-

тардим — Нимча. Шошма, шошма... Ахир афгонлар мусулмон динига кирган кофиристонликларни «Нимча» деб атайдилар шекилли? Буни қаердадир ўқиганман. Қаерда ўқиган эканман? Эсимда йўқ... Аммо ўқиганим аниқ. Унда ҳақиқий исми нима экан?

Жуда жиддий ўйланиб қолганга ўхшайман. Нимча кўзларини артиб, ўрнидан тураётиб:

— Бошқа нарса керак бўлмаса, мен кетай, — деди. Бейхтиёр унинг қўлини қўйиб юбордим.

\* \*  
\*

Кун оқара бошлаганда ухлаб қолибман. Кеч турдим. Бек билан капитан мени меҳмонхонада кутиб ўтирган эканлар. Ҳеч нарса ичгим ҳам, егим ҳам келмасди. Бек ичида мендан кулаётгандай бўлиб туюлди. У менинг маълум муддат Нимча билан бўлганимни билар эди, албатта. Балки нима бўлганини Нимчадан сўраб ҳам олгандир? Бунисини билмадим... Ҳар ҳолда уни тезгина жўнатганим яхши бўлди. Шу ҳақда ўйлаб, анча енгил нафас олдим.

Биз бир пиёладан чой ичиб, бек билан хайрлашдикда, уйга жўнадик. Яна яёв қайтдик. Йўлда капитандан «Нимча» сўзининг маъносини сўрадим.

— Нимча, — деди у, — «ярим динчи» дегани. Афгонлар мусулмон динига кирган сиёҳпушларни<sup>1</sup> «нимча» деб аташган... Нима эди? Бу сизга нимага керак бўлиб қолди?

— Ўзим, шундай... Эсимга келиб, сўрадим...

«Шўрликка ҳатто инсонга хос исм ҳам қўйишмапти», — деб ўйладим ўзимча ва гапни тезда бошқа ёққа бурдим.

— Қалай, бекнинг очиқ гапиргани сенга маъқул бўлдимми?

Капитан илжайиб қўйди.

— Менимча, биз ўзига хос шарқ дипломатияси билан юзма-юз бўлдик. Амирнинг рухсатисиз бек ҳеч қачон бунақа очиқ гапирмас эди. У, албатта, амирнинг фикрини айтди. Эсингиздами, у: «Шавкатли амир ҳам, қушбеги

<sup>1</sup> Сиёҳпуш — тоғли Нуристон (собиқ Кофиристон)даги унча катта бўлмаган қабилалардан бири.

жаноблари ҳам шунчалик иқрор бўлиб гапирмайдилар», — деди. Амирнинг бундай дейиши мумкин эмас. Бу тиз чўкиш билан баробар. Амир эса, нима бўлганда ҳам ҳукмдор... Шунинг учун ўйлаганларини ўз яқинлари орқали етказди. Бек аллақачон амирга чопар юбориб, биз билан бўлган гапларни батафсил етказган, албатта. Уларнинг аҳволи чиндан ҳам оғир. Амирнинг тахти лиқиллаб турибди. Улар тахтнинг пойдевори чириган биносингари қулаб кетишидан хавотирдалар. Улар қуламаслик учун истаган ҳомийликни қабул қилишга розилар...

Капитан ҳақ эди: бухороликларнинг аҳволи ҳавас қилгудек эмас, тахт чиндан ҳам қалқиб турибди. Бироқ амирнинг ўзи буни тушунаётганмикин? Энди менда амир билан тезроқ учрашиш истаги пайдо бўлди.

## 18

Бухорога олағовур бўлаётган кунда келдик. Бутун шаҳар штурм вақтидаги шамолдек қайнар эди. Дўконлар берк, маҳкамалар ишламаяпти, шунингдек, мадрасалар ҳам... Бутун шаҳар аҳолиси кўчага чиққан эди.

Марказий майдон — Регистонда шовқин-сурон шу қадар авжига минган эдики, унинг акс-садосини шаҳарнинг чекка ҳовлиларидан ҳам эшитиш мумкин эди. Биз ҳам ана шундай ҳовлилардан бирига жойлашдик. Ҳовли кенг ва баҳаво бўлиб, ичкарисида тарвақайлаган кекса дарахтлар соясига, ҳовлига монанд қилиб катта, икки қаватли уй қурилган бўлиб, у алоҳида меҳмонлар учун мўлжалланган бўлиши керак.

Қушбегининг юмушларимизни бажариш учун бизга ажратган маҳсус кишиси, Мўминбой, бугун уйдан чиқмаслигимизни маслаҳат берди. Шаҳардаги тўполоннинг сабабини сўраганимизда, Мўминбой кичкинагина қўлчаси билан чўққи соқолини силаб туриб хушомадгўёна илжайиб, жавоб берди:

— Э, нимасини айтасиз, дунёда ғаламис кўпайди! Янги Бухорода, Чоржўйда — ҳамма ёқда большевиклар халқни йўлдан уряптилар. Бугун солиқларни камайтиришни талаб қилсалар, эртасига «қамоқхоналарда азоб чекиб ётганларни» озод этасан, деб жар соладилар. Худонинг берган кунини — бир янгилик. Мана, бугун ҳам каллаи саҳардан Регистонга йиғилишиб шовқин кўтаришди. Тунда эса кўчаларга шавкатли амир жанобларини бад-

ном қиладиган варақалар ёпиштиришипти. Мана, ўқийман, десангиз...

Мўминбой чўнтагидан чоп этилган, ҳали босмахона бўёғи қуримаган варақани менга узатди. Мен варақани олиб, кўз югуртдим. Сўнгра варақани Мўминбойга қайтариб бераётиб, унинг айёрона, сассиқ кўзан каби ажин босган башарасига қараб туриб:

— Буларни ким тарқатяпти?— деб сўрадим.

— Ҳмм! Ким деб ўйлардингиз? Албатта, большевиклар: Ушалардан бошқа ким: «Яшасин Ленин!» — деб хитоб қила оларди?

— Уларни қаттиқроқ жазоласа бўлмайдими?

— Жазолашяпти. Эртага ҳам иккитасини намоёйш-корона осишади.

— Иккитасини?

— Ҳа... Иккаласи ҳам большевик бўлса керак...

Мўминбой узатган варақани ўқишим билан Арслонбеков Бухородалигини билдим. Варақа унинг одамларининг иши эди. Буни биз олдинроқ келишиб олган эдик. Уни қандай топса бўларкин? У ҳам мени қидираётгандир? Бир йўли бор: Роберт билан Дэвидни шаҳарга чиқариш керак. Балки улар тасодифан полковник билан учрашиб қолишар, айни вақтда аҳвол билан танишадилар. Мўминбойни қўшиб, уларни шаҳарни айланишга жўнатдим. — Узим эса мен учун ажратилган хоналарга ўрнашиб олиб, келажак режаларини туза бошладим.

Аста-секин фикрларим чалкаша бориб, ухлаб қолганимни ўзим ҳам сезмай қолибман. Анчагина ухлабман, кечга яқин уйғондим. Роберт билан Дэвид аллақачон айланиб келишибди. Мен зудлик билан уларни чақириб ахборотларини тингладим. Роберт бир ўзи юрибди. Одатича сўзлари орасида ҳазил-мутойиба қилиб, қуйдагиларни айтди:

— Амир олий ҳазратлари овни шу яқин орадан топиб олиптилар. Хотиржам бўлаверинг, овга бормайсиз.

— Нега?

— У-ў! Шаҳар шунақа тўполонки... Олти киши ўлдирилган, ўнлаб ярадорлар. Жасадлар ҳамон Регистонда ётипти. Амир: «Кечгача олинмасин» деб фармойиш берипти. Эртага яна икки кишини осишармиш. «Битта учқун бутун бошли шаҳарни кулга айлантиради» деб бекорга айтишмаган. Ҳамма гап арзимаган икир-чикирдан бошланипти: Мирараб талабаларидан бири амирга

бир оз хушқўмайдиган шеър ёзиб, бир неча нусха кўчиртириб, мадраса деворларига ёпиштирипти. Миршаблар бундан хабардор бўлгач, ҳамма талабаларни бирма-бир сўроқ қилишипти. Ҳеч ким тан олмапти. Уч талабани зиндонга ташлашипти. Қолган талабалар ўз ўртоқларини ҳимоя қилишга чиқиптилар. Бошқа мадрасаларга ҳам вакил юбориб, бугун амирга арз қилиш учун Регистонда тўпланмоқчи эканликларини маълум қилишибди. Атрофдаги устахоналарнинг ҳунармандлари ва дўкандорлари ҳам уларга қўшилишипти. Амир эса қаттиқ ғазабда экан. У тунда тарқатилган варақани ўқипти. Уша Мўминбой кўрсатган варақани — сўз билан ифода этиб бўлмайдиган даражада ғазабланипти. Қоровулбегига Регистонга тўпланганларни отиб ташлашга фармойиш берипти. У ҳам фармонни зудлик билан амалга оширипти.

Дэвид асосан Робертнинг сўзларини қайтарди. У ҳозиргина капитан Қирсановни кўрипти. Капитаннинг айтишича, полковник Арслонбеков Бухорога кеча эрталаб келган эмиш. У билан берига генерал Боярский билан полковник Қирюхинлар келишипти. Қирсанов рус давлат банкининг хизматчиси Яхневичнинг уйига жойлашганини айтипти. У менинг қаерга жойлашганимни сўрапти, Дэвид ҳали тайини йўқ, деб мужмал жавоб берипти.

Овқатланиб ўтириб, Арслонбеков ва унинг ҳамроҳлари билан бўладиган учрашув ҳақида гаплашдик. Мен бу учрашувнинг аҳамияти катта деб ўйлайман. Ҳарбий куч қанчалигини аниқлаб, Туркистонда большевикларга қарши қатъий кураш олиб боришнинг аниқ режасини белгилаб олишимиз керак. Бундай режани тузиш осон иш эмас. Большевикизм душманлари турли, ҳатто баъзан бизга зид мақсадларни ҳам кўзлашяётган эдилар. Буларнинг ҳаммасини бир мақомга йўрғалайдиган қилиш керак.

Биз кенгашиб, турли хил йўллارни ўйлаб, қоронғи тушгунча ишлабмиз. Баъзи масалаларни қозғошга туширдик. Ишни тугатиб, энди овқатланишга ўтирмақчи бўлиб турган эдик. Арслонбеков келиб қолди. Унинг чеҳраси очик, қора кўзларида табассум ўйнади. Устида йўл-йўл юпқа тўн, бошида оқ салла, оёғида маҳси. У мен билан эски қадрдонидай хушчақчақ кўришди.

— Тошкентга бэргач, касал бўлиб қолдим. Роса бир ҳафта ётиб олдим. Терлама эмасмикин? — деб ўйладим.

Худога шукур, ўтиб кетди. Қаттиқ шамоллаган эканман. Ҳа, майли, бошқа касал бўлмайлик — мен ҳам, сиз ҳам! — дея қўлимни яна бир марта қаттиқ қисиб, сўзини тугатди.

Биз тўртовлон овқатландик. Полковник Тошкентдаги аҳвол ҳақида гапирди. У Шаумян ва унинг ўртоқларининг ўлдирилиши шаҳарни қаттиқ ҳаяжонлантирганини, большевиклар ҳам террорга ўтишлари мумкинлигини ташвишланиб айтди. Мен унга бекорга ташвишланаётганини, ҳозирги вазиятда комиссарларнинг ўлдирилиши табиий бир ҳол эканлигини тушунтиришга ҳаракат қилдим. Аммо Арслонбеков фикримга қўшилмади, у бу воқеа Туркистондаги сиёсатимизга пугур етказиши мумкин, деди. Мен таажжубланган бўлиб:

— Бу ишга бизнинг нима алоқамиз бор? Закаспий ҳукуматининг одамлари ўлдирган, — дедим. Улар ҳам оқибати нима билан тугашини ҳар томонлама ўйлаб кўришган, деб ўйлайман. Сўнгра, келинг, масалага очиқ ёндашайлик. Курашларда тобланган, тажрибали одамларнинг катта бир тўдаси тўсатдан сизнинг орқангизда пайдо бўлишди, деб фараз этайлик. Сиз, дейлик, мамлакат тақдирига жавобгар одамсиз. Қўшинлар қўмондони... Сиз нима қилардингиз?

Полковник индамади. Мен сўзимни давом эттирдим:

— Гап арзимаган одамлар устида эмас, балки таниқли большевиклар, кўпини кўрган кишилар ҳақида борапти. Шаумян ким? Лениннинг Шарқдаги ўнг қўли. Ўртоқлари ҳам таниқли большевиклар. Уларнинг Красноводскда, бизнинг орқамизда пайдо бўлиши... Менимча, бу бутун бошли катта десантдан кам хавф солмайди.

— Барибир ҳаммасини бирдан ўлдириш керак эмас эди, — деб эътироз билдирди Арслонбеков. — Ўзингиз биласиз, мен большевикларга қарши қатъий кураш олиб бориш тарафдориман. Аммо бу ишда ҳам эҳтиёткорлик даркор. Бирдан йигирма олти кишини отишнинг нима ҳожати бор эди? Наҳотки, уларни қамаб қўйиб, биттадан қириш мумкин бўлмаса?

— Бу бошқа масала...

Бунда мен полковникнинг фикрига қўшилдим. Дарҳақиқат, бирдан йигирма олти кишини отиб ташлашнинг нима кераги бор? Бундай эҳтиётсизлик аҳоли ўртасида норозилик туғдириши турган гап. Фараз этайлик, Ҳиндистонда революция галаба қозониб, ҳокимиятни боль-

шевиклар қўлга олишди. Шунда улар вице қиролдан тортиб бизнинг кўзга кўринган арбобларимизгача катта бир тўдани қириб ташлашса. Бу воқеа бутун Буюк Британияни оёққа турғизмасмиди? Албатта, оёққа турғизарди.

Мен полковникни ўз тилидан илинтирмоқчи бўлдим:

— Бизникилар билишганларида бунақа эҳтиётсизлик қилишмас эди. Билишмаганга ўхшайди.

— Йўқ, уларнинг ҳаммаси билишарди. Фунтиков шахсан ўзи капитан Тиг-Жонс билан гаплашди. У эса Машҳад билан маслаҳатлашиб олди. Сизларникилар комиссарларни отишаётганда ҳам иштирок этишган.

— Буни кимдан эшитдингиз?

Асхободдан келган ўзимизнинг одамимиз айтди. Унга эса Дохов гапириб берибди.

Капитан Дейли гапга қўшилди:

— Балки Ленинга қилинган суиқасдни ҳам бизнинг ишимиз дейишаётгандир?

Арслонбеков папиросини тутатиб, жавоб берди:

— Бунисени билмайман... Лекин айтишим мумкин, шу иш ҳам вақти соати етмай қилинди. Ленин, шубҳасиз, большевиклар ичида биринчиси, революция ташкилотчиси. Аммо барибир, бир кишини ўлдирган билан революцияга ғов солиб бўлмайди, аксинча, унда большевиклар тарғиботни янада кучайтириб юборадилар. Ленинни ўлдириш керак... Бироқ биласизми қачон? Полковник яна папиросини тутатиб, капитанга тикилди. У жавоб бермаётганини кўриб, сўзини давом эттирди: — Большевиклар истеҳкомига қатъий ҳужум бошланганда. Ана ўшанда агар иложи топилса, даставвал Ленин ва унинг яқинларини мўлжалга олиш керак. Ҳозирги уриниш эса... Бу большевикларнинг ҳушёрлигини оширади, уларни қарши чоралар кўришга ундайди, холос.

Мен Роберт билан Дэвидга рухсат бериб, полковник билан ёлғиз қолдим. Биринчи навбатда ундан нега Кирсановни менинг ҳузуримга юбординг? — деб сўрадим. Арслонбеков кулиб юборди:

— У сизга ёқмадими?

Мен унинг саволига савол билан жавоб бердим:

— Ўзингизга-чи, ёқадими?

— Албатта... Ўзимга ёқмаса сизнинг ҳузурингизга юборардим? У жуда ажойиб одам. Сиз унинг гапириш оҳангига эътибор берманг.

— Гап бунда эмас.

— Бўлмаса нимада? Бирон ноўрин гап айтдимиз?

— Биринчи сўзиданоқ пулдан гапирди. «Мен пул учун ишлаймам».

— Хо-хо-хо!— Полковник астойдил кулди.— «Ҳаддингдан ошма» дейиш керак эди.

— Буни яхшиси ўзингиз айта қолинг. Такрор айтаман: мен уни бошқа кўришга тоқатим йўқ!

Полковник папирос кулини патнисга тушириб, секин гапира бошлади:

— Эсингиздами, террорчилар тўдасини тузмқчи эдингиз? Ушанақа тўда учун Қирсановдан дурустроқ бошлиқ тополмайсиз. Оғзидан гап чиқмайди, ишига пухта. Эртами, кечми майор Бейлига учрашсангиз, Қирсановнинг қанақалигини айтади.

Гапни бошқа ёққа бурдим:

— Бухороликларга олиб келган совға-саломингизни ўқидим. Бу ишингиз яхши бўлипти! Амирни тинч қўйиб бўлмайди. Унинг асабларини ҳамиша таранг тортиб туриш керак. Тақдири қил устида турганини сезсин!

— Биз унга яна бир совға ҳозирладик.

— Қанақа совға?

— Янги Бухородаги большевиклар орасида бизнинг одамларимиз бор. Шулар ёрдамида амирга қарши намойиш ўтказмоқчимиз. Баҳона ҳам бор: бугунги тартибсизликлар... Эртага томошага сабаб бўлади. Балки Қарки билан Термизда ҳам бирон нарса уюштириш имкони бўлар. Шундан кейин совутмасдан амир аркига ҳам бир жуфтгина бомба ташлаб қўймоқчимиз. Бунга нима дейсиз?

Амир билан чиндан ҳам қатъийроқ бўлиш керак эди. Унинг ўзи ҳам, одамлари ҳам ҳали ҳаракатга кирганлари йўқ. Ҳамма ёқ аланга ичида, қақшатқич жанг кетяпти-ю, у эса овга чиқиб, базм устига базм қуриб ётипти. Бунақа одамни қаттиқ қўрқитиб ўзига келтиришдан бўлак чора ҳам борми? Шунга қарамай, полковникка аниқ жавоб бермадим:

— Ҳали амир билан учрашганим йўқ. Тақдири бизнинг қўлимиздалигини, балки унинг ўзи тушуниб қолар?

— Кўзим етмайди. Бизникилар унинг ҳузурига яна одам юборишди. Яна эски ашуласини қайтаришти: «Большевиклар Самарқанддан улоқтириб ташланмагунча, қиличимни қинидан суғурмайман».

— Ҳали шундай денг?

— Ҳа... Сизларнинг Туркистонда тутаётган сиёсий йўлларингиз ҳақида ҳам унчалик яхши гапирмапти. «Бизларни яхшилаб савалашгандан кейин ёрдамга келишади», депти. Мен полковникка ишонқирамай қарадим. У шоша-пиша қўшиб қўйди:

— Амир энг пинҳон фикрларини ҳам айтадиган бир одам билан яқинман. Агар ишонмаётган бўлсангиз, мен уни сизга тортиқ қилишим мумкин?

Мен полковник билан очикчасига гаплашмоқчи бўлдим. У борган сари менга маъкул бўлаётган эди. Ақлли, жуда ақлли одам! Сира хаёлга келмайдиган жойларга-ча кириб бора олади, — зўр разведкачи... Бунақалар билан истаган ишингни қила оласан. Мозори Шарифдан кетиш олдидан Машҳаддан Арслонбеков ҳақида тўла маълумот олдим. Тошкентда сэр Макартнэй ҳам уни ўзига оғдириб олмоқчи бўлган. Аммо уддасидан чиқолмаган... Балки мен уддасидан чиқарман? Нима бўлганда ҳам, яна бир қармоқ ташлаб кўриш керак. Ҳозир жуда хонаси эди. Полковникнинг ўзи менга йўл очиб берди. Мен бепарволик билан кулдим:

— Ҳар учрашганда биттадан одамингизни тортиқ қилавериш, тагин ўзингиз...

— Мени қўяверинг, ташвишланманг, жаноб полковник. Бу ғалаёнлар тинган кунийёқ касбимни ўзгартирмаман. Бирон институтга ўқитувчи бўлиб кираман.

— Яхши ният. Ўзингизга меросхўр қилиб кимни қолдирмоқчисиз?

— Бу ҳақда ҳозирча ўйлаганим йўқ.

— Нега?

— Чунки бу ишларнинг нима билан тугаши номаълум. Борди-ю, тарих эшигини большевикларга очса — унда бошқа гап. Халқ тақдири ўз аслига тушиб, ҳамма нарса эскича қолса... Бу бошқа масала. Ана шунда меросхўр ҳам тайинланади!

— Уни ҳозир топиб, бу оғир машаққатдан қутулсангиз-чи?

Полковник маънодор кулиб қўйди. Сўнгра бирпас жим тургач, жавоб берди:

— Бу ҳақда бошқа вақт гаплашамиз. Ҳозир эса руҳсат берсангиз, сизни меҳмонга таклиф этмоқчи эдим.

— Қимникига?

— Бу ерда биз бир дўстимникига тушдик. Фамилия-

си Яхневич. Бухородаги рус давлат банкининг масъул ходимларидан бири. Бир вақтлар Тошкентда кадетлар партиясининг кўзга кўринган йўлбошчиларидан бўлган. Яна бир армани бўлади, фамилияси Айрапетян. У ҳам Тошкентдаги дашноқларнинг раҳбарларидан. Генерал Боярский. Аёллар... Мана шулар бўлади!

— Қисқаси: mutual admiration society<sup>1</sup>. Шундайми?

Полковник истар-истамас кулди:

— Чакки эмас, шундай деса ҳам бўлади.

Мен рози бўлдим. Бир оз ёзилиш ҳам керак эди. Бунинг устига «рус жамоасининг гули» билан учрашиш, уларнинг орзу-ўйларини билиш фойдадан холи эмас. Генерал Боярскийни ашаддий монархиячи деб эшитган эдим. Яхневич — кадет экан. Яна дашноқ келса... Давра чакки эмас!

Биз зиёфат айна қизиган пайтда кириб бордик. Катта думалоқ стол атрофида ўн иккитача киши ўтирар эди. Хонани тутун қоплаган. Тутун булути орасидан бирон нарсани ажратиб олиш мушкул эди. Ойналар берк. Ахир сиёсий мавзуда муҳим гаплар бўлаётган эди-да!

Мени қорачадан келган озгин аёлнинг ёнига ўтқизишди. Залда яна бир неча аёл бор бўлса ҳам, лекин уларнинг биронтаси ҳам ялт этиб кўзга ташланмас, ҳам-маларининг ёшлари анчага бориб қолган, аммо ўзларини ёш кўрсатиш учун упа-эликка зўр беришган эди.

Зиёфатни генерал Боярский олиб борарди. У қўл сочиқ билан нам ва ёғли лабларини артиб, одатдаги илтифотларни ўрнига қўйгач, узилиб қолган сўзини давом эттирди:

— Биз, жаноб полковник, Россия тақдири ҳақида суҳбатлашяпмиз. Тўғрироғи уни офат гирдобига олиб кирган сабаблар тўғрисида. Жаноб Яхневич: «Россиядаги бахтсизликка Романовлар сабабчи»,— дейди. Мен эса: «Йўқ, Романовларда айб йўқ. Дума... Демократия... Барча балоларнинг илдизи шу! Ана шулар бизга бахтсизлик келтирди»,— деяпман. Сиз холис одамсиз. Ишимизни бирёқлик қилиб беринг! Бизга ҳакам бўла қолинг!

«Топган гапларини қаранг!» — дея ўйладим ўзимча, аммо илтифот юзасидан илжайдим:

— Ҳакамлик қила олармикинман?

— Бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Сиздан бошқа ким ҳакамлик қила оларди?

Генерал рюмкани бўшатиб, лабини яна қўл сочиқ билан артди-да, сўнгра чуқур хўрсиниб қўйди. Шусиз ҳам каттагина қорни насос билан дам солгандай янада шишиб кетди. Мен ичимда кулдим: ахта қилинган тўнғизнинг ўзи-я! Ҳамма ёнига ёғ битган, юзлари қат-қат бўлиб осилиб ётипти. Ҳарбий бўлмаганида, унга бунчалик эътибор бермас эдим. Ҳарбий кишининг шундай аҳволга тушиши ўзининг бефарқлиги ва бепарволигининггина оқибатидир. Шунинг учун генерал менинг назаримда, бошданок тамом бўлган ўхшарди. Балки хато қилаётгандирман? Мен генерални ўта қизиқиш билан кўздан кечирардим. Ахир эртага мен у билан юзма-юз ўтириб, муҳим масалаларни ҳал этишим керак.

Генерал ғурур билан Яхневичга мурожаат қилди:

— Шундай қилиб, Аркадий Кондратьевич... Дума сира айбдор эмас денг?

— Албатта, айбдор эмас, — ишонч билан жавоб берди Яхневич хина билан атайлаб бўяб қўйгандай сап-сарик калта соқолини ингичка бармоқлари билан силаб туриб. Бутун бошли бир давлатни кўтарасига от ўғриси Распутин қўлига бериб қўйгансизу, яна Думани айблайсизми?

Генерал қаҳ-қаҳ отиб кулди:

— От ўғриси...

— Нима, ёлгонми?— дея ҳужумга ўтди Яхневич. Саройда Распутиндан зўрроқ одам бормиди? Бир гал у императорнинг хотини Александра Федоровна олдида Штирмерни энг қабих сўзлар билан сўкди. Штирмерни! Министрлар Советининг раисини! Императорнинг хотини олдида! Распутиннинг ўзи ким эди? Кечаги мужик, ярамас, ифлос... Агар император мамлакат тақдири учун астойдил қайғурадиган одам бўлганида, давлат ҳокимиятига бунақа нусхани қўярмиди?

— Шошма, шошма, қадрли Аркадий Кондратьевич! — Генерал йўғон бармоқлари билан столни чертди. — Сизнинг Милюковини из Думада Штирмерни шунақа ҳақорат қилдики, фронтдаги бутун муваффақиятсизликларни унга тўнкамоқчи бўлди. Бунга нима дейсиз?

— Хи-хи-хи! — Яхневич заҳарханда қилди. — Алексей Алексеевич! Нималар деяпсиз? Қим билан кимни

<sup>1</sup> Узаро ҳайратланидиган жамоа. (Ингл.)

тенглаштиряпсиз? Ифлос бир мужикни тажрибали, жиддий сиёсий арбоб, олим билан-а!.. Милюковнинг Давлат думасидаги нутқи — бу тарихий воқеа бўлди! Бунақа гапириш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди!

— Қаранг-а, қандай жасорат! — Генерал киноя билан кулди. — Чинданам, Россияда сизнинг Милюковингиздан бўлак биронта марди майдон топилармикин? Хо-хо-хо!

— Бекорга куляпсиз, Алексей Алексеевич! — Яхневич қатъийроқ оҳангда гапирди. — Милюков, дарҳақиқат Россия тарихида мисли кўрилмаган жасорат кўрсатди!

— Бу, сизнинг фикрингиз! Кадет жанобларининг фикри!

— Йўқ, фақат бизнинггина фикримиз эмас. Буни бизнинг ғанимларимиз ҳам тан олишяпти. Думада... Бутун йиғилганлар олдида, бутун мамлакат олдида... Давлат сиёсатини танқид қилиш... Фронтдаги муваффақиятсизликларни фош этиш... Бу чиндан ҳам Россия тарихида мисли кўрилмаган жасорат!

— Ҳамма ғалва ана шу жасоратдан кейин бошланди. Давлат ишига биринчи бўлиб сиз, кадетлар халақит бердингизлар!

— Мана бу гапингиз тўғри! — Яхневич ҳатто ўрнидан хиёл кўтарилиб, қизғин гапирди: — Биз аллақачон ярамай қолган монархия тузумини биринчи бор огоҳлантириб қўйдик. Биз яхши ният билан, оқибати ёмон бўлишини ўз вақтида огоҳлантириш учун шундай қилдик.

— Хўш, нима бўлди? — Генерал бутун гавдаси билан Яхневич томонга эгилди. — Нимага эришдинглар? Республика эълон қилдинглар... Таъсис мажлиси чақирдинглар... Керенскийни ўтқазиб қўйдинглар... Шундайми? — Яхневич индамасди. Генерал янада шиддатлироқ ҳужумга ўтди: — Неча ой ўтирди у? Ҳокимиятни бир тўда чувриндилар қўлига бериб қўйишдан бошқа нима иш қилди? Ҳеч нима!

Полковник Арслонбеков: «Кўрдингизми, кимлар билан ишляпмиз?» дегандай менга қараб кулиб қўйди. Дарҳақиқат суҳбат, русларда нақл қилинганидай, «шаробдан кейинги аччиқ алам»га ўхшар эди. Аммо энг қизиғи шундаки, суҳбатдошлар жуда жиддий баҳсла-

шишар, генерал эса, назаримда борган сари тутақиб кетаётган эди. Баҳслашаётганларга аралашмай эшитиб ўтиравердим. Ахир хўроз уриштиришни мириқиб томоша қилиб ўтирадиганлар бўлади-ку! Бу хўрозлар эса нима бўлганда ҳам муҳим масалалар устида баҳслашишарди.

Генерал ишонч билан гапирётгандай қатъий оҳангда яна сўзлай бошлади:

— Йўқ, йўқ, Аркадий Кондратьевич! Осмонда худо, ерда — шоҳ... Бизнинг, рус кишиларининг тақдири ана шу икки қудратли кучга боғлиқ. Учинчи бир кучни қидираётганлар Россияга фақат бахтсизлик келтирадилар. Россияни ким шу юксак даражага кўтарди? Уни бепоён ватан, қудратли давлат даражасига кўтарган ким? Шоҳлар! Романовлар! Бошимиздан кечираётган кўнгилсиз ҳодисаларнинг хайрли хотималаниши ана шу муқаддас тузумни қайта ўрнатишга боғлиқ. Шоҳсиз Россия қанотсиз қушдай бир гап!

Генерал яна йўғон бармоқлари билан столни уриб, бошини кўтарди ва тўсатдан «Ё парвардигор, шоҳни паноҳингда асра» ... деб куйлади. Атрофдагилар кулишди. Енимда ўтирган қорача аёл, менга энгашиб, шивирлади:

— Ортиқча ичиб қўйганга, ўхшайди.

Генерал чиндан ҳам хушқайф, аммо аёл айтганчалик маст эмас эди. Тошиб келаётган туйғуларини тўхтатолмай қолди.

Арслонбеков унга ётиғи билан эслатиб қўйди:

— Алексей Алексеевич! Сиз айтган таклифингизни унутдингиз, шекилли?

Генерал ҳозиргина уйқудан уйғонгандай кўзларини катта-катта очиб, сўради:

— Қанақа таклиф?

— Ана холос, ахир сиз полковникка бизга ҳакамлик қилишини таклиф этган эдингиз...

— О-о! Ҳа, жаноб полковник... Навбат сизга. Хотимасинга бир нарса денг. Шу билан тугатамиз. Қулогимиз сизда...

Ҳамма, баҳс давомида алланарсаларни шивирлаб ўтиришган хонимлар ҳам қизиқиш билан менга тикилиб: «Қани, эшитайликчи, сиз нима деркинсиз?» — дегандай қараб маъноли кулиб қўйишди. Аҳвотим, тўғриси айтганда, ҳавас қилгудек эмас эди. Ширакайф

давра... жиддий гапирадиган бўлсам, Арслонбековдек сурбет одамлар мени кейинчалик калака қилишлари мумкин... Ҳазилга йўйиб ноаниқ бир нарса десам... Худо билади, атрофдагилар нима дейишни. Нима бўлганда ҳам ҳазиломуз оҳангда гапира бошладим:

— Ҳакамлар ҳеч кимга муте бўлмаслиги керак дейишади. Сизларнинг ишончларингизни оқлай олмасам, хафа бўлмайсизларми?

— Йўқ, йўқ! Хотиржам бўлинг. Қанчалик чўқишмайлик, бир-биримизни фoш этмаймиз...

Мен генералга қараб сўзимни давом эттирдим:

— Бир дарвишдан: «Нега одамлар кундузи юриб, кечаси ухлайдилар?» — деб сўрашпти. У: «Кечаси билан кундуз орасидаги фарқни билиш учун» — деб жавоб берипти. Агар биздан: «Нега сиёсат ҳақида гапирасизлар?» — деб сўрагудек бўлсалар — ажаб эмас, биз: «Сиёсатдонлигимизни кўрсатиш учун!» — деб жавоб қайтарсак.

Енгил кулги кўтарилди. Бироқ генерал кулмади, ҳатто илжаймади ҳам. «Нишонга урдим, шекилли», — дея ўйлаб, очиқроқ гапира бошладим:

— Баҳс нима ҳақда кетяпти, жаноблар? Адашмасам, гап қайси тузум афзаллиги устида боряпти — монархиями ёки республиками? Журналистлар бундай баҳслашувни «Ўтмиш билан келажак ўртасидаги кураш» деб атайдилар. Шундай деб фараз этайлик... Монархия — ўтмиш... Республика — келажак... Аммо наҳотки келажакни севиш — бу ўтмишдан жирканиш бўлса? Ўтмишни юракнинг бир бурчагида сақлаб, келажакни севиб бўлмайдами? Сиз нима дейсиз, хоним? А?.. — Ёнимдаги аёл назокат билан жилмайиб, маъқул дегандай бош силкиди. Мен сўзимни давом эттирдим: — Биз, инглизлар, худди шундай қиламиз... Ўтмишни ҳам унутмаймиз, келажакдан ҳам юз ўгирмаймиз. Буюк Британияда ҳам қирол, ҳам парламент мавжуд. Эскилик билан янгилик эгиз бўлиб, жипслашиб яшашмоқда. Ҳар бир давр ўз модасини олиб келиши турган гап. Эндиликда республика ҳам мода бўлиб қолди. Балки эшитгандирсизлар... Ҳозир Тошкентда Советларнинг Бешинчи съезди ўтапти. Унда большевиклар Туркистонни республика деб эълон қилдилар, ҳатто унинг конституциясини қабул этдилар...

Генерал ўзини тутолмади, бақириб юборди:

— Эшитяпсизларми, эшитяпсизларми... Яна буржуйларга қарши қизил террор эълон қилиптилар. Аканг қарағайларни қўлга тушириш учун махсус комиссия тузишпти...

Баъзан шундай ҳам бўлади, мени бир тасодиф қутқариб қолди. Генерал оғзидаги сўзини айтиб улгурмай, яқин ўртадан ўқ товушлари эшитилди — биринчиси, иккинчиси... Ҳамма бир сесканди. «Қизил террор бошланди!» — момақалдироқ сингари гумбурлаган овозда эълон қилди Арслонбеков ўрнидан туриб. Эркаклар унинг бу ҳазилига эътибор беринмади, аммо хотинлар гурр этиб ўринларидан туриб, қий-чув кўтаришди. Полковник уларни тинчитди:

— Келинглр, яхшиси танцага тушайлик!

Кимдир пианино чалишга ўтирди ва ҳамма танцага тушиб кетди. Мен ҳам ёнимда ўтирган аёлни таклиф этдим. Бу унга маъқул бўлди шекилли: миннатдорона жилмайиб, таклифимни қабул этди. Мен унинг кўзига боқдим:

— Исмингиз нима?

— Екатерина, Катя.

Мен беихтиёр бир сескандим.

— Ажойиб исм!

— Сизнинг исмингиз нима?

— Чарлз.

— Уйланганмисиз?

— Йўқ, бўйдоқман.

— Бўйдоқ? — Екатерина менга ишончсизлик билан қаради. — Ҳозиргача уйланганингиз йўқми?

— Йўқ... Ҳамон бахтимни излаб юрибман.

Бир оз танца тушгач, биз бир чеккага чиқиб, салоннинг бурчагида турган иккита креслога ўтирдик. Вино олиб келишни буюриб, осойишта суҳбатлаша бошладик. Бухоролик Екатерина Яхневичнинг келини экан. Унинг эри штабс капитан Булгаков яқинда Закаспий фронтга кетипти. Узи большевикларнинг октябрь кўзғолонига қадар Самарқандда ўқитувчилик қилар экан.

Екатерина энди кўтармоқчи бўлиб турган қадаҳини қўйиб, жиддий сўз бошлади:

— Генералга яхши жавоб қайтардингиз. Бироқ, у мутлақо тушунмади. Тўнлага ўхшаган одамлар! Улар нима ҳақда баҳслашаётганларини тушунапсизми?

Мен индамадим. Екатерина нигоҳи билан баланд

бўйли оқсоч арманига ишора қилиб, заҳарханда билан тушунтира бошлади:

— Уша нусхани кўрдингизми? У ҳали гапга тушгани йўқ. Борди-ю, гап бошлагудай бўлса, тамом.

— Ким у?

— У Айрапетян... Жуда бадавлат. Тошкентда, Самарқандда, Марвда ўзининг пахта тозалаш заводлари бор. Утакетган шалоқ ва хасис одам. Пулдан бўлак ҳеч нарсани тан олмайди!

Янги танишимнинг очиқ гапириши менга маъқул бўлди. Бундай одамларнинг атрофдагиларга берган баҳолари аксари вақт тўғри чиқади. Мен Қирюхинга ишора қилиб сўрадим:

— Мана бу паканачи, Айрапетянининг ёнидаги, ким у?

— Полковник Қирюхин. Генерал Джунковскийнинг содиқ ити. Ху, ана у ҳўппа семиз — хотини. Худди ўзига ўхшаш галамису, нгвогар...

Бир зум қадаҳларимизга қараб жим бўлиб қолдик. Ниҳоят, мен яна сокинликни буздим:

— Буларнинг орасида, сизга ёқадигани ҳам борми?

— Бор! Полковник Арслонбеков... Жуда ақлли, одобли... Қолган ҳаммасини Бухородаги қўйлар подаси деса бўлади!

Мен хахолаб кулиб юбордим. Айрапетян стул кўтариб, биз томон юрди. Бизга яқинлашгач, лабларини чўччайтириб кулди:

— Жуда хурсандсизлар, сизларга ҳавасим келди. Бирга ўтиришга қаршимасмисизлар?

«У чиндан ҳам сурбет экан», — дея ўйладим-да, унга жавоб бердим:

— Марҳамат!

Екатеринанинг ҳатто чехраси ҳам ўзгарди. У Айрапетянининг бошидан оёғигача нафратомуз нигоҳ ташлади-да, кечирим сўраб, ўрнидан туриб кетди.

Бироқ мен Айрапетянини ноўрин камситган эканман. У яхшигина суҳбатдош экан. Биз қарийб бир соатча гаплашиб ўтирдик. У дашноқларнинг ишлари тўғрисида анча қизиқ нарсаларни гапирди. Ниҳоят биз яқин кунлар ичида учрашишга қарор қилиб, ўрнимиздан турдик ва бошқаларга бориб қўшилдик.

Соат роппа-роса ўнда уй бекаси бизни дастурхонга таклиф этди.

\* \* \*

Эртаси куни меникига Тошкентдан меҳмонлар келиши. Генерал Боярский эшикдан кирар-кирмас кечирим сўрай бошлади:

— Кеча кечқурун жуда кўп гапирвордим шекилли, жаноб полковник?

— Йўқ, йўқ, асло... Аксинча жуда ҳузур қилиб тингладик.

— У-ў, билмадимов... Рус одати... Бир-икки қадаҳ кўтаргандан кейин, у ёғига дунёни сув босса ҳам тўпингга чиқмайди. Айбга буюрмайсиз!

Мен ўзаро илтифотни ортиқча чўзиб ўтирмай, дарҳол расмий гапга ўтдим. Генералдан: нимадан бошлаш қулайлигини сўрадим. У хушомадгўёна жавоб берди:

— Сиз нимадан бошламоқчи бўлсангиз биз тайёرمىз!

Арслонбеков қўшилди:

— Менимча, Туркистондаги умумий аҳволни шарҳлашдан бошлаш керак. Биз бу масалани ҳарбий ташкилотимиз штабида махсус кўриб чиқдик. Тўғрими, Алексей Алексеевич?

— Ҳа, ҳа... генерал бураб қўйилгандай дафъатан жавоб берди. — Биз аҳволни атрофлича муҳокама қилдик. Агар қаршилиқ кўрсатмасангиз, келинг, шундан бошлай қолайлик... Полковник Арслонбеков фронтнинг ҳар икки томонидаги аҳвол ҳақида гапириб берди.

Мен эътироз билдириб ўтирмадим.

Арслонбеков папкасидан аллақандай ҳужжатни олиб, менга узатди:

— Даставвал, жаноб полковник, мана буни ўқиб чиқинг.

Кўзим таниш сўзларга тушди: «Сизга ёрдам бериш учун имконият борча чора кўрамиз. Полк юборамиз. Умидсизланманглар, бор куч билан Красноводск ҳамда Боку билан доимий ва мустаҳкам алоқа ўрнатишга ҳаракат қилинглар».

Мен бу ҳужжатни қайтариб бериб, ўзимни дадил тутиб жавоб қайтардим:

— Мен буни ўқиганман. Бу — Лениннинг Туркистон большевикларига телеграммасими?

— Ҳа, ўша. Мен бу телеграммани сизга бир вазият-

ни таъкидлаш учун кўрсатяпман: Москва қулай фурсат кутяпти. Оренбург орқали ўтадиган темир йўлда қатнов қайта тикланган кунийёқ, Туркистонга Қизил Армиянинг отрядлари бостириб киради. Унда вазиятни ўзгартириш қийин бўлиб қолади. Бу масаланинг бир томони... Иккинчи томондан: солдатлар урушдан чарчашди. Туркистонда ҳам, Еттисувда ҳам улар бутун тўдалари билан большевиклар томонига ўтяптилар. Демак ҳозирги вазият бизнинг фойдамизни тақозо этаётгани йўқ. Модомики шундай экан, шошилиш керак. Бизнинг таклифимиз...

— Шошма, шошма, полковник! — Генерал қўли билан столни секингина уриб қўйиб, Арслонбековнинг гапини бўлди. — Қолганини ўзим гапириб бераман.

Арслонбеков ич-ичидан норози бўлиб генералга қаради-ю, аммо лом-мим демади. Боярский совуб қолган чойни бир ҳўплаб ичди-да, сўнг кўтаришкни руҳда менга қараб гап бошлади:

— Биринчи навбатда, жаноб полковник, сизга эсла-тиб қўймоқчиман: биз «Туркистон ҳарбий ташкилоти» билан сизларнинг Тошкентдаги ҳарбий-дипломатик миссияларингиз ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида тuzилган шартномани яна бир марта кўриб чиқдик. Ташкилот штаби шартноманинг асосий шартларини маъқуллашимизни сизга етказишни топширди.

— Қайси пунктлар тўғрисида гап борапти?

— Мана бу пунктлар... Биринчидан, ўлкадаги барча ҳарбий кучларни «Туркистон ҳарбий ташкилоти» бошқаради. Иккинчидан, Буюк Британия ҳукумати большевикларни Туркистондан қувиб чиқаргунча бизни пул, қурол-яроғ, техника воситалари билан, керак бўлиб қолган тақдирда, қўшни юбориб қўллаб-қувватлаш мажбуриятини олади. Учинчидан, совет ҳокимияти ағдарилгач, Туркистонда Британия протекторатлигида республика барпо этилади. Тўртинчидан, Туркистон республикаси Буюк Британия ҳукуматига ўлканинг табиий бойликларини ўрганиш ва ундан фойдаланиш концессиясини бериш мажбуриятини олади.

— Олдинги текст ўзгартириладими?

— Йўқ, йўқ! Ўзгаришсиз қолади. Орамингда баъзи кишилар: «Айрим пунктлар юмшатила, ёмон бўлмас эди», — дейишди. Аммо атрофлича муҳокама этилгач, ҳаммасини ўз ҳолича қолдиришга қарор қилинди.

Сўнгра генерал ёнида ўтирган полковник Кириухинга мурожаат қилди:

— Энди, Дмитрий Андреевич, оператив план тўғрисида ўзингиз гапиринг.

Кириухин чўнтагидан карта олиб, стол устига ёзди ва унинг устидан қалам юргизиб, шошилмай гапира бошлади:

— Мана, бу, биз ҳозир турган жой — Бухоро. Буни-си Чоржўй... Бу — Самарқанд... Бу — Тошкент, большевиклар уяси. Ҳозир темир йўл ёнидаги барча шаҳарлар, Актюбинскдан Асхобод яқинидаги Қаахка станциясигача, шу жумладан, Янги Бухоро — большевиклар қўлида. Шунинг оқибатида фронт тарқоқ ва чўзилиб кетган. Айни замонда қаердан зарба бериш керак? Бу масалада ташкилотимиз штабида қизгин тортишувлар бўлди. Узоқ давом этган муҳокамадан сўнг шундай қарорга келинди: биринчи зарба атаман Дутов қўшинлари ёрдамида Актюбинск яқинида берилди. У ерни қўлга киритгач, Тошкентга йўл олинади. Қулай пайт топиб, Закаспий frontiда ҳам қатъий ҳужумга ўтиш керак! Большевиклар ўзларининг асосий кучларини мана шу икки фронтга юборишга мажбур бўладилар ва бунинг оқибатида орқа томонларини бўшаштириб қўядилар. Айни шу вақтда Фарғонадаги кучлар ҳам ҳужумга ўтади. Улар икки тўдага бўлиниб, Тошкент томонга йўл оладилар. Биринчи тўда тоғ тизмаларидан тўғри кесиб тушади. Иккинчи, асосий тўда тоғларни айланиб ўтиб, Чинозга ҳужум бошлайди. Чинозда Сирдарё кўпригини эгаллайди. Сўнгра, Тошкентга қараб йўл тутадилар. Айни вақтда мана бу ердаги — Авлиёотадаги кучлар Арисга ҳужум қилиб, шаҳарни забт этадилар ва улар ҳам Тошкентга йўл тутадилар. — Полковник яна қалам билан Бухорони кўрсатди: — Бу ердан бухороликлар қўшини билан Жунаидхон отряди Чоржўйга ҳужум қилдилар, Амударё кўпригини эгаллайдилар ва Закаспий frontiда большевикларга орқа томондан зарба берадилар. Агар афғонларни ҳам Марв орқали Кушкага олиб боришга муяссар бўлганда эди... Унда большевикларни бир неча кун ичидаёқ тор-мор қилиб ташласа бўлар эди...

Кириухин яна бир нимани хотирлаётгандай жим бўлиб қолди. Генерал унга кўз қирини ташлаб, сўради:

— Бўлдими?

Кирюхин тамом дегандай қаламини карта устига ташлади. Генерал ундан кўз узиб, ўз хаёли билан банд бўлиб ўтирган Арслонбековга мурожаат қилди:

— Григорий Арсеньевич! Навбат Сизга...

Арслонбеков истамай сўз бошлади:

— Ҳарбий ҳаракатлар билан бир вақтда террор ва қўпоровчилик ишлари ҳам яхшилаб ишга солинмоқда. Бунинг учун тахминан эллик кишидан иборат махсус оператив группа тузиш таклиф этилади. Ана шу группага ишда чиниққан, тажрибали разведкачиларни, шунингдек большевикларнинг муассасаларида ишлаётган баъзи бир одамларни киритиш кўзда тутиляпти. Асосий мақсади: ҳарбий ҳаракатлар бошланиши билан большевикларнинг кўзга кўринган раҳбарларини, биринчи навбатда партия ва ҳарбий арбобларни йўқ қилиш, муҳим стратегик объектларни, энг олдин ҳарбий арсеналларни ишдан чиқариш ва аҳоли ўртасида варақалар, хитобномалар тарқатиш, большевизмга қарши курашаётган сиёсий ташкилотлар билан яқиндан алоқа ўрнатиш ва уларни актив ҳаракат қилишга даъват этиш. Кўзда тутиляётган барча тадбирларнинг аниқ плани ишланмоқда. Яқин кунлар ичида биз уни сизга топширишимиз мумкин.

Яна генерал Боярский сўз олди.

— Энди икки оғиз гап вазифаларни тақсимлаш тўғрисида. Ҳарбий ҳаракатларга умумий раҳбарлик менга топширилган. Ҳар бир фронтда бизнинг тажрибали командирларимиз бўлади. Чунончи, Фарғона фронтини полковник Кирюхин бошқаради. Бошқа фронтларда ҳам шундай қилинади. Террорчилик-қўпоровчилик ишлари группасини полковник Арслонбеков бошқаради. Жойларда унинг ёрдамчилари бўлади. Икки масала ҳал бўлмай қолди. Биринчиси — ёппасига ҳужумга ўтадиган кун... Иккинчиси — белгиланган тадбирларни тайёрлаш учун зарур бўлган маблағ масаласи.

Мен генерал асосий масалага ўтганини пайқаб, аниқлаб олмоқчи бўлдим:

— Қанақа маблағ тўғрисида гапиряпсиз?

Генерал жавоб беришга қийналгандай бирпас тарадудланиб қолди. Сўнгра секин бошини кўтариб, жавоб берди:

— Биринчи навбатда, албатта, пул тўғрисида. Жуда кўп пул керак бўлади. Биз харажатларнинг тахми-

ний сметасини туздик. Биз хомчўт қилганимиздан кўра кўпроқ маблағ зарурлиги маълум бўлди.

— Қанча бўлди?

— Салкам бир юз эллик миллион сўм керак бўлади.

— Қанча? Юз эллик?

— Ҳа... Биз ҳозир сметаши яна қайта кўриб чиқяпмиз. Ички резервларни қидиряпмиз. Баъзи бир харажатларни маҳаллий қўрбошилар зиммасига юкламоқчимиз. Бироқ барибир бир юз ўттиз миллиондан ками етмайди.

— Хўш? Яна қандай маблағ?

— Яна — қурол. Ҳозирча биз Фарғона кучларини кўзда тутяпмиз. Улар учун йигирма беш минг милтик, элликта пулемёт, камида ўн бешта тоғ тўпи зарур. Бухороликларга, Жунаидхонга, Закасий фронтига нима кераклигини биз билмаймиз. — Генерал жим қолди, сўнгра кўшиб қўйди: — Ҳа, яна бир масала... Бухороликлар тўғрисида... Амир бизнинг ташкилотимиз билан ҳамкорлик қилишни истамаяпти. Тўғрироғи, бизнинг ҳарбий раҳбарлигимизни тан олмаяпти. Ўзида эса ҳозирги талабларга жавоб бера оладиган армия тузиш имкониятлари йўқ. Бу масалани ўзингиз ҳал қилиб берсангиз, яхши бўларди,

Генерал ва унинг ёрдамчилари берган маълумот мен учун янгилик эмас. Шунингдек биз бу масала бўйича фикр олишдик, тутган йўлимиз асосан бир хил. Мен биринчи навбатда яна бир бор шартнома тўғрисида тўхталмоқчи бўлдим. Бу ҳақда бурчак-бурчакда турли миш-мишлар бўлаётгани аниқ ва бунга чек қўйиш керак эди. Мен атайлаб кескин гапирдим:

— Сиз, жаноб генерал, шартноманинг баъзи пунктлари ташкилотимиз аъзоларига маъқул эмас, деяпсиз. Бизга маъқул деб ўйлайсизми? Бизни ҳам қониқтирмайдиган пунктлар бор. Чунончи, биринчи пунктда бундай дейилади: «Туркистондаги барча қуролли кучларни «Туркистон ҳарбий ташкилоти бошқаради». Ўзингиз айтингчи: ҳарбий кучлари бўлмаган ташкилот қандай қилиб барча ҳарбий ҳаракатларни бошқара олсин?

— Бошқара олади! — қизишиб жавоб берди Арслонбеков. — Ташкилот ихтиёрида ўнлаб жанговар офицерлар бор.

— Ўнлаб? Жами қанча офицерингиз бор?

Арслонбеков индамади, унинг ўрнига генерал жавоб берди:

— Жами, уч юзга яқин киши.

— Кишиларми ёки офицерларми?

Генерал лабларини чўччайтириб кулди.

— Офицерлар ҳам одам-ку, ахир.

— Сиз ҳақсиз, офицерлар ҳам одам... Бироқ ҳамма ҳам офицер бўлавермайди! Сиз бўлсангиз рўйхатингиздаги барча кишиларни офицер деб ҳисоблайсиз.— Мен бу ҳақда капитан Қирсановнинг айтган гапларини эсладим ва унинг сўзларини қатъий туриб қайтардим:— Йўқ, улардан кўплари маош оладилар, холос. Ташкилот ҳисобига яшайдилар. Ишонмасангиз рўйхатингизни олиб келинг... Мен ҳақлигимни исботлаб бераман.

Сухбатдошлар михлангандай жим бўлиб қолдилар. Генерал эса Арслонбековга ўқрайиб қўйди. Мен сўзимни давом эттирдим:

— Мана, концессиялар тўғрисида ҳам ораларингизда ҳар хил гаплар юрипти. Бу концессиялар бизга қанчалик фойда келтириши ҳозирча ёлғиз худонинг ўзигагина аён. Бироқ сизлар оддий бир ҳақиқатни яхши биласизлар: Лондон ҳар куни Россия учун миллион сўмлаб харажат қиляпти. Бошқа фронтларни гапирмай қўя қолай-ю, Урта Осиё билан Кавказга қилаётган харажатларимизни бир ҳисоблаб кўринглар, — ақл бовар қилмайдиган даражада катта маблағ. Бизга осмондан пул ёғилади, деб ўйлайсизларми? Йўқ, биз уни ўзимиздан юлиб қолиб, сизга беряпмиз. Ўзларингизга маълум, неча йилдан буён уруш кетяпти. Ресурслар деярли тугаб қолган. Бунинг устига концессиялар биринчи навбатда сизларга керак, ўлкангизни тараққий эттириш, ободонлаштириш учун зарур...

Мен нафасимни ростлаб, сухбатдошларимга разм солдим. Ҳамма тарвузи қўлтигидан тушиб хафа бўлиб ўтирар, биргина капитан Дейли мамнуният билан менга қарар, жилмайгани фақат кўзларидан билиниб турар эди. Овозимни бир оз юмшатиброқ қўшиб қўйдим:

— Менда бир таклиф бор, жаноблар: келинг, бурчак-бурчакда шартнома ҳақида бўлаётган гапларга чек қўяйлик. Бир-биримизни ниқтаб, бекинмачоқ ўйнайдиган пайт эмас. Олдимизда бундан кўра муҳимроқ, кечиктириб бўлмайдиган вазифалар турипти. Шулар билан шуғулланайлик!

Генерал ҳаяжонланиб сўзлай бошлади:

— Сиз мутлақо ҳақсиз, жаноб полковник! Бу гап-

ларга чек қўйиш вақти етди! Мен сизни ҳарбий ташкилотимиз раҳбарлиги номидан ишонтириб айтаманки, бундан кейин шартнома тўғрисида беҳуда гаплар бўлмайди. Борди-ю, шунақа талабгорлар топилгудай бўлса.. Хотиржам бўлаверинг: ким бўлишдан қатъий назар, танобини тортиб қўямиз!

Мен жавоб бермадим. Чекдим, бир оз жим тургач, сўнгра картага кўз ташлаб, сўзимни давом эттирдим:

— Энди стратегик план тўғрисида... Менимча, план умуман чакки эмас. Биз бу ҳақда гаплашиб олдик. Афтидан яна бир маслаҳатлашиб кўришга тўғри келади. Мени бир нарса ташвишлантиряпти: Тошкентни забт этиш асосан Фарғона кучларига топшириб қўйиляпти. Бу кучлар қанақалиги ҳаммамизга аён. Фараз этайлик, тажрибали офицерларни юбордик ва яна баъзи бир тадбирларни ҳам кўрдик дейлик... Ушанда Тошкентни босиб олиб бўладими?

— Йўқ, бўлмайди!— дея қатъий жавоб берди Арслонбеков.— Мен бу ҳақдаги фикримни штабда ҳам айтган эдим. Бундай йўл тутишнинг хавфли томони ҳам бор. Фарғона қўшинлари Тошкентни забт этди, дейлик... Биласизми, бунинг оқибати нима бўлади? Ҳамма европаликларни уриб ўлдириб, шаҳарга ўт қўйишади.

Таажжубланарлиси шуки, генерал лом-мим демади. Унинг яна жаҳли чиқса керак, деб ўйлаган эдим. Қаёқда дейсиз! Оғзини ҳам очмади, ўз хаёли билан ўтиргандай бўлиб, каттагина дастрўмоли билан зўр бериб терлаган юз ва бўйинини арта бошлади. Орага чўккан жимликдан фойдаланиб, полковник Қирюхин ўз фикрини айтиб олди:

— Бундай хавф мавжудлигига шак келтирмаса ҳам бўлади. Аммо Фарғонаникидан бошқа Тошкентга юборса бўладиган куч йўқ. Биз бунини хоҳлаймизми, хоҳламаймизми, барибир у ёққа шу қўшинларни юборишга мажбурмиз.

Генералнинг фикрини кутиб турдим. Ҳамма унинг сўзларини кутиб турганини пайқаб, у бўшашиб, тамоман бошқача оҳангда гапира бошлади:

— Албатта бунақа каллақесарлар билан иш қилиш осон эмас. Мутаассиблар тўдаси! Уламолар... пантуркистлар... қип-қизил ғаламислар... ҳарбий ҳаракатлар айна қизиган пайтда мусулмонлар ва ғайри динлар тўғрисида масала кўтарилиб қолиши мумкин. Бироқ,

полковник Кириухин айтгандай, ҳозир бизда Тошкентга юборса бўладиган бошқа ҳеч қандай куч йўқ. Яхшилаб кузатиш ва эҳтиёт чорасини кўрмоқ керак. Бошқа йўл йўқ!

Генерал ҳам, унинг ёрдамчилари ҳам мен қўйган масаланинг моҳиятини тушунишмади шекилли: Тошкентни босмачилар ёрдамида забт этса бўлармикин? Мен ҳам бу масалада яна бир бор эътиборни жалб этиб ўтирмадим. Бундан ташқари, бу муҳим пунктда мен баъзи нарсаларга эътибор бермаганга ўхшайман. Масала аён: «Туркистон ҳарбий ташкилотининг» вакиллари мусулмонларга ишонмайдиларгина эмас, балки улардан ўлгудай хавфсирайдилар ҳам. Бундай вазият биз учун гоё муҳим аҳамиятга эга эди. Дарҳақиқат, русларни Туркистондан оммавий тарзда кетишга мажбур этиш, улар учун чидаб бўлмайдиган даражада вазият вужудга келтириш — ўлкани муваффақиятли суратда мустамлакага айлантиришнинг муҳим омилларидан бири эмасми! Бунинг учун қулай шароит оёқ остидан чиқиб турипти. Панисломизм... Пантуркизм... Туркистонда вужудга келган вазиятда туркларни таъқиб этиш керакмикин? Улар олиб бораётган тарғибот биринчи навбатда русларнинг оёғига болта уришмасмикин?

Хаёлимга ҳар хил фикрлар келди. Мен бу фикрларни хотиржам бир вақт топиб мағзини чақарман, деган ўй билан яна полковник Арслонбековни назарда тутиб, гапира бошладим:

— Менимча, сизлар мусулмонлардан ноўрин хавфсираяпсизлар. Уларга ишонмасанглар, улар ҳам сизга ишонмай қўйишади. Бир нарсани унутмаслик керак: улар — қўлдаги нақд куч. Улардан фойдаланмасангиз, бошқалар фойдаланишади. Шуниси ҳам борки, сиёсатда тик босиб бориб бўлмайди! Бу — жуда нозик нарса.

Капитан Дэвид кириб, мени бир одам чақираётганини айтди. Меҳмонлардан узр сўраб, чиқдим. Айвонда содда кийинган новча киши кутиб турарди. Энгашиб:

— Мени қушбеги жаноб олийлари юбордилар,— деди.— У кишининг сизда зарур ишлари бор экан. Қаршиллик кўрсатмасангиз у киши шахсан ўзлари, сиз билан суҳбатлашишга келмоқчилар.

Қушбеги Бухорода амирдан кейин иккинчи шахс ҳисобланади. Бизнинг тилимизда айтганда — у ҳукумат бошлиғи, бош министр. Унинг ҳузурига ўзим бормоқчи

эдим, аммо бугун жуда банд, мени қабул қилишига қўли тегармикин, деб андиша қилдим. Афтидан чиндан ҳам зарур ишга ўхшайди.

— Жаноб олийларига айтинг: ўзим у кишининг ҳузурларига бориб, кўришмоқчи эдим. Бу ёқдан сиз келиб қолдингиз. Жаноб олийлари азият чекиб ўтирмасинлар. Мен бир соатга қолмай ўзим ҳузурларида бўламан.

Келган одам қўлини кўксига қўйганча оёқ учида орқаси билан юриб, чиқиб кетди. Мен хонага қайтиб, қушбеги одам юборганини ва мен билан учрашмоқчи бўлганини айтдим. Арслонбеков чўнтагидан соатини олиб қараб:

— У сизни Регистонда бўладиган жуда гаройиб томошага таклиф қиляпти,— деди.

Тўғриси айтсам, полковник ҳазил қиляпти деб ўйладим ва унга совуқ қараб қўйдим. У жуда жиддий туриб, қўшиб қўйди:

— Ҳа, ҳа... Мана, худди шундай бўлади. Кеча Янги Бухорода галаён бўпти. Бугун дорга осилиши керак бўлган одамларни афв этишни сўраб аҳоли номидан илтимоснома ёзишибди. Амир ҳузурига вакиллар ҳам юборишмоқчи бўлишган. Бироқ бухороликлар уларни бу ёққа ўтказишмаган.

Мен ҳеч нарса демадим, аммо ўзимча: «Полковникнинг тахмини тўғри бўлса керак»,— деб ўйладим.

Бухорода илгари ҳам бўлганман, шаҳарнинг кўп жойларини, тимдан тортиб машҳур Мир-араб мадрасасигача кўрганман, ҳатто мулла Муҳаммад Шариф мадрасаси қаршисидаги баланд минора устига чиқиб, Осиёнинг бу қашшоқ ва мотамсаро шаҳрини олти метр баландликда туриб томоша қилганман. Шунинг учун менда ҳозир уни яна бир бор кўриш истаги йўқ эди. Ўша-ўша: тор, чанг кўчалар, нураб турган деворлар, ифлос ҳовлилар, савдогарларнинг бир томчи сувдай бир-бирига ўхшаш дўконлари... Бу ерда ҳеч қандай янгилик йўқ; худди ҳаёт тўхтаб, асрлар давомида қотиб қолгандай.

Биз қушбегининг автомобилида борар эдик, шунинг учун ҳамма бизга қарарди. Маълум бўлишича, чорраҳаларга махсус қўйилган одамлар йўлни от-улов ва аравалардан бўшатиб турган эканлар. Қушбегининг ҳовлисиғача йўлимизни ҳеч ким кесиб чиқмади.

Мени бир нарса таажжублантирди: кўчаларда руслар кўп эди. Улар очик, европача кийиниб юришарди. Урта Осиёда диннинг таянчи ҳисобланган Бухородек жойда шунча «гайри-дин»! Бу чиндан ҳам таажжубланарли бир ҳолдир. Улар ким экан? Мен улар большевиклар чагалидан қутулиб қолган қочоқлар, деган фикрга келдим.

Қушбегининг ҳовлиси фронтнинг энг олдинги линиясидаги ҳарбий штабга ўшарди. Бино олдида саф тортган навкарлар милтиқларини олдинга қарата қия ушлаб турарди. Қушбегининг ўзи ҳам қўшинлари қамалда қолган қўмондонга ўшарди: қиёфасида, ҳаракатларида саросималик бўлмаса-да, аллақандай ташвиш сезилди. У мени ҳовли юзида кутиб олди ва илгаридан таниш хонага бошлаб кирди. У ерда ҳамма нарса эскича. Ўша стуллар ва кресло, ўша катта, қорамтир стол, ўша қути ўчган гиламлар... ҳатто қушбегининг елкасидаги тўн ҳам ўша, мен кўрган эски тўн.

Бенхтиёр ўйлаб қолдим: «Атрофда ҳукм сураётган турғунлик бухороликларнинг қон ва жонига сингиб, миллий феъл-атворлари билан чамбарчас боғланиб, одатга айланиб қолдимикин? Балки улар худди ана шу турғунликдан лаззатланишармикин?»

Бироқ қушбегининг ўзи ўзгаришти: ранги ўчган, зийрак кўзларида узоқ кунлар давом этиб келаётган ҳорғинлик сезиларди. Назаримда ҳатто унинг ўзи ҳам ўтган галдаги учрашувдагидан чўкиб қолгандай бўлиб жўринди.

Узаро ҳол-аҳвол сўрашувлардан сўнг қушбеги дарҳол мақсадга кўчди:

— Менга ҳозиргина большевикларнинг Бухородаги расмий вакили мурожаат қилди. Улар сизнинг келганингизни билишаркан. Ҳатто Қаршида Эшматбой билан учрашганингизни ҳам билишади. Кеча кечқурун Яхневич уйида зиёфат бўлгани ва унда сиз иштирок этганингиз ҳам уларга маълум. Мен унинг маълумотлари асосизлигини, Бухорода ҳеч қандай инглиз полковниги йўқлигини айтдим. У, шубҳасиз, менга ишонгани йўқ. Нима бўлганда ҳам бир нарса аниқ: большевиклар изингизга тушишибди. Ҳатто бир киши эмас, балки кўпчилик бўлиб сизни кузатишяпти. Шуни сизга етказиш мақсадида вақтингизни олганим учун узр.

Қушбегининг айтганлари мени жуда таажжублан-

тирди. Таажжубланмасдан ҳам илож йўқ. Бухоро мустақил давлат. Бухорога ким келишига большевикларнинг неча пуллик иши бор? Ё амир Николай II нинг сурати ўрнига Лениннинг суратини осиб қўйдимикин? Москва-нинг вассали бўлишига розилик бердимикин? Бундай деб ўйламайман... Унда большевиклар мамлакатнинг ички ишларига аралашинишга нима ҳақлари бор?

Қушбеги менинг таажжубланаётганимни сезиб, қўшиб қўйди:

— Сизга маълумки, шу йилнинг мартада биз Қизилтепада жуда огир шартномага имзо чекдик. Ўша шартномага биноан ўн икки мингдан ортиқ қўшин сақлашга, уни тўлдириб боришга, аҳолини қуроллантиришга ҳаққимиз йўқ. Шунинг учун ҳам большевиклар Бухоро тупроғида хорижий ҳарбийларнинг пайдо бўлиб қолишига шубҳа билан қарайдилар.

Қушбегининг овозидан у ўз кучсизлигига иқроп бўлиб гапирётгани, азият чекаётгани сезилиб турар эди. У чуқур хўрсиниб қўйди.

— Оғир... Жуда оғир... Бу чигаллашиб кетган ва портлаш хавфини солиб турган муносабатларни тушуниб бўлмаяпти,— дея юзини бурди, худди мен унга бирон нарса деб таъна қилаётгандай.

Мен осойишта, аммо қатъий гап бошладим:

— Мен ўз тақдирини ўзи белгилаётган мустақил давлат тупроғидаман, деб ўйлаган эдим. Сизга маълум қилиб қўяйки, ҳузурингизга мундиримни кийиб ва барча орденларимни тақиб келмоқчи эдим. Аммо, погонларим йўлда кирланиб қолганини кўриб қолдим. Демак, бу тасодиф бўлмаганида, сизни гоят мушкул аҳволга солиб қўйган бўлар эканман-да? Хайрият, погонларим кирланиб қолгани яхши бўлган экан!

Қушбеги ишдамасди. Ҳозиргина бировдан сўкиш эшитган боладай бошини эгиб ўтирарди. Мен унга кўпроқ ёпирилдим:

— Чигал муносабатларни ҳал қилмоқ учун менимча, сиёсий йўналишни аниқлаб олмоқ керак! Ҳатто тун қоронғисида ҳам қаёққа бораётганини киши аниқлай олади. Аммо қоронғи сиёсат... Унинг қаёққа олиб боришини аниқлаш қийин! Бундай сиёсат фақат тамомила заифликка олиб келади...

Айтганларимнинг ҳаммаси шу бугуноқ амирга етказилишини билар эдим. Шунинг учун гапни чала қол-

дирмай, ҳаммасини очиқчасига тўкиб солмоқчи эдим. Назокат билан лутф-карам кўрсатишга фурсат йўқ эди. Амир билан учрашгандан кейиноқ Бухородан кетишга қарор қилиб қўйдим. Генерал Маллесон ноябрнинг ўрталарида Машҳаддан Асхободга келади. Кетишимдан олдин у мени шу вақтгача барча ишларимни тугатишим зарурлигини яна бир марта таъкидлаган эди. Жуда бўлмаганда ноябрнинг охирида Асхободда бўлишим кераклигини айтган эди. Бухорода эса ҳали қиладиган ишлар кўп. Тўғриси айтганда, мен энди иш бошлаган эдим. Энг муҳим вазифалардан бири — амирни қўрқоқлик сиёсатидан қайтариб, уни большевикларга қарши қатъий курашга ўтишга мажбур этиш керак эди. Ҳа, мажбур этиш... Шу нарса аниқки, уни қўрқитмагунча ўзининг мужмал йўлидан қайтмайди. Шунинг учун ҳам битта йўл қолган эди — у билан ҳам, яқин одамлари билан ҳам очиқчасига гаплашиб олиш керак.

Қушбеги тўсатдан бошини кўтариб, менга савол назари билан қараб қолди:

— Сиз, жаноб полковник, очиқ денгизда кучли довулда қолган кемани кўрганмисиз?

— Бир марта эмас, ҳатто бир неча марта кўрганман. — Қушбеги ўз мулоҳазаларини илгари сурмоқчи бўлаётганини пайқадим. Мен унга тўсқинлик қилмадим, аксинча йўл бердим: — Денгиздаги ҳалокатдан кўра даҳшатлироқ нарса бўладими?

— Тўғри айтяпсиз... Бу жуда даҳшатли ҳалокат. Бир гал мен ҳам шундай вазиятга дуч келганман. Бухоро ҳам ҳозир фалокатга дуч келган кема сингари қалқиб турипти, десам менга ишонасизми?

Мен қушбегининг очиқдан-очиқ берган саволига чалғитиб жавоб бердим:

— Ҳозир дунёда офатга дуч келмаётган жой борми? Шиддатли тўфон бутун дунёни қоплаб олди. Асосий вазифа — ана шу тўфоннинг қурбони бўлмасликдадир. Икки йўлдан бири: ё сузиб чиқиш ёки гарқ бўлиш. Учинчи йўл йўқ!

— Оқилона сўзлар!.. Аммо сузиб чиқиш учун ҳам куч керак. Бунда шижоатнинг ўзи билангина иш тутиб бўлмайди. Биз кучларимизни жангда синаб кўрмоқчи бўлдик. У биз ўйлагандан кўра ожизроқ экан, бинобарин чекинишга ва бўйнимизга қўйилган шармандали

шартларга кўнишга мажбур бўлдик. Бироқ биз барибир бармоғимизни милтиқ тепкисидан ажратмаймиз, тузилган шартномани йўққа чиқариш учун қўлимиздан келадиган ҳамма ишни қиламиз. Бир мисол келтирмоқчиман. Туркистонда большевиклар чангалидан қутулган минглаб руслар, арманилар биз томонга қочиб келишди. Шартномага биноан биз уларни тутиб, Тошкентга жўнатишимиз керак. Мактуб ортидан мактуб юборишяпти... Талаб қилишяпти... қўрқитишяпти... Аммо биз ҳар гал бирор баҳона топиб турибмиз. Бошқа нима ҳам қила олардик?

Қушбеги амирнинг фурсат пойлайдиган сиёсатидан норозилигини, унинг ўзи кескинроқ ҳаракат қилиш тарафдори эканлигини билар эдим. Шунинг учун ҳам уни очиқ гапириб, ўз фикрларини айтишга мажбур этишга ҳаракат қилдим.

— Мен сиз билан, жаноб олийлари, расмий шахс сифатида эмас, балки Бухоро халқининг дўстларидан бири сифатида гаплашмоқчиман. Баъзи бир муҳим масалалар устида сиз билан дўстона фикрлашмоқчиман. Ўзингиз тушунасиз, дўстона суҳбат, гарчанд баъзан уни эшитиш унча хуш ёқмаса ҳам, очиқчасига бўлиши керак...

Қушбегининг чеҳраси ёришди:

— Жуда тўғри гапиряпсиз, жаноб полковник! Биз фақат дўстларча гаплашишимиз керак. Одам бир-бирига кўнгил қулфини очмай, дўст бўлолмайди!

Мен ўзимни қушбегининг айтганларидан жиддий хулоса чиқарганга солиб, очиқ гапга ўтдим:

— Даставвал, бир нарсани аниқламоқчи эдим: большевиклар томонидан солинаётган хавфга ҳаддан зиёд алоҳида эътибор бермаётганмикансизлар?

Қушбеги тушунмагандай менга бир қараб қўйди-ю, аммо индамади. Мен фикримни тушунарлироқ қилиб айтишга интилдим:

— Қарши билан Ғузор оралиғида кичик бир шаҳарча бор. Бу ёққа келаётганда биз йўлда, ўша ерда дам олдик. Билишимча, ўтган ойда ғалаёлар бўлганида сиз ҳам ўша ёққа борган экансиз. Амлоқдорни вазифасидан олиб ташлабсиз-да, кишанлаб, куйган тўнка устига ўтқазиб қўйибсиз. Мен ўша амлоқдорни кўриб, ўзимга савол бердим: «Амлоқдор давлат механизмининг муҳим бир мурвати. Одамлар кўзи олдида уни

бу қадар шарманда қилишнинг нима ҳожати бор экан? Исёнчиларни тинчитиб учунми? Чоржўй ёки Қаркидаги большевикларнинг илтифотига сазовор бўлиш учунми? Улар эртага бошқа бир ерда каттароқ исён кўтаришиб, бекни тўпика устига ўтқизиб қўйишни талаб этишсачи?.. Унда нима қиласизлар?

— Марҳабо! Марҳабо! Офарин сизга! — Қушбегининг юзи ёришди. — Жуда тўғри! Бу менинг ихтиёрим билан бўлгани йўқ, шундай қилишни шавкатли амирга қозикалон маслаҳат берган эди. Сизнинг гапингизни мен ҳам айтдим. Сиз айтгандай бўлди. Кеча кечқурун Қўлобдан хабар келди. У ерда ҳам катта тўполон. Фуқаро солиқ тўлашдан бош тортяпти экан. Солиқларсиз сиёсат юргизиш бўлармиди? Ҳозир биз армиянинг ўзигагина ҳар кун миллиондан ортиқ сарфляямиз!

Қушбеги нафасини ростлаб, қўшиб қўйди:

— Сиёсатда қатъийлик зарур! Мана, ўтган тунда исёнчилар ярамас шеърлар тарқатишди. Агар бугун уларни жазоламаса, эртага улар бундан ҳам қабиҳроқ бирор нарсани ўйлаб чиқарадилар. Утган тунда биз шавкатли амир билан бу ҳақда узоқ гаплашдик. Мен у кишига: «Оқиши муқаррар бўлган қонни томирларда сақлаб бўлмайди. Мамлакатга ғалаён солаётган одам қаттиқ жазоланиши керак!» — дедим.

— Амир нима дедилар?

— Амирми? У киши айтдиларки...

Суҳбатнинг ана шу энг қизиқ жойида қоровулбеги кириб, таъзим бажо келтиргач, деди:

— Ҳамма нарса тайёр... Қозикалон тақсирлари сизни кутяптилар, жаноб олийлари.

Қушбеги гап нимадалигини менга тушунтирди:

— Шавкатли амир икки жиноятчини намоийшкорона осини буюрдилар. Эътироз билдирмасангиз, юринг, бунинг амалга оширилишини бориб кўрар эдик. Қайтиб келгач, суҳбатимизни давом эттираемиз.

Мен эътироз билдириб ўтирмадим, аммо Арслонбековнинг сўзларини хаёлимдан ўтказдим. Полковник ҳақ бўлиб чиқди. Ё парвардигор, қушбеги мени бу томошага таклиф этишни у қаёқдан билди экан?

Икки ҳовлидан ўтиб, орқа эшикдан пишиқ гиштдан солинган усти гумбазли уйга кирдик. Катта деразалари Регистонга қараган кенг залда бизни жуда кўпчилик кутиб турар эди. Тўпланганлардан мен фақат қозикалонни

билар эдим. У истиқболимга чиқиб, одатдагидай хушчақчақлик билан жўришиб, мени бу ердаги оқсоқоллар билан таништирди. Зал осуда, ҳатто шундоққина ёнида тумонат одам тўплангани ҳам билинмас эди. Тўсатдан қаёқдандир қаттиқ шовқин-сурон эшитилди. Минглаб овозлар қоришиб, ҳосил бўлган аллақандай ноаниқ бир шовқин ёпиқ деразалардан ёриб кириб, зални ларзага келтирди. Худди шу пайтда озгин, новча офицер шошилиб кирди-да, қушбеги олдида гоз туриб:

— Жаноб олийлари! Жиноятчилар келтирилди! — деди.

Ҳамма кенг айвонга чиқди. Майдон тўла одам. Қўшни уйларнинг томларида баъзилар ўтиришар, баъзилар эса туришарди. Тўпланганлар олдида қамчи яланғочлаган отлиқ сарбозлар ярим доира ясаб туришарди. Улардан кейин бир неча қатор пиёда сарбозлар девордай тўсиб туришарди. Майдоннинг ўртасида даҳшатли ўлимни эслатиб, йўғон эман ёғочидан тикланган дор турарди. Унинг остиди кишанланган икки ёш йигит атрофга қараб турарди. Биринчи — ёнидаги дор ёғочидай қомати келишган, баланд бўйли. Қалин туман орасидан унинг юзини ажратиб қийин, аммо у мағрур турар: бошини баланд кўтариб, халойиққа боқарди. Иккинчиси — миқтидан келган, бўйи биринчисидан пастроқ эди. У ҳам муқаррар бўлиб турган ўлимни мардона кутаётган эди. Назаримда у ҳатто заҳарханда билан бизга қараб тургандай бўлиб туюлди.

Тўсатдан кўтарилган шовқин яна худди шундай кутилмаганда тинди. Тўқ қизилга бўялган соқоли кўксига тўшиб турган баланд бўйли киши — қози Абдулқодир маҳсуе қурилган тахта супа устига чиқиб, виқор билан томоқ қирди ва овозини қичқираётгандай баландлатиб аллақандай қоғозни ўқий бошлади:

— «Бисмиллоху раҳмони раҳим! Марҳаматли ва шафқатли худо йўлида!» — Қози овозини халойиқ эшитаётганини билиш учун бирпас жим қолди. Сўнгра давом эттирди: — «Олампаҳоимиз, бутун Бухоронинг суянган тоғи, шавкатли амир жаноблари йўлида...»

Қози овозини ундан ҳам баландлатаётганда, кимнингдир эшаги думини диккайтириб ҳанграй бошлади. Бутун майдонни унинг қулоқни қоматга келтирувчи йўғон овози қоплади. Эшакнинг эгаси чопиб бориб, овозини ўчириш учун тумшугига тўнини ташлади. Икки

сарбоз эшакни ҳам, эгасни ҳам қамчилай бошлади. Ўзимни кулгидан зўрга тутдим. Бошқа вақтда эшакнинг жуда ўрнилатиб айтган ашуласи, шубҳасиз, одамларни роса кулдирар эди. Бироқ ҳозир бирон киши ҳам жилмайгани йўқ. Оғир нафас олиб турган одамлар қозидан кўз узмас эди.

Қози томогини қириб, энди оғиз очаман деб турганида, дор тагида турган баланд бўйли йигит овозининг борича қичқирди:

— Овора бўлма, қози! Эшакдан ошириб бақиролмайсан!

— Марҳабо!— дея қичқирди кимдир оломоничидан.

Озғин ҳарбий киши бир неча сарбоз билан овоз чиққан томонга югурди. Қоровулбеги эса йигитнинг олдига бориб, унинг юзига тарсаки тушириб, ифлос сўзлар билан сўкди. Йигит хахолаб кулди. Қоровулбеги қутуриб, йигитни яна урди, оёқлари билан тепкилай бошлади.

Шунда йигит кучи борича овозини баланд қўйиб қичқирди:

— Биродарлар! Амирнинг кимлигини биласизларми? Қутурган эшак! Халқ қонини сўраётган йиртқич...

Қоровулбеги унинг оғзини юмиш учун ташланди. Сарбозлар бошлиққа ёрдамга шошилишди. Йигитнинг устидаги кўйлакни бурдалаб, унинг оғзига тиқишди ва бўйнига қора арқонни ташлашди. Оломон орасида олаговур бошланди, нафрат сўзлари барала эшитилар эди. Қозикалон қўлини силкиди. Арқонни юқорига торта бошлашди, йигитнинг узун қомати аста-секин ердан узилла бошлади. Шу пайт кимнингдир қўли билан отилган граната айвонга етмай гумбурлаб портлаб кетди.

Биз орқа-ўнгимизга қарамай уйларга қочдик.

\* \*  
\*

Қушбегиникидан кечга яқин ҳориб қайтдим, жилла бўлмаса ўринга чўзилиб бир соатгина дам олишни истардим. Худди эшигимнинг олдида доктор Андрей Ивановични кўриб, жуда таажжубланиб қолдим. У мени кутаётган экан. Ёнида ўша биз Қаршида князь Дубровинский билан кўрган малларанг сочли қиз турарди.

Бошқа иложим йўқ эди, докторни уйга таклиф этдим.

Унинг чехраси ғамгин, қаттиқ ҳаяжонланаётган эди.

— Салом, қадрли доктор. Хизмат? — сўрадим мен.

Менга совуқ бир қараб қўйиб, зарда билан сўради:

— Князни қаёққа гумдон қилдингиз?

— Қайси князни? — Мен таажжублангандай қошимни кўтардим. — Тагин қанақа князь?

— Мен уни билмайман денг?

— Бир танишим бор, барон... Ҳатто битта лорд ҳам... Аммо князь... Йўқ, танишларим орасида князь йўқ.

— Бор! — Доктор менга деярли бақириб юборди. — Князь Дубровинский. У менга ҳаммасини айтди. Ҳатто уни Ҳирот ҳокими олдига юборганингизгача гапирди. Гапни айлантирмай қўя қолинг!

Дарҳақиқат бошқа илож қолмаган эди. Шунга қарамай, ўзимни осойишта, босиқ тутишга ҳаракат қилдим.

— Доктор, ҳамма айтганларингиз тўғри деб фараз этайлик. Князь Дубровинский ҳам бор дейлик... Уни мен биламан ҳам дейлик... Аммо менга айтингчи, у билан нима ишингиз бор?

— Менинг? — Доктор кўзойнагини жаҳл билан артиб, қирғий сингари менга тикилди. — У билан қанақа ишим борлигини ҳозир сизга кўрсатаман...

У эшикни қия очиб, дўқ уриб чақирди:

— Надя! Бу ёққа кел...

Малларанг сочли қиз уялинкараб хонага кириб, додираб бурчакда туриб қолди. Андрей Иванович унга ишора қилиб, ўша-ўша ғазаб билан сўз бошлади:

— Князь мана бу қизга уйланаман деган экан.

— Ха-ха-ха! — Жўрттага қаттиқ кулиб юбордим. — Жуда соз! Унда тезроқ тўйни бошлайлик! Бизни ҳам таклиф этишни унутманг!

Менинг аччиқ кулгимдан докторнинг жуда жаҳли чиқиб кетди. Унинг чуваккина, озғин юзи ўзгарди, пешанасига чуқур ажинлар йиғилди. Бутун вужуди қотиб қолгандай таранг тортилди. У менга мушт кўтариб ташлашишга ҳам тайёрлигини кўриб, эшикка ишора қилдим:

— Гап тамом, қадрли доктор. Қаршилигингиз бўлмаса, мен бир оз дам олмоқчи эдим.

У ўзини бутун иродаси билан босиб олди. Оғир нафас ола туриб, менга нафрат билан тикилди:

— Ҳозиргача мен бирон кимсага ўлим тиламаган эдим. Фақат даволадим, қўлимдан келган ёрдамимни ая-

мадим. Бироқ шу бугун ҳатто врач ҳам ҳамиша шафқат қилавермаслиги керак экан, деган хулосага келдим. Ҳа, афтидан шафқат қилишга арзимайдиган нусхалар ҳам бўлар экан, — дея ғазаб билан гапирди-да, ҳамроҳини қўлидан стаклаганча чиқиб кетди.

Устимдан биров қайноқ сув қуйиб юборгандай бўлди. Ҳизматчи тинчлантиришга ҳарчанд уринмай, бўлмади. Ахир биз ҳам князни қидираётган эдик. Бу ёққа келишимиздан сал олдин Қаршида у ер остига кирдимиз, осмонга чиқдимиз, ғойиб бўлди-қолди. Ё биз атрофига тўр ташлаганимизни пайқадим ёки мана шу малларанг сочли қиз билан бўлиб, муродига етгач, жуфтани ростлаб қолди.

## 19

Соат тўққизда Айрапетяниқида бўлишга ваъда берганман. «Рус жамоасининг гуллари» бу гал униқида йиғилиши керак эди. Бу йиғилишга боргим йўқ. Ҳозир меҳмондорчиликка бориш мен учун энг оғир қийноқ. Бошим ғувиллар, бутун баданим зирқираб оғриди. Биринчи рюмка коньяк ичиб, ётмоқчи бўлдим. Аммо коньякни олиб келишгач, биринчи рюмкани тўлдиришим билан орқасидан биров қувгандай ҳансираб Арслонбеков кириб келди. Чўнтагидан аллақандай варақа чиқариб, стол устига ташлади-да, ҳаяжон ичида гапирди:

— Мана, жаноб полковник, энг сўнгги янгилик!

Мен варақани олиб, тезда кўз югуртирдим. Ушасиз ҳам таранг бўлган асабим ўтда куйгандай бўлди. Яна бир карра қизил ҳарфлар билан терилган сарлавҳани ўқидим: «Рус офицерининг хотиралари...» Бу рус офицери князь Дубровинский эди! Хотиралар унинг Машҳад билан Бухоро ораллиғида бўлиб ўтган барча воқеалар баёнидан иборат эди. Ҳаммаси бошдан-оёқ аччиқ сўзлар билан ёзилган эди.

Варақани стол устига ташладим:

— Бунга қардан олдингиз?

Полковник коньякка суқланиб қараб жавоб берди:

— Янги Бухородан келтиришди. Бугун тунда бу ерда ҳам тарқатишади.

— Князнинг ўзи ўша ёқдами?

— Менимча, йўқ... Большевиклар уни Тошкентга юборишган. Уларга князь сингари одамлар жуда зарур.

— Балки у ҳали Янги Бухородадир?

— Билмадим... Аниқлаш мумкин.

— Ҳозироқ у ёққа одам юбориш керак. Сотқинни, албатта қидириб топиш ва уни ортиқ оғзини очолмайдиган қилиш керак. Капитан Кирсанов шу ердами?

— Ҳа.

— Ушани юбориш керак.

Қайфиятим тамоман бузилди. Варақа бизнинг Туркистондаги сиёсатимизнинг асосий йўналишларини фош этиш учун чиқарилган эди. Уни жуда тажрибали киши моҳирлик билан ёзган эди. Бу князни қаёқданам бошимга бало қилдим-а?

Бу ярамас қоғоз анча нохушликларга сабаб бўлиши аниқ эди. Биз разведкачиларнинг қисмати шунақа: муваффақият қозонсанг ҳеч ким сендан: «Бунга қандай қилиб эришдинг?» — деб сўрамайди. Аммо муваффақиятсизликка учрасанг борми — қоғоз билан қаламни ҳозирла: сўроқ устига сўроқ дўлдай ёғилади!

Арслонбековга докторнинг келганини айтдим.

У осойишта жавоб берди:

— Доктор ҳеч гап эмас... Унга бир жуфтгина мана бу варақадан юборсам, нафаси ўчади қўяди. Бундан кўра жиддийроқ гаплар бор: қозикалон амирга Бухородаги рус қочоқлари ҳақида нома юборишти. У ўз номасида мамлакатда бўлаётган барча ғалаёнларга рус муҳожирлари сабабчилар, улар аҳолига қурол сотишяпти, қисқаси, русларнинг Бухорога келиши исломга хавф солаётганини далиллашга интиланган. Хавф солаётган эмиш! Аллақандай Рогожин исми поручик савдогарлардан бирига ўн-ўн бешта милтиқ сотган, уни қамашган, ҳозир қамоқда. Қозикалон рус муҳожирларини Хива орқали Уралга юборишни таклиф этяпти. Қушбеги уни қўллаб-қувватлаганга ўхшайди. Бунинг биз учун фоят муҳим аҳамияти бор. Бухоро ҳозир большевизмга қарши курашаётган кучларнинг бошланғичига айланган. Агар бу имкониятдан маҳрум бўлсак, унда бизга анча қийин бўлади.

— Бу гапларни қаёқдан эшитдингиз?

— Амирга номаи тайёрлашда иштирок этганлардан бири айтди.

Арслонбеков нафасини ҳам ростламай қўшиб қўйди:

— Албатта қочоқлар орасида ҳам ғалаённи қўллаб-қўлтиқлаётганлар бор. Регистонда портлатилган грана-

тани жиноятчилар қаёқдан олишган, деб ўйлайсиз? Бирор қочиб келган офицердан олишгани аниқ.

— Балки большевиклар беришгандир?

— Йўқ... Улар бу масалада жуда эҳтиёткорлик билан иш тутишади. Керак бўлганда тўп ҳам беришади. Ҳозир эса... ҳозир улар амирни тинчлантиришга ҳаракат қилдилар.

— Демак, сиз большевиклар бу ишга аралашмаган деб ўйлайсизми?

— Йўқ!— Арслонбеков қатъий жавоб берди.— Бунақа стихияли ҳаракатлар ҳеч қандай фойда бермаслигини улар яхши тушунишади. Бир нарсадан: бу воқеа амирни кўрқитиб қўямасин деб хавфсираяпман. Беш-олти киши ўлдирилган... Йигирма-ўттиз киши яраланган... Унлаб киши зиндонга ташланган... Бунинг оқибати нима бўлиши ҳали номаълум!

Жуда катта ғалаён бошланганини қушбегининг уйида ўтирганимдаёқ сезган эдим. Гап шундаки, у мендан узр сўраб, хонадан чиқиб, қоровулбегининг ахборотини тинглади. Мен ҳатто учрашувимизни бошқа вақтга кўчиришни ҳам таклиф этдим. Аммо қушбеги эртага Кўлобага кетаётганини, у ерда бир оз ушланиб қолиши мумкинлигини айтди. Шунинг учун майдондаги шовқин-суронга қарамай, жуда қизиган суҳбатимизни давом эттирдик: суҳбатимиз самимий ва бир-биримизга ишонч руҳида ўтди. Қушбеги менда яхши таассурот қолдирди...

Мен Айрапетянкида бўладиган зиёфат ҳақида гапирдим, Арслонбековга Айрапетян дашноқлардан беш минг кишидан иборат отряд тузмоқчи бўлиб турганини айтдим. У киноя билан кулди:

— Беш минг кишилик?

— Ҳа.

— Ишонманг! Беш юз киши тўпласа ҳам катта гап. Сирасини айтганда, у фурсатдан фойдаланиб, ҳамёнини қаппайтириш пайида!

Хизрни йўқласак бўлар экан. Арслонбеков гапини тугатмасидан, Айрапетян шовқин солиб кириб келди ва ҳайратланган бўлиб, бақирди:

— Жаноблар! Сизлар ҳамон ўз ишларингиз билан бандмисизлар? Бўлди энди! Қани, юринглар. Бизни кутишяпти...

Айрапетянининг одобсизлиги, очиғини айтганда, мен-

га ёқмади. Мен унга совуқ бир қараб, жавоб бердим:

— Бугун мени маъзур тутасиз. Тобим қочиб турибди.

Айрапетян оғзини тўлдириб, илжайди,

— Йўқ, йўқ, жаноб полковник! Сизсиз қандай бўлади? Мен меҳмонларни фақат сизни деб чақирдим. Ҳамма келиб, кутиб ўтирипти. Бормасангиз — қаттиқ хафа қилган бўласиз.

Армани осонликча жон бермаслигини пайқаб, истамайгина ўрнимдан туриб, кийинча бошладим...

Регистондаги воқеа амирни қаттиқ ташвишлантириб қўйипти. Узаро ҳол-аҳвол сўрашувлардан сўнг у даров шу ҳақда гапира башлади:

— Ҳаммасини эшитдим, жаноб полковник. Мен ҳатто қушбегини сизни бунақа томошага олиб боргани учун сўқдим.

— Бекорга сўкибсиз, жаноб олийлари! (Мен, унга руслар «олий ҳазрат» унвонини берганларини билсамда, атайин шундай деб атадим). Бунақа томошани ҳам кўриб қўйиш керак.

— Йўқ, уни кўрмаган маъқул!— Амирнинг думалоқ юзи қизарди.— Бир ҳовуч бекорчи макруҳлар давлат билан ўйнашиб, мамлакатни алғов-далғов қилса-ю, биз бўлсак уларнинг адабини беришга кучимиз етмаса. Бу қандай гап, сизнингча?

Амир анчагача бошини эгганча йўғон бармоқларини деярли қоплаб турган қимматбаҳо узукларига қараб жим қолди. У муҳим бир гап бошламоқчи бўлиб тургани аниқ эди. Ниҳоят, шишиб кетган қовоқларини кўтариб, паст овозда сўз бошлади:

— Жаноб полковник! Сиз кўп жойларда бўласиз. Кўп нарсани кўрасиз. Айтингчи, бу тўс-тўполоннинг сабаби нимада? Нега бир неча ой ичидаёқ бутун дунё ағдар-тўнтар бўлиб кетди? Бизнинг нодон муллаларимиз: «Қиёмат қойим бўлади» дейишяпти. Мен, албатта, уларнинг бу сафсаталарига эътибор бермаяпман. Қонотда ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Қуёш ўз ўрнидан чиқяпти. Тун ва кун ўша-ўша ўз қонунларига асосан алмашиняпти. Утган йили ҳам шу вақтда ҳаво булут эди. Ҳозир ҳам шундай. Ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Бир нарса

ўзгарган: одамлар илгаригидай эмас. Одамлар ақлдан озиб қолган. Бунинг сабаби нимада экан, а?

Мен жилмайиб қўйдим:

— Ахир ҳамма одамлар ҳам ақлдан озгани йўқ-ку.

— Кўпчилик... Бўлмаса дунё бунчалик ларзага келмас эди... Қандай йўл тутишни ҳам билолмай қолдик. Эртагача тирик қолишинга ҳам ишонч йўқ. Нимага шундай бўляпти? Бунинг сабаби нимада?

Амир жуда жиддий савол бераётганини билди туриб, киноя аралаш жавоб бердим:

— Сабаби битта — биз қўрқоқ бўлиб қолганмиз. Ўз заифлигимизни енголмаяпмиз.

— Йўқ, йўқ! — амир қатъий эътироз билдирди. — Гап қўрқоқликда эмас. Оқ подшо жаноб элийлари қўрқоқ бўлганлар, десангиз ҳеч ким ишонмайди. Ўзимни ҳам қўрқоқ деб ҳисобламайман. Аммо нимаки иш қилсам, ҳаммаси ўзимга зиён келтиряпти. Нега шундай бўляпти?

Башанг кийинган, оппоқ, чиройли ўспирин чилим кўтариб кириб, амир олдида эгилганча чилимни эҳтиёткорлик билан унга тутиб қотиб қолди. Амир чилимни олиб, ўспиринга мулоим бир қараб қўйди. Сўнгра қўлини силкиди. У орқаси билан юриб, қизлар сингари енгилгина чиқиб кетди. «Амирнинг арзандаларидан бири бўлса керак», — деб ўйладим.

Амир тумшуғи олтин билан қопланган чилимни оғзига яқинлаштириб, боягидай маънос оҳангда сўзини давом эттирди,

— Табиб менга мана бу ярамас нарсани чекишни ман этган. Қаттиқ йўталаман. Кечалари уйқу бермайди. Барибир чилимсиз туролмайман. Чекмасам ўзимни қўйишга жой тополмай қоламан. Биласизми нимага? Асаблар камаланинг ипидай таранг тортилган. Ана шу тартибсизликлар туфайли кечасию кундузи оромим бузилган. Кечаси кундузги ташвишларни ўйлаб ётолмайман, кундузи эса тундаги даҳшатли хаёллар тинчлик бермайди. Шу аҳволда чекмай бўладими?

Амир чилимни секин қуриллатди. Мен унга тикилиб туриб, ўзимча ўйладим: «Бутун бошли мамлакатнинг чинакам хўжаси. Ҳеч ким унинг раъйини қайтаролмайди. Унинг айтгани қонун, қилган ишларининг бари — адолат. Қўлини кўтарса бас — бутун истаклари бажо келтирилади. «Ўлдири» — деса — ўлдиришади. «Ёндир» — де-

са — ёндиришади. Бир оғиз сўз, бир ишоранинг ўзи кифоя... Ҳар қандай фармони сўзсиз бажарилади. У шикоят қилгандан кейин... Атрофидагилардан нима кутиш мумкин?»

Амир чилимни қаттиқ тортиб ҳузур қилиб тутун чиқаргач, яна сўз бошлади:

— Мен бир нарсага ҳайронман, жаноб полковник: хавф фақат бизнинг бошимиздагина эмас. Бўрон ҳам фақат бизнинг атрофимизда бўлаётгани йўқ. Бутун дунё чок-чокидан сўкиляпти. Нима сабабдан шундай бўляпти?

Амирга вазиятни тушунтиришга ҳаракат қилдим:

— Ҳаёт, жаноб олийлари, бу — улкан денгиз. У гоҳ тўлқинланиб ҳужумга ўтади, гоҳ тинчланиб, орқага қайтади. Ўтган йил — оғир йил бўлди. У айниқса иттифоқдошлар учун оғир бўлди. Большевикларнинг исёни оқибатида Россия урушдан чиқиб кетди. Шарқий фронт тарқалди. Руминияни немислар тор-мор қилди. Италия қаттиқ мағлубиятга учради. Француз армияси деярли сафдан чиқди. Бунинг натижасида бизга ҳам қийин бўлиб қолди. Сиз, дунё чок-чокидан сўкиляпти, дедигиз. Бунга ўзимиз айбдормиз. Ҳокимият тепасида турган сиёсатдонлар айбдор. Сиз: — «гап қўрқоқликда эмас» — деяпсиз. Қисман ҳақсиз: ёлғиз ботирликнинг ўзи ҳамиша ҳам етарли бўлавермайди. Биринчи навбатда узоқни кўра олиш керак. Оқил сиёсат керак. Аммо кўп нарса бу сиёсат қанчалик қатъийлик ва изчиллик билан амалга ошириляётганига ҳам боғлиқ.

Амир мендан кўз узмай, бамайлихотир тутун тортиди. Бироқ унинг юзида ҳеч қандай ўзгариш кўринмас ва бинобарин менинг сўзларим унга таъсир қилдими, йўқми — билиб бўлмас эди. У мафтун бўлгандай қимир этмай ўтирарди.

— Мана, сиз оқ подшо тўғрисида гапирдингиз. Менимча, оқ подшонинг худди ана шу қатъиятсизлиги Россияни ҳалокатга олиб келди. Ахир большевиклар бир кунда туғилгани йўқ-ку. Ўз вақтида қатъий ҳаракат қилиш керак эди. Кейин фурсат қўлдан кетган.

— Йўқ, йўқ, жаноб полковник! — Амир чилимни нариги стол устига қўйиб, қизғин гапирди бошлади: — Оқ подшо большевикларни бўридай қувди. Уларни Сибирга сургун қилди. Узоқ кетмайлик... Мана, биз ҳам большевикларни инс-жинсларни қувгандай таъқиб эт-

япмиз. Шахсан мен ўзим барча бекларга, большевикларга зигирча бўлса ҳам хайрихоҳлик кўрсатган исёнчини, кимлигидан қатъи назар, ўша жойнинг ўзида йўқ қилинг, деб буюрганман. Юзлаб одамларим ўшаларни таъқиб этиш билан банд. Менинг шербаччаларим<sup>1</sup> бошқа иш билан зиндонларда бўш жой қолмади. Баъзи жойларда биз ҳатто янги зиндонлар қурдик. Барибир етишмаяпти. Дадил курашни бундан ортиқ бўладими?

Мен атайлаб индамадим. Амир янада қизишиброқ давом этди:

— Менинг фуқароларим уч миллион кишидан ортиқ. Шу билан большевиклардан қутулишга имоним комил бўлса аҳолининг ярмини зиндонга ташлашга ҳам рози эдим.

Кулиб, амирнинг бир оз жигига тегдим:

— Шундай қилиб бўлармикин. Яхшиси зиндонга большевикларни ташлаш керак. Уларга қарши қатъийроқ курашиш керак.

— Қандай қилиб?— Амир икки тирсагини креслога тираб, олдинга энгашди. Бир марта қиличим қайрилиб бўлди. Ишонинг, энди нима қилишга ҳайронман. Муваффақият қозонишимга кўзим етса, бир дақиқа ҳам кутиб турмасдим!

Мен гапни узоқдан бошладим. Амирга большевиклар ўлим тўшагида, улар ҳамма томондан ўраб олинган, дедим. Сўнгра Туркистондаги аҳвол, «Туркистон ҳарбий ташкилоти» билан ҳамкорликда тузган стратегик план тўғрисида гапирдим. Ниҳоят пировардида масалани кўндаланг қўйдим. Бухоро большевизмга қарши курашишига қандай ҳисса қўша олади?

Амир анчагача индамай, ўйланиб қолди, сўнгра саволимга савол билан жавоб берди:

— Гап тирик кучлар, қўшинлар ҳақида бораётган бўлса керак. Шундайми?

— Ҳа... Жангга киритса бўладиган қўшинлар ҳақида. Бухоро, айтайлик, узоғи билан бир ойдан сўнг Чоржўйга қанча одам юбора олади?

Амир яна ўйланиб қолди. Афтидан у ё аҳволдан хабардор эмас ёки аниқ жавоб бергиси йўқ эди. Наза-

римда у тўғридан-тўғри бериладиган жавобдан ўзини олиб қочиш йўлини излаётгандай бўлиб туюлди. Тахминим тўғри чиқди. У мужмал жавоб қайтарди.

— Иш одамларнинг ўзидагина эмас. Ун минг киши ҳам, эллик минг ҳам юбориш мумкин... Қурол ишлата оладиганлар кўп. Қурол йўқ! Сиздан биз атиги икки карвон — қурол ортилган бир юз ўттиз туя олдик. Бу эса жуда кам! Амир Ҳабибуллахонга мурожаат қилдик. «Ёрдамлашамиз, мусулмон биродарларимизни яққалатиб қўймаймиз»,— деб жавоб берди у. Милтиқ, ўқ, порох, ўнлаб тажрибали офицерлар, ҳатто кўнгиллиларни юборамиз, деб ваъда берди. Ҳозирча бир неча кишини юборди, холос.

Мен амирни очиқ гаплашишга даъват этишга ҳаракат қилдим:

— Фараз этайлик, биз қурол билан ёрдам беришни бўйнимизга олдик... Бир ойдан кейин Бухоро қанча армия бера олади?

— Қурол бўлса, жамики бухороликларни юбориш мумкин.

— Мен доимий солдатлар, чинакам жангчилар ҳақида гапиряпман.

— Доимий солдатлар... Бу оғир масала. Бухоро аслида солдатсиз яшаб келган давлат. Бизда катта армия сира бўлмаган. Бир ой, умуман олганда, унча катта муддат эмас. Аммо шунга қарамай, ҳисобдан адашмаган бўлсам, ўттиз мингтагача одам юбориш мумкин. Айтгандай, келинг, тўпчибошини<sup>1</sup> чақира қолайлик... У анигини айтади.

Амир кўнғироқни жириглатди. Эчки соқол бир чол эшикни очиб, амирга таъзим қилди. Амир буюрди:

— Тўпчибошини чақир!

Орадан кўп ўтмай тўпчибоши келди. Амир унга узоқдан хўмрайиб қараб, қатъий оҳангда сўради:

— Агар қуролдан танқислигинг бўлмаса, бир ойда қанча одам тўплай оласан?

Кўмондон билан учрашгандим ва унинг фикри менга маълум эди. Ҳозир нима деркин? У гоҳ амирга, гоҳ менга қараб, анчагача иккиланиб қолди. Сўнгра секин гап бошлади:

<sup>1</sup> Тўпчибоши — артиллерия бошлиғи, амир қўшинларининг кўмондони.

<sup>1</sup> Шербачча (шер болалари)— революцион ҳаракатга қарши кураш учун амир томонидан тузилган отрядлар.

— Агар қуролдан қийналмасак, ўттиз-қирқ минг одам тайёрласа бўлади.

— Ўттиз-қирқ минг?

— Ҳа.

— Эшитяпсизми, жаноб полковник? У ўттиз-қирқ минг деяпти...

Қўмондон мен билан гаплашганда эллик минг одам деган эди. Шунинг учун унга эслатмоқчи бўлиб, луқма ташладим:

— Балки эллик минг ҳам тайёрласа бўлар?

Қўмондон иккиланиб жавоб берди:

— Агар муддат бир оз узайтирилса, эллик минг ҳам тайёрлаш мумкин бўлади.

Амир қатъий сўради:

— Қанча муддат керак?

— Лоақал бир ярим ой.

— Бир ярим ойдан сўнг эллик минг кишилик армия тайёр бўлсин! Бор, ишингни қил!

Тўчибоши индамай чиқиб кетди. Амир мен томон ўгирилиб:

— Бу масала ҳал бўлди,— деди.— Аммо қурол масаласини ҳал қилиб беринг. Ҳа, айтгандай... Жаноб генералдан ва шахсан сиздан Бухорода порох ва ўқ тайёрлайдиган заводлар қуриш борасидаги илтимосимизни қўллаб-қувватлаганларингиз учун гоят миннатдорман. Лондон бу масалада ёрдамни аямас, деган умиддамиз. Бу заводлар жуда зарур. Албатта қурол-аслаҳа ишлаб чиқарадиган чинакам завод қурсак, нур устига аъло нур бўлар эди-ю, аммо тўқмоқ топмасанг муштлаб тургани деган гап бор. Ҳатто шундай заводлар ҳам мушкуллимизни осон қилиб туради.

Мен маъноли кулиб қўйдим:

— Қурол-аслаҳа ишлаб чиқарадиган завод ҳам қуриш мумкин, албатта. Бироқ очигини айтганда, биз бир нарсадан қўрқамиз: бу заводлар қурилгунча большевиклар оқими бутун Ўрта Осиёни қоплаб олмайдами?

Амир нимага шама қилаётганимни тушунди. У жавобга ҳозирланаётгандай анчагача бошини эгиб ўтирди. Сўнгра шишиб кетган қовоқларини секин кўтариб, ўйчан гапира бошлади:

— Гапингизни тушуниб турибман, жаноб полковник. Сиз бизни қийнаб турган масалага қайтдингиз. Ишонасизми: биз большевизмнинг хавфини яхши тушуниб ту-

рибмиз. Унинг емирилишини астойдил истаймиз. Бу оз — қирилишини истаймиз... Наҳотки бизни маълум даражада большевикларга хайрихоҳ деб ўйлайсиз?

— Йўқ! Мен бу фикрни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ. Аммо бир нарсага хўп деяверинг, ҳозирги вақтда большевизмга бефарқ қараш билан уларга хайрихоҳ бўлиш ўртасида фарқ йўқ. Большевизмни астойдил ёмон кўрган ҳолда уни емириш учун ҳеч қандай чора кўрмаслик мумкин. Афсуски бу гапни исботлайдиган мисоллар оз эмас.

Амир бошини яна қўйи солди. Мен гапимни ўша оҳангда давом эттирдим:

— Жаноб қушбеги сизда темир йўлларни бузадиган махсус отряд тузилганини айтдилар. Ҳатто йиғиб олинган рельсларни мамлакат ичкарасидаги узоқ жойларга элтиш учун аравалар ҳам ҳозирланган экан. Бу жуда соз. Аммо бу отрядлар ҳаракатсиз тургач, ундан нима фойда? Большевикларнинг, сизнинг тупроғингиз орқали, ҳарбий юклари ва қўшинларини олиб ўтишига сира ҳақиқат бермаса, бу тadbирдан нима фойда чиқади? Беихтиёр савол туғилади: буни нима деб тушуниш керак, хайрихоҳликми ёки ёмон кўришми?

Амир очиқ жавоб беришдан қочиб қутулиб бўлмаслигига кўзи етди шекилли, менга гуноҳкорона қараб гапирди:

— Жаноб полковник, келинг, бундай шартлашайлик: генералга хабар беринг, полковник лавозимидан кам бўлмаган одамнингизни кўшинларимга қўмондон қилиб тайинлашга тайёрман. Мен унга бутун ваколатни бериб қўяман. Қалай, бу таклиф сизга маъқулми?

Очигини айтсам, мен бунақа жавобни кутмаган эдим. Бу таклиф биз учун айни муддао бўлиши турган гап. Шунга қарамай, бундан манфаатдорлигимизни ошкор этмасликка қарор қилдим. Амирнинг таклифини генерал Маллесонга етказишга сўз бериб, суҳбатдошимнинг диққатини бошқа томонга буришга ҳаракат қилдим. Ундан: Чор армиясининг полковниклари тўғри келмайдами?— деб сўрадим. Амир асабини босолмай жавоб берди:

— Йўқ, йўқ! Улардан жуда тўйганман. Амир Ҳабибуллахоннинг одамлари келишса... Сизлар офицерларингизни юборсангизлар... Шунинг ўзи етарли! Бу рус қочоқлари бемаънигарчилик қилишдан бошқасини билишмайди. Худонинг берган куни бир ҳангома кўрса-

тишади. Қурол сотишади. Талашади. Ароқ ичишади. Бузиқилик қилишади. Йўқ, йўқ! Худо сақласин!

Амир таклифимга нохушлик билан қарашини олдиндан билган эдим. Аммо ҳозирча бу масалада қўйнига қўл солиб кўришим керак, холос. Шунинг учун рус қочқлари масаласида тўхталмай, бошқа нарса тўғрисида гапирдим. Амирнинг Жунаидхон билан алоқасини сўрадим. У истар-истамас жавоб берди:

— Яқинда у одам юборган эди. Мендан милтиқ, пулемёт, тўп сўради. Мен унга: «Ўзимиз қуролга муҳтожмиз. Энди тезда изингизга қайтинг», — дедим.

— Эшитишимча, у йигирма минг кишилик армия тўп-ляпти, дейишганди-ку?

— Ишонмайман. Менимча, чалғитяпти...

Шусиз ҳам амир Жунаидхонни ёқтирмаслигини билардим. У ҳақда гапириб, бошқа масалани аниқлаб олмоқчи эдим; Хиванинг келажаги ҳақида амирнинг фикри қандай экан? Хива тахтига кимни муносиб кўради?

Қарангки, мен ҳали оғиз очиб улгурмай, амирнинг ўзи шу ҳақда ташвишланиб гапирди.

— Рухсат берсангиз, жаноб полковник, мен бир дўстона истагимни билдирмоқчиман.

— Марҳамат, гапиринг! Хотиржам бўлинг... Ахир ҳузурингизга очиқ гаплашиб олиш учун келганман.

Амир сўзларимга ишонмагандай менга синчковлик билан қаради. Сўнгра хушомадгўёна гапира бошлади:

— Жунаидхонни бекор қўллаб-қувватладинглар. У ғирт кетворган қароқчи. Унда на виждон бор, на номус. Ёрдамни сиздан олиб, бошқа ёққа мўралайди. Яқинда биз Нурпошшонинг одамларидан бирини ушладик. Биласизми, ёнидан нима топдик? Жунаидхонга хат!

— Уша хат кимда?

— Бизда.

— Нима деб ёзипти?

— Яхшиси хатни ўқинг. Биз ушлаб олган одам ҳам шу ерда. Истасангиз у билан учрашишингиз мумкин.

Амирнинг бу хабари мени қизиқтириб қўйди. Аммо мен ўзимни бу масалага бефарқ қараётгандай кўрсатиб, индамай, яна нима деркин, деб кутиб турдим. Назаримда амир ҳали юрагидагини тўла очмагандай бўлиб туюлди.

Узоқ жимликдан сўнг амир деярли ҳаяжон ичида гапира бошлади:

— Хивадаги кўпчилик аҳоли — ўзбеклар. Агар ҳукуматингиз мамлакатимизга тинчликни истаса, жаноб полковник, у Хивадаги ўзбеклар турган жойларни Бухорога олиб берсин. Бизнинг ҳомийлигимизга ўтказсин. Бухорони эса ўз ҳимояси остига олсин!

Амирнинг юзлари қизарди, ҳатто қўллари қалтираб кетди. Афтидан ҳамisha уни қийнаб келаётган масалани зўрға айтганга ўхшайди. Очиғини айтсам, дафъатан нима деб жавоб беришни ҳам билмай қолдим. Хайрият, у яна ўзи гап бошлади:

— Сиз, жаноб полковник, ҳозир жавоб қайтараман деб ўзилгини қийнаб ўтирманг. Таклифимни генералга етказинг. У эса бу ҳақда Лондонни хабардор қилсин. Агар маъқул топишса, мен Регистонга дўстлик байроғини тиклашга сўз бераман!

Амир ўрнидан сапчиб турди-да, нафасини ростлаб кулди:

— Энди рухсат этсангиз, дастурхонга таклиф қилсам!

... Вақт жуда тез ўтар экан. Мана, октябрь ортда қолиб, ноябрнинг дастлабки кунлари ўтмоқда. Шимолдан қиш ҳиди келяпти. Шошилиш керак, олдинда машаққатли йўл турарди. Мен эса бошим билан ишга шўнғиб, ҳамон Бухородан чиқиб кетолмаяпман.

Амир билан яна бир марта учрашишга тўғри келди. Ҳаракат қилиш планини аниқлагач, бу ҳақда марказни хабардор эдим. Жавобни кутаётиб, керакли одамлар билан учрашдим. Жумладан, Нурпошшо юборган одам билан суҳбатлашиб, унинг Жунаидхонга олиб бэрмоқчи бўлган хатини ўқидим. Бундоқ қараганда кўп иш қилинганга ўхшарди. Аммо менда унчалик катта умид йўқ. Туркистонда содир бўлаётган воқеаларнинг қанчалик мураккаблигини Машҳаддаёқ билган эдим. Бироқ сиёсий вазият биз учун шунчалик нобоп деб сира ўйламаган эдим!

Джунковский ва Кирюхин сингари солдатсиз бир тўда ожиз офицерлар... Бурни остидан нарини кўролмайдиган Эргашбой ва Эшматбой каби жоҳил каллакасарлар... Қўрқа-ниса атрофга қалтираб қараётган амир... Унинг ночор ва ҳуқуқсиз навкарлари... Буларни бир-лаштириб, бир мақсад сари йўналтириб бўлармикин?

«Оғир юк учун бақувват қўллар керак». Юк оғирлиги тўғри — ҳаддан зиёд оғир! Бунга шак-шубҳа йўқ, аммо уни кўтаришга қодир бўлган кучли қўл, менимча, йўқ эди... эҳтимол мен бевақт тушкунликка берилаётгандирман? Балки ҳаддан ташқари шошилаётгандирман?

Илоҳи шундай бўлиб чиқсин!

\* \*

Соат ўн иккига яқинлашди. Бир оздан сўнг Янги Бухорога жўнаб кетишимиз керак. Менинг дастлабки планимда бу хатарли сафар йўқ эди. Бухородан кейин тўғри Хивага боришим керак эди. Бироқ муҳим бир вазият мени бош йўлдан вақтинчалик бурилишга мажбур этди.

Бундан олдин ҳам бир марта Янги Бухорода бўлганман. Бу шаҳар мен турган ердан атиги етти-саккиз миля наридалигини билардим. Эндиликда у жаҳолатда яшаётган пастқам шаҳарча эмаслигини ҳам билардим. Энди бу — большевизм ини, қизил исёнчилар таянчи, пойтахт Бухородан тўп отса эшитиладиган масофада турган шаҳар. Баъзан ўзимга савол берардим: амир қандай қилиб тинч турсин! Қандай қилиб уйқусизлик дардига гирифтор бўлмасин!

Ўзим ҳақимда ҳам ўйланиб қолдим. Сафар бехатар ўтармикин? Тўсатдан Дубровинский сингари саёқ нусха учраб қолса-я... Улар қаерда ҳам дайдишмайди дейсиз! Шарқда: «Саёқнинг минг бир эшиги бор» деб бежиз айтишмаган.

Кўз олдимда нимагадир Дубровинский пайдо бўлди: у ўзига хос димоғдорлик билан кўзларини сузганча менга қараб турарди. Мен сапчиб ўрнимдан турдим-да, чекдим. Хавфсираш, шубҳаланиш, афтидан одамнинг қонқонига сингиб кетганга ўхшайди ва у сўнгги нафаси чиққунча тинч қўймаса керак, хўш, нима қипти!.. Мен Янги Бухорога боришга қатъий аҳд қилдим. Маршрут аллақачон тузилиб, ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган. Саноқли дақиқалардан сўнг отларга ўтиришимиз керак... Мен бўлсам аллақандай Дубровинский ҳақида ўйлаб ўтирирман. Шундай бўлгач, одам ўзига-ўзи қандай қилиб таъна этмасин!

Ричард кириб, шахсан қушбегининг ишончли одами Исмоилхон кутаётганини айтди. У Янги Бухорога ва қайтишда ҳам бизни кузатиб бориши керак эди. Мен шу заҳотиёқ саллани кийиб белимни шойи қийиқ билан боғлаб, тайёр бўлдим. Хуржунни Ричардга бериб, хонадан шошилиб чиқдим.

Ҳаво соф ва мўътадил. Бироқ осмон қоронғилашди. Кечга яқин шимоли-ғарбдан келган булут атрофни қоплаб олди. Қоронғи чўккан, куз ёмғирининг ҳиди анқир эди. Шаҳар, афтидан аллақачон ширин уйқуга ғарқ бўлган, ҳамма ёқ жимжит. Мен шовқин-суронли, кўп тилли Бухоронинг қоқ марказида турганимга ишонгим келмасди.

Ҳовлида эгарланган отлар турар эди. Мен тун каби қора айғирга яқинлашиб, эпчил чавандозлардай эгарга сакраб чиқиб ўтирдим ва керосин лампанинг хира ёғдуси тушиб турган темир дарвозага етдим. Биз Чор минор кўчасига кирганимизда, соат беш минути кам ўн икки эди. Исмоилхон бизни шу кўчадан чиқаверишда кутаётган экан.

\* \*

\*

Вақт тонг отарга яқинлашди. Бухоронинг сўнгги қоровулхонаси ҳам ортда қолди. Биз Янги Бухорога яқинлашдик. Вокзалнинг электр чироқлари милтиллар, паровозларнинг чинқириғи, вагонларнинг тарақ-туруғи эшитиларди.

Исмоилхон отининг жиловини кескин тортиб, менга шивирлади:

— У ёғига яёв борамиз.

Команда берилгандай, зудлик билан отдан тушиб, жиловларни Исмоилхоннинг навкарлари қўлига тутқаздик. Улар ўз хўжаларининг унсиз ишораси билан орқага қайтдилар ва тонг қоронғисига сингиб кетдилар. Биз олдинга қараб юрдик. Ингирма минутча йўлсиз, шох-шаббалар орасидан бордик. Юриш қийин эди. Тайинли йўл йўқ, қоронғилик. Бунинг устига нотаниш жойлар. Аммо шунга қарамай, биз тез-тез одимлар эдик. Вақт энқ. Тонг ёришгунча шаҳарга кириб олиш керак.

Исмоилхон кўққисдан тўхтаб менга қайрилди:

— Одамларингиздан биронтаси менга ҳамроҳ бўлсин. Биз олдинда борамиз. Агар большевикларнинг

патрули учраса биз: «Ўртоқ! Ўртоқ!» деб бақирамиз. Бу сизларга сигнал бўлади. Орқага қараб қочасизлар.

Мен Артурга ишора қилдим. Исмоилхон яна гапирди:

— Ху, ана у лампани кўряпсизларми? Бу вокзални ёритаётган прожектор бўлса керак. Ана ўшанга қараб юрасизлар.

Улар олдинга кетишди, биз Ричард билан уларнинг орқаларидан атрофга олазарак бўлиб, қараб жим борардик. Топг насими юзларимизни силаб-сипаларди. Бироқ қалбларимиз нотинч. Ахир энг оғир дақиқалар яқинлашяпти. Худди ҳозир большевик патрулининг: «Тўхта!» деган ваҳимали овози тараладигандай туюларди. Мен беихтиёр қадамимни секинлатиб, ҳаяжон ичида «катта мамлакатнинг» ёғдусига тикилдим. Лампа яқинлашарди, паровозларнинг чинқириғи қулоққа тобора кучлироқ чалинаётган эди. Бир неча дақиқадан сўнг биз тамоман бошқа оламда — большевиклар оламида бўламиз. Улар қанақа одамлар? Қаёқдан келишган? Йўл бўйи мени қийнаб келаётган хаёлларга аста-секин яна гарқ бўлдим.

Бирдан хаёлим бўлинди. Шаҳар томондан қаттиқ портлаш овози эшитилди. У шу қадар кучли эдики, назаримда шу яқин ўртада бомба портлагандай бўлди. Гумбурлаш янада кучлироқ овоз билан қайтарилди. Биз тўхтаб, қулоқ солдик. Узоқдан катта ёнғиннинг ёлқини чарақлади. Қип-қизил аланга тун қоронғилигини шиддат билан ёриб, тобора кўтарилиб борарди. Паровозларнинг чинқириғи, одамларнинг қичқириқлари эшитилди... Назаримда қуролхона портлаганга ўхшайди...

Биз сеҳрлангандай туриб қолдик. Олдинга боришни ҳам, орқага қайтишни ҳам билмас эдик. Ричард югуриб келиб, Исмоилхон илдамроқ қадам босишни илтимос қилганини айтди. Биз олдинга шошилдик.

Даҳшатли гумбурлаш бутун шаҳарни уйғотганга ўхшайди. Бақирӣқ-чақирӣқлар борган сари кучаяётган эди. Шаҳарда ҳаддан ташқари шовқин-сурон кўтарилган эди. Биз ҳаллослаб борар эдик. Мана, унда-мунда тартибсиз қурилган уйлар кўрина бошлади. Ҳовлиларда вовиллаётган итларнинг овози, одамларнинг бақирӣқ-чақирӣқлари, паровозларнинг чинқириғидан ҳам ошиб тушаётган эди. Чарчаганданми ёки асабларимнинг таранг тортилишиданми, юрагим қаттиқ ура бошлади. Нафасим тикилиб, оёқларим ўзимга итбат этмасди. Яхшиямки, Исмоил-

хон қадамини секинлатди. У мен билан барабарлашғач, бўғиқ овозда гапира бошлади:

— Энди шошилмаса ҳам бўлади. Ҳамма большевиклар ёнғин томонга чопишган бўлса керак.

Ёнғин сабаб бўлдимиз ёки шаҳар умуман қўриқланмаганиданми, ҳар ҳолда бизни ҳеч ким тўхтатмади. Биз энди шошилмай, бир маромда одимлаб борардик. Мана, Исмоилхон катта яшил дарвоза олдида тўхтади. Уни секин тақиллатди. Кекса бир кишининг овози, — ўзбек бўлса керак, эшитилди.

— Қим?

Исмоилхон йирик рақамлар билан уй номери битилган темир тахтачани кўтариб, тешикка қараб шивирлади:

— Гуломқодирхон сизга салом деб юбордилар!

Бу пароль бўлса керак. Дарвоза шу заҳотиёқ очилди. Биз ўртасига бир қаватли оқ уй солинган кенг ҳовлига кирдик. Букурроқ чол бизни уч букилиб қарши олди:

— Хуш келибсизлар!

Чол бизга қўлини чўзди. Биз навбат билан сўрашдик. Исмоилхоннинг бу ҳовлига биринчи келиши бўлмаса керак. Бизни шарқ услубида яхшигина жиҳозланган катта хонага бошлаб кирди. Катта ва кичик туркман гиламлари, духоба тўшаклар, пар ёстиқлар. Унғ томонда ичига турли рангдаги чойнак ва пиёлалар солинган катта нақшикор шкаф турар эди.

Биз ҳаммамиз жуда ҳолдан тойган эдик. Бир пиёладан чой ичиб, шу заҳотиёқ ётдик. Мен тезгина уйқуга кетдим. Исмоилхон келишилган пайтда уйғотмаса ҳалибери турмас эканман. Ҳечам тургим келмасди. Аммо туриш керак. Кун пешинга яқинлашган эди. Шу тундаёқ Бухорога қайтишим керак. Ихтиёримда саноқли соатлар қолган эди.

Исмоилхон келди. Мен биринчи марта ҳамроҳимни яхшилаб кўриб олдим. У эллик ёшлардаги баланд бўйли, чайир, жиддий, юзи чўзинчоқ, эчки соқол киши эди. Унинг ҳокимона қиёфаси ўзига ишонганидан далолат берарди. Сокин, аммо қатъий гапирар, оддий одам эмаслигини кўрсатишга интиларди.

Тўртовлон нонушта қилиб олдик. Исмоилхон кеча бўлган воқеани гапириб берди. Маълум бўлишича, қуролхона эмас, нефть омбори портлатилган экан. Мен Исмоилхондан кимникига қўнганимизни, ҳовли эгасини сўрадим. У чалғитиброқ жавоб берди:

— Ўз уйингиз деб ҳисоблайверинг, тақсир. Бу ерда сизни ҳеч ким безовта қилмайди. Истаган жойингизга бораверинг, мен шу ерда бўламан.

— Сиз биз билан шаҳарни айланиб чиқишни истамайсизми?

— Мен фақат тунда чиқа оламан.

Бу мен учун айти муддао эди. Тўғриси айтганда, ҳамроҳимдан бир оз хавфсираётган эдим. Тўғриси, қушбегидаги хавфсираётган эдим. У ўз эдамга бизнинг ким билан учрашимизни кузатишни топширган бўлиши мумкин. Шунга қарамай, Артур ва Ричард билан чиқшдан олдин баъзи бир эҳтиёт чораларини кўрдим, — кўзойнак тақдим, шойи тўн ўрнига туя жунидан тўқилган чакмон кийдим ва елкамга хуржун ташлаб олдим.

Ричард олдинда, биз Артур билан унинг кетидан борардик. Исмоилхоннинг одамлари Ричарднинг орқасидан пойламасин деб олдин чекка, беқатнов кўчалардан юрдик. У бизни қизиқтираётган жойни топиб, кечқурунги учрашув ҳақида келишиб олиши керак эди. Мана, Ричард аллақайси жин кўчага кириб, ғойиб бўлди. Биз Артур билан шаҳар маркази ҳисобланган вокзал томон юрдик. Янги Бухоро ҳақиқий Оснё шаҳри эмаслиги билиниб турарди. Кўчалари анча тўғри ва кенг. Бир қаватли уйлар европача қилиб солинган, соя-салқин ҳовлилар, деярли ҳар бир дарвоза олдида скамейка... Буларнинг ҳаммаси Бухоронинг қоронғи, ифлос, тор кўчаларидан кейин одамда яхши таассурот қолдирарди. Деворларга кўплаб плакатлар, буйруқ ва эълонлар ёпиштириб ташланган. Мен бошимни деярли бурмай деворларга катта ҳарфлар билан ёзилган баъзи бир шиорларни ўқидим: «Йўқолсин лавашанглик!», «Йўқолсин анархизм!», «Яшасин Совет Туркистони!», «Жаҳон йиртқиқлари — инглизлар йўқолсин!»

Сўнгги шиорни кўриб, беихтиёр сесканиб кетдим. Большевиклар бизларни ёмон кўришларини билар эдим, албатта. Бироқ биз билан курашиш масаласи шунчалик муҳимлигини билмаган эдим. Вокзал майдончасига келганда биз бунга янада кўпроқ ишонч ҳосил қилдик. Бутун шаҳар аҳолиси шарқ бозорларида йиғиладигандек ўша ерда тўпланган эди. Минглаб одамлар — ишчилар ва солдатлар, эркаклар ва аёллар, болалар ва кексалар бир-бирларига зич тиқилишиб, махсус қўйилган баланд минбардан гапирётган нотиқнинг гапларини эшитиб ту-

ришарди. Минбар ҳам шиорлар билан безатилган. «Яшасин Совет ҳокимияти!», «Яшасин жаҳон революциясининг доҳийси ўртоқ Ленин!» — деган шиорларни ўқидим.

Биз катта тут дарахти ортида турдик. Бизга ҳеч ким эътибор бермади. Ҳаммамнинг кўзи нотиқда. Баланд бўйли, қорачадан келган, қуюқ сочларига оқ оралаган оддий иш кийимидаги рус киши қизишиб, қўлларини силкитиб гапирарди:

— Қўлига қурол олиб, бизга қарши келаётган ярамас контрреволюция тўдаси кимга таяняпти? У жаҳон империализмига, биринчи навбатда Англияга таянмоқда. Тўп воситаларида Ҳиндистон ва бошқа Шарқ мамлакатларини ўзига қарам қилиб олган Англияга. Ғайри инсоний шафқатсизлик билан миллионларнинг ҳаёт томирини сўраётган ўша Англияга...

Нотиқ бир оз жим турди. Сўнгра томирлари бўртиб турган катта қўллари билан сочини текислаб, яна илгаригидай қизгин сўзида давом этди:

— Ўртоқлар, душман маккор ва шафқатсиз. Революцияга қарши курашда у ҳеч нарсдан тап тортмайди. Қотиллик, ўт қўйиш, сотиб олиш, алдаш... Ишчи ва деҳқонларнинг қон ва пешана териси билан қўлга киритган озодликни бўғиш учун барча воситалар ишга солинган. Жаҳон революциясининг доҳийси, ҳаммамиз учун беқиёс севимли ўртоқ Ленинга ёвузларча суиқасд қилингани, — бу жирканч воқеа контрреволюциянинг бизга тўғридан-тўғри чақирғидир. Оқ террорга шафқатсиз қизил террор билан жавоб берамиз! Йўқолсин контр! Яшасин революция! Яшасин ўртоқ Ленин!

Майдоннинг ҳамма томонидан эҳтиросли қичқириқлар — нотиқнинг қизгин нутқидан руҳланган ва революцияни қутқариб қолиш учун ўзларини ўтга ташлашга ҳам ҳозир бўлган мутаассибларнинг овозлари эшитиларди. Ҳа, бу чинакам мутаассиблик эди! Мен ҳатто ён-веримдагиларнинг ўзларини тутолмай газаб билан тўлиб-тошаётганларини кўриб, ваҳимага тушиб қолдим. Агар улар менинг кимлигимни билиб қолгудай бўлишса... Худо ҳаққи, шу заҳотиёқ миқ эттирмай бурдалаб ташлар эдилар! Ёнимда турган қизил гвардиячилардан бири менга шундай қарадики, беихтиёр мутаассибларнинг овозига қўшилиб, жон-жаҳдим билан: «Ленин! Ленин!» — дея қичқира бошладим... Мени билиб қолиб, фош этишларидан қўрқиб, мажбур бўлиб қичқирдим.

Биз сездирмай қизишиб турган туркистонликлардан нари кетдик. Потқиқлар алмаша бошладилар. Охирида ёш, хушқомат қизил гвардиячи ўзбек гапирди. Яна бизга ва дўстларимизга қарата ғазабли хитоблар, қўрқитишлар эшитила бошланди. Маросим Закаспий fronti-га — бизнинг қўшинларимиз иштирокида шиддатли жанглар давом этаётган Равнина станциясига жўнаб кетаётган қизил гвардия қисмларининг паради билан тугади. Майдондан унча узоқ бўлмаган масофада турган платформаларда фронтга жўнатишга ҳозирлаб қўйилган пулемёт тачанкалари, тўплар ва ҳатто бир неча танк кўзга ташланарди.

Мен секин тўдадан ажралиб, орқага қайтмоқчи бўлдим. Орқадан кимдир тўсатдан шивирлади:

— Ассалому алайкум, тақсир!

«Тақсир» сўзи менга қаратилганини билсам ҳам, қайрилиб қарамадим. Бу — ким бўлди экан? Наҳотки Дубровинский бўлса? Гапирган кишининг овозида худди ўшанга хос заҳарханда сезилди. Этим жимирлаб кетди. Мен индамай кутишга қарор қилдим: салом қайтарилармикан? Бироқ қайтарилмади. Е парвардигор! Наҳотки тузоққа тушган бўлсам? Кўз ўнгимдан сира нари кетмайдиган даҳшатлар чинакамига содир бўлганга ўхшади, назаримда. Нима қилсам экан? Орқада ким турганини пайқаганмикин, деган умидда зимдан Артурга қарадим. Бироқ Артурнинг икки кўзи оломон қийқириқ солиб олқишлаётган қизил гвардиячиларда эди. На чора! Қайрилиб қараш керак. Барибир энди фалокатдан қутулиб бўлмайди.

Мен бир чеккага ўтмоқчи бўлгандай орқамга қайрилиб қарадим. Юрагим ўрнига тушди. Ташвиш ва андуҳга солган одам менга жилмайиб қараб турарди. Бу Қирсанов эди!.. У дарҳол икки қўлини менга узатиб, ўзбек тилида чала-чулпа гапира бошлади:

— Мени унутганингиз йўқми? Мен Иван... Уйингизни ремонтдан чиқариб берган эдим. Эсингиздами?

Мен ҳам уни кўрганимдан қувонгандай бўлиб:

— Ҳа, Иванман дегин!.. Эсимда, эсимда... — дедим. Аҳвол қалай, Иван?

— Яхши... Раҳмат...

Қирсанов қизил гвардиячилар формасида, аммо қуроли йўқ эди. Энди у дастлаб менга туюлганидек саёқ

чувриндига ўхшамасди. Озода, кийимлари тартибли эди. Очиқ кўнгли билан кулиб турарди.

Биз четга чиқдик. Қирсанов ташвишланиб гапирди:

— Сизнинг шаҳарда юришингиз хавфли, жаноб полковник. Тунда нефть омбори ва иккита паровозни портлатишган, кечқурун Тошкентдан махсус комиссия келди. Патрулни кучайтирадилар. Еппасига ҳужжатлар текширила бошланади.

Мен Қирсановнинг бежо кўзларига синчковлик билан қараб сўрадим:

— Дубровинскийдан хабар борми?

— У Тошкентда. Бухорода батафсил гапириб бераман. Бугун тунда кетамай. Бундан муҳимроқ гаплар бор.

— Қандай муҳим гаплар?

— Ҳозир яхшиси тезроқ тарқалайлик. Хайр, жаноб полковник! — Қирсанов эҳтиром билан таъзим қилди-да, кетди.

Бир неча дақиқагача нима қилишимни билмай турдим. Сўнгра вақтинча турган ҳовлимиз томон тез одимлаб кетдим, кузатишлари эҳтимолдан холи бўлмагани учун Артурга орқамдан юриб, мени бекитиб келишни топширдим.

\*\*\*

Рўпарамда ана шундай хатарли сафарга — Янги Бухорога келиб, учрашишим керак бўлган одам ўтирибди. Унинг оти Муҳсин афанди. «Афанди» (жаноб) лақабини у Туркиядан маълумотини ошириб келгач, олган эди. Муҳсин афандининг отаси бухоролик бадавлат савдогарлардан эди. У рус савдо-саноат доиралари билан мустаҳкам алоқада бўлиб, улар ёрдамида каттагина маблағ тўплаган эди. У ёғ заводи қуриб олган, пахта тозалаш заводи ҳам қуриш ҳаракатида эди. Бироқ уруш бошланиши билан ёлғиз ўглига катта мерос қолдириб тўсатдан қафо қилди.

Муҳсин Туркиядан қайтгач, жадидларнинг<sup>1</sup> «Тар-

<sup>1</sup> Ж а д и д л а р — Бухоро, Хива ва Туркистондаги дастлабки либерал, буржуа-миллатчилик ҳаракатининг иштирокчилари. Октябрь революциясидан кейин уларнинг кўпчилиги контрреволюция томонига ўтиб олишди; бироқ буржуа-миллатчилик идеологияси билан алоқасини узиб, Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашда иштирок эта бошлаган ва кейинчалик социалистик қурилишнинг фаол арбобларига айланган жадидлар ҳам оз бўлмади.

бия атфол» («Болалар тарбияси») деб беозоргина номланган яширинча иш олиб бораётган жамиятга қўшилди. Бу жамият аъзолари ўрта аср Бухоросининг жаҳолатга ботган ҳаётига, янги тартибдаги мактаблар ва бошқа маориф ўчоқлари барпо этиш йўли билан Европа маданиятини олиб киришга интилар эдилар. Жадидлар фаолияти революциядан кейин, айниқса жонланиб кетди. Большевиклар турли йўллар билан уларга яқинлашиб, жадидларни амирга қарши қатъийроқ курашга ундар эдилар. Иш шу даражага бориб етдики, ҳатто мўътабар Бухоронинг марказида оддий халқ жон бошига олинадиган ўлпон ва солиқларни камайтириш, молия сиёсатини ўзгартиришни талаб этиб очик исён кўтарди. Бу амирни исёнчиларга нисбатан қаттиқ чора қўришга мажбур этди. У дуч келган жадидни ўрндан қимирлатмай бошини олиб ташлашни буюрди. Исёнкорлар ҳокимият большевиклар қўлида бўлган шаҳарга кетишга мажбур бўлдилар. Суҳбатдошим Муҳсин афанди ҳам ана шундай қочоқлардан бири эди.

Муҳсин афанди ҳар бир сўзни чертиб, шошилмай гапирарди. У осойишта жилмайиб, сўзини давом эттирди:

— Одамларни худо яратган дейишади. Мен бунга ишонмайман. Одамларнинг ўзлари ўзларига худо яратадилар. Сиз бугун майдонда одамларнинг: «Ленин! Ленин!» деб қичқирганларини кўрдингизми? Бу фақат шу ерда, Янги Бухородагина эмас, большевиклар ҳукмронлик қилаётган ҳамма ерда аҳвол шу. Ленинга, унинг сўзларига халқ ишонади, қаттиқ ишонади! Вазиятни ўзгартириш учун ана шу большевистик эътиқодга бошқа, ўзига жалб этиш кучи бундан кам бўлмаган эътиқод керак. Қани ўша эътиқод, қайдан оласиз?

— Ленин шахсига ҳаддан зиёд ортиқча баҳо бермаётганмикинсиз?— дея сўрадим суҳбатдошимнинг катта-катта, оқилона кўзларига боқиб.

— Душман куч ва имкониятларини камситгандан кўра ҳаддан зиёдроқ баҳолаган яхши. — дея жавоб берди Муҳсин кенг кафтлари билан чиройли юзига яна бир ҳусн бағишлаётган, яхшилаб текисланган қора соқолини силаб туриб.— Қадимий донишмандлардан бири одам ўзидаги ишонччи душман режаси аниқлангандан кейин синаб кўришни керак, деган экан. Афсуски биз ҳали бунга эришганимиз йўқ. Большевиклар эътиқоди тўғрисидаги сўзларимга келганда эса, дадил айта оламани,

бунга ортиқча баҳо бераётганим йўқ. Илгари мен уларнинг таълимоти инсон қалбини шунчалик ром қилишига ақлим бовар қилмасди. Қарангки, у диндан ҳам кучлироқ экан. Бўлмаса мусулмон ўзбекнинг бошқа диндаги рус билан ҳамоҳанг бўлиб: «Ленин! Ленин!» дея қичқаришини нима деб изоҳлаш керак. Инсониятни кулфатга солаётган фожиянинг бош сабаби ҳам, менимча, худди ана шунда!

— Бу фожиядан қутулиш йўли ҳам борми?— дея сўрадим суҳбатдошимнинг фалсафий фикрини давом эттиришга туртки бериш учун.

Муҳсин афанди дафъатан жавоб бермади. Аввал менга гўё «жиддий сўраяпсизми?»— дегандай қараб қўйди. Сўнгра иссиқ чойдан ҳўплаб, анчагача индамай турди. Саволим бир оз жўнроқ туюлган бўлса керак. Тахминим тўғри чиқди. У киноя билан кулиб, гапира бошлади:

— Қизик, бу масалада ҳозир қанча одам бош қотираётган экан. Айни вақтда деярли ҳеч ким ана шу фожияни вужудга келтирган шароитнинг сабаблари устида ўйламаяпти. Бу эса жуда муҳим! Ватандошимиз улуг Ибн Сино<sup>1</sup> ҳар қандай нарсани билиш ва такомилга етказиш унинг сабабларини ўрганиш орқали бўлади, деган эди. Бироқ бизда сабаблар ҳақида гапиришни ёқтиришмайди. Бу эса тасодифий ҳол эмас. Чунончи, аъло ҳазрат амир тахтининг лиқиллаб қолганини ҳеч тилга оладими? Йўқ! Бу ўз-ўзини фош этиш билан баробар бўлур эди.

Муҳсин афанди жим қолди, деярли совуб қолган чой билан томоғини ҳўллади ва яна сўзида давом этди:

— Сиз аъло ҳазрат турадиган жой — Аркка кираве-ришда, кўзга ташланадиган ерга катта чарм дарра осиглиқ турганига эътибор бергандирсиз, албатта? Бу — амир ҳукмронлигининг рамзи. Ҳа, ҳа... Дарра, зўравонлик, қўрқитиш. Унинг ҳокимияти ана шу асосга қурилган. Зўравонлик эса, ўзингизга маълум, қўрқувнигина эмас, айни вақтда жирканиш ва нафратни ҳам уйғотади. Амирнинг саноқли кунлари қолди дейишимнинг боиси ҳам шунда. Унинг тахти чок-чокидан зил кетган. Амир уйқусизлик балосига гирифтор бўлипти, дейишади. —

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино (тахминан 980—1037 йиллар) атоқли файласуф, табиатшунос ва медик.

Муҳсин кулди ва қўшиб қўйди.— Айтгандай, у сиздан шифо сўрамадим?

— Йўқ!— деб жавоб бердим мен.— Назаримда аъло ҳазрат тетик ва ўзига ишончи комил.

— Бу қўрқув олдидаги тетиклик! Ғам-кулфат олдидаги тетиклик! У йиғлаб юбормаслик учун ўзини тетик тутяпти.

Муҳсин жим қолди.

Биз, Муҳсин ва унинг ҳамфикрлари амир Саид Олимхош ҳамда атрофидагиларни ёмон кўришларини билардик. Адолат юзасидан айтиш керакки, бунга амирнинг ўзи айбдор. Ўз тахтини мустаҳкамлаш учун бу гўл маорифчилардан фойдаланиб қолиш ўрнига уларни шафқатсизлик билан большевиклар оғушига итарди. «Гўл» сўзини шунчалик айтаётганим йўқ. Улар чиндан ҳам гўл. Болалардай гўл! Ўзингиз ўйланг: асрлар давомида жаҳолатда руҳсиз ётган ва шу руҳсизликдан овсарлашиб қолган одамларни бир нечта мактаб ёки кутубхона очиш билангина маданиятга эриштириб бўлармиди? Бу— Шарқда айтганларидек, игна билан қудуқ қазиш билан баробардир. Бунинг устига жадидлар умуман ҳокимият тепасига чиқишга интилганлари ҳам йўқ. Улар амирдан— худонинг ердаги соясидан сўзларини эътиборсиз қолдирмасликни, Туркистонда вазият тубдан ўзгарганини тушунишни ўттириб сўрадилар. Бироқ эски урф-офат ва тушунчалар устун келди. Амир жадидларни Шарқда ёввойи тўнғизларни заҳарлагандай заҳарлай бошлади. Тўнғизлар, албатта, тум-тарақай бўлиб қочинди. Ислохотчилардан бир қисми қатъий равишда большевиклар томонига ўттиди, баъзилари эса улар билан ҳамкорлик қила бошлаган бўлсалар-да, кўнгилларида кек сақлаб юрардилар. Агар таъбир жоиз бўлса, суҳбатдошим ҳам ана шундай сохта большевиклардан эди.

Орадаги жимликни биричи бўлиб бузмоқчи бўлдим. Аммо Муҳсин афанди отни қамчилаб қолди. У яна ўт-кир ва зийрак кўзларини менга тикди:

— Жаноб полковник, сизга нозик бир саволим бор эди, майлими?

— Фақат биргина саволми?— деб сўрадим ярим ҳазил қилиб ва шу заҳотиёқ қўшиб қўйдим:— Мен баъзи масалаларда сиз билан фикр алмашиш учун бу ерга атайин келдим. Суҳбатимиз дўстона ва бир-биримизга

ишонч руҳида ўтади, деган умиддаман. Суҳбатда бири-бирига ишонч бўлса, истаган масала ҳақида фикр юри-тиш мумкин. Шундай эмасми?

— Бунга шак-шубҳа йўқ!

Муҳсин афанди ўйланиб, бирпас жим қолди. Афтидан у «нозик саволи» учун муносиб дипломатик шакл излашга ҳаракат қилиб, хаёлан ақл тарозисида ўлчаётгандай эди. Ниҳоят бошини кўтариб, олдингидай осойишталик билан гапирга бошлади:

— Большевикларнинг маълумотларига кўра сиз амир билан икки марта учрашгансиз. Айтингчи: у сизда қандай таассурот қолдирди?

Тўғриси айтганда мен бунақа саволни кутмаган эдим. Суҳбатдошим пул, ҳарбий ёрдам ҳақида гапирди, деб ўйлаган эдим. Шунга қарамай, мен куттириб қўймай, жуда самимий оҳангда жавоб бердим:

— Ҳа, мен амир билан учрашдим. Аммо икки марта эмас, фақат бир марта. Большевиклар хато қилишипти. Очигини айтганда, қанчалик оғир бўлмасин, большевикларнинг айғоқчилари етказган маълумотлар жуда аниқлиги мени ҳайратга солса-да, ёлғон гапирдим. Менимча, амир атрофида содир бўлаётган воқеаларга жуда ҳушёр тортиб қараяпти. У вазият мураккаблигини тушуниб турибди. Энг муҳими Туркистонда большевикларнинг ўчоқлари тўла тугатиладими, йўқми ўз тахтининг тақдирини ана шунга боғлиқлигини у жуда яхши тушунади. Бу эса жуда муҳим!

— Унда нега большевикларга қарши қатъий ҳаракат бошламаяпти? Ахир уруш Чоржўй яқинида, Бухоро чегарасининг ёнида бўляпти-ку.

— У қулай шароитни кутяпти. Қулай фурсат топиб, душманнинг орқа томонидан зарба бермоқчи.

— Сиз шу гапга ишониб ўтирибсизми?

— Нега энди ишонмаслигим керак?

Муҳсин афанди астойдил нимаши ўйлаётганимни билмоқчи бўлгандай савол назари билан менга қаради.

Мен ўша комил ишонч билан сўзимни давом эттирдим:

— Менимча, ҳақиқатни билиш учун ҳозир ортиқча фаҳм-фаросатнинг кераги йўқ: большевизм дамоқл қиличидек<sup>1</sup> Бухорога хавф-хатар солиб турипти. Бу қилич

<sup>1</sup> Дамоқл қиличи— ҳамisha хавф-хатарда туриш.

эса, айтишларича қурбонининг кимлигини суриштириб ўтирмайди.

Муҳсин афанди индамай ўтирарди. Сўзларимга, тўғрироғи, уйдирмаларимга ишонмаётгани билиниб турипти. Уша заҳотиёқ кенг пешанасида қат-қат чиқиқлар пайдо бўлганидан билдимки, мендан кўп нарса кутган экан. Шунга яраша жавоб бериши аниқ эди. Шунинг учун мен ҳам индамай туришга қарор қилдим.

Муҳсин афанди узоқ куттириб қўймади. Чойнакдаги чойнинг сўнгги қатрасигача пиёлага қуйиб олгач, қалин қошларини секин кўтарди ва бамайлихотир гапира бошлади.

— Бир нарсани айтсам, пайғамбирлик қиляпти деб ўйламанг,— амир большевикларга қарши курашмайди. Истамаслиги учун эмас, таянадиган одами йўқлигидан. Амир ўзини буткул обрўсизлантириб қўйди. Халқ унга ишонмайди. Мамлакатдаги мавжуд кучларни ҳаракатга келтириш учун ички вазиятни ўзгартириш зарур. Амирни сиёсий майдондан ё олиб ташлаш керак ёки уни сизларнинг мамлакатларингиздаги монарх аҳволига солиб қўйиш керак. Бошқа чора йўқ!

Сўнгги сўзларни айта туриб, суҳбатдошимнинг чеҳраси ўзгарди. Одатдаги осойишта кўзларида ҳаяжонланиш аломатлари пайдо бўлди. Ҳа, у ҳаяжонланаётган эди! Менинг аҳволим ҳам уникадан қолишмасди. Амир найранг қилаётганига, худди ана шу заифлигидан найранг қилаётганига у билан учрашганимда ишонч ҳосил этган эдим. Мана у қўлига чилимни кўтариб олиб, гоҳ йўталдан, гоҳ уйқусизликдан нолиб, дунёнинг айнигани ҳақида ҳеч кимга кераги йўқ сафсата сотиб ўтирипти. Албатта, мамлакатни бошқаришга Муҳсин афанди ёки қуюн каби содир бўлаётган воқеаларни тўғри тушуна оладиган бошқа бирон одам қўйилса қани эди. Бироқ амир жангсиз чекинмайди. Иккинчи марта учрашганимизда у худо инъом этган ҳукмронликни ҳеч ким билан баҳам кўрмоқчи эмаслигини очиқ айтди. Амирга қарши тўдани, айни замонда жадидларни қўллаб-қувватлаш мамлакатдаги аҳволни янада кескинлаштириш ва большевиклар тарафдорларига йўл очиб бериши мумкин эди. Шунинг учун биз жадидларни амирга қарши кескин ҳужумдан тўхтатиб, уларни ҳар эҳтимолга қарши ушлаб туришга интилардик.

— Бухороликларнинг ўзаро ички курашлари аянчли

натижалар бермасмикин?— дея сўрадим бир оз жимликдан сўнг.

— Йўқ!— деб жавоб берди суҳбатдошим шу заҳотиёқ.— Аянчли натижалар... Яқин ўртада Бухородаги эҳвол ўзгартирилмаса, аянчли эмас, балки ҳалокатли натижалар содир бўлишига аминман. Ҳозирги воқеаларни керакли томонга йўналтиришга қодир кучлар бор. Бироқ бу кучлар кўз ўнгимизда йўқ бўлиб кетяпти. Маслакдошларимизнинг қатта бир тўдаси Файзулла Хўжаев бошчилигида большевиклар билан бирлашиб кетганини юқорида айтиб ўтдим. Бу тўда, большевиклар программасини қабул қилиб, уларнинг кўрсатмалари билан иш олиб борапти. Бундай қочоқлар сони кун сайин ортиб бораверади. Бунинг ажабланадиган жойи ҳам йўқ. Чунончи, мен большевикларни, уларнинг программалари, концепцияларини жинимдан ёмон кўраман. Бироқ уларга қарши курашиш учун таянадиган кучларни ҳам тополмаяпман. Амир бошимизни олиб ташлайман, деб дағдаға қиляпти. Турклар қуруқ ваъдадан нарига ўтмаяптилар. Бирдан-бир умидимиз сизлардан. Бироқ сизлар ҳам амир билан муносабатни бузгиларингиз йўқ. Хўш, биз қаёққа кетишимиз керак? Иккидан бири: ё большевикларга қўшилиш ёки бошни кўрпага буркаб олиб миқ этмай ётиш. Бошқа йўл кўрмаяпман!

Мен Муҳсинни диққат қилиб тинглабгина қолмай, балки айни чоқда уни диққат билан кузатдим ҳам. Шундай вазмин одам ҳозир қизишиб кетаётган эди. Ичидан қуйиб-пишаётгани қизларникидай оппоқ ва латиф юзи қип-қизариб кетганидан ҳам билиниб турарди. Кўмирдай тим қора соқоли титрар. Одатда намнок лаблари чанқоқ қийнаётган одамларникидай қуруқшаган эди. Суҳбатдошимнинг қизишиб кетаётганига шак-шубҳа йўқ. Афтидан унга тинчлик бермаётган фикрлар анчагина йиғилиб қолганга ўхшади. Муҳсин ва маслакдошларининг аҳволи чиндан ҳам оғир. У қаёққа кетишимиз керак?— деб сўрашга ҳақли. Бироқ бундай пайтда бизнинг ҳам таваккал қилишимиз мумкин эмас. Нима бўлганда ҳам амир ҳозир мавжуд куч. Уни қистовга олиш, ундан талаб этиш мумкин... Муҳсин ва маслакдошларининг ўйлари нима билан тугашининг тайини йўқ. Таваккал қилган — яхши, дейишади. Айни чоқда мен таваккал қилишнинг яхши томонини тасаввур қилолмаяпман.

— Менга айтиш-чи, қадрли афанди,— яна гапира бошладим,— сизлар қандай ҳаракат қилиш программасини ишлаб чиққанмисизлар?

— Ҳа,— деб жавоб берди Муҳсин энди осойишта-роқ.— Бизда программа ҳам, ҳаракат плани ҳам бор.

— Қисқа қилиб тушунтира оласизми: Бухородаги аҳволни қайси йўл билан ўзгартирмоқчисизлар?

— Албатта, тушунтира оламан. Биз большевикларни ўзларининг усуллари билан урамиз. Бухоро мустақил республика деб эълон қилинади. Ташқи сиёсат соҳасида барча мамлакатлар, шу жумладан Совет Россияси билан ҳам дўстлашамиз, деб эълон қилинади. Ички сиёсат соҳасида баъзи бир молиявий-иқтисодий ислохотлар ўтказилади. Халқимиз ортиқча талабчан эмас. Жуда катта солиқларни бир оз енгиллатилса бўлди, у қорни тўйганига шукур қилиб ўтираверади. Ана шундан кейин уни, чўпон подаларини ҳайдагандай, истаган томонга бурсангиз кетаверади.

— Большевикларчи? Улар содир бўладиган воқеаларга томошабин бўлиб тураверадилар, деб ўйла-сизми?

— Большевиклар бизнинг ички ишларимизга аралаш-майдилар.

— Наҳотки бунга имонингиз комил бўлса?

— Ҳа, имоним комил. Улар бу масалага жуда эҳти-ётлик билан қарайдилар. Туркистон раҳбарларига Ле-ниннинг қўшни мусулмон давлатларининг ички ишларига аралашмаслик тўғрисида берган қатъий кўрсатмаси бор. Большевиклар Туркистон билан Бухоро ўртасида яши қўшничилик муносабатлари ўрнатилган ҳамон ҳа-ракат қилмадилар. Бугун ана шу муносабатлар ҳеч қандай сабабсиз кескинлашган экан, бунга ёлғиз амир-нинг ўзи айбдор. Ёлғиз унинг ўзи! Мен унинг ўрнида бўлганимда, шундай вазиятда большевиклар билан му-носабатларни кескинлаштирмай, аксинча уларнинг сод-дадилликларидан фойдаланиб қолар эдим. Москвага, тўппа-тўғри Ленинга махсус миссия юбориб, самимий дўстлик изҳор этган, Бухоро шаҳарларини большевик унсурлардан холос этиб, Бухоро территориясидан ўтган темир йўл шохобчалари устидан назорат қилишни Бу-хоро ҳукуматига топширишни илтимос қилган бўлур эдим. Қулай фурсат етганда эса мўлжаллаб туриб бу-тун куч ва воситаларни большевиклар устига ташлар

эдим.— Муҳсин бир оз тўхтаб олгач, шу заҳотиёқ қўшниб қўйди:— ҳукмдор, деган эди ўз замонидаёқ Навоий, ҳам-ма нарсани аниқ кўра олиши, вазиятни ҳушёр туриб баҳоламоғи даркор. Бизнинг ҳукмдоримиз сингари ўз туйғуларига эрк бериб бетийиқ эҳтиросини қондириш учунгина яшамаслиги керак...

Дарвоза қаттиқ тақиллади. Муҳсин қулоқ солди. Сўнгра:

— Келди шекилли. Рухсатингиз билан бориб кутиб олсам,— деди.

У ўрнидан тез туриб, чиқиб кетди. Ёлғиз ўзим қол-дим. Бошимда ҳар хил фикрлар қуюндай чарх урарди. Ҳа, ўйлайдиган нарсани кўп! Ҳозир эса Муҳсин афанди-нинг янги «дўсти»— турк офицери келади. Унинг айти-шича, бу турк Анвар пошшонинг ўзига яқин одам экан. У Туркистонга турк ҳарбий асирларини қидириб топиш мақсадида келган эмис. Яна ҳол-аҳвол сўрашишлар, сохта табассум, ясама кулги...



Тунда Хивага кетишим керак. Ҳамма топшириқлар берилган. Дэвид бу ёққа келишим олдидаан Эргашбой-нинг олдига кетди. Роберт тонготарда Қаршига жўнади, у ердан Эшматбой отрядига бориб қўшилади. Мен гене-рал Боярский ва полковник Кирюхин билан хайрлаш-дим. Фақат Арслонбеков қолди. Мени кузатгач, у ҳам Чоржўйга кетади. Ҳа, яна капитан Қирсанов бор. У биз билан Хивага жўнайди. Арслонбеков капитани қанча-лик мақтамасин, барибир у менга ёқмас эди. Бироқ ун-дан кўра дурустроқ ҳамроҳ топиш қийин бўлди.

Қоронғи туша бошлади. Мени бир нарсани ташвишлан-тирарди. Арслонбеков сўнги таклифимни қабул қилар-микин? Ёки яна эски ашуласини хиргойи қилармикин? Келадиган вақти бўлиб қолди. Мен ўзим аниқликни яхши кўраман. Бироқ полковник... Унинг бу борадаги батариблиги ўтакетган расмиятчилик даражасигача бориб етар эди!

Дарҳақиқат, аниқ белгиланган вақтда эшик тақил-лади. Арслонбеков одатдагидай ишонч билан одимлаб кириб келди. Уни кўришим биланоқ бир нарсани бўлди шеккилли, деб кўнглимдан ўтди.

— Ишлар пачава, жаноб полковник...— дея сўз бошлади у кириши билан.— Сиз вақтида жўнаб қоляпсиз.

— Нима бўлди?

— Тошкентда қамоққа олиш бошланипти. Бизникилардан ўн кишинчани қамашипти. Сизларникини ҳам излашаётганмиш.

— Бу гапни сизга ким айтди?

— У ёқдан махсус одам келди. Уша айтди.

— Бизникилар у ерда расмий кишилар ҳисобланади. Уларга тегишолмайдилар.

— Расмийчилик тамом бўпти. Туркистон ҳукумати Москвага мана бундай таклиф билан мурожаат қилипти: «Англия бир ҳафта ичида Туркистондаги сиёсатини ўзгартирмаса, инглизларнинг барча одамларини қамаб, инглиз қўшинлари мамлакатдан чиқиб кетгунча уларни гаров тарзида сақлансин». Москва бу таклифни тасдиқлабди. Иттифоқчиларнинг барча расмий вакилларини қамашга буйруқ беришипти. Майор Бейли бизникилар ёрдамида Фарғонага қочди. Бошқаларнинг тақдири нима бўлгани номаълум.

Арслонбеков келтирган хабар мени қаттиқ ташвишлантириб қўйди. Агар бу гап рост бўлса, афтидан шундайга ўхшайди, унда бизнинг яқиндагина тузган барча режаларимиз барбод бўлади. Чунки у асосан «Туркистон ҳарбий ташкилоти»нинг бошчилигида амалга оширилиши керак эди.

Биз алламаҳалгача рўй берган воқеа устида мулоҳаза юритиб ўтирдик. Бирин-кетин бу аҳволдан қутулиш йўлларини чамалаб кўрдик. Охирида полковникка биз билан яна ҳамкорлик қилишини таклиф қилиб, аниқ жавоб беришини талаб этдим.

Арслонбеков лўнда қилиб жавоб берди:

— Узоғи билан бир ойдан сўнг Асхободга бораман, Суҳбатимизни ана ўша ерда давом эттирсак.

Мен Арслонбековга унинг олдида очиладиган истиқболини гапириб ўзимга ром этишга уриниб кўрдим. У чиндан ҳам икки ўт орасида эди. Бир ёқдан ўз бурчига хиёнат қилгиси келмаса, айни вақтда эса эҳтимолдан узоқ бўлмаган манфаат, каттагина жорий счёта ҳақидаги ўйлар унга тинчлик бермас эди. Тарозининг қай палласи оғирлик қиларкин? Тўғриси айтсам, шу кунгача уни ўзимга оғдириб олишга кўзим етмаётган эди. Бироқ ҳозирги жавоби кейинчалик рози бўлишига бир қадар

йўл очди. Нафсиламрини айтганда, у чинакамига қизиқиб қолмаганида, суҳбатни давом эттиришининг нима ҳолати бор эди?

Мен уни кўпроқ қизиқтириб қўймоқчи бўлдим.

— Келинг, Машҳадда учраша қолайлик.

— Нима учун?

— Келишувимизни нақд пул билан муҳрлаб қўя қоладик.

Арслонбековнинг қалин қошлари чимирилди. Менга совуқ бир қараб, қатъий жавоб берди:

— Йўқ, Асхободда учрашамиз!

Суҳбатдошимнинг қитиқ патига қаттиқроқ тегиб қўйганимни кейинчалик тушундим.

## 20

Мана, Бухоро ҳам ортда қолди. Олдимизда яна машаққатли йўл. Йўл чиндан ҳам машаққатлилигини аҳоли яшайдиган жойлардан узоқлашиб, Қизилқум чўли чегарасига киришимиз билан пайқадик. Поёни йўқ чўл! Қаёққа қараманг — гиёҳ унмайдиган сап-сарик қум. Бу ерлар одамлар учун жирканч бўлса, ажаб эмас! Атрофда тирик жон кўринмайди, ҳатто қушлар ҳам чурқ этмайди. Ёлғиз шамолгина қум гирдобларини уфуриб, эркин кезади — бундан бўлак ҳеч қандай ҳаёт нишонаси йўқ. Бошимиз узра эса қорамтир осмон... Ҳа, у ҳам қаҳрли табиатдан чўчиб янада баландроқ кўтарилгандай туюлар эди.

Атрофга назар ташлаб, хаёлан ўзимдан сўрадим: вақти келиб баҳор шу диққинафас бўшлиқларга ҳам ҳаёт бағишлармикин?

Қирсанов диққатим ошаётганини сездим шекилли, чекиб олиб, гап бошлади:

— Сиз бекорга гапимга кирмадингиз, жаноб полковник. Бу йўл — жуда оғир. Ромитонгача унда-мунда сўқмоқ кўриниб туради. Ундан у ёғи эса... у ёғи — нуқул қумнинг ўзи. Қаёққа қараманг кўчма барханлар. Борадиган жойни чамалаб олиш ҳам машаққат. Ҳали ҳам кеч эмас, яхшиси дарё бўйлаб юрайлик.

Хивага олиб борадиган икки йўл бор эди: бири, Қизилқум барханлари орқали, иккинчиси, Амударё бўйлаб. Қушбегини бизни кузатиб қўйишга қўшиб юборган одами кеча хайрлаша туриб, Қизилқум орқали боришни

маслаҳат берди. Унинг айтишича, Амударё бўйларида қизил гвардиячиларнинг разъездларига дуч келиб қолиш мумкин экан. Бундан ташқари Чоржўй билан Тўрткўл оралигида уларнинг пойлоқчи кемалари юраркан. Сўнгги қишлоқдаги кексалар ҳам унинг сўзларини маъқуллаб, Қизилқум орқали юришни маслаҳат бердилар. Аммо бу йўл анчайин оғирлигини, унда ҳар қандай тасодиф рўй бериши мумкинлигини таъкидлаб ҳам қўйдилар.

Мен жиловни тортиб, отдан тушдим ва шерикларимга бирпас нафас ростлаб олишни таклиф этдим. Кун пешинга яқинлашди. Сўнгги қишлоқ ҳам ортда қолди. Қайси йўлдан боришни тезроқ ҳал қилиш керак, кенгашиб ўтиришга вақт йўқ эди.

Мен нима қилишни ёлғиз қолиб ўйлаб олиш учун четга чиқдим. Турган гапки, биз учун энг қўрқинчлиси большевиклар чангалига тушиш. Бир қарич бола ҳам бизнинг оддий сайёҳ эмаслигимизни тушунади: ҳаммамиз қуролланган, бизда пистолетлар ҳам, пулемёт ҳам бор. Кутгандан ортиқроқ большевиклар билан тўқнашгудай бўлсак, фақат бир йўл қолади — сўнгги ўқимиз қолгунча курашамиз. Қизилқум орқали борсак-чи... Юзимизга қанақа шамол уфуришини, нималарга дуч келишимизни олдиндан ким айта оларди? Нима қилиш керак?

Кимдир чақираётгандай бўлиб туюлди:

— Орқага қайт, полковник!

Қайрилиб қарадим. Ҳеч нарса кўринмади. Қулоқ солдим... Яқин ўртадаги тепаликдан ҳамроҳларимнинг гангур-гунгуридан бўлак овоз эшитолмадим. Орқага қайтдим. Чой устида ҳам ўйлаб ўтирдим, Қирсанов билан яна бир марта маслаҳатлашиб олдим. Ниҳоят шаҳдам ўрнимдан туриб, бир сўз ҳам айтмай отга ўтирдим-да, уни жанубга — Амударёга қараб ҳайдадим.

Худога шукур, уч кеча-кундуз тинчлик билан ўтди. Йўлда ҳеч ким учрамади. Бироқ тўсатдан ҳаво айниди: аввал совуқ шамол эсиб, сўнгра кўнгилни хира қиладиган ёмғир қўйиб берди. Кўк гумбази — анчагача ёришмай турди, атрофга қалин туман тушди. Аммо биз суръатни бўшаштирмай илгарилардик. Бундан буён ҳаво бизга кулиб боқмаслиги маълум, бинобарин Қизилқум-

да қиш бошлангунча қолиб кетмаслик учун шошилардик.

Мана, бугун ҳам ҳали кун ёришмай отларга ўтирдик. Туни билан шивалаб ёққан ёмғир, ниҳоят тинди. Бироқ вазмин булутлар ҳамон кўкда сузарди. Пешиндан кейингина улар аста-секин тарқалиб, осмон ёриша бошлади. Аммо қуёш чарақлаб чиққани йўқ: хира парда ортидан бизга бир зумгина боқиб, ўша заҳотиёқ ғойиб бўлди.

Кеч киргунча биз тинмай отларга қамчи босдик. Оёқларимнинг томири тортишиб, баданларим зирқирай бошлади. Ҳамроҳларим ҳам чарчашган, аммо ҳали-бери яқин ўртада бирон хонадон кўринмас эди. Ниҳоят биз қалин юлгун қоплаб ётган чуқурликка етиб келдик ва шу ерда дам олишга қарор қилиб, отлар устидан юкларни туширдик. Минг машаққат билан ўт ёқиб, чой қайнатдик, емишларни тайёрладик. Аммо ниёладаги чойни қўлимга олишга улгурмасимдан, қўшни бархан устида соқчиликка қўйилган Артур югуриб олдимга келиб қолди.

— Жаноб полковник! Чоржўй томондан бир тўда отлиқлар келяпти! — деди ҳансираганча.

Назаримда, баданимга минглаб игна қадалгандай бўлди. Бироқ ҳаяжонланаётганимни билдирмадим. Бу хабарга бефарқ қарагандай ўрнимдан туриб, шошилмай бархан устига чиқдим ва хира оч яшил катта юлгун остига ётиб олиб; дурбинимни жануб томонга қададим. Чиндан ҳам Чоржўй томондан отлиқлар тўдаси занжирдай тизилишиб келишарди. Қизил аскарларга ўхшашади, улар орасида салла ўраган ва катта телпак кийган киши кўринмасди. Нима қилиш керак? Ўйлаб ўтиришга фурсат йўқ, зудлик билан бирор чора кўриш керак эди. Қирсанов, одатдагидай, қизиша бошлади:

— Ўт очамиз! Пулемётни беринг. Мен уларни изларига қайтишга мажбур қиламан!

Бироқ мен бунақа хатарли ишга аралашиб қолишни истамадим. Ўз-ўзидан маълумки, отлиқлар ҳам қуролсиз эмас. Тўртовлон бутун бошли отрядга қарши кураша олармидик? Умуман, жар ёқасида туриб, бунақа таваккал қилишнинг нима ҳожати бор?

Мен бархандан тушиб, бир оз ўйлашиб қолдим. Ҳа, бўлак йўл йўқ эди. Ҳамроҳларимга буюрдим:

— Пулемётни брезентга ўраб, чеккароққа кўмиб қўйинглар. Менинг қуролимни олинг. Ўзингизнинг қуролингизни ёнингизда қолдиринг. Тезроқ!

Кирсанов иккиланиб қолди. Бироқ мен унга қичқирдим:

— Капитан! Буйруқни бажаринг!

Бир неча дақиқада биз пулемёт ва ҳамма ўқларни юлғун қалин ўсган жойга кўмдик. Кирсановнинг отини тушовлаб, бўйнига ем халтани осиб қўйдик. Капитаннинг ўзини ҳам яхшилаб яширдик. Гулханны ўчириб, отларга ўтирдик-да, келаётганлар бизга етмай туриб, қайрилиб кетишни мўлжаллаб, Амударё томонга йўл олдик. Энди улар дурбинсиз ҳам яққол кўринарди. Кирсановнинг хатарли маслаҳатига қулоқ солмай, жуда ақлли иш қилганимни ўйладим: отлиқлар жуда кўпчилик, улар билан куч синашиб бўлмас эди. Отряд тўрт юз бўлмаганда ҳам камида уч юз қилич кўтарган одамлар тўдасидан иборат эди.

Орадаги масофани узоқлаштириш учун отларга қамчи босдик. Бир неча отлиқ отряддан ажралиб чиқиб, биз томон елди. Уша заҳотиёқ қулогимизга даҳшатли чақириқ чалинди:

— Э-э-ҳэ-э-эй! Тўхтаглар! Эшитяпсизларми?

Ҳа, эшитдик... Аммо тўхтагимиз келмай, чақирганларига эътибор бермай, кетавердик. Икки отлиқ бизга етиб олиб, йўлимизни тўсди. Кўп ўтмай қолганлари ҳам шовқин-сурон билан етиб келиб, бизни ўраб олишди. Боқувга қўйилган буқадай дум-думалоқ, миқти ўзбек жаҳл билан қичқирди:

— Нима, кармисизлар? Эшитмаяпсизларми?

Мен ҳам унга худди шу оҳангда жавоб бердим:

— Нега энди тўхташимиз керак? Бизда нима ишларинг бор?

Семиз ҳам дағдага билан жавоб берди:

— Ҳозир биласизлар, нима ишимиз борлигини... Қайт!

— Қаёққа?

— Командирнинг олдига.

— Командирнинг олдида қиладиган ишимиз йўқ.

— Қайт,— дейилдими, вассалом, буйруқни бажар... Сени қара-ю, овсар мулла! Латта-путталарни илиб олиб, одамларнинг миясини айнитган дамларинг ўтиб кетди. Орқамиздан юр!

Бир нима десам тўрт томондан ҳақорат ёғилишини сезиб, индамай қўя қолдим. Семиз бекордан-бекорга дағдага қилаётгани йўқ, яхшиси бўйсуниб керак. Шун

дай қилдим ҳам: индамай отимнинг бошини буриб, отряд томон ҳайдадим.

Отлиқлар занжир каби тизилишиб келишди. Кўпчилиги кенг яғринли, бақувват йигитлар эди. Уларда пулемётлар ҳам, енгил қуроллар ҳам бор эди... Олдимда кетаётган икки отлиқдан бири мовий кўзли, мўйлови сапсарик, қомати келишган рус бўлиб, чап қўли боғланган эди. Иккинчиси ўзбек.

Рус — отряд командири бўлса керак. У отини тўхтатди ва менга қараб, очиқ чеҳра билан саломлашди.

— Салом алайкум, ёшулли!

Мен ҳам унга осойишта, очиқ чеҳра билан жавоб қайтардим:

— Ваалайкум ассалом! Саломатмисиз, командир?

— Саломатман, худога шукур...

Командир соатига қаради ва семиз ўзбекка бир нима деб шивирлади. Сўнгра орқасига қайрилиб, команда берди:

— Дам олишга!

Жангчилар шу заҳотиёқ отларидан тушишди ва атрофдан қувноқ овозлар эшитила бошлади. Командир билан ўзбек жиловларни отларининг бўйинларига ташлаб, бизни бир пиёладан чой ичишга таклиф этишди.

Юрагим қаттиқ ура бошлади. Юлғун қоплаган жой шу яқин ўртада бўлиб, икки овчи ит буталар орасини тимирскилай бошлаган эди. Айрим жангчилар ҳам йўл-йўлакай камарларини ечиб, ўша томонга йўл олишди. Ҳавфли сир бир дақиқа ичидеяёқ ошкор бўлиши мумкин. Қандай бўлмасин фалокатдан қутулиб кетиш зарур. Шунинг учун мен командирнинг таклифини одоб билан рад этдим:

— Раҳмат.. Биз чой ҳам ичдик, овқатланиб ҳам олдик. Агар рухсат берсангиз, йўлимиздан қолмасак.

Семиз ўзбек сўзларимни командирга таржима қилиб берди. У юзимга синчковлик билан қараб туриб, деди:

— Вақтни қувиб етиб бўлмайди. Шошилманг... Модомики учрашган эканмиз, келинг, бирга чой ичишайлик. Биз ҳам узоқ ўтирмаймиз. Танишиш — яхши гап. Балки вақти келиб яна учрашиб қолармиз.

Назаримда командир бир нарсани сезгандай бўлиб туюлди. Бироқ, афтидан, тажрибали киши сифатида шошилмай совуққонлик билан ҳаракат қилар эди. Уша хушчақчақлик билан гапини қайтарди:

— Тушинглар отлардан, тушинглар... Биз сизни кўп ушламаймиз!

Отдан тушдим. Атрофидагилар билан гаплашгач, командир жангчилар томонга юрди. Биз семиз ўзбек билан қолдик. Жангчилар абжирлик билан юлғун шохларидан юлиб, тагларига солдилар, чой олиб келдилар. Ўзбек бизга кимлигимиз, қаёққа кетаётганимиз, Хивадан қачон чиққаннимизни сўраб, устма-уст савол бера бошлади. Бир оздан сўнг командир ҳам қайтиб келди. Унинг мовий кўзларига табассум югуриб, шу заҳотиёқ сўради:

— Қалай, Аҳмад... Танишиб олдиларингизми?

Аҳмад ўтирган жойида ҳурмат билан жавоб берди:

— Ҳа, Валентин Васильевич, танишиб олдик. Бу тақсир юртлари — Арабистонга қайтаётган эканлар.

— Шундай дегин? — Командир рўпарамизга ўтириб олиб, менга яна синчковлик билан қараб, қайта сўради: — Демак, сиз араб экансиз-да?

— Ҳа... Маккани эшитганмисиз?

— Эшитганман... Макка. Мадина... Буларни ким билмайди?

— Маккаданман. Байтул Ҳарамнинг ўзидан.

— Бу ёқларда нима қилиб юрибсиз?

Яхшилаб ёдлаб олган дийдиёларимни қайтариб, Туркистонга қандай қилиб келиб қолганим, қаерларда бўлганим, ким билан учрашганимни айтиб бердим.

Командир чиппа-чиндай қилиб гапириб берган сафсаталаримни диққат билан тинглади ва маъноли кулиб қўйди:

— Демак, бирор кор-ҳол бўлмасин деб қочяпсиз?.. Шундайми?

— Ҳа... Агар тинчлик бўлганда, эҳтимол бунчалик тез кетмасмидим. Аммо тартибсизлик авж оляпти. Фалокат ўти тобора кучлироқ алангаланиб, атрофга ёйилиб кетяпти.

— Жунаидхоннинг одамлари: «Большевиклар руҳонийларни қамашаётган эмиш» деб дод-вой кўтаришяпти, дейишяпти. Балки бу хабар ҳам сизни ташвишлантириб қўйгандир?

— Йўқ, бу масала мени ташвишлантирмайдди. Мен — диндорман. Динни биз ўйлаб чиқарганимиз йўқ. Унинг ўз тарихи бор. Ўтмиши, келажаги мавжуд... Миллион-миллион кишилар кунда беш маҳал яратган эгамга сажда қиладилар. Ундан ҳимоя тилайдилар. Бутун руҳоний-

ларни қириб ташлаганларингизда ҳам диннинг илдизини қуритолмайсизлар, зеро дин руҳонийларга боғлиқ эмас — одамларнинг дилидан ўрин олган. Мана, ҳозир Хивада қаттиқ баҳслашув давом этяпти. Сиз, большевиклар, бу ҳисобга қирмайсизлар. Мусулмон оқсоқоллари бир-бирларин билан баҳслашяптилар. Саид Абдулла одамларни бир ёққа тортади. Жунаидхон уларни бошқа ёққа судрайди... Тачмамадхон ўз ашуласини хиргойи қиляпти. Ҳар уччаласи ҳам мусулмон. Ҳар уччаласи — юртнинг оқсоқоллари. Қани, ўзингиз айтгинчи: биз яратганинг мулозимлари қай бирга кўмаклашганимиз керак? Қимни қўллаб қувватлайлик?

— Ҳеч кимни! — дея жавоб берди командир. Мулоҳазаларим уни қизиқтириб қўйганга ўхшаб қолди. — Сиз дин кишиси бўлсангиз, содир бўлаётган воқеаларга аралашмай, четда туришингиз лозим. Сибсатга аралашмаслигингиз керак.

— Марҳабо! Жуда саз! — Мен сўзимни янада жиддийроқ давом эттирдим: — Бағоят тўғри. Ҳозирги гулгулалардан четда туриш керак. Одамларга тортишув ва ганимлик ислом ҳамда шариаат зид деб уқтириш керак.

Мен Артурга мурожаат қилдим:

— Абдулла! Муқаддас қуръонни бу ёққа ол.

Артур тезгина ўрнидан туриб, хуржунини очди ва ундан бир парча яшил духобага ўралган қуръонни олиб, бир неча марта пешанасига тегизгач, менга узатди. Мен ҳам уни пешанамга тегиздим. Сўнгра варақлай бошладим. Варақлардан бирини тикилиб, бир неча сатрини қироат билан ўқидим. Сўнгра ўқиганимни эркин таржима қилдим:

— Муқаддас қуръоннинг саккизинчи сурасидаги биринчи байтда бундай дейилади: «Яратган эгамнинг қуллари! Ўзаро тотув, тинч яшанглар». Оллоҳ бемаъни уруш-жанжалларни қоралайди. У сабр-қаноатлиларни хуш кўради! — Мен қуръонни яна пешанамга тегизиб, уни Артурга қайтариб бергач, қўшиб қўйдим:

— Дунёда нимаики иш бўлаётган экан, ҳаммаси яратганининг иродаси билан. Унинг иродасидан ташқари кичик бир хас ҳам ўрнидан жилмайди. Муқаддас қуръонда худди шундай дейилган.

Сўхбатдошларимга алифни калтак дейдиган руҳонийлардан эмаслигимни кўрсатиш учун яна Артурга мурожаат қилдим:

— Абдулла! Саккизинчи сурадаги қирқ олтинчи байтни ўқинг-чи.

Артур китобни очиб, мен айтган байтни қироат билан ўқиди. Аҳмад қўлини узатиб:

— Қани, менга беринг-чи, шу байтни ўқиб кўрай!— деди.

Мен Артурдан қуръонни ўзим олдим ва у ҳозиргина ўқиган жойни қўлим билан кўрсатиб, баланд овозда қайтардим. Аҳмад китобни унинг қўлига бергим келмаётганини сезди-да, энгашиб, ичида бир-икки сўзни ўқиб олди. Овоз чиқариб: «...ҳамма ишлар оллоҳга боғлиқ»,— дея қайтаргач, менга диққат билан разм солиб, кинояли сўради:

— Демак, революция, оқ подшо ағдарилиб, ҳокимият йўқсиллар қўлига ўтгани,— буларнинг ҳам бариси оллоҳнинг иродаси билан бўлипти-да. Шундайми?

— Албатта!— дея жавоб қайтардим мен тугилмай.— Яратган эгамнинг иродасидан ташқари ҳеч нарса содир бўлмайди!

— Унда сизлар нега революцияга қаршисизлар?

— Ким қарши?

— Сизлар, руҳонийлар, революцияга қаршисизлар.

— Йўқ! Ҳамма руҳонийлар эмас! Бунинг устига кўп нарса сизларга боғлиқ. Сизлар ислом ва шариатнинг муқаддас дарахтига болта урсангиз, унда биз ҳам адолат қиличини қўлга олишга мажбур бўламиз. Сўнгги нафасимиз чиққунча курашамиз! Агар сизлар сабр-тоқат билан оқилона ҳаракат қилсаларингиз, халқнинг диний эътиқодига раҳна солмасанглар,— унда биз ҳам сизларнинг жанжалларингизга аралашмаймиз.

Менинг дадил жавобларим командирни қизиқтириб қўйди. Тамакини томоқни бўғадиган қилиб тутатиб, гап бошлади:

— Шошманг, шошманг, охун! Сизга саволим бор: руҳонийлар сиёсатга аралашishi керакми, йўқми?

— Йўқ, руҳонийларнинг сиёсат билан ишлари бўлмаслиги керак!

— Ҳамма гап мана шунда. Биз ҳам шуни истаймиз. Доҳиймизнинг оти Ленин. Эшитганмисиз?

— Эшитганман.

— Ана ўша киши айтадики: масжид ва ибодатхоналарни давлатдан ажратиш керак. Биласизми, бу нима дегани? Бу — дин сиёсатга аралашмаслиги керак, дегани!

— Тўғри айтибди у. Дин ўз йўлида, сиёсатнинг ҳам ўз йўли бор... Йўлдан адашиш керак эмас.

— Адашишса-чи? Айтайлик, сиз сиёсатга аралашиб, бизга қарши кураша бошласангиз-чи... Унда нима қилиш керак?

— Ундами? Унда мени жазолашингиз мумкин. Бунинг учун яратган эгам сизни қораламайди.

Чуқурликдан итнинг вовиллагани эшитилди. Юрагим увишиб кетди. Э худо, наҳотки Қирсановни кўришган бўлса? Уни шу ёққа олиб келинса-я... Мен фикримни бир ерга тўплаб, нима бўлиши мумкинлигини хаёлимдан кечириб, ўзимни энг ёмон аҳволга шайлай бошладим.

Аҳмад гапга аралашди:

— Сиз, тақсир, шу гапларнинг ҳаммасини халойиқ олдида қайтара оласизми?

— Йўқ!

— Нега?

— Қўрқаман... Мен бошқа юртликман. Бу ерда менинг тарафдорларим йўқ. Сал хато қилсам, худди катта бувимнинг олдида жўнатишади!..

Худди шу пайтда беихтиёр сесканиб кетдим. Ё парвардигор! Наҳотки ўша бўлса? Ҳа, ўша, Қирсанов эди... Икки жангчи уни елкасига туртиб олиб келишаётган эди. Ҳали командир ҳам, Аҳмад ҳам ҳеч нарсани пайқаганлари йўқ. Мен юлғун томонга қараб ўтирганим учун капитанни ҳаммадан олдин кўрдим. Сал орқароқда яна икки жангчи устига пулемёт ортилган отни етаклаб келишарди...

Командир кулиб туриб, диний мунозарани давом эттирмоқчи эди. Бироқ ёнидагиларнинг диққатини бир нарса ўзига жалб этганини пайқадими ёки менинг безовта нигоҳимни кўрдими, орқасига қайрилиб қаради. Шу ондаёқ унинг олдида аскарлардан бири — ёш, қора мўйловли йигит шаҳдам одимлаб келди-да, қўлни чаккасига қўйиб, ахборот бера бошлади:

— Ўртоқ командир! Буйруғингиз бажарилди, бутун чуқурлик тинтиб чиқилди. Юлғунлар орасидан мана бу одамни топдик. У юлғун шохларини устига тортиб, яширинган экан. Ундан сал нарида эса тушовланган мана бу от ётган экан. Бошқа ердан битта пулемёт, пистолетлар ва кўпгина ўқ топдик. Гулхандан ўша жойгача из бор...

Ғоят таажжубланарли ҳол! Командирнинг қиёфаси сира ўзгармади. У олдингидай осойишта эди. Бироқ

Аҳмад менга алданган одам қиёфасидай таънаомуз қараб қўйди.

Командир ўтирган жойида тешиб юборгудек бўлиб Қирсановга қаради. Сўнгра ўша-ўша, табиатан шундай бўлса керак, осойишталик билан гапирди:

— Келинг, танишайлик. Кимсиз?

Қирсанов ҳўл юлғун остида ётиб, жуда совуқ қотиб кетган бўлиши керак: у безгак тутгандай қалтирарди. Огзини, хунук юзида қон қолмаган, бироқ кўзлари осойишта эди. У иккиланмай жавоб берди:

— Фамилиям Лўкин... Геннадий Иванович... Хивадаги

собиқ казаклар полкининг солдати.

— Казаклар полкининг?

— Ҳа.

— Ким кўмондонлик қилган эди?

— Полковник Зайцев. У полкни Чоржўйга олиб кетмоқчи бўлди. Биз, бир тўда большевиклар унга қарши чиқиб, Петро-Александровскдаги қизил гвардиячиларга қўшилишни таклиф этдик. У бизни қамаб қўйди. Хивадаги қамоқдан қочдик, салкам ярим йил Орол денгизининг атрофида яшириниб ётдик. Ниҳоят Қизилқум орқали Чоржўйга етиб олишга қарор қилдик. Мана, уч биродаримни кумга дафн этиб, кўп азоблардан сўнг бу ерга етиб келдим. Йўлга тушмоқчи бўлиб турганимда, мана бу уч киши пайдо бўлишди. Уларни босмачи гумон этиб, яшириндим.

Командир масхара қилгандай кулди:

— Сенда пулемёт бор... Шунга қарамай қандайдир уч босмачидан яшириниб ётибсанми?

— Нима қилишим керак эди? Бу лаънати ишламайди. Қизилқумда чақмоқ пўлатини йўқотиб қўйдим.

Командир мен томонга бурилди:

— Демак, сиз бу одамни биринчи марта кўриб турибсиз, шундайми?

— Ҳа,— дея осойишта жавоб бердим мен.— Уни сира кўрмаганман.

Аҳмад менга ёв қараш қилиб, жаҳл билан тўнғиллади:

— Ёлғон!

Мен бошқа жавоб тополмагандай елкамни қисиб:

— Парвардигори оламдан бўлак гувоҳим йўқ! — дедим.

Командир яна Қирсановга кўз тикди:

— Устингизга ким юлғун ташлади?

— Узим.

— Буларни кўрдингизми?

— Йўқ... Мана бу уч киши қандай қилиб келганини билганим йўқ. Қоронги тушгунча ётиб, сўнгра йўлга тушмоқчи эдим.

Кўз узмай менга қараб турган Аҳмад дағдаға билан сўради:

— Шу одамни билмайман деб қўлингга қурьон олиб қасам ича оласанми?

— Йўқ!— Боягидай осойишта жавоб бердим мен.— Бошимни танамдан жудо этсангиз ҳам қасам ичмайман. Диндор кишининг қасам ичиши ярашмаган иш. Бироқ мен уни билмайман, — ҳақ гап. Менга ишонинг, умримда сира ёлғон гапирган эмасман.

Қирсановнинг жасоратини кўриб, ҳайрон қолдим. Унинг ҳамма ёғи ифлос, ҳатто қош ва киприklarигача лой ёпишиб, кўз қорачиғи аранг кўринарди. Бироқ ўзини роз тутиб, тақдирига ишонган одамдай қатъий гапирар эди.

Командир ўрнидан туриб, Қирсановга жуда яқин келди-да, унга бошдан-оёқ газаб билан қаради. Сўнгра дағдаға билан гапирди:

— Демак, сиз ўзингизни тозалаб олмоқчи эмассиз... Балчиқда ағанаб ётишни иқрор бўлишдан афзал деб билияпсиз. Шундайми?

Қирсанов сесканмай жавоб қайтарди:

— Бу нима деганингиз? Ифлосликни ким ёқтиради дейсиз?

— Афтидан шунақа одамлар борга ўхшайди... Бўлмаса сиз шу аҳволда турмас эдингиз.

Командир мен томон қайрилиб, овозини ўзгартирмай гапирди:

— Охун! Сиз ҳам биз билан борасиз.

— Қаёққа!

— Тўрткўлга.

— У ерда нима қиламан?

— Боргандан кейин билиб оласиз!

## 21

Икки кундан кейин Тўрткўлга — Туркистон большевикларининг Хива пойостонасидаги истеҳкомига етиб бордик. Эски рус картасида бу шаҳар Петро-Алексан-

дровск номи билан маълум эди. Хивадан уни фақат Амударё ажратиб турарди. Дарёдан кечиб ўтишингиз билан тамоман бошқа оламга кирасиз.

Большевиклар Тўрткўлга алоҳида эътибор берардилар. Бу ерга улар узоқ давом этадиган курашга тайёргарлик кўриб, катта куч ташлаган эдилар. Бунинг устига Тўрткўл Хива исёнчилари учун бошпана эди. Бу ерда улар большевиклар таълимини олиб, Хиванинг турли районларига бориб, шусиз ҳам лиқиллаб турган Хива хонининг тахтини ағдариб ташлаш йўлида курашардилар. Жунаидхоннинг одамлари Тўрткўлни забт этишга бир неча марта уриниб кўрдилар. Улар ёнгиналаридан порох бочкаси тургани ҳолда узоқ тирикчилик этолмасликларини билар эдилар, бироқ уни портлатиб ташлашга ёлғиз ўзлари ожизлик қиладилар.

Бизни гарнизон қамоқхонасига қамадилар. Сим тикан билан ўралган торгина ҳовлида атиги етти-саккиз хона бор эди. «Қамоқхона махсус сиёсий маҳбуслар учун қурилган бўлса керак»,— деб тахмин қилдим.

Тахминим тўғри чиқди. Мана, мен қамоқхона остонасидан кирганимга бир ой бўлди. Шу вақт ичида сўроқ олиб борган терговчи-ю, қоровул солдатлардан бошқа одамни кўрганим йўқ. Тўғрироғи, бундан икки ҳафтача илгари хонамга бир чолни қамадилар. У ўзи нукуслик эканлигини, большевиклар уни Жунаидхон билан алоқадорсан деб қамашганини, энди Чоржўйга олиб кетишаётганини айтди. Мен унинг оддий одам эмаслигини дарров сездим, шунинг учун «очиқ» гапира бошлаб, тезгина «юрагига калит» солдим. Чол мени ҳамма томондан қитиқлаб кўрди. Биз бир ҳафта қон тўкмай жанг қилдик. Бу яккама-якка олишувда ким ғолибу, ким мағлуб бўлганини ёлғиз худонинг ўзи биледи. Менимча, чол ғалаба қозонганига қатъий ишониб, хонадан чиқди. Менга худди ана шунинг ўзи керак эди!

Шу вақтгача қамоқда сира ётмаган эдим. Эҳтимол шунинг учун бир ой менга бутун бошли ҳаётдай бўлиб туюлди шекилли. Мен хотирламаган биронта ҳам воқеа қолмади. Ўтмиш кунларимни, беташвиш болалик кунларидан бошлаб, ҳаётимдаги машаққатли дамларгача— барисини бир неча мартадан кўз ўнгимдан ўтказдим. Сўнгги кунларни эсладим, келажакка хаёлан разм солдим, яна ўтмишга мурожаат этдим... Хаёлдан ҳам учқурроқ нарса борми! Нафас ростлашга ҳам улгуриб бўл-

майдиган қандайдир бир лаҳза ичида бутун ҳаётингни хотирлайсан. Сен эса бу ерда ёлғизликда, нурсиз, бир хилдаги кунларни санаб, гужанак бўлиб ётишга мажбурсан.

Бошим бир хилдаги бемаъни, миядан сира нари кетмайдиган фикрлардан шишиб кетган эди. Ҳамма нарсадан маҳрум этган бу саргардонликлар нима билан тугаркин? Шўр тақдир мени яна қаёқларга етакларкин? Бу дўзахдан қутулдим, деб фараз этай... Асхободга қайтаман... Менга: «Яшавор, топшириқни ўринлатиб бажардинг» дейишларига кўзим етмайди. Узиб оладиган таъналар, панд-насиҳатлар, ақл ўргатишлар бошланади... Мени қучоқ очиб кутиб оладилар деб ўйлаб бўлмаслигини яхши тушўниб турибман. Шундай бўлсада, бирдан-бир орзуим қандай бўлмасин мана бу бандикдан қутулиш. Энг ёмони уйга қайтгандан кейинги аҳвол, — генералликка ўтказиш иши анча чўзилади. Чўзилса чўзилар... Бусиз ҳам қарорим қатъий: уруш тугаши билан қора пулга арзимайдиган касбдан воз кечиб, қолган умримни тинчгина, оиламда ўтказаман. Бироқ қалбимнинг аллақасерида барибир генераллик погонлари, лавозимда бир поғона кўтарилишга умид алангаланар эди. Сафарим яхши тугаганда, эртагаёқ маблағларим кескин ошар эди. Буни яхши англаб турибман... Бироқ ҳозир омад ели мендан юз ўгирди. Балки вақти келиб қайтар? Балки ҳали менга шон-шараф йўли очилиб қолар? Яна кўтарила олармикинман? Яратгандан фақат шунини илтижо қилар эдим.

Дастлабки кунлари мени жилла бўлмаса терговга чақириб туришган эди. Келганимизнинг иккинчи куни мени Аҳмад тергади. У илгаригидай менга нисбатан тўнини тескари кийиб олган эди. Кейин маълум бўлишича, бунинг сабаби бор экан. Ун олтинчи йилда ўз қишлоғидаги мулланинг насиҳатларига қулоқ солиб, мардикорликка борган ва қарийб икки йил марказий Россия йўлларида ишлаган экан. Шунинг учун у саллани кўрса, ҳозир ҳам ёниб кетар экан. Менга бирон марта ҳам очиқ кўнгил билан қарагани йўқ. Мен тегажоглиқ қилдим:

— Аксинча, сиз муллага раҳмат дейишингиз керак. Мардикорликка бормаганингизда, большевик бўлмас эдингиз.

— Мен унга албатта «раҳмат» айтаман. Эртами,

кечми, барибир қўлимга тушади. Ҳа, сенларни... Қабиҳ макру ҳийла ва найрангбозликдан бошқа яна нимани биласизлар?

Худога шукур, бу бақироққа бошқа рўпара бўлмадим. Кейинги терговларни Габулдин деган татар киши олиб борди. У вазмин, идрокли одам экан. Урушгача Тошкентдаги гимназияда ўқитувчилик қилган экан. Сўнгра армияга чақирилган. Фронтдан бир қўлидан айрилиб қайтган.

Икки ҳафтача у менга яқинлашиш йўллариши қидирди. Гоҳ ҳазил-мутойиба, гоҳ пўписа қилиб кўрди. Турли ҳолатларда суратимни олди. Бироқ булардан бирор натижа чиқаролмади. Мен бир нарсадан қўрқар эдим: суратларни, Тошкентга юборган бўлишлари мумкин. Борди-ю, улар князь Дубровинскийга ўхшаган бирортасининг қўлига тушгудай бўлса, мени дарҳол фош қилиб ташлашади. Бу ердагилар юқоридан кўрсатма кутиб турганлари маълум. Бироқ кейинги кунларда мени ҳеч ким безовта қилмади. Шунинг учун соқчи эшикни очиб дағдаға билан:

— Чиқ! Терговга! — деганида мен ҳатто қувониб кетдим.

Ўрнимдан туриб, пўстинимни елкамга ташладим-да, хонадан чиқдим. Кечга яқин эди. Ҳаво анча совуқ — қиш қишлигини қилаётган эди. Тақдирнинг ишига қарап: Машҳаддан ёзнинг иссиқ кунларида кетган эдим. Сафаримни узоғи билан бир ярим ойда битираман, деб умид қилган эдим. Ҳозир эса тўртинчи ой ҳам тугаяпти, куз ўтди, қиш келди, манзил ҳали олис, жуда олис. Шуниси ҳам борки, сафарни давом эттиришга тўғри келармикин ёки мен учун йўл тугаганми? Бу ҳали номаълум. Худонинг ўзи асрасину, тўсатдан мени Тошкентга ҳайдашса нима бўлади? Унда нима қилиш керак?

Ним қоронғи, нафасни сиқадиган хонадан очик ҳавога чиқиш қандай яхши. Кўкракни тўлдириб нафас олгинг келади, жуда энгил тортасан. Узоқдан солдатларнинг овози, оркестр садоси қулоққа чалинаётган эди. Мени терговга бошлаб келишган бино айвони шиор ва плакатлар билан безатилган. Узун, беш метрлар келадиган алвонга йирик ҳарфлар билан: «Яшасин жаҳон революцияси! Яшасин ўртоқ Ленин!» деб ёзилган эди. Бу шиорни мен ҳар гал терговга келганда ўқирдим. Ҳозир ҳам диққатимни жалб этди. Қатта эшик устида Ле-

нининг портрети, унинг икки четида шимоли шамоли оқартирган қизил ленталар секин ҳилпирарди.

Габулдин мени одатдагидай кутиб олди: хиёл жилмайганча истиқболимга чиқиб, саломатлигимни сўради. Бунга жавобан мен ўнг қўлимни стол устига қўйдим:

— Бармоқларим қалтираяпти, кўряпсизми? Ҳаммасига сиз айбдорсиз! Одам бирор гуноҳи учун бардош берса яхшику-я. Унда индамаса ҳам бўларди... Аммо сира гуноҳсиз бир одамни азоб-уқубатга солишса... Қамаб қўйишса... Зўравонлик қилишса... Солдатча этикнинг пошнаси билан тепкилашса... Бунга ҳар қандай одам ҳам бардош беролмайди! Ахир тушунсангиз-чи: мен миясини еган мол эмасман. Мен — одамман! Эшит-япсизми? Мен — одамман!

Дунёда иссиқ ҳам, совуқ ҳам таъсир этмайдиган териси қалин мавжудотлар бўлади... Бундайларга пўписа билан ҳам, ялиниб ҳам таъсир кўрсатиб бўлмайди... Унга хоҳ бақир, хоҳ ялин, барибир пинагини бузмайди, ҳатто афтини ҳам ўзгартирмайди. Габулдин худди шундайлардан эди. Юрагим тошиб кетди, — ҳозир ҳамма ўйлаганларимни айтсам энгил тортадигандай бўлиб туюлди назаримда. Шунинг учун бошдаёқ овозимни баландлатиб гапира бошладим. Бироқ Габулдин ҳатто қошини ҳам қимирлатмади. Совуққонлик билан жавоб берди:

— Демак, сиз гуноҳингиз йўқлигига имонингиз комил экан-да?

— Албатта, имоним комил... Гуноҳим бўлса, айттинг! Нима гуноҳ иш қилдим?

— Айтамин, — Габулдиннинг овозида тўсатдан дағдаға пайдо бўлди. — Гуноҳсиз одамни қамоқда олиб ўтиришмайди.

— Унда нега мени олиб ўтирибсизлар?

— Чунки гуноҳингиз бор!

— Гуноҳим нима?

— Буни яхшиси ўзингиз айттинг. Лукин ҳамма гапни очик айтди.

— Ёлғон!

— Нега ёлғон бўларкан?

— Чунки мен уни танимамайман.

— Сиз уни танимасангиз, у сизни танийди. У ҳаммасини айтди. Ҳатто Хивадан сизни ким кузатиб қўйганигача.

Таранг тортилиб турган асабларим тўсатдан бўшашди. Устимдан тоғ ағдарилиб тушгандай бўлди. «У ҳаммасини айтди, ҳатто Хивадан сизни ким кузатиб қўйганигача...» Биргина эҳтиётсизлик билан айтилган сўз ҳамма нарсени ошкор этди: большевиклар ҳали ҳеч нарсени билишмайди. Улар мени Хивадан келяпти, деб ўйлашяпти. Мени турк эмиссари деб хаёл этишяпти. Тергов вақтида Габдуллин, шунчаки сўзлаётгандай, биринчи шунга шама қилган эди. Мен атайин ўзимни унинг шамасига эътибор бермаётгандай қилиб кўрсатган эдим.

Тўсатдан менда пайдо бўлган осойишталикни ошкор қилиб қўймаслик учун олдингидай қизишганча сўзимни давом эттирдим:

— Мени бу ерда ўн йил ушлаб турганингизда ҳам ҳеч қандай айб тополмайсиз. Мен дин йўлида ишлайман. Сиёсат билан ишим йўқ!

Габдуллин кўзойнак таққан хира кўзларини катта очиб, ғазаб билан менга қаради:

— Эртага Тошкентга жўнайсиз. Сиёсат билан шуғулланасизми, йўқми ана ўша ерда айтишади!

Мен худди ана шундан ҳаммадан кўра кўпроқ қўрқар эдим! Шақ-шубҳа йўқки, Тошкентда бизнинг кимлигимизни бирпасда билиб олишади. Ҳозиргина тинчланган юрак яна шиддат билан ура бошлади. Яна энг ғамгин фикрлар ёпирилиб келди. Бироқ бошқа илож йўқ. Тақдирга тан бериш керак. Шунинг учун мен мумкин қадар осойишта жавоб беришга ҳаракат қилдим:

— Демак, сиз мени хайрлашиш учун чақирган экансизда?

— Ҳа, хайрлашмоқчи эдим.

— Ёлғиз ўзимни юборяпсизларми?

— Йўқ, ҳаммаларингиз борасизлар. Лукин ҳам болади.

Габдуллин ўрнидан турди ва заҳарханда билан кулиб, гапини тугатди:

— Оқ йўл!

Кейинги вақтларда шусиз ҳам уйқусизлик дардига гирифтор бўлган эдим. Туни билан у ёнимдан бу ёнимга ағдарилардим, тинимсиз ўйлардан ҳолдан тойиб, кўзим зўрға бир зумгина уйқуга кетар эди. Ушанда ҳам тинч ётолмасдим: босинқираганча бақириб, совуқ тер босиб ўрнимдан туриб кетардим. Шундан сўнг яна ўша ўйлар хаёлимни пармалаб, қаттиқ тўшак устида тағин

ағанаб чиқардим. Баъзан ўзимни овулардим: ўзингни бунча азобга солмасанг? Ахир сен кечасию кундузи қон йиғлаганинга ҳам барибир бу ерда бировнинг раҳми келмайди. Сен чўкиб кетган кемасан. Шторм чўкиб кетган кемага зиён етказармиди?

Шу алпозда ўзимни бирпасгина совулардим. Тўғрироғи ўзимни шунга ишонтирмоқчи бўлардим. Эҳтимол шунинг учундир, Габдуллиннинг хабари аввал қаттиқ ташвишлантириб қўйди, сўнгра менда умид учқунларини уйғота бошлади. Тўсатдан йўлда бирор қор-қол бўлиб, жуфтакни ростлаб қололмасмикинман? Ё бирдан бахт кулиб боқиб, биров бизни халос этар? Балки... Пўстинимга ўралганча гўжанак бўлиб ётиб, Тошкентга кетаётганда йўлда рўй бериши мумкин бўлган омадни бирин-кетин хаёлимдан кечирардим. Пўстинга қанчалик ўранмай, барибир иссиғи йўқ эди. Унда иссиқ қолди дейсизми! Остимдаги тўшак тарашадай қотиб ётипти. Менинг ажойиб пўстиним йўлда уриниб, чок-чокидан сўкилиб кетяпти. Бунақа совуқ тунни мен биринчи кўришим! Қанча ҳаракат қилмай, кўзимдан уйқу қочиб, мижжа қоқмай чиқдим. Тун эса яримдан ошиб кетди шекилли!..

Ўрнимдан туриб, темир панжара билан тўсилган кичкинагина дераза олдиға яқинлашдим-да, оёқ учида кўтарилиб, кўчаға қарадим, бироқ ойнани қиров қоплаганидан, ҳеч нарсени ажратиб бўлмади. Хона бўйлаб юра бошладим. Оёқларим совуқдан қотиб, менга итоат этмас эди. Маҳсимни ечиб, бармоқларим, товонларимни ишқаладим. Яна у ёқдан-бу ёққа юра бошладим. Сўнгра ўзимни қаравотга ташладим-да, пўстинимга ўралиб, Лондондаги уйимни кўз олдимға келтирдим, қулай, иссиққина хоналар, хотиним Мэри, унинг иссиқ бағрини эсладим... Уғлимни хотирладим...

Вақти келиб бахтиёр кунлар яна қайтармикин?

Нихоят кўзим уйқуга кетганда, кун ёриша бошлаган эди. Тўғрироғи, қаттиқ мудроқ босарди. Аммо соқчи шарақлатиб эшик тамбасини очган заҳотиёқ кўзимни очиб, бошимни кўтардим-да, деразаға қарадим. Анча қоронғи бўлса-да, хўрозлар тонг отишини хабар қилиб, қичқиради.

Икки жангчи эшикни очиб, хонаға кирди. Биринчи жангчининг қўлида фонус. Бировни қидираётгандай фонусни хонанинг у ёқ-бу ёғиға айлантира бошлади. Сўнгра уни тўғри менға қаратиб, фармон берди.

— Туринг! Нарсаларни йиғиштиринг! Нонуштадан сўнг йўлга ҳозирланинг!

Мен индамай ўрнимдан турдим, намоз ўқиб, нарсаларимни йиғиштира бошладим. Кўп ўтмай, кун ёришди. Ҳаётимнинг яна бир қувончсиз куни бошланди.

Кун жуда совуқ, шимолдан суяк-суякдан ўтадиган қаттиқ шамол эсарди. Атроф — уйлар, дарахларининг шохлари қиров остида. Қиш чинакамига бошланганга ўхшайди.

Ҳаммамизни ҳовлига йиғишди. Мен Ричард ва Артур билан саломлашиб, уларнинг соғлигини сўрадим. Бироқ шу заҳотиёқ жангчилардан бири қичқирди:

— Гаплашиш ман этилган!

Кирсанов ҳам кечаси қаттиқ совқотганга ўхшайди. У тинч туролмас, оғирлигини у оёғидан бу оёғига соларди. Ниҳоят жаҳл билан қичқирди:

— Шу совуқда отда бориладими? Нима, бизни ҳалок қилмоқчимсизлар? Виждонларинг йўқ экан!

Тулки жушидан тикилган бурка<sup>1</sup> кийган пакана командир Қирсановга яқинлашди ва масхараомуз сўради:

— Нима, совуқми?

— Йўқ, иссиқ, шу даражадаки, ҳатто иссиқдан мияларимиз эриб кетяпти! — Кирсанов шу қадар дарғазаб эдики, кўзлари косасидан чиқай дерди. — Сизлар одамгарчилик тўғрисида фақат гап сўқасизлар. Бунга устасизлар. Аслида эса... Эҳ, сизларни қаранглару...

Пакана уялмади ҳам. Ўша-ўша масхараомуз овозда жавоб қайтарди:

— Ташвишланманг. Йўлга чиққанда исиниб оласиз. Ўзингизга келасиз. Ана ўшанда одамгарчилик ҳақида гаплашамиз!

Кирсанов бошқа ҳеч нарса демади, фақат хафа бўлиб, ўзича бир нарса деб тўнғиллади.

Пакана буйруқ берди:

— Отларга!

Тўртталамиздан бошқа яна иккита нотаниш банди бор эди. Олти кишини иккитадан қилиб уч отга ўтқи-зишди. Нарсаларимизни тўртинчи отга юклашди. Мен ўзимга Артурни олдим. Бир ойлик қамоқ унга ҳам қимматга тушипти: юзида қон қолмапти, кўзларидаги илгариги ёшлик учқуни сўнган. Назаримда бўйи ҳам пасайиб кетганга ўхшаб кўринди.

<sup>1</sup> Бурка — кавказликлар киядиган енгсиз кигиз чакмон.

Йўлда Артур бир ой ичда тортган азобларини гапириб берди. Уни ҳам Габулдин сўроқ қилипти. Ўша-ўша усул, ўша ашула. Қўрқитипти, ваъда қилипти... Ниҳоят жонига тегиб, терговни тўхтатишти.

Изгирин тобора авжига миниб, ҳаводан қор ҳиди кела бошлади. Бироқ қора буркасининг этакларини шамол икки ёққа ҳилпиратаётган командир олдинда сира секинламай отини йўрттириб борарди. Биз пешиндан кейин дам олиш учун гиёҳ унмас жарликда тўхтаб, овқатланиб чой ичдик ва яна йўлга тушдик. Тўрткўл яқинидаги аҳоли яшайдиган жой ортда қолиб, тақир чўл бўйлаб борардик. Командир шошиларди, ўз-ўзидан аёнки, қоронғи тушгунча бирор бошпанага етиб олмақчи.

Орқада келаётган Кирсанов бирдан жон-жаҳди билан қичқириб юборди:

— Тўхтаглар!

Командир жиловни тортиб, орқасига қайрилди.

— Нима гап?

Худди шу пайтда Ричард инқиллаб отдан думалаб тушди. Яхшиямки Кирсанов вақтида унинг ёқасидан ушлаб, сўнг тасмасидан тортди. Соқчилардан бири дарров ёрдамга етиб келди. Командир ҳам отига қамчи босиб, унинг олдига йўртиб келди. Ричард дам олаётганимиздаёқ тоби қочаётганини айтиб, ҳеч нарса емай, бир пиёлагина чой ичган эди. Аммо бандининг шикоятига бирров қулоқ солармиди? Унга ҳеч ким эътибор ҳам бергани йўқ.

Бизнинг ҳар биримиз арқон билан боғланиб, унинг бир учи отнинг қорнидан ўтқазилиб, эгарнинг орқа томонига илтирилган эди. Биз отдан тушолмасдик, бинобарин эгарга михлаб қўйилгандай ўтирардик.

Арқонни ечиб, Ричардни тезгина отдан тушириб олишди. Командир қора буркасини ерга ёзиб, жангчилардан бирига буюрди:

— Дори солинган қутичани олиб кел... Тез!

Ричарднинг юзида қон қолмаган. Кўзи юмуқ, оғир нафас оларди. Командир унинг бошини хиёл кўтарди:

— Сизга нима бўлди? Қаерингиз оғрияпти?

Ричард ўнг биқинини чангаллаганча тўлғана бошладди. Командир унинг оғриётган биқинига қўлини босиб, жиддий оҳангда сўради.

— Шу ерингиз оғрияптими?

Ричард бир сесканиб, қичқириб юборди. Командир қўлини олди.

— Ҳаа, а! Кўричак... кўричак шамоллаб қолипти. Қимирламай ёт. Ҳозир оғриқ босилади, — деди у.

Ричард тиззаларини қорнига тортиб ётарди. Устига от ёпиғини ташлаб қўйишди. Бизни ҳам ечишди. Ерга тушгач, оёқларимизнинг чигилини ёзини ва исиниб олиш учун отларнинг ёнида ер тепкиладик. Ричард ҳаммамиздан кўра соғломроқ, биз унинг касал бўлганини кўрмаган эдик. Бошда мен Ричард йўл қиляпти, Қирсанов билан тил бириктириб, бирор найранг ишлатяпти, деб ўйладим. Бироқ бунга ўхшамасди. Кўричак чиндан ҳам зўриқиб қолган, у шу қадар азоб бераётган эдики, шўрлик ўзини тутолмай ҳўнграб йиғларди. Биз унга ҳеч қандай ёрдам беролмасдик. Командир қўлидан келадиган ҳамма чораларни кўраётган эди: Ричарднинг устини ёпди, уни овутиб, яхши гапириб, сабр қилишни сўрарди. Тўғрисини айтганда, мен ундан бунақа одамгарчиликни кутмаган эдим.

Биз бу кимсасиз чўлда қарийб бир соат бўлдик. Ричард аста-секин тинчланди, биқинидаги оғриқ босилди. Кечга яқин биз яна йўлга тушиб, қоронғи тушганда аллақандай қишлоқ чеккасига бориб етдик. Ҳаво ҳам анча очилган, шамол сусайиб, майда қор ёға бошлаган эди. Ҳаммамизни пастак бир уйга бошлаб боришди. Ерга палос ўрнига қамиш, унинг устига ҳар хил латта-путта ташланган эди. Иссиқ. Кундузги азоблардан сўнг бу уй бизга жоннинг роҳати бўлди! Биз уйнинг торлигини ҳам, ундаги нафас қайтарадиган сассиқ ҳидни ҳам пайқамасдик. Бунинг устига бизга гўшт ва қовоқ солинган иссиқ шўрва беришди. Лондондаги овчи итим ҳам бунақа таомга тумшугини ифлос қилиб ўтирмай, ҳидлаб тескари қараб кетган бўлур эди!.. Бироқ биз уни роҳатланиб едик. Танамизга янги қон қуйишгандай бўлди. «Тўқликқа шўхлик деганларидек, ошиб-тошиб яшаган — ҳаёт қадрини билмайди», дея ўйладим.

Мен нотаниш ҳамроҳларимиз билан энди танишмоқчи бўлиб турганимда улардан бири гапириб қолди:

— Ётайлик энди. Эртага бизни қаттиқ ҳайдашади. Тиниқиб ухлмасак қийналамиз.— У шундай деди-ю, муҳокамага ҳам ўрин қолдирмай, бошига хуржунини қўйиб ёнбошлади. Ўртоғи ҳам худди шундай қилди. Кўп ўтмай биз ҳам ётдик.

Мен ёнбошлаган ҳамона ўхладим. Кўзим юмилиб кетаётганидан қотиб қолибман. Аммо шунга қарамай ярим кечада эшик очилиб, кимдир секин уйга кирганини пайқадим. Бу, афтидан бегона одамга ўхшайди, ахир бизларнинг ҳаммамизни кечки овқатдан сўнг қамаб қўйишди-ку. Эшикнинг олдига соқчи қўйишди, бизга ҳам тонг отгунча уйдан чиқолмаслигимизни айтишди. Қирган одам ким бўлдийкин? Мен ўтириб юлдим-у, аммо овоз чиқармадим. Шу пайт қирган одамнинг ўзи гугурт чақди. Бу — бизни кузатиб келаётган аскарлардан бири эди. Менга қараб, у таъкидлагандек қўлини кўтариб қўйди-да, шивирлаб сўради:

— Рус қаерда?

Қирсанов ёнимда ётган эди. Мен секин уни уйғотдим. Аскар гугурт чақиб, унга кулиб боқди:

— Жаноб капитан! Мен — Алёшаман... Алёша Ермаков... Танидингизми?

Қирсановнинг кўзлари ҳайратдан косасидан чиқай деди. Ўрнидан туриб аскарни қучоқлаб олди.

— Алёша, сенмисан, а?

Алёша капитанга гугурт билан калитни узатди:

— Тезроқ чиқинглар... Фақат биттадан... Эҳтиёт бўлинглар!— деди у шивирлаб ва чиқиб, эшикни ёпиб кетди.

Биз ҳайратдан донг қотиб қолган эдик. Тўғрисини айтсам, мен ўрнимдан қимирлашга ҳам анчагача қўриқиб турдим. Бизга тузоқ қўйишган бўлишса-я? «Қочмоқчи эди» деб отиб ташлашсачи? Бироқ яна ўйланиб қолдим: бунақа найрангнинг кимга кераги бор? Бунинг устига тунда отилган ўқ мўлжалга беҳато тегишига биров гаров бўла олармиди? Очиғини айтганда ўйлаб ўтиришга фурсат йўқ эди. Қирсанов аллақачон шай эди. Бошқалар ҳам шошилиб кийинишарди. Мен пўстинни кийиб, хуржунни елкамга ташладим. Эшик яна очилди. Алёша қўл-оёғи боғланган, оғзига латта тиқилган иккинчи соқчини уйга судраб кирди-да, бурчакка итқитиб ташлади ва қўлидаги милтиқнинг бирини Қирсановга бера туриб:

— Кетдик!— деди.

Мушукка ўхшаб овоз чиқармай оёқ учидан уйдан чиқдик. Қор тинган, тонготарнинг қаттиқ совуғи бошланган эди. Ҳар қанча эҳтиёт бўлиб қадам босмайлик, музлаган қор оёғимиз остида қаттиқ ғарчилларди. От-

лар боғлиқ турган жойга бориб, ҳар биримиз биттадан эт танлаб, бошқа отларни ҳам ечиб юбориб, жиловларини бўйинларига ташладик.

Қор остида ётган бу пастқам уйларда гўё тирик жон йўқдай туюларди. На чироқ, на тик ётган говуш. Хатто тушнинг сергак соқчилари итлар ҳам миқ этмасди: афтидан улар ҳам иссиқ бошпана топиб яшириниб олганга ўхшайди. Биздан бошқа ҳеч ким тун осойишталигини бузмаётган эди. Бир неча дақиқадан кейин қишлоқдан эсон-омон чиқиб, етти отлиқ шиддат билан Амударё тэмон кетдик.

## 22

Шу икки кун ичида қанчалик азоб чекканимизни айтиб, ўзимни қийнаб ўтирмайман. Бўлиб ўтган воқеаларни айтиб тамом қилиш мушкул, чеккан азобларимиз эса шу қадар кўпки, уни баён этишга ҳол йўқ... Тўрт кундан буён ўрнимдан турмай ётибман. Ҳали ҳам ўзимга келолмаяпман. Бадалларим карахт. Бошим ғувиллайди. Қадам босишим билан бошим айланиб, йиқилиб кетай дейман: чап оёғимни совуқ урган, териси шилиниб, бутун товоним шундоққина яра бўлиб кетган. Буни қарангки, бурнимни совуқ уриб, тарашадай қотиб қолди. Ҳаётнинг аччиқ-чучукларини кўп кўрганман, аммо бунақа жисмоний дардни сира тортмаган эдим. Атрофингда ҳам бирор кўмаклашадиган одам йўқ. Ҳаммаси бефаҳм, жоҳил одамлар, шикоятимизни эшитадилару, аммо ҳеч қандай нажот йўқ... Улардан бошқа нима ҳам кутиш мумкин?

Менинг аҳволим, бир нав яхши-ку. Аммо Артурнинг ҳоли эса жуда хароб. Чап оёғини буткул совуқ урган, панжалари, товони чириб қолган карам бошидай шишиб, кўкариб кетган эди.

Ричард осон қутулди, аммо биқинидаги оғриқ қайталади. Бизнинг шароитимизда кўричак ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Мен Ричардни овунтирсамда, аммо ичимда жуда хавотирда эдим.

Қирсанов ҳаммамиздан ҳам бақувватроқ экан. Қўринишдан озғин, заиф бўлса-да, аммо бардош берди. Ваҳоланки унга биздан ҳам оғирроқ эди. Бироқ у ҳеч нарсадан нолигани йўқ, истаган вақтда отга ўтиришга тайёр эди.

Икки ҳамроҳимиздан бири қорақалпоқ, бошқаси хивалик экан. Дарёдан кечиб ўтишимиз билан улар биз билан хайрлашдилар, бинобарин дурустроқ танишиб, гаплаша олганимиз ҳам йўқ.

Мен бир нарсадан хурсанд эдим; қўл-оёқларим большевикларнинг кишанларидан холи, истаган томонга кетишим мумкин. Биз ҳозир Амударёнинг ғарбий қирғоғида—Хива тупроғида эдик. Бу мамлакатни бизнинг одамларимиз бошқарар, бинобарин кишан ва занжирлар бу ўлкада большевикларнинг насибаси эди. Биз дарёнинг нарёғидаги шуъла сочиб турган, даҳшатли хавф-хатардан оловдан қўрққандай чўчиб қолган одам—Мерганбойнинг ҳовлисига тушдик. У ҳали менинг кимлигимни билмасди. Шунга қарамай, бизни очиқ чеҳра билан кутиб олиб, уйларидан бирини менга бўшатиб берди. Ўртоқларимни ҳам яхшилаб жойлаштирди. Табиб чақирди, оғир аҳволимизни енгиллаштириш учун барча чораларни кўрди.

Кунлар ҳамон осойишта. Улар сенинг орзу-ниятларингни ҳам, ўйларингни ҳам сира ҳисобга олмай, ўз қонуни-қоидаларига амал қилгани ҳолда бир маромда ўтарди. Бухородан чиққанимда нима бўлса ҳам Асхободга ноябрнинг охирида етиб боришга жазм қилган эдим. Мана, декабрь ойининг дастлабки ҳафталари ҳам ўтиб бормоқда. Шундай бўлгач, бирор режа тузишга ҳожат бормиди?

Ричард югурганча уйга кириб, нафасини ҳам ростламай, шоша-пиша гапирди:

— Тақсир! Абдулланинг аҳволи жуда оғир. Оёғи борган сари қаттиқроқ оғрияпти. Табиб: «Агар ҳозирнинг ўзидаёқ оёғини кесиб ташламасак, бир кундан ортиқ яшамайди»,— деди.

— Нима-а?— Биқинимга биров пичоқ санчгандай бўлди.— Кесиб ташламасак?

— Ҳа.

— Ким кесиб ташламоқчи?

— Унинг ўзи... Бутун ўлкада бундан яхши табиб йўқ дейишяпти!

Қирсанов келди. Мен унга мурожаат қилдим:

— Абдуллани Хивага жўнатсак, у ерда врач топилмайдими?

— Врач-ку топилди-я, аммо Абдулла Хивага етолмайди. Унинг аҳволи жуда оғир. Тирик қолсин десангиз

табибнинг таклифини сўзсиз қабул этинг. Кейин кеч бўлади.

— Абдулланинг ўзи нима дейди?

— Нима дерди: «Улсам ҳам майли, аммо оёғимни кестирмайман»,— деяпти.

Мен Артурнинг олдига бордим. У оғриққа чидаёлмай тўлғонарди. Мени кўриб, хўнграб юборди. Назаримда ичида мендан: «Хаммасига сен айбдорсан. Бизни сен азобга қўйдинг»,— деб ўпкаланаётгандай бўлиб туолди. Балки у ҳақдир? Агар мен таваккал қилмаганимда, у ҳозир шу аҳволга тушиб ўтирмасмиди. Шундай эмасми? Хўш, унда мен тортган азобларга ким айбли?

Артурнинг ёнига ўтирдим-да, деярли ёлвориб сўрадим:

— Қизишма, Абдулла. Аҳвол жиддий. Қасаллик тез тарқалапти. Гангрена аллақачон тиззага яқинлашиб қолипти. Вақтида кеса қолишсин.

— Йўқ, йўқ! Чўлоқ бўлиб яшагандан кўра ўлганим яхши!

— Тентак, нималар деб алжираяпсан! Чўлоқ бўлишнинг айби йўқ. Айниқса сенга ўхшаш довюрак одамга!

— Йўқ, йўқ, ўлимимга розиман. Аммо оёғимни кестирмайман.

Панду насиҳатлар билан иш битмаслигини тушундим. Нима қилиш керак. Қуч ишлатиб мажбур қилсанг бутун умр сени лаънатлаб юради. Кесиб ташламанса — ўлиши аниқ. Мушкул аҳвол! Бунинг устига ана шу ваҳший табиблар қилган операция ёрдам берармикан? Бутун қон захарлана бошласа-чи — унда нима бўлади.

Ричардни хонамга бошлаб келдим. Аччиқни аччиқ кесади, деганларича бор экан. Ўзимнинг касалимни тамоман унутиб юбордим. Фақат Артур ҳақида ўйлардим. Ричарддан бўлак маслаҳатлашадиган одам ҳам йўқ... Мен унинг катта-катта маъюс кўзларига умид билан боқиб, сўрадим:

— Нима қиламиз, Ричард?

— Кесиш керак!— бир секунд ҳам иккиланмай, қатъий жавоб берди Ричард.— Унинг гапига қулоқ солиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. У ҳозир эсини йўқотган. Ҳаёти қил устида турганини тушунмаяпти.

— Мен бир нарсадан қўрқаяпман: шу жоҳилларга ишониб бўлармикин?

— Бўлмаса нима қилиш керак? Бўлак йўл йўқ. Қани эди чинакам врач топила қолса. Аммо врач қаёқда дейсиз?

Ҳақиқатан ҳам бўлак йўл йўқ эди. Тақдирга тан бериш керак. Мен қатъий бир қарорга келгач, буюрдим:

— Бориб айт, кесаверишсин!

Ричард билан изма-из мен ҳам Артурнинг олдига бориб, унга тасалли бера бошладим. У, албатта, менинг тасалли бераётганим осон бўлмаётганини ҳам, ўзининг аҳволи хавф остида эканини ҳам яхши биларди. Аммо барибир ўзиникини маъқулларди. Мен унга пўписа қилиб, таъбир ўтказмоқчи бўлдим:

— Бас қил! Ёш бола эмассан. Оёғингни кесиб ташлашга руҳсат бердим. Қўрқма. Ўзингни қўлга ол. Ҳеч нарса қилмайди!

Қотма, чўққи соқол киши кириб, кулиб туриб, Артурга мурожаат этди:

— Қўрқма, йигит... Ўз ҳаётимда камида эллик кишининг оёғини кесиб ташладим. Худога шукур, ҳозиргача улардан биронтасига ҳеч нарса бўлгани йўқ. Сенга ҳам ҳеч нарса қилмайди. Қўрқма. Худодан шифо тила!

Чўққи соқол киши ёнидагиларга мурожаат қилди:

— Қани, бошладик!

Биринчи навбатда Артурнинг кўзларини маҳкам қилиб боғлашди. Сўнгра уни секин кўтариб, палос устига қўйишди-да, қўшни хонага олиб чиқишди. У ерда ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган экан. Учоқнинг ўртасига қўйилган қозонда кунжут ёғи тутаб турарди. Қозоннинг ёнида ялпоқ тахта билан болта оқ латтага ўроғлик турибди. Хона жуда совуқ, ёруғроқ бўлсин деб томдаги туйнукни тамоман очиб қўйишган эди.

Чўққи соқол (атрофдагилар уни эҳтиром билан «уста» деб аташарди) тўн ва телпагини ечиб, бир чеккага қўйди-да, енгларини шимариб, қўлини совунлаб ювди. Сўнгра Артурнинг совуқ урган оёғига ўралган латтани ечиб ташлаб, қўли билан унинг товонидан сонигача босиб кўрди. Шундан кейин у ёрдамчиларига юзланди.

— Мана бу ердан қаттиқ боғланглар!— деди у соннинг юқори қисмини кўрсатиб.

Артур оғир нафас оларди. Афтидан у олдида турган қаттиқ азобга тан берган: норозилик билдирмас, қар-

шилик кўрсатмасди. Мен унга яқинлашиб ёнига угирдим, қўлимни пешанасига қўйиб, секин силай бошладим. У қимир этмай ётар, юзи сарғайиб кетган эди. Шўрликни юпатмоқчи бўлдим, аммо гапларимга қулоқ солармикин, деб иккиландим, бунинг устига ҳатто юрагида йиғилиб қолган аламга чидай олмай, менга ножўя бирон нарса дейишидан ҳам қўрқардим. Яхши-си жим ўтирган маъқул. Секин қўлимни тортиб, ўрнимдан турдим.

Уста қаттиқ безовталанаётганимни кўриб, мени юпата бошлади:

— Ташвишланманг, тақсир. Ҳеч нарса қилмайди. Шогирдингиз узоғи билан икки ҳафтадан кейин оёққа туриб кетмаса, мен жавобгар!

— Истаганингизни қилинг... Фақат тезроқ қимир-ласангизчи!— деб бақирди огриқ азобига чидолмай Артур.

Уста ялпоқ тахтани касал оёқнинг боғланган жойининг остига қўйди. Сўнгра оқ латтани буглашиб қайнаётган ёққа ботириб, устарадай ўткир болтанинг дами-ни диққат билан артиб чиқди-да, ёрдамчиларига кўзини қисди. Улардан икки киши беморнинг оёғини, иккитаси қўлини маҳкам ушлаб туришди. Уста тиз чўкиб олиб, оёқ кесилиши керак бўлган жойни, афтидан чамалаб олиш учун бўлса керак, диққат билан кўздан кечирди. Сўнгра нафасини ютиб, «ё оллоҳ!» деб болта туширди.

Мен чидай олмай, тескари бурилдим. Худди шу пайт Артур оҳ деб даҳшат билан чиқириб юборди. Унинг овозини эшитиб, яна қарадим ва танадан жудо қилинган чап оёғининг ўчоқ ёнида қонга бўялиб ётганини кўрдим — кимдир уни олиб, халтага солди. Уста эса Артурни ёрдамчилари билан тезда кўтариб олиб, унинг чўлтоқ оёғини қайнаб турган ёққа тикишди. Бунисида Артур шу қадар даҳшат билан чиқирдики... Бу қаттиқ чинқириқдан азбойи баданим қалтираб, кўзимга ёш қалқиди. Шўрликка раҳмим келганидан лабларимни тишлаганча орқа-ўнгимга қарамай хонадан отилиб чиқиб кетдим...

... Ер юзида инсондан ҳам кучлироқ мавжудот бормикан? Кейинги бир ой ичида чеккан азоб-уқубатларим итнинг бошига тушганида ҳам бардош беролмас эди.

Аммо мен, худога шукур, мана, яна ўзимга келиб, оёққа туриб кетдим. Артур ҳам анча дуруст бўлиб қолди. Оёғининг яраси бита бошлади. Турган гапки, унинг руҳи ҳамон сўлғин, ўз қисматидан нолир эди. Биргина дори — вақтгина уни тузата олади... Бироқ ялтираб турган болта танасини кесгандан кейин орадан энди-гина уч ҳафта ўтди. Огриқ босилган бўлса-да, аммо юракдаги жароҳат ҳамон уни ўртарди.

Ричарднинг ҳам ранг-рўйи бир ҳолатда. Шуниси ҳам борки, унда тиним йўқ, гоҳ мендан хабар олар, гоҳ Артурнинг олдига югурарди. Афтидан саёҳатимизнинг оқибати ёмон бўлгани ва ҳозирги ҳаракатсиз, тоза ҳавосиз қамал ҳолатимиз уни ҳам изтиробга солиб қўйганга ўхшайди. Шунинг учун бўлса керак, тинмай қачон йўлга чиқишимизни суриштирарди. Ниҳоят, орзиқиб кутилган кун ҳам келди. Тонготарда Мерганбой ҳовлисини тарк этиб, йўлга чиқишга қарор қилдик.

Бой чиндан ҳам яхши одам экан. Бизга астойдил хизмат қилди. Биз учун ҳеч нарсани аямади ва ҳатто малол келаётганига ишора ҳам қилгани йўқ. Бошда бунақа ғамхўрликдан мен ҳатто ҳайрон бўлдим. Тўғрироғи шубҳалана бошладим. Қимлигимни билиб олганмикин? Балки Қирсанов бирон нарса дегандир? Бироқ шубҳага ҳожат йўқ эди. Бойнинг очиқ кўнгиллик билан кутиб олганининг сабаби бошқа ёқда экан. Келган кунимизоқ мен Арабистонда туғилганимни, Маккада истиқомат қилишимни айтган эдим. Бой Маккага зиёратга бориш ниятидалигини айтиб қолди. Қандай қилиб боришни, у ердаги тартиб ва расм-русмларни ва бориб қолгудай бўлса мени қаердан топиши мумкинлигини сўраб-суриштирди.

Биз кўп нарсалар ҳақида суҳбатлашдик. Мен гапни узоқдан бошлаб, ундан Хивадаги аҳволни, Саид Абдулла ва Жупандхонлар ўзларини қандай тутаётганларини билиб олишга ҳаракат қилдим. Бой кўпгина қизиқ нарсаларни гапириб берди. Кейинги кунларда бой билан анча яқинлашиб олдик. Менга юрагидагини очиб, Жунаидхондан нолий бошлади, унинг қутураётганини айтди.

— Инглизлар чегарадан ўтиб, ҳозир Марвга яқинлашиб қолибди, дейишяпти. Балки улар Хивага ҳам келиб қолишар?.. Унда, балки аҳвол яхшиланиб қолар?— деб сўрадим мен.

Бой иккиланиб, бош қимирлатди.

— Қайдам! Айтишларича, Жунаидхонни ҳам инглизлар қутуртиришаётганмиш. Халқда: «Хомийси бўлган ит бўрини енгади»,— деган гап бор. Инглизлар келгандан кейин у яна ҳам қонхўрроқ бўлиб қолмаса ҳали!

Яқинда бой менга ўзининг бир сирини очди. Машҳур туркман хонларидан бири — Тачмамадхон унга одам юбориб, Жунаидхонга қарши баҳамжиҳат курашиб, унинг зулмига чек қўйишни таклиф этипти. Келган одам гап орасида шунчаки, Тачмамадхонни Тўрткўлдаги большевиклар ҳам қўллашини айтиб ўтипти.

Мерганбойнинг гаплари мени ғоят қизиқтириб қўйди. Туркманларнинг Тачмамадхон, Мулла Уроз, Шаммикал сингари оқсоқоллари Жунаидхонга қаршилиги бизга маълум эди. Бироқ бу забардаст ғаним — Жунаидхон бизга таяниб турганини улар, албатта, билишади. Шунинг учун ҳам улар ўзларига таянч излашаётган эди-да. Тўрткўлга одам юбориб, ўзбек бой ва хонлари билан келишиб олишга ҳаракат қилишди. Бу бизнинг Хивадаги мавқеимизга хавф соларди. Чора кўрилмаса, Жунаидхон тузоққа тушиши мумкин.

Мен Мерганбойдан Тачмамадхоннинг одамига нима деб жавоб берганини сўрадим. Бой маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзаро низоларидан четда туриш маъқуллигини, улардан биронтасига қўл узатиш нияти йўқлигини айтди. Мен очиқчасига гаплашиб олишга қарор қилдим. Шу орада Қирсанов ҳам Хивадан қайтди (мен уни Хивадаги аҳвол билан танишишга, айтиш чоқда халқнинг Жунаидхон ва Саид Абдулла ҳақидаги фикрларини билиб келишга юборган эдим). У яхшигина тер тўкипти, Тачмамадхон ҳақида ғоят қизиқ нарсаларни гапириб берди. Шундан сўнг мен Қирсановга Мерганбой билан яккама-якка учрашиб, унга менинг кимлигимни секин шипшитиб қўйишни буюрдим. Ҳақиқатни билган бой довдираб қолди. У олдимга жиноят устида қўлга тушган одамдай саросимага тушиб келди ва зорланиб кечирим сўрай бошлади:

— Мени афв этинг, жаноб полковник! Мен каллаварам тентакман. Кечиринг... Жуда бемаъни иш қилиб қўйдим. Биринчи галча кечира қолинг!

Мен бойни тинчлантириб ўтирмадим, аксинча уни кўрқитишга ҳаракат қилдим:

— Сиз, Мерганбой, ўзингизни бекорга ерга урабёрманг. Сиз сира тентак эмассиз. Йўқ, сиз жуда ақлли одамсиз! Мен гапларингизга диққат билан қулоқ солиб, айтганларингизни ҳар томонлама чамалаб кўрдим. Сиз — зийрак одамсиз... Аммо бир нарсани унутманг: ақл билан фақат тентакнигина маҳв этиш мумкин. Сиз бўлсангиз, ақлингизга ишониб, дуч келган одам билан бирдай муомалада бўляпсиз.

— Йўқ, йўқ, жаноб полковник, — дея эътироз билдирди бой узук-юлуқ гапириб. — Худо шоҳид, ишонинг, мен буни сира ўйлаганим йўқ. Мен бировларнинг низоларига умуман аралашмайман.

— Аммо аралашинга тўғри келади! — дея унинг сўзини бўлдим мен янада кескинроқ қилиб. — Бенаслу насаб исёнчиларга, қароқчиларга қарши кураш олиб бориляпти. Сиз бўлсангиз инингизга кириб олиб, жон сақламоқчисиз. Фараз этайлик, сиз ҳукмронларнинг баҳс-музокараларига аралашмадингиз. Хўш, эртага бу ерларга большевиклар бостириб келишсачи? Унда нима қиласиз? Улар бошингизни силайди деб ўйлайсизми?

— Йўғ-е, нима деяпсиз... Улар мурувват қилмаслигини яхши тушуниб турибман!

— Унда нега бунақа қиялпсиз? — Бойнинг олазарақ кўзларига қатъий боқдим. — Кимга ишонапсиз? Кимдан ҳомийлик кутяпсиз?

Бой бошини эгганча жим қолди. Мен пиёладаги қолган чойни ҳам ҳўплаб, ўша қатъий оҳангда сўзимни давом эттирдим:

— Мана, сиз, Жунаидхон қонга ташна бўлиб турипти, деяпсиз. Қани менга айтинг-чи, ҳозир халқни ундан кўра дурустроқ бошқарадиган бошқа одам топиладими? Агар бор бўлса айтинг... Қўрқманг! Балки буни ўзингиз эпларсиз?

Бой ғужанак бўлиб, секин гапирди:

— Мени афв этинг, жаноб полковник! Нимаки маслаҳат берсангиз, ўшани бажараман.

Мен бойга фикрларимни айтдим: эртагаёқ Тачмамадхон билан яккама-якка учрашиб, унинг қўйнига қўл солиб, ишончига сазовор бўлиши зарурлигини уқтирдим. Агар борди-ю, у шайтонга қўл бериб, тўғри йўлдан озса, ҳолига вой бўлишини ҳам огоҳлантириб қўйдим.

У итоаткорона бош эгди.

Мана, ниҳоят биз яна йўлдамиз. Мерганбой бизни Ажан қудуғигача қузатиб, у ердан тўғри Тачмамадхоннинг кўшигига кетди. Хайрлаша туриб, уни тинчлантиришга ҳаракат қилдим, огир дамда бизга ёрдам қўлини чўзгани учун миннатдорчилик билдирдим. Борди-ю, Макка ва Мадинани зиёрат қиладиган бўлса, ҳар томонлама ёрдам беришга ваъда бердим. Назаримда биз бир-биримизни тушундик. Бой баҳорда, албатта, Асхободга бориш ниятидалигини айтди.

Бахтимизга ҳаво анча яхшиланди. Бугун кўк гумбази булутдан холи бўлиб, эргалабданоқ ҳамма ёқ баҳордагидек ёришди. Қуёш ҳам кулиб боқиб, ўз нурларини рангсиз тепаликлар ва ўлик барханлар устига аста тарата бошлади. Ҳаво яхшиланиши билан кайфиятимиз ҳам соз бўлди. Ҳамманинг чеҳраси ёришди. Ҳатто Артур ҳам ўз туясидаги тахтиравонидан бошини чиқариб, атрофга суқланиб қарай бошлади.

Қалбларда яна умид учқунлари пайдо бўлди. Артурга ҳам, Ричардга ҳам бошқа ҳеч қаерда тўхтамай, тўғри Асхободга боришга ваъда бердим. Очигини айтганда, ўзим ҳам бу дўзахи макондан тезроқ чиқиб кетишни истардим. Ўз-ўзини хавф-хатарга солишнинг нима ҳожати бор? Буюк Британиянинг шон-шўхратини ёлғиз ўзим ҳимоя қилишим керакми? Шундай бўлган тақдирда ҳам ёлғиз ўзим нима қила олардим? Менинг саргузаштларим Дон-Кихотнинг жасоратини эслатмаяптимикин? У шамол тегиримонларига қарши курашган эди. Мен эса каллаварам бек ва хонлар билан курашяпман. Йўқ, табиат ҳодисалари устидан голиб чиқиб бўлмайди! Отларнинг бошини буриб, тезроқ Асхободга қайтиш керак. Етар! Бутун ҳаракатларинг зое кетишига ақлинг етиб туриб, ўзини қурбон қилиш кимга керак?

Сўнги борадиган жойларимни чамалаб туриб, шулар ҳақида ўйладим. Жунаидхон билан учрашиб, сўнгра зудлик билан Асхободга жўнаб кетишга қарор қилдим. Хон билан Хивада эмас, балки Асхободга борадиган қарвон йўлидаги бирон қишлоқда учрашиш қулайроқ эди. Шунинг учун ҳам бундан икки кун олдин Қирсановни яна Хивага юбориб, Жунаидхонга келганимни айтишни ва айни вақтда уни қаерда кутишимни маълум қилишни таъкидладим.

Хивага боргим келмаганининг бошқа сабаби ҳам бор эди. У ерга боргач, мен, албатта Саид Абдулла билан учрашишим керак. Нима бўлганда ҳам у мамлакат ҳокими, бинобарин расмийат учун ҳам унга учрашишим шарт. Яна ваъда, кафолат беришга тўғри келар эди. Тўғриси айтсам, тилхат беравериб, жонимга тегди.

Пешинда, тумонат одам йиғилиб, ҳашар ўтказаетган жойга етиб келдик. Мен Урта Осиёда сув қанчалик қадрланишини илғари ҳам билардим. Аммо унинг инсон учун қанчалик қимматга тушишини тасаввур этолмасдим. Буни ўз кўзим билан кўришим керак эди... Қаҳратон қиш. Қуёш нур сочиб турганига қарамай, иккита гўн устига яна пўстин ҳам ташлаб олган эдим. Барибир исганим йўқ, елкам бир озгина қизиди. Бу одамлар эса муздай, ёпишқоқ, ифлос сувда оёқ яланг, деярли яланғоч, уч-тўрт метр чуқурликдаги ариқни балчиқдан тозалаб, сувга йўл очишарди.

Мерганбойнинг қузатиб юрган одами миробни<sup>1</sup> таппир экан; у билан таништирди. Мироб чойга таклиф этди. Мен рози бўлдим, бунинг устига ўзим ҳам дам олишни мўлжаллаб турган эдим. Отдан тушиб, ариқ бўйига бордим ва яқинда турган ҳашарчилар билан саломлашдим. Ариқнинг бошидан охиригача одамлар зич туришар, унинг ҳар икки қирғоғида ишлаётганларнинг охири кўринмасди. Юзлаб одамлар тер тўкиб жон-жаҳдлари билан ишлашарди. Бош узра белкураклар ялтирарди. Ер қатламини қалин муз қоплаган. Қуёш чиқиб, кун бугунгидай очилганда ер бир оз бўшашади, тунда эса совуқ зўрайиб, яна заранг ҳолга айланади. Одамларнинг шошилишининг бойси ҳам шунда эди...

Паканагина, чўққи соқол кекса киши белкуракни ярим музлаган ерга ботириб, кичкина кўзлари билан муғамбирона кулиб сўради:

— Бу дейман, тақсир, кўмаклашишга келдингизми?

— Йўқ, «баракалла» дейишга келдим, — дея мен ҳам ҳазиллашдим. — Мақтаганда ҳам мадад бергандай бўлмайдимиз?

— Бай, бай, бай, дунёда нима кўп «ҳайбаракалла»! Миробдан тортиб Жунаидхонгача фақат «баракалла»!

<sup>1</sup> Мироб — ариқларни бошқарадиган, сув тақсимлаб берадиган оқсоқол.

ла» дейишади. Бизга эса белимизни сал ростлаб олиш учун кўмакчилар керак.

— Нафаингни ўчир!— Жаҳл билан қичқирди мироб.— Алжирама. Йўқса, жаҳаннамга қулаганигни билмай қоласан.

— Ким қулатади?— Пакана бўш белмади.— Жунаидхонми? Қулатаверсин! Шу ҳам тирикчилик бўлдими? На кундузи тинчлик бор, на кечаси уйқуда ҳаловат бор. Шу ҳам ҳаёт бўлдими?

— Бас қил, деяпман!— Мироб паканани кўзлари билан еб қўйгудек эди.— Эртами кечми, тилингни танглайингдан суғуриб оламан. Тентак!

Пакана заҳарханда билан кулди:

— Тентак ҳам, ақлли ҳам барибир бир куни ўлади, мироб! Вақти келиб у дунёда ҳаммамиз теппа-тег бўлиб қоламиз!

Мироб тўнғиллаганча тупроқ уюми устидан тушиб кетди. Пакана менга қараб кулди-да, яна заҳархандалик билан қўшиб қўйди:

— Тўнғиз хур-хурлашдан бўлак нарсани билмайди. Булар эса сўкишу, пўписадан бошқасини билишмайди. Бирини «Осаман»... деб дағдага қилса... Бошқаси «чавақлаб ташлайман» деб қўрқитади. Бошимизни силайдиган кимса йўқ!

Мен уни юпатишга ҳаракат қилдим:

— Сабр қилинг... Оллоҳдан сўранг... Эгамнинг марҳамати кенг. Ўзи ёрлақайди.

— Қачон?— Пакана газаб билан менга қараб, ўзининг дағал, қонаган қадоқ қўлларини кўрсатди:— Мана бунга қаранг! Агар худо бизга марҳамат кўрсатадиган бўлса, вақт-соати аллақачон етган.

Енидагилардан кимдир уни гиж-гижлатиш учун бақариб деди:

— Сабр қил! Ахир у дунё ҳам бор-ку!

Пакананинг бурун катаклари керишди:

— Ҳмм, у дунё эмиш... Эшагим оёғини чўзгач, менга деса ўт унмай қўяқолсин!

Ҳамма хахолаб юборди.

Мени мироб чойга таклиф этиш учун юборган йигит қутқариб қолди. Тупроқ уюми устидан индамай тушдим. Пакана киши кетимдан бир нарса деди шекилли: йиғилганларнинг қаҳ-қаҳаси қулоғимни тешгудек бўлди.

Чой устида миробга қаердан келаётганимизни ва қаёққа йўл тутганимизни айтдим. Сўнгра ундан сўрадим:

— Ҳашарни кунлар исиганда ўтказсангиз бўлмай-дими?

У зўрма-зўраки кулди:

— Баҳорнинг ўз ташвишлари бор, тақсир... Ер ҳайдаш, экиш. Сўнгра ўрим, янчиш. Деҳқонларга жуда оғир. Бу азобга улардан бўлак одам дош беролмайди. Мана, уйларимиздан чиқиб кетганимизга бир ой бўлди. Одамлар белларини ростламай ишлашяпти. Ишнинг эса охири кўринмайди!

— Қаттиқ совуқларда ҳам ишладингларми?

— Ҳа, қаттиқ совуқда ҳам. Ҳали яна ишлашга тўғри келади. На чора? Сув — тирикчилигимизнинг асоси. Сувсиз ернинг ўзидан не фойда? Кунлар айна қизиганда экин бир ҳафта сувсиз қолса, вассалом, йил бўйи қилган меҳнат чиппакка чиқиб, ҳаммаси қовжираб кетади, оилалар оч қолади. Дунёда очликдан кўра даҳшатлироқ нарса йўқ!

Мироб иссиқ чойдан ҳўплаб, сўнгра қўшиб қўйди:

— Халқ жуда қашшоқлашиб кетди. Мана шу одамларнинг деярли бирортасида ҳам бир кафт дон йўқ. Арпаю жўхори билан тирикчилик қилишади. Ҳозир эса шу ҳам йўқ. Қишлоқларда кўпчилик очликдан шишиб кетяпти. Яхшиямки яратган эгамнинг ўзи одамларга жилла бўлмаса биргина бойлик — умидни ато қилган... Одамлар умид билангина яшашади. Эртанги кунга умид боғлашади. Эртанги кун нима бўлади, у бугунгидан афзалми, йўқми — бунисини ёлғиз худонинг ўзи билади!

— Юртни бошқараётган ҳокимлар сизларга қарашимайдими?— деб сўрадим миробдан.

У анчагача индамай турди. Сўнгра жавоб берди:

— Улардан қай бири ёрдам берсин? Саид Абдуллами? Ёки Жунаидхонми? Улар бир-бирини еб ташлашга тайёр! Модомики шундай экан, халққа ёрдам беришармиди? Юрт эгасиз қолди. Халқ — қўйчивонсиз пода. Дуч келган уни талааяпти, ўлдиряпти. Эртагача тирик қоладими, йўқми — ҳеч кимнинг кўзи етмайди. Бизнинг давримизда, тақсир, мамлакатни дарра билан бошқариш қийин. Бизникиларнинг эса бирдан-бир таянчиги дарраю қилич. Илгарилари: «Ўзини идора эта оладиган ҳоким энг яхши ҳоким», — дейишарди. Бизникилар ўзини идора этолмайди. Юртни ўт ва қилич билан қашшоқликка маҳ-

кум этяптилар. Уч-тўрт кун бўлди, Жунаидхоннинг одамлари икки қишлоқ салакларни<sup>1</sup> қириб ташлашди. Хотин-қизларни ўзлари билан олиб кетишди.

— Нега?

— Шунинг учунки, халқнинг сабр-косаси тўлди. Салакларнинг ёшуллиси Тачмамадхон Жунаидхонга: «Ҳаддингдан ошяпсан. Қароқчиликни бас қил!»— депти. Шундан бошланиб кетипти... Бугун бўлмаса эртага қанақа тўс-тўполон бўлишни кўрасиз! Ҳозир бутун салаклар оёққа турди. Қора салаклар ҳам уларнинг томонига ўтиб олди. Тўрткўл большевикларига ёрдам сўраб одам юборишди. Жунаидхоннинг ҳаёти қил устида...

Мироб туйғуларини яширолмай астойдил гапираётгани башарасидан билиниб турар эди. Дилидагини айтгиси келяпти. Мен эса, очигини айтсам, бу ёқимсиз гаплардан безор бўлган эдим. Уша эски тос, эски ҳаммом. «Салакларни уришипти...» Уриб ўлдирмайди! Дунёда фақат салакларни уришадими?

Тезроқ жўнаб кетмоқчи бўлдим. Чойнакдаги чой тугагач, миробдан йўлга тушишга рухсат сўрадим. У бир оз иккиланиб тургач, ўтинч оҳангида гапирди.

— Йўлимиз бир экан. Мен ҳам қўшни овулга ўтмоқчи эдим. Бу кеча у ерда катта кенгаш бўлади. Тачмамадхон, Дурдихон... Ҳаммалари бўлишади, дейишяпти. Балки у ерда тунаб қоларсиз?

Миробнинг гапи мени қизиқтириб қўйди. Амударёдан ўтганимдан буён Тачмамадхоннинг отини тез-тез эшитадиган бўлиб қолдим. У ҳақда Мерганбой айтган гап мени жуда ташвишлантириб қўйган эди. Қабила оқсоқоллари большевикларга чиндан ҳам қўл узатиб қолишса... Улардан ёрдам сўрашса-чи... Унда оч халқдан нима кутиб бўлар эди? Аҳвол хавф остида қолган эди. Тўсатдан ёнғин бўлса, большевизм алангаси бутун Хивани қоплайди.

Мен миробга аниқ жавоб бермадим:

— Қани, борайлиқчи, у ёғи бир гап бўлар... Биз — меҳмон. «Меҳмоннинг изми мезбоннинг ихтиёрида» деган гап бор. Сиз лозим топсангиз, қолишимиз ҳам мумкин.

Биз уйдан чиқиб улгурмасимиздан икки отлиқ уч кишини олдига солиб келди. Ҳаммасининг қўли орқасига

<sup>1</sup> С а л а к л а р — туркман қабиласи.

қайрилиб боғланган. Башанг кийинган, елкасига милтиқ ва камарига қилич осиб олган қоматдор йигит миробга мурожаат этди:

— Мана бу чувриндиларингни ол, мироб оға!

Мироб қўлидаги қамчисини сиқиб, олдинда турган озғин кишининг тумшуги тагига бориб, қаҳр билан тикилиб сўради:

— Қаёққа йўқолиб кетдинг?

У оғир-оғир нафас олиб, қўрқа-писа жавоб берди:

— Овулга борган эдим.

— У ёқда нима қилиб юрибсан?

— Аёлим, болаларим... Ҳаммаси бетоб...

— Бетоб бўлса нима қипти? Фақат сенинг уйинг нотинч деб ўйлайсанми? Бу ерда сен учун ким ишлайди?

— Ахир бу ерда иним бор-ку.

— Ҳм, иним... Ининг ўз чекига тушган ишни ҳам зўрга уддалаяпти. Бой оға учун ким ишлайди?

Биринчи кишининг ортида букилиб турган гилай гапга аралашди:

— Мироб оға... Биз бойдан бир қоп жўхори билан ярим қоп кунжара олганмиз, холос. Келгуси йил ҳосилини кўтаришимиз билан уни икки ҳисса қилиб қайтарамиз. Ҳозир эса сиз бизни жилла бўлмаса вақтинчалик бўшатиб турунг. Худо ҳаққи, белкурак кўтарадиган ҳолим йўқ.

— Вой тентаге!— дея қичқирди башанг кийинган йигит қамчи ўйнатиб.— Бой оға сизларга ҳашарга чиқаман деб сўз берганларинг учун ғалла берган. Энди эса донни қоринга уриб, жуфтакни ростламоқчисизларми? Йўқ, ҳеч қаёққа кетолмайсизлар. Ваъдаларингни бажармай кўрингларчи. Кўзларингни ўйиб оламан!

Гилай жим бўлиб қолди. Башанг кийимли йигит ўртоғига мурожаат қилди:

— Ташла лаш-лушларини!

Иккинчи йигит ичига лаш-луш солиниб, эгарга боғланган қоп билан хуржунни ечиб улоқтирди. Бандилар отличларга зимдан хўмрайиб қўйишди. Аммо бир оғиз ҳам гапиришмади.

Башанг кийинган йигитнинг бақирӣқ ва дўқ-пўписалари, шу ўртада ишлаётган деҳқонлар қулоғига етиб борди шекилли. Ун-ўн беш киши ишни ташлаб, яқинроқ келишди. Уларнинг орасида мен билан қўпол гаплашган пакана ҳам бор эди. У шу заҳотиёқ гапга аралашди:

— Қаранг-а, қўйдаи боғлаб олиб келишинпти. Эҳ, шўрликлар!

Пакананинг гапи олифта йигитга тегиб кетди шекилли. У паканага жирканиб қараб қўйиб, ғазаб билан тўнфиллади:

— Сен нафасингни ўчирсанг-чи?

Бироқ пакана парво ҳам қилмади. У кескин жавоб қайтарди:

— Нима қилардинг, мени?

Олифта йигит оғир нафас олиб, паканага яна қаҳр билан қаради-ю, аммо индамади. Пакана яна ҳам дадилроқ давом эттирди:

— Қамчини ўйнатаверма! Катакка тушганингни билмай қоласан!

— Э-ҳе! Большевикларга умид боғлаяпсанми? Уларнинг келишини кутяпсанми?

— Кутаётган бўлсам нима!

— Эшитяпсанми, мироб? — Олифта йигит жиловни қўйиб, пакана устига от чоптириб борди. — Шошмай тур... Сенга большевикларни кўрсатиб қўяман!

Мироб аралашмоқчи бўлиб турган эди, аммо башанг кийинган йигит унга сўз бермади. У отига қаттиқ қамчи босиб, тўда олдидан узоқлаша туриб, пўписа қилди:

— Бошингга ит кунини солмасам, отимни бошқа қўяман!

— Қўлингдан келса осмондан ташлаб юбор! — дея қичқириб қолди унинг кетидан пакана.

\* \*  
\*

Шихлибой овулига қуёш ботганда кириб бордик. Овул атрофига қўйилган йигитлар бизни икки марта тўхтатишди. Демак, Тачмамадхон, ниҳоят бир қарорга келипти, деб ўйладим. Аммо ўзимни соддаликка солиб, миробдан сўрадим:

— Атрофга соқчилар қўйишинпти... Ё халқ большевиклардан қўрқяптими?

Мироб жиддий туриб жавоб қайтарди:

— Йўқ... Жунаидхондан қўрқяпти. У, албатта, Тачмамадхон атрофига одам тўплаётганини билади. Тўсатдан овулга бостириб келса нима бўлади?

— Демак, иш шунгача бориб етипти-да?

— Ҳа. Энди ҳамма нарсани қилич ҳал қилади!

Мени тўғри Тачмамадхон олдига бошлаб боришди. Мерганбой ҳам ўша ерда эди. Афтидан у менинг кимлигимни тушунтириб қўйганга ўхшайди. Хон мени эски қадрдонидай очиқ чеҳра билан кутиб олди, ёнидагилар билан таништирди. Сўнгра узилиб қолган гапини давом эттирди:

— Ҳа, одамлар... «Маслаҳатли тўй тарқамас», деган нақл бор. Мен сизларни кенгашиб олиш учун чақирдим. Кўнгилларингда заррача шубҳа бўлса, — ҳозир айтинглар. Кейин гапириб юрманглар. Орани очиш учун қон тўкишга тўғри келади. Ё қилич дамидан ўтказиб, орномусимизни сақлаб қоламиз ёки болаларимизни азоб-уқубат ва қулликка соламиз. Бошқа йўл йўқ. Бўлса — айтинглар.

Ясатиғлиқ ўтовда одам лиқ тўла. Ҳатто кираверишга ҳам кигиз тўшалган, меҳмонлар бир-бирларига зич бўлиб ўтиришарди. Кўпчилиги ҳаётнинг ачиқ-чучугини тотган кекса одамлар эди.

Бошда ҳамма жим ўтирди. Жим-житлик. Ҳамма бошини эгиб, чуқур хаёл суриб ўтирар эди. Ниҳоят ҳаддан зиёд чўзилиб кетган жимликни хоннинг ўзи бузди. У менга қараб, осойишталик билан гапирди:

— Бизлар, тақсир, ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш йўлларини қидириб топиш мақсадида йиғилдик. Уни поймол қиляптилар. Жунаидхон деган золим бор. Халққа тинчлик бермайди. Ҳар куни бошимизга бир ба-ло топиб келади. Гапга қулоқ солмайди, кўз ёши таъсир қилмайди. Бағритош, иззатталаб одам!

— Сизлардан нима истайди?

— Ҳаётимизни олишни истайди. Биз эса яшагимиз келади!

Хоннинг осойишта юзи бирдан кўкариб, кўзларида ғазаб учқуни алангаланди. Ичидагини айтиб олсин деб, мен унга насихатомуз гапирдим:

— Ҳаёт машаққати хавфли машаққат. Одам бир-бирини тушунишга интилиши керак. Сиз мусулмонсиз. У ҳам мусулмон. Мусулмонлар бир-бирига тиғ кўтарса, гайри динлар қувонади. Уларни қувонтириш керак эмас!

Хон менга синчковлик билан тикилди:

— Бошингда ҳаммиша қилич ўйнаб турса-чи... Унда нима? Қандай йўл тутиш керак?

Индамадим. Хон қаттиқ тутақди:

— Хотиржамликдан ҳам қимматроқ нарса борми? Қонли тўқнашувнинг охири бахайр бўлмаслигини биз ҳам тушуниб турибмиз. Аммо устингизга чиқиб олгач, қилич ялангочлашга мажбур бўласан киши. Ё бошқа йўл ҳам борми? «Қўрққан ёвни ит ҳам қувлайди» деган гап бор. У бошимизда ёнғоқ чақяпти. Биз қараб туришимиз керакми?

Мен Тачмамадхонни большевиклар ҳақида гапиришга ундаб:

— Нима бўлганда ҳам сизлар мусулмон фарзандлари,— дея гап бошладим.— Қон тўкишдан сақланиш керак. Эшитишимча, большевиклар дарёнинг нарёғида фурсат пойлаб туришган эмиш. Эртага бу ерга улар келишса, аҳвол ҳозиргидан ҳам мушкуллашади. Ғайри динлар тўдасидан бизни худонинг ўзи асрасин!

— Дарёнинг нарёғида, тақсир, бунақа тартибсизликлар йўқ. У ерда осойишталик, дейишяпти.

— Қайдам... Уз кўзингиз билан кўрмагач, гапга ишонманг. Мен салкам бир ой Бухорода бўлдим. У ерга Туркистондан минглаб қочоқлар келишяпти. Улардан баъзилари билан гаплашиб кўрдим. Большевикларнинг мусулмонлар бошига солаётган кулфатларини сўз билан айтиш қийин!

Хон менга тикилиб қаради:

— Сиз, тақсир, биз билан лоақал бир ҳафтагина турунг. Ана ўшанда кулфат ва жабр-ситам нималигини биласиз.

Эшикни зарб билан очиб, милтиқ ва қилич тақиб олган баланд бўйли йиғит кириб, мурожаат қилди:

— Хон ога... Эсон гайшак<sup>1</sup> келди. Сизни кўрмоқчи.

Тачмамадхоннинг қошлари чимирилди. У оғир-оғир нафас олиб, гапирди:

— Айт, кирсин!

Ғала-ғовур бошланди. Шу заҳотиёқ ўтовга бошини кибр билан орқага ташлаб, баланд бўйли, тўла, бесўнақай бир одам кирди. Аввал Тачмамадхон, сўнгра ёнида ўтирганлар билан қўл бериб сўрашди. Менга ҳам қўл берди.

Тачмамадхоннинг унга гапириш оҳангидан маълум эди: демак кутилмаган одам. Тачмамадхон ҳаддан зиёд баланд овозда ва жеркиб гап бошлади:

<sup>1</sup> Г а й ш а к — кўкраги ҳаддан зиёд қабарган киши (туркм.).

— Ҳа, Эсонхон... Йўл усти кирдингми ёки бирор хабар олиб келдингми?

Меҳмон олдиға қўйилган чойдан бамайлихотир пиёлага қуйиб, қайтарди, шундан кейингина кибр-ҳаво билан хон оҳангига мослаб жавоб қайтарди:

— Хабар олиб келдим. Ёлғиз қолиб гаплашсак, ёмон бўлмас эди.

— Гапир, қандай хабар олиб келдинг. Менинг бу одамлардан яширадиган сирим йўқ.

Меҳмон ранжигандай анчагача жим ўтирди. Сўнгра тўсатдан бошини кўтариб, сўзлади:

— Сизни сардор кўрмоқчи!

— Сардор? Ким у — сардор?

Меҳмон хонга худди хунук бир сўз эшитган каби ўп-каланиб қаради:

— Шу кунгача Хивада биргина сардор бор эди... Жунаидхон!

Тачмамадхон меҳмоннинг беўхшов гавдасига маъноли қараб қўйиб, чалғитиброқ гап бошлади:

— Эсонхон! Ўзини сардор деб ҳисоблаган киши атрофидагилардан кўра илтифотли, сабр-бардошли, ақл-лироқ бўлиши керак. Ғазабга эмас, ақлга таяниб иш кўриши керак. Сен сардор деяпган одам — Жунаид — фақат қиличга таянпти. Зўравонлик қиляпти. Овулларни талайпти. Қон тўкяпти. Бундай одам сардор бўлолмайди!

Ўтовнинг бурчагида торимга<sup>1</sup> суяниб ўтирган оппоқ соқолли мўсафид томоқ қириб:

— Баракалло, Тачмамадхон, баракалло! — деди.

Ўтирганлар жонланишди, ўтовда шовқин бошланди.

Меҳмон одамлар қизишиб турганини сизди. У гоҳ қизариб, гоҳ оқарар эди. Ниҳоят зарда билан йўталиб, керилиб гапирди:

— Демак, қилич кўтармоқчи бўлибсизларда?

Тачмамадхон мумкин қадар босиқ овозда жавоб қайтарди:

— Йўқ, қилич кўтармоқчи бўлаётганимиз йўқ. Биз номусимизни ҳимоя қилиб, ўз тақдиримизнинг эгалари бўлмоқчимиз. Айб ишми?

— Йўқ, айб иш эмас. Бироқ эртага тўллар тилга кирганда пушаймонга ўрин қолмайди. Шунинг эсдан чиқарманглар!

<sup>1</sup> Т о р и м — туркман ўтовларининг остки қисми.

— Нима, бизни кўрқитмоқчи бўляпсанми?— Тачмамадхоннинг овози қалтираб кетди.— Бориб хўжангга айт: биз кўрқувларга кўникавериб, жонимиздан тўйдик. Халқнинг сабр косаси тўлди. Ўзбошимчалик умид ва сабр-қаюнатга ўрин қолдирмади. Бу бедаво дарддан қутулишнинг биргина йўли қолди. Қиличга — қилич, кучга — куч билан жавоб қайтармоқ лозим!

Тачмамадхон нафас ростлаб, атрофидагиларга мурожаат қилди:

— Нима дейсизлар, одамлар?

Ҳамма ёқдан маъқуллаган овозлар эшитилди, оппоқ соқолли чол эса чўккалаб ўтириб олиб гапирди:

— Тўғри гапирдинг, Тачмамадхон. Баракалло! Суд-хўрда — номус, жаллодда эса раҳм-шафқат бўлмайди. Жунаид номусини топтаган жаллодлардан бири. Ундан раҳм-шафқат кутиб бўлмайди. У бутун дунёни зиндонга айлантирди. Аччиқ кўз ёшлари дарё бўлиб оқмоқда. Тўғри гапирдинг: «Қилични қилич билан синдириш керак!»

Меҳмон ҳозиргина қуйган чойини чойнакка ағдариб, пиёлани гиламча устига итқитди. Сўнгра телпагини бостириб қўйиб, хонга қаҳр билан қараб гапирди:

— Демак, сиз сардорнинг таклифини қабул қилмайсиз... Шундайми?

Тачмамадхон кескин жавоб берди:

— Ҳа, қабул қилмайман. Агар у чиндан ҳам маслаҳатлашмоқчи бўлса, аввал олган асирларини озод қилсин. Халқнинг обрўли вакилларини йиғсин. Ана ўшанда биз ҳам борамиз.

Меҳмон заҳарханда билан кулди:

— «Маст бир ери оғригандагина ҳушёр торгади»,— деган гап бор. Худди шунга ўхшаш сиз ҳам кейин тушунасиз!

Тачмамадхоннинг кўзлари косасидан чиқаёзди; у беадаб меҳмоннинг устига ташлангудай бўлиб қаттиқ тикилди. Бироқ мироб ундан олдинроқ гапириб қолди:

— Биласанми, Эсонхон... «Бегона ит доим думини пусиб юради»,— дейишади. Сен бўлсанг ҳаддингдан ошиб кетяпсан. Бизларнинг орамизда ўтириб, гердайяпсан. Мен билан юр, жилла бўлмаса бирон кун ҳашарда бўл. Ана ўшанда халқ нега ғалаён кўтараётганини тушуниб оласан. Одамларни мол ўрнида ишлатяпсизлар. Бугун дон талаб қиласизлар, эртага — от, индинга сиз-

ларга навкар бер... Устига-устак одамларни калтаклайсизлар, чавақлайсизлар... Ўз қонини сўриб, узоққа бориб бўлармиди? Халқ ҳолдан тойди. Халқнинг нола-фигонини оловга айлантирса, тошни эритарди.

Қорачадан келган бурни катта киши қўшиб қўйди:

— Сен, Эсонхон, кўкрагингга муштлайверма. Мард одам кўкрагига муштламайди.

Шуниси таажжубланарлики, Жунаидхоннинг одами озгина ҳам уялмади. У шаҳд билан ўрнидан турди-да:

— Қим мард, ким номардлигини яқинда кўрасизлар!— дея ўтирганлар билан хайрлашмай, намойишкоруна чиқиб кетди.

— Ўҳ, итвачча!— дея бақириб қолди унинг кетидан оппоқ соқолли мўйсафид.

## 24

«От бормайман деб тавба қилган жойига минг мартадан боравераркан» дейишади. Хивага боришни ўйламаган эдим, аммо бордим. Саид Абдулла билан учрашман деб ҳаёлимга ҳам келтирмаган эдим, лекин учрашдим. Бир эмас, уч марта. Хивада бир ҳафтадан ортиқ турмайман деган эдим, мана тўртинчи ҳафта ҳам ўтиб боряпти. Иккита тўсиқ режаларимни остин-устин қилиб ташлади. Биринчиси шуки, мамлакатда сиёсий вазият кўзда тутилганидан мураккаброқ экан. Жунаидхоннинг ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайдиган бебошлиги ўлкада тартибсизлик бошлади. Мен осойишталик ўрнатишга ҳаракат қилишга мажбур бўлдим. Биринчи навбатда Саид Абдулла билан Жунаидхон ўртасидаги кескинликларнинг сабабларини суриштирдим. Бирининг бурнини чимдиб, иккинчисини бир оз сиқиб, яраштириб қўйдим. Шундан сўнг туркманларнинг кўзга кўринган оқсоқоллари билан учрашиб, ўзбошимчалик қилмасликларини огоҳлантирдим. Асхободга кетай деб турганимда эса иккинчи тўсиқ кўндаланг бўлди.

Сибирдан совуқ оқим келиб, шунақа қор ташладики... Худо кўрсатмасин! Табиатнинг бунақа қутурганини сира кўрмаган эдим. Муздай шамол юзни тарс ёрворай дерди. Йўлга чиқиш у ёқда турсин, остона ҳатлаб бўлмас эди. Ичимни эса ит таталарди. Маллесон ҳам шошилтириб, деярли ҳар кунни йўлга чиқишим кераклигини таъкидларди. Мен эса ожиз эдим. Табиат қутуриб тургач, қандай қилиб йўлга чиқасан!

Бироқ, ниҳоят осойишта кунлар бошланди. Қарийб бир ҳафта қутурган бўрон тинди. Яна қуёш кулиб боқиб, нафас олини енгиллашди.

Ҳаво яна айнамасдан йўлга чиқишга жазм қилдим. Саёҳатимизни енгиллатиш учун Жунаидхон қўлидан келадиган ҳамма ишни қилди. Ихтиёримизда бир талай одам, ҳатто Асхободгача кузатиб бориш учун йигитларгача бор эди. Назаримда хон тезроқ кетишимни истаётган эди. У билан холи ўтириб, бир неча марта узоқ суҳбатлашдим ва ҳар гал нафсониятига қаттиқ тегдим. У фалакнинг гардиши билан баланд мартабага кўтарилган, аслида туйғуси ақлига ҳукмронлик қиладиган арбоб эди. Мураккаб вазият эса усталик билан сиёсат юргизишни, босиқ ва сабрли бўлишни талаб этарди. У узган ўқ тошга бориб тегиб, ўзига сакраб қайтар,— хоннинг аҳволи кун сайин мураккаблашиб бораётган эди.

Бироқ аини замонда Хивада унинг ўрнига ўтира оладиган киши йўқ эди. Саид Абдулла мен ўйлаганимдан ҳам чекланган ва бефаҳмроқ экан. Унинг атрофида ҳам халқни бошқара оладиган бирон кимса йўқ эди. Туркман оқсоқолларидан энг ақллиси Тачмамадхон эди. Аммо унга ишониб бўлмас,— қизишиб кетганда фавқуллодда кутилмаган ҳийла ишлатиши мумкин эди. Жунаидхоннинг эса большевиклар билан бирлашмаслигига аксинча, сўнгги нафаси чиққунча улар билан курашишга менда шак-шубҳа йўқ эди. Бунинг устига аҳволни ўз манфаати йўлига буриб олиш учун унда етарли куч бор эди. Шунинг учун ҳам мен хонни қўллаб-қувватлашга, уни ёқтирмайдиган баъзи одамларнинг попугини пасайтириб қўйишга ҳаракат қилдим. Саид Абдуллага эса, у хонни чинакамга қўллаб-қувватламаса тахтдан умидини буткул узишга тўғри келишини очиқ айтдим...

Бугун Жунаидхоннинг кайфияти, айниқса ночоғ эди Тачмамадхонни одобсизлиги учун жазолашга унинг овулига салкам икки минг отлиқ юборди. Қоли жанг бўлди. Пировардида Жунаиднинг отлиқлари мағлубиятга учраб, қуролларини, ҳатто пулемётларини ташлаб қочди лар. Очигини айтсам, мен буни билмаган эдим. Бўлма са, турган гапки, бунақа тўқнашувга йўл қўймаган бўлардим. Жунаид азбаройи жаҳли чиққанидан ўзини қўйишга жой тополмасди. Мен эса бадтарроқ жигиге тегдим.

— Сиз: «Юзлаб чумчуққа бир тош отишнинг ўзи

кифоя»— дердингиз. Ноўрин чиранаётганнингизни энди тушунадингизми?

— Мен унга кўрсатиб қўяман!— Хон бутун гавдаси билан титраб, ҳатто унинг сарғайган яккам-дуккам тишларигача шиқирларди.— Нариги ҳафтагача уни тахтага тортмасам...

— Тахтага тортолмасангизчи... унда нима бўлади?

— Бошимга рўмол ўраб оламан!

— Бу нима деганингиз?

Хон индамай қолди. Мен сўзимни давом эттирдим:

— Тачмамадхонни тахтага тортдингиз деб фараз ҳам этайлик. Бошқаларни нима қиласиз? Ғулумалихон бор... Шаммикал бор... Ўзбек оқсоқоллари ҳам тишларини қайраб туришипти. Улар билан нима қиласиз?— Хон оғир хўрсиниб, бошини эгди.— Йўқ, мамлакатни ёлғиз қилич билангина идора этиб бўлмайди. Ақл билан иш тутиш керак. Дипломатиядан фойдаланиб тўр ташлаш керак.

— Бунга уқувим бўлмасачи... Унда нима?

— Бу гапни ростдан айтяпсизми?— Хон яна бошини эгиб, тишини тишига босди. Мен ўша қатъийлик билан давом эттирдим.— Жуда кеккайманг! Умуртқангизни синдириб қўясиз.

Бир оз вақт иккаламиз ҳам жим бўлиб қолдик. Хон жаҳлини зўрға босаётганини тушуниб турибман. Унинг чўзинчоқ озгин юзида қон қолмаган, кичкинагина айёронна кўзлари бежо эди. Ниҳоят у суяги чиқиб турган бармоқлари билан сариқ соқолини силаб, менга бесаранжом қараганча секин гапира бошлади:

— Бу ерлардан шаталоқ отиб қочиб қолишга тўғри келади, шекилли.

— Қаёққа бормоқчисиз?

— Қаёққа бормай, бир бурда нонимни топиб ерман.

— Бир бурда нон билан қаноат қила оласизми?—

Хон индамади.

— Борди-ю, бутун орзу-умидингиз бир бурда нон билан ушаладиган бўлса, бошқа ёққа кетиб нима қиласиз? Шу ерда ҳам қорнингизни тўйдирсангиз бўлади!

Хон, афтидан ўзини соддаликка солиб, бу сўзларни эҳтимоли бўлган муваффақиятсизликнинг олдини олиб атайлаб айтди шекилли. Мен уни яна эздим:

— Бу ғалаёндан чиқиб кетдингиз, деб фараз этайлик. Хилват жой топиб, кўздан ғойиб ҳам бўлдингиз. Нима, душманлар сизни тинч қўяди деб ўйлайсизми?

Йўқ, ер остига кирсангиз ҳам улар сизни топишади ва эртаги, кечми ўчларини олишади. Бунинг устига сиз номусимни сақлаш учун курашяпман, дедингиз шекилли?

— Ҳа, мен номусимни сақлаш учун курашяпман.

— Унда нега хилватга чекинмоқчи бўляпсиз? Ўз номуси учун курашадиган одам ҳаётини аяб ўтирмайди!

— Мен ҳаётимни аяётганим йўқ. Мени ожизлигим қийнапти. Уйлаган ишингни амалга оширолмайсан киши!

— Нима иш қилмоқчисиз? Саид Абдуллани урмоқчимисиз? Тачмамадхонни туби йўқ жарга улоқтирмоқчимисиз? Ё Шаммикалга кучингизни кўрсатиб қўймоқчимисиз? Нима қилмоқчисиз?

Хон овозимдан ташвишланаётганимни сизди шекилли. У ҳамон индамас, аммо ғужанак бўлиб олган эди. Мен овозимни баландлатиб гапирдим:

— Асосий душман илгаригидай дарёнинг нарёғида турибди. Сиз бугун Тачмамадхон билан тўқнашсангиз... Эртага бошқаси билан куч синашсангиз... Индинига устингизга большевиклар ёпирилиб келишади. Уларга ким билан қарши чиқасиз? Нима деб жавоб берасиз?

Ёшгина йигитча иссиқ чой олиб кирди. Мен чойнаклардан бирини олдимга суриб олиб, сўзимни давом эттирдим:

— Қилич яланғочлаш— қийин иш эмас. Бу ишни тентак ҳам қила олади. Ақл ишлатиб ҳаракат қилишга интилиш керак. Бир амир табибини чақириб: «Оёғим оғрияпти. Тезроқ давола. Муҳим давлат ишлари кутяпти. Мен уларни ҳал этишим керак»,— деган экан. Табиб унга: «Яхши... Дардингизга ҳозир даво топамиз. Аммо менимча давлат ишларини оёқ билан эмас, бош билан ҳал қилиш керак»,— деб жавоб берган экан. Шунингдек, сиз ҳам оёқ ва қўлларингизга эрк бермай, ақл ва ҳийла билан иш тутишингиз керак. Тачмамадхонни қўлга тушириш учун овулларга от солишнинг нима ҳождати бор? Мерганбой бор... Матёқуб охун... Ушалар орқали ҳаракат қилинг! Сиз бўлсангиз битта душмандан қутуламан деб, ўзингизга мингта душман орттирасиз. Эсингизда бўлсин: ҳозир бутун Хивада биттагина ёв бор. Бу— большевиклар. Уларни маҳв этиш керак! Ушаларни емириб ташлаш керак! Бошқалари ҳеч гап эмас. Тачмамадхон билан кейин ҳам орани очиқ қилаверасиз.

Хон терлаб кетган пешанасини артиб, менга ийманиб қаради:

— Большевикларни емириб ташлаш учун кўпроқ тўп, милтиқ, ўқ-дори керак. Ҳозирча бор-йўғи икки карвон қурол олдик. Бу билан большевикларни емириб бўладими?

— Қурол-яроғ бўлади. Ҳозир йўллар очиқ. Юборган карвонингиз қуруқ қайтмайди. Аммо биринчи карвон билан бизнинг одамларимиз ҳам келишади. Уларнинг айтгани сиз учун қонун бўлиши керак. Буни эсдан чиқарманг!

— Сиз мени жиловламоқчимисиз?

— Ҳа, жиловлаб қўямиз!— Мен хоннинг ёвуз чеҳрасига совуқ тикилиб:— Нима, ёқмадими?— дедим.— Ё улар бу ёққа келишмасин, демоқчимисиз?

Хон жавоб бермади. Унинг руҳи жуда тушиб кетганини ва баҳслашишга журъат этолмаслигини билиб турибман. Нима деб ҳам баҳслашарди? Ҳаёти қил устида турибди. Узини қаёққа урмасин шуни яхши тушуниб турибдики, атрофда бўрон жўш уряпти. Кимдир уни қўллаб-қувватлаши керак. Қўллаб-қувватлаганда ҳам атрофидагиларнинг кўзини очиб қўядиган бақувват қўл бўлиши керак. Биздан бошқа ким унга шунақа таянч бўла олади?

Овозимни пастлатмай қўшиб қўйдим:

— Бир хўроз: «Мен қичқирмасам, тонг отмайди», деган экан. Сиз ҳам шу хўрозга ўхшайсиз...

Хон бирдан бошини кўтариб, сўзимни бўлди:

— Жаноб полковник... Етар, мени ҳадеб қамчилайверманг. Ўзингизнинг одамингизман. Муқаддас қуръонни ушлаб қасамд қилганман. Қасамимни бузиб, чакки оёқ босган куниеқ пешанамдан отиб ташланг, гинг демайман. Аммо ўтириб сўрайман, мени калтаклайверманг!

Хоннинг томоғига бир нарса тиқилди, кўзида ёш ҳалқаланди. Мен эса ичимда кулдим. Куладиган гапда ўзи! Қаршимда бутун бошли бир мамлакатнинг ҳокими ўтирипти. Минглаб каллакесарлар унинг биргина сўзига маҳтал. Ҳозир у истаган навкарини чақириб: «Бу одамнинг қўл-оёғини боғлаб, туби йўқ қудуққа ташланг!»— деб буюрса кифоя, бир неча дақиқа ичида полковник Форстердан ном-нишон қолмайди. Хон бўлса бундай деб буюриш у ёқда турсин, ўз иззат-нафсини ҳам ҳимоя этолмай, чорасиз қолган жиноятчидай ғужанак бўлиб

Ўтирипти. Илгарни ҳам мана шунақа қўпол хон ва беклар билан тўқнаш келганман. Улар олдин пўписа қилиб, кейин эса ўтиниб, ёлворишади. Биронтаси бошини кўтариб, кўзингга тик боқолмайди. Шунинг учунки, ким билан гаплашаётганларини тушунишади. Уларнинг қаршисда оддий Форстер ўтиргани йўқ. Балки Буюк Британиянинг ҳамisha ғолиб келадиган куч-қудрати турибди! Улар менинг овозимни эшитганда, қулоқлари остида даҳшатли қуролларнинг гўмбурлаши жаранглайди ва бу уларни ваҳимага солиб қўяди.

Бунақа дамларда ўз ватаним, унинг куч-қудрати, улуғворлигидан қалбим фахр ва ғурур туйғуси билан тўлиб-тошиб, менга ҳузур бағишларди. Мен оддий Форстер эмасман. Мен — полковник Форстер, Буюк Британиянинг расмий вакилиман!

Бироқ ҳозир елкамдан қандайдир оғир юк босиб тургандай эди. Гўё ўтовнинг оппоқ деворлари мени тўрт томондан сиқиб қўяётгандай эди. Бу тасодифий бир ҳол эмас: хоннинг ўзини тутишни асабимга тегиб, ғазаблантирарди. Кўрсичқон каби ожиз. Оёғининг тагидан нарини кўролмайди. Қамчинигина билади. Бирдан-бир куч-қудрати — қилич. Яқинлашиб келаётган фалокатни ана шунақа ночор одамлар билан даф этиб, Буюк Британиянинг қадимий шавкатли байроғини баланд кўтаришимиз керак эди!

Буни амалга ошириб бўлармикин? Бундай оғир юкни кўтара олармикинмиз?

## 25

Мана, ниҳоят Хивани ҳам тарк этдик. Поёни йўқ қум барханлари оралаб кетяпмиз. Қаёққа қараманг — қум. Унгу сўлда қум. Гўё бутун борлиқ кўчма қумлардан ташкил топгандай. Бош-кети кўринмайди! Кечасию кундузи йўл босамиз. Бундоқ қараганда эса гўё энди йўлга чиққандай туюлади. Уша барханлар, ўша-ўша қум тепаликлари. Бир хилдаги кўримсиз манзара юракни сиқиб юборади. Ора-чора диққинафас қиладиган бир хилликка чидай олмай, отдан тушиб, яёв юрасан. Бор кучингни тўплаб, олға талпинасан. Кўчма қумлар эса орқага тортади, оёғингга кишан солгандай, тош каби ерга судрайди. Қадамларинг қисқариб, аъзойи-баданинг бўшашади. Эс-ҳушингни йиғиб оламан дегунча, нафа-

синг тиқилиб, тиз чўкиб қоласан. Э худо! Нақадар даҳшатли куч! Инсон учун бундан ҳам даҳшатлироқ азоб бўлмаса керак...

Капитан Кирсанов нима ҳақда хаёл сураётганимни сизди шекилли. У менга яқинлашиб, боши билан шимол-гарб томонга ишора қилди:

— Ҳаво ўзгармаса деб қўрқяпман.

Мен ҳам ўша ёққа қарадим, аммо айтарли бирон нарсани илғаб ололмадим. «Капитан ҳам сиқилиб кетганга ўхшайди»,— ўйладим ва гапга солиш учун:

— Бир ҳисобдан ўзгаргани ҳам маъқул бўлармиди дейман.

Капитан папиросини тутатиб кулди:

— Ўзгаришлар меъдангизга тегмадими дейман?

Мен унга қараб:

— У меъдага тегармиди?— дедим.

— Сизни билмадим у мен усиз туролмайман,— дея жавоб берди капитан.— Менимча бутун ҳаёт мазмуни ўшанда. Ҳаммадан кўра турғунликдан безорман.

— Иккаламининг фикримиз бир ердан чиқди. Масалан, мен ҳам бир жойда узоқ вақт туролмайман. Агар вақт-вақти билан турар жойимни ўзгартириб турмасам, назаримда юрагимни могор босганга ўхшаб қолади. Биласизми нимага?

— Касб-коримиз шунақа, ўзгаришга интилиш қон-қонимизга сингиб кетган, дерсиз?

— Гап касб-корда эмас.

— Бўлмаса нимада?

— Қалбимизда... Биз қалбимизнинг асиримиз. Унинг нима истишини билмаймиз. Ҳа, ҳа... Агар ҳозир сиздан: «Кўнглингиз нимани тусаяпти?» деб сўрашса, нима деб жавоб берасиз?

Кирсанов ҳеч нарса демасди, жилмайиб қўя қолди. Мен унинг заиф ерини билардим. Шунинг учун жавобини кутмай, унинг учун жавоб бердим:

— Сизнинг кўнглингиз бойини тусайди. Сарой қуриб, ливрея<sup>1</sup> кийган бир тўда хизматкор, малайлар билан беташвиш ҳаёт кечирсангиз. Тўғрими?

— Топдингиз, жаноб полковник... Ростини айтсам, ҳозир менинг бошқа тилагим йўқ.

— Нега энди ҳозир деяпсиз?

<sup>1</sup> Л и в р е я — буржуа мамлакатларида хизматкорларга кийгизилган уқали махсус кийим.

— Чунки вақти келиб бошқа нарсани истаб қоларман.

— Ҳа, ҳа... Ҳамма гап ҳам шунда, қадрли капитан! Албатта янги истак туғилади! Мен ўзимни қашшоқ деб нолишга асосим йўқ. Бойликларим то ўлгунимча етади. Хотиним ҳам бадавлат хонадондан. Истасам, чунончи, Деҳлидай шаҳарлардан бирида ўзимни қийнамай, беташвиш энг қиммат ресторанларда айшимни суриб, тинчгина яшашим мумкин эди. Бироқ мен бундай қилмадим. Туркистонга келдим. Жон деб келдим! Нега? Сабаби: қалб даъвати шу бўлди. Большевиклар билан яккама-якка олишиб, ўз қобилият ва уддабуронлигимни яна бир синаб кўриш истаги туғилди менда. Шу туфайли қанчалар азоб чекканимни кўриб турибсиз! Машҳаддан чиқиб кетаётганимда қалбимда минг хил истак, минг хил режа чарх урар эди. Эндиликда эса биргина истак қолди. Биласизми қанақа истак?

— Тезроқ Асхободга етиб бориш!

— Офарин! Тондингиз: тезроқ Асхободга етиб бориш. Бу дўзахдан эсон-омон чиқиб олиш. Ишонасизми, умримда жуда кўп азоб чекканман. Аммо ҳалигача бирон марта ўлим ва ҳаёт ҳақида чинакамига ўйлаб кўрганим йўқ. Бу гал эса ҳаёт негадир назаримда жуда ширин бўлиб туюлди. Нега шундай экан?

— Чарчагандирсиз. Кўрасиз, Асхободга етиб олиб ҳордиқ чиқаргач, истаklarингиз яна уйғониб қолар, дейман. Большевиклар билан олишув энди бошланмайтими?

Капитаннинг бир нимага шама қилаётганини сезсам-да, индамай қўя қолдим. Мен унинг қочирим билан гапиришини, сўз орасида суҳбатдошини илтириш пайида бўлишини яхши кўришини билар эдим. Аммо ҳозир у шундай дейишга ҳақли эди. Мен чиндан ҳам чарчаган эдим. Чарчадим эмас, тўғрироғи жуда ҳолдан тойдим. Ҳамма нарса жонимга тегди. Энг ёмони — фахрланса арзигулик бирон иш қилинмаганини тан олиш эди. Мен Хивада бир неча ҳафта бўлдим, тиним билмай ишладим. Унлаб кишилар билан учрашдим, тузоқ ва қопқонлар қўйдим. Нимага эриша олдим? Ҳеч нарсага! Ўша-ўша жанжаллар, қотиллик, қароқчилик.

Очигини айтиш керак — капитан Кирсанов Хивада менга жуда катта ёрдам берди. Шунгача мен уни пул устида етти думалайдиган, унга сажда қиладиган одам

деб ўйлаган эдим. Йўқ, у тамоман бошқача одам экан. Мен учун муҳим бўлган талай ишларни бажарди, кўп нарсани аниқлади. Унинг Саид Абдулла ва Жунаид тўғрисида йиққан маълумотлари вазият билан яқиндан танишувимга ва тўғри йўл тутишимга ёрдам берди. Одам сифатида ҳам кутганимдан анча юксак турар экан. Капитан бўлмаганида, ҳозир мен Тошкент қамоқхоналаридан бирида ётган бўлардим...

Биз паст-баландликлардан борар эдик. Кўчма қумлар, барханлар ортада қолди. Жунаид қўшиб берган одам — Чакан ботирнинг гапига қараганда, узоғи билан уч-тўрт кундан кейин биз Асхободга етиб боришимиз керак.

Чакан ботир икки навкар билан карвондан сал олдинда борарди. Мен бир нарсага таажжубланардим: энг қоронғи тунда ҳам у йўлдан адашмай, бизни бир қудуқдан иккинчисига бошлаб борарди.

— Қоронғида йўлни қанақа қилиб топасиз? — сўрадим ундан.

У мамнун жилмайиб, жавоб берди:

— Кўзимни боғлаб қўйсалар ҳам Асхободгача адашмай бораман. Бу ерлардаги ҳар бир сўқмоқ менга таниш. Ҳу, олдиндаги тепаликни кўряпсизми? Ана ўшандан ўтгач, қудуқ бор. Бу қудуқдан мен камида беш юз марта сув ичганман.

Ортимиздан қарийб эллик туялик карвон келарди. Унинг олдинги туяларида Артур, Ричард, Алёша, Чакан ботирнинг навкарлари энгашиб келишарди. Карвонга асосан ғалла ортилган бўлиб, Асхободдан эса у қурол ва ўқ-дори олиши керак. Мен Жунаидга қуролдан ёрдам беришга ваъда бердим. У эса бизнинг Закаспийдаги қўшинларимизга ғалла бериш мажбуриятини олди. Чакан ботирнинг карвони энди Хива билан Асхобод орасида мунтазам қатнаб турадиган бўлди.

Кирсанов чекиб, узиллиб қолган гапни давом эттирди:

— Жаноб полковник, сизга бир саволим бор эди.

Очиқ гапирсам майлими?

— Марҳамат... Наҳотки яна пул ҳақида бўлса?

— Йўқ... Пул масаласи ҳал бўлди. Ваъдангизнинг устидан чиқингизга имоним комил.

— Унда нимани сўрамоқчисиз?

Кирсанов яна папиросни тутатиб, мен сира кутмаган саволни берди:

— Ҳозиргина сиз большевиклар билан курашиш ис-

таги туғилгани ва худди шунинг учун Туркистонга келганини айтдингиз. Фараз этайлик, бундан ўн йил муқаддам Россия билан Буюк Британия ўртасида Туркистон ёки Хиндистон туфайли уруш бошланганида, сиз ҳозиргидек ҳаракат қилармидингиз?

Мен Қирсановга ҳайрон бўлиб қарайдим:

— Бу билан нима демоқчисиз? Менинг бу саргардон юришимнинг сабаби умуман большевикларда эмас, балки территория талашини, Туркистонни забт этишда деб ўйлайсизми?

— Шаҳсан ўзим бундай деб ўйламайман,— дея чалғитиброқ жавоб берди Қирсанов.— Аммо, тўғриси айтсам бизнинг кўпчилик раҳбарларимиз шундай деб ўйлаяпти. Улар сизларнинг Туркистонда олиб бораётган сиёсатларингизга бир оз шубҳа билан қарашаяпти.

— Масалан, ким?

— Отларини айтишга ҳожат бормикин?

— Албатта, бор...

Қирсанов нидамай қолди. У бу масала тўғрисида шунчаки гапирмаётганини билар эдим. У молни кўрсатмай нархини ошираётган, Арслонбеков сингари каттароқ юлиб олишга интилаётган эди. Мен масхараомуз кулдим:

— Қанча тўлашимизни айтишимни истаяпсиз шекилли?

Қирсанов ўзини эшитмаганга олиб, овозини ўзгартирмай сўзини давом эттирди:

— Кўпчилик — генерал Джунковскийдан тортиб, полковник Арслонбековгача шундай деб ўйлаяпти.

— Сиз-чи? Сиз нима деб ўйлаяпсиз?

— Менми? Мен буйруқни бажарадиган одамман. Сиёсат бобида мен ҳеч ким эмасман.

— Уларчи, бу борада бирон нарсани ҳал қиладиларми? Улар ҳам сизга ўхшаган солдатсиз офицерлар. Мана, сиз Джунковскийни гапиряпсиз... Хўш, унинг погонидан бўлак нимаси бор? Ҳеч нима! У — арзимаган одам!

— Аммо у ўзини арзимаган одам, деб ҳисобламайди. Тарихни ҳаракатга келтиряпман, деб ўйлаяпти.

— Хо-хо-хо! — Мен атайин бутун чўлни ларзага солиб хахлаб кулдим.— Тарихни ҳаракатга келтиряпти эмиш! Сизларнинг ораларингизда тарих яратаётганига чиннакамнига ишонадиган одамнинг ўзи топилармикин?

— Бундайлар топилади, албатта.

— Йўқ, сизлар ўзларингизни ишонаётганга соласизлар. Лабингиздаги табассум самимий эмас!

Қирсанов менинг сўзларимдан донг қотиб турганини билияпман. Шундай бўлаверсин! Менинг ўз режаларим бор. Капитан, албатта, орамизда ўтган гапни ҳам-касбларига етказди, менинг масхараомуз кулганимни ҳам айтади. Айтаверсин! Джунковский ҳам, бошқалари ҳам қўлларидан ҳемири иш келмаслигини, улар полизга ўрнатилган қўриқчидан бўлак нарса эмасликларини билишсин. Мен буни уларга ҳам шама қилиб айтдим. Аммо ҳали ҳаммасини айтганим йўқ.

Мен ўша заҳархандалик билан давом эттирдим:

— Шухрат тўнини елкага ташлаш қийин эмас. Уни оқлаш қийин. Мен сизга бир ҳикоя айтиб бераман. Қачонлардир шухратпараст бир киши ўзини авлиё деб эълон қилипти. Уни подшо чақириб сўрапти: «Авлиёлигини исботлаш учун нима қаромат кўрсата оласан?» Сохта авлиё: «Туғмайдиган хотинларни ҳомиладор қила оламан»,— деб жавоб берипти. Вазирнинг хотини туғмас экан. Подшоҳ буюрипти: «Хотинингни бу одамга бер. Қани, кўрайликчи, ҳомиладор қила олармикин, йўқми». Вазир эсанкираб: «Олампаҳо... Мен унинг авлиёлигига ишонаман. Бунга шубҳа қилган одам хотинини қўша қолсин». Менимча, сиз ҳам Джунковскийга ўша вазир авлиёга ишонгандай ишонсангиз керак!

Қирсанов папирос тутунини ичига ютиб туриб жилмайди:

— Бу ҳикояни бизнинг одамларга айтиб бериш керак!

Мен жавоб бермадим.

Қуёшнинг хира нурлари уфққа ёнбошлаган эди. Яна бир диққинафас, юракни сиқадиган тун яқинлашарди. Қани энди у сўнггиси бўлса! Унда эртага шу вақтда Асхободда бўлардим! Ер-дўстлар, гангур-гунгур суҳбат, тўпалон... Екатерина... Ҳа, айтгандай, у мени қандай кутиб оларкин? Тинчиб қолганмикин?

Қирсанов ширин хаёлларимни бўлди. Секин йўталиб, сўради:

— Сиз, жаноб полковник, «энг юксак мақсад» деган нарсага ишонасизми?

Мен Қирсановга тикилиб қарайдим. Капитан тушунди, шекилли. Сўзини тўхтатмай, давом этди:

— Мен сиздан бу гапни шунчаки сўраётганим йўқ.

Бизлар, чиндан ҳам буйруққа бўйсуниб ишлайдиган одамлармиз. Аниқроқ қилиб айтганда, тилсиз солдатлармиз. Буйруқ берилди — гап тамом. Бироқ сизнинг ҳаракатларингиз буйруқ доирасидан чиқиб кетяпти. Сиз, ҳаёт икки марта берилмаслигини жуда яхши била туриб, ўзингизни тўғридан-тўғри ўтга ташлайсиз. Ҳаётингизни аямай, ўлимга тик боқасиз. Нега? Нимани кўзда тутиб?

Шу вақтгача мен капитан билан бунақа мавзуларда гаплашмаган эдим. Мен унинг унча ривожланмаган онги шунақа нарсаларни идрок этиш қобилиятига эга, деб ўйламаган эдим. «Сиз энг юксак мақсадга ишонасизми?» Унга нима деб жавоб берса бўларкин? Ҳаётда ҳаммадан кўра юксак мақсадларни жинимдан ёмон кўраман. Уша юксак мақсадлар одамларни йўлдан оздириб, ақлидан бегона қилмаяптими? Бу нусха эса менинг ҳаракатларимни аллақандай «юксак мақсадлар» билан боғламоқчи. Тентак!

Мен жиноя билан жилмайдим:

— Юксак мақсадлар одами оғир қурбонлар сари етаклашдай қудратга эга эканлигини биринчи бор сиздан эшитяпман. Наҳотки улар шу қадар қудратли бўлса?

Капитан бир оз ўйланиб, жавоб берди:

— Ҳа, қудрати зўр экан. Бундан бир неча ой муқаддам бир большевикнинг иши юзасидан тергов олиб бордим. Ана ўшанда юксак мақсадларнинг бутун куч-қудратини ҳис этдим.

— Нима, у сизга қараб: «Яшасин Ленин!»— деб қичқирди?

Кирсанов яна чекди ва бошини кўтармай, бамайлихотир жавоб берди:

— Мен ишини кўрган одам ўзим сингари офицер эди. Биз унинг большевиклар билан алоқаси борлигини сезиб, пайига тушдик. Ниҳоят бир куни саккиз яшар қизи билан врачдан қайтаётганида ушлаб олдик. Қўл-оёғини боғлаб, оғзига латта тикдик ва ертўлага ташлаб, кечаси билан сўроққа тутдик. У большевикман деб иқроп бўлди, аммо биронта ҳам ўртоғининг номини айтмади. Биз уни узоқ қийнадик, агар ўз алоқаларини айтиб бермаса, унда ўзи ҳам, қизи ҳам бу дунёдан умидини узини айтдик. «Билганларингни қилинглар, аммо мен ҳеч нарсани айтмайман»,— деди у. Гапларимиз қуруқ сафсата эмаслигини исботлаш учун биз унинг кўз ўнгидан

қизини бўға бошладик. Аммо у ҳатто шундан кейин ҳам ҳеч нарсани айтмади. Мен унга: «Тентак! Ўзингни ҳам, фарзандингни ҳам ҳалок этиб нима қиласан? Кимга хизмат қилаяпсан? Нимани деб ҳаётдан воз кечаяпсан»,— дедим. Биласизми, нима деб жавоб берди?

— Биламан... «Ленинни деб» дея жавоб берган бўлса керак.

— Йўқ... У: «Муқаддас мақсадни деб» жавоб берди.— «Бу қанақа сафсата!» деб эътироз билдирдим. У: «Сизлар буни тушунолмайсизлар. Тушуниб етиш учун қалбларингизни ўзгартиришларингиз керак», деди. Тўғриси айтсам мен унинг чидаб турганига астойдил тан бердим. Қаранг-а — аллақандай юксак мақсад учун ҳаётдан воз кечиш!

Менинг жийрон айғирим қум тепалигига чиқа бошлади. Шўрлик оғир нафас оларди. Ҳуқуқдан тўла маҳрум бўлган кунларда, афтидан, у ҳам тамоман ҳолдан тойганга ўхшайди: на кишна, на ўйнади. Томирларида ёшлиқдан асар ҳам қолмай, ахта қилинган қирчанғи отга айланган: қулоқлари шалпайган, бошини эгиб, зўрға юрарди. Шарқдан ғарбга қараб чўзилган тепалик, тоғ каби тик кўтарилган эди. Мана, ниҳоят биз унинг энг юқорисига чиқиб олдик. Чакан ботир ўша ердан туриб, кафтини пешанасига қўйганча олисларга назар ташлай бошлади. У деярли барханлар ўрқачигача пастлашган, қуёшнинг қизғиш гардишига қўли билан ишора қилиб, сўради:

— Кўряпсизми?

Мен хуржунимдан дурбинни олиб, у ишора қилган томонга қарадим. Уша томонда, қумлар орасида алланарса қимирлаётган эди. Анча жойгача чўзилиб кетган одамлар тўдаси тартибсиз ҳолда биз томон келарди. Ҳатто туялар устида букчайиб ўтирган болаларни ҳам ажратиб мумкин эди. «Қочоқлар бўлса керак»,— дея чамаладим ва Чакан ботирнинг шижоатини синамоқчи бўлиб:

— Жуда кўп отлиқлар келяпти. Большевиклар бўлмаса эди. Бошқа ёққа буриламизми?— дедим.

Чакан ботир ё бу одамларнинг кимлигини билди ёки ҳеч нарсдан кўрқмаслигини кўрсатмоқчи бўлди. Бошини ғурур билан кўтариб, эътироз билдирди:

— Фалокатдан қутулиб бўлмайди. Сиз пастга тушинг. Бизлар у ёқда нима гаплигини аниқлаб қайтамыз. У шундай деб отига қаттиқ қамчи босди.

Бир оздан сўнг биз бархандан тушдик-да, олга томон от қўйдик. Хато қилмаган эдим: улар чиндан ҳам қочоқлар экан. Бироқ улар ҳақиқий қўшинлардай саф тортиб келишарди. Биз уларга яқинлашганимизда қочоқларнинг биринчи тўдаси қудуққа яқинлашиб қолган эди. Қулоқни қоматга келтирувчи шовқин бошланди. Хотинлар, эркаклар, болалар, юк ортиладиган ва уй ҳайвонлари — ҳамма қудуқ атрофини ўраб олган эди. Шунақа шовқин кўтарилган эдики, одам бир-бирининг овозини эшитолмасди. Тўладан келган йўл бошловчи қўлидаги йўғон калтак билан одамларга пўписа қилиб, ҳайдар, аммо унинг дўқ-пўписасига ҳеч ким, айниқса чувринди, лойга булганган болалар қулоқ солишмас, бир-бирларини итаришиб, йиғлаб-сиқтаб қудуқ томон интилишарди. Ниҳоят йўл бошловчи чол одамларга буюрди:

— Туяларни ҳув, ана у пастликка олиб боринглар... Уша ерда устидаги юкларни туширинглар!

Унгача қочоқларнинг янги тўдаси етиб келди. Чол уларни ҳам ўша ёққа юборди. Биз қудуққа яқин жойга қўндик. Қоронги туша бошлаганда яна туяларнинг жангур-жунгури эшитилди. Чакан ботир яна бир тўда қочоқлар келганини айтди. Мен ҳайрон қолдим: ўзлари турғун бўлиб қолган обод жойларни ташлаб, шу қиш изғиринида улар қаёққа кетишяпти экан? Ахир Хивагача қўнса бўладиган бирон жой йўқ. Хивагача эса отда камида икки ҳафталик йўл. Бу одамларнинг кўпи эса яёв, ярим яланғоч, чувринди эди. Борди-ю, яқиндагина бўлгандай қаттиқ совуқ бошланса борми, — ўз-ўзидан аёнки, улар бир кеча-кундуз ҳам бардош беролмайди. Шу совуқда оғир сафарга чиқишга уларни нима мажбур қилди экан?

Мен қочоқлар оқсоқолини чойга таклиф этдим. Улар бир тўда бўлиб келишди. Кенггина чодир ҳадемай тўлиб кетди. Ўзаро ҳол-аҳвол сўрашишдан бошланган суҳбат мавзуи аста-секин каттадан-кичик ҳаммани бирдай қизиқтираётган масалаларга кўчди. Суҳбатдошларим Асхобод яқинидаги овуллардан экан. Улар туғилган жойларини ташлаб, отишмалардан чеккароқ жой — Қорақум барханларига чиқиб, большевиклар билан меньшевиклар ўртасидаги баҳс-мунозаралар тамом бўлиб, яхши замон келгунча ўша ёқда макон қуришга қарор қилганликларини айтдилар.

— Сизлар ким томонда — большевикларми ёки меньшевиклар? — сўрадим мен.

Меҳмонлар анчагача жавоб беришмади. Мен ҳам бўлак ҳеч нарса демадим. Ниҳоят новча, боши деярли елкалари ичига кириб кетган чол менга зимдан бир қараб олиб, лабини чўччайтириб илжайди:

— Хачирдан: «Отаи ким?» — деб сўраганларида: — «От — амаким бўладилар», — деган экан. Биз сизга нима деб жавоб берамиз, тақсир?.. Замон тез-тез ўзгариб турипти. Кимга фуқаролигимизни ҳам билмай қол-япмиз. Кеча юрт эгаси большевиклар эди. Эртагачи? Эртага ҳукмронлик жилови кимнинг қўлига ўтишини ёлғиз оллоҳгина билади!

Рўпарамда ўтирган тўладан келган туркман қуюқ қошларини чмириб, сўз бошлади:

— Э-э, ваёлло, Тайли... Сен гапни айлантирмай, тўғрисини айт. Большевикларни улоқтириб ташламаганларида биз жонажон ерларимизни ташлаб кетармидик? Бизни бу бахтсизликларга дучор қилган меньшевиклар эмасми?

Чол маъқуллаб бош чайқади.

— Бу гапинг ҳам тўғри, Балқон полвон...

Балқон полвон мамнун ҳолда йўталиб қўйди-да, мен томон бурилди:

— Биз, тақсир, сиз томонларда ҳаёт қандайлигини билмаймиз... Аммо биз томонларда меҳнаткаш деҳқоннинг бахти ерда. Ер ҳосил бермаса, деҳқон очликдан ўлади. Ҳосил эса сувга боғлиқ. Сув бўлса доим танқис. У — энг бозори чаққон мол. Сувнинг бўлса — сен учун ҳамма эшиклар очиқ. Шунинг учун бизда бутун баҳс-мунозаралар сув устида бўлади. Ҳар бир овулда битта-иккита бой хўжайинлик қилиб ўтиради. Деярли бутун сув ўшаларнинг қўлида. Бечора деҳқон йил — ўн икки ой ер тимдалайди. Маржон-маржон тер тўқади. Оғир меҳнатининг самараси эса очкўз бойники. Нима қилиш керак? Кимга арз қилиш керак? Бормаган жойимиз қолмади. Оқ подшонинг ҳамма амалдорлари олдига қўл қовуштириб бордик. Улардан ҳеч бири бизга ёрдам бермади. Мана, худога шукур, осмонга қараб нимаики илтижо қилиб сўраган бўлсак, бирдан ҳаммасини ердан топиб олдик... Большевикларнинг одами келиб: «Ер ва сувни хўжаликларга бўлиб бериш керак», — деди. Бизга худди ана шунинг ўзи керак эди. Деҳқон — таянч топ-

ди. «Химояси бўлган ит бўрини енгар экан»,— дейди халқимиз. Бойларимизни сиқа бошладик. Аммо — пешанамизнинг шўрини қаранг! Большевикларнинг умри қисқа экан. Тўсатдан ҳамма нарса ўзгарди. Меньшевиклар келди... Очкўз бойларга яна жон кирди. Бечора камбағал оёқ ости қилинди. Яна сиқувлар бошланди...

Балқон полвон чуқур хўрсинди-да, менга тикилиб туриб, қўшиб қўйди:

— Энди халқнинг биргина умиди большевиклардан... Агар улар қайтишса, бу ерда ўтирганларнинг ҳаммаси худога минг раҳмат дейди!

Ҳар томондан маъқуллаган овозлар эшитилди.

Чакан ботир олдинга чиқиб, гапга аралашди:

— Большевиклар сизларни ўтдан чиқариб олиб, муздай сувга ташласа-чи?

— Ҳе!— Йўгон бармоқлари билан қалин соқолини қашиб масхараомуз кулди Балқон полвон.— Сен большевикларни ўз кўзинг билан кўрганмисан?

— Кўрганман.

— Қаерда?

— Тўрткўлда.

— Хўш, қанақа одамлар экан улар?

— Ҳеч қанақа, бир ҳовуч худобехабарлар...

Балқон полвон Чаканга хўмрайиб қаради:

— Динни аралаштирманг. Ҳозир гап дин устида бораётгани йўқ, тирикчиликнинг оғирлигини айтяпмиз. Большевиклар ҳам ўзимизга ўхшаган ҳақ-ҳуқуқсиз одамлар. Ҳув ана у бурчакда ўтирган одамнинг ҳам оғаси большевик. Ўзимиз сингари камбағал. Темир йўлда ишлайди. Унга бизни ўтдан олиб, муздай сувга ташлашнинг нима ҳожати бор?

Чакан ботир индамади. Унинг ёнида ўтирган озгин, чайир, чехраси ёқимтойгина киши менга синовчан қараб, гап бошлади:

— Тақсир... Яхшиси сиз улардан сўрамай қўя қолинг. Бўлмаса ютқизасиз!

— Нега энди?— Мен таажжублангандай, қошимни учуриб қўйдим.— Ҳамма мусулмонларнинг тақдири бир. Сизнинг бахтсизлигингиз — бизнинг ҳам бахтсизлигимиз. Сизнинг қувончингиз — бизнинг ҳам қувончимиз. Турган гапки, менинг қўлимдан маслаҳат беришдан бўлак иш келмайди. Шундай бўлса-да, бир-биримизнинг ҳолимизни сўрашнинг зиёни йўқ.

Озгин киши иссиқ чойдан бир ҳўплаб, сўзини яна бамайлихотир давом эттирди:

— Бир вақтлар дунёда Маҳтумқули деган туркман шоири ўтган. Жуда оқил одам бўлган. У бутун ҳаётни ақл элагидан ўтказган. Ўзининг газалларидан бирида айтган экан:

Агар тенгдошларим истар бўлса тож,  
Фақирлик эшигин, майли, менга оч!  
Қўрқоқларга асло айлама муҳтож,  
Золимга дуч қилма мени, худойим!

— Оҳ-оҳ, яшавор, бахшижон!— дея хитоб қилди таъсирланган Балқон полвон.— Золимнинг ўз худоси бор, камбағалнинг ҳам ўз худоси. Худо ҳеч кимни золимга муҳтож этмасин!

Озгин киши менга узоқ тикилиб, сўзини давом эттирди:

— Сиз, тақсир: «Ҳамма мусулмонларнинг тақдири бир», деяпсиз. Бу гапингиз тўғри эмас. Тақдиримиз бир бўлганида халқ бир-бирига душманлик қилиб, ўзаро низога бормас эди. Мана шу ерда ўтирганларнинг тақдири бир десангиз, сизга ишонаман. Сабаби буларнинг бари қишин-ёзин, эртадан-кечгача тер тўкишади. Бир қаранг-а: шу ердагилар орасидан биронта қорни тўқ ва соғлом одамни топа оласизми?

Боши елкалари ичига тушиб кетган чол оғзидаги носни туфлаб, жирканиб гапирди:

— Ол-ла! Бу ерда тўқ нима қилсин? Уларнинг бари тоғ этагида қолишди.

— Тўғри айтасан, Мамат оға,— дея чолнинг сўзини оғзидан олди озгин киши.— Уларга бу ерда нима бор? Меньшевиклар уларни қўллаб-қувватляпти... Инглислар<sup>1</sup> улар томонда... Яратган эгам ҳам ўшаларникини маъқуллаб турипти... Замон ўшаларга боққан! Камбағал нима ҳам қила оларди? Унинг мадад истайдиган ери йўқ. Тақдирни лаънатлашдан бўлак иложи қолмади!

Мен озгин кишини бизникилар ҳақида гапиришга ундамоқчи бўлдим:

— Инглислар ҳам сизларни сиқишяптими?

— Ҳе!— дея яна жаҳл билан хитоб қилди Балқон полвон.— Бутун бало ана шу инглисларда-да! Уларнинг

<sup>1</sup> Инглис — инглиз демоқчи.

Мулла Эсон<sup>1</sup> деган бир генерали бор, дейишади. Ҳозир мамлакатнинг тўла ҳуқуқли хўжайини ўша. Унинг измидан ташқари чўп ҳам қимирламайди. Биз бир тўда бўлиб, унинг олдига бордик. Қўйишмади, Уроз сардорнинг олдига боринглар, дейишди. Уроз сардор бўлса... у ҳам ўша билан бирга. У бизни қўллаб-қувватламаслигини яхши биламиз. Қарға қарганинг кўзини чўқимайди. Уларнинг бариси бир гўр, қора қарғалар!

Афтидан, семиз Балқон полвоннинг юраги тўлиб турган экан: гапирган сари қизишарди. Мен унинг юрагини яна ҳам очиши учун:

— Инглислар сизларга нима ёмонлик қилишяпти?— дедим.

— Ҳе! Нима ёмонлик эмиш... Сигирларимизни соғиб ичиб, унинг думидан эса бизни уриш учун қамчи тўқишяпти. Бу — камми?

Мен индамадим. Сўнгра қолган чойни пиёламга қуйиб олиб, осойишта гап бошладим:

— Барибир, сизлар ўз жонажон ерларингизни ташлаб кетмасликларингиз керак эди. Қийинчилик узоққа чўзилмайди. Россияда большевикларни қириб ташлашяпти. Бугун-эрта бу ерларда аҳвол ўзгаради. Вақт борда орқага қайтинглар. Бўлмаса қирилиб кетасизлар!

Ҳаяжондан Балқон полвоннинг юзи қизариб кетди. Менга еб қўйгудек бир қараб қўйди-да, ўрнидан кескин тураёттиб:

— Мулла ва охунларнинг тупроғи бир ердан олинганга ўхшайди!— деди.

Унинг кетидан бошқалар ҳам қимирлаб қолишди. Мен ҳам ўрнимдан туриб, Балқон полвонга қўлимни узатиб гапирдим:

— Хафа бўлманг... Маслаҳат бердим, холос. Маслаҳат берадиган одам ёмонликни раво кўрмайди, берган маслаҳатидан наф ҳам қидирмайди. Унга раҳмат дейишса— унинг нафи шу бўлади.

— Бир вақтлар, тақсир, ялчи маслаҳатчига бўталогги билан туя инъом этишаркан. Ўзимизнинг юкимиз оғир. Мана, худо хоҳласа, баҳор келяпти... Туяларимиз болалайди, ана ўшанда битта бўталоқчи сизга ташлаб кетамиз. Унгача дунё ҳам тинчиб қолади. Сиз ҳам биз-

дан хафа бўлманг,— дея Балқон полвон кинояли жилмайиб, қўлимни ортиқча илтифот кўрсатмай сиқди-да, чиқиб кетди.

Бу сўзлардан баъзилар қаттиқ кулишди, бошқалари масхараомуз жилмайиб қўйишди...

Чуқур ўйга толиб, апчагача уйқум келмади. Кейинги ярим йил ичида мен билан учрашган, бир-бирига ўхшамаган одамлар бирин-кетин кўз олдимда жонланди. Ҳар бирининг ўз феъл-атвори, ўзига хос қилиқлари бор эди. Дунёда қанча одам бўлса, шунча феъл-атвор борга ўхшайди! Латофатли Екатерина... Димогдор князь Дубровинский... Айёр Асадуллахон... Масхарабоз Арслонбеков... Соддароқ Эшматбой... Иродасиз амир... Маккор қушбеги... Овсар Боярский... Қўрқоқ Мерганбой... Қўрс Жунаидхон... Тадбиркор Қирсанов... Яна ва яна кўплаб одамлар. Мана энди мен бугун ана у семиз туркман билан танишдим! Ташқи қиёфасига қараган одам ана шу беўхшов улкан танада зигирча бўлса-да, ақл бор деб айтмайди. Ваҳоланки бутун чодирни масхараомуз кулги билан тўлдиради. Балки улар ҳозир ҳам захарханда қилишаётгандир?

Шуларни ўйлаб, кўз юмдим.

## 26

Бугун кун нима? Аниқ билмайман, йигирма тўртинчи январь бўлиши керак. Нима бўлганда ҳам бу кун қайта туғилган кун бўлиши керак. Ҳа, қайта туғилган куним!.. Бутун мусибатлар ортда қолди, барча азобуқубатлар тугади.

Биз деярли Асхободнинг бир чеккасига етиб келган эдик.

Хурсандликдан юрагим қинидан чиқиб кетай дерди. Беихтиёр кўзимда ёш ҳалқаланди. Безгак тутаётган каби аъзойи баданим қалтирарди. Отни буриб, бошқалардан ажралдим. Бир чеккага чиқиб, отдан тушдим-да, туйғуларимга эрк бердим. Кўз олдимда хотиним, ўғлим, онам жонланди. Худди улар ҳозир мени Асхобода кутиб оладигандай. Ахир узоғи билан беш-олти соатдан кейин мен ўзимизникилар орасида бўламан! Шунини ўй-

<sup>1</sup> Маллесон демоқчи.

лаганимдаёқ ўзимни бардам ҳис этдим. Дарҳақиқат, бу тушкунлик, шак-шубҳаларга не ҳожат бор? Бунақа азоб-уқубат денгиздан ғалаба билан бутун чиққан одам бормикин? Нима, бошимни ғоз тутиб, барала гапиришга ҳаққим йўқми. Бу лаънати ўлкада ўзини фидойидек кўрсатган бошқа бирон одам борми? Мен энди чека бошлаган ҳам эдимки, Асхобод томонидан қаттиқ гувиллаган овоз эшитилди. Бир зумдан кейин осмонда аэроплан кўринди, у типик осмонда парвоз этиб, шаҳар устида айлана бошлади.

Чакан ботир умрида сира аэропланни кўрмаган экан. Отдан тушиб, оғзини очганича осмондан кўз узмай қолди. Мен унга яқинлашиб, ҳазиллашиб сўрадим:

— Нима, кўрқяпсанми?

Чакан ботир чинакамига таажжубланганича ҳайрат ичида жавоб берди:

— Ё оллоҳ! Ичида одам ўтириптими?

— Ҳа... Унда яна большевиклар бошига ташлаш учун тўпниқидан катта снарядлар ҳам бор.

— Ё парвардигор! Бу куч-қудрат олдида ким дош бера оларди?

Мен Кирсановга зарур топшириқларни бериб, Ричардни ёнимга олдимда, карвондан ажралдим. Биз темир йўл изидан ўтишимиз билан аэропландан бир даста қоғоз учиб тушди. Ричард улардан бирини олиб менга узатди. Мен жиловни от бўйнига ташлаб, варақага тезда кўз югуртиб чиқдим. Бу бизнинг одамларимизнинг хитобномаси эди. Дастлабки сатрларни ўқишим ҳамона ўзимни заҳархандадан тиёлмадим. Варақа бундай сўзлар билан бошланган эди: «Закаспий граждандари! Большевикларнинг вақт-соатлари яқинлашиб қолди. Бугун-эрта ғалаба бонги янграйди. Бутун дунёда озодлик байроғи ҳилпирайди. Ҳаёт яна изига тушади...»

Мен фронтлардаги аҳволдан хабардор эдим. Ҳатто большевиклар Шарқий фронтда Оренбургга икки томондан ҳужумга ўтганларини ҳам билардим. Закаспий frontiда ҳам ишлар кўнгилдагидек эмас. Равнина станцияси ёнидаги жанглар душман тобора кучга тўлаётганини кўрсатди. Хўш, аҳвол шундай бўлгач, айтингчи, ғалаба бонгини чалишнинг нима кераги бор?

Мен варақани гижимлаб, ерга ташладим-да, олдинга қараб юрдим. Вақт кечга яқинлашар эди. Ҳаво баҳордагидек иссиқ, очиқ. Бироқ кўчанинг ҳар икки че-

тидаги дарахтлар яланғоч эди. Балки шунинг учун шаҳар кўрimsиз, тунд бўлиб туюлгандир. Асхобод эса Туркистондаги энг серқатинов шаҳарлардан бири! Унга руслар 1881 йилда шу номдаги така овулларида бирининг ёнида асос солинган эди. Чиндан ҳам шаҳар қиёфасида Европа таъсири сезилиб турарди. Бу ерда Осиёнинг бошқа шаҳарларидагидек нураб турган, асрлар давомида чанг босиб ётган эски шаҳар йўқ. Тўғри, кенг кўчалар, Европа маданиятининг намунаси ўлароқ пишиқ гиштдан тикланган баъзи бир иморатлар — кинотеатрлар, музейлар кўзга ташланарди. Ҳатто катта боғ ва казино<sup>1</sup> ҳам бор эди. Аммо барибир, умуман олганда шаҳар Осиёга хос эди. Уша-ўша бир қаватли пастак уйлар, пахса деворлар, диққинафас чойхоналар, тор карвонсаройлар... Ҳар қадамда қотиб қолган Шарқ сезилар эди.

Менга шаҳарнинг номигина маъқул бўлди. Шу ерлик оғайниларимдан бирининг гапига қараганда, «асхобод» сўзи «севги шаҳри» дегани экан. Бу маълумотнинг тўғрилигига кафил бўлолмайман. Аммо Асхобод мен учун чиндан ҳам шундай шаҳар эди. Бу ерда яшаган кунларимни, Шарқ шоирларидан бирининг таъбири билан айтганда, севги наҳрида кўмилиб ўтказдим.

Мана, биз шаҳарнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтган Куропаткин кўчасида турибмиз. Йўлкалар бўм-бўш. Ҳатто ҳеч қачон одам аримайдиган Эрон элчихонаси олдида ҳам ҳозир қоровул-сипоҳилардан бўлак ҳеч ким йўқ. Уй деворларига бошдан-оёқ хитобномалар ёпиштириб ташланган. Баланд дарахтлар орасидан кўчани кесиб ўтиб осилиб турган оқ матодаги сўзлар узоқданоқ диққатимни ўзига тортди. «Хуш келибсиз, жаноб Мильн! Асхободликлар сизга оташин салом йўллайдилар!»— дея ўқидим мен.

Бизнинг Закаспийдаги кўшинларимиз Ҳиндистондаги бош кўмондонликдан Қора денгиз бўйидаги кўшинларимиз кўмондонлиги ихтиёрига ўтганини билардим, аммо ана шу кўшинлар кўмондони сэр Жорж Мильн Асхободга келганидан беҳабар эдим. Ўз-ўзидан аёнки, шундай юксак лавозимдаги одам узоқ Константинополдан Асхободга бекорга келгани йўқ, албатта. Афтидан,

<sup>1</sup> К а з и н о — буржуа мамлакатларидаги клуб, ҳар хил ўйинлар ўйналадиган жой.

бирон муҳим воқса содир бўлганга ўхшайди. — Нима бўлди экан?

Ричард менга етиб олиб, араб тилида секин шивирлади.

— Қаранг, жаноб полковник... «Хўрланганлар» киноси кетяпти.

Мен аллақандай дўконнинг эшигига тираб қўйилган эълонлар тахтасига ер остидан қараб қўйиб, инглиз тилида жавоб бердим:

— Бугуноқ кечаси кўришнинг мумкин!

Ричард кулди. Мени ҳам хотиржамлик қамраб олди. Ахир неча ойлар давомида биз ўз она тилимизда гаплашганимиз йўқ!

Рўпарамиздан бизнинг солдатларимиз ҳам ўта бошлашди. Улар шаҳарда яхшилаб ўрнашиб олишганга ўхшайди: ўзларини тетик тутишарди, баъзилари ҳатто рус қизларини қўлтиқлаб олишганди. Хуллас, ҳамма ёқда осойишталик. «Бизникилар ишни анчагина қўлга олиб қўйишганга ўхшашади»,— дея ўйладим мен.

Ҳарбий миссияда бизни биринчи бўлиб Жон кўрди. У бино олдида машинанинг у ёқ-бу ёғига қараб турган эди. Биз уни узоқдан танидик, у эса бизни танимади. Тўғрироғи, бизга қарамади ҳам. Машинани арта туриб, қўлини силжитди.

— Кет, кет... Ўроз сардорга бор.

Мен овозимни бир оз баландлатиб жавоб бердим:

— Ўроз сардорни нима қиламан... Бизга жаноб Жон керак!

Жон менга қайрилиб қаради-ю, бирдан кўчани бошига кўтариб қичқирди:

— Жаноб полковник!

Шу орада капитан Тиг-Жонс келди. Зум ўтмай бизни дўстларнинг қалин давраси қуршаб олди ва қўлларига кўтаргудай бўлиб миссияга бошлаб киришди.

Ҳовлидаги бинода генерал Мильн ва унинг офицерлари учун махсус хоналар ажратилган эди. Мен ҳам ўша ерга жойлашдим. Капитан Тиг-Жонс генерал Мильн, генерал Маллесон билан бирга Байрамали томонга фронтга кетишганини, эртага қайтишларини айтди. Капитаннинг казармада зарур ишлари бор эди. Бинобарин уни тўхтатмадим.

— Гапирадиган гаплар кўп, жаноб полковник. Узо-

ғи билан бир соатдан кейин қайтаман,— деди у ва шошилиб чиқиб кетди.

Биринчи навбатда мен ҳаммомга тушиб, йўлдаги кир-чирларимни тозалаб олдим. Қайтиб келсам, хонамда мисс Элен ўтирипти,— у мени кутаётган эди. Элен югуриб менга пешвоз чиқиб, бўйнимдан кучоқлади:

— Чарлз!

\* \*  
\*

Мен кафтларимда яна Эленнинг нозик қўлларини ушлаб турибман. Илиқ сўз ва эркаланишни соғинганим учун бўлса керак, бирдан уни ўпгим келди. Энди қаршилик кўрсатмас дейман? Бошидан кечирган оғир кунлардан кейин анча ҳушёр тортиб қолгандир? Мен яна бир уришиб кўриш учун уни бағримга босдим. Элен қўлларимни олиб қўйди ва аразлагандай бўлиб гапирди:

— Жаноб полковник... келишиб олганимизни унутдингизми?

Мен яна унинг қўлларини олдим:

— Элен! Сиз ҳали ҳам ўшанақамисиз?

Элен менга раҳмдиллик билан қаради:

— Э худо! Қанчалик азоб чекканингиз кўришиб турибди! Юзингизда қон қолмапти, ҳатто кўзларингиз ҳам саргайипти. Сиз, худога шукур, ҳали дурустсиз. Артур, шўрлик, бамисоли мурда,— у сўзни бошқа ёққа бурди.

Емакхонага ўтдик. Мен Эленга саргардон бўлганимизни қисқагина сўзлаб бердим. Ўз навбатида Асхободаги аҳвол билан қизиқдим. У маънос жавоб берди:

— Бу ердаги ишлар яхши эмас. Генерал жуда хафа. Қандай қилиб хафа бўлмасин? Бутун ташвиш бизнинг зиммамизда. Маҳаллий ҳокимият савлатнинг ўзи. Бунинг устига бир-бирларини ғажинилади. Фунтиков етти миллион сўмни нима қилганининг тайини йўқ. Бошқалари ҳам ундан қолишмайди. Генерал уларни яраштирмаган деб ҳолдан тойди. Натижа чиқмади. Ниҳоят у Закаспийнинг олдинги ҳукуматини тарқатиб, янгисини тузди. Биласизми кимни бошлиқ қилиб қўйганини?

— Биаламан! Зиминни... Аммо у Фунтиковдан ҳам баттар. Дружкинни раис қилиш керак эди.

— Уни яҳудий дейишади. Ҳукуматдагиларнинг кўпи унинг ҳатто ички ишлар министри қилиб тайинланишига ҳам қаршилик кўрсатишди.

Янги ҳукумат составидаги икки кишидан ташқари ҳаммасини мен жуда яхши билар эдим. Уларнинг ҳаммалари бизникилар билан алоқада эдилар. Дружинни эса бевосита мен тайёрлаган эдим.

Эшик тақиллади. Элен чаққонлик қилиб, мендан олдин эшикни очиб, навбатчи офицер айтган гапни эшитди, сўнгра қайтиб келиб, сирли қиёфада, биров эшитиб қолишидан қўрқиб, секин гапирди:

— Полковник Арслонбеков кеча келган эди. Сизни кўрмоқчи. Жуда шошилиш ишим бор, деяпти.

Мен ҳозир ҳеч ким билан учрашмай, дам олгим бор эди. Арслонбековнинг узоқ ўтириб қолиши аён, бир талай янгилик билан келган. Яхшиси Элен уни одоб билан жўнатиб, учрашувни эртага тайинлай қолсин. Пули ҳам қолмагандир. Шунинг учун бирор янгилик тўқиб чиқарган. Аммо Элен эътироз билдирди ва Арслонбеков мен билан жила бўлмаса икки минутга учрашиши зарурлигини айтди. Мен Эленга савол назари билан қарадим:

— Икки минут?

— Ҳа... «Жуда муҳим иш», деяпти.

— Майли, айт, кирсин, кўрайликчи, нима иш экан.

Арслонбековни кўрган замоно жуда фавқуллода бир нарса бўлганини пайқадим. Юзида қон қолмаган эди. Катта-катта қора кўзлари бежо пирилларди, аъзойи бадани қалтирарди. Эшик олдида туриб, тортинибгина честь берди.

— Кечирасиз, жаноб полковник... Бемаврид келганимни билиб турибман...

Мен унга яқинлашиб, кўзларига синчковлик билан қараб, қўл узатдим:

— Нима бўлди?

Полковник оғир-оғир нафас олиб, жавоб берди:

— Кирсанов — большевик!

Бейхтиёр сесканиб кетдим. Аммо дарҳол ўзимни қўлга олиб, бефарқ одамдай сўрадим:

— Қаёқдан билдингиз?

— Тошкентда, большевиклар ҳарбий комиссариатида бизнинг одамимиз ишлайди. Уша орқали билдик.

— Балки бу уйдирмадир?

— Йўқ, ҳаммаси аниқ. Сизнинг саёҳатингиз тўғрисидаги маълумотларини кўришган. Барибир яширолмайдди. Унинг шартли исми — «Жамшид».

Кўз олдимда капитаннинг озғин, жиддий юзи жон-

ланди, у билан босиб ўтган йўл поёни йўқ лентадай бирма-бир намоён бўлди. Ичимда «Жамшид» дея қайтариб, диванга чўкдим. Чекдим. Анчагача аччиқ тутунши ютиб, нидамай ўтирдим. Сўнгра савол назари билан Арслонбековга қарадим:

— Хўш, нима қилдик, жаноб полковник... Нима маслаҳат берасиз?

Полковник иккиланмай жавоб қайтарди:

— Асхободга киргунча шаҳар чеккасига етганда кетидан одам қўйдик. Шу кеча уни қамаб, терговни бошлаймиз.

Мен яна ўрнимдан туриб, полковникка жуда яқинлашиб:

— Олдиндан огоҳлантириб қўяй: қўлдан чиқарсангиз, ўзингиз қамаласиз,— дедим.

— Ҳеч қаёққа қочиб кетолмайди, жаноб полковник! Хотиржам бўлинг. Шу бугуноқ уни калимага келтирамиз. Аммо эртага уни кимга топширсак экан? Очигини айтсам, мен маҳаллий ҳокимларга унчалик ишонгим йўқ.

— Бизникиларга топширинг. Капитан Тиг-Жонсга мурожаат қилинг. Мен унга тайинлаб қўяман.

Полковник нидамай ерга қаради, сўнгра бошини кўтариб, журъатсизлик билан зўрга гапирди:

— Эртага мени қабул қилолмайсизми?

Мен асабимни яширмай, жавоб бердим:

— Бу ҳақда эртага гаплашамиз!

Полковник энди чиқиб кетган эди, Элен кирди. У чеҳрамдан ҳаяжонланганимни сезди-да, менга диққат билан қараб, ташвишланиб сўради:

— Нима бўлибди?

Мен чалғитиброқ жавоб бердим:

— Бир большевикни Тошкентдан кузатиб келиб, шу ерда кўздан қочиришипти. Энди ёрдам сўрашяпти.

Элен норози бўлиб, гапирди:

— Улар ёрдам сўрашдан бошқа нарсани билишмайди. Бизлар бўлмаганда, нима қилардилар?

Мен ўзимни қўлга олишга қанчалик уринмай, уддасидан чиқолмадим. Кўз олдимга гоҳ Кирсанов, гоҳ Арслонбеков келиб, баттар асабийлашардим. Элен хаёлим бошқа нарса билан бандлигини сезди шекилли, сигаретани яна бир тортгач, унинг қолдигини кулдонга ташлади.

— Сиз дам олишингиз керак, Чарлз. Кечкурун учрашамиз,— деди у ўрнидан турар экан.

Ҳозиргина мен Элен билан ўтиргим келаётган эди. Гаплашиб ўтириб, Екатерина ҳақида сўрамоқчи эдим. Полковник олиб келган хабар ҳамма нарсани остин-устун қилиб ташлади. Энди бирдан-бир истагим эшикни ичкаридан қулфлаб олиб, содир бўлган воқеаларни бирма-бир ўйлаш эди. Шунинг учун Эленни ҳам қолишга зўрлаб ўтирмадим. Уни эшиккача кузатиб, ичкаридан калитни бурадим ва ечинмай, ўзимни диванга ташладим.

Гамдан оғирроқ юк бўлмаса керак. Ўйлаганинг сари у сени кўпроқ босади: сабр қилганинг сари сени тобора ҳолдан тойдиради. Уларнинг йўлига тоғ ҳам, дарё ҳам ров бўлолмайди. Бошингга тушгач, ундан осонликча қутулолмайсан!

Мана, икки соатдан буён бу диққинафас ўйларни хаёлимдан қувишга бекорга уриняпман. Урин алмаштириб кўрдим: дивандан тушиб, ётоқхонага ўтдим-да, ечиниб, ўринга кирдим. Ухлашга ҳаракат қилдим: кўзимни юмиб, дурустроқ нарсаларни хотирлашга уриниб кўрдим. Гоҳ ўнг, гоҳ чап ёнбошимга ағдарилардим. Охири бошимни кўрпага ўраб олиб, қимир этмай ётдим. Бироқ барибир уйқум келмади. Кирсанов кўз олдидан нари кетмасди. У билан гаплашганларим, бирга босиб ўтган йўллар хотирамда жопланарди. Биринчи учрашувимиз, папирос тутуни ортидаги унинг порози қиёфасини хотирладим, ҳатто назаримда жуда самимий ва юрагидан чиққан сўзлари қулогим остида жаранглади:

— Ҳақини тўлангу, истаган ишни буюраверинг!

— Демак, сиз пул учун ишлар экансиз-да?

— Ҳа... Фақат пул учун! Бойигим келяпти!

Бу даҳшатли хаёллардан қандай қилиб қутулсам экан? Бундан қутулишининг бирдан-бир йўли тезроқ Кэт билан учрашиб дунёдаги жамики нарсани унутишдир! Биров орқамдан қуваётгандек тезгина ювиниб, кийиндим-да, у ёқ-бу ёғимга қараб, кўчага чиқдим. Капитан Тиг-Жонс билан учрашиб қолишдан қўрққан эдим. Аммо, худога шукур, у мени кутиб ўтирмай, яна қаёққадир кетипти. Тўғри Эленнинг олдига ўтдим. У эндигина сейфни ёпиб, кетмоқчи бўлиб турган экан. Мени кўриб таажжубланди.

— Дарров тура қолдингизми?

— Ухлабмадим.

— Нега?

Мен бўйи стуллардан бирига ўтирдим-да, гапни айлантирмай, мақсадга ўтдим:

— Элен! Екатерина билан кўришиб турибсизларми?

— Ҳа-а-а! Тушунарли... Мен бўлсам нега энди у ҳақда ҳеч нарса сўрамадилар, деб ҳайрон бўлиб тургандим...— Элен рўпарамга ўтириб олиб, менга диққат билан разм солди.— Шўрлик! Соғиндингизми?

Унинг аёллик ҳисларини қитиқламоқчи бўлдим:

— Нима, рашк қилиб қолдингизми, дейман?

Элен астойдил кулди:

— Мен айтганимга содиқман. Сиз ҳам берган ваъдангизни унутманг.

— Бўпти... Хўш, айтинг-чи, Екатерина билан кўришиб турибсизларми?

— Бўлмаса-чи... Ҳатто кеча ҳам кўрдим. У Доховингизга турмушга чиқмади.

— Нега?

— Алдаб қочди... Чегарадан ўтиши билан Доховга, сизга турмушга чиқишни ҳатто ўйлаганим ҳам йўқ, депти. Шўрлик министр аввал ялиниб кўрипти, сўнгра пўпса қилипти. Аммо Екатерина сўзида қатъий турибди.

— Ҳозир ким билан у?

— Ёлғиз. Баҳауллочилар<sup>1</sup> масжидининг ёнида Софья Антоновна деган бева аёл яшайди. Балки сиз уни танирсиз ҳам?

— Йўқ.

— Кекса дворян. Эри йўл инженери бўлган экан, бундан икки йил муқаддам қазо қилган. Екатерина ўшаникида туради. Уларга аллақандай бир рассом кўшни экан. Қачон борсам карта ўйнаб ўтиришган бўлади.

Эленнинг гапи мени сира таажжублантиргани йўқ. Мен Дохов Екатеринага муносиб эмаслигини илгари ҳам тушунган эдим. Агар ҳеч қандай маблағсиз Машҳадда қолиб кетишга чўчимаганида, Екатерина уни ўзига яқин ҳам йўлатмас эди. Чорасиз қолгани учун Кэт шундай қарорга келган. Унинг бирдан-бир умиди мендан эди. Мендан бошқа уни ҳеч ким қўллаб-қувватламас

<sup>1</sup> Баҳауллочилар диний оқим бўлиб, унинг номини шу оқим асосчиси Баҳауллочининг номидан олинган.

эди. Энг яқин дўсти «бахтингдан юз ўғирма!» деб маслаҳат бергач, у нима ҳам қила оларди.

Ҳамон ўйлаётган эдим: энди у мени қандай кутиб оларкин? Эсдан чиқармаган бўлса керак, ахир? Буни Элендан билиб олишга ҳаракат қилдим:

— Мени ҳеч эслайдими?

— Йўқ... Ҳатто исмингизни ҳам бирор марта тилга олмади. Рождество байрамида генерал унга совға юборди. Мен бу совғани ўзим олиб бориб бердим. Биз деярли ярим тунгача ундан-бундан гаплашиб ўтирдик. Ҳатто ўшанда ҳам сизнинг исмингизни тилга олмади.

Мен шаҳдам ўрнимдан турдим:

— Кетдик!

— Қаёққа?

— Екатеринбургка.

— Ё худовандо! Бунча шошилишнинг нима ҳожати бор? Бунинг устига биз кутилмаганда, уни огоҳлантирмай кириб борсак яхши бўлмас дейман? Бундан ташқари сиз билан Дружини учрашмоқчи эди. Капитан ҳам анча кутди.

— Эртагача ҳеч ким билан учрашмоқчи эмасман. Наҳотки шунча сарсон-саргардонликдан сўнг бир кеча хотиржам дам ололмасам?— Жавоб ўрнига Элен латофат билан жилмайди. Мен эшик томон юрдим.— Қоғозларингизни йиғиштиринг! Тезроқ!

Асхободга қоронғи чўккан эди. Бироқ миссиямизнинг олди кундузгидек ёп-ёруғ. Катта электр фонарларининг ёғдуси атрофни анча жойгача ёритиб турарди. Афтидан, бизникилар Офицерлар кўчасини бошдан-оёқ эгаллашганга ўхшашади. Деярли ҳар бир эшик олдида инглиз солдатлари туришарди.

Машина жилди. Биз кимсасиз Скобелев майдонига кириб бордик. У ер жуда қоронғи ва осуда эди. Элен пинжимга кириб олиб, ташвишли оҳангда шивирлади:

— Кечаси кўчага чиқиш хавфли. Яқинда аллақандай кишилар генералнинг машинасини тўхтатишипти. Яхшиямки, унда шофердан бўлак ҳеч ким йўқ экан. Бўлмаса бирор фалокат рўй берар эди. Қуёш ботиши билан шаҳарга большевиклар хўжайинлик қилишади. Кўчаларни варақаларга тўлдириб ташлашади...

Элен ташвишланмаса ҳам бўларди — мен зарур чораларни кўриб қўйган эдим. Жоннинг ёнида яна бир солдат милтиқ ва граната ушлаб ўтирарди. Бизнинг

кўчага чиқишимиздан комендант хабардор. Бунинг устига биз бораётган уйнинг ёнида Куропаткин кўчасида соқчилик қиладиган постларимиз жойлашган эди.

Гоголь кўчасидан «Модерн» кинотеатригача бордик. Бу ер ёруғроқ эди. Кинотеатрда сеанс давом этаётган эди. У ердан кимнингдир дўриллаган йўғон овози эшитиларди. Томошабинлар анча сийрак бўлса керак! Эшик олдида ҳеч ким кўринмасди. Арман черкови атрофи бўм-бўш. Одатда кундузи одам аримайдиган рус бозорида ҳам ҳеч ким кўринмас, карвонсаройнинг болохонасидаги керосин лампанинг ёғдусигина атрофга хира нур таратиб турган эди. Унга — қоронғилик бағрида болалар гимназияси аранг кўринарди. Бироқ гимназия қаршисида алланарса ҳаракат қиляётгани сезиляётган эди. У ерда Закаспий ҳукуматининг биноси жойлашган эди. Мажлис бўляётганга ўхшайди: бино олдида анчагина фойтон, ҳатто уч-тўртта енгил машина ҳам турарди.

Куропаткин кўчасига яқинлашганда, машина шиналаридан бири ёрилди. Бунга шофер айбли бўлмаса-да, тўнғиллаб қўйдим:

— Яшавор, Жон... Машинага сен ўтирсанг, албатта бир кор-қол бўлади!

Жон индамади. Унинг учун Элен жавоб берди. Қулоғимга Шекспирнинг мисраларини шивирлаб айтди:

Агарчи ҳаққоний муҳаббат учун  
Ҳамиша зарурий бўлса изтироб.  
Демак, бу тақдирнинг қонуни эрур,  
Бунга бардош ила бермоқ керак тоб.

Жавоб ўрнига Эленнинг қўлини маҳкам сиқиб қўйдим. Қаёқдандир автомобилда комендант келиб қолди, шаҳарни айланиб юрган бўлса керак. Биз унинг машинасига ўтирдик ва бир неча минутдан сўнг пишиқ гишдан қурилган катта ҳовли олдида келиб тўхтадик. Дарвоза олдида бизни икки мулозим кутиб туришарди. Мен уй хўжайинларини комендант огоҳлантириб қўйгандир деб, уни энди сўмоқчи бўлган эдим. Элен мени тўхтатди:

— Мен телефон қилган эдим. Сизнинг келишингизни ҳеч ким билмайди.

Биз ҳовлига кирдик. Бизни уй бекаси Софья Антонова кутиб олди. У Элен билан қучоқлашиб кўришди. Сўнгра менга мурожаат қилди:

— Адашмасам, полковник Форстер?— шундай деб истигно билан қўлини менга узатди.

Мен унинг тўла қўлига лабимни хиёл тегизиб, очиқ чеҳра билан сўрадим:

— Демак, сиз мени танир экансиз-да, хоним? Машҳадда бўлгандирсиз, а?

— Йўқ, йўқ... Нима деяпсиз! Сизнинг тўғрингизда менга Катя гапириб берган эди.

Кўнглим бир оз таскин топди. Демак, мен унутилмаган эканман. Қалбида бирор туйғу қолмаган бўлса, менинг тўғримда гапириб ўтирармиди? Балки ғазоби қайнаганда эслагандир?

Софья Антоновна бизни меҳмонхонага бошлаб кирди. Хона қадимий, ноёб моллар сотиладиган дўконни эслатарди. Деворларда вақт ўтиши билан чорчўплари қорайган қадимий суратлар осиглиқ. Мебель ҳам бувамнинг замонидан қолган... Деразаларда оғир пардалар, ҳайкалчалар, гиламлар... Буларнинг бари эски, нурсиз... Ҳатто хонадаги ҳавода ҳам ўтмиш акс этгандай, оғир, аллақандай ўзига хос чанг ва моғор ҳиди анқиб турарди.

Хонага киришим билан негадир Қушбегининг кабинети хотирамга келди. Бундоқ қараганда бу ерда у билан ҳеч қандай ўхшашлик йўқдай: деворлар ҳам, жиҳозлар ҳам бошқа. Ҳавоси бир хилмикин? Билмадим. Аммо шу вақт негадир хаёлимга Қушбегининг кабинети келди.

Меҳмонхонанинг бир бурчагида — думалоқ стол ортида баланд бўйли, оқ сариқ, сочлари елкасигача тушган киши қалин альбомни диққат билан кўриб ўтирарди. У бизни кўргач, ўрнидан туриб, хиёл таъзим қилди. Софья Антоновна у билан таништирди:

— Марҳамат... Танишинг: Борис Евгеньевич... Ажойиб рассом ва созанда. Меникида ижарага туради.

Оқ сариқ киши хиёл жилмайди ва яна бошини силкитди. Мен ўзимни унинг таъзимини кўрмаганга солдим: қўлимни узатмадим, ҳатто саломига ишора билан ҳам алиқ олмадим. Уй бекасига мурожаат этиб, ҳазил-омуз сўрадим:

— Мабодо яна биронта ижарачи керак эмасми сизга?

Софья Антоновна гавдасига монанд қилиб беўхшов кулди:

— Ҳозиргача менда ижарачи-полковник бўлмаган эди. Аммо, истасангиз, сиз учун ҳам хона топилади!

Нариги хонадан Екатерина чиқди. Нигоҳим унга тушиши билан беихтиёр юрагим аллақандай кутилмаган бир нарсани сезгандай ура бошлади. Кэт! Нақадар латофатлисан!

Екатерина шошилмай, тантанавор, худди гулжиға кийган келиндай келарди. Фақат оппоқ рўмолигина етишмаётгандек. У табиятан уятчан эди. Унинг овоз чиқариб кулганини бирор марта ҳам эшитганим йўқ. Ҳатто беташвиш кунлардаги қувонч онларида ҳам у ёлғиз ўзигагина хос назокат билан аста жилмайиб кўярди.

У секин менга яқинлашди. Мен унинг киприклари беркитиб турган кўзларига неча ой давомида йиғилиб қолган эҳтирос билан боқдим. Екатерина ҳам жиддий туриб, мени диққат билан кўздан кечирди. Мен унга қўл узатиб:

— Чақирилмаган меҳмон... Айбга қўшмайсиз! — дедим.

Екатерина қизарди. У ҳам қаттиқ ҳаяжонланаётган бўлса керак. Унинг дўмбоқ лаблари аввал бир титраб, сўнг хиёл очилди:

— Хуш келибсиз... Узоқ давом этган сафардан эсон омон қайтганингиздан хурсандман!

Мен Кэтни яхши тушунмадим. Унинг сўзларида гина сездим. Бироқ у хафа кўринмас, аксинча, назаримда, менга хайрихоҳлик ва шафқат билан қараётгандек туюлди.

Бизнинг сўзсиз диалогимизни Софья Антоновна бузди.

— Бир ҳафтадан буён Катеньканинг тоби йўқ. Шамоллаб қолганга ўхшайди. Бошини ёстиқдан бугун кўтарди, — дея тушунтирди у менга мурожаат қилиб.

Мен Катеринанинг қўлидан ушлаб, диванга ўтқаздим, ўзим ҳам ёнига ўтирдим. Софья Антоновна Эленнинг қўлтигидан олиб, нариги хонага олиб ўтди. Рассом ҳам бу ерда туриш ноқулайлигини сезиб, Екатеринага қараб:

— Рухсат берсангиз, мен ҳам хонамга чиқай, бир оз ишламоқчиман,— деди.

Мен худодан худди шуни — рассомнинг тезроқ чиқиб кетишни тилаб турган эдим. Бироқ Екатерина кўнмади. У ёнидаги креслога ишора қилиб, назокат билан жилмайди:

— Сизга доктор кечалари ишлашни ман этган. Бунинг устига полковник ҳам бизникига ҳар куни келавермайдилар. Утиринг... танишиб олинг.

Кэт муғамбирлик қилди. Аниқроғи, менинг жиғимга тегмоқчи бўлди. Шунинг учун мен французчага ўтдим:

— Банд одамни тўхтатишнинг ҳожати йўқ. Бошқа вақтда танишиб олармиз.

Рассом французчани билар экан. У менга бир ёв қараш қилиб, масхараомуз кулди:

— Жаноб полковник ҳақлар: банд одамни тўхтатишнинг ҳожати йўқ.

Екатерина менга паришон ҳолда бир қараб қўйди. Сўнгра рассомга мурожаат қилиб, эътироз билдирди:

— Борис Евгеньевич, мен сизга ҳомийман. Менинг рухсатимсиз ҳеч қаяққа кетмайсиз. Утиринг!

Рассом истар-истамас ўтирди. Очиғини айтганда, ишнинг бундай бўлишидан хафа бўлдим. Екатерина ноз қиляптими ёки чиндан ҳам мен билан ёлғиз қолгиси келмаяптими? Нима қилсам экан? Мен рассомга эътибор бермасликка қарор қилдим. Екатерина томон бурилди:

— Кэт! Мен яқиндагина йўлдан келдим, уст-бошимни ўзгартириб сен томонга чопдим. Балки мени унутгандирсан? Аммо ишон, мен унутганим йўқ. Сен билан жуда машаққатли дамларни бирга кечирдик. Сен ҳамиша менинг энг содиқ йўлдошим эдинг. — Мен атайлаб юрак сирларимни очаятгандай бўлиб гапирдим.

Екатерина сира довдирагани йўқ. У киприкларини хиёл кўтариб, синчковлик билан менга қаради. Сўнгра кинояли кулиб:

— Сиз полковник, ҳар ҳолда ғалати одамсиз! — деди.

— Мен ғалати одамманми?

— Ҳа... Сизга келганда худо сахийлик қилган: нозик сиёсатдон... машҳур разведкачи... уста нотик... тиним билмас Дон Жуан...

— Хо-хо-хо! — Мен 'Екатеринанинг заҳархандасини

кулги билан босмоқчи бўлдим. — Менинг бунчалик хилма-хил қобилиятларимни қачон пайқай қолдингиз?

— Баъзиларини илгари, айримларини кейинчалик... Нима, хато қилдимми?

— Йўқ, йўқ... Сизнинг зийраклигингизга мен ҳаминша тан бериб келганман!

Софья Антоновна эшикдан бош суқиб:

— Борис Евгеньевич! Биз иккаламиз битта банкани очолмаяпмиз. Бизга ёрдам беролмайсизми? — деди.

Ниҳоят ниятимга етдим: Екатерина билан иккаламиз қолдик. Мен янада яқинроқ ўтирдим-да, уни ўзимга тортмоқчи бўлдим. Аммо у нарироқ сурилиб, менга тикилиб туриб, гапирди:

— Сиз, жаноб полковник...— мен унинг сўзини бўлдим:

— Нега энди — жаноб полковник? Чарлз эмас? — Екатерина жавоб бермади. У анчагача оғир нафас олиб, индамай ўтирди. Ниҳоят ҳаяжон билан гапирди:

— Сиздан ўтиниб сўрайман: бугунги учрашувимиз охиргиси бўлсин!

— Нега? — Екатеринбургнинг чиндан ҳам ҳаяжонланаётганини кўриб, унинг диққатини жалб қилмоқчи бўлдим.

— Сенга нима ёмонлик қилдим?

— Ҳеч қандай ёмонлик қилганингиз йўқ. Борди-ю, қилган яхшиликларингиз учун ҳисоб-китоб қилишим керак бўлса, айтинг... ҳақини тўлаб, биратўла қутула қолай!

— Кэт! Бўлмағур гапларни қўйсангчи. Мени ким деб ўйлаяпсан? Ишон: мен алдаётганим йўқ. Сени севаман. Юрагимдан севаман!

— Мен ҳам шундай деб ўйлаган эдим. Аммо бу ёлгон бўлиб чиқди. Бошда сиз мени Исмоилхон қучоғига отдингиз. Сўнгра Дохов билан қўшмоқчи бўлдингиз. Энди ким учун интиляпсиз?

Мен яна ўзимни хафа бўлгандай қилиб кўрсатдим. Бошқа йўл йўқ эди.

Екатерина — ҳақ. Унинг бунчалик нозиктабиатлигини билганимда, эҳтиёткорлик билан иш тутган бўлар эдим. Генерал бу борада мендан кўра тadbиркорроқ экан. У Екатеринбургни Доховга бундай шошмашошарлик билан қўшиб қўйиш, қутилмаганда ёмон оқибатга олиб бориши мумкинлигини ўша вақтдаёқ айтган эди. Энди

шошганимни ўзим ҳам тушуниб турибман. Екатеринбургни хафа қилмай, уни Элен билан бирга Асхободга жўнатиш керак эди. Ушанда, Шарқда айтганларидек, на сих куйрди, на кабоб...

Бу гал мен анча юмшоқ овозда гап бошладим:

— Мени кечир, Кэт... Сен мендан хафасан, тушуниб турибман. Аммо менга ишон, ёмон ниятим йўқ эди. Сени қанчалик севмай, умр йўлдошинг бўлмаслигим маълум эди. Ахир менинг хотиним, болам бор...

— Сизнинг менга умр йўлдоши бўлишингизни кутганим ҳам йўқ! — Екатерина овозини баландлатди. — Ҳатто сизнинг севги достонингиз узоққа чўзилмаслигини ҳам билардим. Аммо барибир, сизни, нимагадир, севардим. Энди яшириб ўтиришнинг ҳожати йўқ: сиз биринчи муҳаббатим эдингиз!

Екатерина бошини қуйи солганча, оғир хўрсиниб, кўз ёшларини артди. У билан жуда кўп учрашганман, аммо у мени шунчалик юракдан севишини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Унинг эркалашларини аёлларнинг одатдаги макри, деб ўйлаган эканман. Аёллар! Нақадар мураккаб олам! Муҳаббат қаердан бошланиб, оддий дилхушлик қаерда тугашини ҳам билиб бўлмайди. Балки менда бу чегарани сезиб олиш қобилияти йўқдир? Балки ҳаётимда бу дилхушликлар кўпайиб кетганидан, сезгиларим ўтмаслашиб қолганмикин? Эҳтимол мен сохта ноз-карашмани чинакам туйғудан ажратаолмайдиган бўлиб қолгандирман? Билмадим... Ҳар ҳолда Екатерина қалб тўридаги энг нозик сирларини биринчи бўлиб менга очгани хаёлимга ҳам келмаган эди...

Мен ўша-ўша илтижо билан давом этдим:

— Кэт! Мени бу галча кечир. Қасамёд қиламан: сени севаман. Сен билан ўтказган кунларим ҳаётимдаги энг яхши дамлардир. Узоқ сафарларда ҳам сен менга қанот бўлдинг. Энг оғир дамларда менга таянч бўлдинг...

Екатерина оғир хўрсинди:

— Ўтган ишга салават... У кунларни энди қайтариб бўлмайди. Бунинг устига мен турмушга чиқяпман.

— Кимга?

— Борис Евгеньевичга.

— Мана шу рассомгами?

— Ҳа...

Мен ачиқ кулдим ва бошимни қуйи солдим. Екатерина жаҳл билан қошини кўтариб:

— Нима, у сизга ёқмади? Сизнинг ишингизга ярамайди? — деди.

Мен ажабланиб қаттиқ кулиб юбордим...

\* \* \*

Оғир тун ортда қолди. Мен бир пиёла чой ичиб, генералнинг кабинетига бордим. Капитан Тиг-Жонс кутиб турган экан. Эшикдан киришим билан хитоб қилди:

— Табриклайман, жаноб полковник! Хушхабар.

— Қандай хушхабар?

— Осипов қатъий ҳаракат бошлапти. Кеча тунда мажлис бўлади деб, ҳузурига большевикларнинг раҳбарларини чақирибди. Сўнгра ҳаммаларини биттадан девор тагига турғизиб қўйиб, ўн тўрт кишини қирипти. Булар орасида Республика Марказий Ижроия Комитетининг раиси Вотинцев, Халқ Комиссарлари Советининг раиси Фигельский ва бошқа кўзга кўринган большевик раҳбарлар бор экан. Ҳозир Тошкентда қаттиқ жанглар бўляпти...

Осипов Туркистон республикасининг ҳарбий комиссари эди. Истеъдодли чор офицери, у большевиклар ишончини қозониб, уларни ичдан емириш учун революционерлар сафига кирган. Бизникилар уни юксак баҳолар, ҳал қилувчи дамларда Советлар ичидан зарба беришга тайёр турган муҳим кўмакчи, деб ҳисоблар эдилар. «Туркистон ҳарбий ташкилоти» тарқатилгач, Осиповнинг аҳамияти янада ошди. Ҳозир Тошкентда фақат унинг ўзигина исён кўтариши мумкин эди. Шунинг учун Осипов ҳаракати, албатта, ғоят муҳим воқеа эди. Аммо мени бир вазият ташвишга соларди: Бухорода тузган планимизга кўра Туркистондаги большевикларга қарши барча кучларни бир вақтда ҳаракатга келтириш керак эди. Бундан атиги бир ой муқаддам шу йилнинг баҳорида умумий ҳужумга ўтишга қарор қилинган эди. Мен хиваликларга ҳам баҳорга шай бўлиб туришни буюрдим. Тўсатдан бундай шошилишнинг нима кераги бор эди?

Тиг-Жонс гап нимадалигини тушунтирди:

— Большевиклар исёнга тайёргарлик кўриляётганини пайқай бошлашган. Фавқулодда комиссия айрим офицерларни қамоққа олган. Осипов ҳам большевиклар қўлига тушиши мумкин эди. Шунинг учун исённи барвақтроқ ўтказишга қарор қилинган.

Ҳозир мени бошқа нарса — Қирсанов масаласи қи-зиқтираётган эди. Капитан Қирсанов қамоққа олингани-ни, аммо уни гапиртиролмаганини айтди. Мен капитан-дан сўрадим:

— Қирсанов большевиклигига иқрор бўлиптими?

Капитан бандини ўзи тергагандай ўша заҳоти жавоб берди:

— Ҳа, ҳа! Иқрор бўлган... Иқрор бўлмай қаёққа ҳам борарди. Аммо бошқа ҳеч кимнинг номини айтмаганга ўхшайди.

— У билан бирга бўлган солдат нима депти?

— Уни ушлалмапти.

— Ушлалмапти?

— Ҳа.

— Аҳмоқлар!

Негадир ҳамон Қирсановнинг большевиклигига ишонгим келмас эди. Кечаси билан Екатерина ва Қирсанов ҳақидаги ўйлар хаёлимдан нари кетмади. Қирсанов билан учрашган биринчи кундан бошлаб хайр-лашгунча бирга ўтказган кунларимизни, унинг айтган гапларини, қилган ишларини бирма-бир хотирладим. Барибир унинг юриш-туришида шубҳали бирон нарса тополмадим. Балки ёлғондан иқрор бўласан, деб зўрлашдимикин?

Мен янги ҳаётимнинг дастлабки кунини Қирсановни тергашдан бошлашга қарор қилдим. Тиг-Жонс аввал Арслонбеков билан учрашишни маслаҳат берди. Бироқ полковник билан учрашгим йўқ, негадир, назаримда, бу кўнгилсиз воқеага худди унинг ўзи айбдордай туюлаётган эди. Ахир бу воқеани ёпти-ёпти қилиб бўлмайдикун! Менга таъна устига таъна ёғилишини яхшигина тушуниб турибман. Балки қисман шунинг учун ҳам Қирсанов ўзини большевикларга тааллуқлилигини тан олмагани маъқул, деб ўйлаётгандирман. Эҳтимол у озгини очишга улгурмай қатта бувалари олдига гумдон қилинар?

Мана, биз тергов учун махсус жиҳозланган бинода яккама-якка ўтирибмиз. Қирсанов илгари ҳам хунук одам эди. Бироқ ҳозир унинг озгин ва сўлгин юзига раҳм-шафқатсиз қараб бўлмасди: кўзларининг остига қон йиғилиб шишган ва кўкарган, ёрилган лабларидан қон оқарди. Боши латта билан боғланган, кители қонга бўялган. Аммо шунга қарамай, у сафда тургандек кўрагини кўтариб, бошини баланд тутарди.

Мен стол ортига ўтирдим-да, ҳаяжонимни базўр бо-сиб, ўзимни осойишта тутишга ҳаракат қилиб, Қирсанов-га унинг икки кун олдин мендан сўраган саволини бер-дим:

— Сиз, капитан, юксак мақсадга ишонасизми?

— Ишонаман! — одатдагидай аниқ жавоб берди Қирсанов. — Ҳозир менга нима куч бағишляпти, деб ўйлайсиз?

— Куч дейсизми? Демак, ҳали кучингиз бор экан-да?

— Бор... Куч бўлмаса оёқда туриб бўлармиди?

Қирсановнинг чидамлилигини билардим. Энг оғир дамларда орамизда энг бақувват одам ўша бўлиб чиқди, ҳатто бирор марта ҳам тоби қочмади... Ҳозир ҳам кечаси билан бошида таёқ синганига парво қилмай турар, унинг шишган қовоқлари орасидан хиёл йилтиллаётган кўзларида ғазаб ёнар эди.

Овозимни ўзгартирмай, сабр-тоқат билан давом эт-дим:

— Балки йўлда менга гапириб берган эртагингиз-нинг қаҳрамони ўзингиздирсиз?

— У эртак эмас, ҳақиқат... Ўша офицерни Арслонбе-ков тергаган!

— Демак, сиз ҳам большевиксиз?

— Большевик! — қатъий жавоб берди Қирсанов. — Ўша большевик қандай бўлса, мен ҳам шунақаман. Вақ-тингизни зое кетказмай, билганингизни қилинг. Барибир мен сизга ҳеч нарсани айтмайман!

Мен заҳарханда билан гапира бошладим:

— Улим барча азоблардан қутқариб қолади демоқ-чимисиз? Йўқ, осонлик билан жон бераман, деб ўйла-манг. Сизни булбулдек сайратиб қўямиз!

Қирсанов чурқ этмади. Мен ўрнимдан туриб, унга яқин бордим-да, хўмрайиб қарадим:

— Қачондан буён большевиксиз?

— Октябрь революциясининг биринчи кунидан бош-лаб.

— Ушанда қаерда эдингиз?

— Хивада.

— Демак, казаклар полкида хизмат қилганингиз ҳам рост экан-да?

— Рост... Батальон командири бўлганим ҳам рост.

— Сизни менга ким юборди?

Қирсанов киноя билан кулди:

— Сиз, жаноб полковник, тажрибали разведкачисиз. Шунақа савол берасизми? Аммо жавоб бера қолай. Мен — худди сизга ўхшаш разведкачиман, аммо совет разведкачиси. Чекист!

— Ним-а? Чекист?

— Ҳа... Ҳали қулоқларингиз бу гапга кўникмаганми? Аммо кўникишга тўғри келади!

Мен чиндан ҳам ҳали большевикларнинг фавқулодда комиссияси ходимларини учратмаган эдим. Балки шунинг учундир, Қирсановни биринчи марта кўраётгандек, беихтиёр диққат билан кўздан кечира бошладим. У ҳам кўз милқларини кўтариб, менга тикилиб қолди.

Мен сўзимни давом эттирдим:

— Демак, сиз Бухородан бошлаб олдиндан белгиланган план бўйича иш тутибсиз-да?

— Ҳа... Биз ким билан иш тутаётганимизни билар эдик. Очигини айтганда, сизнинг ишончингизга шу қадар тез сазовор бўлишни ўйламаган эдик. Баъзи бир кутилмаган вазиятлар олдимда турган вазифаларни енгиллаштирди.

— Отряд билан учрашув... Қамоқдан қочиш... Шундайми?

— Отряд биз билан тасодифан учрашди. Бироқ қолган ҳамма ишлар, сизнинг таъбирингиз билан айтганда, олдиндан тайёрланган план асосида амалга оширилди.

— Нега эди мени Янги Бухорода ушламадингиз? Сизда шундай имконият бор эдику, ахир.

— Ҳа, бор эди... Аммо у нима берар эди! Ҳеч нарса! Аксинча, биз саёҳатингизни давом эттиришингизни истар эдик. Сизнинг махсус топшириқ билан келганингизни билар эдик. Сизнинг вазифангиз Ўрта Осиёдаги сиёсий вазиятни ўрганиш ва контрреволюцион кучлар фаолиятини бирлаштириш бўйича конкрет таклифлар беришдан иборат эди. Шундай эмасми?

Қирсановдан кўз узмай, ўша қатъий оҳангда:

— Гапираверинг!— дедим.

Қирсанов бир оз жим туриб, сўнг сўзини давом эттирди:

— Биз сизга, баъзи кишилар билан учрашиб, ҳақиқий вазиятни ўз кўзингиз билан кўриб хулоса чиқаришга имкон бердик. Хушомад қиляпти деб ўйламанг: жуда астойдил ишладингиз. Ғоят катта жасорат кўрсатдингиз. Сиз чеккан азоб-уқубатларга ҳар қандай одам ҳам бар-

дош беравермайдн. Аммо, айтинг-чи, нимага эришдингиз? Бу ҳаракатларингизнинг натижаси қанақа бўлди? Очиг гапирганим учун мени афв этасиз: сиз ҳозир кема-си саёзликка тикилиб қолган капитанга ўхшайсиз!

Мен Қирсановнинг — кечаги ҳамроҳининг сўзларини охиригача эшитишга, хатоларим, бемаъни ишим нимада бўлганини унинг оғзидан билишга қарор қилдим. Афтидан, унинг ҳам гапиргиси келаётганга ўхшайди. Сўзини бўлиб қўйишимдан қўрқиб, тезроқ гапира бошлади:

— Эски қадрдоним майор Бейлидан фарқли ўлароқ, мен сизда, жаноб полковник, бир яхши фазилат пайқадим. Сиз ҳақиқатни, гарчанд у аччиқ бўлса-да, очиг, ҳушёр тортиб қабул қилишга интиласиз. Бу жуда муҳим нарса. Бусиз атрофимизда содир бўлаётган мураккаб воқеаларни тушуниш қийин. Ҳашарда ишлаётган деҳқонлар билан учрашувингиз эсингиздами? Бу учрашувдан сўнг халқ қалбида қат-қат алам йиғилганига ўзингиз иқрор бўлдингиз. Чиндан ҳам шундай. Очлик, қашшоқлик... зўравонлик, қотиллик... Халқ ўз аламларига даво қидиряпти. Уни ким даволайди? Саид Олимхонми? Жунаидми? Ўзингиз кўрдингиз...

Мен Қирсановнинг гапини жаҳл билан бўлдим:

— Бас қилинг! Айтадиган гапларингиз шуми?

— Йўқ!— дея шошилишча жавоб берди Қирсанов.— Сизни яна бир нарсдан хабардор қилиб қўймоқчиман.

— Нима тўғрисида?

— Арслонбековни бекорга шунчалик юксак баҳола-япсиз. Нархини ошираверманг. Барибир ҳеч қаёққа қочи-б қутулолмайди. Айтгандай, у менга сиз билан учрашганини гапириб берди.

— Нимани гапирди?

— Кўп нарсани гапирди. «Инглизлар пиёзни оғизларидан ҳид келмайдиган қилиб емоқчилар»,— деди.

— Бу нима дегани?

— Тушунмадингизми?— Қирсанов лабларини чўч-чайтирди.— Арслонбеков ҳам сиз сингари тажрибали разведкачи. Бунинг устига у жуда оқил. У сизнинг Бухорода тузган оператив планингиз ҳеч нима бермаслигини дарров пайқади. Бу ҳақда генерал Боярскийнинг уйида анча гап бўлди.

— Сиз қаердан биласиз буларни?

— Арслонбековдан сўранг, айтади...

Ғазабим қайнай бошлади. Орқамдан кимни эргаштириб юрибман! Арслонбеков ҳам шунақа одам бўлса-чи?

Мен капитанни очикроқ гапиришга мажбур қилишга уриниб кўрдим:

— Сиз иёз ҳақидаги гапингизни охирига етказмадингиз. Эсингиздан чиқмасин!

— Йўқ, эсимдан чиқмайди.— Қирсанов менга синовчан назар билан қараб, сўзини давом эттирди:— Арслонбеков: «Инглизлар большевизмга қарши курашни рўқач қилиб, Туркистонга британ байроғини тикмоқчилар. Туркистонни иккинчи Ҳиндистонга айлантirmoқчилар»,— деди. Ва сизлар, унинг сўзлари билан айтганда, бу ишни бу ерга катта куч олиб келмай, маҳаллий аҳолининг қўли билан амалга оширмоқчисизлар. Бироқ, деди Арслонбеков, Туркистонда сизлар ҳеч кимга таяна олмайсизлар. Яқин фурсат ичида сизлар ё лаш-лушларингизни кўтариб қочишга мажбур бўласизлар, ёки чинакамга қонли ботқоққа чўкасизлар. Бу унинг сўзлари. Менимча, у тўғри гапирди. Сизлар бир ўқ билан икки қуёни овламоқчисизлар: ҳам ўзингиз эзаётган халқларни революция таъсиридан сақлаб қолмоқчисизлар, ҳам Россиядаги революциядан фойдаланиб, мустамлака ўлкаларингизнинг чегарасини кенгайтirmoқчисизлар. Бунинг уддасидан чиқолмайсизлар, жаноб полковник! Ишонинг, униси ҳам, буниси ҳам амалга ошмайди!

Жуда жаҳлим чиқиб кетди. Бироқ ўзимни босиб, ўша ташқи осойишталигимни сақлаб гапирдим:

— Сизни нима кутаётганини биласизми, капитан?

— Биладан!— дея қатъий жавоб берди Қирсанов.— Сиз менга ўз ёрдамингизни таклиф этмоқчимисиз? Қандай қилиб қутулишними?

— Менимча, сизга қутулишнинг кераги йўққа ўхшайди.

— Нега энди? Мен энди қирқ олтига кирдим. Тошкентда хотиним, болаларим, кампир онам кутяпти. Яшагим келяпти. Бироқ очигини айтсам, сизнинг олижаноблигингизга умид боғлаётганим йўқ.

— Ўз айбингизни ҳис этиб турганингиз учун умид боғламайсиз. Сиз — жиноятчисиз!

— Сира!— дея жавоб берди Қирсанов осойишта.— Кулгили ҳол. Сиз, Буюк Британия фуқароси, мустақил давлат чегарасини буздингиз... Ҳукуматга қарши унсурлар билан учрашасиз... уларни исёнга, қонуний ҳуку-

матни ағдариб ташлашга ундайсиз... Мен эса шу ҳукуматнинг вакили сифатида эҳтиёт чорасини кўряпман. Бошқача қилиб айтганда, ўз ҳукуматим, ўз халқимнинг манфаатларини ҳимоя этапман. Қани айтингчи: қай биримиз жиноятчи? Қимнинг қўлига кишан солиниши керак?— Мен жаҳл билан йўталдим. Қирсанов нафасини ҳам ростламай сўзини давом эттирди:— Сиз бегона тупроқда туриб, жазоловчи... тақдирларни ҳал қилувчи сифатида иш тутяпсиз. Қани адолат? Мантиқ қаёқда қолди?

— Мана мантиқ!

Қўл кўтарганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Бор кучим билан капитаннинг юзига тушириб, шу заҳоти чиқиб кетдим.

Хонамга қайтгач, анчагача хаёл суриб ўтирдим. Қирсанов мен учун кутилмаганда ўлим сингари хавfli бўлиб қолди. У олти ойлик барча ҳаракатларни пучакка чиқариши мумкин эди. Нима қилиш керак? Битта йўл бор: генерал келгунча уни ўлдириб, бирор саксовул бутаси остига кўмиб ташлаш керак. Ўзини осди... Ёки қочмоқчи бўлди... Бу ишни Арслонбековнинг қўли билан бажариш керак. Қирсанов ўшанинг топган матоҳи. Ўзи орани очиқ қилаверсин!

Капитан Тиг-Жонс келди. У ҳам битта-яримта билан жанжаллашганга ўхшайди: юзлари қип-қизил, кўзида ғазаб чақнар эди. Ҳаяжонланаётганининг сабаби аён бўлди. Бир даста қоғозни стол устига ташлаб, жаҳл билан гап бошлади:

— Қаранг: бутун шаҳар мана бу бемаъни нарсалар билан тўлган! Баҳауллочилар масжидигача бутун деворларга ёпиштириб ташлашпти! Полиция бошлиғини чақириб: «Одамларингиз нима иш қилишяпти?» — десам, биласизми нима деб жавоб берди: «Мен ҳар бир дарвоза олдига соқчи қўёлмайман»,— дейди. Бунисига нима дейсиз? Бу — аблаҳликнинг учига чиққани-ку?!

Варақалардан бирини олиб, унга тезгина кўз югуртирдим. Бу большевикларнинг хитобномаси эди: «Йўқолсин инглиз босқинчилари!» «Яшасин Совет ҳокимияти!...» «Яшасин Ленин!» Бошқаларини ўқиб ўтирмадим. Капитанни тинчлантириш учун ҳазиллашдим.

— Эҳтиёт қилиб қўйинг... Лондонда хотиралар ёзаётганингизда керак бўлади.

— Худо билади!— Тиг-Жонс бир оз тинчланиб кулди.— Хотиралар ўрнига тергов протоколига қўл қўймасам ҳали!

— Нега?

— Ишлар чатоқ, жаноб полковник. Агар воқеалар шу алфозда давом этадиган бўлса, жасадларимиз ерга ўғит бўлиб хизмат қилмаса деб қўрқаман...

Капитан Тиг-Жонс фронт шаронтида синалган жанговар офицер эди. У Туркистонга, бу ўлкаларда британ солдатларини кўришмаган, погонларимни тез-тез ўзгартириш шарафига муяссар бўламан, деган умидда жондили билан келган. Шунинг учун унинг бу тушқунлиги, очигини айтганда, мени ҳайратга солиб қўйди. Модомки у умидсизликка тушган экан, бошқалардан нима кутиб бўларди?

Мен гапни бошқа ёққа бурдим:

— Сизга маълум бўлган Софья Антоновнаникида бир рассом яшайди. Сиз уни танийсизми?

— Бир марта кўрганман.

— Нега у армияга чақирилмаган?

— Касал дейишади. Ҳарбий хизматга яроқсиз.

— Бўлмаган гап! Ундан соғломроқ одам йўқ. Буюринг, шу бугуноқ чақириб, фронтга жўнатилсин.

Капитан маъноли кулиб қўйди. У менинг рассом ҳақида ташвишланиб қолганимнинг сабабини сизди, шекилли. Сизса сезаверсин... Шу йўл биланми ёки бошқаси биланми, хуллас, Екатеринанинг бир оз бўлса-да попугини пасайтириб қўйишга қарор қилдим. Зўрлаб сеvimли бўлолмайсан дейишади. Балки мумкиндир? Боши берк кўчага кириб қолганини кўриб ақли кирар ва олдинги изига қайтар?

Мен рассом ҳақида шунчаки гапириб қўймаганимга яна бир шама қилдим.

— Буйруқ қатъий: у шу бугуноқ чақирилсин!

Тиг-Жонс яна мийиғида кулиб қўйди:

— Хотиржам бўлинг, узоғи билан икки соатдан кейин у казармада бўлади.

Мен ўрнимдан туриб, унга папирос тутдим ва Қирсанов ҳақида гап бошладим:

— Рус капитани большевиклигини тан олмаяпти. Ак-

синча, Арслонбековни, бизни сотяпти, деб айбляпти. Уни ўзингиз тергаганмидингиз?

— Йўқ... Менга Арслонбеков айтган эди.

— Менимча, бу рақобатнинг ўзгинаси. Ҳар иккаласи чор офицери, эски разведкачилар. Иккаласи бир-бирини қоралаб, нархини оширмақчи.

Биз бошқа ишлар тўғрисида ҳам гаплашдик. Капитан шаҳардаги вазиятни айтди, сўнгра фронтдаги аҳвол ҳақида гапирди. Шу орада Элен кириб келди,— мен у билан шаҳарни айланишни олдин келишим қўйган эдим. Роппа-роса соат ўн бирда капитан таъзим этиб, ўз ишлари билан чиқиб кетди. Биз Элен билан сайр қилишга кетдик.

Ҳаво бугун ҳам яхши эди. Закаспийни бекорга «куёшли ўлка» дейишмаган. Асхобод чиндан ҳам қуёшли шаҳар. Ез пайтида бу ер жуда иссиқ бўлади. Ҳозир эса, қишда, қуёш нури одамга ҳузур бағишлаб, ҳордиқ чиқарар эди. Роҳатбахш иссиқлик бизни ҳар томондан ўраб олиб, кайф бағишлар ва бардамлаштирарди. Ҳаво ҳам мўътадил, қуруқ эди. Энг иссиқ кунларда ҳам бу ерда одам, айтилик, Калькутта ёки Карачидагидек терламас эди.

Биз Элен билан Офицерлар кўчаси бўйлаб бориб, рус бозори томонга бурилдик. Скобелев майдонидан ўтиб, босмахолага яқинлашганимизда, қопчигимни олмаганим эсимга тушди. Бозорга пулсиз бориш эса... Бунақа аҳволга сира тушмаган эдим! Мен тўхтаб, чўнтакларимни ковлаб туриб гапирдим:

— Элен! Бугунги харажатлар сизнинг ҳисобингизга. Ёнимда бир чақа ҳам йўқ.

Элен секин кулиб қўйди:

— Менда пул бор, фойдаси билан қайтарасиз.— У сумкасини очиб, ундан бир неча жарақлаган қоғоз пулларни олди-да, менга узатди.

Эленга таажжубланиб қарадим:

— Бу нима?

— Пул.

— Қимнинг пули?

— Уқинг...

Мен қоғоз пуллардаги ёзувни ўқидим. Улар икки тилда: инглиз ва рус тилларида ёзилган эди. Йирик ҳарфлар билан рус тилида ёзилган мана бу сўзлар яққол кўзга ташланар эди: «Буюк Британия ҳарбий миссияси-

**нинг мажбурияти».** Қолган сўзлар кичикроқ ҳарфларда ёзилган эди: «Бугундан эътиборан орадан уч ой ўтгач, мазкурни топширганга Буюк Британия ҳукумати номидан **Беш юз** сўм бериш мажбуриятини оламан, Генерал-майор Маллесон. Буюк Британия Ҳарбий Миссияси». «**Беш юз**» сўзи йирикроқ ҳарфлар билан ажратилган эди.

Энг пастида жуда майда ҳарфларда: «Закаспий ҳукумати томонидан бошқа пуллар қаторида муомалада бўлиши тан олинган»,— деб ёзилган эди.

Мен очикдан-очик ҳайратланиб, Эленга қарадим:

— Мана шу, пул ўрнида ўтяптимиз?

— Ҳа.

— Қачон чиқаришди?

— Санаси кўрсатилган.

Мен қоғозларни яна кўздан кечириб бошладим. Дарҳақиқат, уларда инглиз тилида: «12 декабрь, 1918» деб ёзилган эди. Элендан нимага бунақа қоғозлар чиқарилганини сўрадим. У кулиб жавоб берди:

— Сабаби битта: маблағ етишмаяпти. Ҳамма нарсага пул керак. Миллионлаб сўрашади, аммо бу пулларнинг нимага харажат қилинаётганини ёлғиз оллоҳ билади. Ахир яқиндагина биз жуда каттагина пул бердик. Ҳозир эса яна сўрашяпти. Шунинг учун генерал мана шу пулларни чиқаришга қарор қилди.

Элен қурум босган, ёлғиз ўзи қаққайиб турган босма-хона биносига ишора қилди:

— Пул ҳозир мана шу ерда босилади.

Мен Маллесоннинг оғир вазиятлардан қутулиш йўлларини топадиган одамлигини билардим. Чиндан ҳам нафси бузуқ, очкўз, бойлик тўплашга муккасидан кетган одамларни қондириш қийин. Генерал оқилона йўл тутади.

Мен қоғозларни чўнтагимга солиб, сўроқни давом эттирдим:

— Лондон бундан хабардорми?

— Хабардор... Бу ҳақда бир ой давомида гап бўлди. Лондон тўловни урушдан кейинга ваъда қилишни маслаҳат берди. Аммо Фунтиков ва бошқалар рози бўлишмади. Улар: «Бунақа мажбуриятни аҳоли ўртасида тарқатиб бўлмайди, яхшиси муддатини кейин чўзамиз»,— дейишди.

Биз рус бозорига яқинлашдик. Қулоқларимизга дар-

ҳол шарманканинг одамни безор қиладиган овози чалинди. Савдо авжида эди шекилли: бозор иссиқ кунлардаги ари уясидек гувулларди. Кимдир сотиб олар, кимдир сотарди. Қайси тил ва қайси шевада гаплашаётганларини билиб бўлмас эди. Асхобод кўп миллатли шаҳар: бу ерда туркманлар, руслар, арманлар, яхудийлар, форслар, ўзбеклар, курдлар яшашарди... Ҳар бир миллатнинг ўз райони, кўчаси, масжид ёки черкови бўлиб, ҳатто касблар ҳам ўзаро тақсимланган эди.

Бозорга кираверишда бизга қорачадан келган, ўйноқ кўзлари чақнаб турган лўли хотин дуч келиб, рус тилида мурожаат қилди:

— Қўлингни бер, фол очаман... Бир неча тийинингни аяма. Пушаймон бўлмайсан. Сени хабар кутяпти.

Мен тўхтаб, сўрадим:

— Қайси биримизни хабар кутяпти?

Лўли хотин кулиб туриб жавоб берди:

— Сени... Хушxabар эмас... Кимдир остингга сув қуйяпти. Аммо охири яхшилик билан тугайди. Яқинда узоқ сафарга чиқасан. У ерда сенга бахт кулиб боқади...

«Жуда айёр хотинга ўхшайсан»,— дедим ичимда ва Эленга ишора қилиб, сўрадим:

— Қани энди айтчи, хотинимни қандай янгилик кутяпти?

Элен мамнун бўлиб жилмайди. Лўли хотин, афтидан, унинг бекорга кулмаётганини фаҳмлаб, жиддий туриб, бошини силкиди:

— Йўқ, у сизнинг хотинингиз эмас.

Элен сумкасидан майда пул олиб лўли хотиннинг очиб турган қўлига ташлади-да, қўлтиғимга қўл солди.

— Кўряпсизми, ҳатто лўли ҳам юракларимиз ҳамоҳанг тепмаётганини билди,— деб, у яна шодон кулди.

Мен бошқа нарсани ўйлаётган эдим: ҳаётда қанчалик тасодифлар бўлиб туради! Лўли хотиннинг тўқигани чиндан ҳам ҳақиқатга яқин эди. Мени янгиликлар кутяпти, бу тўғри. Остингга сув қуяётганлари ҳам тўғри. Бироқ бу нобоп вазиятдан эсон-омон қутулиб чиқишимга имоним комил эди. Эҳтимол Австралияга жўнаб кетарман. Лўли хотин бу тўқимасини неча марталаб қайтарган, албатта. Балки шу бугуннинг ўзида бу сўзларни бошқа одамга ҳам айтгандир. Мендан кейин ҳам балки худди шундай дер. Аммо унинг тўқимаси бошимдан ўтаётган воқеаларга тўғри келганини қаранг!

Рус бозорида биз узоқ турмадик. Бу ерда бирон қизиқ нарса ҳам йўқ. Асосан, озиқ-овқатлар — гўшт, сўт, мева, қовуи-гарвуз билан савдо қилишаётган эдилар... Текин бозори бошқа гап! У ерда ҳар бир қадамда қадимий шарқ ҳаётининг ажойиботларини учратиш мумкин. Шунинг учун ҳам Қорабоғ масжидига етгач, орқага қайтиб, кучанлар карвон саройини четлаб, «битли бозор» томон юрдик. Ҳа, Асхободда шунақа бозор ҳам бор эди. Бу ерда ҳар хил қақир-қуқур, эски-туски, латта-путталарни сотишарди. Бутун шаҳардан чувриндилар, қашшоқлар, майиб-мажруҳлар шу ерга йиғилишарди. «Битли бозор» ҳаммоллар, асосан форслар ва курдлар йиғиладиган жой эди.

Биз карвон саройдан ўтгач, унинг ёнидаги чойхонадан комендант Гаррисон чиқди. Унинг орқасидан бир неча ҳинд солдатлар келишарди. Комендант баланд овозда сўкинарди. У бизни кўрмади, биз ҳам уни кўрмагандай ўтиб кетдик. Элен кўзлари билан карвон сарой дарвозасига ишора қилди-да, шикоятмуз гапирди:

— Ҳиндлар казармадан чиққан замоно шу ёққа чопадилар. Аввал чойхонага киришади. Сўнгра юқорига кўтарилиб, у ерда саёқ хотинлар билан кўнгил очадилар. Генерал уларни казармадан чиқаришни ман этган. Барибир, қаранг, қочишипти.

Бир гал мен «битли бозорда» ажойиб томоша устидан чиқиб қолдим: ҳаммоллар икки тўдага бўлиниб, муштлашишарди. Бу машҳур гладиаторлар жангидан сира қолишмас эди. Бўзбола йигитлар бақириб, бир-бирларининг устларига ташланишар, оғир паланлар<sup>1</sup> қўлдан қўлга ўтиб, бақувват муштларнинг бўғиқ гурсиллаган овози узоқдан ҳам қулоққа чалинар эди. Бироқ ҳеч кимнинг қўлида пичоқ кўринмас эди. Балки, шунинг учундир, уришаётганларни ўртасига ҳеч ким тушиб ажратмас, аксинча, томошабинлар, полициячиларгача бақириб, уларни гиж-гижлатишарди. Ниҳоят бутун Асхободга таниқли каллакесар Иброҳим гочи<sup>2</sup> келиб, белидан тўппончасини чиқариб, ҳавога қараб ўқ узди. Шу заҳоти ҳаммоллар тинчишди. Иброҳим гочи одамлар тўдасини итариб қичқарди:

<sup>1</sup> Палан — ҳаммоллар оғир юкни орқалаганда елкаларига қўйдиган ёстиқча.

<sup>2</sup> Гочи — довяорак, жасур (туркм.).

— Аҳмоқлар! Яратган эгам сизларни бекорга ҳаммол қилиб қўймаган экан. Нимага қутуриб қолдиларинг? Уришқоқлар индамасдилар. Уларнинг ҳам ўз жаноблари, йўлбошчилари бор эди.

Бу гал бозор тинч эди. Ҳаммоллар кунгайда секин гаплашиб ўтиришарди. Баъзилари бир чеккага чиқиб олиб, чувриндиларини битдан тозалашарди. Мен улардан бирини Эленга кўрсатиб, кулиб гапирдим:

— Ана унинг қилаётган ишини қара... Бу бозорни бекорга битли дейишмаган!

Элен худди илон теккандай сесканиб кетди. Афтини бужмайтириб, жирканиб гапирди:

— Бошқа кўрсатадиган нарса қуриб кетдими сизга ҳам?

Текин бозори туркманларники эди. Бу ерда нималарни сотишмайди дейсиз! Бу бозорда истаган нарсангизни: ўтин ва сомондан тортиб, қўй ва туягача топишингиз мумкин эди. Мен гилам қаторини айланишни яхши кўрардим. Бу гал ҳам дастлаб ўша ёққа боришга қарор қилдим.

Аммо, негадир, гилам қаторлари деярли бўшаб қолган эди. Сотувда пати кетиб қолган палослар, жувол ва тўрбадан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Илгарилари бу ердан истаган, ҳатто энг қимматбаҳо гиламни ҳам олиш мумкин эди. Соқол қўйган туркманлар елкаларига ранг-баранг гиламларни ташлаб олиб, бозор кезишарди. Дўконлар ҳам тўла эди. Энди у ерда ҳам арзигулик бирон мол йўқ эди.

Элен ҳозиргача гилам бозорига келмаган экан. Унга бозорнинг бўм-бўш бўлиб қолгани сабабини тушунтиришга тўғри келди. Шу пайт қора тўн кийган, чўққи соқол бир киши бизга яқинлашиб, рус тилида сўради:

— Гилам олмоқчимисизлар?

Мен чўнтакка инглиз миссиясининг ярим дюжина қоғоз пулларини солиб олиб, гилам бозорига келишнинг ҳожати йўқлигини яхши тушунардим. Аммо барибир жиддий туриб жавоб бердим:

— Ҳа, гилам сотиб олмоқчи эдик. Аммо кўринмаяпти.

— Гилам керагидан ҳам мўл. — Чўққи соқол виқор билан туриб, қўлидаги тасбеҳ доналарини шошилмай тушириб кулди, сўнгра у савдогарларга хос синчковлик билан мени кўздан кечиргач, сўради:

— Гиламга қанақа пул тўламоқчисизлар?

Мен чўнтагимдан муҳри босилган қоғозларни чиқариб, унга кўрсатдим:

— Мана бу пулларни.

— Хи-хи-хи!— чўққи соқол ўкинчини яширмай кулди.— Бу пулга сизларга ҳатто супурги ҳам сотишмайди! — Нега?

Чўққи соқол энди жиддий туриб гапирди:

— Агар чиндан ҳам гилам сотиб олмоқчи бўлсаларинг инглиз фунтларини чиқаринглар... ёки долларини... Ёки жуда бўлмаганда Эрон қиронларини...

Қаёқдандир нафаси бўғзига тиқилиб капитан Тиг-Жонс келиб қолди. У мени бир чеккага олиб чиқиб гапирди:

— Генерал телефон қилди. У сиз билан гаплашмоқчи. Ярим соатдан кейин яна телефон қилади.

Чўққи соқол капитанни билар экан. Унга одоб билан эгилиб салом берди. Мен миссияни муҳри босилган қоғозларни яна бир марта кўрсатиб, ҳазиломуз сўрадим:

— Демак, бу пулларга ҳеч нарса сотиб олиб бўлмайди дегинг?

Чўққи соқол икки қўлини кўксига қўйиб, бошини қуёи солди:

— Бўлади! Сизга — бўлади!

## 27

Мен генерал Маллесонни бу қадар ҳаяжонланган ҳолда сира кўрмаган эдим. У қалтирар, ҳатто энгаги ҳам титрарди. У кабинетга кириб улгурмасимдан жаҳл билан гапира бошлади:

— Машҳаддаги суҳбатимиз эсингиздами, муҳтарам полковник? Ушанда нима деган эдим? «Мукофот кутманг... Бизга бахт кулиб боқиб, операция муваффақият билан якунланса, уни бўлишиб олишга шай турган одамлар талайгина топилиб қолади. Бироқ омадингиз келмаса... Унда ҳамма бизга ташланади...» Ушанда мен шундай деган эдим. Худди шундай бўлиб чиқди. Хўш, сиз бунга нима дейсиз?

Мен генералнинг нега бу қадар ҳаяжонланаётганини билар эдим. Уни тинчлантиришга ҳаракат қилдим:

— Бекорга ташвишланаяпсиз, деб ўйлайман. Биз қўлимиздан келадиган ҳамма ишни қилдик. Ҳеч ким бундан

ортиқ иш қилолмасди. Бунга қўмондоннинг ҳам, бошқаларнинг ҳам имони комил.

— Бошқаларнинг?— Маллесон мени диққат билан кўздан кечирди.— Йўқ, полковник... Хато қиялпсиз! Сиз ҳозир эшитадиганингиз қувноқ куйнинг бир қисмигина, холос. Сизга уни у ёқда, Лондонда тўла эшиттиришади. Ҳа, ҳа... Иш фақат таъналар билангина тамом бўлади, деб ўйламанг.

Элен кирди. У Маллесоннинг олдига напкани қўйиб, гапирди:

— Большевиклар Оренбургни ишғол этишингиз!

Генералнинг биқинига биров нима тиққандай бўлди. У тезгина Элен томон бурилиб, қайта сўради.

— Нима? Оренбургни ишғол этишингиз?

— Ҳа, юқоридаги телеграмма шу ҳақда.

Тўғриси айтганда, мени ҳам совуқ тер босди. Оренбург бамисоли пробка эди. Эндиликда ана шу «Оренбург пробкаси»нинг барбод қилиниши, Туркистоннинг Россия билан боғланиши биз учун қаттиқ зарба эди. Большевиклар Оренбургга икки ёқдан ҳужум қилишгани маълум эди. Бироқ уни шу қадар тез емирилади, деб хаёлимизга ҳам келтирмаган эдик. Бунинг устига биз Дутов армияси Америка ва Япония найзалари ёрдамида Москвага етиб боради, деб умид қилган эдик. Тўсатдан мана бунақа хабар! Бундай бўлиши, албатта, сира кутилмаган ҳол бўлди.

Эшикни секин очиб генерал Мильн кирди. Биз ҳаммамиз оёққа турдик. Қўмондон биз билан қўл бериб кўришгач, Маллесонга мурожаат қилди:

— Қандай янгиликлар бор, жаноб генерал?

Маллесон индамай телеграммани узатди. Қўмондон уни диққат билан ўқиб чиқди.

— Қани, келинглар, гаплашиб олайлик,— деди у совуққонлик билан ва стол ортига ўтиб ўтирди.

Элен эшик ортида кутиб турган офицерларни чақирди ва соат ролпа-роса ўнда йиғилиш бошланди.

Генерал гапни большевикларнинг Оренбургни ишғол этганидан бошлайди, деб ўйлаган эдим. Бироқ у бундай қилмади, телеграммани бир чеккага суриб қўйди-да, генерал Биттига мурожаат этди:

— Генерал! Даставвал сизни эшитмоқчиман.— Генерал Битти ўрнидан туриб, қоматини ростлади. Мильн уни диққат билан кўздан кечириб, сўзини давом эттирди:—

Мени битта масала қизиқтиряпти. Сўнги оператив плад бўйича Туркистонда большевикларга қарши қатъий умумий ҳужум март ойининг ўрталарига белгиланган. Сизнингча, ҳужумга ўтиш учун Закаспий фронтида қандай имкониятлар бор? Дурустроқ натижага эришиш мумкинми?

Битти жангларда чиқиққан тажрибали генерал Закаспийга у ўтган йилнинг охирида келган эди. Мильн биринчи ўшанга мурожаат қилгани бежиз эмас. Закаспий фронтини аслида ўша бошқараётган эди.

Кабинетга жимлик чўкди. Барча ўтирганларнинг диққат-этибори генерал Биттига қаратилди. У анчагача индамай турди. Сўнгра эсанкираб Мильнга қаради:

— Очигини айтганда, мен бу саволга аниқ жавоб беришдан ожизман!

Генерал Мильн илжайди:

— Ола! Сиз ожиз бўлсангиз, унда ким жавоб беради?— Генерал Битти индамади. Мильн овозини бир оз баладлатди:— Бу ерда ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Масала аниқ. Биринчидан: сиз белгиланган вақтда ҳужумга ўта оласизми ёки йўқ?

— Мавжуд кучлар биланми?

— Турган гап... Қўшимча кучга умид боғламанг.

— Унда биз ҳужумга ўтиш у ёқда турсин, ҳатто ҳозирги позициямизни ҳам сақлаб қололмаймиз.

— Нега?

— Чунки куч етарли эмас.

— Етарли эмас деганингиз нимаси? Бизнинг қисмларимиз... Рус қўшинлари... Туркманлар... Хива, Бухоро, Фарғона... Булар етарли эмасми?

Шундан сўнг генерал Битти ишонч билан гапирди:

— Бизнинг қисмларимизнинг номигина қолган, холос. Ҳозир Закаспийда бизнинг икки мингга яқин пиёда аскаримизу уч эскадрон отлиқларимиз бор. Асхободда беш юзтача, Марвда уч юзта солдатимиз турипти, қолганлар фронтда.

— Русларда қанча?

— Икки мингдан ортиқ.

— Туркманлар қанча?

— Уларни ҳисобга олиш қийин. Бир қарасангиз, уч-тўрт минг отлиқ бўлиб кетади, бир қарасангиз тўрт юзга ҳам бормайди.

— Нега?

— Тартиб йўқ. От чолиш, қиличбозликка удар моҳир. Жасур кишилар. Аммо ҳар бири ўзига султон. Бунақа уюшмаган халқни биринчи бор кўряпман. Ҳатто Уроз сардорга ҳам бўйсунинмайди. Қисқаси, руслар билан туркманларга ишониш қийин. Равнина ва Анненково станциялари оралигида бўлган охирги жанглар яна бир қарра шуни кўрсатдики, агар биз, курашнинг барча қийинчиликларини бўйнимизга олмасак, унда маҳаллий кучларнинг ўзи билангина ҳеч нарса қилолмаймиз.

— Шошманг, шошманг, генерал!— Генерал Мильн ўрнидан туриб, Биттига яқинлашди, унинг олдида тўхтаб, диққат билан кўздан кечирди.— Демак, сизнингча, агар биз Закаспийга қўшимча куч ташламасак ва жангларнинг асосий оғирлигини бўйнимизга олмасак, душман билан тенг келиб бўлмайди... Шундайми?

— Ҳа!— дея қатъий жавоб берди Битти.— Агар вазият ўзгармаса, ўзимиз зарбага учраймиз!

Генерал Мильн Маллесонга мурожаат қилди:

— Сиз генерал Биттининг фикрига қўшиласизми?

Узоқ давом этган жимликдан сўнг Маллесон жавоб берди:

— Фақат маҳаллий кучлар билангина большевикларга бас келиб бўлмайдиганга ўхшаб турибди. Бироқ бу кучларни ҳисобга олмаслик ҳам мумкин эмас. Уроз сардор баҳоргача камида йигирма минг отлиқ йиғишга ваъда берапти. Меньшевикларнинг отрядларини ҳам мустаҳкамлаш мумкин.

— Улар нимани кутиб туришибди?— дея асабийлашиб сўради генерал Мильн.— Менга юборилган маълумотларга қараганда, фақат Асхободнинг ўзида ўттиз мингдан ортиқ аҳоли бор. Меньшевикларнинг солдати эса ҳатто икки мингга ҳам етмайди. Нега?

Маллесон индамади. Унинг ўрнига капитан Тиг-Жонс жавоб берди:

— Закаспий ҳукумати бир неча марта умумсафарбарлик эълон қилди. Аммо чақирув пунктларига ҳеч ким келмади. Армияда хизмат қилгандан кўра, қамоқхонада ётишни афзал деб билишяпти. Узоқ кетмайлик, кечанинг ўзида мен шу ҳақда дўстларимиз билан гаплашдим. Улар аниқ бир нарса деёлмаяптилар.

Сўнгра генерал Мильн менга сўз берди. Уни бухорликлар ва хиваликларнинг реал имкониятлари қизиқтира-

ётган эди. Мен сафарим тўғрисида қисқа маълумот бердим. Охирида эса, амир Саид Олимхондан ҳам, Жунаиддан ҳам арзийдиган ёрдам кутиб бўлмаслигини айтдим.

Мендан кейин майор Лестер гапирди. У ҳинд солдатлари ўртасида бошвоқсизлик авжига чиқаётганини, бир ҳинд офицери, маълум бўлишича, ҳатто большевиклар билан алоқада экан. Темирийўлчилар иши билан шуғулланаётган капитан Кинг темир йўлда қўпоровчилик кучайиб бораётганини, меньшевиклар ва эсерларнинг обрўси ишчилар оммаси ўртасида тобора тушиб кетаётгани ҳақида маълумот берди.

Қўмондон яна генерал Биттига мурожаат этди. Битти, афтидан, қандай қўшимча кучлар ҳақида сўз бўлиши мумкинлигини олдиндан кутган экан шекилли, у лўнда қилиб жавоб берди:

— Оператив планни амалга ошириш учун қўшинларимиз ва қурол-яроқларимизни камида беш баравар кўпайтиришимиз керак. Уларга яна ўн тача аэроплан, йигирматача танк бериш лозим. Артиллерияни кучайтириш зарур. Мен маҳаллий кучлар танқислигини айтаётганим йўқ. Гап ўзимизнинг қўшинларимиз ҳақида боряпти. Яна кўп нарса Еттисув фронтига боғлиқ. Агар Дутов қўшинлари Тошкентни тезроқ ишғол этолса, бизнинг ишимиз тез орада енгиллашади.

Генерал аччиқ киноя билан кулиб, бир чеккада ётган телеграммани қўлига олиб, гапира бошлади:

— Мана бу сўнгги хабар... Большевиклар Оренбургни ишғол этишпти!

Офицерлар шивирлашиб қолишди. Генерал Биттининг қиёфаси ўзгариб, оғир хўрсинди:

— Агар бу хабар рост бўлса, унда вазият тубдан ўзгаради. Биз оператив планни атаман Дутов Тошкентга қарши кескин ҳужумга ўтишига, Осипов ичдан зарба беришига, Фарғона, Хива бир вақтнинг ўзида оёққа туришига умид боғлаб тузганмиз. Оренбург қўлдан берилган бўлса... Белгиланган вақтдан олдин кўтарилган Осипов исёни бостирилган бўлса... Бухоро билан Хивадан дурустроқ ёрдам олинмайдиган бўлса... унда кимга таянмоқ керак? Қандай қилиб большевикларга қақшатқич зарба берилади? Йўқ, бунақа масъулиятни бўйнимга ололмайман!

Маллесон қўрғошиндай вазминлашган кўз милклари-

ни секин кўтариб, генерал Биттига еб қўйгудек бўлиб қаради:

— Руҳингиз жуда эрта тушяптими дейман, жаноб генерал?

Битти қатъий жавоб берди:

— Уйлайманки, большевикларга бўлган нафратимиз вазиятни тўғри баҳолашимизга халақит бермаслиги керак. Уроз сардор йигирма минг отлиқ йиғди, деб фараз ҳам қилайлик... Улар билан ҳужумга ўтиб бўладими? Ахир улар уюшмаган ёввойилар тўдаси-ку! Улар ўртасида тартиб ўрнатиш учун камида ярим йил керак бўлади. Биз эса узоғи билан бир ярим ойдан сўнг қатъий ҳужумга ўтишимиз керак. Шу ақлга тўғри келадиган гапми?

Генерал Мильн мунозара одоб доирасидан чиқиб кетишидан қўрқди шекилли, қўлини кўтарди:

— Генерал Битти ва полковник Форстердан бошқа ҳаммага жавоб!

Биз қолдик. Ҳаммамизнинг чехраларимиз тунд, айниқса Маллесон маънос эди. Генерал Биттининг тўғридан-тўғри берган жавоби, афтидан, унинг аламини янгилагандай бўлди. У кибр билан гап бошлади:

— Арабларда: «Қувганда қочиб қутулиш ҳам — жасорат», деган мақол бор. Биз ҳам шу мақолга амал қилишимизга тўғри келади.

Қимга таъна қилинаётгани аниқ эди. Маллесон Закаспий фронтини кенгайтириш, ғалаба қозонгунча урушиш тарафдори эди. У зўр иштиёқ билан шон-шуҳрат орзу қиларди. Албатта, шон-шуҳратни иштиёқ билан кутаётганлар ёлғиз унинг ўзи эмас. Операциянинг муваффақиятли яқунланишини ҳаммамиз орзиқиб кутаётган эдик. Бироқ истакдан бошқа сира четлаб ўтиб бўлмайдиган объектив реаллик ҳам бор. На чора!

Реал шароит бизнинг манфаатларимизга зид, оғир вазиятда қолдик. Мен бу ҳақдаги фикримни қўмондонга айтган эдим. Закаспийга яқин орада катта куч юборилмаса ишларимизнинг барбод бўлиши хавфи бор, деб унга очиқ гапирдим.

Худди шунинг учун генерал Битти ҳам очиқ гапирди: у дастлабки қадамдаёқ тор-мор бўлишни истамади, мушкул аҳволга буткул тушмай, ўзини хавфдан холи қилмоқчи бўлди. Маллесон эса у тутган йўлни ўзича тушунди. Маллесоннинг фикрича, Битти ҳам давлат орттирмоқчи, ҳам мусичаи бегуноҳ бўлиб қолмоқчи...

Қўмондон Биттини қўллаб-қувватлади:

— Генерал Битти ҳақ: большевикларга бўлган нафратимиз вазиятни тўғри баҳолашимизга халақит бермаслиги керак. Аҳвол эса яхши эмас. Шамолнинг йўналиши ўзгарди. «Туркистон ҳарбий ташкилотига» ишонган эдик — натижа чиқмади. Осипов шароитни ўзгартиради, деб умид боғладик... Кўриб турибсиз, у ҳам шармандаларча шаталоқ отди. Хўш, Фарғона босмачиларини ҳисобга олмаганда эндиликда Туркистондаги қайси кучга таяниш мумкин? Бухоро ва Хивадаги аҳвол ҳақида полковник Форстер гапирди. Бухороликлар ва хиваликлардан ҳам жиддийроқ бир нарса кутиб бўлмайди. Сизларни атаман Дутов қўллаб-қувватлаши керак эди. Бироқ ҳозир унинг аҳволи сизларникидан дуруст бўлмаса керак, деб ўйлайман. Маҳаллий ўртоқлар, очигини айтсам, менга унчалик ёқмаяпти. Хўш, нима қилиш керак?

Қўмондон нафас ростлаб, сўзини давом эттирди:

— Бир-бирига тамоман зид икки йўлдан бирини танламоқ лозим: ё кенг фронт бўйлаб чинакамига жанг қилиш, ёки кутилмаган воқеалар қурбони бўлишдан олдин зудлик билан чекиниш керак. Оғир аҳволдан қутулишнинг энг яхши йўли, ғалабага эришгунча урушни давом эттириш, албатта. Бу фикр тарафдорлари, яъни урушни давом эттириш тарафдорлари на фақат бизнинг орамызда, балки Лондонда бугунги сиёсатимизни белгилаб бераётган кишилар орасида ҳам бор. — Генерал гарчанд Уинстон Черчиллни атамаган бўлса-да, ҳаммамиз гап биринчи навбатда ўша ҳақда бораётганини тушундик. — Аммо, келинг, яхшиси вазиятни тўғри баҳолайлик. Чинакамига жанг қилиш учун камида ярим миллионлик армия зарур. Акс ҳолда биз кенг фронт бўйлаб ҳужумга ўтиш у ёқда турсин, ҳатто большевикларга қарши бўлган маҳаллий кучларни батамом барбод бўлишдан ҳам сақлаб қолмаймиз. Бунча армияни қаёқдан олиб бўларди? Кимга умид боғлаш керак? Дўстларимизгами, иттифоқчиларимизгами? Франциягами? Америкагами? Сизларга очигини айтсам, улар бу ишга жиддий аралашини истамайдилар. Бизни олдинга ўтқазиб қўйиб, бутун оғирликни елкамизга ташламоқчилар. Дўстликка дўстлару... Аммо ҳаммаларининг ўз мўлжаллари, режалари бор. Улар учун ўлиб-қутулиб ишлашимизни истайдилар! Масаланинг бир томони шунақа. Шунини ҳам эътиборга олмай бўлмайдики, рус халқи бизни унчалик хуш кўрмайди, бизни халоскор-

лар сифатида кутиб олмаяпти. Аксинча, ишончсизлик билан қараяпти, бизнинг тимсолимизда эскилик ҳимоячилари, бурди кетган режим тарафдорларини кўришяпти. Бу эса ўз навбатида оддий кишиларнинггина эмас, балки ўқимишли кишиларнинг ҳам ватанпарварлик туйғусини оширяпти. Бунинг устига яна шуни ҳам айтиш керакки, большевизм ёнғини Европага ҳам тарқалмоқда. Лондондан, Париждан, Венадан ташвишли хабарлар келиб турипти. Урушдан чарчалган... Моддий қийинчиликлар... Қашшоқлик... Мана, буларнинг бари большевизмнинг ёйилиб кетишини енгиллаштирмоқда. Армияни бузаяпти. Бошбошдоқлик кайфиятини кучайтирмоқда. Мустамлакаларда пишиб етилаётган бўронлар ҳақида гапирмай қўя қолай. Шундай қилиб, ўз-ўзидан савол туғилади: бундай шароитда нима қилиш керак? Жанг қилиш керакми ёки чекиниш?

— Ҳозирги шароитда чекиниш — бу большевизмга тўғридан-тўғри оқ фотиҳа беришдир! — деди генерал Маллесон норозилигини яширмай.

— Йўқ! — деб жавоб берди қўмондон овозини бир оз кўтариб. — Большевизм қулайди, бунга шак-шубҳа йўқ! У худди эски чор режими қулагандай қулайди. Россияда эски режимнинг бурди кетиб қолганининг сабаби нимада! Бунинг сабаби оддий: у яшаш қобилиятидан маҳрум бўлган эди. У урушнинг сўнгги босқичида содир бўлган мураккаб масалаларни ҳал этишга ожиз эди. Большевикларнинг тақдирини ҳам худди шундай бўлади. Тартибсизлик. Очлик. Совуқ. Советлар бу ўлим ботқоғидан эсон омон чиқиб олишса, мўъжиза бўлур эди. Большевизмни Россия чегарасида сақлаб туриш... Очлик ва совуқдан унинг тинка-мадорини қуриштиш... Уни тамоман муваффақиятсизликка учратиш... Менинг назаримда, ҳозирги аҳволдан қутулишнинг бирдан-бир йўли шу.

Генерал Маллесон киноя билан кўлди:

— Санитария соқчилари билан большевизмдай даҳшатли маразнинг йўлини тўсиш мумкинлигига ишониш қийин.

— Хўш, бўлмаса нима қилиш керак? — Энди қўмондоннинг овозидан асабийлашаётгани билинарди. — Жанг қилиш керакми? Интервенция доирасини кенгайтириш керакми? Узоқни кўролмайдиган одамларгина шундай ўйлашлари мумкин. Биз большевизмга қарши кучларга пул ёрдами беришимиз мумкин. Уларнинг армияларини

ҳозирги замон яроқлари билан қуроллантиришимиз мумкин. Бухоро ва Хивада қилинаётганидай тажрибали офицерлар билан ёрдам бера оламиз. Аммо бу ерга қўшимча қисмларни бошлаб келиш?.. Йўқ! Шусиз ҳам фронтларимиз ниҳоят чўзилиб кетган. Ҳозир дунёнинг ҳамма бурчакларида британ солдатлари бор. Кучларни бу қадар сочиб юборишнинг оқибати нима билан тугагини тасаввур этиш қийин эмас. Аммо шу нарса аёнки: бу яхшиликка олиб келмайди. Шунинг учун ҳам Лондон ҳаракатдаги қўшинларни аста-секин бизнинг манфаатларимиз учун салмоқдор аҳамиятга молик бўлган марказга тўплашни талаб этмоқда. Ҳиндистон... Миср... Ҳарбий базалар... Узимиз эгалик қилаётган жойларда тартиб ўрнатиш керак. Туркистоннинг орқасидан қувиб, Ҳиндистондан ажралиб қолмайлик!

Генерал Мильн Маллесонга тикилиб қараб туриб, қўшиб қўйди:

— Йўқ, Закаспийга қўшимча қўшин тортиб келиш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Аксинча, бу ердаги қисмларни ҳам тезроқ олиб чиқиб кетиш керак!

Генерал Мильннинг кейинги сўзлари тахмин бўлиб эмас, балки буйруқ оҳангида жаранглади. Узи ҳам ортиқча баланд овозда гапириб қўйганини сизди шекилли, шоша-пиша қўшиб қўйди:

— Бу албатта, шахсан менинг фикрим. Бу фикрга ҳали Лондон қўшиладими, йўқми — бунисини айтолмайман. Аммо тушунишимча, фурсатни қўлдан бой бермай, Закаспийдан тезроқ чиқиб кетиш керак.

Мен зимдан Маллесонни кузатдим. Ҳа, кузатдим. У креслода ҳам тинч ўтиролмасди. Гоҳ бутун гавдаси билан ўзини олдинга ташлар, гоҳ орқасига суянарди. Асабини босолмаётгани, юраги қинидан чиқиб кетаётгани чехрасидан билиниб турарди. Ниҳоят, терлаган юзини артиб, жаҳл билан йўталди:

— Мен бир нарсага ҳайронман: кечагина тезроқ Закаспийга кириш керак дейилаётган эди. Бугун эса Закаспийдан тезроқ кетиш керак дейишяпти. Бу қадар шошилишга нима ҳожат бор?

— Ҳеч ким шошилаётгани йўқ! — Генерал Мильн овозини ўзгартирмай гапирди. — Сиз Машҳаддан чиққанингизда вазият бошқа эди. Ушанда большевиклар жилла бўлмаса бир йил ҳам туришига ҳеч ким ишонмаган эди. Лејин уч миллионли армия тузиш тўғрисида буйруқ бер-

ганида, биз шодон кулган эдик. Бугун эса Қизил Армия Оренбургни ишғол этганини эшитиб, бўйнимизни қаши-япмиз. Бунга нима дейсиз?

Генерал Мильн — ҳақ. Эндиликда вазият чиндан ҳам тубдан ўзгарди. Буни Маллесон ҳам тушуниб турибди, албатта. У Туркистонда таянса бўладиган етарли куч йўқлигини ҳам билади. Барибир реал воқеликка кўниккиси келмаяпти, у жуда бўлмаганда, фронтни кенгайтириб, жиддий жанг қилгандан кейингина чекинишни истагпти.

Уз ҳолича у ҳам ҳақ. Ахир: «Йиқилсанг ҳам жангда йиқил», деган гапни бекорга айтмагандирлар.

Оғир жимликни биринчи бўлиб Маллесон бузди: у ҳафсаласи пир бўлганини яширмай гапирди:

— Тантана билан келиб қасамёд этдик, ваъдалар бердик... Қалбларда умид учқунини ёқдик... Энди эса қасамёдларимизни унутгандай, орқамизга қарамай кочамиз. Йўқ, буни мен ҳазм қилолмайман!

Генерал оғир хўрсиниб, қўшиб қўйди:

— Биз кетишимиз билан Закаспийни большевиклар эгаллашади. Яна ҳамма нарса қайтадан бошланади. Шундай экан, бу от ўйинни бошлашнинг нима кераги бор эди?

Энди қўмондон овозини анча юмшатиб гапира бошлади:

— Ҳаммамиз ҳам галаба ҳақидаги хабарни жон деб эшитгимиз келиб турибди. Туркистонга Британия байрогини тикишга не етсин! Бироқ тақдир шамоли ҳаммиша ҳам биз истаган томонга эсавермайди. Ташвишланманглар. Сизларнинг ҳеч бирингизда айб йўқ. Таъбир жонз бўлса, сизлар ёмон экспедициянинг яхши солдатларисизлар, дердим. Сизлар қўлларингиздан келган ҳамма ишни қилдинглар. Қолганини Лондон ҳал қилсин!

Капитан Тиг-Жонс кирди. У қўмондонга мурожаат этди:

— Жаноб Зиминнинг ёрдамчиси келди. Закаспий ҳукумати бугун кечқурун сиз жаноб олийларининг шарафига қабул маросими ўтказиш истагини билдиряпти.

— Қабул маросими? — Қўмондон гапри табиий бир нарса эшитгандай қошларини чимирди. — Йўқ, йўқ... Бориб айтинг: тобим йўқ. Эртага эрталаб эса жўнаб кетаман. Вақт-соати келганда ўтиришамиз.

Капитан чиқиб кетгач, қўмондон очиқ гапира бошлади:

— Бу дўқондорнинг меҳмондорчилигидек гап. Бир юмка ароқ узатиб, миллионлаб пул сўрашади. Мен бўлсам пул ҳам, ваъда ҳам беролмайман. Ҳа, айтгандай борди-ю, Лондон таклифимни қабул этиб, биз Закаспийдан кетадиган бўлсак, муҳрингизни босиб, пул ўрнига чиқарган қоғозларингизни қандай қилиб йиғиб оласиз? Ахир уларга нақд пул тўлашингиз керак-ку...

Жавоб бўлмади.

Қўмондоннинг Закаспийдан мумкин қадар тезроқ чиқиб кетиш ҳақидаги фикри оқилона эди. Аммо шунга қарамай, мен Маллесонни қўллаб-қувватлаб гапирдим:

— Закаспийни ташлаб кетишимизни тасаввур этиш жуда қийин бўляпти, жаноб олийлари. Гап берган ваъдаларимиздагина эмас. Ташвишга соладиган бошқа муҳимроқ сабаблар бор. Даставвал шу нарсани унутмаслик керак: большевиклар Закаспийни ишғол этган кунни Бухоро ҳам, Хива ҳам қулайди. Даҳшатли ёнғин чегаранинг нарёғига ўтиб кетганини сезмай ҳам қоламиз. Туркистон — большевиклар учун таянч, улар узоқни мўлжалга олишяпти. Дўстларимизнинг айтишларича, Туркистон масаласи билан Лениннинг ўзи шуғулланаётган экан. Шунинг учун биз ҳам бу масалага жуда эҳтиёткорлик билан ёндошмоғимиз керак. Шарқдаги сиёсатимизнинг тақдири, менимча, Ҳиндистонда эмас, балки Туркистонда ҳал этилиши керак!

Маллесон гапларимни қизғин маъқуллади:

— Тўғри, полковник. Жуда тўғри!

Генерал Мильн ўрнидан туриб қатъий гапирди:

— Мен ўз фикримни айтдим. Сизлар ҳам шундай қилишларингиз мумкин. Сизларнинг фикрингизни Лондонга юборадиган маълумотномамга киритаман. Қандай жавоб келишини кутамиз. Бироқ бизнинг гапларимиз ҳақида ҳозирча одамларингизга ҳам, дўстларингизга ҳам ҳеч нима деманглр. Бу — буйруқ!

Генерал шонилмай чиқиб кетди. Биз бир-биримизга савол бергандай жим қараб қолдик.

28

Арслонбеков билан хайрлашиб, энди шомликка чиқиб кетаман деб турган эдим, навбатчи офицер кириб, Екатеринбургнинг келганини айтди. Унинг нимага келганини

314

билиб турибман, ҳатто суҳбатимиз кўнгилдагидек хотималанмаслиги ҳам маълум эди. Бироқ нима бўлганда ҳам уни қайтариб бўлмас эди, шунинг учун унинг олдига ўзим чиқдим.

Екатерина ғазабланган, юзи ёнар эди. У креслога ўтиргач, зўрга нафасини ростлаб, анчагача индамай турди. Мен ҳам атайлаб, ундан ҳеч нарса сўрамай ўтиравердим. Ниҳоят, у секин кўзларини кўтариб, менга ўтли нигоҳини ташлади:

— Борис Евгеньевични нега фронтга жўнатдингиз?

— Кимни?

— Борис Евгеньевични... Эримни...

— Ким юборипти?

— Сиз!

— Йўқ, Кэт... Бу масалада мутлақо менинг алоқам йўқ. Аммо, айтингчи, қачондан буён у сизнинг эрингиз бўлиб қолди?

— Уша кечадан бошлаб. Сиз кетишингиз билан мен розилик бердим.

— Жуда саз иш қилибсиз. Табриклайман! Чин қалбдан табриклайман! Бироқ, афсуски, сизга сира ёрдам беролмайман. Маҳаллий аҳолини армияга чақириш масаласи билан ҳукумат одамлари шуғулланишади. Ушаларга мурожаат қилинг.

Екатеринанинг ҳатто нафаси тиқилиб қолди. Мени сира тушуниб бўлмайдиган ғалати бир туйғу қамраб олди. Унга бир томондан раҳмим келарди-ю... Аммо нима бўлганда ҳам Екатерина бир оз ҳовридан тушиб гапирганида, балки тинчланардим. Мен у билан самимий гаплашишни жуда истаб турган эдим! Унинг чеҳрасидан кўз узмай турдим. Ҳаяжонланяпти шекилли? Қани, балки тўлқинни тўлқин билан қайтариб бўлар!

Екатерина яна қалтироқ овозда гапира бошлади:

— Бунақа йўл билан натижа чиқаролмайсиз!

— Қанақа йўл билан?

Екатерина ерга қаради.

— Сиз янглишяпсиз, хоним. Сизга нисбатан яхшиликдан бўлак ҳеч қандай ниятим йўқ.

Екатерина ўрнидан тура солиб, эшикка отилди. Мен уни тўхтатиб ўтирмадим.

У кетди, мен эса шомликка жўнадим. Шу орада Элен келиб, бизни арманлар клубида кутишаётганини эслатди. Одобли қизлар институтининг кечаси тайинланган

315

эди. Элен бунақа кечаларга илгари ҳам борган. Унинг айтишича, у ерда кўнгил чигилларини ёзса бўларкан. Мен ҳам бир оз ўзимга келмоқчи эдим. Ахир келганимдан буён бирор осуда дам йўқ, доим бир ташвиш чиқиб туради. Кирсанов тарихининг ўзини олиб кўринг! Яхшиямки ҳамма нарса кўнгилдагидек тугади. Арслонбеков ўзи топган матоҳини ўз қўллари билан нариги дунёга гумдон қилди. «Кези келганда шайтонга ҳам панд берамиз»,— деган гап бор. Кирсанов душман бўлса-да, бироқ катта жасорат кўрсатди. Жойи жаннатда бўлсин!

Сўнги кунлар айниқса серташвиш бўлди. Генерал Мильн нухаси кам топиладиган безовта бошлиқлардан экан: Асхободда бўлган кунлари у ўзи ҳам ухламади, бизга ҳам уйқу бермади. Топшириқ устига топшириқ, мажлис устига мажлис... Ниҳоят бугун тонг отарда Красноводскка жўнаб кетди. Энди дам олса бўлади.

Биз машинага ўтирганимизда, комендант «одобли қизлар» кечаси велосипедчилар клубига кўчирилганини, шу муносабат билан бир оз кечроқ бошланишини айтди. Мен шу пайтдан фойдаланиб генералнинг олдига киришга қарор қилдим. У кабинетда ёлғиз эди. Мени кўриб, ўрнидан турди ва кулиб сўради:

— Нега бормадингиз?

— Ҳозир кетамиз... Кечани велосипедчилар клубига кўчиришипти. Шунинг учун бир оз кечикаркан.

— Екатерина билан учрашасизми?

— Йўқ.

— Нега?

Мен генералга Кэт билан бўлган гапларни айтдим. У мени қизиқиш билан тинглади ва хиёл жилмайиб деди:

— Омадингиз келмаяпти шекилли. Нима иш қилмайлик, ўзимизга зиён бўлиб чиқяпти!

Генерал чекди ва жилмайганича сўзини давом эттирди:

— У самимийлигингизга шубҳа қилгандир, деб ўйлайман.

— Йўқ, менимча, жиддий тарзда ишонди.

— Унда ишларингиз чатоқ. Йўқотган севгига мотам тутиб юрмасангиз ҳали.

— Хо-хо-хо!— Мен унинг кайфиятини бузгим келмади.— Демак, севги ҳам ўлар экан-да?

— Буни сиз мендан кўра дурустроқ билсангиз керак! Худди шу пайтда одатдагидай капитан Тиг-Жонс кир-

ди. Суҳбатимизни энг қизиқ жойида узиб, генералга аллақандай ҳужжатни узатди:

— Қаранг, нима қилишипти улар!

Генерал қоғозни олиб, шошилмай ўқиб чиқди. Ниҳоят, бирдан жаҳл билан сўқди:

— Аҳмоқлар!

Мен кўнгилсиз бир нарса бўлганини пайқаб, жим турдим. Гап нимадалигини генералнинг ўзи тушунтирди:

— Эсингиздами, бундан бир неча ой муқаддам ая у овсар Фунтиков темирйўлчилар орасига суқилиб, митинг ўтказмоқчи бўлган эди. Ўзи билан бирга бутун ҳукумат аъзоларини бошлаб борипти. Сафарбарлик ҳақида гапирмоқчи бўлган экан, аммо оғзини ҳам очиршмапти, залда тўполон, ҳуштаквозлик бошланипти. Большевикларнинг одамлари уюштиришган экан. Оғайнингиз Дохов гапирмоқчи бўлипти, аммо уни ҳам гапиртиришмапти. Охирида клубдан чиқиб кетишга мажбур бўлишипти. Минбарни большевиклар эгаллапти. Истаган нарсаларини гапирбидлар. Эртага соат иккида улар яна йиғилиш ўтказишмоқчи эмиш.

Генералнинг гўштдор юзи ғазабдан қизарди. У чўнтагидан дастрўмолини олиб, терлаган пешанасини артди-да, капитанга жаҳл билан қаради:

— Менинг буйруғимни бузишга уларга ким ҳуқуқ берипти?

Капитан рўй берган воқеага ўзи айбдор кишидай довдираб жавоб берди:

— Мен Дружкиннинг ўзи билан гаплашдим. Унинг таъкидлашича, йиғилиш ва митинглар ўтказишнинг ман этилиши ишчилар ўртасида норозилик туғдирибди, бу эса большевистик тарғибот олиб бориш учун яхши баҳона бўлипти. Кеча темирйўлчилар, меньшевиклар ва эсерларнинг тарафдорларидан катта бир тўдаси Зиминнинг олдига келиб, жуда бўлмаса кундузи мажлис ўтказишга рухсат сўрашипти. «Агар сизлар чинакам ҳукумат бўлсаларингиз, бунга ё рухсат беринглар, ёки эгаллаб турган мансабларингиздан кетинглар, ўлгага инглизларнинг ўзлари хўжайинлик қилаверишсин»,— дейишипти. Бугун ҳукуматнинг шошилиш ч йиғилиши ўтказилипти. Узоқ баҳслашувлардан сўнг шундай қарорга келишипти. Ёлғиз Дружкиннинг ўзи қарши турибди:

— Ҳмм, тентаклар!— Генерал қоғозни олиб, яна тезгина кўздан кечирди.— Қаранг, нима деб ёзишипти: «Йи-

гилишларда Закаспий ҳукумати ва бизнинг дўстларимиз инглизларнинг сиёсатини қораловчи гаплар бўлмасин...» Шундай гаплар бўлса-чи? Унда нима қилишади улар?

— Билмадим,— дея довдираганча жавоб берди капитан.

— Ҳеч қанақа йиғилиш бўлмасин! — деди генерал.

— Эрталабданоқ клубга кириладиган барча эшикларни тўсинглар. Бир кишини ҳам киритманглар!

Генерал оғир нафас олиб, анчагача кабинетида у ёқдан-бу ёққа юрди. Сўнгра менга мурожаат қилди:

— Эртага Зимин билан учрашинг. У аҳмоққа айтинг: менинг буйруқларимни бекор қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Уз вақтида Фунтиков митинг ўтказиб, нима натижага эришган эди? Зимин ҳам ундан қолишмаяпти. Ўзбилармончилик қилавермасин! Унга ҳам ёлғиз ўзини қамаб қўядиган хона топилади.

Тиг-Жонс гапга аралашди:

— Зиминнинг ўзи эртага олдингизга келмоқчи. Улар яна бир бемаъни иш қилишипти. Яна молия масаласини муҳокамага қўйишипти. Катта тўполон бўлипти. Охирида қарор чиқаришипти: агар биз беш кун ичида ваъда қилган маблағни бермасак, ҳукумат истеъфо беради.

— Нима-а? Истеъфо беради?

— Ҳа... Қарорни қатъий бир шаклга келтиришни Зимин билан Крутеняга топширишипти...

Генерал ғазабланганини ишора билан кўрсатди. Муштумларини сиқиб, жаҳл билан бақирди:

— Пул ўрнига улар мана буни оладилар!

Кабинетга Элен югуриб кириб, «одобли қизлар» вакили келиб, бизни кутиб турганини айтди. Мен генералдан рухсат сўраб, унинг орқасидан чиқдим.

Велосипедчилар клуби олдида бизнинг солдатларимиздан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Бироқ узоқданоқ шарқ оркестрининг овози эшитилаётган эди. Доира чертаётган созанда айниқса жон куйдирарди, — кираверишда-ёқ қаттиқ, носоз овозлар қулоқларимизни қоматга келтирди. Мени бу куйдан ҳам нохушроқ нарса таажжубга солди: кираверишда қизлар қуршовида Айрапетян тиржайиб турарди. Ажабо, у бу ерга қаёқдан келиб қолипти!

Бизни кутишаётган экан. Киришимиз билан тўрт томондан хайрихоҳлик хитоблари, «яшанглари!» деган овозлар эшитилди. Ҳамма ерда ҳозир у нозир сураткашлар аппаратларини чиқиллата бошладилар.

Айрапетян бизни аввал шу кечани уюштирган «одобли қизлар» билан, сўнгра уларнинг сахий ҳомийлари билан таништирди. Мени бир нарса ҳайратга солаётган эди: уруш давом этаётганининг аломати ҳам сезилмас, клубда осойишта дамлардаги вазият ҳукмрон эди. Кўпчилик эркаклар фракларда, аёллар — башанг кийинган. Гўё улар ўзларининг қимматбаҳо тақинчоқларини намоёйиш қилишга чиққандай, — тўғнағич ва зираклар, таппиш ва медальонлар лампаларнинг ёрқин ёғдусида ялтирарди. «Одобли қизлар»гина содда кийинишган, уларнинг устида бир хилда жигар ранг жун кўйлак. Оппоқ пешбандлар, ҳатто пошнаси баланд туфлилари ва бошларидаги лента ҳам, ҳаммаларида бир хил эди.

Мен чидаб туrolмадим, Айрапетяндан ҳазил қилиб сўрадим:

— Нима бало, большевикларнинг Оренбургни олишини байрам қиялпсизларми?

Атрофдагилар кулишди. Бироқ Айрапетян жиддий туриб жавоб берди:

— Худо хоҳласа, яқин орада большевикларнинг тамоман тор-мор келтирилгани ҳақидаги хабарни эшитиб қоламиз. Чинакам байрам ўшанда бўлади!

Ҳамма ёқдан овозлар янгради:

— Яшанг! Яшанг!

Қизлар кумуш патнисларда шампанское ва коньяк солинган қадаҳларни олиб келишди. Айрапетян иккита қадаҳ олиб, бирини Эленга, иккинчисини менга узатди. Сўнгра коньяк солинган энг катта рюмкани ўзига олиб, йиғилганларга мурожаат қилди.

— Қадрли хонимлар! Жаноблар! Қимдир: «Мингта арзимас дўстинг бўлганидан кўра, битта яхши қадрдонинг бўлгани яхши», деган экан. Бугун бизнинг яккаюягона яхши дўстимиз бор. Бу — Буюк Британия! Унинг ўғлонлари большевикларга қарши қаҳрамонона курашаётганларини ҳаммамиз билиб турибмиз! Бинобарин, шу дастлабки қадаҳни Буюк Британиянинг мағрур ўғлонлари учун ичайлик! Жаноб генерал Маллесон ва қадрдон дўстимиз полковник Форстернинг соғлиқлари учун кўтарайлик.

Залда гўё бомба портлади. Бино ҳозир қулаб кетгудай шовқин кўтарилди. Ҳамманинг кўзи менда эди. Атрофдагилар тайинлангани учун қичқираётганларини, мен тасодифан одамларнинг диққат марказларида бў-

либ қолганимни жуда яхши тушуниб турибман. Аммо шунга қарамай, ғурурланиб, юрагим тез ура бошлади. Одамнинг иззат-нафсидан кўра нозикроқ жойи бўлмаса керак!

Шовқин аста-секин тинди. Ҳамма навбати билан ёнимга келиб, қадаҳларини уриштира бошлашди. Шу пайт қора кўз, қора қош, қадди-қомати келишган бир қиз гилдиракли ва устига катта кумуш идиш ўрнатилган столчани ҳайдаб келди. Идиш бўм-бўш эди. Гап нимадалигини дарҳол тушундим. Комендант мени огоҳ-лантирган эди: тантанали кеча фронтда жанг қилаётган дашноқларга маблағ йиғиш учун уюштирилган.

Айрапетян ҳаммадан олдин чўнтагига қўл солиб, бир даста пул олиб идишга ташлади. Сўнгра қўлидаги олтин соатни ҳам ечиб идишга ташлагач, ҳаммага эълон қилди:

— Бу — бизнинг жасур жангчиларимиздан бирига совға бўлсин!

Мен ҳам қопчиғимни олмоқчи эдим, аммо Айрапетян қўймади:

— Йўқ, йўқ, жаноб полковник! Сиз — меҳмонсиз. Бу гал биз сиз учун пул йиғишимиз керак.

Мен барибир қопчиғимни олдим:

— Қора кунга яраб қолар!— дея бир неча ўн фунтли банкнотларни<sup>1</sup> олиб, идишга ташладим.

Одамлар ҳаяжонланишди. Фотоаппаратлар чиқиллаб кетди. Стол олдига аллақандай хоним келди-да, қўлидаги каттагина билагузугини ечиб, индамай идишга ташлади. Ҳаяжонли хитоблар янгради.

Гилдиракли стол аста-секин биздан узоқлашиб борар эди. Бир неча дақиқа ичида кумуш идиш лиқ тўлди. Яна вино олиб келишди, мева ва ширинликлар беришди. Вальс оҳанги янгради, танца бошланди. Айрапетян билагузугини қурбон қилган аёлни бошлаб келди.

— Энг гўзал аёлимиз ва рақс тушишга моҳир Аракса хоним!— дея одатидай қўпол кулиб гапирди Айрапетян.

Биз танишдик. Аракса хоним чиндан ҳам яхши рақс тушар экан. Бунинг устига ёқимтой суҳбатдош ҳам экан. Аммо суҳбатимиз тез узилди. Биринчи рақсдан кейин аллақадан Екатерина турган уйнинг бекаси Софья

<sup>1</sup> Банкнот — муомалада пул ўрнида юрадиган қороз.

Антоновна кириб келди. У атрофидаги барча аёллардан ажралиб турар: пошнасиғача тушиб турган узун кўйлаги бўйини янада баландроқ қилиб кўрсатар эди. Шўринг қурғур чевар буюртмасини бир оз эпакайга келтириш учун озмунча меҳнат қилмагандир. Қора кўйлак унга шу қадар тор эдики, чок-чокидан сўкилиб кетгудай эди. Сочини малла ранга бўяпти. Йўғон бўйнида, семиз қўллари ва бармоқларида брильянтлар ялтирар эди. Ҳийладан ҳолва ясашга қанчалик уринмаган бўлсин, Софья Антоновнанинг бутун вужуди унинг ёшлик баҳори аллақачон ўтиб кетганидан далолат бериб турарди. Соддароқ, табиийроқ кийинганида балки жозибалироқ кўринган бўлармиди. Аммо, афтидан, унга шундай маслаҳат берадиган одам топилмаганга ўхшайди...

Екатерина бўлмаганда мен ўша беўхшов, хўппасемизга сира эътибор ҳам бермас эдим, албатта. Бироқ ҳозир ундан баъзи нарсаларни сўрашим керак. Шунинг учун ҳам Софья Антоновна билан такаллуф кўрсатиб кўришдим. У худди эски қадронидай уялмай-нетмай менга ташланди:

— Энди, жаноб полковник, сиз билан рақсга тушаманми?

Мен розилик аломатини билдириб, индамай таъзим этдим. Атрофдагилар масхараомуз кулиб қўйишди, ҳатто кимнингдир пиқиллаганиғача яхши эшитилди. Яхшиям Элен жонимга ора кириб қолди:

— Полковникни фақат сизгагина ишонаман, Софья Антоновна! Илтимос, уни ўзингиздан йироқлаштирманг,— дея хушчақчақлик билан тайинлади у.

Оркестр чалди. Рақсга тушиб кетдик. Шеригим семиз гавдасини менга ташлаб гапира бошлади:

— Катя олдингизга бордимиз?

— Ҳа, келган эди...

— Нимага борипти?

— Эрини сафарбарликдан озод қилишни сўраб келди.

— Эрини?

— Ҳа.

— Эри ким экан унинг?

— Рассом... Сизнинг ижарачингиз...

— Хо-хо-хо!— Софья Антоновна хахолаб кулиб юборди.— Сиз ҳам шунга ишониб ўтирипсизми?

— Ахир унинг ўзи шундай деди. Нима, ёлгонми?

— Албатта ёлгон... Екатерина ҳатто уни эркак қаторига ҳам қўшмайди.

Юрагим анча тинчиди. Ўзим ҳам Кэтнинг аллақандай рассомга турмушга чиқишига ишонмаган эдим. Аммо шахсияти камситилганда иззат-нафси ақлидан устун келган одамлар кам бўлганми? Нима бўлганда ҳам Софья Антоновна сир пардасини кўтарди. Мен уни янада очиқроқ гапиришга ундаб:

— Софья хоним! Рухсат берсангиз сизга бир саволим бор эди,— дедим.— Очиғини айтинг: Екатерина нега хафа?

Сухбатдошим бир оз жим турди-да, оғир нафас олиб, тўхтади:

— Сира туйғуларингиз алданганми?

— Бу нима деганингиз? Мен атайин ўзимни содаликка солдим.—«Туйғуларингиз алданганми?..» Худо ҳаққи, бунақа гапни биринчи марта эшитяпман.

— Биринчи марта?

— Ҳа.

— Унда Катяни тушунишингиз қийин бўлади. У худди ана шу туйғулари алданганидан хафа. Агар сиз чиндан ҳам у билан ярашмоқчи бўлсангиз, куч ишлатманг, нозикроқ йўллари қидиринг. У назокатни яхши кўради. Фақат отни қамчиланг! Эҳтиёт бўлинг, кечикиб қолманг. Назаримда уни кўз остига олиб юрганлар ёлғиз сиз эмассиз.

— Нима, унинг атрофида рассомдан бошқа киши ҳам гирдикапалак бўлиб қолганми?

— Рассом — арзимаган гап... У шўрлик ниқоб бўлиб турипти. Сизнинг асосий рақибингиз, агар мен бу ишларда бирон нарсани тушунаётган бўлсам, ана шу ниқоб остига яширинган.

— Шундай денг?

— Ҳа, ҳа...— Софья Антоновна овозини пастлатди ва сирли оҳангда гапирди:— Катя кечалари тез-тез гоёиб бўлиб қоляпти, баъзан жуда кеч қайтяпти. «Қаерда эдинг?!» деб сўрасам: «Дугонамникида», деб жавоб беради. Аммо дугонаси билан таништиришни қанчалик илтимос қилмай, қаттиқ туриб рад этипти. Балки ўша дугонасининг ҳам сизга ўхшаб соқол-мўйлови бордир? Хо-хо-хо!

Мен юрагимнинг аллақаерида уйғона бошлаган бе-

зовталиқни аранг босиб, ҳеч нарса бўлмагандай жавоб бердим:

— Ҳали у ёш. Қўйинг, ўйнаб олсин. Бунинг устига Катеринахоним бева, мен эса онлали киши. Унга доимий умр йўлдоши керак. Менинг эса умр йўлдошим бор. Уни ўзгартириш ниятим йўқ. Шунинг учун ўтган ишга салават, деган қарорга келдим. Энди Кэт ким билан учрашса учрашаверсин, менга барибир!

Оркестр тиниши билан Айрапетян хушомадгўёна илжайиб, менга яқинлашди. Зарур иши борлигини айтиб, нариги залга бошлади. У ерда дастурхон ёзиғлиқ эди. Думалоқ стол атиги бир печа кишига мўлжаллаб тайёрланган экан.

Тўғрисини айтсам, жамиятдан ажралгим йўқ эди. Шунинг учун останада туриб, ҳеч қандай такаллуфсиз Айрапетянга айтдим:

— Олдиндан айтиб қўяй: ишга тааллуқли ҳеч қандай гап бўлмасин. Биз бу ерга дам олиш учун келганмиз. Ишларингиз бўлса, эртага қолдиринг.

Айрапетян тепакал бошини силаб туриб, кўнглим учун кулди:

— Боқудан бир ўртоғим келган, ҳарбий киши. У сиз билан танишмоқчи эди. Балки унга жилла бўлмаса беш минут вақтингизни берарсиз?

— Полковник Хачатурян эмасми?

— Худди ўзи... Кеча тунда Боқудан келди. Жуда ақлли киши. Марказий ташкилотимизнинг кўзга кўринган раҳбарларидан. Закаспийда дашноқларнинг махсус қуролланган отрядини тузиш учун атайлаб келипти.

Полковникнинг нимага келганини билардим. Бундан атиги бир неча соат муқаддам Дружкин менга у ҳақидаги ҳамма гапни батафсил айтди. Шунинг учун қатъий жавоб бердим:

— Йўқ! Бир минут ҳам вақтимни беролмайман!

Шу пайт эшик очилиб, полковникнинг ўзи кириб келди.

\* \*

\*

Мен «одобли қизлар» даврасида узоқ ўтирмадим. Эленни қолдириб, ўзим уйга қайтдим. Хонамга кириб, каравотга чўзилдим. Хаёлимдан лақма Софья Антонов-

нанинг сўзлари нари кетмасди: «Катя кечалари тез-тез ёйиб бўлиб қоляпти, жуда кеч қайтяпти...» Қаёққа бораркин? Ким билан учрашаркин? Наҳотки биронта асхободлик хотинбоз унинг қалбига қалит топган бўлса? Қалбимнинг аллақаерида рашкка ўхшаган номаълум бир туйғу пайдо бўлиб, ташвишли ўйлар хаёлимдан нари кетмай қолди.

Афтидан, ҳаётда қалблар бир-бирига ҳамоҳанг бўлиб тепишдан кўра, алоҳида-алоҳида тепади шекилли. Мен Екатеринанинг атрофига тўр ташлаб, ҳеч нарса ни ўйламай роҳатланиб юрганымда, бундан чиқди ўзида уйғонган кучли туйғуларга забун бўлиб юрган эканда. У мендан ҳам худди шундай илиқлик, эркалаш, сезгирликини кутган, албатта. Энди эса мен уни кўриш иштиёқида ёняпман! Йўқ, «ёняпман» деган сўз ўринсиз шекилли. Мен худди шундай деб турсам, алдаган бўламан. Уни илгаригидай кўргим, у билан Машҳадда бўлганидек танҳо учрашгим келаётган эди, холос. Турган гапки, Кэт менинг эгри-бугри бўлиб кетган йўлимда учраган биринчи аёл эмас, албатта. Улар кўп бўлган... Севги йўлида номусни қурбон қилганлар ҳам, ўз номусларини сариқ чақалик қадрламаганлари ҳам бўлган. Ҳа, ҳар хили учраган... Эндиликда уларнинг қиёфалари хаёл дафтаридан ўчган, илиқ эркаланишлари совуб, йўқ бўлган. Улар ўқилган китобнинг ағдарилган варақларидай гап. Агар гап фақат ҳис-туйғулар устида борганда, Екатерина ҳам ана шундай унутилган варақлардан бирига айланарди. Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам бор. Кэт бизнинг ишимизга жуда мос тушарди. Унда, назаримда, ҳар бир йирик разведкачига хос бой маънавий дунё, ўзини табиий тута билиш хислати бор эди. Бунинг устига, ёш, гўзал... У билан бирга бўлиш, суҳбатлашиш одамга ҳузур бахш этади, ўзининг туйғуларини бошқара олади, истагига эрк бермайди. Бизнинг тилимиз билан айтганда, у ишончга қира билиш, ҳар бир қалбга қалит топа олиш хусусиятига эга. Бу эса бизнинг ишимизда бебаҳо хислат, камдан-кам учрайдиган армуғондир.

29

Бугун кун бўйи ташвиш, югур-югур билан ўтди. Кун катта ва нотинч йиғилишдан бошланди. Маълум бўли-

324

шича, большевиклар ҳинд солдатлари — сипоҳилари казармасига варақалар ташлашипти, казарма деворларига эса Лениннинг суратини ёпиштиришипти. Бу, албатта, фавқулодда воқеа эди. Маллесон деярли бутун офицерларни йиғди, биттадан чақириб, ёш боладай тергади, айниқса комендантнинг жонини олди. Йиғилиш тугаши биланоқ Элен Закаспий ҳукуматининг расмий мактубини олиб кириб берди.

Мактуб генерални тамоман эсанкиратиб қўйди. У Зиминни энг қабиҳ сўзлар билан сўқди, сўнгра унинг ҳузурига Тиг-Жонсни юбориб, шу бугуноқ ҳукумат йиғилишини ўтказишни буюрди. Йиғилишда иштирок этишни менга топширди. Фикримни бир ерга тўплаш учун энди кабинетимга кирган ҳам эдимки, Айрапетян билан полковник Хачатурян кириб келишди. Кейин Жунаиднинг бефаросат вакили — Чакан ботирни қабул қилишга тўғри келди. Ана энди қаққайма жаноблар йиғилишга боришим керак эди.

Йиғилиш шовқин-сурон билан ўтишини олдиндан сезган эдим. Ҳукумат аъзолари Британия миссияси олдига бир қатор талабларни қўйдилар. Биз жуда нари борса, ваъда қилишимиз мумкин эди. Аммо энди ваъданинг бурди қолмаган эди. Шунинг учун генералнинг ўзи Закаспий ҳукуматининг аъзолари билан учрашишни истамай, мени тиркади.

Йиғилиш белгиланган вақтнинг ўзида — кундузи соат тўртда бошланди. Ҳукумат аъзолари (тўғрироғи, қутқарув жамияти комитети аъзолари) дан фақат Ҳожимурод йўқ эди. Қолган ҳамма етиб келди. Йиғилишни комитет раиси Зимин олиб борди. Маълум бўлишича, у молия ва савдо бўйича бир неча мутахассисларни ҳам чақиртирибди. Мен унга хат ёзиб, йиғилишда ҳукумат аъзоларидан бўлак ҳеч кимнинг иштирок этмаслигини талаб этдим. Зимин сўзсиз итоат этиб, таклиф қилган одамларининг чиқиб кетишларини одоб билан сўради. Ишга киришдик. Йиғилиш бизнинг таклифимиз билан чақирилгани учун биринчи бўлиб сўзлашга тўғри келди.

Комитет аъзолари, афтидан, кўнгилга унча хуш ёқмайдиган гаплар бўлишини билганлари учун кўплар маънос, қовоқларини солиб ўтиришарди. Мен тўппатўғри ҳужумга ўтишга қарор қилдим. Папкадан бизга юборилган хатни олдим-да, овозимни баландлатмай очиқ савол бердим:

325

— Мана бу хатингиз — талабномаи ёки илтимос?  
Кўриниб турибди, гап қайси хат устида бораётганини ҳамма билгани учун суриштириб ҳам ўтирмади. Узоқ давом этган жимликдан сўнг Зимин итоаткорона жавоб берди:

— Шарқда: «Қашшоқнинг дағдағаси — бу унинг илтимоси» деган гап бор, жаноб полковник. Биз — илтимосчилар... Илтимосчиларда қанақа талаб бўлиши мумкин?

Зиминнинг киноясига мен ҳам киноя билан жавоб бердим:

— Миллионларни айлантириб турган илтимосчилардан бўлманг тагин?

Зимин жим қолди. Мен янада қатъийроқ гапира бошладим:

— Қаранг, нима деб ёзаяпсиз. «Буюк Британия ҳукуматининг вакили генерал Маллесондан ваъда қилинган пул ёрдамини тезлаштириш талаб этилсин. Буюк Британия ҳукуматининг Асхободдаги миссияси огоҳлантириб қўйилсинки, ваъда қилинган пул беш кун ичида берилмаса ҳукумат истеъфо беради ва бунинг оқибатида содир бўладиган барча жавобгарлик Буюк Британия ҳукумати зиммасига тушади...»

Мен хатни бир чеккага улоқтириб ташлаб, саволимни қайтардим:

— Бу талабми ёки илтимос?

Зимин энди анча ишонч билан жавоб берди:

— Бу, жаноб полковник, ҳукуматимизнинг қарори. Биз чорасиз ва танг аҳволда қолганимиздан сизнинг миссиянгиз орқали Буюк Британия ҳукуматини огоҳлантириб қўйишни лозим топдик. Ишонинг, аҳвол фавқулодда оғир. Икки ойдан буён ишчиларга ҳам, хизматчиларга ҳам ойлик беролмаяпмиз. Делегация устига делегация келиб турибди. Биз уларга қуруқ ваъдадан бошқа ҳеч қандай ёрдам беролмаяпмиз. Нима қилиш керак?

Ўроз сардор оғир нафас олиб, қўшиб қўйди:

— Менинг отлиқларим ҳам деярли ҳар куни тўполон қилишяпти. Сув тўғонни ўпириб кетмасдан олдин чора кўриш керак. Бўлмаса ҳамма қочиб кетади!

Мен унинг тер босган, дум-думалоқ юзига қараб гапирдим:

— Сизни йигирма минг отлиқ тўпламоқчи дейишяпти. Уларни қандай қилиб боқасиз?

Ўроз сардор такаббуруна жавоб берди:

— Керак бўлса, қирқ минг ҳам йиғаман. Аммо бир шарт билан: агар ёрдам кўрсатилса... Агар қуроол ва пул билан таъминлансам. Агар бу бўлмаса, мендан навқар талаб қилманглар!

— Сиздан ким навқар талаб қиляпти?— одоб сақлаб бирор иш чиқариб бўлмаслигини тушундим, шунинг учун қатъийроқ оҳангда гапира бошладим:— Агар ўзларингизга керак бўлмаса, борларини ҳам тарқатиб юборишингиз мумкин. Буюк Британия ҳукумати бунинг учун сизга даъво қилмаслигига кафил бўла оламан. Тарқатиб юборинг... Эртагаёқ!

Ўроз сардорнинг нафаси ичига тушиб кетди, жиноят устида қўлга тушгандай қизариб-бўзарди. Мен ўша оҳангда давом эттирдим:

— Бир нарсани унутманглар, жаноблар: сизлар биз учун жанг қилаётганларингиз йўқ. Ўз тақдирларингиз учун курашяпсизлар. Биз бу ишда ҳеч қанча манфаатдормасмиз. Сизларга иттифоқдош сифатида кўмаклашяпмиз, холос. Агар сизлар буни нотўғри тушуниб, бизнинг олдимизга аллақандай талабномалар қўядиган бўлсанглар... унда ютқазасизлар... Бизларни кўрқитяпти, деб ўйламанглар. Йўқ! Мен тўппа-тўғри гапни айтаяпман!

Ўроз сардор менга зимдан қараб, ўтирган жойида гужанак бўлиб қолди. Бир нарса дермикин деб ўйлаган эдим. Йўқ, индамади, маъноли йўталиб қўя қолди.

Дружкин сўз олди. Бу бизнинг одамимиз эди. Мен у билан учрашиб, нимани гапиришини тайинлаб қўйган эдим. Маслаҳат берганимдай, такаббурлик билан гап бошлади:

— Биз, жаноб полковник, сизга хатни йўллашдан олдин мана шу стол атрофида узоқ кенгашдик, ҳатто бир-биримиз билан сан-манга ҳам бордик. Бошқа йўл тополмаганимиздан ҳақиқий аҳволдан миссиянгизни очиқ хабардор этишга қарор қилдик. Масала бундай: агар яқин орада бизга молиявий жиҳатдан дурустгина ёрдам берилмаса, биз ҳокимият тепасида қолишга ожизмиз!

Мен Дружкинга хўмрайиб қараб қўйдим. У, албатта, бу хўмрайиш одамлар кўзи учун бўлаётганини би-

лар эди. Бизнинг яширинча гаплашиб олганимиздан ўтирганларнинг хабари йўқ эди.

Зимин Дружкинни қўллаб-қувватлади:

— Биз жаноб полковник, сиздан ҳақиқий аҳволни яширишга ҳақимиз йўқ. Агар эртага бирор қутилмаган воқеа содир бўлса, сиз биринчи навбатда биздан сўрайсиз. Қутилмаган воқеа содир бўлмаслигига эса ўтирганлардан ҳеч ким кафил бўлолмайди. Вазият жуда оғир. Аниқроғи: хатарли... Большевикларнинг аҳоли орасида таъсири кундан-кунга кучайиб борапти. Бунинг бирдан-бир жиддий сабаби — молиявий танглик. Шунинг учун аҳволни жаноб генерал Маллесонга тушунтириб қўйишингизни сиздан илтимос қиламан. Ночорликдан бонг уришга мажбур бўляпмиз!

Закаспий ҳукуматининг молиявий аҳволи жуда танглиги бизга маълум эди. Бирок унга дарҳол ёрдам бериш учун миссиямизда ортиқча пул йўқ. Ҳар гал амаллаб қутулиб келдик. Бу гал ҳам мен миссия номидан Лондонга шошилиш телеграмма юборишга ваъда бердим. Бундан ташқари, генерал Деникин олдида одам юбориб, ундан ёрдам сўрашни маслаҳат бердим. Дружкин эса, олдиндан келишиб қўйганимиздек, ички имкониятларини яна бир марта қараб чиқишни, аҳолига кўпроқ харидоргир, чунончи, керосин сингари молларни сотишни таклиф этди. Натижада икки соатдан ортиқ давом этган қизғин мунозара, умуман, тинчлик билан хотималанди.

Сўнгра мен папкадан бошқа қоғозни чиқардим-да, Зиминга тикилиб туриб, ўзимни осойишта тутишга ҳаркат қилиб гапирдим:

— Утган йили декабрь ойининг охирларида содир бўлган бемаъниликлардан сўнг шаҳарда йиғилишлар ва митинглар ўтказиш ман қилинган эди. Бу ҳақда генерал Маллесоннинг махсус буйруғи бор. Сиз бўлсангиз янги фармойиш берибсиз. Бошқача қилиб айтганда, генералнинг буйруғини бекор қилгансиз. Бунинг сабабини билсак бўладими?

Орага анчагача жимлик чўкди. Вазият яна кескинлашаётгани сезилди. Утирганларнинг юзлариданоқ ўзларини зўрға босаётганлари билиниб турар, Зиминнинг кўзлари косасидан чиқиб кетай дерди. У ҳозир алангаланиб кетса керак, деб ўйладим. Йўқ, нафасини ростлаб олиб босиқ гап бошлади:

— Менимча, бизнинг ўлкамизда жаноб генерал Маллесонни бу ерда ўтирганларчалик ҳурмат қиладиган одам топилмаса керак. Биз унинг ишончини оқлаш учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қилиб турибмиз. Ишонасизми, жаноб полковник, бир кеча-кундузда узоғи билан уч-тўрт соат ухлайман. Қолган вақтни оёқда юриб ўтказаман. Кўз юмолмайман. Уй ва ташвишлар менга тинчлик бермайди. Мана сиз: «Генералнинг буйруғини бекор қилибсиз», деяпсиз. Биз бундай қилишга ҳақимиз йўқлигини яхши тушунамиз. Аммо гап бошқа ёқда: большевиклар бу буйруқдан ўз курашларида восита сифатида фойдаланяптилар. Қаёққа бормайлик, ишчилар биздан сўрашапти: «Қани озодлик? Қани демократия? Мустақилликларингиз қаёқда қолди?» Хўш, нима қилишимиз керак? Ахир биз аҳоли орасида бўлишга мажбурмиз. Кабинетда ўтириб ишлаб бўлмайди.

Уроз сардор ўрнидан сапчиб туриб, оғзидан кўпик сачратиб гапира бошлади:

— Мен нима қилиш кераклигини айтганман, аммо яна бир марта қайтараман: демократия билан ўйнашни бас қилиш керак! Лавозимни ҳурмат қилишга мажбур этиш даркор... Армиянинг обрўсини сақлаш керак... Қўлимизда армия бор... Милиция бор... Суд қўлимизда... Қамоқхоналар — бизда... Шунга қарамай, ишчилар билан бекинмачоқ ўйнаб ўтирибмиз! Бунақаси кетмайди. Қамишни бўш ушласа — қўлни кесади! Ишчилар — қамишнинг худди ўзи. Уларнинг қонида большевикларнинг хамиртуруши бор. Сувни лойқатмоқчи бўлганларни қаттиқ жазолаш керак. Қатъийроқ ҳаракат қилиш лозим. Ҳамма нарсадан қўрқадиган бўлсак, бошқариб бўлмайди!

Зимин заҳарханда қилди:

— Сизнинг қатъий ҳаракатингиздан деҳқонлар Қорақумга қочиб кетмаяптимикин?

Жаҳли чиққанидан Уроз сардорнинг дум-думалоқ юзи пирпираб кетди. У Зиминга еб қўйгудек бўлиб қараб қўйди.

— Сен деҳқонларимнинг ташвишини чекмай қўя қол! Улар Қорақумга қочиб кетадиган бўлишса, қувиб бориб, кўзларини қиздирилган темир билан ўйиб оламан!

Жанжал жиддий тус олаётганини кўриб, бунинг олдини олдим:

— Қизишманглар, жаноблар. Бир-биримизни тушунишга ҳаракат қилайлик. Мен шу нарсани билмоқчиман: йиғилиш ва митинглар ўтказишни ман этсангиз нима бўлиши мумкин?

Ўроз сардор қалтироқ овозда бақирди:

— Ҳеч нарса бўлмайди!

Зимин яна осойишталик билан жавоб қайтарди:

— Биз, жаноб полковник, фақат касаба союзларига йиғилиш ўтказишга рухсат бердик. Ушанда ҳам ҳукуматнинг қонуний қарорларини бузмаслик шарт билан. Агар большевикларни ҳимоя этадиган, совет ҳокимиятини қўллаб-қувватлайдиган нутқлар бошланса... Биз касаба союз раҳбарларини қайта-қайта огоҳлантириб қўйганмиз, бунақа нутқларга энг оғир жиноят сифатида қаралади. Йиғилишларнинг қандай ўтказилишини кузатиш уларнинг зиммасида бўлишини эслатиб қўйдик.

Зиминни диққат билан кўздан кечириб, унинг овозига мослаб, юмшоқ гапирдим:

— Сиз менинг саволимга жавоб бермадингиз. Мени бошқа нарса қизиқтиряпти: йиғилиш ва митинглар ўтказишга рухсат берилмаса, нима бўлади?

Зимин истар-истамас жавоб берди:

— Истасангиз, нима бўлишини эртага шахсан ўзингиз кўришингиз мумкин. Соат иккида темирйўлчилар клубида йиғилиш бор. Уша ерга етиб борсангиз!

Мен папкадан яна бир қоғозни олиб, овозимни ба-ландлатиб гапирдим:

— Генерал сизнинг рухсатингизни бекор қилди. У янги буйруқ чиқарди. Мана, эшитинг, дастлабки сатрларини ўқиб бераман: «Бутун Асхобод аҳолисига маълум қиламанки, турли йиғилишлар, митинглар ва одам тўплашлар ман этилади. Барчани огоҳлантириб қўяй-ки, йиғилишлар ўтказиш, намойишлар уюштиришга интилишлар қуролли кучлар воситасида тугатилади...»

Мен қоғозни Зиминга узатиб, дедим:

— Мана, олинг, у ёғини ўзингиз ўқинг!

Зимин қоғозга қўл узатмади. У секин ўрнидан туриб, столдан нарироққа борди-да, гапира бошлади:

— Унда мени бу вазифадан озод қилинглр. Мана, менинг ўрним. Уни истаган одамга беришларингиз мумкин. Мен бунақа вазиятда ишлай олмайман.

Дафъатан нима дейишни билмай қолдим. Индамай қоғозни йиғиштириб, папкага солдим.

— Яхши... Гапларингизни генералга етказаман!— дедим ниҳоят ва кабинетдан чиқдим.

Биз генерал билан ярим тунгача ўтирдик. Мен Закаспий ҳукуматининг йиғилиши тўғрисида унга батафсил гапириб бердим. Зимин тўғрисида ўз фикримни айтдим. Генерал ҳам унинг ишларидан норози эди. У папиросини яна бир тортиб, кулдонга ташлади-да:

— Сиз ҳақсиз, Зиминнинг танобини тортиб қўйиш керак,— деди.

— Тўғрироғи, йўл қўйган ўз хатойимизни тузатиш керак. У ҳукумат бошлиғи бўлишга яроқсиз экан. Бироқ энди бизнинг қўлимиз боғлиқ. Эртага буйруқ келиб қолса, лаш-лушларни йиғиштириш керак... Унда нима қиламиз?

Биз барча қулай вариантларни яна бир ўйлаб кўрдик. Ниҳоят, генерал бундай қарорга келди: генерал Мильндан жавоб келгунча ҳукумат эски составда қолдирилади, Зимин билан эса алоҳида гаплашилади.

Мен ўрнимдан туриб хайрлашаётганимда, генерал тўсатдан буюриб қолди:

— Эртага темирйўлчилар клубига борасиз. Буйруқ-ни ўзингиз ўқиб эшиттирасиз!

Очигини айтганда, ишчилар ўртасида кўрингим йўқ эди. Қанақа шовқин кўтарилишини тасаввур қила оламан. Бироқ топшириқдан қутулиш учун баҳона қидириб ўтирмай генералга хайрли тун тилагач, таъзим қилиб чиқиб кетдим.

\* \* \*

... Кабинетга киришим билан Элен келиб, мени генерал сўраганини айтди. Демак, яна бир фавқулодда иш,— ахир яқиндагина биз ўн иккида учрашишга келишган эдик. Эрталабдан у гарнизон айланмоқчи бўлди, соат ўн бирда эса Эрон консулини қабул қилиши керак эди.

Адашмаган эканман. Қабулхонадаёқ Маллесоннинг жаҳл билан гапираётганини эшитдим. У Тиг-Жонс билан комендантни уришаётган эди:

— Нима бало, бошларингни туяқушга ўхшаб яширмоқчи бўлдиларингми? Маҳаллий аҳоли бугун демокра-

тия деб ҳайқириқ солса, эртага конституция талаб этади! Унда нима қиласизлар.

Генерал менга бўлган воқеани айтиб берди. Унинг буйруғига биноан кеча Тиг-Жонс йиғилиш ва митингларни ман этиш тўғрисидаги буйруқни босмахонага олиб борган. Бироқ ҳарф терувчилар уни босишдан бўйин товлашпти. Капитан улардан баъзиларини комендатурага чақириб, топшириқни бажаришмаса, қамоққа олишини айтипти. Бугун эса эрталабданоқ босмахонадаги бутун ишчилар ишни тўхтатишпти.

Генерал менга мурожаат қилиб буюрди:

— Ҳозир босмахонага бориб, буюринг, ишни бошлашсин. Буйруғингизга бўйсунушмаса босмахонани ёнинг, атрофига эса солдатларни қўйинг.

Генерал стол устидан алақандай ҳужжатни олиб, тезгина кўздан кечирди-да, комендантга мурожаат қилди:

— Горюнов ким?

— Меньшевик.

— Аветисов?

— У ҳам меньшевик... Аммо айрим маълумотларга қараганда, улар большевиклар билан яширинча алоқадалар.

— Иккаласини ҳам қаманг... Шу бугуноқ қаманг!

Генерал варақани стол устига итқитиб, яна Тиг-Жонсга гапирди.

— Энди Қизил Арват тўғрисида... У ерда большевикларнинг уюшган тўдаси иш тутаётгани аниқ. Саботаж қилишяпти. Паровозлар ремонтини атайлаб чўзишяпти. Дружкиннинг одамларидан бир неча кишини олиб ўзингиз ҳам Қизил Арватга жўнанг. Тўла тартиб ўрнатмагунингизча қайтиб келманг. Марвга эса полковник ёки ўзим бораман. Буйруқни бажаринг!

Эшикка етганимда, генерал мени тўхтатди:

— Полковник! Бир минутга қолинг.

Мен орқага қайтдим. Генерал нафасини ростлади-да, овозини пастлатиб, гапирди:

— Ҳозиргина комендант Дружкинни кўрибди. У темирйўлчилар йиғилишига бизнинг одамларимизнинг боришини маслаҳат бермаяпти. Дружкиннинг айтишича, ишчилар тўнини тескари кийиб олишган. Янги йил арафасида бўлган воқеа қайтарилиши мумкин. Мен бундай қарорга келдим. Йиғилиш ва митинглар ўтка-

зиш тўғрисидаги буйруқ бугундан бошлаб кучга кирди, уни зудлик билан чоп этиб, вокзалга, депога, устaxonаларга ёпиштириб чиқиш керак. Клуб атрофига эса соқчиларни кўпайтириб қўйиш лозим. Қани, кўрамиз нима бўлишини!

— Ҳеч нима бўлмайди!— Мен генерални қизғин маъқулладим.— Уроз сардорнинг айтишича, демократияни от ўйин қилишга чек қўйиш керак. Бекорчи гапларни тарқатишга ишқивоз одамларнинг тишини қоқиб қўйиш, шундай қилиш керакки, токи «демократия» сўзини эшитгандаёқ уларни қалтироқ босадиган бўлсин. Агар шундай қилинса, дўстларимиз ҳам енгил тортиб, руҳлари кўтарилари.

— Тўғри айтяпсиз!— Генерал мамнун бўлди.

— Демократия билан ўйнашни бас қилиш керак. Ҳозир Зимин келиши керак. Мен унга тегишли топшириқларни бераман. Сиз эса Дружкин билан гаплашинг. Айтинг: шайланиб турсин. Борди-ю ишчилар тўполон қилишса, бутун кучларини ишга солсин.

Комендантни олиб босмахонага кетдим. Скобелев майдонида бизга Дружкин учради. У миссияга кетаётган экан. Мен уни машинага ўтказиб йўл-йўлакай генерал билан бўлган гапни, қандай қарорга келинганини айтдим. Дружкин бизнинг планимизни маъқуллади, аммо бошдан қаттиқ туриб олмасак, катта галаёнлар бошланиб кетиши мумкин деб огоҳлантириб қўйди.

Дружкиннинг ишчилардан эҳтиёт бўлиш тўғрисидаги гапида жон бор эди — буни босмахонадаги учрашув тасдиқлади. Бошда мен тўпланганларга ўлкадаги аҳвол ҳақида гапирдим. Буюк Британия ҳукумати Закаспий ҳукуматини большевизм устидан узил-кесил галаба қозонгунча қўллаб-қувватлашини маълум қилдим. Агар лозим бўлса, британ ҳукумати бу ерга қўшимча равишда қўшин юборади, дедим. Сўнгра генералнинг буйруғини ўқиб эшиттирдим. Тўғрироғи, энди ўқиб эшиттирмақчи эдим... Аммо буйруқнинг дастлабки сатрларини ўқишим биланоқ қаттиқ шовқин-сурон бошланди. Сўзларим гала-говур ичига сингиб, йўқ бўлиб кетди. Дружкин жон-жаҳди билан қичқирди:

— Халойиқ! Бемаънигарчиликни бас қилинг!

Бироқ шовқин тобора авжига чиқаётган эди. Жуда

кўп одам йиғилди, босмахонанинг ифлос, ивирсиб ётган ҳовлиси одам билан лиқ тўлган эди. Ҳатто фаррошлар ҳам келишипти. Нима қилиш керак? Кетсаммикан? Унда кулги ва масхаралаш бошланарди. Биринчи учраган одамнинг ёқасидан олайми? Бу одобдан эмас, бунинг устига фойдаси йўқ. Лабни ожизона тишлаб, шовқин босилишини кутишдан бўлак чора йўқ эди. Биз қўл қовуштириб, айрим одамларнинг овозини эшитиб турардик. Шу пайт маст одамдай гандираклаб олдимизга пахталик ва солдат этиги кийиб олган кичкинагина, жиккаккина чол келди. У кўзига тушиб кетган шапкасини хиёл кўтариб қўйиб, шилпиқ кўзларини менга қадади. Сўнгра оломон томонга бурилиб, қаттиқ йўталди-да, қўлини кўтарди. Шовқин шу заҳотиёқ тинди. Чол бир қадам орқага ташлаб, бўғиқ овозда гапира бошлади:

— Овора бўлмай қўя қолинг... Биз бу буйруғингизни ўқиганмиз, ўртоқ капитан.

Мен чолнинг гапини жаҳл билан бўлдим:

— Капитан эмас, полковник... Ўртоқ ҳам эмас, балки жаноб полковник.

— Жаноб полковник? — Чол майна қилгандай кўзини қисди.— Биз ҳамма жанобларни аллақачон ахлат уюмига олиб бориб ташлаганмиз. Энди бизда жаноблар йўқ. Биз ҳаммамиз тенг ҳуқуқли ўртоқлармиз. Шундай эмасми, ўртоқ Дружкин?

Дружкин жаҳл билан бир йўталди-ю, аммо индамади. Чол ўша-ўша масхараомуз овозда сўзини давом эттирди:

— Ё қанжиқ ит ўлиб, лайчалари қолдимикин? Агар шундай бўлса, очигини айтинг... Яна елкамизни эгиб, таъзим қилишни ўрганиб оламиз.

Оломон ичида кулги овози эшитилди. Дружкин ўзини тутолмай, бақирди:

— Кўп алжирама!

Чол заҳарханда қилиб, жавоб берди:

— Йўқ, жаноб министр... Тфу, жин урсин, адашиб кетдим... Ўртоқ министр... Ўртоқ Дружкин... Биласизми нимадан қўрқяпман: агар сизларни «жаноб» деб атайдиган бўлсак, бизларни гумашта ўрнида қабул қиласизлар. Яна эски тос, эски ҳаммом бўлади. Бутун тоат-ибодатимиз чиппакка чиқади. Келинглари, яхшиси, ўртоқ бўлиб қолайлик.

Оломон ичидаги кулги қаҳқаҳага айланиб кетди. Чол менга ўгирилди:

— Жаноб полковник! Сиз ҳозиргина Закаспий ҳукуматига ёрдам бериш тўғрисида гапирдингиз. Қани ўша ҳукумат? Худо ҳаққи, биз ҳатто қандайдир ҳукумат бор деб гумон ҳам қилганимиз йўқ. Агар бундай ҳукумат чиндан ҳам бўлса, уни бизга кўрсатинг. Юрагимизда йиғилиб қолган анча гапларимиз бор. Мана, икки ой-дирки, маошимизни тўлашмаяпти. Оилаларимиз оч қол-япти. Бундан кейин ҳам шундай бўлса, чидаб туролмай-миз! Агар чиндан ҳам ҳукуматимиз бўлса, қани, кўмаклашин. Бизни қўллаб-қувватласин!

— Қўллаб-қувватлаш ўрнига елкамизга туширса-чи?

Оломон ичидан иккинчи чол чиқди. Арманига ўхшарди: бошида конуссимон қоракўл телпак, жингалак соқоли бутун юзини қоплаб олган эди. Шу қадар бўйчан эдики, биринчи чол унинг олдида ёш боладай бўлиб қолди. Армани трубкасини тутатиб, саволини қайтарди:

— Сендан сўраяпман, Андрей... Қўллаб-қувватлаш ўрнига, елкамизга туширса-чи?

Кичкина чол кўзларини айёрона қисиб, Дружкинга қаради-да, жавоб берди:

— Унда улардан бошқа томондан қўллашларини сўрайман.

Босмахона қаттиқ кулгидан портлаб кетгудай ларзага келди. Яна шовқин-сурон бошланди. Дружкин жаҳли чиққанидан қип-қизариб, ёниб кетди. Ҳозир бир нарса девормасин деб, инглиз тилида: «Эътибор берманг», деб шивирлаб қўйдим:

Кекса армани, кечирим сўрагандай бўлиб, деди:

— Жаноб полковник! Кечирасиз... Биз оддий одамлармиз, ҳаяжонимизни яширолмаймиз, лутфу назокатга ўргатилмаганмиз. Уйлаганимизни тўкиб-соламиз. Кечирасиз энди...

Ҳар қандай қатъийлик ўзимга зиён келтиришини сездим. Шунинг учун ўзимни мумкин қадар осойишта тутиб, арманига мурожаат этдим:

— Хўш, нима демоқчисиз?

Армани қўли билан ишора қилиб, одамларни тинчитди-да, бамайлихотир гапира бошлади:

— Жаноб полковник! Андрей Васильевич — ҳаммага маълум — ҳазилкаш одам. У ҳозир ҳам ҳазил қилди.

Биз, ҳукумат борлигини биламиз, албатта. Унинг эски раҳбарларини ҳам, янгиларини ҳам биламиз. Фақат бир нарсани тушунмай турибмиз: бу ҳукуматнинг ўзи кимники?

— Халқ ҳукумати!— дея қичқирди Дружкин жаҳл билан.— Бутун халқнинг ҳукумати!

— Шошма, шошма, ўртоқ министр.— Армани осонликча жон берадиганлардан эмасди,— бизнинг Айрапетянимиз ҳам халқми?

— Халқ!

— Бошқа пулдорлар-чи — улар ҳам халқми!

— Ҳа, улар ҳам!

— Унда бунақа ҳукуматнинг бизга нима кераги бор!— Оломон яна ола-говур бошлади. Армани тинчлантириш учун қўлини кўтариб, яна сўзини давом эттирди:— Айрапетянга заводларни шунинг учун қайтариб берган экансизлар-да? У илгаригидай ёнғоқ чақади, биз эса пўчоғини йиғамиз, а? Шундайми?

Кимдир қаттиқ қичқирди:

— Сотқинлар!

Оломон жунбишга кирди.

Тоқатим тоқ бўла бошлади. Яна бир дақиқа ўтса, ўзимни тутолмай, бақириб юборишим мумкин эди. Яхшиси тезроқ босмаҳона ҳовлисида чиқиб кетиш керак. Сўнги сўзимни айтиш учун қўлимни кўтаришим билан узун малла мўйловли аллақандай киши чўлоқланиб олдинга ўтиб, мени тўхтатди:

— Бир дақиқа сабр қилинг, жаноб полковник!

Комендант қулоғимга шивирлади:

— Горюнов... исёнчиларнинг бошлиғи?

Горюнов ҳассасини ерга уриб, катта-катта мовий кўзларини менга тикди:

— Сиз, жаноб полковник, бизнинг мунозарамизга бекорга аралашяпсиз. «Икки қўчқорни боши бир қозонда қайнамас», деган мақол бор. Сиз аралашмай турсангиз биз бир-биримизни тезроқ тушуниб оламиз. Аммо бундан кейин ҳам аралашаверсангиз... Унда катта муштлашиш бошланиб кетади. Бу — биринчиси. Иккинчидан, сиз ҳозиргина: «Большевиклар тақдири ҳал бўлган... Совет ҳокимияти таг-томири билан қўпориб ташланган», дедингиз. Биз эса большевиклар Оренбургни ишғол қилди, деб эшитдик. Москвадан Туркистонга кўмаклашиш учун составлар келаётган экан. Тошкентга

Лениннинг ўзи келади, дейишяпти. Ҳа, ҳа. Шундай дейишяпти... Билмадим, бу тўғрими ёки нотўғрими!

Кимдир барала қичқирди:

— Тўғри!

Оломон гулдурос қарсақ чалиб юборди.

Горюнов чўнтагидан аллақандай қоғозни чиқариб, Дружкинга мурожаат қилди:

— Ўртоқ министр... Сизни «ўртоқ» деб атаётганим учун кечирасиз. Чунки биз сиз билан маслақдошмиз, ҳақиқатан ҳам бир партияданмиз. Шунинг учун сизни ўртоқ деб аташга ҳаққим бор.

Дружкин ўзини тутолмай, чўлоққа ташланди:

— Сен чиройли гапларингни қўй... Қани айт-чи, нима истайсан!

— Яхши, айтаман. — Горюнов чўлоқланиб Дружкинга жуда яқин келди-да, газабдан ёниб турган кўзларига тикилиб, сўзини давом эттирди:— Бугун соат иккида темирйўлчилар клубида йиғилиш бўлади. Биз ҳам у ерга борамиз. Сизлардан илтимос! Ҳукумат номидан бизнинг мана бу талабларимизга жавоб берсангизлар!

Горюнов қоғозни Дружкинга узатди. У қоғозни олмай, тескари бурилиб, тўнғиллади:

— Йиғилиш бўлмайди!

— Нега?

— Бу ҳақда ҳозиргина жаноб полковник гапирди. Бугундан эътиборан йиғилиш ва митинглар ўтказиш ман этилади!

— Ким ман этади!

Мунозарага мен аралашдим:

— Биз ман этамиз! Ҳозирнинг ўзидаёқ ишни бошланглар! Сизларга ярим соат муҳлат бераман. Агар шу вақт ичида иш жойларингизга қайтмасаларингиз, босмаҳонани ёпамиз!

Оломон порох солинган бочкадай портлаб кетди.

Мен бошқа бир оғиз ҳам гапирмасдан бурилиб кетдим.

Биз темирйўлчилар клуби ёнида катта ғалаён бўлишини олдиндан билган эдик. Шунга қарамай, ўйлаган тadbиримиздан қайтмасликка, лозим бўлса исёнчиларни қаттиқ жазолашга қарор қилдик. Соат бир яримда мен

ҳам вокзал томон юрдим. Солдатларимиз клубни ўраб олишган эди. Атрофдаги чорраҳаларда Уроз сардорнинг йигитлари, милиционерлар туришарди. Вокзал олдидаги майдонга ишчилар йиғилишган.

Комендант Зимин билан Дружкин мени клуб биносида кутишаётганини айтди. Уларнинг олдига бордим. Зиминнинг рангида қон қолмабди. У жуда ҳам эсанкираб, қалт-қалт титраб, гапира бошлади:

— Мана, кўрасиз, ҳозир бебошлик бошланади. Бу ёввойиларга гап уқтириб бўлармиди!

Зиминнинг ҳозирги аҳволига қарашга жирканарди одам. Давлат бошлиғи. Ихтиёрингда қўшин турипти. Бутун жазолайдиган ташкилотлар сенга итоат этса-ю, сен қалтираб турибсан? Йўқ, унга лоқайдлик билан қараб бўлмасди. Ҳар ҳолда унга нисбатан ичимда пайдо бўлган газабимни сездирмай, ҳазиломуз оҳангда гапирдим:

— Шторм вақтида бир кема йўловчисидан: «Сўнги истагингизни айтсангиз?»— деб сўрашган экан. У: «Эсон-омон соҳилга чиқиб олсам бўлди»...— деб жавоб берибди. Бошқа бир киши ундан: «Хўш, кейин-чи? Кейин нима қиласан?»— деб сўрапти. Йўловчи хўрсиниб қўйиб: «Бошқа сира кемага тушмайман!»— депти.

Дружкин хахолаб кулди. Аммо Зимин ҳамон индамасди. Мен чекиб олиб, қўшиб қўйдим:

— Ташвишланманг, жаноб бош министр... Ҳаёт ҳам — денгиз. Тўғрироғи, мавжланиб турган океан. Сиз бўлсангиз ана шу океандаги капитанлардан бирисиз. Ўзингиз айтинг: штормни кўрмаган одам капитан бўла оладими?

Зимин ўрнидан туриб, саволга савол билан жавоб қайтарди:

— Битта кемада неча капитан бўлиши мумкин, жаноб полковник?

Нимага шама қилаётганини дарҳол пайқадим. Зимин: «Модомики мен капитан эканман, унда нега буйруқларим бекор қилиняпти?» демоқчи эди. Афтидан у капитан кўприкчасида меҳмонлигини фаҳмламай, ўзини ҳақиқий капитан деб биларди.

Мен кулдим:

— Кемада, шубҳасиз, битта капитан бўлади. Аммо капитанда ҳам капитан бор. Кекса капитанлар, ёшлар... Тажрибали ёки тажрибасиз... Ҳатто умрларида шторм-

ни кўрмай, унга биринчи кунийёқ дуч келганлари ҳам бўлади. Демак, капитандан ҳам хабардор бўлиб туриш керак!

Дружкиннинг ёрдамчиси орқасидан биров қувлагандай югуриб келиб, тутила-тутила хабар берди:

— Жаноб полковник! Улар вокзал олдидаги майдоннинг ўзида митинг ўтказишмоқчи. Минбар қилишяпти.

Кейинги пайтларда ҳаво айний бошлади, осмонни тез-тез қалин булутлар қоплайдиган бўлиб қолди. Бугун ҳам туман бўлса-да, ёмғир йўқ, ортиқча совуқ ҳам эмас. Очиқ ҳавода ҳам панадагидан қолишмайди.

Зимин дераза олдига бориб, кўчага қаради ва маслаҳатлашмоқчи бўлгандай менга ўгирилди:

— Хўш, энди нима қилиш керак, жаноб полковник?

— Тарқатиш керак!— деб жавоб бердим.— Ҳозирнинг ўзидаёқ тарқатиш керак!

— Тарқалишмаса-чи?

— Куч билан тарқатиш керак!

Дружкин гапга аралашди:

— Балки касаба союз раҳбарларини чақирсакмикин? Гаплашиб кўрсак, уларнинг ўзи тинчлик билан тарқалиб кетишар?

Мен эътироз билдирмадим:

— Чақиринглар. Аммо кўрасизлар: улар келишмайди, ўзларингизнинг боришларингизни талаб қилишади.

Худди шундай бўлиб чиқди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, Дружкиннинг ёрдамчиси келиб, ишчилар Зиминни кутишаётганини айтди.

Зимин кўрқув ичида қўлларини силкиди:

— Йўқ, йўқ! Мен уларнинг олдига бормайман. Нима деб бораман? Буйруғим бекор қилинди дебми? Ўзимни оқлаш учунми? Йўқ!

Қатъийроқ чора кўришга фурсат етганини пайқадим. Дружкин ва комендантга буюрдим:

— Тезда тарқатинглар! Тарқалишмаса, ўт очинглар!

Биз иккаламиз қолдик. Зимин ҳамон дераза олдида қўлини чўнтагига солиб, кўчага қараб турарди. Мен унинг шахсиятига тегмоқчи бўлдим. Олдига бориб, папирос тутатиб, гапира бошладим:

— Жаноб бош министр, назаримда, тўла ҳуқуқли капитан бўлгингиз келяпти шекилли? Шундай эмасми?

Зимин қўлларини чўнтакларидан чиқариб, менга қаради ва секин, гуноҳкорларча жавоб берди:

— Йўқ, жаноб полковник, янглишяпсиз. Менга ишонинг, раҳбарлик калавасининг учини тамоман йўқотиб қўйдим. Нима қилишга ҳайронман. Нима иш қилсам, тескарисига кетади. Қаёққа бормай, жарликка дуч келаман. Сизларнинг олдингида ҳам айбдорман, халқ ҳам кўрарга кўзи йўқ. Нима қилсам экан?

— Ўзингизни бардам тутинг! Дадишлоқ ҳаракат қилинг! Олдингида жуда маккор ёв турибди. Жилловни сал бўшаштирсангиз, шафқатсиз тақдирнинг қурбони бўлганингизни сезмай қоласиз!

— Мен ҳам шундан қўрқаман, жаноб полковник. Ахир бугун ким ғалаён кўтаряпти? Ўзимизнинг одамларимиз. Бизнинг партиямизнинг аъзолари...

Кўчадан қаттиқ бақариқ эшитилди, шу заҳоти бир неча ўқ узилди. Хонадан чиқдим. Олдимга комендант югуриб келиб, митинг бошланганини айтди. Клуб ёнида турган солдатларимга эҳтиёт бўлиб туришларини буюриб, ўзим эса оломон томон кетдим. Олдимдан Дружкин чиқди, у жуда паришон эди.

— Тарқалишмаяпти, жаноб полковник! Осмонга қараб ўқ уздик. Нима қилсак экан?

— Осмонга ўқ узишнинг ҳожати йўқ... Отадиган бўлсангиз, рўпарангиздагини мўлжалга олинг!

Биз вокзалга яқинлашдик. Оломон биз ўйлагандан кўра кўпроқ, қўшни уйларнинг томларида, ҳатто дарахтларгача одам.

Байроқ ва транспарантларнинг сон-саногини йўқ. Вокзал олди майдонининг ҳамма ёғида қизил алвонлар.

Тўғриси айтсам, бунчалик оломонга дуч келишимни ўйламаган эдим. Юрагим увишиб, фикрларим айқаш-уйқаш бўла бошлади. Даҳшатли хунрезлик бўлиши аниқ эди.

Дружкинни ҳам ваҳима босганга ўхшайди. У ялиниб-ёлвориб менга мурожаат қилди:

— Жаноб полковник! Утиниб сўрайман, бу галчалик маслаҳатимга қулоқ солинг. Қўйинг, алжираб олишсин. Тўда ичида бизнинг одамларимиз ҳам бор. Улар ҳар бир кишини кўз остига олиб қўйишади. Ҳозир минбарда турганларнинг барини шу бугуноқ қўлга олишга сўз бераман!

Гулдурос қарсақлар, «Ўр-ра! Ўр-ра!» деган садоблар янгради.

Дружкин қўрқа-писа вокзал томонга қараб, овозини яна ҳам пастлатиб, қўшиб қўйди:

— Бунинг устига, жаноб полковник, мен солдатларимизга ишонмайман. Буларнинг ҳаммаси бир гўр. Ҳал қиладиган вақт келганда улар найзаларини бизга қаратишлари мумкин!

Шу пайт миссиянинг навбатчи офицери югуриб келиб, менга кичик бир конверт узатди. Бир чеккага чиқиб, конвертни очдим, ичидаги қоғозни олдим-да, ўқий бошладим: «Тадбирлар бекор қилинди. Кутаман».

Хат Маллесоннинг қўли билан ёзилган эди. Кутилмаганда ишнинг бу қадар ўзгариб кетганининг сабаби нимада экан? Наҳотки генерал катта тўқнашув бўлишидан қўрқаётган бўлса? Аммо ўйлаб ўтиришга вақт йўқ, тезроқ бориб, нима бўлганини билиш керак эди.

Биз миссияга яқинлашиб қолганимизда, ёнимиздан Зиминнинг машинаси учиб ўтди. Очигини айтсам, ҳайрон қолдим. У бу ерга қачон келибди? Афтидан, биз вокзал томонга кетишимиз билан у Маллесон ҳузурига чопганга ўхшайди. Масала аниқ! Зимин генералнинг тутган йўлини ўзгартиришга кўндирибди-да.

Генерал кабинетда ёлғиз эди. У мени кўриб, ўрнидан турди, стол устида ётган телеграммани олиб, индамай менга узатди.

Телеграммада бундай дейилган эди: «Лондон ҳарбий миссия ва британ қўшинларининг ҳаммасини Закаспийдан олиб кетиш тўғрисидаги менинг таклифимни маъқуллади. Эвакуацияни ўтказиш учун яқин кунлар ичида генерал Горин етиб боради, Мильн».

Маллесон стол ортида ҳайкалдай қотиб турарди. Телеграммага яна бир кўз югуртиб, елкамни қисдим:

— Жуда тез!

Генерал қошларини чимирди:

— Мен ҳам ҳайрон бўлиб қолдим. Баъзи икир-чикир нарсаларни бир неча мартадан эслатишга тўғри келарди. Буни қаранг, жуда тез ҳал қилишипти!

Генералга унинг юборган хатини бериб, энди темир-йўлчилар ҳақида гапирмоқчи бўлиб турган эдим, генерал конверт билан хатни майда-майда қилиб йиртиб, мени тўхтатди:

— Аралашманг! Билганларини қилишсин!.. Миссия-

миз туғадн. Энди ўзларига-ўзлари йўл топиб олаверсинлар!

Генерал навбатчи офицерни чақириб, ҳеч кимни кнритмасликни тайинлади-да, мени кабинет орқасидаги ўзи дам оладиган хонага бошлаб кирди. Шкафдан бир шиша коньяк билан иккита рюмка олиб, столга қўйди-да, янада пастроқ овозда гапирди:

— Ростини айтсам, Лондон шунақа бемаъни таклифни қабул қилади, деб ўйламаган эдим.

Генерал узатган рюмкани қўлимга олиб, жавоб бердим:

— Менимча, масала генерал Мильн бу ерга келгунча ҳал бўлган. Лондонда, умумий тарзда ҳал қилинган. Унинг: «Фронтни торайтириш, кучларни асосий стратегик пунктларда марказлаштириш тўғрисида Лондоннинг кўрсатмаси бор», деган сўзлари эсингиздами. Демак, ўшанда гап фақат Закаспий устида бормаган экан. Балки бутун фронт бўйлаб кетиш тўғрисида борган. Бу, шубҳасиз, яхши аломат эмас. Большевизм марази бутун дунёни ларзага келтирмоқда. Германия, Венгрия, Австрия... Бутун Европа ўт ичида! Социалистлар Лондонда, Альбертхоллда Советлар билан бирдамлик митинги ўтказмоқдалар. Ҳукумат сиёсатини қораламоқдалар. Қаранг-а!

Генерал индамасди. Мен сўзимни давом эттирдим:

— Машҳаддаги суҳбатларимиздан бирида сиз Ленин ҳақида... большевиклар тўғрисида фикрингизни айтган эдингиз. Сиз: «Улар сиёсат воситасида тарих ғилдирагини айлантирмоқчилар», деган эдингиз. Ушанда сизнинг гапларингизга эътибор бермаган эдим. Очигини айтсам, ичимда кулган эдим. Аммо энди бу масалада ўзимнинг ҳам фикрим бор.

Генерал секин менга қаради. Унинг сўзсиз таънасига қарамай, гапимни айтиб олдим:

— Кўпларимизнинг хатойимиз шундаки, биз большевикларни Чингизхон тўдалари, оснелик каллакесарлар, ваҳшийлар галалари билан тенглаштирамиз. Аммо аслида бундай эмас. Менинг кейинги ойлардаги саргардон юришларим қанчалик оғир бўлмасин, аммо кўп нарсаларни яқиндан кўриш имкониятини берди. Мени бир нарса гоят таажубга солди: бу — большевикларнинг юксак мақсадларга беқиёс садоқатлари. Ута садоқат... Уларнинг эътиқодлари жуда қатъий!

Кўз олдимда капитан Кирсановнинг жиддий қиёфаси жонланди, қулогим остида унинг заҳархандаси эшитилди: «Сичқон исломни қабул қилгани билан мусулмонлар кўпаймайди, жаноб полковник!» Бир туркистонлик дўстим гапириб берган эди, деб генералга Кирсановнинг большевик-офицер ҳақидаги ҳикоясини айтиб, сўнг-ра фикримни яна давом эттирдим:

— Большевиктик революцияни... Ёки сиёсатдонларимиз тили билан айтганда, никоҳсиз туғилган фарзандни бешигидаёқ бўғиб ўлдиришни ўйлаган эдик. Аммо, афсуски, биз бешикни синдиришга ҳам, болани бўғиб ўлдиришга ҳам ожизмиз. Нега? Шунинг учунки, биз воқеаларга осмондан туриб қараймиз. Ерга тушиб, аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни ҳушёр тортиб ўз кўзимиз билан кўришга юрагимиз дов бермайди. Турган гапки, бундай сиёсатдан никоҳсиз туғилган фарзанд сира озор чекмайди. Аксинча, бундан унинг ўзи манфаатдор бўлади. Миллион-миллион кишидан иборат армия тузади. Ҳарбий разведкани йўлга қўяди. Ҳатто ташқи сиёсат бобида ҳам ақл бовар қилмайдиган тарзда ҳаракат қилади. Шу нарсага имоним комилки, большевиклар немислар билан Брест сулҳини тузмаганларида, уларнинг тақдирини аллақачон ҳал этилган бўларди. Россия аллақачон нормал изга тушган бўларди. Немислар билан тинчлик шартномасини тузиб, бутун Европани Москвага бошлаб боришимиз керак эди. Большевиклар чаққонлик қилиб қолишди. Бизнинг мақталган дипломатиямиз қаёқда қолди? Шухрат қозонган дипломатларимиз қани? Ленин уларни бир юришда мот қилди. Натижада никоҳсиз туғилган фарзанд бепоён Россиядан Европанинг тор кўчаларига ўтди. У ерда нималар қилишини ёлғиз худонинг ўзи билади!

Генерал яна индамади. Мен гап анча чуқурлашиб кетаётганини фаҳмлаб қолдим. Чекиб олдим-да, генерални гапга солиш мақсадида сўрадим:

— Фалсафа сўқаётганга ўхшайман-а?

Ниҳоят Маллесон гапирди:

— Модомики шу ҳақда гапирётган эканмиз, полковник, менга яна бир нарсани тушунтириб берсангиз. Телеграммада: «Лондон кўшинларимизни Закаспийдан тезроқ олиб чиқиш тўғрисидаги таклифимизни маъқуллади», дейилган. Бу шошқалоқликнинг сабаби нимада?

Мен кулдим:

— Воқеалар жуда тез ўзгариб турибди. Лондонда отни қамчилаб қолишмоқчи!

— Генерал рюмкани кўтарди.

— Менимча, бизнинг бефаросат сиёсатдонларимиз бемаъниликда ким ўзарга ўйнашпти. Ҳа, ҳа... Бу — бемаънилик! — деди ва коньякни бир ҳўплашда бўшатди.

Бу гал мен индамадим.

Генералнинг олдидан чиқиб, бир оз дам олиш учун хонамга кетдим. Пижамани кийиб, диванга чўзилдим-да, газета ва журналларни кўздан кечирдим. Энди уйқуга кетган эканман, эшик тақиллади. Урнимдан туришга улгурмасимдан, Элен кирди. Нафаси тиқилганча гапирди:

— Генерал ўрnidан туrolмай ётипти. Юраги ёмон бўляпти!

Уст-бошимни ҳам алмаштирмай, генералнинг дам оладиган хонасига югурдим. Маллесон кўзини юмиб, диванда ётарди, ранги бамисоли дока.

Мен секин унинг қўлини ушладим:

— Юрагингиз ёмон бўляптими?

Генерал кўзини очиб, зўрға жавоб берди:

— Ҳечқиси йўқ... Утиб кетади..

Аmmo жуда бўшашиб кетаётган эди: юзида қон қолмаган, кўзи киртайипти, калта-калта ва оғир нафас оларди. Пешанасига совуқ тер чиқиб кетди.

Биз Элен билан генералнинг этигини ечиб, камарини бўшатдик ва диванга қулайроқ ётқизиб қўйдик. Шу орада доктор ҳам етиб келди, ўзининг ҳам юраги касал экан. Доктор Маллесонни кўриб, унга дори бера туриб гапирди:

— Фақат осойишталик... Бир неча кун иш тўғрисида ўйламасликка тўғри келади, жаноб генерал.

Генерал қошларини чимирди:

— Бир неча кун?

— Ҳа.

— Бунчалик кўпга чидаб туrolмайман.

— Чидайсиз. Керак бўлса, бир ой ҳам ётасиз. Юрак билан ўйнашиб бўлмайди. Юрак истаган вақтда кучоқлашаверадиган ўйнашингиз эмас.

Докторнинг қўпол ҳазили генералга сира ёқмади, ammo у индамади. Врач билан баҳслашиб бўлмайди!

Комендантни чақирдим-да, у билан кабинетимга кетдим. Комендант митинг қандай ўтганини гапириб берди. Большевик унсурлар бизнинг сиёсатимизни ҳам, Закаспий ҳукуматининг сиёсатини ҳам қоралаб гапиришпти. У Дружкиннинг шу кечасиёқ жуда катта тадбирини амалга ошириш нияти борлигини ҳам айтиб қўйди.

Вазият қанчалик тез ўзгаришини қаранг! Бундан бир неча соат муқаддам ўзим ҳам шундай тадбирни ўтказиб, исёнчилар билан орани очиқ қилиб қўйиш иштиёқида ёнаётган эдим. Энди эса газабимни ичимга ютишга мажбурман. Исёнчиларни қамашса вазият яна ҳам оғирлашади. Бизга эса кескинликнинг кераги йўқ. Шовқин-суронсиз, осойишта кетиш ҳақида ўйлаш керак.

Мен комендантга қатъий буюрдим:

— Дружкинни топинг-да, менинг номимдан айтинг: митинг қатнашчиларидан ҳеч кимни қамоққа олмасин! Сабабини эртага ўзим унга тушунтираман!

Комендант чиқиб кетгач, бўлиб ўтган воқеаларни яна бир ўйлаб, кейинги ишларни режалаб олиш ниятида сигарета тутатиб, креслога ўтирдим. Мен бир нарсага ҳайрон эдим: генерал нега бунча хафа? Наҳотки Закаспийдаги мансабидан айриламан деб чўчиётган бўлса? Бундан хавфсирашга сира ҳожат йўқ, аксинча, бу ерда қолганимизда мушкул аҳволга тушиш хавфи бор эди. Вазият кун сайин оғирлашиб, ўзимизни ишонтиришга қанчалик уринмайлик, оёғимизнинг ости бўшашиб бораётгани аниқ эди.

Турган гапки, шунчалик баландпарвоз гаплар ва сажийлик билан қилинган ваъдалардан сўнг бу ердан кетиш осон гап эмас. Бугина эмас, кетиш шармандали бир ҳол. Хаёлан яқин келажакнинг манзарасини кўз олдимга келтирдим. Бутун шаҳар... бутун ўлка бўйлаб: «Инглизлар кетишяпти!» деган овоза тарқалади. Большевиклар тантана қилишади, намоийшкорона гапира бошлашади. Дўстларимиз ҳайратдан донг қотишади. Утиниб сўрашади... кўз ёши тўкишади... Бизга лаънат тошлари ёғдиришлари ҳам мумкин!

Элен ҳоргин кириб келди, олдимга телеграммалар солинган папкани қўйди. Папкани очдим, ҳаяжондан юрагим ўйнаб кетди. Машҳаддан олинган телеграммада бундай дейилган эди: «Игирманчи февралда Жалолобод яқинида ов қилиб юрганида амир Ҳабибуллаҳон ўлдирилди. Амирнинг учинчи ўғли Омонуллоҳон ўзини

Афғонистоннинг амири деб эълон қилди. Тафсилотлар аниқланмоқда...»

Кўз олдидида нимагадир дарҳол Асадуллахон пайдо бўлиб, хаёлларим Закаспий чегаралари оша Афғонистон томон учди.

### 30

Асхободга келишим билан Уроз сардорга Қорақумда қочоқ деҳқонлар ва Балқон полвон билан учрашганимни гапириб бердим. Сардор полвонни билар экан. У менга Балқон полвон она қорнидан исёнкор бўлиб тушганини айтиб, қочоқлар орқасидан отлиқларини юборишга ваъда берди. Сардор ваъдасининг устидан чиқди. Аммо қочоқлар унинг одамларига қуролли қаршилик кўрсатиб, ҳатто биринчи отрядини чекинишга мажбур этишди. Шунда сардор иккинчи катта отрядни юборди, унга рус пулемётчиларини ҳам қўшиб, қочоқларни шафқатсизлик билан қириб ташлади. Кеча Асхободга қочоқларнинг ўнтача оқсоқолларини олиб келишибди, сардор менга булар орасида оғайним Балқон полвон ҳам борлигини тантана билан маълум қилди. Мен полвон билан яна бир бор учрашмоқчи бўлиб, уни миссияга олиб келишни буюрдим.

Мен хонага кирганимда Балқон полвон ўтирган эди. У менга узоқ тикилди. Мен чекиб туриб, унга тутун пуфлаб, совуқ кулиб сўрадим:

— Нима, танимаяпсанми?

Полвон мендан кўзини узмай, одатдагидай совуққонлик билан жавоб берди:

— Сизни ўша куниёқ таниган эдим. Ушандаёқ сиз оддий одам эмаслигингизни билганман. Аммо инглиз деб ўйламаган эдим.

— Ким деб ўйлаган эдинг?

— Биронта эсини еган мусулмон деб ўйлаган эдим.

— Шунақалар ҳам бўладими?

— Бўлганда қандоқ! Виждонини еб қўйиб, сариқ чақага сотадиганлар ҳам бўлади. Бизлар чекаётган барча азобларимиз ҳам шулар туфайли бўляпти-да!

Балқон полвоннинг ўша тунда Қорақумда такабурлик билан овозини баланд қўйиб гапиргани эсимда эди. Қизиқ, энди нима деркин? Синаб кўрмоқчи бўлдим. Сохта табассум билан унга энгашдим:

— Сен менга Қорақумда берган маслаҳатим учун бўталоғи билан туя ваъда қилган эдинг-а? Тўғрими?

— Тўғри.

— Большевиклар қайтишса, катта зиёфат ҳам бермоқчи эдинг-а?

— Буниси ҳам тўғри!

Мен браунингни чиқариб, тўппа-тўғри полвоннинг пешанасига ўқталдим.

— Бўлмаса мен ҳам сенга ҳақиқатни айтиб қўяй: энди ҳаётнинг менинг қўлимда. Бунга имонинг комилдир?

— Йўқ!— дея жавоб берди Балқон полвон сира чўчимай.— Менинг ҳаётим устидан яратган эгамдан бошқа ҳеч ким ҳукмронлик қилолмайди!

— Шунақами? — Мен бир қадам тисарилиб, дағдаға билан бақирдим:— Тиз чўк!

— Тиз чўкмайман! Теримни шилиб ташласангиз ҳам тиз чўкмайман!

Мен полвоннинг ўнг қулоғидан сал юқорироғини мўлжаллаб, тепкини босдим. Гумбурлаган овоз хонани тўлдириб, порохнинг ачиқ ҳиди димоққа урилди. Мен полвондан кўз узмасдим. У михлангандай ўша ҳолича қимир этмай ўтирарди. Аммо чўчиган, юзи оқарибди. Ўлим даҳшати ҳаммага ҳам таъсир этадиганга ўхшайди!

Мен браунинг тумшугига янги ўқ жойлаб, яна қўрқитдим:

— Ҳали ҳам вақт эрта... Тиз чўк!

Полвон менга тик қараб, кулмоқчи бўлди:

— Яратганинг ўзи мени битта ўқингиздан асраб қолди. Балки қолганларидан ҳам асра...

Мен браунингни стол устига ташладим-да, юмшаб, тамоман бешқа оҳангда гапирдим:

— Яша! Довюрак одам экансан. Жасоратингни синаб кўрмоқчи эдим. Ҳа, чинакам полвон экансан!

Балқон полвон ҳеч нарса демади.

Мен стол ортига ўтиб, янада юмшаб сўрадим:

— Жонингдан тўйганмисан дейман?

— Йўқ... Ҳаёт ҳеч кимнинг жонига тегмайди. Ҳаётдан ҳам ширинроқ нарса бўладими? Аммо бошни сиқиб яшайдан оғирроқ нарса йўқ. Сабр-тоқат қилишга мадор қолмади. Бугун бизга Уроз сардорнинг одамлари ҳужум қилишса, эртага Ҳожимуродхоннинг отлиқлари омонлик беришмайди. Худонинг берган куни бошимизда

янги бир фалокат. Буларнинг ҳаммасига, уларнинг айтишича, сизлар айбдор экансизлар.

— Бизлар?

— Ҳа... Улар генерал Мулла эсоннинг буйруғини бажарамиз, дейишади.

— Улар алдашяпти! Биз ўзимизга керакли нарсаларни Ҳиндистондан олиб келамиз. Эрондан сотиб оламиз.

— Мен бунисини билмайман... Улар сизларни кўрсатишяпти...

Улар бизларни кўрсатишларини билар эдик. «Инглизларга керак... Генерал Маллесон талаб қиляпти...» Уроз сардор ҳам, бошқалар ҳам ҳамма нарсани бизларга ағдаришларини билар эдик. Биз аҳолидан дон ҳам, ем-хашак ҳам, мол ҳам олганмиз, албатта. Аммо оғайниларимиз ҳам бўш келишмаган! Энг муҳими шундаки, улар бизнинг номимизни сотишиб, иш кўришган. Бизлар эса ҳеч нарса қилолмас эдик. Бир тўда қайсар овсарлар! Уларни нима ҳам қилардинг!

Бир ўқ билан икки қуённи урмоқчи бўлдим. Навбатчи офицерни чақириб, Балқон полвоннинг қўлини кишандан бўшатишни буюрдим. Сўнгра унга жуда яқин келиб, жиддий туриб айтдим:

— Агар, биз инглизлар, ёмон одамлар бўлганимизда, унда бутун мусулмон халқлари, араблардан тортиб, форсларгача биздан ҳимоя изламас эдилар. Сизни алдашяпти. Биз бу ерга халқингизни талаш учун келганимиз йўқ. Ёрдам бериш учун, сизларни ҳимоя қилиш учун келдик. Бор, овулингга жўна. Баҳор келяпти. Далага чиқиб, ерни шудгор қилинглар. Эртанги кунларингни ўйланглар. Қорақумда бахт тополмайсизлар!

Балқон полвон буни кутмаган экан шекилли. У бақувват қўлларини уқалаб, аллақандай ғалати бир ҳолатда менга қараб сўради:

— Сиз ҳам инглизмисиз?

Мен мулойим жилмайдим:

— Ҳа, инглизман... Маллесоннинг ўнг қўли бўламан. Полковник Форстер!

Балқон полвон яна бирпас менга тикилиб турди. Сўнгра оғир хўрсиниб юраги дов бермай сўради:

— Кетсам бўладими?

— Бор... Ҳадемай ҳамқишлоқларинг ҳам орқангдан етиб боришади.

Бирдан чолнинг кўнгли юмшаб кетди, ҳатто, назаримда унинг нурсиз кўзларида ёш ҳам йилтиллагандай бўлди. Одамнинг табияти қанчалик мураккаб. Ўқ олдида у қалтирамади... Яхши сўзни эшитганда эса, шу заҳоти юмшади!

\* \*  
\*

Кеча биз қўмондоннинг вакили Горинни кутиб олдик. Бугун эса кун бўйи ишлаб, эвакуация планини ишлаб чиқдик. Маълум бўлишича, вазият биз ўйлагандан ҳам оғирроқ экан. Қўшинларимизни Асхободга тўплаш энг оғир вазифалардан бири эди.

Ахир бу қисмлар бутун фронт учун таянч бўлиб хизмат қиляпти. Уларни тўсатдан олиб кетиш ҳалокатга сабаб бўлиши мумкин. Турган гапки, большевиклар бизнинг қўшинларимиз олиб кетилганини билганлари заҳоти ҳужумга ўтадилар. Закаспий ҳукуматининг отрядлари ҳамда Уроз сардорнинг отлиқлари дош беролмайдилар ва тезда тор-мор бўладилар. Айни вақтда темир йўлда ҳам қўпоровчилик ишлари бошланади, жойлардаги большевиклар эса ўз фаолиятларини кучайтирадилар. Натижада чорасиз аҳволга тушиб қолишади. Оғайниларимиз эса ваҳимага тушиб қолгач, бизнинг чиқиб кетишимиз мушкуллашади. Нима қилиш керак?

Узоқ давом этган муҳокамадан сўнг қўйидаги қарорга келдик: фронтнинг ҳар икки томонига иложи борича кўпроқ айғоқчиларни юбориб, аҳоли ўртасида бизнинг қўшинларимиз Чоржўйга яқин жойда Амударёни кесиб ўтиб, душманни орқа томонидан уриш учун атайин қум томонга чекинаётгани ҳақида овоза тарқатиш керак. Шу орада Марв атрофидаги қисмларни аста-секин Асхободга олиб ўтиш ва қимматбаҳо юклар, касаллар ва ярадорларни яширинча Эронга жўнатиш керак. Закаспий ҳукумати ҳарбий министри Крутевяни фавқулодда вакил қилиб тайинлаб Бокуга жўнатиш ва Деникиндан шошилинич ҳарбий ҳамда молиявий ёрдам сўраш керак.

Оператив план бир неча мартадан ўчирилиб, қайта ишлангандан кейин ниҳоят уни аниқлаб, мазкур тадбирларни амалга ошириш учун лоақал бир ой муҳлат сўраб, қўмондонликка юбордик. Жавоб жуда тез келди:

планимиз қабул этилипти, бутун эвакуацияни узоғи билан апрелнинг бошида тугатиш таклиф этилган эди. Биз зудлик билан ишга киришдик. Ихтиёримизда узоғи билан бир ой вақт қолган, қилинадиган ишлар эса жуда кўп эди. Большевикларни орқадан уришга тайёрланаётганимиз ҳақидаги миш-мишларни тарқатиш учун юбориладиган садоқатли одамлар масаласида бизга Бухоро жуда катта ёрдам бериши мумкин эди. Шунинг учун Маллесон номидан амирга махсус нома юбордик ва энг тажрибали офицерлардан бирини Бухорога сарфарбар этдик.

Закаспий ҳукумати аъзоларини ҳақиқий аҳвол билан таништириш ҳам осон иш эмас эди. Бу ҳақда анча бош қотиришга тўғри келди. Турган гапки, кутилмаган хабар оғайнилариимизни эсанкиратиб қўяди. Ҳаммалари бирдан истеъфо беришга қарор қилишса нима бўлади? Бундай шароитда министр лавозимига ўтиришга рози бўладиган тентак топилармикин? Ҳозирча биз ҳамма гапдан ёлғиз Дружкиннигина хабардор этишга қарор қилдик. Бу — бизнинг одамимиз, ҳукумат номидан амалга ошириладиган ҳамма ишларни унинг ёрдамида бажарар эдик. Аммо, Закаспий ҳукуматыни бизнинг томондан қўшимча ҳарбий ёрдам бўлмаслигидан, агар Ҳиндистонда аҳвол оғирлашадиган бўлса, унда Закаспийдаги қўшинларни ҳам ўша ёққа юбориш эҳтимоли борлигидан хабардор этишга қарор қилдик. Бу — бор гапнинг учқуни эди, холос. Ана шу заррачани ҳукумат аъзоларига етказишни генерал менга топширди.

Бу гал йиғилишда бор-йўғи тўрт киши қатнашди. Уроз сардор Марвга кетган, полковник Ҳожимурод ҳануз касал эди.

Бошда мен генерал Мильн келганини эслатиб ўтиб, миссиямиз унинг олдига Закаспийга ҳарбий ва молиявий ёрдамни кучайтириш тўғрисида масала қўйганини айтдим. Кейин Афғонистон ва Ҳиндистонда аҳвол борган сари оғирлашаётганини, большевиклар таъсири у ерда ҳам тарқала бошлаганини бўрттириб гапирдим. Пировардида ҳозир қўшимча куч келишига умид боғлаб бўлмаслигини, аксинча, талайгина бор кучларни ҳам олиб кетишга тўғри келишини эҳтиёткорлик билан шама қилиб айтдим.

Кабинетга жимлик чўқди. Бу бўрон олдидаги сукунат эди. Утирганларнинг изтиробга тушиб қолганлари уларнинг юзларидан билиниб турарди. Анчагача давом этган жимликни ниҳоят Зимин бузди. У менга таъна билан қараб сўради:

— Демак, ёлғиз ўзимиз қолишимиз ҳам эҳтимолдан холи эмас экан-да?

— Ҳа... Агар Ҳиндистонда аҳвол оғирлашса, қўшин ўша ёққа ташланиши мумкин.

— Ваъдалар-чи? Муҳрланган шартномалар-чи? Улар нима бўлади?

— Улар? Улар кучда қолади. Биз фавқулодда аҳвол тўғрисида гапиряпмиз. Бундай аҳвол содир бўлмаслиги ҳам мумкин. Балки энди бошланаётган ёнғинни тез ўчириб қайтиш мумкин бўлар.

— Қайтиш?— Энди Зимин кулиб юборди.— Шарқда: «Маккадан оби замзамни олиб келингунча илон чаққан одам жон беради»... деган гап бор.

— Ўлмасликка ҳаракат қилинг.— Мен ҳам истаристамас кулдим.— Дорини шу яқин ўртадан қидириш керак. Кўз ёшини одам ўз қўллари билан артиши керак!

Зимин бошини қуйи солди. Мен диққат билан уни кузатдим. У ҳаётдан безган ва «нима бўлса бўлар» деб яшайдиган одамга ўхшарди. Ўтган гал кўрганимда унинг қўлларигина қалтираган эди. Энди эса ажин босган рухсорлари ҳам тез-тез пирпирайдиган бўлиб қолибди. Тамоман ҳолдан тойганга ўхшайди.

Дружкин ўрнидан турди ва биз олдиндан миясига қуйган сўзларни қайтарди. У Деникин ҳузурига зудлик билан одам юбориб, ҳарбий ва молиявий ёрдам сўрашни таклиф этди. Ҳарбий министр Крутеня Дружкинни қўллаб-қувватлади.

Мен вазифамни бажардим. Эшикни бир тавақаси очик. Борди-ю эшик энди ланг очилганда ҳам ортиқча ҳайратланишга сабаб бўлмайди. Шунинг учун йиғилиш тугагини кутиб ўтирмай, зарур ишларни баҳона қилиб, чиқиб кетдим.

\* \*  
\*

Маънос, ташвишли ва ҳаяжон тўла кунлар бирин-кетин ўтарди. Бош қашишга ҳам вақт йўқ. Оғайнилариимиз ҳам, афтидан, ташвишга тушиб қолишди. Улар ҳар хил

баҳоналарни пеш қилиб, агар биз қўшинларимизни Закаспийдан олиб кетадиган бўлсак, большевиклар қор кўчкисидек Асхободга бостириб келишларини тез-тез шама қиладиган бўлиб қолдилар. Биз бундан кейин Закаспий ҳукуматидан ҳақиқий аҳволни яширмасликка қарор қилдик. Мартнинг охиригача икки ҳафтадан ҳам камроқ вақт қолган, белгиланган тадбирларни энди яширинча амалга ошириб бўлмасди. Жилла бўлмаса расмий оғайниларимиз олдида ниқобни олиб ташлаш фурсати етган эди. Бу оғир ишни ҳам генерал менга топширмақчи эди. Аммо мен баҳона топиб қутулдим.

Ниҳоят, кеча кечқурун соат саккизда Маллесон Закаспий ҳукуматининг бутун аъзоларини ўзининг кабинетига йиғди. Мени ҳам чақирди. Генерал гапни узоқдан бошлади: Британ ҳарбий миссияси Закаспийга нима мақсадга келгани, большевизмга қарши курашаётган кучларга қандай ёрдам бергани, британ офицерлари жанг майдонларида кўпгина садоқатли дўстлар топганларини айтди. Сўнгра уларга худди бир сирни ишонгандай большевик ёнғини Шарққа кўчганини, Ҳиндистонда аҳвол айниқса оғирлашаётганини, Панжобда исёнчилар билан қонли тўқнашувлар бўлаётганини гапирди. Генерал шу алфозда роппа-роса бир соатча гапни айлантиргач, ниҳоят, асосий мақсадга кўчди: Лондондан тўсатдан буйруқ олинганини ва британ қўшинлари кечи билан икки ҳафтадан кейин Закаспийдан чиқиб кетиши кераклигини хабар қилди.

Генерал ўзини осойишта тутишга қанчалик уринмасин, аммо аста-секин ҳаяжонни ошиб бориб, ниҳоят юзига урди: у қип-қизариб, туртиб чиққан энгагинга эмас, бутун вужуди билан титрай бошлади. Терлаган пешанасини артиб, ўтирганларга қарамай сўзини давом эттирди:

— Турган гапки, бу хабар ўзимиз учун ҳам кутилмаган бир ҳол бўлди. Лондонга юборган телеграммалар ва хатлар тўғрисида гапириб ўтирмайман. Мен Лондонга ҳеч нарсани яширмай, содир бўлган воқеаларни ўз ҳолича баён этиб, Туркистонда аҳвол оғирлигини, Закаспийда душманнинг ҳужумини қайтаришга қодир етарли куч йўқлигини, биз кетиб қолсак, Туркистонда аҳвол большевиклар фойдасига кескин ўзгариб кетишини айтдим. Бироқ ҳар кимнинг ўз ташвиши бор, деганларидек, Лондоннинг ташвиши ҳаддан зиёд кўп. Шу-

нинг учун икки ҳафта ичда Закаспийдан чиқиб кетиш тўғрисида буйруқ юборилган. Ўзларингиз тушунасизлар, ҳарбийларнинг иккита худоси бўлади: бири — кўкдаги яратувчининг ўзи, иккинчиси — раҳбарларнинг буйруғи!

Генерал нафасини ростлади-да, тингловчиларга гапни тамомлаганини ишора қилгандай қараб қўйди:

— Сизларга айтмоқчи бўлган гапларим мана шулар.

Меъ йиғилиш қатнашчиларини диққат билан кузатдим. Гуё улар бугунги учрашув яхшиликка олиб бормаслигини олдиндан билганга ўхшашарди. Чойнаклардаги иссиқ чойга бирон киши ҳам қўл тегизмади. Ҳамманинг юзида ташвиш, боши эгик. Полковник Ҳожимуродгина қўлини кўксига чамбарак қилганича, расомга сурат чиздираётгандай, қоматини ғоз тутиб, бошини кўтариб ўтирарди. У биринчи бўлиб гапирди.

— «Қочган қутулади, жойида қолган банди бўлади», деганлар. Сизлар кетсангиз, биз нима қиламиз, жаноб генерал?

Генерал учун Ўроз сардор жавоб берди:

— Сен ҳам қоч... йўл очик!

Ҳожимурод ҳам Ўроз сардорга худди шундай қаттиқ жавоб берди:

— Биз қочадиган бўлсак, сенинг ҳолинг ҳам вой бўлади. Чиранма! Мақтаниб, баландпарвоз гапларни айтишдан осони йўқ!

— Қим мақтаняпти? — Ўроз сардор ғазабдан портлаб кетгудек бўлиб гапирди.— Ёлғиз қолайлик... Ушанда ким мақтанчоқлигини кўрамиз!

Крутеня Ҳожимуродни ҳимоя қилмоқчи бўлди:

— Вақтлироқ ҳужумга ўтмасизми дейман, сардор?

Ўроз сардор жиркангандай унинг сўзини бўлди:

— Сен бизнинг гапимизга аралашма!

— Нега?

— Ҳм, нега эмиш... Сувни кўрмай, этигини ечяптику. Тағин: «Нега», деб сўрайди.

Ҳожимурод ўзини туюлмади:

— Биздан олдинроқ ўзинг ечмасанг бўлгани.

Маллесон бу даҳанаки жанг газак олиб кетишини тушуниб, аралашшга қарор қилди:

— Қизишиб одам бир-бирини тушуниши қийин бўлади. Асабларимизни бир оз босайлик!

Ўроз сардор индамай, ўз ғанимларига хўмрайиб, бир

нарса деб тўнғиллади-да, тескари бурилди! Ҳожимурод бир энтикиб қўйди. Крутения эса ғазабини папиросининг кўкиш тутуни орқали Уроз сардорга пуфлаб тарқатди.

Йиғилиш анчагача чўзилди. Узаро таъналар бўлиб, суҳбат гоҳ қизир, гоҳ янги куч тўплаб, алангаланиш учун тинчиб қоларди. Ниҳоят гап шу билан хотималандики, уч ҳуқумат аъзоси истеъфога чиқишларини баён қилдилар. Қолганлари эса бошларини этганича, индамай кабинетдан чиқиб кетдилар.

### 31

Мана, ниҳоят унутилмас, қайғули кунлар ҳам бошланди... Кетишимиз ҳақидаги хабар аввал шаҳар, кейин эса бутун ўлка бўйлаб тарқалди. Агар большевиклар тўсатдан Асхободга бостириб кирганларида ҳам бунчалик ваҳима бўлмас эди. Миссия биноси олдида эрта тонгданоқ энг мўътабар, ҳурматли одамлар йиғилди. Улгудек қўрқоқ бу одамлар кўз ёши қилиб, большевиклар қўлига ташлаб кетмасликни сўрадилар. Бироқ биз уларга нима ёрдам ҳам бера олардик? Бир йўл қолган эди— кабинетларимиздан чиқмасдан ўтирардик. Бу шўрнинг қургурларга қай кўз билан қараймиз?

Умримда бунақа аҳволга сира тушмаган эдим. Ташқи оламдан найзалар билан ажралиб, бир бурчакда лабни тишлаб олазарак бўлиб ўтиришдан бўлак илож йўқ. Эрталабданоқ қуёш ботишини кутасан: қуёш ботгандан кейин эса тонгга кўз тикасан.

Ҳар куни шу аҳвол...

Мана, яна бир кун ўтди. Мен эса бир дақиқа ҳам кўз юмганим йўқ. Ҳозиргина вокзалдан қайтдим. Бир неча минут ичида бажарса бўладиган оддий ишга ҳозир салкам бир кеча-кундуз вақт кетди. Красноводскка солдатлар тушган эшелонни жўнатиш керак эди. Машинистлар йўқ. Уйларини қулфлаб, бола-чақалари билан аллақаёққа ғойиб бўлишибди. Бутун шаҳарни ағдар-тўнтар қилиб, минг машаққат билан икки кишиникина топдик. Шунда ҳам улардан бирини нариги дунёга жўнатишга тўғри келди, иккинчисига эса тўппонча ўқталиб, зўрлаб паровозга ўтқаздик. Солдатлар, қуроли ва ўқ-дори ортилган яна бир состав қолди. Ушани ҳам жўнатсак азоб-уқубатларга хотима берардик. Худога минг қатла шукур, дердик.

Ҳўрозлар тонгин қаршилаб қичқираётганда навбатчи офицерга соат саккизда уйғотишни буюриб, ечинмай кабинетимдаги диванга ўзимни ташладим-да, шу заҳоти ухлаб қолдим. Бироқ ташвини ва ҳаяжон уйқумда ҳам типчилик бермади: алаҳсиб чиқдим, аввал Зимин билан сўкишдим, сўнгра темирйўлчиларга ёпишдим. Шу орада эшик тақиллаб қолди.

Элен кирди. У шўрлик ҳам шу вақт ичида жуда ҳолдан тойган. Сўлиган юзи оқариб, кўкиш рангга айланган, узун кичриклари орасидан кўзлари маънос бёқарди. Эленнинг олдинги бир гапириб, ўн кулишидан асар ҳам қолмаган эди. Аммо барибир ўзини бардам тутарди. Ҳамма нарсанинг охири бўлганидек, кетиш олдидадан бўлаётган бу ташвишлар ҳам тугаётган эди.

Биз Элен билан жуда яқинлашиб кетмаган бўлсакда, ҳар ҳолда унинг дўстона муносабатини доим ҳис этардим. Юраги мен билан эди. Бу эса жуда муҳим: миссияда мен учун махфий нарса йўқ, генералнинг қўмондонликка йўллаган энг махфий сирларнинг мазмунидан ҳам хабардор эдим. Юқоридан келадиган телеграмма ва хатларни эса баъзан ҳатто генералдан ҳам олдин ўқирдим. Мана, бугун ҳам Элен чарм папкани олдимга қўйиб:

— Ҳали генерал кўргани йўқ,— деди.

Папкани очиб, унда ётган телеграммани шошилмай ўқий бошладим. Телеграмма Симлидан келган эди. Қўмондонлик бундай деб хабар берарди: Афғонистоннинг янги амири Омонуллохон Ҳиндистон вице қироли лорд Челмсфордга иккинчи марта расмий мактуб билан мурожаат этиб, Афғонистонни тўла ҳуқуқли мустақил давлат сифатида тан олишни талаб этди ва илгари тузилган барча шартномаларни бир томонлама бекор қилди. Телеграммада ҳозир Ҳиндистон билан чегарадош жойларда афгонлар Буюк Британияга қарши қўпоровчилик ишлари олиб боришаётгани кўрсатилган эди. Қўмондонлик Афғонистонни билладиган офицерлардан группа тузиб, уч кун ичида мамлакатнинг шимолий қисмларига юборишни буюрган эди.

Телеграмма шу ерда узилган экан.

Мен Элендан:—Охири қани?—деб сўрадим. У совуққонлик билан кулди:

— Охирини большевиклар еб қўйишибди.

— Бу нима деганингиз?

— Гаудан яқинида телеграф симлари яна узилган. Телефон ҳам ишламаяпти. У ёққа машина юборилди. Тайёрланинг! Яқин орада телеграмманинг давоми келади.

Навбатчи офицер кириб, мени генерал сўраётганини айтди. Элен кабинетига, мен эса Маллесон олдига чиқиб кетдим.

Дераза ортида ҳали туман тарқалмаган эди. Аммо ҳаво илиқ, қиш тамоман чекинаётгани сезиларди. Дарахлар яшил либосга бурканмоқда, муздан бўшаган ердан униб чиққан гиёҳлар баҳор шабадасида майин тебранарди. Ҳозир машинага ўтириб олиб, шаҳардан ташқарига, чўлга, ям-яшил тепаликлар томон жўнасанг. Астойдил дам олсанг, соф ҳаводан нафас олиб, тўйиб-тўйиб қувонсанг, ўтган кунлардаги бутун азоб ва машаққатлар унутилган бўларди... Аммо бунақа сайр ҳақида ўйлаш у ёқда турсин, кўчага чиқишни ҳам хаёлга келтириб бўлмасди!

Маллесон мени кабинетининг ўртасида туриб кутиб олди ва ташвишланиб гапира бошлади:

— Уроз сардор катта телпак кийиб олган бир тўда овсарларни бошлаб келибди. Уларни ўзингиз қабул қила қолинг. Айтинг, гап сотмай, иш қилишсин. Ҳамма нарса ҳал бўлган. Ҳеч қандай ёрдам беролмаймиз!

Чиндан ҳам миссия қабулхонасида ўндан ортиқ катта телпак кийган туркман эшик очилишини пойлаб ўтирарди. Киришим билан ҳаммалари бирдан ўринларидан туриб, мен билан қуёқ сўраша бошладилар. Фақат Уроз сардоргина ўрнидан турмай, менга таъна билан қарарди. У, афтидан, генералнинг ўзи келишини кутаётган эди, шекилли. Мен ҳали ўтирганим ҳам йўқ эди, сардор нима сабабдан келганини қисқа қилиб тушунтирди:

— Мен генерал жаноб олийларини оқсоқолларимиз билан таништирамоқчи эдим. Нима, у бир ёққа кетганми? Мен совуқ жавоб бердим:

— Жаноб генерал бетоблар. Юраклари ёмон бўляпти. Врачлар бир неча кун ўриндан турмасликни айтишган.

Уроз сардор жавобимдан қаноатланмади шекилли, у қўй кўзларини катта-катта очиб, ишончсизлик билан менга қаради. Сўнгра оғир хўрсиниб бошини қуйи солди. Мен уни тезроқ гапга солмоқчи бўлдим:

— Борди-ю унга биров илтимосингиз бўлса, айтинг, қулоғим сизда. Барча илтимосингизни, айнан, жаноб олийларига етказаман.

Ҳамма индамай Уроз сардорга қараб ўтирарди. Ҳамма унинг сўзига маҳтал турганини тушунди шекилли, бирдан бошини кўтариб, қатъийлик билан гапира бошлади:

— Мана шу ерда ўтирганлар, жаноб полковник, қабилаларнинг ҳурматли оқсоқоллари. Буларнинг орасида гўкланлар ҳам, ёвмудлар ҳам... текинлар билан сариқлар ҳам бор... Уларнинг айтгани — бутун туркманларнинг айтгани... Уларнинг истаги — бутун туркманларнинг истаги... Биз сизга юрагимизни очишга, бутун туркман халқининг орзу-умидларини айтишга келдик...

Сардор ҳаяжонланганидан оғир нафас олар, томоғига тикилаётган нарсани ютишга ҳаракат қиларди. Йўталиб, томоғини қирди-да, сўзини давом эттирди:

— Биз, жаноб полковник, салкам қирқ йил оқ подшо соясида яшадик. Ёмонлик кўрмадик. Оқ подшо бизга бойлик берди, биз эса унинг содиқ қуллари эдик. Аммо энди омад ҳам, бахт ҳам рус тупроғини тарк этди. Эртага большевикларнинг кули кўкка созурилди, деб фараз этайлик... Бизга ким ҳомийлик қилади? Зиминга ўхшаган бефаҳм сиёсатдонларми? Йўқ! Тақдирингни шунақа одамлар қўлига топшириб яшагандан кўра, тупроққа қоршииб кетганинг яхши!

Сардор яна томоғини қириб қўйди. Сўнгра ҳамқишлоқларига бир қараб олиб, сўзини давом эттирди:

— Биз сизга бутун халқ номидан илтимос билан келдик: бизни ўз ҳомийликларингизга қабул этинглар! Буюк Англия давлати мусулмонларга алоҳида ҳомийлик қиляпти, деб эшитдик. Бизни ўз ҳимояларингизга олинглар! Бизни ҳам қўллаб-қувватланглар! Оғир дамда ташлаб қўймайинглар. Жилла бўлмаса шу ерда қолган қўшинларингизни олиб қолинг! Одамлар кетмаганларингизни кўришса бас. Қолган ишни ўзимиз қилаверамиз...

Сардор атрофида ўтирган одамларга тағин бир қараб қўйиб, янада ҳаяжонга тушиб, баланд овозда сўради:

— Шундай эмасми, одамлар?

Ҳамма ёқдан маъқуллаш овозлари эшитилди.

Биз ўзимиз ҳам Закаспийда, номигагина бўлса-да, бир оз кучларни қолдиришни ўйлаган эдик. Бу ерда таянадиган одам бўлмагач, бир неча офицер, уч юз ёки тўрт юз солдат нима ҳам қила оларди?

Генерал айтганидай, гапни айлантирмай, тўғриси айтдим:

— Масала ҳал бўлган. Биз Закаспийда битта ҳам солдат қолдиришга ҳаққимиз йўқ. Буйруқ шунақа!

Уроз сардорнинг бошидан биров қайноқ сув қуйгандай бўлди. У ўрнидан санчиб турди-да, нафаси бўғизга тикилиб, жаҳл билан гапира бошлади:

— Унда генерал жаноб олийларига айтиб қўйинг: сизлар кетишингиз билан ўша куниёқ биз ўз отлиқларимизни фронтдан олиб кетамиз. Зимин ўзини ўзи ҳимоя қилаверсин!

Жуда жаҳлим чиқиб кетди. Қандай қилиб жаҳл чиқмасин? Бу муттаҳамлар бизга дағдаға қилиб қўрқитишмоқчи: «Биз истеъфо берамиз... Қўшинларимизни олиб чиқиб кетамиз...» худди бизнинг ерларимизни ҳимоя қилаётгандай. Тантиқ ўйнаш каби савдолашадилар, қўрқитадилар!

Мен охирида сардорнинг яхшилаб адабини бермоқчи бўлдим. Сигарета тутатдим-да, унга тикилиб туриб, дилимдагини шартта-шартта юзига айтдим.

— Эшитишимча, сардор, отангиз, марҳум Дикма сардор — бошда руслар билан урушган, кейин эса барибир уларга бўйин эгган экан. Оқ подшо унинг итоаткорлигини юксак баҳолаган: амал берган, сахийлик билан мукофотлар тақдим этган. Балки сиз ҳам большевиклардан мукофот кутаётгандирсиз? Балки сиз ҳам, улар сизнинг хатти-ҳаракатларингизни маъқуллашларига умид боғлаётгандирсиз?

Сардор лом-лим демади. Мен ўша қатъийлик билан давом этдим:

— Дўстона огоҳлантириб қўймоқчиман, хато қиялмасиз. Қўпол хато қиялмасиз! Большевиклар сизни... биринчи навбатда худди сизни — дуч келган симёроғча осишадди.— Уроз сардорнинг гўштдор юзлари тортишиб кетди. Мен давом эттирдим:— Бу — масаланинг бир томони. Энди иккинчи томонига қулоқ солинг. Эртага большевиклар Закаспийга бостириб келишса, Зимин чамадонларини кўтариб, шаталоқ отиб қолади. У ҳеч нарса йўқотмайди. Россияга қочади. У ёқда генерал Деникин, атаман Дутов бор... Уни қўллаб-қувватлайдиган, одам топилади. Сиз қаёққа борасиз? Афғонистонгами? Ёки Эронгами? Агар ўша ёқлардан бошпана топман, деб ўйлаётган бўлсангиз, унда ҳовлиқманг... У ерга қачон борсангиз сизга бирон иссиқ жой топиб берман!

Уроз сардор гужанак бўлиб олиб, қалтираб кетди. Мен нигоҳимни ундан олиб қочиб, анча юмшаб, давом эттирдим:

— Мусибат — турлича бўлади — бири кичикроқ, бошқа бири каттароқ. Мана, сизга оддий бир мисол. Сиз Закаспийда учта катта дарё борлигини биласиз. Жайхун<sup>1</sup>, Мурғоб ва Ҳирируд. Мурғоб билан Ҳирируд тошиб кетган тақдирда ҳам катта офат келтирмайди. Уларнинг йўлини тезгина тўсиб қўйса бўлади. Аммо тошқин Жайхун кўтарилса-чи?.. Унда катта офат бўлади. Уни ҳеч ким тўхтатолмайди. Большевиклар эса, ўзингизга маълум, даҳшатли оқим. У бутун дунёни бузиш хавфини солиб турибди. Сиздан яширадиган жойим йўқ: большевизм ташвиши Ҳиндистонгача етиб борди. Хитойга кириб борапти. Одамзоднинг кўпчилиги ўша ёқда. Агар большевиклар Ҳиндистонда, Хитойда томир отишса, дунёдан ҳеч нарса қолмайди. Унда сизнинг Туркистонингиздан ҳам, Россиядан ҳам ном-нишон қолмайди... Шунинг учун ҳам биз ўша ёққа шошиляпмиз. Бу ерда большевикларни тор-мор этган куниёқ қайтиб келамиз. Ташвишланманг: сизни бало домига ташлаб қўйиб, ўзимиз осойишта ухламоқчи эмасмиз. Сўнги нафасимиз чиққунча сиз билан бирга курашамиз!

Уроз сардордан бошқа ҳамма ўтирганлар маъқуллаб бош ирғашди:

— Омин!

— Омин!

Мен киришим билан генерал ўрнидан туриб, зўрма-зўраки қулиб, гап бошлади:

— Табриклайман, полковник!

— Нима бўлди?

— Биз яна Симили ихтиёрига ўтамиз!

— Ростданми?

— Ҳа... Афғонистонга ҳам борамиз!

Генерал менга таниш чарм папкани олдимга қўйди.— Телеграмманинг охирини қабул қилишипти. Мен уни яна бир бор диққат қилиб ўқидим. Сўнгра таажублангандай бўлиб, генералга қарадим:

— Яна шошилишч! «Уч кун муҳлат...» Узингиз ўйланг, бу уч кун ичида нима қилиб бўлади?

Генерал кабинетида бир оз у ёқдан бу ёққа юрди,

<sup>1</sup> Ж а й х у н — Амударё.

сўнгра тўсатдан тўхтаб, савол назари билан менга қаради:

— Мен, ҳайронман, полковник. Ленин шоҳларнинг илдизига болта уряпти. Бу тентак Омонulloхон дастлабки кунданоқ унга ўз вакиллари юбормоқчи. Унинг ҳомийлик қилишига умид боғляпти. Бунга нима дейсиз?

Афғонистондаги аҳвол менга Маллесондан кўра равшанроқ эди. Мен генералга янги амир атрофига миллатчилик кайфиятидаги одамлар уюшиб олган бўлиши мумкинлигини, у фурсатдан фойдаланиб бизга қарши исён кўтариши эҳтимолдан холи эмаслигини айтдим. Сўнгра унга туркман оқсоқоллари билан бўлган учрашувни гапириб бердим. Шулар ҳақида узоқ гаплашиб ўтириб қолдик. Пировардида генерал менга узоғи билан бир кундан кейин бутун миссиянинг ҳамма шифрлари ва махфий ҳужжатларини Машиҳадга олиб боришни топширди. Сўнгра менга тикилиб туриб, деди:

— Екатерина тўғрисидаги планларингизга қарши эмасман. Аммо эҳтиёт бўлинг. Дружини орқали ҳаракат қилинг.

Генералнинг олдидан чиққач, йўлга ҳозирлик кўра бошладик...

Бугун ҳаво бехосдан айнади. Пешиндан кейин шимолдан вазмин булутлар келиб, бутун осмонни қоплади. Ёмғир томчилай бошлади. Кечга борганда эса осмоннинг жавабаси тутиб, ерни сахийлик билан сугора бошлади.

Мен кабинетимда капитан Тиг-Жонсни пойлаб ўтириб, лампа ёғдусида большевикларнинг хитобномаларини кўздан кечирар эдим. Энди маҳаллий большевиклар ошкора бош кўтариб, кечасию кундузи ҳаракат қилаётган эдилар. Биз ҳам кучимиз борича, кетгунимизча уларни лоақал Асхободда тугатишга барча чораларни кўраётган эдик. Қимки шубҳа солса,— транспортдами, фабрикадами, босмаҳонадами,— ушланиб, қамоққа ташланаётган эди. Деярли ҳар бир чорраҳага соқчилар қўйилган бўлишига қарамай, мана, варақалар пайдо бўляпти!

Бизни бир нарса айниқса ташвишлантираётган эди: кейинги кунларда ҳукумат қўшинлари орасида «Ёш офицерлар гуруҳи» номидан варақалар пайдо бўла бошлади. Аввал биз, бу большевикларнинг иши, деб ўйладик.

Бироқ кейинчалик солдатлар орасида бошқа гуруҳ иш олиб бораётгани аниқланди. Арслонбеков ёрдамида биз унинг марказини топдик. Бунда мени бир нарса таажжублантирарди: бу гуруҳга Екатерина ҳам алоқадор бўлиши эҳтимоли бор! Ҳар ҳолда шу нарса жуда ҳам аниқ эдики, биз кузатаётган бир офицер билан учрашиб туради. Буни охиригача текширишга энди фурсат қолмаган эди. Биз капитан билан шу кечасиёқ гуруҳинигина эмас, балки уни қўллаб-қувватлаётганларнинг ҳаммасини қўлга олишга қарор қилдик. Бу тадбирни кечаси соат бир яримда тугатишни белгиладик. Ҳозир соат ўн икки ярим бўлган эди.

Элен келди. Миссиямизнинг бошқа ходимлари билан бирга у эртага Асхободдан кетиши керак. Кайфияти анча дуруст. Кеч бўлганига қарамай, юзида ҳорғинлик аломати сезилмас, кўзлари шодон порларди.

Элен Лениннинг столим устида ётган босма суратини кўриб қолди. У суратни қўлига олиб, диққат билан кўздан кечира бошлади. Сўнгра ундан кўз узмай, секин гапирди:

— Маданий, ўқимишли одамга ўхшайди... Жуда ақлли киши бўлса керак!

— Тагин севиб қолмагин!— Мен Лениннинг бошқа суратини кўрсатиб, унга кулиб қарадим:— Элен! Ҳозир у шу ерга кириб келса, нима қилар эдинг?

Элен суратга яна бир қараб олиб, жавоб берди:

— Мен нима қилардим, буни билмайман-ку, аммо сен, бир ўқ узиб, қаҳрамон бўлиш мақсадида тўппончангга қўл чўзардинг!

— Хо-хо-хо! Бир ўқ узиб дейсанми?

— Ҳа... Сиз билан генералга Ленин уйқу бермай қўйган. Унинг қанча суратини ёқиб ташладик. Буларни ҳам ўтга ташлаймиз. Эртага эса янгиларини йиға бошлаймиз. Менимча, Ленинда илоҳий бир куч бор. Ўзи Москвада туради... Руҳи эса бутун оламни кезади...

Мен кўзимни қисиб Эленга қарадим. У бекорга бундай қилмаганимни тушуниб, қўшиб қўйди:

— Нотўғри гапиряпманми? Сен ҳам шундай деб ўйлайсан. Лекин бунга иқдор бўлгинг келмайди. Мен сиёсатдон эмасман, бинобарин дилимдагини очиқ гапирман. Аммо ёлғиз сенга айтаман!

Элен чиндан ҳам мен билан доим очиқ гаплашар, қўрқмай мунозара қилар: бирор ноҳўя гап айтганида

ҳам барибир орамизда қолишини биларди. Ҳозир у ҳақиқий гапни айтди. Ленин бизга тинчлик бермаётгани ҳам, унинг руҳи бутун оламни кезаётгани ҳам тўғри...

Мен ўрнимдан туриб, Эленга сигарета тутдим, у сигаретани олиб, ингичка бармоқлари билан эзиб юмшати-да, бошини кўтармай гапирди:

— Чарлз! Сендан бир илтимосим бор эди. Дўстона бир илтимос... Йўқ демайсанми?

— Олдиндан ваъда беролмайман. Айт, балки йўқ демасман.

Элен яна бирпас жим турди. Сўнгра тик боқиб, гапира бошлади:

— Екатеринбургани тинч қўй. Унга жуда раҳмим келяпти. Озмунча кулфат чекдими? Ота-оналари у ёқда қийналяпти, ўзи бу ёқда... Қийналиб турганда эридан ажралди... Сенга ҳам ҳеч қандай ёмонлик қилгани йўқ, аксинча, самимият билан севгисини ҳадя этди. Ишон: энди у қучоғингга кирмайди. Унинг ўрнида мен ҳам шундай қилган бўлардим!

Мен ҳазил билан қутулиб кетмоқчи бўлдим:

— Сен қучоғимга кирмаслигинг мумкин, чунки сен мени ҳали билмайсан. Аммо у...

— Ҳазилингни қўй, Чарлз. Мен сенга жиддий гапиряпман. Сен уни қайси йўл билан бўлмасин, ўзингга қаратиб олдинг, деб фараз этайлик. Кейин-чи? Агар ўйлаганинг амалга ошмай, у илгаригидай қаршилик қилса-чи?

— Қаршилик қилмайди!— Энди мен тамоман жиддий гапира бошладим.— У мени лақиллатдим деб хурсанд бўляпти шекилли. Кўрамиз, ким кимни лақиллатишини!

Тиг-Жонс кирди. Элен негадир капитанни жуда ёмон кўрар ва у пайдо бўлган жойдан тезроқ қочишга ҳаракат қиларди. Эшик очилиши билан у индамай чиқиб кетди. Мен тезда ўрнимдан туриб, капитан гап бошлашини кутмай, ўзим сўрадим:

— Хўш, нима гап? Ишлар қалай? Яхшими? Капитан оғир хўрсиниб жавоб берди:

— Биргина одамни қўлга туширдик. Биласизми кимни? Князь Дубровинский деган оғайнингиз бормиди?

— Ҳа.

— Ушани... Оёғи яраланибди.

— Бошқалари-чи?

— Бошқалари қочинди. Ҳаммалари қуроолланган эди. Арслоббеков икки еридан яраланди.

— Икки еридан яраланди? Жиддийми?

— Ҳа. Госпиталга олиб кетишди. Афтидан, Екатеринбургна ҳам ўша ерда экан. Бироқ уни топшолмади. Бутун уй ва ҳовлини ағдар-тўнтар қилиб кўрдик. Ҳар қалай тун қоронғилигида сирғалиб чиқиб кетганга ўхшайди. Дружинининг одамлари уни қўшни ҳовлилардан қидиришяпти.

Князь ҳақидаги хабар тўғриси айтсам, мени астойдил таажжублантирди. Шу ерларга келишга журъат этади, деб ўйламаган эдим. Афтидан, чиндан ҳам большевикларга қўшилганга ўхшайди. Екатеринбургани ҳам йўлдан урган. Мен шу топдаёқ князни кўришга қарор қилдим ва капитанга уни сўроққа олиб келишни буюриб, ўзим тунги тадбирларнинг натижаларидан хабардор этиш учун генерал олдига кетдим. Маллесон афсусланиб бош чайқаб, деди:

— Вақт йўқ. Агар лоақал бир ҳафтагина вақтимиз бўлганида эди... Унда қидирувни кучайтириш мумкин эди.

Генералнинг олдидан чиқиб, тўғри сўроқ қилинадиган хонага бордим. Князь ўриндиқда оёғи боғлиқ, ярим ёнбошлаб ўтирарди. Шунга қарамай, мен киришим билан қаддини ростлашга уриниб ҳарбийчасига честь берди. Мен унга қаттиқ тикилиб туриб:

— Ҳа, қадрли князь! Шу ерда экансиз-да?

Князь қуруқшаб қолган лабларини ялаб, менга осойишта қаради. У тамоман ўзгарипти. Озғин, шушбичим юзини ўзига ярашиб турган ўсиқ соқоли қоплаган, мўйловини каттароқ қўйипти. Кўзида пенсне ялтиларди. Жуда одми кийинган, устида қоматига ёпишиб турган кул ранг костюм, оёғида қора туфли. Мен князнинг бошидан оёғигача разм солиб, ўша заҳарханда оҳангида давом этдим.

— Бухоро тўғрисида тўқиганингни ўқидим, муҳтарам князь. Ўзингиз ёздингизми ёки ёрдамлашишдими?

— Ўзим ёздим!

— Шунанга қобилиятингиз борлигидан беҳабар эканман. Ҳа, майли, бу ҳақда кейин гаплашамиз. Ҳозир мени бошқа нарса қизиқтиряпти: большевиклар тўрига қачон илина қолдингиз?

Ҳаво айниганиданми ёки кун бўйи йўл ҳозирлигини кўриб тинмай югурганимданми, бошим қаттиқ оғрий бошлади. Миям тарс ёрилай дерди. Юрагим харсанг бо-саётгандай гаш эди. Бир неча соатдан кейин эса йўлга чиқиш керак. Естиққа икки марта бош қўйиб, ухланга ҳаракат қилдим, аммо бўлмади. Бўлмагур фикрлар, осмонни қоплаб турган оғир булутлар сингари, мени эзарди. Ҳамма нарса тугаб, тезроқ жўнашни истардим.

Навбатчи офицер Дружкин келганини хабар қилди. Қабулхонага чиқдим. Министр дастрўмоли билан кўзларини артиб, сочларини қўли билан тараб, ўзини тартибга келтираётган эди. Мен киришим билан у ҳаяжон билан гапира бошлади:

— Жаноб полковник, Екатеринаани тополмадик.

— Нима бало, ер ютдими уни?

— Худо билади! Қидирмаган жойимиз қолмади. Кунни билан ёлғиз ўшани қидирдик.

Екатерина билан князни ўзим билан олиб кетмоқчи эдим. Ҳозир эса терговга вақт йўқ эди. Князни маҳаллий оғайниларимиз ихтиёрига ташлаб кетишдан қўрқаман. Очигини айтсам, уларга ишонмайман. Шунинг учун ҳам ўзимнинг одамларимни ҳам, Дружкиннинг одамларини ҳам оёққа тургизган эдим. Мана, бир кунлик ҳаракат ҳеч нарса бермапти, князнинг маслакдошлари ҳам, Екатерина ҳам топилмапти. Нима қилиш керак?

Мен овоз чиқариб, шу саволни қайтардим:

— Ҳўш, энди нима қиламиз, жаноб министр?

Дружкин қатъий жавоб берди:

— Хотиржам бўлинг, жаноб полковник... Топамиз! Узоққа бормаган. Шу ҳафта ичида уни Машҳадга етказиб бораман. Ишонинг!

Дружкин билан хайрлашдим, мен билан бирга кетадиган ходимларни йиғиб, сўнги топшириқларни бердим-да, хонамга кетдим. Кун бўйи тортган азобларим голиб келди, ўринга ётдим, қаттиқ уйқуга кетдим.

Элен келмаганида ҳали-вери, уйғонмас эканман...

Тонготарда йўлга тушдик. Ёмғир тинган бўлса-да, оғир булутлар тарқалмай ҳамон даҳшат солиб турарди. Кўчалар лой, от ва хачирлар оёқларини зўрға кўтариб босишарди. Шаҳар ҳали ширин тонготар уйқу оғушида: атрофда бирор тирик жон кўринмасди.

Қимматбаҳо юкларни бир неча хачирга юклаб, индамай тун қоронғилигига шўнғиб кетдик. Юкларнинг кўпи ҳали шаҳарнинг жанубий чеккасида жойлашган казармада эди. Биз билан кетадиган отлиқ соқчилар ҳам ўша ерда кутишарди. Ҳозир биз фақат пул ва махфий ҳужжатларни олиб кетаётган эдик.

Туннинг қоронғи пардаси ортига беркиниб, кундузги ёғдудан кўрқадиган қароқчилар тўдаси каби жон ҳовучлаб, атрофга олазарак бўлиб қараб борардик. Нега? Бирор жиноят қилиб қўйдикми? Мен генерални кундузи очик, бошимизни мағрур кўтариб кетишга кўндирмоқчи бўлдим. Аммо у «Бутун шаҳар йиғилиб чиқади, ҳамма ёқдан бизга лаънатлар ёғилади», деб кўнмади. Нима қипти? Йиғилиб чиқаверсин, лаънатлайверсин... Шарқда айтганларидек «Итнинг лаънатлагани бўрига хавф солмайди». Бекорчилар галаси бизга лаънат ёғдирган билан қиличимиз ўтмаслашиб қолармиди! Бунақа кетиш эса ўтакетган шармандалик. Буюк Британиянинг енгилмас қўшинлари ўзига тун қоронғилигини ҳамроҳ этиб, яширинча чиқиб кетяпти. Уят!

Биз тезда шаҳарнинг жанубий чеккасига кириб бордик. Икки юзга яқин отлиқ бизни казарма рўпарасидаги йўлда пойлаб турган экан. Бир қисм отлиқлар олдинга юрди, қолганлари кетимиздан кела бошлади. Биз тонг отмай, тоққа етиб олишни мўлжаллаётган эдик. Ортиқча хавф йўқ. Большевиклар таваккал қилиб бунақа отрядга ёпирилмасликларини билардик. Аммо барибир юрагимиз жуда безовта эди. Мен орқага қарагим келмас, олдиндан кўз узмай қараб борардим: хаёлларим эса Капетдоғ оша Машҳад атрофида кезарди. Ўзимга ўзим савол берардим. Э худо, бу дайди ҳаётнинг охири бормикин?

## ХОТИМА

Ўтган йили худди шу пайтда мен Ҳиротда эдим. Унда йўл очиқ, истаган томонга боришим мумкин эди. Ҳеч ким йўлимни тўсмасди. Энди эса ҳар куни минг қиёфага кириб, турар жойимни ўзгартириб туришим керак... Атиги бир йил ўтди! Аммо шу қисқа муддат ичида бутун дунё неча марталаб чок-чокидан сўкилди, ақл бовар қилмайдиган воқеалар содир бўлди. Хаёлимга эрк бериб узоққа бориб ўтирмайман. Кейинги уч ойни эслашнинг ўзи кифоя, шунда ҳам бош ғувиллаб кетади. Бу — ожизлик аломати деб ўйламанглар! Йўқ! Бу ёғи ўзларингизга ҳавола!

1919 йилнинг 26 мартада мен Асхободдан Машҳадга бордим. Йўлда ўлкамни қаттиқ шамоллатиб, қарийб бир ой ётиб қолдим. Апрельнинг охирида Арслонбеков билан бирга Ҳиротга йўл олдим. Учинчи майда эса қўшинларимиз Афғонистонга юриш қилди, шиддатли жанглар бошланди.

Бу уруш биз учун осонлик билан тугамаслигини сездик, чунки афгонларни қўллаб-қувватлайдиган кучлар бор эди. Бу — большевиклар. Омонуллохон тахтга ўтирганига бир ой бўлмай, Москвага нома йўллади. Ленин ҳам, радио орқали берилган жавоб хатида дўстлик қўлини узатишга тайёр эканлигини маълум қилди. Бутун дунёни ларзага келтирган большевик, революционер ва Афғонистоннинг ёш такаббур амири бизга қарши ягона фронт очдилар! Бунинг устига Ҳиндистонда ҳам аҳвол яхши эмасди. Большевиктик ёнғин унинг узоқ ерларига ҳам етиб борган эди. Аммо барибир биз афгонларни

тезгина ҳовридан тушириб қўйишга имонимиз комил эди. Ахир бизнинг ихтиёримизда жангларда чиниққан ярим миллионлик армия бор, уларда эса аслида хозирги замон техникаси билан қурулланган мунтазам армия ҳам йўқ эди.

Зиммамга жуда оғир вазифа тушган эди: мен большевиктик Туркистон томондан афгонларнинг эҳтимоли бўлган қўллаб-қувватланишининг олдини олиб, мамлакатнинг шимолий вилоятларида қўпоровчилик ишларини олиб боришим керак эди. Турган гапки, бу осон иш эмас. Бироқ бу гал омадим келди: йигирматача ёрдамчи билан бир неча операцияларни муваффақиятли амалга оширдим. Афсуски, уруш узоққа чўзилмади. Учинчи июнда афгонлар билан ярашиш сулҳи имзоланди. Яна Лондон бевақт чекинди, яна биз калтак еган бўлиб қолдик.

Бугун ўн тўртинчи июль. Мозори Шарифдан минг бир азоб билан Ҳиротга келдим ва Абдурраҳмоннинг дўстларидан бирининг шаҳар чеккадаги ҳовлисига тушдим (унинг ўзи уруш бошланиши билан қамоққа олинган эди). Чой устида уй эгаси менга большевиклар тўққизинчи июлда Асхободни ишғол этганларини айтди. Бу хабар мен учун кутилмаган воқеа бўлгани йўқ. Мен у ёқдаги оғайниларимиз узоқ туриб қолишларига ишонмасдим. Лекин бошқа нарса таажжублантирарди: дунёнинг ярмини тиз чўқтирган давлат эндиликда мутғасил чекинмоқда. Оч ва чувринди қизил армияни маҳв этолмаяпти. Она сути оғздан кетмаган амирни жазолай олмаяпти. Нега? Мисли кўрилмаган бу чекинишнинг сабаби нимада?

Қадимий донишмандлардан бири айтган экан: «Худодан кўрқадиган одамга ҳамма нарса ваҳм солади: ер ҳам, сув ҳам, ҳаво ҳам, осмон ҳам, зулмат ҳам, ёруғлик ҳам». Мен, албатта, большевиклардан ортиқча кўрқмайман. Аммо улар ҳақидаги ўй бутун вужудимни қамраб олиб, кечасию кундузи менга типчлик бермаётганини ҳам инкор этолмайман. Назаримда большевизм, жуда тез тарқаладиган даҳшатли юқумли касалдай бутун дунёни: ерни ҳам, сувни ҳам, ҳавони ҳам, осмонни ҳам эгаллаб олгандай эди. Бўлмаса у қандай қилиб бир неча кун ичида Ҳиндистон чангалзорларига етиб олиб, Европани босиб ўтиб, Нью-Йорк кўчаларига кирар эди? Қандай қилиб?

Савол кетидан савол келади. Менга тинчлик бермай қўйган бу фикрлардан миям ғувиллайди, Яхшиси, ётиб ухлаш керак. Соат тунги иккига яқинлашипти. Узоғи билан уч-тўрт соатдан кейин, кун оқара бошлаши билан Қандаҳорга жўнаб кетишим керак. У ердан олисларга йўл тутишим, яна воқеалар гирдобига шўнғиб кетишим керак. Э худо! Бу дарбадарлик қачон тугаркин? Ишонинг: чарчадим... Итдай чарчадим!..

## ТАРЖИМОНДАН

«Яхши ёзилган китоб узоқ яшайди, барча яшовчан нарсаларни эса етарли бўлмаган асосларсиз инкор этиш мумкин эмас».

Истеъдодли туркман ёзувчиси Қилич Қулиев қаламига мансуб «Қора қарвон» романининг сўнгги саҳифаларини таржима қила туриб, беихтиёр Михаил Александрович Шолоховнинг юқоридаги сўзларини хотирладим, бир зум тин олиб, хаёлан асар воқеаларига, қаҳрамонларнинг ички дунёсига разм солдим. Қўз олдимда ёзувчи тасвирлаган давр бутун машаққатлари билан жонланди, қулоқларим остида икки қутб сннгари бир-бирига қарама-қарши икки гуруҳ одамлар овозларининг акс садоси баралла эшитилгандай бўлди. Қалбимда уларнинг бир гуруҳига нисбатан ғазаб ва нафрат учқунлари алангаланса, ўзининг бутун борлиғи билан инсоният бахт-саодати йўлида жон тиккан иккинчи гуруҳга нисбатан меҳр ва муҳаббат жўш урди.

Тарих гўё тилга киргандай ўша давр воқеалари сари етаклади, шу мавзуда ёзилган бадий асарларни эсладим. Ҳар бирининг ўзига хос томонларини чамаладим. Бироқ аллақандай бир қудрат мени «Қора қарвон» сари етаклади. Назаримда бу — ёзувчи санъатининг қудрати, китобхонни ўз идеалига ишонтира олишидир.

Маълумки, Урта Осиёда чет эл ҳарбий интервенцияси ва гражданданлар уруши мавзуи адабиётимиз учун янглик эмас. Бу мавзуда Совет Шарқи ёзувчилари неча марталаб қалам тебратганлар. Аммо Қилич Қулиевнинг «Қора қарвон» романи бу мавзуни ёритишда муносиб ҳисса бўлибгина қолмай, балки у форма жиҳатидан ҳам янгиликдир. Роман ўзига хос услубда яратилган. У биринчи шахс — инглиз разведкачиси — ўз қўмондонлигининг топшириғи билан Бухоро амирлиги ва Совет Урта Осиёсига хатарли сафарга чиққан полковник Чарлз Форстер номидан ҳикоя қилинади. Воқеалар ривожланиб борган сари Форстер ва унинг атрофини ўраб олган инглиз миссияси корчалонларининг қиёфаси тобора чуқурроқ очилади.

Бу ўринда китобхон инглиз интервентларининг қўғирчоқлари — оқ гвардиячилар ҳукумат бошлиғи лавозимида ўтирган Фунтиков ва Зиминлар хатти-ҳаракатини эсласа кифоя. Худди ана шунда Форстер юзидаги ниқоб тамоман олиб ташланади, унинг чинакам қиёфаси фош этилади, қонга ташна йиртқич ва қотил, ирқчи ва ўта маккор мустамлакачилиги яққол намоён бўлади. Хуллас, мустам-

лакачи инглиз газандаларининг аристократия ниқобига ўралиб, инсонпарварлик билан қилаётган «хайр-эҳсонлари» ва «эзгу ният» йўлидаги «халис хизматлари»нинг миси чиқиб, шармандаю шармисор бўладилар ва меҳнаткашлар, миллий-озодлик ҳаракати ҳамда социалистик революциянинг ашаддий ва қонхўр душманлари тарзида намоен бўладилар. Инглиз разведкачилари Совет Туркистонда илдиэ ота бошлаган янги тузумнинг куртаклари нақадар бақувват эканига аста-секин имонлари комил бўлиб, бунга қатъий ишонч сошил этсалар-да, аммо яланғочланган заҳарли қиличларини қинига солмайдилар, большевистик ҳаракатни бўғмоқчи бўлиб, сўнги тал-васага тушадилар.

Бироқ инглиз миссиясининг Ашхободдаги планлари тамомила барбод бўлгани ёруғ кундай равшан бўлиб қолади. Ана шундагина инглиз қўшинлари қуёш нуридан қочган кўр шапалаклар сингари Ашхободдан тун зулматида чиқиб кетадилар. Аммо қонли қиличлари ҳамон яланғоч эди. Форстерни Афғонистон ва Шимоли-ғарбий Ҳиндистонга жўнатадилар. Октябрь революцияси бу ўларда ҳам миллий-озодлик ҳаракатининг кучайишига туртки берган эди. Бу ерларда ҳам Форстерга қайси йўл билан бўлмасин Шарқ халқларининг миллий ва социал қайта вужудга келишига ҳалақит бериш, қўпорувчилик ишлари олиб бориш вазифасини топширилган эди.

Шундай қилиб, романда фаолияти Урта Осиёдаги граждандар уруши тугагандан кейин ҳам давом этган империализмнинг газандаллиги кенг кўламда очиб ташланади. Романининг яна бир муваффақияти шундаки, инглиз интервентларининг маккор ва жирканчилиги разведкачи Форстернинг ҳарбий ва «дипломатик» кирдорлари мисолидагина эмас, балки унинг «шахсий» ҳаётидаги мурдорликлар мисолида ҳам фош этилади.

Форстернинг Екатерина билан муносабатларини хотирланг: бу ночор аёл чет эъларда дарбадарлик бўсағасида турганда, Чарлз чангалга тушади. Екатеринанинг асл мақсади маишат ва энгил ҳаёт қидириш эмас эди. Йўқ, у Петербургда қолган ота-онанин бориб кўриш иштиёқида ёнар эди. Форстер Екатеринани қўлга олгач, ундан ўзининг жосуслик ишларида фойдаланмоқчи бўлади. Бироқ рус аёли олдида ожизлик қилади. Уни ўз муддаси йўлида хизмат эттира олмайди. Форстер билан Екатерина ўртасида бўлиб ўтган суҳбат вақтида Екатеринанинг киноя билан айтган мана бу сўзларига эътибор беринг:

— Қилган яхшиликларингизга яна қандай мукофот кутяпсиз? Айти қозинг, қарзимни узишга ҳаракат қиламан... Мендан нима истайсиз? Сизга жосуслик қилишим керакми? Розиман. Ҳозиргина Дохов генералини мақтаб: «Жуда яхши одам экан-у»— деди. Сизга раҳми келиб: «Шўрлик у ҳам бахтини тополмаганга ўхшайди...»— деди. Э худойим, тагин нима деган эди у? Ҳа, Фунтиковни сўкиб: «Ҳалитдан хазинага қўл чўзаяпти...»— деди. Яна: «Узоққа боролмайди»— деб айтди. Мана шуларнигина гапирди. Сизга маъқулми?

Роман ҳақида фикр юритганда совет контрразведкачиси Кирсановнинг юксак олижаноблигини гапирмай ўтиб бўлмайди. Кирсанов образида ўз ҳаётини олий мақсад — коммунизм қуришга бағишлаган, халқ иши учун чинакам фидойи, революцион ғояларга чексиз содиқ шахс гавдаланган. Кирсановнинг она тупроғини ҳимоя этиб, маккор ёвга айтган сўзларини эшитган китобхон ич-ичидан қувона-

ди, унинг жасоратига, ақл-идрокига тасанно айтади. Мана ўша диалог:

— Уз айбингизни ҳис этиб турганингиз учун умид боғламаяпсиз. Сиз — жиноятчисиз!

— Сира!— дея жавоб берди Кирсанов осойишта.— Кулгили ҳол. Сиз Буюк Британия фуқароси мустақил давлат чегарасини буздингиз... Хукуматга қарши унсурлар билан учрашяпсиз... Уларни исёнга, қонуний ҳукуматни ағдариб ташлашга ундаяпсиз. Мен эса шу ҳукуматнинг вакили сифатида эҳтиёт чорасини кўряпман. Бошқача қилиб айтганда, ўз ҳукуматим, ўз халқимнинг манфаатларини ҳимоя этипман. Қани айтингни: қай биримиз жиноятчи? Қимнинг қўлига кишан солиниши керак?. Мангик қаёқда қолди?

Авторнинг воқеаларни контраст қўйиш услубидан ўринли фойдалана билгани, қиёслаш йўли билан эса образлар бир-бирини тўлдириб боришига эришгани асарнинг муваффақиятли чиқишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган. Бу ўринда Форстернинг Кирсанов ва Асадуллахон билан алоҳида-алоҳида бўлиб ўтган суҳбатлари жуда характерлидир. Кирсанов ўз ватанини ҳимоя этиб, интервентга қанчалик кучли зарба берса, Асадуллахон афғон ерида туриб, социалистик тузумни, унинг адолатпарвар ва халқпарвар сиёсатини жон-жаҳди билан ҳимоя этади, инглиз мустамлакачилик сиёсатини қаттиқ қоралайди ва Форстерни мот қолдиради.

— ... Яқинда мен Эрон консули билан суҳбатлашдим. Ундан Советлар рус қўшинларини Эрон территориясидан олиб чиқиб кетганини, илгариги рус банки, Жулфа-Табриз темир йўли, Паҳлавий порги, Машҳад билан Сиистон ораллигидаги телеграф линияси, хуллас Эрон территориясида русларга нимаки тегишли бўлса, ҳаммаси Эрон ҳукуматига бепул қайтарилганини, барча концессиялар бекор қилинганини эшитдим. Шунини муттаҳамлик деб айтяпсизми?— Мен жим туриб чекардим, хон эса давом эттирди:— Айтингни, Лондон шундай қилишга журъат эта олармиди? У Буюк Британияга қарам бўлган мамлакатларга лоақал бир кунга озодлик, барча миллатларга тенгхуқуқлилик эълон қила оладими, ўша мамлакатларга нимаки тегишли бўлса, ҳаммасини қайтара оладими? Бундай қилолмайди. Буни сиз мендан яхшироқ биласиз. Нимага қилолмаслигини ҳам биласиз,— худди ана шу ҳақиқат юрагингизга маъқул тушмаяпти. Мен юрак билан ақлнинг бошқа-бошқа иш тутуши тўғрисида бекорга гапирганим йўқ.

Шуни ҳам айтиш кераки, ўз халқининг келажагига қатъий ишонч билан боқадиган, Совет Иттифоқининг тинчликсевар сиёсати, В. И. Ленин декретларига хайрихоҳлик билан қарайдиган Асадуллахон образи жозибадор ва пишиқ яратилган. Асадуллахон орқали китобхон бутун афғон халқининг Совет тузуми ҳақидаги фикр-ўйларини уқиб олади. Совет ва афғон халқлари ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатлари Октябрь революциясининг дастлабки кезлариданоқ бошланганини қониқиш билан ҳис эта олади.

Романда сиз ортиқча деталларга дуч келмайсиз. Аммо Урта Осиё ва Афғонистоннинг Шимоли-ғарбий қисмидаги аҳолининг турли қатламлари билан тўқнашасиз, бир ёқда меҳнаткашларнинг ғарибона ва қашшоқ ҳаёти сизни қанчалик ташвишга солса, қутурган хон ва амирлар, бек ва мулкдорларнинг жафокаш халқ қонини зулукдай сўраётганини кўриб, қалбингиз ғазаб ва нафрат билан тўлиб тошади. Автор ана шундай контраст ҳаётнинг характерли

томонларини асарнинг бошидан охиригача жуда изчиллик билан очиб боради, давр манзарасини ёрқин бўёқларда чизади. Хирот вайроналаридаги дарвиш билан учрашув эсингизда бордир. Ундан нега тарки дунё қилиб, бу вайроналарда юрганчини сўраганларида дарвишнинг мантқиқ тўла мана бу сўзлари ҳар қандай одамни ҳам ҳаяжонга солади: «...Атрофни ўраб олган қайғу-алам фиғонининг тутунни кўзимдан нарида,—қулоқларим бахти қаро ожиз одамларнинг қалб тўридан отилиб чиқаётган нидосидан холи. Шуниси борки, салла йўқ, кафш йўқ... Қорним бир кун тўқ, икки кун эса оч... Аммо виждоним пок. Шунинг ўзи менга кифоя. Балки сиз ичингизда мендан кулаётгандирсиз. Эҳтимол: «Дарвиш... Тентак... Жоҳил...» деяётгандирсиз. Кулаверинг, бунга ҳаққингиз бор. Мен ҳам куламан,—бузуқлик, номуссизлик, қабиҳлик устидан куламан».

Еки Машҳаддаги Қизил имом масжиди олдидаги мудҳиш манзарани хотирланг. Автор енгил штрихларда бева-бечораларнинг ночор аҳволини баён этади, Форстернинг жирканч қиёфасини алоҳида таъкидлаб кўрсатади.

Қилич Қулиев олдида турган энг оғир вазифалардан бири инкор этиб бўлмайдиган тарих ҳақиқатини ваҳший интервентлар тилидан иқрор қилиб гапиртириш эди. Автор бу вазифани тўла уддалай олган. Большевишнинг ашаддий душманлари ҳам Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг чирик тузуми бошдан-оёқ чириб, инқирозга юз тутганини, миллатчилар, оқ гвардиячилар ва босмачилар халқни талаб, хонавайрон ва гадо қилганини ўз кўзлари билан кўриб, бунга иқрор бўладилар ва жабр-зулм ошган сари меҳнаткашларнинг меҳр-муҳаббати Советлар ҳокимиятига беқиёс ошиб бораётганини ўз кўзлари билан кўриб, даҳшатга тушадилар. Бу жиҳатдан Форстернинг қуйидаги сўзлари характерлидир: «Қадимги донишмандлардан бири айтган экан: Худодан қўрқадиган одамга ҳамма нарса ваҳм солади: ер ҳам, ҳаво ҳам, осмон ҳам, зулмат ҳам, ёруғлик ҳам. Мен, албатта, большевиклардан ортиқча қўрқмайман. Аммо улар ҳақидаги ўй бутун вужудимни қамраб олиб, кечасию кундузи менга тинчлик бермаётганини ҳам инкор этолмайман. Назаримда жуда тез тарқаладиган даҳшатли большевизм бутун дунёни: ерни ҳам, сувни ҳам, ҳавони ҳам, осмонни ҳам эгаллаб олгандай. Бўлмаса у қандай қилиб бир неча кун ичида Ҳиндистон чангалзорларига етиб олиб, Европани босиб ўтиб, Нью-Йорк кўчаларига кирар эди? Қандай қилиб?.. Савол кетидан савол келади. Менга тинчлик бермайдиган бу фикрлардан миям гувиллайди...»

Ҳа, большевизм чиндан ҳам форстерларни ваҳимага солиб, миясини гувиллатиб қўйди. Бугун Англия ва Америка тарғиботчилари, ҳозирги замон «советологлари» социалистик революциянинг Урта Осиёдаги ғалабасини жон-жаҳдлари билан сохталаштиришга ҳаракат қилмоқдалар, туркман ёзувчисининг «Қора карвон»ида келтирилган фактлардан тамоман кўз юмишга уринмоқдалар. Қилич Қулиев романининг гоаят муҳим томони, актуаллиги, унинг кенг оммалашиб бораётганининг боиси ҳам шунда.

Мен фикримнинг якунида ҳам Михаил Александрович Шолоховнинг доно сўзларини келтирмоқчиман. Буюк санъаткор: «...Ўз китоблари қаҳрамонлари даражасидан юқори кўтарила олмаслик ҳақиқий асарларнинг дунёга келишига монелик қилади»,—деган эди.

Туркман ёзувчиси Қилич Қулиев ўз қаҳрамонлари даражасидан юқорига кўтарила олди. Унинг муваффақиятининг бош омили худди шундадир. Ёзувчи қаламга олган масалаларни жуда атрофлича ва чуқур билган, бой ҳаёт тажрибасига эга бўлган олим ҳамдир. Қилич Қулиев тарих фанлари кандидати, Туркманистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси. У узоқ йиллар давомида Афғонистон, Эрон ва Тунисда совет дипломати сифатида иш олиб борган. Шунингдек, бадий ижод соҳасида ҳам бой тажриба тўплаган. Унинг «Қопеттогнинг нариги томонида», «Оғир дамлар», «Ғолиб жазoirлик» сингари китобларида давримизнинг энг муҳим масалалари бадий ифодасини тошган. Шунингдек, «Амир элчиси» драматининг автори. «Қора карвон» романи эса Улуғ Октябрь социалистик революциясининг эллик йиллиги муносабати билан эълон қилинган конкурсда республика мукофотини олишга сазовор бўлди.

Ҳозир автор «Амир элчиси» номли трилогиянинг биринчи китоби устида ишламоқда.

САЪДУЛЛА ҚАРОМАТОВ.

*На узбекском языке*

ҚЛЫЧ ҚУЛИЕВ

## Черный караван

Роман

Перевод осуществлен по  
«Роман-газете», № 4, 1972

Редактор *Х. Мансурова*

Рассом *П. Воронкин*

Расмлар редактори *А. Кива*

Техн. редактор *В. Барсукова*

Қорректор *Ш. Собирова*

Босмахонага берилди 7/Х-1974 й. Босишга рухсат  
этилди 7/II-1975 й. Формати 84x108/32 Босма л. 11,75.  
Шартли босма л. 19,74. Нашр. л. 20,98. Тиражи 15000.  
Р. 09348. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат  
нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома  
№ 162-73.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Наш-  
риётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйи-  
ча давлат комитетининг Тошкент полиграфкомбина-  
тида № 1 қорозга босилди. Тошкент, Навоий кў-  
часи, 30, 1975 йил, заказ № 219. Баҳоси 78 т.